



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

# САМАРҚАНД ТАРИХИ

ИККИ ТОМЛИК

МАСЪУЛ МУҲАРРИР

И. М. МЎМИНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

В. А. АБДУЛЛАЕВ, М. У. АМИНОВ, Р. Х. АМИНОВА, Ҳ. З. ЗИЯЕВ,  
Ҳ. Ш. ИНОЯТОВ, Б. В. ЛУНИН, М. К. НУРМУҲАМЕДОВ,  
К. О. ОҚИЛОВ, М. О. ОХУНОВА, Ф. Р. РАШИДОВ, И. И. УМ-  
НЯКОВ, А. Ф. ЯЦИШИНА, Т. Н. ҚОРИНИЕЗОВ. Я. Ф. ҒУЛОМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТАРИХ ВА АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# САМАРҚАНД ТАРИХИ

БИРИНЧИ ТОМ

ҚАДИМ ДАВРЛАРДАН ТО УЛУҒ ОКТЯБРЬ  
СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИГАЧА

ТОШКЕНТ — 1971

«Самарқанд тарихи»нинг I томи қадим даврлардан то Улуғ Октябрь революциясигача бўлган давр тарихини ўз ичига олади.

Мазкур томда Самарқанднинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши, ундаги синфий ҳамда озодлик кураши, социал, иқтисодий-сиёсий вазият, революцион ҳаракат ва маданий ҳамда илмий ҳаёт тарихи ёритилган.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## КИРИШ

Самарқанд — цивилизациянинг қадимий шаҳарлари ва марказларидан бири бўлиб, бутун дунё маданияти ва фани тараққиётига катта ҳисса қўшди. Ўзбек халқи, Ўрта Осиёнинг барча халқлари бой ва шонли тарихга эга бўлган Ўрта Осиё халқларининг моддий ва маънавий ҳаётида катта роль ўйнаган Самарқанд шаҳри билан ҳақли равишда фахрландилар.

Совет ҳокимияти йилларида Самарқанд Ўзбекистоннинг муҳим саноат ва маданий маркази бўлиб қолди. Ўзбекистон КП МК нинг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти Навоий номли Самарқанд Давлат университети билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига бағишлаб икки томлик «Самарқанд тарихи»ни нашрга тайёрлади.

Биринчи томни ёзишда қуйидаги авторлар иштирок этдилар: «Самарқанд 2500 ёшда» — ЎзССР ФА академиги И. М. Мўминов, I боб — тарих фанлари кандидати А. Асқаров ва доцент Д. Н. Лев.

II боб: 1-бўлим — ЎзССР ФА академиги Я. Ғ. Ғуломов ва тарих фанлари кандидати Г. В. Шишкина; 2-бўлим — тарих фанлари кандидати А. Муҳаммаджонов; 3—4-бўлимлар — тарих фанлари доктори В. А. Лившиц; 5-бўлим — тарих фанлари кандидати С. К. Кабанов ва Ш. С. Тошхўжаев, III боб: 1-бўлим — Я. Ғ. Ғуломов; 2, 3, 4-бўлимлар — тарих фанлари кандидати Т. Қодирова; 5-бўлим — А. Муҳаммаджанов; 6-бўлим — тарих фанлари кандидати Л. И. Альбаум. IV боб: 1-бўлим — тарих фанлари кандидати М. Н. Федоров; 2-бўлим — тарих фанлари кандидати Б. А. Аҳмедов; 3-бўлим — ЎзССР ФА мухбир аъзоси Р. Н. Набиев, СССР ФА мухбир аъзоси А. Ю. Якубовский; V боб: 1-бўлим — И. М. Мўминов; 3-бўлим — тарих фанлари кандидати Р. Г. Муқминова; 4-бўлим — ЎзССР ФА академиги Т. Н. Қоринийёзов 5-бўлим — ЎзССР

ФА академиги В. А. Абдуллаев ва филология фанлари доктори В. Валихўжаев; 6-бўлим — ЎзССР ФА мухбир аъзоси Г. А. Пугаченкова; VI боб: 1 ва 3-бўлимлар — Р. Г. Муқминова, 2, 4 ва 6-бўлимлар — тарих фанлари кандидати М. М. Абрамов, Г. А. Пугаченкова; 5-бўлим — А. Муҳаммаджонов. VII боб: 1-бўлим — тарих фанлари кандидати М. Аминов ва Т. Саидқулов; 2 ва 3-бўлимлар — тарих фанлари кандидати С. А. Ақромов; 4-бўлим — тарих фанлари кандидатлари Т. Саидқулов ва М. Фаттоев; 1-бўлим — тарих фанлари доктори Ҳ. Т. Турсунов; 6-бўлим — тарих фанлари доктори Ҳ. Ш. Иноятов; VIII боб ва Самарқанд тарихига оид библиографик кўрсаткич — тарих фанлари доктори Б. В. Лунин, киши номлари кўрсаткичини ва географик номлар кўрсаткичини З. Файзиева ҳамда М. Тўлагановалар туздилар.

## САМАРҚАНД 2500 ЕШДА

Самарқандни буюк Советлар диёрининг барча меҳнаткашлари ва ҳорижий эллар яхши билади. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари сингари Самарқанд ҳам кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Самарқанд — элликта саноат корхонасида ва кўплаб қурилаётган завод ва фабрикаларда меҳнат қилаётган ишчилар, инженерлар, техниклар, хизматчилар шаҳри; олтита олий ўқув юрти ва кўплаб ўрта ўқув юртларида хизмат қилаётган профессорлар ва ўқитувчилар шаҳри; давлат ва жамоат ташкилотларида, энергетика системаларида, коммунал корхоналарда, кооператив муассасаларда ишлаётган ходимлар шаҳридир.

Улкан арчалар, баланд тераклар ва асрий эман дарахтлари билан қопланган кенг К. Маркс кўчаси, Ленин проспекти, Тошкент кўчаси, университет олдидаги М. Горький хиёбони қадимий шаҳарнинг чиройига-чирой қўшиб турибди. Давлат опера ва балет театрининг кўркам биноси ва унга туташиб кетган кенг майдон — шаҳарликларнинг севимли оромгоҳларидан бири. Майдон яқинидаги баландликда қадимий Регистон жойлашган. Самарқанд меҳнаткашлари 1917 йилнинг ноябрида шу ерда тантанали ва қатъий оҳангда Революция бўлсин, реакция, помещик-буржуа мустамлакачилик тузуми эса йўқолсин деб баралла айтганлар. Уша пайтдан буён Самарқанд узра тинчлик ва социализм, озодлик ва халқлар дўстлиги рамзи бўлган Қизил байроқ улуг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини шарафлаб ҳилпираб турибди.

Советлар мамлакатининг ажралмас бир қисми бўлган Самарқандда шиддатли синфий курашда давлат ҳокимиятини ўз қўлига олган ва барча совет халқи билан биргаликда ленинча Коммунистик партия раҳбарлигида ҳақиқатан ҳам ажойиб ишларни амалга ошираётган халқнинг моддий ва маънавий кучлари равнақ топмоқда.

Меҳнаткаш омманинг меҳнати, зўр маҳорати, истеъдоди, даҳси туфайли бунёд этилган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг 2500 йиллигининг байрам қилиниши социалистик воқелигимизнинг ёрқин далилларидан биридир.

\* \*  
\*

Самарқанд бунёд этилган вақтдан то ҳозирги кунимизга қадар мураккаб тарихий йўлни босиб ўтди: у милоддан аввалги VII—VI асрларда Афросиёб харобалари ўрнида мудофаа девори билан ўралган қадимий қишлоқ эди, милоддан аввалги IV асрда Мароканда, милодий эранинг V—VII асрларида — Афросиёб, милодий эранинг XIII асригача Самарқанд — Симизкент ва XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрнинг пойтахти — Симизкент — Самарқанд деб аталди; XVI асрнинг охиридан то XIX асрнинг ўрталаригача Самарқанд Бухоро амирлиги, 1868 йилдан 1917 йилгача чор мустамлакаси таркибида бўлди ва ниҳоят Самарқанд Советлар замонасида.

Самарқанд ҳаётидаги ҳар бир тарихий давр ўз хусусиятларига эга бўлиб, замон руҳини ўзида акс эттиради.

Жаҳондаги барча шаҳарлар сингари Самарқанд ҳам инсоният жамияти тарихий тараққиётининг объектив қонунлари (ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши, ҳокимиятнинг марказлашуви ҳамда йирик давлатнинг вужудга келиши) асосида ташкил топди ва ривожланди.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, Самарқанд тарихини бешта асосий даврга бўлиб кўрсатиш мумкин: биринчи давр — уруғ-қабилачилик тузуми ва қулдорлик ижтимоий муносабатлари шакллана бошлаган, йирик аҳоли пункти сифатида шаҳарнинг вужудга келиш даври бўлиб, милоддан олдинги VIII—VII асрга тўғри келади, иккинчи давр — милоддан олдинги VI—IV асрлардаги қулдорлик даври ҳамда феодал муносабатларининг вужудга келиш ва ривожланиш давридан то XIII асргача бўлган вақтни ўз ичига олади.

1965—1968 йилларда Афросиёбда олиб борилган археологик қазини ишлари шуни кўрсатдики, бу давр мобайнида шаҳар территорияси ҳозирги «эски шаҳар» ҳисобига кенгайди, ammo шаҳарнинг асосий қисми аввалгидек Афросиёб территорияси бўлиб қолаверади.

Чингизхоннинг истилочилик юришлари натижасида 1220 йилда шаҳар ер билан яқсон қилиб юборилди ва сўнгра шаҳар Афросиёб чегарасидан ташқарида бўлган янги жойда, ҳозирги «эски шаҳар» территориясида яна вужудга келди. Самарқанд ҳаётининг янги (учинчи) даври XIV асрнинг охириларига тўғри келиб, бу даврда у Темурийлар давлатининг пойтахтига айланди.



Шаҳар ҳаётидаги тўртинчи давр Ўрта Осиёнинг Россияга кўшиб олиниши билан боғлиқ бўлиб, бу даврда ўрта асрга оид кўҳна шаҳар билан бир қаторда унинг Европа типидagi янги қисми ҳам пайдо бўлди.

Улуғ Октябрь туфайли революцион ҳаракат марказларидан, Ўрта Осиёда социалистик экономика ва маданиятни бошлаб берган шаҳарлардан бири бўлган Самарқанд тарихида ҳам янги эра бошланди.

\* \* \*

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги СамДУ нинг Д. Н. Лев раҳбарлигидаги археологик экспедицияси 1958—1968 йилларда ҳозирги шаҳар марказида, комсомол кўли территориясида жойлашган Самарқанд палеолит даври манзилгоҳида археологик қазилмалар ўтказиб, Афросиёб, Мароканда, Самарқанднинг энг қадимий даврига оид кўп маълумотлар тўплади. Бу маълумотлар Самарқанд манзилгоҳининг юқори палеолит даврига мансуб эканлигини, ёзма тарихдан анча илгари ҳам ҳозирги Самарқанд территориясида чақмоқтошдан меҳнат қуроллари тайёрлаган қадимги одамлар яшаганлигини кўрсатди.

Д. Н. Лев бундай деб ёзган эди: «Чўпонота тепалигида жуда кўп яшил чақмоқтош кони аниқланиб, Самарқанд манзилгоҳида топилган кўпгина қуроллар ана шу чақмоқтошдан ясалган. Манзилгоҳда яшаган одамлар ўзлари учун керак бўлган хом ашёларнинг бир қисмини худди шу жойлардан қазиб олишган деган тахминни тасдиқлаш учун бу ерда бундан кейин ҳам қазилма ишларини олиб бориш зарур».

1965—1968 йилларда қадимий Афросиёбнинг пастки қатламларини ўрганиш борасида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида бу ерда милоддан аввалги VII асрдаёқ кўп тармоқли ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривож топганлиги ва сертармоқ ирригация шохобчалари мавжуд бўлганлиги аниқланди.

1965—1968 йилларда ўтказилган археологик қазилмалар вақтида кўплаб сопол идишлар ҳамда бошқа уй-рўзгор анжомлари топилди, булар ўша давр ҳунармандчилиги ҳақида бой материаллар беради.

Сиёб сойи яқинидаги хандақлар билан ўралган тепаликда жойлашган Афросиёбнинг ўз қалъаси, мустақкам мудофаа деворли тўрт дарвозаси: Шимолий, Шарқий, Жанубий ва Ғарбий дарвозалари бўлган. Шоир Фирдавсийнинг ўлмас «Шаҳнома» асарида куйланган афсонавий Турон подшоси Афросиёб мазкур тепаликни кейинчалик ўз қароргоҳларидан бирига айлантирган бўлиши мумкин.

Юнон тарихчиларининг, шу жумладан, Квинт Курцийнинг маълумотларига қараганда, милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар босиб олган вақтда Самарқанд (айланаси 10 километрдан кўпроқ) мудофааси мустақкам, обод шаҳар, халқи эса мард, юсак маданиятли ва олижаноб бўлган. Юнон тарихчилари сўғдийларнинг македониялик Искандар ҳужумига қарши қаҳрамонона курашини, жумладан, сўғдийларнинг Спитамен бошчилигидаги курашини тасвирлаб ёзган асарларида Мароканда деб эҳтимол Самарқандни айтгандир.

Дарҳақиқат. 1965 йили Афросиёбдан топилган VII аср сарой залларидан бирининг деворидаги сўғдча хатда ҳам Самарқанд сўзи Смараканса шаклида учрайди. Сўғдшунос олимларнинг ёзишича, Мароканда Самарқанднинг қадимий Смараканса шаклидир.

Юнон тарихчиларининг ёзишича, македониялик Искандар милоддан аввалги 328 йилда Сўғдиёна пойтахти Марокандани забт этиб, уни вайрон қилган, сўнгра ўзининг ҳарбий гарнизони учун қалъани қайтадан тиклаган. Бобир македониялик Искандарнинг Самарқандни қуриши ҳақида ёзганида худди ана шу қалъани назарда тутган бўлса керак.

Кейинчалик Самарқанд Урта Осиёнинг бошқа жойлари каби македониялик Искандар саркардаларидан бири Салавк томонидан асос солинган Салавкийлар давлати, сўнгра эса маҳаллий оқсуяк ҳокимлар билан грек-македон ҳарбийлари иттифоқи асосида ташкил топган Грек-Бактрия подшолиги таркибига кирди. Милоддан аввалги иккинчи асрда бу давлат маҳаллий аҳоли, асосан кўчманчи қабилалар зарбаси билан парчаланиб кетди. Кейинчалик эса милодий эранинг бошида Грек-Бактрия подшолиги ўрнида Кушан қабилаларидан ташкил топган ва тарихий адабиётда Кушан подшолиги деб аталган давлат вужудга келиб, Самарқанд ҳам шу подшоликка кирди.

Г. А. Пугаченкованинг кейинги йилларда олиб борган тадқиқотларида келтирилган маълумотларга қараганда, бу подшоҳликнинг маркази ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий қисмида бўлган.

Ўша вақтда Самарқанд, шубҳасиз, ривожланган шаҳарлардан бири бўлган. В. А. Шишкиннинг Самарқанднинг ўша давр тарихига оид маълумотларини китобхонлар диққат-этиборига ҳавола қилмоқчимиз. В. А. Шишкин кўҳна шаҳарнинг шимолӣ қисмида Сиёб бўйида йирик квадрат шаклидаги ғиштлардан қурилган бинони қазиб топган. Бино бир неча хонали бўлиб, булардан бирида ўчоқ сақланиб қолган. Бу, афтидан, уйда ўтга топиниш учун олов ёқиладиган ўчоқ бўлган. Унда чиройли қилиб ишланган нафис сопол идишлар: узун сёқли қадаҳлар, турли шаклдаги коса ва кўзаларни кўп-

лаб учратиш мумкин. Археологик маълумотларга кўра, шаҳар милодгача ва милоднинг биринчи юз йиллигида анча-мунча ривожланган бўлган.

В. А. Шишкиннинг ёзишича, Кушан подшолиги дастлабки даврларда бой ва қудратли давлат бўлган бўлса ҳам, аммо тўхтовсиз ички жанжаллар ва доимий урушлар натижасида милодий эранинг III—IV асрларида чуқур инқирозга юз тутган. Бунда айниқса социал иқтисодий ўзгаришлар кўпроқ роль ўйнаган бўлса керак. Самарқанднинг шаҳар сифатидаги мавқеи милодий эранинг V—VI асрларида Ўрта Осиёда илк феодак давлатлар — бекликлар ташкил топгач кучайган. V асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда эфталитлар, ундан кейинги асрда эса турк хоқонлари ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам Ўрта Осиё феодак давлатларининг ички ишларига кам аралашганликлари ва буларнинг ички тараққиётига эрк берганликлари туфайли Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ва маданий тараққиёти янада юксалиб борди.

VII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда бўлган хитойлик элчи Вэй Цзе бундай деб ёзган эди: «Самарқанднинг барча аҳолиси моҳир савдогар; бола беш ёшга кириши биланоқ унга савдо ўргата бошлайдилар, ўқишни билиб олгандан сўнг уни савдо ишларини ўрганишга мажбур этадилар». Самарқандлик савдогарлар Еттисувнинг анча ичкарасига ва Хитой чегараларига етиб бориб, у ерларда савдо-сотиқ қилганлар.

1965 йилнинг баҳорида Афросиёбда ажойиб кашфиёт қилинди. Бу ерда VII асрда қурилган бой ва нуфузли феодаклардан бирига мансуб бўлган катта турар-жой биноси харобасининг бир қисми топилди. Баъзи хоналарнинг деворлари суратлар билан ёппасига безатилган бўлиб, уларнинг қолдиқлари ўша даврдаги мўйқалам соҳибларининг ажойиб санъатига муносиб баҳо бериш имкониятини туғдиради.

Шарқдаги бир қанча мамлакатларни ўзига бўйсундирган араб истилочилари ривож топаётган ва бой Самарқандга кетма-кет ҳужум бошлайдилар. Халифаликнинг Хуросондаги ноиб Қутайба 712 йилда Самарқандни ишғол қилади. Бу ерда истилочилар маълум аҳолининг араб истилочиларига қарши бирин-кетин бўлиб турган қўзғолонларидан қўрқа-писа яшардилар.

Қутайба 712 йили шаҳарда бир қисм қўшинларини қолдириб, Марвга қайтиб келганида, Сўғд аҳолиси шимолий вилоятлардан кўчманчи туркларни ёрдамга чақиради. Арабларнинг қўл остида фақат Самарқандгина қолади. Мамлакат арабларга бўйсунидан бош тортади ва натижада Қутайба кейинги йили мамлакатни яна қайтадан босиб олади. Лекин бу сафар ҳам араблар Сўғд территориясини бутунлай забт эта олмайди. Исёнлар кейинги ўн йилликлар мобайнида ҳам

давом этиб туради. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, араблар қўлида фақат Самарқанд ва яхши мустақамланган айрим пунктларгина қолган. VIII асрнинг 30-йилларида эса ғалаён кўтарган аҳоли Самарқандни озгина вақт бўлса-да, ёрдамга келган кўчманчи турклар билан бирга эгаллаб турган.

Истилочилар фақат ҳарбий куч билангина ҳаракат қилиб қолмаганлар. Араблар VII асрнинг биринчи ярмида Макка ва Мадина шаҳарларида вужудга келган янги дин—исломни аҳоли ўртасида ёйиш йўли билан ундан ерли аҳолини тутқунликда сақлаш воситаси сифатида фойдаланган. Араблар баъзи жойларда зўрлик ва таҳдид билан, баъзи ерларда турли сохта имтиёзлар, жумладан, исломни қабул қилганларни солиқлардан озод этишни ваъда қилиб, Урта Осиёда ислом динини ёйишга уринганлар. Улар оташпарастларга мансуб бўлган сўғдийларнинг эски ибодатхоналарини вайрон этиб, қоҳинларни таъқиб қилганлар.

X—XI асрларда яшаган ўрта осиелик машҳур олим Беруний бундай деб ёзган эди: «Хоразм ёзувини яхши билган, уларнинг ривоятларидан хабардор бўлган ва хоразмликлардаги мавжуд илм-фанларни ўргатувчи кишиларни Қутайба қириб ташлади ва турли қийноқ-азобларга солди». Истилочиларнинг маданиятидан шубҳасиз анча юқори турган маҳаллий маданиятга қарши кураш Сўғда ҳам олиб борилди.

IX асрнинг бошларида Самарқандда катта қўзғолон бошланди. Бу сафар маҳаллий аҳолининг ҳаракатига араб лашкарбошларидан бири Рафи ибн Лайс бошчилик қилди. Қўзғолон қарийб тўрт йил давом этди, лекин бостирилди.

Араб истилочилари бўйсунитишни истамаган Сўғд, Фарғона ва Шош аҳолисига қарши бир юз эллик йилдан ортиқ вақт қаттиқ кураш олиб борди. Бу кураш мамлакатни оғир аҳволга солиб қўйди, чунки деярли узлуксиз давом этган уруш ҳаракатлари мамлакатни хароб қилиб, вайронгарчилик келтирди, қишлоқ ва шаҳарларни йўқ қилиб юборди. Масалан, Панжикент шаҳри вайрон этилиб, аҳолиси шаҳарни ташлаб, янги жойга кўчиб кетишга мажбур бўлди.

Афросиёбда ўтказилган қазишмалар вақтида ҳам вайронгарчиликларнинг излари топилмоқда. Юқорида айтиб ўтилган ва деворларига суратлар чизилган бино, афтидан, анча вақтгача бўш қолиб, ҳеч ким турмаган бўлса керак. Номанум кимсалар, эҳтимол, араблар девордаги одамлар тасвирини кўриб, ислом дини тақиқ этган бундай суратларни пичоқ ёки бирор ўткир нарса билан бузиб ташлаган. Шаҳар территориясининг ҳаммаси бўлмаса ҳам анча қисми бир қанча вақт кимсасиз ҳувиллаб ётган, кейин самарқандликларнинг ўзлари, эҳтимол, вайрон этилган бошқа шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси кўчиб келиб, уни яна обод қилган деб фараз қилиш мумкин.

Араб халифалигидан озод бўлиш учун олиб борилган кураш Сомонийлар давлатининг ташкил топиши билан тугалланди. Самарқанд дастлаб бу давлатнинг пойтахти бўлиб турди, сўнгра IX асрнинг охиридан бошлаб, Исмоил Сомоний ҳукмронлик қилган даврда пойтахт Бухорога кўчирилди. Бироқ ўша вақтда ҳам Самарқанд Бухоро билан бир қаторда Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ва маданий маркази бўлиб турди.

IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрнинг, шу жумладан, Самарқанд аҳолисининг иқтисодий ва маданий ҳаёти анча юксалди. Вайроналар устида шаҳар янгитдан қад кўтарди, шу билан бирга, шаҳарнинг ўзи ҳам кенгайди, янги бинолар унинг ҳуснига ҳусн қўшди. Самарқанд кўҳна Афросиёб жойлашган бутун тепаликни эгаллади ва тўрт дарвозали баланд деворлар билан ўраб олинди. Шаҳардан жануброқда, Ҳазрати Хизр мачити яқинидаги Кеш дарвозаси нариги томонида бозор ва ҳунармандларнинг устахоналари бўлган савдо-сотик работлари вужудга келди. Шаҳар маркази аста-секин жанубга томон, ҳозирги вақтда Бибиҳоним мачити харобалари турган жойдан Регистонга ва Чокардиза маҳалласини ўз ичига олган ерларга ёйилди.

Лекин Афросиёб тепалигидаги шаҳарнинг кўҳна қисмида ҳам жўшқин ҳаёт давом этарди. Шаҳарнинг бу қисми Ҳазрати Хизр мачити яқинидан бошланадиган бир неча канал орқали сув билан яхши таъминланган эди. Каналларнинг бири тўппатўғри шимолга қараб, ҳозирги дарахтлар хиёбони томон оқиб баланд дамба бўйлаб қалъа тепалиги этагидаги жойларни кесиб ўтиб, сопол қувурлардан ясалган водопровод орқали шаҳарнинг шимолий қисмини сув билан таъминлаб турган. Бошқа икки магистрал канал ҳозирги вақтда Тошкентга ва аэропортга бориладиган йўллар томон оққан.

Кеш дарвозаси ёнидан бошланадиган асосий магистрал кўчалар каналлар ёқалаб кетган; ғарбий магистрал кўча Бухоро дарвозаси томон (Сиёб кўпригидан аэропорт йўналиши томон), ўрта магистрал кўча қалъа томон, шарқий магистрал кўча эса кўҳна шаҳар шарқи-шимолий бурчагида жойлашган дарвоза томон олиб борган. Қазииш ишлари вақтида Шоҳизинда томон ўтказилган яна бир канал қолдиқлари ҳам аниқланди. Каналлардан сув тақсимлайдиган кичик шохобчалар чиқарилган.

Сув тақсимланадиган жойга (Ҳазрати Хизр мачити ёнида) сув жанубдан, афтидан, Чокардиза маҳалласи орқали ўтган каналдан оқиб қелган бўлса керак. Бу маҳалла билан шаҳарнинг қадимий қисми деворлари ўртасидаги жой пастқам бўлганлиги учун қадимги ирригаторлар ўша давр учун ажойиб

иншоот қуришган ва натижада сув қадимий Римдаги машҳур водопроводлар сингари акведуклар (осма новалар) орқали ўтган. Осма новалар Қўрғошин билан қопланган бўлгани учун бу канал Жуи Арзиз («Қўрғошин ариғи») номи билан машҳур бўлган. Қадимий қурувчиларнинг юксак маҳоратидан далолат берувчи бу иншоот барпо этилган вақт санаси ҳали аниқ бўлмаса-да, ҳар қалай канал араблар истилосига қадар қурилган бўлса керак.

Шаҳарда чуқур қазилган қудуқлар кўп бўлган, чунки бу ерда ер ости сувлари ер юзасидан жуда чуқурда жойлашган.

Урта аср тарихчилари ва географларнинг ёзишича, ўша вақтдаги Самарқанд кўчаларига тош ётқизилган. Буни археологик тадқиқотлар тасдиқлайди. Чунончи, 1965 йилда кўҳна Афросиёб шаҳрининг марказий қисмида кўчалар очилиб, уларнинг кўпчилигига Чўпонотадан келтирилган сланец бўлаклари ётқизилган эди. В. А. Шишкиннинг илмий тадқиқотларидан келтирилган бу парчалар Самарқанднинг ўша даврдаги тарихини қисқа, аммо равшан ифодалаб беради.

Тарихчилар ва археологларнинг яқдиллик билан билдирган фикрларига кўра, деб ёзади В. А. Шишкин, Самарқанд 1220 йилнинг мартада янги, эҳтимол, энг даҳшатли воқеаларни бошидан кечирган. Ўша йилнинг февралида Бухоро ва Зарафшон водийсининг талай қисмини забт этган Чингизхон аскарлари шаҳарга яқинлашиб қолган эди. Ўша вақтда Урта Осиёнинг вилоятларини бирлаштириб ҳукмронлик қилаётган Хоразм шоҳи Муҳаммаднинг шаҳарни мустаҳкамлаш чораларини кўрганлигини Афросиёб деворларини ўрганиш иши кўрсатиб турибди. Деворларнинг маълум қисми тузатилган. Шаҳарнинг ўзида қўшин кўп сақланган (баъзи маълумотларга кўра 100 мингдан зиёд, айримларида қирқ мингга яқин қўшин бўлган, дейилади). Бироқ мамлакатда ҳукм сурган ички феодал низо-жанжаллар, шоҳлар билан уларга бўйсунмаган феодал лашкарбошилари ўртасидаги душманлик чинакамига мудофаа уюштириш имконини бермаган. Мўғуллар Самарқандни қамал қилганларидан кейин, шаҳарнинг қўшин бошлиқлари таслим бўлишга қарор қилганлар. Шаҳарнинг анча мустаҳкам бўлган шимол қисмидаги бир гуруҳ довиорақлар уни мудофаа қилишни давом эттирганлар. Лекин мўғуллар ҳужум қилиб, шаҳарнинг бу қисмини ҳам эгаллаганлар. Жоме мачитда яширинган минг кишига яқин сўнги ҳимоячилар қириб ташланган, мачитнинг ўзига ўт қўйилган.

Мачит жойлашган ерда олиб борилган археологик ишлар шуни кўрсатдики, мачит ёғоч устунлар билан ўралган тўғри бурчакли катта ҳовлидан иборат бўлган. Устун ва тўсинлар ўйма нақшлар билан безатилган. Нақш излари усти куйган ёғоч бўлақларида ҳозир ҳам яхши билиниб турибди.

Шаҳар шафқатсиз равишда таланган, Самарқандга шуҳрат келтирган минг-минглаб моҳир ҳунармандлар олиб кетилиб, Чингизхоннинг ўғиллари ва қариндош-уруғларига берилган. Ҳунармандлар уларнинг қўлларида қул сифатида ишлаган. Аҳолининг қолган қисмига катта ўлпон солинган.

Самарқандда бўлган Хитой сайёҳининг ёзишича, ана шундай даҳшатли урушдан кейин шаҳарда кўпи билан аҳолининг чорак қисми қолган. Тирик қолган аҳоли Самарқанднинг ҳозир «эски шаҳар» деб аталувчи ва илгариги савдо-сотиқ работи жойлашган шимолий қисмига ўрнашган. Афросиёб тепалигидаги шаҳарнинг қадимий қисми эса вайроналарга айланиб, у ерда қайтадан шаҳар тикланмаган. Афросиёб бундан кейин ҳаёт тикланмаслигининг, асосий сабабларидан бири, шубҳасиз, шаҳарни сув билан таъминлаб турувчи «Қўрғошин ариғи»дек ажойиб иншоотнинг мўғуллар томонидан бузиб ташланганлиги бўлган. Хароб бўлган ва таланган Самарқанд бу канални тиклай олмас эди.

Самарқанд XIII ва XIV асрларга келиб аста-секин, бироқ мунтазам равишда тикланиб борди.

Темур даврида Самарқандда катта қурилиш ишлари олиб борилди. Бунга қадар ўтган 150 йил мобайнида шаҳарда ҳеч қандай йирик қурилиш бўлмаган эди. Шарафуддин Али Яздий ва Темурнинг Самарқанддаги саройи қошида бўлган Испания элчиси (1403—1406 йиллар) Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам аён шу ҳақда ёзадилар. В. В. Бартольд жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, Темурнинг фикрича, Самарқанд жаҳонда биринчи шаҳарга айланиши керак эди. Самарқанд атрофида барпо этилган бир қанча қишлоқларга мусулмон мамлакатларидаги асосий шаҳарлар — Боғдод, Дамашқ, Миср, Шероз ва Султония номининг берилганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Қадимги юнон тарихчилари, солномачилари Самарқанд (Мароканда) ҳақида ёзганлар, шоир ва ёзувчилар унинг тўғрисида қўшиқ ва ғазаллар тўқиганлар, Шарқ ва Ғарбдаги кўпгина мамлакатларнинг саёҳатчилари ва олимлари бадиий ва илмий тафаккур маркази сифатида, халқ даҳосини асрлар давомида гавдалантириб берган, тасвирлаб қолдирган усталар, моҳир меъморлар, қўли гул бинокорларнинг ажойиб ҳамда саховатли ижоди маҳсули тўпланган жой сифатида унга қойил қолдилар. Бобир мирзо маълумотларига кўра, Самарқанднинг Феруза, Оҳанин, Шайхзода, Гозуристон, Сўзангарон ва Чорраҳа сингари дарвозалари бўлган, Самарқанд қалъаси деворининг ички айланаси 10 600 қадамга тенг келган.

Ҳозирги замон тарихчилари Темур феодал давлатидаги социал-иқтисодий муносабатларни ҳар томонлама ўрганиш ниҳоятда зарур эканлигини асримизнинг қирқинчи йилларидаёқ ёзган эдилар. Ушандан буён 25 йилдан зиёд вақт ўтди.

Бироқ, афсуски, мазкур проблема ҳақида ҳанузгача йирик илмий асар ёзилганича йўқ. Тарихий ҳужжатлар, жумладан, Темур давлатидаги чуқур синфий муносабатлар ва антагонистик зиддиятларни, сиёсий оқимлар ҳамда улар ўртасидаги курашни очишга бизга ёрдам берган бўлур эди.

Шайбонийхон бошлиқ кўчманчилар Ўрта Осиёни босиб олганларидан кейин Самарқанд ҳаётида янги давр бошланди. Шайбонийлар давлатининг пойтахти Бухорога кўчирилгандан кейин Самарқанд шаҳри унинг таркибида қолади.

Мовароуннаҳрни хонавайрон қилган феодал ички низожанжаллар ва Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга қилган юриши натижасида XVIII асрда Самарқанд яна бир бор ҳувиллаб қолди. XIV—XVII асрлар давомида бунёд этилган ажойиб мадраса ва мачит бинолари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Қаёққа боришини билмаган бир тўда оилаларгина шаҳар қалъасида кезиб юрди. Аммо шундан кейин ҳам шаҳар ўз қаддини яна ростлай бошлади ва XIX асрнинг ўрталарида қайтиб келган, шунингдек, бошқа вилоят ва районлардан кўчиб келган аҳоли ҳисобига шаҳарда ҳаёт қайтадан жонланди.

Н. В. Ханиковнинг XIX асрнинг қирқинчи йиллари бошида ёзган маълумотида қуйидагиларни ўқиймиз: «Шоирлар жаннат деб атаган Самарқанднинг аҳволи ҳикояларда айтилганидек ачинарли бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда у ўзининг ҳозирги ҳолатига келиши учун кўп қийинчиликларни бошидан кечириши керак эди. Шаҳар девори яхши сақланган бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклида, унинг шимолий томони сал кенгроқ эди. Унинг ғарб томонида баъзи номувозанатликлар кўзга ташлангани, бу ерда қалъа шаҳар деворидан анча узоқлашиб кетган. Бухоро девори сингари шаҳар деворида ҳам нишон туйнук ва буржлар қилинган, унинг баландлиги ва қалинлиги Бухоро девориникича келарди. Шаҳарда олтита дарвоза бўлиб, улар: 1) Дарвозаи Бухоро, 2) Дарвозаи Пайқобақ, 3) Дарвозаи Ҳазрати Шоҳизинда, 4) Дарвозаи Қаландархона, 5) Дарвозаи Сўзангарон, 6) Дарвозаи Хўжа Аҳрор деб аталарди. Шаҳарнинг айланаси ўн уч чақирим бўлиб, унинг майдони 2280000 квадрат саржинга ёки 2533,3 танобга тенг эди. Бу рақам Бухоро шаҳри эгаллаб турган майдондан 500 таноб зиёд бўлиб, у шаҳарда мавжуд бўлган боғлар ҳисобига тўғри келарди. Илгари вақтларда шаҳар эгаллаб турган майдон анча катта эди, шаҳарни ўраб турган деворнинг қолдиқлари ғарб томондан ҳозиргидан тўрт чақирим нарида жойлашган, шимол томондан эса деярли Зарафшонга қадар, яъни олти чақиримча бутун майдон Афросиёб қалъаси деб аталган вайроналар билан қопланган эди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шаҳар Темур тахтга чиқишидан олдин ҳам шундай майдонга эга бўлган. Темур даврида эса шаҳар майдони ҳозирдагидек эди. Фарқи фақат шундаки, унинг атрофида фойдаланилади»



ерлар ҳозиргига қараганда анча кўп бўлган, чунки бу ер-дан анча узоқда бир вақтлар Самарқанд атрофидаги боғларга туташиб кетган эски боғларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам учраб туради. Шаҳар Оғалиқ тоғининг шимолий этакларидан оқиб чиқадиган уч сой суви билан таъминланар эди. Биринчи сой суви шаҳарга Хўжа Аҳрор дарвозасидан сал Шарқдан оқиб кириб, қалъанинг шарқий ва шимолий деворларини айланиб ўтар ва Самарқанд атрофидаги экинзорга чиқарди. Иккинчи сой шаҳарга Сўзангарон дарвозаси яқинидан оқиб кириб, деворнинг шарқий томонидан оқиб чиқар ва учинчи сой сувига қўшиларди. Бу сув шаҳарнинг шарқий томонидан ўтиб, шимол томондан оқадиган Обимашҳад ёки ҳалқ тилида Обимашат деб номланган ариққа қўшилади. Оқар сув шу қадар сероб бўлишига қарамай, шаҳарда ҳовузлар ва қазилган ариқлар кўп эди, лекин ҳовузларнинг аниқ сони бизга маълум эмас. Шаҳарда тошдан ишланган иккита карвонсарой, уч ҳаммом бўлиб, булардан иккитасини Хўжа Аҳрор ҳаммоми, учинчисини эса Мирий ҳаммоми деб атайдилар. Шаҳарнинг кўркам диққатга сазовор асосий жойлари ўтмишдан қолган. Ҳозирги авлод мақтовга лойиқ бирор нарса қуриш у ёқда турсин, балки илгари бунёд этилганларини ҳам вайрон қилмоқда. Самарқанд қалъаси ғоят улкан; у Бухоро ва ҳатто Қаршидаги қалъалардан ҳам катта бўлиб, айланаси уч чақирим юз саржинга тенг. У эгаллаб турган майдон сатҳи 90 минг квадрат саржин ёки 100 таноб келади. Бу ерда Қутби Чаҳордуҳум қабристони, Амир саройи жойлашган. Мазкур саройда ҳар бир хон ўз амирлигида шубҳа туғдирмаслиги учун тантанали вазиятда ўтириши лозим бўлган машҳур кўк тош бор».

Хаников маълумотларига кўра, Самарқанд XIX асрнинг 40-йилларида, яъни шаҳар чоризм томонидан босиб олиниши арафасида ана шундай аҳволда эди.

Чор қўшинлари 1868 йилда Самарқандни забт этиши билан шаҳар қиёфаси анча тез ўзгариб кетди. Қалъанинг деворлари, дарвозалари бузилиб кетди, Самарқанднинг янги қисми асосини ташкил этувчи Европа типидagi янги қурилишлар юзага келди. Эски Самарқанддан Темурийлар даврининг бир неча йирик иншоотлари ва Афросиёбдаги вайроналаргина қолди, холос.

Бу даврда Самарқанд Тошкентдаги Туркистон генерал-губернаторига бўйсунган чор самодержавиеси мустамлака маъмуриятининг муҳим таянчларидан бирига айланади. Мустамлакачи маъмурлар кенг меҳнаткашлар оммасига миллий ва социал зулми янада кучайтирадилар.

Агар антик дунё шароитида Самарқанд Сўғдиёна пойтахти сифатида қуллар, ҳунармандлар ва деҳқонларни турли йўллар билан эксплуатация қилиш маркази бўлган бўлса, феодал ишлаб чиқариш усули ҳукмронлик қилган даврга ке-

либ деҳқон ва косибларни ҳар томонлама эзишнинг муҳим базаси бўлиб хизмат қилди, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида эса Самарқанд ва унинг округлари биргина социал зулмнинг эмас, балки миллий мустамлакачилик зулмининг ҳам маконига айланди. Бу даврда Самарқанд билан унинг атрофидаги қишлоқлар ўртасидаги қарама-қаршилик янги асосда чуқурлашди ва кучайиб борди.

Туркистонда Октябр революцияси ғалаба қозонгунгача ва мустамлака ёки ярим мустамлака ҳолатида бўлган Хива ва Бухорода халқ совет революциялари амалга оширилгунгача бу вилоятлар Россиянинг марказий областлари саноати учун ҳар хил хом ашё етказиб берувчи ўлка сифатида зўрлик билан тутиб турилди. Бу эса қолоқликни янада кучайтирди, Туркистоннинг мазлум халқлари ўртасида саноат пролетариатининг вужудга келиши ва ривожланишига тўсқинлик қилди.

Эксплуататор табақалар шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари, турли миллат вакиллари орасида адоват ва низо чиқаришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Улар шаҳарликларга деҳқонларни «сахройи музафаҳм» — дашт одами, авом, калтафаҳм кишилар деб кўрсатишга уринардилар.

Шаҳар меҳнаткашларининг аҳволи ҳам ниҳоятда оғир эди. Ҳунармандлар яшайдиган маҳаллаларда қашшоқлик ва касаллик ҳукм сурарди. Халққа тиббий ёрдам кўрсатиш ва улар учун касалхоналар қуриш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Шаҳарнинг кўчалари тор, қинғир-қийшиқ бўлиб, дарахтлар ўтқазилмаган, уйлар деразасиз, паҳса девордан қурилганди. Дам олиш жойлари ва боғларга оддий халқ киритилмасди. Ариқлардан оқаётган сувни ифлос қилиш жуда катта гуноҳ ҳисобланса ҳам, аҳолини тоза сув билан таъминлаш энг мушкул масалалардан бири эди. Ҳовузлар турли касалликларни тарқатувчи сон-саноқсиз микроблар уяси эди.

XIX асрнинг 70 ва 80-йилларида Самарқанд шаҳрининг янги қисми бунёдга келди, бунда чоризмнинг ҳарбий мустамлакачилик маъмурияти жойлашди. Эски шаҳарда эса маҳаллий ҳукмдорлар қолишди. Эски шаҳарда ҳунармандчилик (шойи тўқиш ва ҳ.к.) асосий ўрин эгаллар, янги шаҳарда эса завод ва фабрикалар барпо этилиб, ишчилар синфи вужудга кела бошлаган эди. Шаҳарнинг эски қисмида ислом дини ҳукмронлик қиларди, янги шаҳарда эса христиан динини тарғиб қиладиган муассасалардан ташқари, рус-тузем мактаблари, кутубхоналар, музейлар, кинотеатр ва шу каби маданий-оқартув муассасалари пайдо бўла бошлайди; агар шаҳарнинг эски қисмида эски услубдаги уйлар сақланиб қолган бўлса, янги қисмида Европа архитектураси асосида янги бинолар қурила бошланган эди.

Самарқанд шаҳрининг эски ва янги қисмлари ўртасида чегара бўлиб, у чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати туфайли белгиланган ва халқлар ўртасида адоватни кучайтиришга қаратилган эди.

Кулдорлик, феодал тузумлари даврида ва чоризм вақтида ҳукм сурган антагонизм шундан иборат эдики, Самарқанд, бир томондан, Сўғдиёна, Мовароуннаҳр, Туркистоннинг маданият, илмий фикрлар маркази бўлса, иккинчи томондан эса, Ўрта Осиёда озодлик ҳаракатлари (Спитамен, Рафи ибн Лайс қўзғолонлари, сарбадорлар ҳаракати, Намоз қўзғолони ва 1916 йилги халқ озодлиги қўзғолони)нинг маркази, асосий жойи бўлиб қолди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларида Самарқанд миллий озодлик ва ишчилар ҳаракатида, Европа ва илғор рус маданияти ҳамда социал-демократик ғояларни пропаганда қилишда муҳим роль ўйнай бошлади. Бу эса Самарқанд ҳаёти тараққиётидаги асосий ва прогрессив воқеа эди. Бунга аввало Самарқандда завод ва фабрикаларнинг вужудга келтирилганлиги, темир йўл ўтказилганлиги, дунёвий мактаблар ва босмахоналарнинг пайдо бўлганлиги ёрдам берди. Шундан сўнг Самарқандда социал-демократик гуруҳлар тузилди.

Кейинчалик миллий озодлик ҳаракатининг ленинча партия раҳбарлик қилаётган Россия пролетариатининг қудратли революцион ҳаракати билан қўшилиши туфайли халқ оммаси манфур чор самодержавиеси, унинг ҳарбий-мустамлакачилик маъмуриятини емириб ташлади ҳамда Туркистон меҳнаткашлари озодлик ва мустақилликка эришди.

Улуғ Октябрь бугун мамлакатимиздагидек Самарқанд тарихида ҳам янги эрани бошлаб берди.

\* \* \*

Самарқанд — Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятининг биринчи таянч пунктларидан, Туркистон АССРнинг область марказларидан бири, 1924 йилда миллий давлат чегараланиши ўтказилганидан кейин эса Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи пойтахти (1925—1930 йиллар) бўлди.

Октябрь революциясининг ғалабаси ва социализмнинг муваффақият билан қурилиши Самарқанднинг социал-иқтисодий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар ясади. Советлар мамлакатининг таркибий қисми бўлган Ўзбекистоннинг, шу жумладан, Самарқанд меҳнаткашлари маънавий-моддий кучларининг ҳар томонлама ривожланиши бунинг энг муҳим якуни бўлди.

Самарқанд республикамиз пойтахти сифатида Ўзбекистонни саноат жиҳатидан ривожлантиришнинг энг муҳим тадбир-

ларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада яхшилаш манфаатларини кўзлаб ер-сув ислоҳотини ўтказишда, маҳаллий миллат хотин-қизларини чинакам озодликка чиқаришда етакчи роль ўйнади.

Коммунистик партиянинг меҳнаткашларни марксча-ленинча ғоялар руҳида тарбиялаш соҳасида олиб бораётган идеологик ишида ҳам Самарқанднинг хизмати катта.

Бир вақтлар Самарқанд ўрта асрлар илмий ва бадий фикрларининг забардаст намояндалари ижодининг маркази сифатида шуҳрат қозонган. Мутафаккир Рудакий Самарқанд орқали Бухорога йўл олган. Буюк олим Муҳаммад Мирзо Улуғбек бу ерда астрономлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхона қурди ҳамда ўз замонаси илмий-назарий тафаккурининг чўққиси бўлган бутун дунёга машҳур «Зижи Кўрагоний» асарини яратди. Гениал мутафаккир шоирлар Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий бир қанча вақт Самарқандда таҳсил кўрдилар, ижод қилдилар.

Советлар даврида ҳам Самарқанд ўз олимлари, шоирлари, рассомлари, халқ усталари, ўзларининг куч ва билимларини коммунизм қурилиши ишига бағишлаётган ажойиб кишилари билан шуҳрат қозонмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Самарқандда В. В. Бартольд, сергайрат археолог В. Л. Вяткин яшади ва меҳнат қилди. Профессорлардан А. М. Титов, С. А. Лясковский, Н. А. Миркулович, Силихонович, Парфенов, Факторович, Пўлат Солиев, Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Саъдий, Отажон Ҳошим, Миронов, Успенский, Савельев ва бошқа кўпгина кишилар шаҳарнинг маънавий ҳаётини ривожлантиришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Совет бадий адабиётининг классиклари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжонлар ҳам Самарқандда кўп йил яшаб ижод қилдилар. Ўзбек совет адабиётининг атоқли арбоблари Уйғун, Миртемир, Ойдин Собирова, Амин Умарий, Усмон Носир, Раъно Узоқова ва бошқа кўпгина адиблар бу ерда камолатга етишди.

Биз Совет ҳокимияти учун курашган сарқандликлар, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, ўзларининг ижодий меҳнатлари орқали коммунизмнинг нурли биносини қуришдек умумхалқ ишига ҳисса қўшаётган кишилар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Самарқанд ўзининг кўп асрлик юбилейини гуллаб барқ уриб яшнаётган бир пайтда кутиб олди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинмай қилаётган ғамхўрлиги ва эътибори туфайли шаҳар кун сайин ўсиб, гўзаллашиб бормоқда. улуғ ва жонажон социалистик Ватанимизнинг янада чиройли ва обод шаҳрига айланмоқда.

## САМАРҚАНД ТЕРРИТОРИЯСИДА ОДАМЗОД ҲАЕТИНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ИЗЛАРИ

Самарқанд шаҳри территорияси ва унинг атроф районлари жуда қадимги замонлардан инсон аждодининг макони бўлиб келди. Уларнинг дастлабки излари неандертал одами даврига мансуб бўлиб, одамларнинг бу территорияга жуда эрта келиб ўрнашишига унинг табиий шароитлари: Зарафшон тизма тоғи дараларидан оқиб чиқадиган сой ва жилғалар, жар ва чуқурликлардан қайнаб чиққан булоқ ва чашмаларнинг сероблиги сабаб бўлган.

1947 йилда Самарқанддан 43 км жануброқда, Тахтақорача домини яқинида Омонқўтон қуи қишлоғидаги Булбулзорсойда Омонқўтон ғори топилди. Мустье даврига онд бу ғор ибтидий одамлар яшаган макондир.

Ғорда яшаган одамларнинг меҳнат қуроллари кварц диорит ва чақмоқтошдан ясалган дағал қирғичлар, тиғи қиррали қўпол пичоқлар, найзасимон тош қуроллар ва дискасимон нуклеус (тош ўзак)лардан иборат.

Омонқўтонда ҳайвонларнинг куйган майда суяк бўлаклари, кулга тўла ўчоқсимон чуқурлар очилди. Оҳақтош юзасидаги табиий чуқурчалардан ўчоқ сифатида фойдаланилган, уларнинг атрофидан эса тош қуроллар топилди.

Ғорнинг инсон фаолияти туфайли пайдо бўлган маданий қатламида ҳайвон суяқларининг бўлаклари кўплаб учрайди: суяқлар узунасига ёрилган, уларда оловда куйган излар бор. Суяк қолдиқларига қараб фикр юритилганида, одамлар асосан Осиё архари, шунингдек, қўнғир айиқ, морол ва бошқа ҳайвонларни овлаганлар.

Самарқанддан 50 км ча жануби-шарқда, Тахтақорача домини районида, денгиз сатҳидан қарийб 2000 м баландликда жойлашган Тақалиқсой ғори мустье замонидаги яна бир ёлдорликдир. Тақалиқсой ғори ҳам карст типиди бўлиб, Омонқўтон ғори сингари мрамрлашиб қолган оҳақтош массивида вужудга келган. Ғор майдончасини шурфлаш вақтида

0,25—0,40 м чуқурликда ҳайвонларнинг майда ва парчаланган суяклари, кўмир бўлаклари ҳамда бир қанча тош буюмлар топилди. Ибтидий овчилар Тақалиқсой ғорида Омонқўтонга нисбатан анча кейинроқ яшаган.

Самарқандда яшаган энг қадимий аҳолининг хўжаликлари ниҳоятда ибтидий бўлган. В. И. Ленин айтганидек, ибтидий одам тирикчилик қийинчиликлари, табиат кучлари билан кураш қийинчиликлари олдида мутлақо ожиз эди.

Бундан олдинги даврлардаги сингари мустье даврида ҳам ижтимоий гуруҳлар, оила бўлмаган, аҳоли ҳали инсоният тараққиётининг ибтидий пода ҳолатида эди. Ана шу даврнинг охиридагина уруғчилик тузумининг ва тотемистик тасаввурларнинг дастлабки куртаклари пайдо бўлиб, улар инсоният тараққиётининг бундан кейинги босқичида ривож топади ва шаклланади.

Ф. Энгельс инсоният тарихининг бу илк даврини «Инсон уруғининг болалиги» деб атаган. Бундан кейин улғайиш даври, уруғчилик тузуми бошланади, унинг моддий-маданий қолдиқлари ҳозирги шаҳар территориясида ҳам учрайди. Шундан кейин анча мукамал тош қурооллар пайдо бўлади, уларни ишлаш техникаси яхшиланади.

1939 йилда Самарқандда илк уруғчилик жамоасига мансуб юқори полеолит макони топилди. Бу макон 1958 йилдан бошлаб ҳозирга қадар ўрганилмоқда.

Макон Самарқанднинг марказида, қадимий Сиёбча сойининг ўнг қирғоғида, ҳозирги комсомол кўли барпо этилган жойда топилган. Маданий қолдиқлар сарғиш соғтупроқда жойлашган бўлиб, у геологик жиҳатдан Мирзачўл цикли деб аталган даврнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Археологик қазишмалар вақтида кўп миқдорда қадимги ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари, гулхан қолдиқлари (кўмир қолдиқлари тўпланган жойлар) топилди, ибтидий одамлар томонидан тайёрланган 7,5 мингга яқин тош қурооллар (болға ўрнида ишлатилган тош ушатгичлар, пластинка ва тош парчалари синдириб олинган нуклеуслар) топилди. Чақмоқтош ва диоритдан ясалган турли катталиқдаги «сандонлар» айниқса диққатга сазовордир. Буларда тош қурооллар кертилган. Ясалиб тугалланмаган қурооллар (ярим фабрикатлар) ва кўпгина чақмоқтош парчалари ҳам топилди. Қурооллар асосан юқори сифатли чақмоқтошдан, шунингдек, халцедон, амфиболит, роговик, диорит ва бошқа тоғ жинсларидан тайёрланган. Тош қурооллар хом ашёси макондан тахминан 8 км ча Шимолда жойлашган Чўпонота районидан келтирилган. Маконда чақмоқтошли сланец «хом ашё»сидан ясалган қурооллар ҳам учрайди. Бундай «хом ашё» Улуғбек расадхонаси яқинида жуда кўпдир.

Хилма-хил қуроллар: қирғичлар, кескичлар, сихчалар, пичоқлар, чопқилар, дискасимон санчкилар, ушатғичлар, болталар, шунингдек ҳайвон териларини шилиш учун мўлжалланган жуда майда чақмоқтошдан қилинган юпқа пластинкалар топилди. Булар ичида ҳайвон териларини ишлаш учун мўлжалланган қирғичлар ва суякдан ясаладиган буюмларни ишлаш учун мўлжалланган кескичлар диққатга сазовордир.


Қуроллар орасида четлари ботиқ тиғли тош парракчалар алоҳида ажралиб туради. Қадимги одамлар булар ёрдамида ёғоч буюмларни рандалаганлар. Самарқанд маконида топилган кўпгина қуроллар мустъе даври қуролларига ўхшаб кетади. Айниқса чақмоқтош, халцедон ва диоритдан ишланган ва йирик нуклеуслардан учуриб олинган кенг парракчалар шулар жумласидандир. Бу тош «пичоқлар» ёрдамида қадимги одамлар гўшт майдалаганлар.

Чақмоқтош ва диоритдан ясалган катта-кичик болталар айниқса зўр қизиқиш туғдиради. Чақмоқтошдан ясалган баъзи болталар қайроқ тошлардан ишланган катта болталарга ўхшаб кетади. Болталарнинг тиғлари бир ёки икки томондан кертиб ишланган; оғирлиги бир неча килограмм келадиган катта болталарнинг тиғлари улкан сандонларда чақмоқтошдан ясалган оғир ушатғичлар ёрдамида ишланган. Ёғоч дасталарга маҳкамланган бундай болталар билан диаметри 10 см ва ундан йўғонроқ бўлган дарахтларни бемалол ёриш мумкин. Ибтидоий усталар болта ясаш учун пишиқ ва ёпишқоқ жинсларни танлаб олганлар. Шундай болталардан бири (узунлиги 16 см) қурол ясаладиган жойнинг ўзидан топилган. Унинг атрофидан болтанинг асимметрик тиғини кертиш вақтида ҳосил бўлган майда тош парчалари ҳам топилгандир.

Қадимги самарқандликларнинг тош қуроллари ичида теша вазифасини ўтовчи овал тиғли тош йўнғичлар ҳам учрайди. Улар аниқ формадаги неолит даври тош йўнғичларининг прототиби эди.

Самарқанднинг бошқа жойларида ҳам юқори палеолит даврига тааллуқли бўлган тош қуроллари топилган: Овражная кўчасида чақмоқтошдан ясалган мустъе даври найзасимон тош қуроли, Войкова кўчасида материали жиҳатидан Самарқанд маконида учратилган чақмоқтош парчаларига ўхшаш жуда кўп чақмоқтош парчалари, Даҳбет кўчасида эса яшил чақмоқтош қайроғидан ясалган қирғич топилган.

Самарқанд полеолит маконида қазишмалар ўтказилган вақтда ёввойи ҳайвонларнинг суяклари топилган. Уларнинг аксар қисми синдирилган ва куйдирилгандир. Зоти жиҳатидан Пржевальский отларига яқин бўлган қадимий отларнинг кўпгина суяклари топилган. Тўртламчи даврга оид ёввойи туя, турли хил буғу суяклари, шу жумладан, шохлар, шунингдек, Эрон билан Афғонистонга ёндашган Қорақумнинг Бадхиз



Самарқанднинг палеолит маконларидан топилган тош қуроллар.



қўриғида ҳозир ҳам учраб турадиган плейстоцен даври ёввойи эшагининг кўплаб суяклари топилган. Топилган найза ва санчқи учлари ўша давр одамларининг балиқ овлаш билан шуғулланганлигидан далолат беради.

Бу ерда ибтидий одамлар ясаган чайлаларнинг излари учрайди. Авваллари қоя ости, ғорлар ва унгуллар ибтидий овчилар учун асосий бошпана бўлиб хизмат қилган. Эндиликда юқори палеолит давридан бошлаб ибтидий одам «ғордан чиқиб», ўзи учун турар-жой қура бошлайди. Натижада одамлар биргина тоғли районларда эмас, балки текисликларда, кичик дарё ва кўлларнинг соҳилларида ҳам янги территорияларни ўзлаштира бошладилар.


Самарқанд маконида топилган чайла изларининг майдони 100 квадрат метрдан кўпроқ бўлиб, у деярли тўғри бурчак шаклидадир. Чайла сой бўйига жойлашган ва ибтидий одамларнинг кундалик ҳаёти шу сой соҳилида овчилик билан ўтган.

Чайла ўрнида хўжалик мақсадлари учун ишлатилган катта гулханларнинг қолдиқлари, тош қуруллар тайёрлайдиган майдончалар бор: чайла устунларининг қолдиқлари сақланган.

Мустье даври неандерталь одамининг ўрнини ҳозирги замон одамининг бевосита аجدоди бўлган юқори палеолит даври кроманьон одами эгаллади. Кроманьон қиёфасидаги одамларнинг суяк қолдиқлари Самарқанд маконида ҳам топилди. Чунончи, 1962 йилда археологик қазишмалар ўтказилган вақтда 3 метр 20 сантиметр чуқурликда минераллашган пастки жағ суяги тўққизта тиш билан бирга топилди. Унинг ёнида одам қўл суягининг бўлаклари ётарди. Антропологлар бу жағ суяги 25 ёшлардаги аёлники бўлса керак деб тахмин қилмоқдалар.

1966 йили бу ердан 2 метр 80 сантиметр чуқурликда одамнинг ўнта тиши билан пастки жағ суяги топилди. Олимларнинг тахминий хулосаларига кўра, бу жағ суяги тузилиши жиҳатидан дастлабки жағ суягига яқин бўлиб, афтидан 35 ёшлардаги аёлга мансуб бўлса керак. 1967 йилда ўтказилган қазишмалар вақтида боланинг озиқ тиши ва пастки жағи топилди.

1964 йилда ёмон сақланган ҳайвон қовурғаси топилди. Унга ибтидий одам томонидан бешта махсус белги чизилган. 1964 йилда 2 метр 55 сантиметр чуқурликда махсус тешикли денгиз чиғаноғи топилган. У зеби зийнат буюми бўлиб, бундай чиғаноқлар Ҳинд океани, Қизил денгиз ва Форс қўлтиғи тропик зоналарида учрайди. 1965 йилда ана шундай чиғаноқ Самарқанднинг Даҳбет кўчасида 6 метр чуқурликда ҳам топилди. Илгарилари бу ерда юқори полеолит даврига мансуб бўлган ва чақмоқтошдан ясалган қуруллар ҳам топилган эди. Бу эса қадимий замонларда Ўрта Осиё қабилалари билан



Самарқанднинг палеолит маконларидан топилган тош қуроллар.

Ҳинд океани соҳилларидаги қабилалари ўртасида қандайдир алоқа бўлганлиги ва бу чиғаноқлар эса Самарқанд территориясига маҳсулот айирбошлаш натижасида келиб қолганлиги ҳақида маълумот беради.

Қадимий одамнинг зеби-зийнат буюмлари 1965 йилда Самарқанд маконини қазиб вақтида ҳам топилган. Жумладан, тухумсимон шаклдаги силлиқланган саккизта данакча топилган бўлиб, улардан бирининг тешиги бор. 1966 йилдаги қазилмалар вақтида икки томонлама тешилган ва силлиқланган тўққизинчи данакча топилди. Мутахассисларнинг фикрича булар қадимги аёлларнинг тақинчоғи бўлган. 1967 йилда катталиги жиҳатидан бир хил бўлган думалоқ шаклдаги иккита юпқа оқ қайроқ тош топилган. Улардан бирининг ўртасида тош пармаси излари яхши сақланиб қолган. Бу эса сочга тақадиган ва бўйинга осадиган тош тумор яшаш учун тайёрланган бўлиб, у қадимий одамларнинг безак буюм ясаши учун мўлжалланган.

1967 йили маконни қазиб вақтида ажойиб топилма қўлга киритилди. Бу маданий қатламнинг юқори қисмидан топилиб, ўртаси ишқаланган ва айланаси бўйлаб тўғри ингичка чизиқлар тортилган юпқа думалоқ шаклдаги қайроқтош эди. Тошдаги тасвир эҳтимол одамнинг қадимги тафаккури билан боғлиқдир.

Мутахассислар маконнинг маданий қолдиқларининг геологик жойланишини ўргандилар. Уларнинг фикрича маданий қолдиқлар жойлашган соз тупроқ геологик ер қатлами — юқори плейстоцен — Q 3 га тўғри келади. Бу қатлам эса ўз навбатида Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё водийсида ҳосил бўлган сўнгги тўртламчи давр ётқизиқлари — II, III соҳил усти террасаларига тааллуқлидир.

\* \* \*

\*

Палеолит давридан кейин келадиган даврга (мезолит — ўрта тош асри, неолит — янги тош асри, бронза даври) хос бўлган буюмлар Самарқанд территориясининг ўзида ҳозирча топилгани йўқ. Бироқ шаҳар атрофида ўтказилган тадқиқотлар кейинчалик бу ерда ҳам одам яшаганлигини кўрсатди. Созоғон ва Тим қишлоқларида 2 та неолит даври манзилгоҳлари ўрганилган бўлиб, Самарқанддан 27 км жануби-ғарбда Созоғонсой қирғоғида жойлашган Созоғон макони айниқса диққатга сазовордир. Бу ерда, Зарафшон тизма тоғи ён бағирларида ҳайвонларни овлаш, балиқ тутиш ва овқат бўладиган ўсимликларни йиғиш йўли билан ҳаёт кечирган, ривож топган она уруғи даврининг ибтидоий одамлари яшаган. У ердан микролитик характерга эга бўлган ва чақмоқтошдан ясалган 600 дан кўпроқ меҳнат қуроллари (пичоқсимон пар-

раклар, қирғичлар, рандачалар, ўроқларнинг қадамалари-бигизлар, нуклеуслар, камон ўқининг учлари ва ҳоказолар) топилди. Бу тош қуроллар милоддан аввалги учинчи минг йилликда Зарафшон дарёсининг этакларидаги неолит даври манзилгоҳларидан топилган қуролларга ўхшаб кетади. Бу эса Самарқанд атрофида яшаган она уруғи даври одамларининг Ўрта Осиёнинг бошқа районларида яшаган аҳоли билан ўзаро алоқада бўлганлигидан далолат беради.


Бронза даврида (милоддан аввалги иккинчи минг йиллик) бундан илгариги даврлар учун характерли бўлган асосий хўжалик тармоқлари ўз аҳамиятини йўқотди ва янги тармоқлар — меҳнат унумдорлигини кескин ошириб юборган деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келади. Чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривож топиши жамиятнинг моддий базасини анча кенгайтди ва турли қабилалар ўртасида мунтазам равишда айирбошлаш ишларини олиб бориш имконини яратиб берди. Хўжаликнинг ана шу икки тармоғи муайян территорияга сиғмаганлиги туфайли дастлабки йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти рўй беради: чорвадор қабилалар ажралиб чиқади, натижада ижтимоий тузумда ҳам ўзгаришлар юз беради. Матриархатдан патриархатга ўтилиб, ажралган ҳолда мустақил хўжалик юритадиган катта-катта патриархат оилалар пайдо бўлади.

Самарқанд областида ўша даврлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини характерлаб берувчи ёдгорликлар жуда кам. 1959 йилда Каттақўрғон яқинидаги Новқатепида бронза даври макони топилди. Новқатепи кейинги даврларда вайрон қилинган қадимги шаҳар харобасининг қолдиғи бўлиб, унинг пастки қатламидан бронза даврига оид бир неча сопол бўлаклари, яъни бошоқсимон нақшли ва параллел чизиқлар билан ажратилган қатор майда учбурчаклар билан нақш солинган ясси тубли ҳурмачалар топилди.

Бронза даврининг иккинчи бир ёдгорлиги қадимги қабристондир. У Зарафшоннинг чап қирғоғида тоғ этагидан оқиб тушадиган сойлардан бирининг соҳилига ўрнашган Мўминобод қишлоғида (Самарқанд яқинида) жойлашган. Қабристон 1964 ва 1966 йилларда ўрганиб чиқилди.

Қадимги қабристон территориясида букчайтириб якка-якка дафн қилинган бешта қабр очилди. Ҳар бир қабрдан учбурчак, қийшиқ ва калта чизиқлар, зич қилиб текис тортилган ва горизантал жойлашган эгри-бугри ёки синиқ чизиқли нақшлар билан безатилган сопол идишлар топилган. Айрим қабрларда тошдан ясалган ёрғучоқларнинг бўлаклари топилди.

Ўлган одамлар ҳаёт пайтларида кийиб юрган кийимлари билан дафн қилинган. Уст ва бош кийимлари зигир толаси ипи билан қадалган жуда кўп мунчоқлар билан безатилган.



Мўминободдаги қабрдан топилган археологик материаллар комплекси (бронза).

Дафн этилганлар ёнидан қулоққа ва бурунга тақиладиган, олтин суви югуртирилган кумуш ҳалқалар, кенг оғизли қўнғироқсимон жез ва тилла зираклар топилди.

Мурдаларнинг қўл суякларида бир томони қавариқ, иккинчи томони ботиқ новсимон жездан ясалган иккита, баъзиларида учтадан билакузук бор эди; билакузукларнинг бир учинилон бошини эслатади. Баъзи қабрларда ўртаси илмоқли думалоқ юпқа жез ойналар бор эди, қабрлардан бирида, ҳатто суякдан ишланган сибизға ҳам топилган.

Бронза даври Мўминобод қабристонидан топилган бу суяк қолдиқларининг антропологик типи Ўрта Осиёнинг анча қадим замонларда яшаган аҳолиси типига ўхшаб кетади ва уларнинг қон-қариндош эканликларидан далолат беради. Моддий маданият буюмларида аниқланган ўхшашликлар эса Ўрта Осиё ўтроқ қабилалари билан бошқа районларнинг ўтроқ қабилалари ўртасида яқин маданий ва этник алоқа бўлганлигини кўрсатади.

Буларнинг ҳаммаси Самарқанднинг қулдорлик жамияти вужудга келгунга қадар бўлган энг қадимий ўтмишини ифодалайдиган буюмларнинг дастлабки топилдиқларидир, холос.

## ҚУЛДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДАВРИДА САМАРҚАНД

### 1. ШАҲАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи қадимий сўғд қабилалари ҳарбий-сиёсий қароргоҳ учун жой танлаб, кейинчалик Афросиёб номи билан машҳур бўлган ерга жойлашдилар. Бу жойнинг географик шароити (шимол ва шарқдан сув билан тўсилиши, ғарбий қирғоқнинг тиклиги ва ҳоказо) мудофаа мақсадлари учун жуда ҳам қулай эди.

Бу жой узоқ ўтмишда жанубдан шимолга томон чўзилиб кетган қияликлар давомидан иборат бўлган. Кўп асрлар давомида кишилар фаолияти туфайли юзага келган маданий қатламларнинг тўпланиши ва илк ўрта асрда жанубий мудофаа деворининг қурилиши ҳамда хандақ қазилиши натижасида бу ерда тепалик вужудга келган.

Ўрта Осиё воҳаларидаги деҳқончилик-чорвачилик жамоалари милодгача бўлган биринчи минг йиллик ўрталарида Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги районларда жойлашган кўчманчи чорвадор саклар билан этник, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам алоқада бўлганлар. Улар бу даврда қаттиққўл подшолар ҳукмронлиги остида Мидияга қарши уруш қилган Хоразм шоҳи ва саклар ҳукмрони Аморг ва малика Тўмарис билан мустаҳкам иттифоқ тузادилар. Ҳукмронлик қилган ҳар бир қабила ёки қабилалар иттифоқи, подшолик қароргоҳ ва одамлар, чорва молларни ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун мудофаа пункти барпо этган. Чунки бу даврда уруғ-қабила ҳарбий аристократияси қўшни қабилаларни талашни тинч меҳнатдан афзал кўришган, хўжаликни юритишнинг бутун оғирликларини эса асирлар зиммасига юклаганлар.

Бироқ экинзор ва яйловларни душмандан яшириш имкони бўлмаган. Натижада мустаҳкам ва кенг истеҳкомлар — «варлар» барпо этиш зарурияти туғилди. Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжон халқларининг дастлабки ёзма ёдгорлиги — Овистода Аҳурамазда қадимий форсларнинг афсонавий подшоҳи Жамшидга одамлар ва чорва молларини сақлаш учун вар

қуришни маслаҳат берганлиги ҳақида маълумот бор: «Жамшид тўрт томони от чопимидаги вар қуриб: у ерга уруғ, буқалар, одамлар, итлар, қушлар ва ловуллаб ёниб турган қизил оловни кўчириб келтирди. У бутун тўрт томони от чопими узунликдаги варда одамлар учун бошпана қурди ва бу варни чорва моллари учун қўтон қилди. Бу ерга у узунлиги бир хатр (бир ярим км га яқин) келадиган ариқ орқали сув келтирди, бу ерда у ҳамма томондан ёпиқ бўлган кулба, уй, гумбаз, ҳовли-жой қурди».

Ўтроқ деҳқонлар яшаган жойлар атрофида Овистода баён этилган даврга қадар ҳам қалъалар юзага келган (Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида, яъни Фарғона водийси территорияси бронза асрининг тугаши босқичида ўтроқ деҳқонларнинг мустаҳкамланган қишлоқлари). Чуст маданияти деб аталган бу ажойиб ёдгорликлар Чуст ва Ойим районларида ўтказилган қазишма ишлари натижасида очилди. Аҳоли зич яшаган ва зич қурилган уруғчилик қишлоқлари хом ғишт ва пахсадан қилинган мудофаа деворлари билан ўралган эди. Улар жамоаларнинг чекланган табиий сувли участкалардан фойдаланишдан, кенг текис майдонларда сунъий суғориш қўлланган ва деҳқончилик-чорвачилик хўжалиги жадал олиб борилган даврда вужудга келган варлардан олдин бунёд этилгандир. Бу кўчманчи чорвачиликнинг ўтроқ деҳқончиликдан ажралиш босқичи бўлиб, унда қабила иттифоқлари бошлиқлари ёки подшолари раҳбарлигида ер суғориш ишларига анча уюшқоқлик билан кириша бошлаган эди. Уша даврда ўтроқ деҳқонлар янгидан ўзлаштирилаётган улкан территорияларга кўчиб келиб, жойлашиб, варлар типидagi кенг қўтонлар қура бошлайдилар. (Фарғона водийсида кўҳна Элатон, Хоразмда Кўзалиқир, Орол денгизидан шарқ томонда қадимги суғориладиган ерлардаги Чирикработ). Афросиёбнинг энг қадимги қатлами давр жиҳатидан ана шунга мос келади.

Афросиёбда шаҳар харобаси деворларининг жанубий этагида Шоҳизинда дарвозаси ёнида милоддан аввалги VI асрда қурилган чайлаларнинг қолдиғи топилди. Улар материк тупроқда жойлашган. Демак, улар Афросиёбда яшаган энг илк одамлар бошпаналарининг изларидир («Афросиёб I» қатлами).

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан тортиб, милодий XII—XIII асрларга қадар Афросиёбда одамлар яшаган даврлар босқичлари текшириб кўрилди. Кейинчалик Афросиёбнинг бир неча пунктида (Жануби-шарқий қисмидаги беш пунктда, ғарбий қисмидаги беш пунктда, шунингдек, шимоли-ғарб ва шимолдаги пунктларда) энг қадимий қатлам излари аниқланди. Афросиёб марказида бундай излар топилмади, афтидан, шаҳарнинг у қисми бир неча юз йил



лар мобайнида маданий қатламлар — кишилар меҳнати туфайли юзага келган қатламлар кўп марта ўрнини ўзгартирган.

Афросиёбда милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида аҳоли яшаганлиги излари кўп, лекин биринчи бор ўтказилган қазिशмани ҳисобга олмаганда, у ерда чайла ва бошқа иншоотларнинг қолдиқлари топилмади. Бу қонуний бир ҳолдир, чунки ўша вақтда Афросиёбда Овистода тилга қўлинган бошпаналар бўлган. Асосий аҳоли Афросиёб атрофида яшаб, чорва моллари ва мол-мулкларини душман ҳужумларидан қалъага яширишган. Қамал унча узоқ давом этмаган, аҳоли эса истеҳкомни ташлаб чиқа туриб, бу территорияда ўчоқлар, идиш синиқлари ва шу каби буюмларни қолдириб кетган. «Афросиёб I» қатламидаги дастлабки топилдиққа қараб фикр юритилса, аҳоли ҳозирги Афросиёбдан жануброқда яшаган. Энг қадимий шаҳарнинг жанубий девори қаердан ўтганлигини аниқлаш қийин, чунки Самарқанднинг ана шу қисми кўп асрлар давомида ўзгарган ва ҳозир бу ерда турар жой кварталлари қад кўтарган.

Афросиёбда шаҳар ҳаётининг ривожланиши Сўғд, Мовароуннаҳр ва бутун Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг юксалиши ҳамда инқирози билан мувофиқ тарзда кечган, чунки Самарқанд ўша давр мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳим маркази эди. Ўрта Ер денгизи бўйи ва Яқин Шарқ мамлакатларининг Эрон орқали Узоқ Шарқ, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарларга, у ердан эса Сибирь ва Шарқий Европа мамлакатларига дипломатик, савдо ва маданий алоқаларнинг энг муҳим йўллари Самарқанддан ўтган. Самарқанд жаҳон савдо ва маданий марказларидан бири сифатида ўз мавқеини тўла даражада, лекин узилишлар билан ўрта асрларда ҳам сақлаб қолди.

Македониялик Искандар Мароканда учун Спитамен отрядларига қарши қуроли кураш олиб боришга мажбур бўлди. Кучи тенг бўлмаган Спитамен Марокандага беркиниб, у ердан Искандарга қарши партизан уруши олиб боришни афзал кўрди. Бунда у Сирдарёнинг нариги томонидаги даштларда яшаётган сак қабилаларининг истилочига қарши умумий курашига умид боғлаган эди. Искандар рақибининг режаларини билиб олган бўлса керак, чунки у дастлаб Марокандани эмас, балки унинг истеҳкомларини вайрон қилди. Македонияликларнинг бу ерга келиши арафасида ва ҳукмронлик қилиши пайтида Мароканданинг катталиги ҳамда топографияси қандай бўлганлигини аниқлаш учун олимлар қўлида ҳозирча материал йўқ.

Милодгача бўлган IV—I асрларга оид археологик материал Афросиёбнинг шимол қисмидан топилган. Улар Марокан-

дадаги грек-македон гарнизони худди шу ерда жойлашган деб тахмин қилиш имконини беради.

Милоддан аввалги III аср ўрталарига яқин Ўрта Осиёда катта сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Милоддан олдинги IV асрнинг охири ва III асрнинг бошларида сак қабилалари иттифоқидан ҳозирги Қозоғистон территориясида Канғха (Хитой манбаларида эса Кангюй) подшолиги ташкил топган. Бу подшолик дай (даҳ) иттифоқи, сак қабилаларини сиқиб чиқарди. Натижада улар жанубга, Искандар ворислари — Салавкийлар ихтиёридаги Шарқий Туркманистон ва Шимолий Афғонистон (ҳозирги Бактрия) территориясига кўчиб кетади. Энг сўнги манбаларга кўра, ана шу дай-даҳлар ёки тохарийлар милодгача бўлган 250 йилда маҳаллий грек-македон оппозицияси билан алоқа боғлаб, Салавкийлар ҳокимиятини ағдариб ташлайдилар. Натижада Грек-Бактрия давлати ташкил топади. Қабилалар ўртасида подшоҳлик тожи учун келиб чиқиши мумкин бўлган низо-жанжаллардан қутулиш мақсадида улар грек оппозициясининг ҳокимият тепасида ўрнашиб олишига розилик берган бўлса керак. Бу оппозиция Бактриянинг мустақиллиги учун Фарбий Осиё салавкийларига қарши доимо курашиб келди.

Сўғд билан Самарқанднинг икки подшолик — жанубда Грек-Бактрия ва шимолда Канғха подшолиги ўртасида жойлашганлиги Самарқанднинг ҳам, умуман Сўғднинг ҳам ривожланишига қулайлик туғдирмади.

Кушанлар ҳукмронлиги даврида вазият кескин ўзгарди. Милоднинг бошланиш арафасида Грек-Бактрия давлати вайроналари ўрнида ташкил топган бу янги подшолик милоднинг дастлабки асрларида муваффақиятли равишда ривожланиб, катта территорияга эга бўлган қудратли давлатга айланди. Шимолий Ҳиндистондан Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Канғха подшолигига қадар ва Қорақумдан тортиб, ички Хитой чегараларига қадар бўлган ерлар Кушанлар қўлида эди. Кушан подшолигининг ҳарбий задогонлари ва қоҳинлари бошқа ўлкаларни талаш йўли билан бойлик орттиришдан воз кечиб, тирикчиликнинг доимий ва ишончли манбаи — ўша вақтда жамоаларнинг ихтиёрида бўлган суғориладиган ерларни қидира бошлайдилар. Бу даврда ўша давр учун жуда улкан ҳисобланган суғориш ишлари амалга оширилиб, йирик-йирик каналлар қазилган.

Кушан давлатининг қўшни мамлакатлар билан савдо, маданий ва бошқа алоқалари кенгаяди. Ўрта Осиё шаҳарларида ҳаёт анча жонланади, янги шаҳарлар вужудга келади.

Археологларнинг кузатишларига кўра, Самарқанд ҳам Афросиёб доирасида сезиларли даражада жонланади, кенгаяди. Афросиёбнинг шимоли ва жанубида ўтказилган қазилма-

лар Кушан давридаги шаҳар ҳаёти тўғрисида анчагина маълумот берди.

Афросиёб шаҳар харобаларидан топилган археологик маълумотларнинг классификациясини биринчи бўлиб А. И. Тереножкин ишлаб чиқди. Кейинчалик олиб борилган ишлар у аниқлаган қатламларнинг мантиқий эканлигини тасдиқлади, шу билан бирга, классификацияни тўлдириш, айрим даврларнинг характеристикаси ва санасини ўзгартириш заруриятини туғдирди:

I — Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўртаси.

II — Милоддан аввалги III—II асрлар.

III — Милоддан аввалги I аср ва милодий I аср.

IV — Милодий II—III асрлар.

V — Милодий IV аср ва V асрнинг биринчи ярми.

VI — Милодий V—IV асрлар.

VII — Милодий VII аср ва VIII асрнинг ўртаси.


VIII — Милодий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг боши.

IX — IX—X асрларнинг ўртаси.

X — XI аср.

XI — XII аср ва XIII асрнинг боши.

Македониялик Искандар юришлари вақтида қадимий Самарқанд ғоят мустаҳкам муҳофаа қилинган шаҳар бўлганлиги



Милоддан аввалги V асрга онд сопол буюмлар комплекси.

тўғрисида илм-фанда маълум бўлган фикр 1958—1965 йилларда олиб борилган археологик ишлар туфайли тагин ҳам тасдиқланди. Уша даврнинг бузилмаган қатламларида жойлашган пунктларнинг сони анча кўпайди, шулар билан бир вақтда, шаҳар истеҳкомларининг қолдиқлари ҳам аниқланди.

Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталаридан то милод бошигача бўлган қатламлар шаҳар харобаси жанубида ва шимолий-ғарбида топилган, лекин янги қозишма ишларидан олинаётган маълумотлар туфайли бу районларнинг чегараси йил сайин кенгайиб бормоқда. Шаҳар харобаларининг ғарбий ва шимолий томонида Афросиёб тепалиқларининг ҳозирги ташқи этагидан 10 метр ва бундан ҳам кўпроқ баландликда созтупроқда қазилган горизонтал майдончалар — вертикал кесилган лессли террасалар борлиги аниқланди. Ҳозир улар шаҳар харобаси ташқи тарафига қараб очилган, лекин қадимда улар шаҳар периметри бўйича чўзилиб кетган ва иншоотга узун йўлак кўринишини берадиган девор билан ҳимоя қилинган ҳамда Самарқанднинг машҳур мудофаа иншоотларидан энг қадимгиси бўлган бўлиши мумкин. Истеҳкомнинг қанча вақт мавжуд бўлиб турганлиги терраса участкаларидан бирида милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб милодгача бўлган даврга оид керамиканинг топилиши билан аниқланди. Уша даврга оид топилдиқларнинг тарқалиши ва «террасалар»нинг жойлашишига кўра, ички истеҳком шаҳар майдонининг камида чорак қисмини эгаллаган.

Шаҳар харобаларининг жарлик бўлган жанубий чеккасида кулолчилик устахонаси жойлашган. Унинг сақланиб қолган қисмида икки кулол чархидан майда тошли шарнирлар топилди. Устахонадан шимолроқда айни бир вақтдаги қатламлардан шлакка айланган созтупроқ намуналари қазиб олинди. Шаҳарнинг шимолида — милодгача бўлган дастлабки минг йилликнинг ўрталаридаги қатламлардан бирида жуда паст жойда ҳам кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилганлиги аниқланди. Бу пастлик қияликдан тушган ва орасида сопол синиқлари кўп бўлган жинслар билан тўлиб қолган.

Жойнинг ниҳоятда паст-баланд бўлиши шаҳарни сув билан таъминлашни қийинлаштирган. Бу ерга сувни тепалиқнинг фақат жануб томонидан келтириш мумкин бўлган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан милодгача шаҳарни фақат каналлар орқали сув билан таъминлаб турган. Бу каналлардан шаҳар Чингизхон томонидан вайрон этилгунга қадар ҳам сув оқиб турган. Шаҳар ташкил топган дастлабки даврлардаёқ каналларнинг мавжуд бўлганлигини унинг ғарби-шимолидаги катта табиий чуқурликда жойлашган ҳовузлар ҳам тасдиқлайди.

Афросиёбнинг унча катта бўлмаган платоси уни ўраб турган ирмоқлар ўзанига тик тушган. Шаҳар харобалари рельефининг бу хусусияти унинг территориясидаги жойларни мудофаанинг ягона системасига қўшиш имконини берган. Шаҳарнинг шимолида ички истеҳком («террасалар») қолдиқларидан ғарброқда материк соғтупроқда барпо этилган ва

тузилиши бўйича юқорида қайд этилган «террасалар»дан фарқ қиладиган пахса девор борлиги аниқланди. Шу боисдан бу деворни шаҳарнинг бошқа мудофаа иншооти жумласига киритиш керак бўлади. Деворнинг ички томонидан топилган сополли чан ана шу иншоот бунёд этилган санани аниқлаш учун асос бўлади. Бу чан милоддан аввалги IV асрга оид бўлганлигидан деворни ҳам ўша вақтда қурилган деб айтиш мумкин.

Арриан ва Қвинт Курций Руфларнинг маълумотларига кўра, Марокандада қалъа бўлган. Аррианнинг Спитамен қалъадаги македон гарнизонини қамал қилганлиги ва Курцийнинг Спитамен шаҳар деворлари ичида бекиниб олганлиги ҳақидаги маълумотлари, агар шаҳар ичидаги дастлабки ва анча кейин қурилган қалъани назарга олсак, бир-бирига қарама-қарши бўлиб чиқмайди. Қвинт Курций Спитамен шаҳарга кириб, унинг «деворлари орасига бекиниб олди» ва у ерга ҳайдаб киритилган гарнизонли қалъани қамал қилди, деб ёзади.

Шундан кейин икки даврнинг (Афросиёб II ва III) маданий қатламлари шаҳар ўрнининг бутун территориясида учрайди. Юқорида тилга олинган қатламлар ётган пунктлар ўртасида майдони жиҳатидан катта бўшлиқлар бўлиб, улардаги илк қатламлар кейинчалик олиб борилган ер қазиш ишлари натижасида йўқ қилиб юборилган. Лекин бу қатламнинг излари кейинги вақтларда барпо этилган иншоотларнинг қурилиш материалларида сополларнинг учраб туриши билан аниқланади. II—III давр қатламлари стратиграфияси шаҳар ўрнининг шимоли-ғарбида аниқ кўриниб туради, бу ерда қатламнинг умумий қалинлиги 3—4 метрга етади. Бу район II даврнинг бошларида жуда суст ривожланган ва кўп ўтмай бу жой қабристонга айланган. Кейинги босқичларда районда тез суръатлар билан қурилиш ишлари олиб борилиб, бунда соғоналар бузилади ва скелетларнинг суяклари турли вақтларда (II давр мобайнида) қурилган иншоотлар остига тушиб қолади.

Афросиёбнинг шимолий чеккасида қарийб 40 м узунликда II даврга оид бўлган шаҳар девори аниқланган. Унда квадрат шаклидаги хом ғиштдан ички йўлак бор. Деворига қўшилган I давр сополлари, унинг пойдеворидаги II даврга доир кулдонлар ҳамда девор остидаги Афросиёб I қатлами бу деворни милоддан аввалги III асрда барпо этилган деб тахмин қилиш



Милоддан аввалги IV асрга оид муҳр — гема.

имконини беради. Девор айна бир вақтнинг ўзида катта масофада қурилади бошлаган ва жар бўйлаб ирмоқнинг табиий бурилишлари томон чўзилиб кетган. Шаҳар харобасининг ҳозирги рельефида кўриниб турган деворнинг биринчи ҳалқаси жанубий бўлаги ҳам ва иккинчи ҳалқасининг қўшалок девори ҳам шаҳарнинг дастлабки даврларида бўлмаган. Уша даврда шаҳар тузилиши оддий бўлиб, қалъа ва ташқи девордан бошқа жойларни ўз ичига олмаган.

III даврнинг бошларида Афросиёбнинг шимоли-ғарбида янги қурилишлар барпо этилади. Қазилган шурфлардан бирида турар-жой ҳовлисини ўраб олган кенглиги 1,5 метр келадиган девор қолдиқлари ва узоқ вақт фойдаланилган лой ўчоқ аниқланди. Ҳовлили бу ишшоот узоқ вақт турган, унинг девори шу давр ичида емирилади бошлаган ва у ремонт қилинган. Орадан бир қанча вақт ўтгач, ҳовли ахлат ташланадиган жойга айланган.

III давр охирига келиб шаҳар ҳаётида яна қандайдир ўзгаришлар содир бўлади. Шаҳар девори эскириб нурай бошлайди. Магистрал каналларнинг ўзанлари III даврга оид сопол парчалари билан тўлиб қолади. Бу эса каналлар территорияси атрофида одамлар келиб жойлашганлигидан ва шаҳарни сув билан таъминлаш системасига етарли эътибор қилинмаганлигидан далолат беради. Бу фактлар вақт жиҳатидан кўчманчи қабилаларнинг ҳужуми даврига тўғри келиб, уларнинг бу юриши натижасида Қушан давлати ташкил этилган ҳамда Канғах подшолиги ҳокимияти ва таъсири заиф бўлиб қолган эди.

III даврда ҳам олдинги даврлардаги сингари милoddан аввалги III—I асрларда қурилган мустаҳкам истеҳкомнинг катталигини аниқлаб берадиган маълумотлар йўқ, лекин тўпланган материаллар бу вақтда Афросиёбнинг бутун территорияси ўзлаштирилганлиги тўғрисида дадил гапириш имконини беради.

Баъзи тадқиқотчиларнинг милoddнинг дастлабки асрларида Афросиёбга оид маълумотлар йўқ ҳамда Сўғдда биринчилик Қушанийлар қўлига ўтганидан кейин Самарқандда ҳаёт бутунлай тушкунликка учраган деган хулосалари ҳозирги вақтда тасдиқланмаётир. Археология маълумотига кўра, III давр охиридаёқ бошланган тушкунлик жуда қисқа вақт давом этган.

IV даврнинг бошларида шаҳарнинг шимоли-ғарбида ҳашаматли бинолар қурилган. Бу ерда очилган шурф майдончаси кичик бўлганлиги сабабли мазкур иншостнинг характери ҳозирча аниқланган эмас. Хом ғишт ва блоклардан бунёд этилган 3,2 метрли қалинликдаги девор бинонинг қанчалик улкан бўлганлигидан далолат беради. Кучли ёнғиндан сўнг, бино ремонт қилиниб, кенгайтирилган. Лекин кўп ўтмай, ки-

шилар бу жойни ташлаб кетганлар ва ёғин-сочин таъсири остида унинг деворлари нурай бошлаган. Шундай бўлса-да, одамлар девор ёриқларини пахса билан уриб, ярим вайрон ҳолдаги бинодан фойдаланганлар. Тахминан ўша бино билан бир вақтда шаҳарнинг шимолида оддий кишиларнинг турар жойлари қурилган. Уларда хўжалик учун керак бўлган хоналар ҳам бўлган. Бу ердан эрамызнинг II—III асрларига оид бўлган ярим доира шаклидаги сопол плиталардан қилинган меҳроб ва терракотадан ясалган ҳайкалчалар топилган.

Афросиёбдаги V даврни белгилайдиган сополлар комплекси ҳозирча етарли даражада эмас. Лекин бу даврдаги қатламларнинг Афросиёб IV даври қатлами билан боғлиқ эканлигини кўрсатувчи маълумотлар бор.

Хўжа Дониёр мақбараси районидagi биргина кулолчилик устахонаси ҳозирча V даврни характерлаб берувчи объект



Миллодан аввалги дастлабки асрларга оид сопол буюмлар комплекси.

ҳисобланади. Устахона заминидан олинган сополларнинг кўриниши ваза типидagi идишлар ҳамда юмалоқ ва бўйни унча узун бўлмаган кўзалар билан аниқланади.

Кулолчилик устахонасида ишнинг тўсатдан тўхтаб қолиши ва одамларнинг қочиб кетганлигини кўрсатувчи аниқ белгилар бор. У ердан олинган сопол буюмлар хусусиятини мазкур устахонада қўққисдан ишнинг тўхтатилиши факти билан таққослаб кўрадиган бўлсак, уни шаҳар ҳаётида кескин ўзгариш юз берганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Самарқанд ҳаётининг милодий III асри охиридан то V аср ўрталаригача бўлган даврига оид аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Деҳқон зодагонлари билан эрксевар жамоалар ўртасидаги социал-сиёсий кураш кескинлашиши туфайли Қушан подшолиги заифлашган, шаҳарлар тушкунликка учраган, ҳаёт шаҳарлардан ташқарида деҳқон қалъалари атрофида ривожлана бошлаган.

Шаҳар истеҳкомларининг текшириш олиб борилган участкаларида IV асрга оид девор мавжудлиги аниқланмади. Ша-

ҳар харобаларининг V—VI асрларга оид қатламлари ҳали-яхши ўрганилмаган.

V асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида Сўғда феодализм ривожлана бошлайди. Эски шаҳарларга таянган мустақил деҳқончилик округлари ташкил топади. Самарқанд аста-секин иқтисодий жиҳатдан мустақамланади ва унинг теvarа-гида мустақам қўш ҳалқали истеҳкомлар қад кўтарди. VII—VIII асрларда шаҳар деворларининг қўшалок ҳалқасидан ташқарисида, унинг ғарби-шимолий қисмида аҳоли кўп-лаб жойлашган. Бу ҳол IX—X асрларда қад кўтарган деворларнинг ичидан топилган ва ўша даврга оид бўлган тўртбурчакли тешик сўғд чақалари ва идишларнинг майда бўлаклари билан билвосита тасдиқланади. Чақаларнинг ҳаммаси ҳам тупроқ билан бирга қурилиш материалларига аралашиб кетмаганлигини назарга олсак, у ҳолда IX асрда қурилиш ишлари натижасида бузилган VII ва VIII аср бошларига оид қатламлар анча қалин бўлган бўлса керак. Шаҳар харобасининг жануби-ғарбида очилган қатламдан V асрга оид сўғд чақалари ва илмоқсимон дастали кўза бўлаклари топилди.

Деворга ишлатилган материаллар, деворнинг урилиши ҳамда сополлар шаҳарнинг жанубий деворини милодий VII асрдан анча кейин қурилган деб айтишга асос бермайди. Шаҳар харобасининг ўша районидаги Ҳазрати Хизр мачити яқинида жуда кўп топилдиқлари бўлган дафина аниқланиб, унда тўртбурчак тешикли сўғд чақалари ҳам топилган.

## 2. ҚАДИМИЙ САМАРҚАНДНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Самарқанд тарихида шаҳарни сув билан таъминлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу муҳим ҳаётий масалани ҳал қилмай туриб, Зарафшон дарёси сўл қирғоғидаги баландпастликларда жойлашган шаҳарнинг нормал ҳаёт кечириши мумкин эмасди. Зарафшон водийси сўл қирғоғидаги тоғ этаги текислиги (Самарқанд территорияси билан бирга) Самарқанддан 42 километр жануби-шарқда жойлашган Работхўжадан бошланадиган Дарғом ирригация системаси орқали азалдан сугориб келинган.

Дарғом канали қурилган вақтни аниқлаш учун археологлардан бир группаси 1967 йилда Дарғом ирригация системасининг юқори қисмида текшириш ишлари олиб боришди. Самарқанд воҳаси чап қирғоғи қисмининг энг асосий сув йўли бўлган бу канал милодимиз бўсағасида, бундан қарийб икки минг йил муқаддам қурилганлиги аниқланди. Демак, Дарғом илк Самарқанддан бир неча аср ёш экан. Хўш, ундай бўлса, Афросиёбдаги қадимий Самарқанд сувни қаердан олган?

Шаҳарнинг энг қадимий ирригация системалари ўтказилган вақтда жойнинг географик ҳолати муҳим аҳамиятга эга



бўлган. Самарқанд воҳаси икки қисмдан; водий ва адирдан иборат. Воҳанинг водий қисми — аллювиал текислик, яъни Зарафшон дарёсининг қадимий водийси, адир қисми эса пролювиал текислик бўлиб, тоғ этагидир. Самарқанд Зарафшоннинг қадимий (аллювиал) водийсидан сал баландроқ бўлган шу дарё чап қирғоғи тоғ этагидаги пролювиал текисликда жойлашган. Самарқанд текислиги шарқдан ва жануби-шарқдан ғарбга ва шимоли-ғарбга томон, тоғ этакларидан Зарафшон водийсига қараб пасайиб боради. Самарқанд текислиги сатҳининг ўртача қиялиги 0,004 дан ошмайди.

Зарафшон тизма тоғи тармоқларининг шимолий ён бағирларидан оқиб тушган сойлар қадим замонларда жуда кўп ўзанларни ҳосил қилган. Бу ўзанлар Самарқанднинг тоғолди чап қирғоқ текислигини кесиб ўтган. Бу сойларнинг баҳорги сел оқимлари Самарқандгача етиб келиб, Сиёбга қуйилган бўлса эҳтимол. Сиёбнинг чап қирғоғини Самарқанд территориясида қадимий ўзанлар кесиб ўтиб, чуқур ва кенг жарлар ҳосил қилган.

Қадимий Самарқанднинг биринчи тадқиқотчиларидан бўлган В. Г. Григорьевнинг фикрича, шаҳарнинг суғориш системаси тоғлардан оқиб тушадиган сойлар билан боғлиқ эди. Аммо Самарқанднинг тоғ сойлари доимо бир хилда оқмай, баҳорда жўшқин оқимларга айланган, ёзда эса қуриб қолган. Самарқанд территорияси 1—20 метр чуқурликда жойлашган ер ости сувларига бой. Тоғлардан узоқлашиб, рельеф пасайган сари ер ости сувлари юзага яқинлашади. Водийнинг энг паст участкаларида, айниқса юқорида айтилган сойларнинг чуқур ўзанларида ер ости сувлари анча кўп бўлиб, улар булоқлар ҳосил қилган. Шубҳасиз, булоқлар Самарқанддаги энг қадимий инсонлар учун асосий сув манбаи бўлиб хизмат этган. Самарқанддаги Комсомол кўли территориясида топилган ва Чашмаи Сиёб ариғининг ўнг соҳилида жойлашган булоқлардан сув оладиган юқори палеолит макони ана шундан ёрқин далолат бериб турибди. Бўлажак шаҳар территорияси атрофидаги жуда кўп булоқлар Самарқанднинг энг қадимий қурувчилари диққат-эътиборини ўзига жалб қилмай қолмас эди.

Шаҳар территориясида ҳозирги кунда ҳам анча-мунча сув чиқадиган булоқлар бор. Улар Афросиёбнинг Сиёб соҳилидаги Хўжа Дониёр қабри яқинида; шаҳар харобасининг шимоли-шарқий бурчагида Обимашҳад ариғининг чап қирғоғида (ундан секундига 0,001 кубометр сув чиқади) шаҳарнинг Хўжа Ахрор дарвозаси ёнидаги лимонад заводи яқинида; Комсомол кўли яқинида ва бошқа жойларда учрайди. Бу булоқлар шу ердаги қадимий қишлоқларни эмас, балки улар замнида вужудга келган ва кўп минг аҳолига эга бўлган қадимий Самарқандни ҳам сув билан таъминлаши мумкин эди.

Сойларнинг чуқур ўзанларида вужудга келган жуда қадим замонлардаги булоқ сувлари ҳозирги Самарқанд территориясини меридиан бўйича бир неча жойдан кесиб ўтган табиий ўзани ҳосил қилган, айрим жойларда эса чангалзор ва қамишзор билан қопланган кичик кўлмак ва ботқоқликлар вужудга келтирган. Булоқларнинг суви Сиёб ва у орқали Зарафшонга оқиб тушган Обимашҳад (Обимашад), Новадон, Чашмаи Сиёб ёки Сиёбча ва бошқалар булоқ сувлари оқади-ган табиий ариқчалар ҳисобланган. Буни тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди: «Обимашҳад булоғи — деб ёзади Абу Тоҳирхожа,— шаҳардан икки мил (5 чақиримча) узоқликдан, жануби-шарқий томондан чиқиб, шаҳар девори ва Афросиёб қўرғони тагидан ўтиб, Сиёҳ обга қуюлади».

Эҳтимол, дастлаб Афросиёб территориясидаги аҳолини сув билан таъминлаган Самарқанднинг энг қадимий ирригация системаси булоқ сувлари ҳисобига ўтказилган бўлса керак.

Новадон Самарқанддаги сувга сероб ариқлардан бири бўлган. 1926 йилги гидрология маълумотларига кўра, ундан секундига 0,072 кубометр ёки 72 литрга яқин сув оққан. Бу эса суткасига 6 миллион литр сувни ташкил этади. Бундай миқдордаги сув қадимий Афросиёб шаҳрининггина эмас, балки Темур ва Темурийлар даврида аҳоли зич жойлашган Самарқанд шаҳри аҳолисининг ҳам ҳаётини эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган. Абу Тоҳирхожанинг Самария китобида ёзишича, «Новадон булоғи шаҳар тошидан, жануб томондан чиқиб, Хўжа Аҳрор дарвозаси аталган шаҳар дарвозаси ёнидан оқиб, шаҳар ўртасидан ўтиб, Сиёҳ об ариғига қуюлади. Баъзилар Самар қоздирган булоқ ушбудир, дейдилар».

Новадон ва булоқдан бош олган бошқа Обимашҳад қадим замонларда ҳозирги ўзанидан анча юқорида жойлашган бўлиб, кейинчалик чуқурлашиб кетган. Самарқанд территориясининг энг қадимий юзаси ҳозиргига нисбатан пастроқ бўлган ва шаҳардаги жўшқин ҳаёт натижасида маданий қатламнинг тўплана бориши ҳисобига аста-секин кўтарилган. Шу сабабли ҳам қадимий Самарқанд мироблари булоқлардан ҳосил бўлган сойларнинг сувини Афросиёб территориясига олиб келишга муваффақ бўлганлар.

Самарқанд водийсининг пролювиал қисмида асосий сув манбаи ҳисобланган булоқ сувлари Афросиёбда энг қадимий шаҳарнинг бунёд этилиш тарихида муҳим роль ўйнади. Самарқандликларнинг Сиёб ва Обимашҳад сувини «Оби ҳаёт» деб иззатлаганликлари ҳам шундан далолат бериб турибди. Ана шу сувларнинг соҳилларида қадим замонлардан бери илк баҳорда янги йил — Наврўз байрами арафасида «қозон тўлди», «бой бўлди», «гуноҳ тўкилди» каби мусулмон динига

мавжуд бўлган маҳаллий маросим ва расм-русмлар билан бирга халқ сайиллари, тантаналари ўтказиларди.


Афросиёбга жануб томондан уч магистрал канал — марказий, ғарбий ва шарқий каналлар орқали сув келтирилган. Марказий каналлар сув бошида шимоли-шарққа қараб, сўнгра Шайх Басир мазори яқинида шимолга — шимоли-шарққа бурилиб, кейин аркка қараб оққан. Каналнинг қолдиқлари ҳозирги вақтгача ҳам етиб келган: унинг изларини Афросиёб территориясида қарийб 1,5 километр узунликда кўриш мумкин. В. Л. Вяткиннинг ёзишича, шаҳарга кираверишда марказий каналдан чап — ғарбий тармоқ ажралиб чиққан. У Ҳазрати Хизр мачитидан бошлаб, қадимий шаҳарнинг шимолига — Бухоро дарвозаси томон оққан. Шайх Басир мазори яқинида марказий ўзаннынг ўнг томонидан шимоли-шарққа қараб шарқий канал бош олган. Ҳазрати Хизр мачити ёнида марказий ўзандан шарқ томон ажралиб чиққан шохобчаларидан бири Афросиёбнинг жанубий қисмини суғорган. Бу шохобча излари Шоҳизинда ансамблининг ғарбий томонида яхши сақланиб қолган.

1959—1965 йилларда Афросиёбдаги қадимий ирригация системаси ўзанларининг қуриб қолган бир неча пунктларида ўтказилган археологик қазишмалар вақтида шаҳар канали асосий ўзанларнинг катталигини эмас, балки уларнинг қазилган ва сув оққан вақтлари ҳам аниқланди. Марказий ўзаннынг икки ва жанубий ён ўзаннынг уч пунктида қазилган шурф ва кесмалар айниқса қимматли маълумотлар берди. Ҳар икки участкада маданий ирригация чўкиндиларининг айрим қатламлари бўлган бир неча ўзан излари аниқланди. Пастки қатламлар антик давр, юқори қатламлар эса ўрта асрга оид ўзанга тааллуқлидир.

Қадимий ўзан материк тупроқда бўлиб, кенг ва саёз (кенглиги 6 метрдан зиёд, чуқурлиги 70—80 сантиметр) бўлган. Афросиёбнинг шаҳар канали ўзанининг қўндаланг кесмаси, антик даврлардаги каналларга ўхшаш бўлиб, бундай каналлар айниқса, Хоразмдаги қадимий деҳқончилик районларида яхши ўрганилган. Археологик қазишмалар маданий-ирригация чўкиндилари туфайли каналнинг дастлабки ўзани устида вужудга келган шаҳар канали антик, шунингдек, ўрта аср даврида ҳам турли босқичларга эга бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Афросиёб территориясида шаҳар каналининг уч асосий ўзанидан анча ариқлар чиқарилиб, уларнинг сувлари катта ҳовузларга оққан. Бу ҳовузларнинг қолдиқлари Афросиёбнинг шимолий, шимоли-ғарбий ва жанубий қисмларидан топилди. Бу қадимий ҳовузлар Афросиёбни сув билан таъминлашда, айниқса душман шаҳарни қамал қилиб, уни оқар сувдан маҳрум этган кезларда ғоят муҳим роль ўйнаганлиги

шубҳасиздир. Каналдан сув уриб кетганда ёки тўғон бузилганда, шаҳар мудофаадагилари сувдан маҳрум этилган тақдирда Афросиёб территориясида ва унга туташ жойларда Дониёр мазори яқинидаги булоқ ва Сиёбдан ташқари ишончли сув манбаи йўқ эди. Шу сабабли Афросиёбда қадимий ҳовузлар жуда зарур бўлиб, шаҳар мудофааси учун муҳим аҳамиятга эга эди.



Қадимги Самарқандни сугориш системаси схемаси (милоддан аввалги биринчи аср ва милодий биринчи аср).

Канал ўзанининг пастки қатламларида қазиб олинган энг қадимий сопол материаллар милоддан аввалги биринчи ва милодий I—II асрларга тўғри келади. Бунини маданий-ирригация қатламлари, одатда, каналдан фойдалана бошлаган даврдан пайдо бўла бошлаганлиги канал бўш ётган, яъни шаҳарни сув билан таъминлайдиган бутун система бирон сабабга кўра қаровсиз қолган ва мунтазам ремонт қилинмаган чоғда кўпайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Афросиёбдаги энг қадимги ирригация системаси унинг ўзанида маданий-ирригация қатламлари вужудга келишидан анча илгари мавжуд бўлганлиги ва ишлаб турганлиги табиийдир. Бу система

Самарқанд барпо этилган даврда, яъни Афросиёб шаҳари ҳаётининг биринчи босқичида қурилган бўлиши мумкин. Бироқ Новадон ва Обимашҳад сувлари Афросиёб шаҳри атрофидаги катта майдонларни ўзлаштириш учун етарли эмас эди. Шу боисдан ўша даврда Самарқанд атрофидаги кўпгина жойларни суғориш мумкин бўлмаган. Асосий экин майдонлари эса Зарафшон чап қирғоғининг аллювиал текислигида, яъни Сиёб водийсида жойлашган бўлиб, улар асосан жуда кўплаб булоқлардан ҳосил бўлган Сиёб суви билан суғорилган.

Милод бошида қадимий Самарқандни сув билан таъминлашда янги давр бошланди. Урта Осиёда қулдорлик тузumi равнақ топган Кушан империяси ҳукмронлиги вақтида бутун мамлакатда катта ирригация қурилиш ишлари амалга оширилди. Сўғд марказида Зарафшон чап қирғоғи тоғолди текислигини ўзлаштириш мақсадида Зарафшон дарёсидан сув оладиган Дарғом канали қазилди. Ана шу канал орқали Самарқанд атрофининг пролювиал қисми тўла суғорилди ва экинзорга айлантирилди. Обимашҳад ва Новадон булоқларидан сув олган шаҳар канали қадимий Самарқандни Дарғом билан боғлаган (Кейинчалик худди шу каналнинг ўзи Жакардиза ёки Чокардиза деб аталган бўлса керак). Бу канал фақат Самарқандни эмас, балки унинг атрофидаги жойларни ҳам сув билан таъминлаш проблемасини ҳал этди. Унинг Афросиёб харобаларида, айниқса марказий ўзан кесмаларида аниқ излари қолган.

Милод бошида Дарғом каналининг қурилиши ва шаҳарнинг ана шу канал орқали сув билан таъминланиши орқали Афросиёбдаги энг қадимги ирригация системаси ҳам тикланди. Қадимий ўзан эни жиҳатидан (6 метр) деярли ўзгармай қолган, лекин у анча чуқурлашган (1 метргача), яъни суви кўпайган. IV асрнинг охири ва V асрнинг бошларида канал ўзанини лойқа босади. Бу даврга келиб, унинг туби ва қирғоқлари яна 40 сантиметр кўтарилади. Канал жуда саёзлашиб, унинг туби дастлабкисига нисбатан 1 метр юқори бўлиб қолади.

Шундай қилиб, дастлаб кичик булоқлардан сув олган, сўнгра эса Дарғом ирригация системасига бирлаштирилиб, Самарқандни сув билан таъминлаган энг қадимий ирригация системаси антик даврда уч босқични кечирган. Бу босқичлар Афросиёбдан ўтган каналнинг дастлабки ўзанида вужудга келган ирригация қатламларида яхши кўзга ташланади. Самарқанднинг қадимги ирригаторлари ҳар бир қарич ернинг табиий хусусиятини яхши билган ва ҳисобга олган ҳолда Афросиёб территориясининг мураккаб рельефи шароитида канални жуда моҳирлик билан қурганлар. Бу — бутун тарих давомида, яъни Самарқанд шаҳри вужудга келган пайдан бошлаб (милоддан олдинги V аср), Чингизхон томонидан уни

вайрон қилинган даврга қадар Афросиёбдаги асосий сув йўларининг ўзгармаганлиги билан ҳам тасдиқланади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўзан баъзан тикланган, ёки археологик қазишмалар кўрсатганидек, янгитдан қурилган канал Афросиёбнинг антик даврдаги канали ўзани бўйича ўтган.

### 3. СЎҒД ВА УНИНГ ПОЙТАХТИ САМАРҚАНД

Антик муаллифлари томонидан тасвирланган воқеаларда Сўғд пойтахти Мароканда номи ҳам тилга олинган бўлиб; бу воқеалар милоддан аввалги IV асрнинг сўнгги учинчи даврига — македониялик Искандар қўшинлари Ўрта Осиёга бостириб кирган вақт (милоддан аввалги 329—327 йиллар)га тўғри келади. Унинг Ўрта Осиёга қилган юриши тарихи Арриан (милодий II аср) ва римлик ёзувчи Квинт Курций Руф (I аср) баённомалари орқали етиб келган.

Манбаларга кўра, Искандар Каспий дарвозасига етиб келганида Доро III тарафдорлари лагериди Бактрия сатрапи ва Доронинг қариндоши Бесс бошчилигида исён кўтарилганлиги ҳақида хабар олади. Исёнчилар Дорони тутиб тахтдан ағдаради ва ўлдиради. Аҳоманийлар армиясининг катта қисми, шу жумладан, бактрияликлар, саклар ва сўғдийлар ҳам Бесс томонига ўтади. Ўрта осиеликлар Аҳоманийлар қўшинларининг анча қисмини ташкил этиб, улар милоддан аввалги V асрда бўлган Грек-Эрон урушларида, сўнгра эса Искандарга қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда актив қатнашганлар.

Милоддан аввалги IV асрнинг сўнгги чорагида Аҳоманийлар ҳокимиятининг шарқий вилоятларида, шу жумладан, Бактрия ва Сўғдда Эрон маъмурияти атиги сатрап ва унинг атрофидаги кишилардан иборат бўлган. Грек-македонияликлар бостириб кирган йилларда Бактрия ҳокими бевосита Бессга бўйсунган ва шундан олдинги даврларда Аҳоманийларнинг марказий маъмурияти, шунингдек, бактриялик ноиб билан ҳам тез-тез жанжал қилиб турган маҳаллий оқсуяклар бунда асосий роль ўйнаган бўлса керак.

Эрампдан аввалги IV асрдаёқ Сўғдиёна сунъий суғоришга ва йирик дарёларнинг, аввало, Зарафшоннинг сувидан фойдаланишга асосланган, ривож топган деҳқончилик мамлақати эди. Археологик маълумотлар бу ерда ҳунармандчилик, айниқса, кулолчиликнинг юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Милоддан аввалги биринчи минг йилликда Ўрта Осиё учун характерли бўлган меҳнат тақсимоли ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвачиликнинг мавжуд бўлиши ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши билан милодий V—IV асрларда товар тусини олиб, савдо-сотиқни ривожлантиришга ёрдам берди. Искандар юришларини ёритган тарих-

чиларнинг маълумотларига кўра, милоддан аввалги IV асрда Сўғд қишлоқлари, одатда, дарёлар бўйидаги водийларда, текисликларда жойлашган ҳамда пахса деворлар билан ўраб олинган мустақкам қишлоқ ва қўрғонлардан иборат эди. Тоғли жойлардаги қишлоқ ва қўрғонларда эса мураккаб ҳарбий истеҳкомлар мавжуд эди. Маълум ёзма манбалар ва археологик маълумотларга кўра, Сўғднинг йирик қишлоқлари орасида девор билан ўраб олинган ва жуда катта қалъаси бўлган пойтахт — Мароканда шубҳасиз биринчи ўринни эгаллар эди.

Грек-македонияликлар Сўғдга келиб, бу ерга улардан анча кейин келган ва ўлканинг унумдорлиги, бойлигига қойил қолган Истархи тасвирлаган мамлакатни кўрган эди: «Бирон тепаликка чиқиб, атрофга назар ташлайдиган бўлсангиз, Самарқанд Сўғдида, шунингдек, Самарқанднинг ўзида ҳам нигоҳингиз кўкаламзорга ва ёқимли жойларга тушади, унинг яқинида дарахтсиз тоғлар ва чанги чиқиб ётган даштлар йўқ... Самарқанд Сўғди биз тилга олиб ўтган учта жой орасида энг гўзалдир, чунки у Бухоро чегарасига қадар Сўғд дарёси бўйлаб ўнг ва чап томондан узилмай давом этиб келади, унинг катталиги шунчаки, кўкаламзор ва боғлар орасидан саккиз кун юрасан. Бу доимо сув оқиб турадиган каналлар билан ўраб олинган яхлит боғлардир, ўтлоқлар ва далалар ўртасида эса ҳовузлар бор. Дарёнинг ҳар икки ёқаси кўм-кўк дарахтлар ва экинзорлар билан қопланган. Яшил дарахтлар экинларни ҳимоя қилади, экинзорлардан кейин эса чорва моллар учун яйловлар ястанган. Бу ердаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қўрғон бўлиб, у кўкаламзорлар орасида бамисоли сув ўзанлари билан тўқилган ва қасрларнинг жилваси билан безатилган яшил парча либосдек ярқираб туради. Сўғд оллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридир, унда энг яхши дарахтлар ва мевалар, одамлар яшайдиган ҳамма жойда боғлар, ҳовузлар ва оқар сувлар бор; оқар сувли ариғи бўлмаган кўча ёки уй камдан-кам учрайди».

Қадимий Сўғднинг, антик манбаларида айтилишича эса, Сўғдиёнанинг чегараси жанубда Амударёга, шимолда эса Сирдарёнинг юқори оқимигача борарди. Страбон «География»сида Сўғдиёнанинг чегаралари ана шундай кўрсатилган бўлиб, уни ишончли маълумотлар деб ҳисоблаш мумкин. Географ Клавдий Птолемейнинг Марин Тирскийнинг (милодий II аср бошлари) бизга етиб келмаган асарига асосланиб ёзган китобида Сўғдиёнанинг батафсил тавсифи мавжуд. Птолемей ўз асарида Сўғдиёнанинг жанубий чегараси қисман Окс (Амударё) бўйлаб ўтади, қисман эса «Ҳинд тоғлари деб номланган Кавказ тоғлари яқинида» (бунда Паропамис, яъни Ҳиндиқуш тоғларининг давоми назарда тутилади) ўтади. Бу жой Окс бошланадиган жойлардан координатлари  $125^{\circ}$  ва  $38^{\circ} 30'$  бўлган нуқталаргача боради. Птолемейнинг фикрича, ғарбда

Сўғдиёна Окс орқали Марғиёнадан ажралиб турган. Шимолда «Окс тоғлари» уни «Скифиядан» ажратиб турган, шарқда Яксарт (Сирдарё) ва Комед тоғлари Сўғдиёна билан сақлар ўртасидаги чегара бўлган.

Страбон сингари Птолемей ҳам Амударёни Сўғдиёнанинг жанубий чегараси деб ҳисоблаган. Бунда у Бактриянинг (илк ўрта аср манбаларида Тоҳаристон деб аталади) ўнг қирғоқ районларини Сўғдиёна составига қўшган.

Шундай қилиб, қадимий Сўғд ўрта асрлардаги тарихий-географик манбаларда кўрсатилганидан кўра анча кенг территорияни эгаллаб турган. Чунки ўрта аср манбаларида Сўғд деганда аввало Зарафшон ва Қашқадарё водийлари тушунилган.

Аҳоманийлар ёзувларига ва антик муаллифларнинг маълумотларига кўра, милоддан аввалги VI аср охири ва V аср бошларида Сўғд Кир даврида бўлмаса ҳам, бироқ Доро I даврида айрим ҳокимлик бўлган бўлса керак. Герадот баёнича, Аҳоманийлар давлатига кирадиган округларнинг рўйхатида Сўғд Парфия, Хоразм ва Арей (ҳозирги Ҳирот вилояти) билан бирга XVI округ таркибида кўрсатилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу рўйхат Ксеркс (486—465 йиллар) ва, айниқса, Артаксерк I (465—423 йиллар) ҳукмронлик қилган даврда Аҳоманийлар подшолигининг сиёсий-маъмурий бўлинишини, ҳатто ундан олдинги вақтдаги бўлинишни ҳам акс эттирса керак.

Арриан, Курций Руф ва «Искандар йўлчиси» маълумотларидан равшан кўриниб турганидек, милоддан аввалги VI асрда, Доро III даврида сўғдлар ҳам Аҳоманийлар қўл остида бўлган Ҳиндистоннинг бир қисми аҳолиси ва «Бактриянинг бошқа қўшнилари» сингари Бесс бошчилик қилган Бактрия ҳокимлигига кирган. Бесс Гавгамеладаги жангда бактрияликлар, сўғдлар ва ҳиндларга (ҳиндлар деганда бу ўринда Ҳиндистоннинг шимолий чегараларида яшаган қабилаларни тушунмоқ керак) қўмондонлик қилган.

Аҳоманийлар учун ҳалокатли бўлган Гавгамела жангида Эрон армияси тасвирланаётганда тилга олинган халқлар ва қабилалар бир йилдан сўнг Искандарга қарши узоқ давом этган курашга отландилар. Гавгамела жангида ҳам, ундан анча олдин — милоддан аввалги V асрдаги грек-эрон урушлари даврида ҳам Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё халқлари оғир солиқлар солган ва улар ҳокимиятига жуда кўп мажбуриятлар юклаган (имтиёзли форсларгина бундан мустасно) Аҳоманий сулоласини ҳимоя қилишга мажбур эди.

Геродотнинг маълумотларига кўра, Аҳоманий шоҳларига Бактрия 360 талант, Парфия, Хоразм, Сўғд ва Ария 300 талант, сақлар ва каспийликлар 250 талант тўлаганлар. Шундай қилиб, Ўрта Осиёдаги уч ҳокимлик Аҳоманийларга ҳар



йили 910 талант кумуш тўлаб турган. Бу эса «шоҳлар шоҳи» давлатининг энг бой ҳокимлиги бўлган Вавилония ва Ассирия тўлайдиган кумушдан салгина кам эди. Натура ҳолида тўлайдиган мажбуриятлар, шу жумладан «шоҳлар шоҳи»га (афтидан, сатрапларга ҳам) ихтиёрий равишда маҳсулот ва шароб тортиқ қилиш деб номланган мажбуриятлар ниҳоят даражада оғир бўлган. Бу ҳақда Таврот ва антик манбаларда маълумотлар келтирилади. Геродот Урта Осиёда қўшимча солиқнинг яна бир тури — сув учун солиқ тўлаганлиги: сув омборининг тўғонларини очганлиги учун эрон шоҳининг «одатдаги ўлпонлардан ташқари кўплаб пул олганлиги» тўғрисида ҳикоя қилади.

Доро I нинг қурилаётган иншоотларга ёзиб қолдирган хатлари ва Персеполдан топилган элам ҳужжатлари сўғдлар, бактрияликлар, хоразмликлар ва давлатнинг шарқий вилоятларидаги бошқа халқлар гоят оғир кун кечирганликларидан далолат беради.

Урта Осиё халқлари Аҳоманийлар давлатини қашшоқ ҳолга келтирган Ксеркснинг Грецияга қилган юришларида қатнашишга мажбур бўлганлар. Сақларнинг пиёда аскарлари Фермопиладаги жанглар тасвирланганда тилга олинади, Платеяда бўлган жангда бактрияликлар билан сақлар қатнашди. Эсхил Саламиндаги (милоддан аввалги 480 йил) жангда ҳалок бўлган бактрияликлар тўғрисида ёзиб, «Бактрия халқи бутунлай ҳалок бўлди», деган.

Зарафшон водийсининг ғарбий қисмида қишлоқлар жуда эрта вужудга келган, лекин бу ерда Аҳоманийлар даврида шаҳар марказларининг бўлганлиги тўғрисида ишонарли маълумотлар йўқ. Милоддан аввалги IV асрнинг сўнгги чорагида македониялик Искандар Сўғдга юриш қилган вақтда Зарафшоннинг қуйи оқимида шаҳар бўлганлиги ҳақида ҳам ёзма манбаларда бевосита кўрсатма йўқ. Птолемей ўз «География»сида кўрсатиб ўтган Трибактрани баъзи тадқиқотчилар Бухоро шаҳрининг номи деб ҳисоблайдилар. Лекин бошқа манбаларда бу ном учрамайди ва кейинги топонимикада бу соҳада ҳеч қандай маълумот сақланмаган.

Квинт Курций Руф томонидан милоддан олдинги 329 йилда Сўғдиёна территориясидаги бўлган уруш ҳаракатлари тўғрисидаги ҳикоясида тилга олинган Бактрия шаҳри ва Спитаменнинг гўё Сўғд пойтахти Марокандадан шу ерга чекинганлигини баъзи тадқиқотчилар Бухоро ўрнида эрамиздан аввалги IV асрдаёқ шаҳар типидagi марказ бўлганлигидан далолат беради дейдилар. Бироқ бу фикр бошқа манбалар билан таққослаб кўрилганда, Квинт Курций бунда Бактра номини нотўғри қўллаганлиги маълум бўлади.

Сўғдлар ўз мамлакатини қадим замонларда *Сўғд* деб атаганлар, анча сўнгги вақтлардаги фонетик вариантлари эса

*Сғуд* ва *Сугуд*дир. Сифат маъносини билдирган *сўғдики*, *сўғдлик* уларда *сўғдик* ёки *сғудик* шаклида қўлланган; қадимги прототипга ўхшаш бўлган *сўғдийа* — *сўғдлик* сўзлари *сўғди-кана*, *сўғдиёна*, *сўғде* ва *судик* вариантлари ҳам ана шу маънода маълумдир.

Вилоят пойтахти Самарқанд тўғрисида зороастризмда келтирилган ривоятларда шаҳарнинг пайдо бўлиши эпик қаҳрамонлар, Қайқубаданинг ўғли Қайковус ва Сиёвуш номлари билан боғланади.

Зарафшон водийсининг ҳозирги топонимикасида ўлканинг қадимги талаффузи камдан-кам номларда сақланган — *Сўғду* Ягноб дарёси водийсидаги ном ва эҳтимол *Сўғут* (ёки «Сўгут») сўзи Самарқанддан 75 км нарида жойлашган қишлоқнинг номидир.

Шундай қилиб, қадим замонларда Амударёдан Сирдарёга қадар бўлган территорияда қўлланилган *Сўғд* номининг моҳияти бир неча бор ўзгарган. Амударё милоддан аввалги II аср ўрталаригача — Грек-Бактрия подшолигининг қулашига қадар Сўғдиёнанинг жанубий чегараси деб ҳисоблаб келинган. Бактриянинг сак-тохар қабилалари томонидан босиб олиниши ва шу қабилаларнинг Амударёдан шимол ва жануброқдаги районларда ўтроқ бўлиб қолиши туфайли Тохаристон вилояти вужудга келади (бу ном милодий IV асрдан бошлаб манбаларда қайд этилади). Қадим замонларда Бактрия деб аталган Балх ана шу вилоятнинг маркази бўлиб қолади. «Темир дарвоза»дан тортиб, қисман сўғдлар жойлашган Бамианга қадар бўлган территория шу вилоят таркибига киради. Бироқ грек-македон истилочилари ўлкани вайрон қилганликлари сабабли милоддан олдинги IV асрнинг охиридаёқ бир қисм сўғдлар Зарафшон ва Қашқадарё водийларидан шимол ва шарққа томон кўчган ва бу кўчиш минг йилдан кўпроқ вақт давом этган бўлса керак. Қадимий сўғд территориясидан ташқарида сўғдларнинг жуда кўп қишлоқлари вужудга келган. Ана шу тариқа Еттисува сўғдий аҳоли яшаган бутун бир вилоят *Сўғдок* ташкил топган. Лекин Зарафшон водийсида *Сўғд* номи анча тор маънода қўлланиб, фақат Самарқанд сўғдигагина, кейинчалик эса унинг айрим волостларигагина тааллуқли бўлиб қолади.

#### 4. МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАРНИНГ УРТА ОСИЕНИ ЗАБТ ЭТИШ ДАВРИДА САМАРҚАНД ВА СЎҒДНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН ОЛИБ БОРГАН КУРАШИ

Бактрия ҳукмдори Бесс Шарқда энг катта, энг қудратли Бактрия сатраплигига эга бўлган. Гавгамелада у бошчилик қилган отрядлар шарққа чекингандан сўнг ҳам ўз жанговарлик қобилиятини сақлаб қолади. Тез орада, 329 йилда Доро

III ўлдирилгач, Бесс шохлик унвонини олади ва ўзини Артаксеркс — «Осие подшохи» деб эълон қилади. Шундан кейин у бактрияликлар, Бактрияга кетиб қолган форслар, саклар ва «Танаис» (Сирдарё) дарёси бўйида яшаётган бошқа халқлардан қўшин йиға бошлайди.

Шунга қарамай Искандар Гирканияни ва Қаспий денгизининг жануби-шарқий қирғоғига яқин вилоятларни осонгина эгаллаб, Парфия территориясига бостириб киради, бу ерда ҳам у унчалик қаршиликка дуч келмайди. Грек-македон армияси бир оз дам олганидан кейин Бактрия томон отланади. Артаксеркс (қадимги форсча *Артахшаса* — V—IV асрлардаги Аҳоманийларнинг одатдаги тож-тахт номи) тахт номини қабул қилиб, шарқда Аҳоманийлар сулоласи илгариги мавқеини йўқотган бир даврда ўзини янги шох деб эълон қилганлиги сабабли Аҳоманийлар наслидан бўлган форс Бесснинг обрўйи жуда тушиб қолган эди.

Бесс шарқий вилоятлар (Бактрия ва Сўғд, Ария, Жанубий Афғонистон ва Жануби-Шарқий Эрон вилоятлари) иттифоқини тузишга ва форс бўлмаган маҳаллий оқсуякларнинг баъзи намояндаларини ўзига жалб қилишга муваффақ бўлди. Лекин Бесс етарли даражада кучли, грек-македониянинг отлиқ аскарларига, оғир қурооллар билан таъминланган пёда қўшинлари (фаланглар ва гипастистлар)га ҳамда енгил қуроолли эпчил ва чаққон ёй отувчиларга қарши турадиган армия туза олмади.

Ариядаги қўзғолонни бостириб, Искандар Дрангианга йўл олди ва бу вилоятни ҳам эгаллади. Бактрия иттифоқчиларсиз қолди. Бесснинг Арияда македонияликларга қарши яна қўзғолон кўтариш борасидаги уринишлари муваффақиятсиз чиқди. 329 йил баҳорида Искандар ўз армиясининг асосий қисми билан Ҳиндиқуш (антик давр тарихчиларида Кавказ) орқали ўтиб, Бактрия территориясига бостириб кирди ва Драпсак шаҳрини (афтидан ҳозирги Қундуз шаҳри) ишғол қилди. Аррианнинг ёзишича, Бесснинг ихтиёрида бу вақтда «Дорони қамоққа олишда иштирок этган форслар, 7000 бактриялик ва Танаиснинг нариги томонида яшовчи дахлар» бўлиб, Искандар қўшинлари сонидан тахминан икки баравар кам эди. Бактрияликларнинг асосий оммаси Бессни қўллаб-қувватламаган; унинг собиқ иттифоқчилари ё қириб ташланган (жумладан, Ария сатрапи Сатибарзан ўлдирилганди), ёки ношуд «Осие шохини» ташлаб кетишган.

Бесс Бактриядаги курашдан ютқазгач, Окс (Амударё)дан кечиб ўтиб, Сўғд территориясида куч тўплашга уриниб кўради. У билан бирга сўғдлик Спитамен бошлиқ сўғд суворийлари ҳам Оксдан кечиб ўтадилар. «Бактриялик суворийлар Бесс қочишга қарор қилганини сезиб, уй-уйларига тарқалиб кетадилар». Шундан кейин кўп ўтмай, Искандар деярли қар-

шиликсиз Бактриянинг энг йирик шаҳарлари — Аорн (ҳозирги Тошқўрғон?)ни ва вилоят пойтахти Бактрани эгаллади. Шу тариқа бутун Бактрия истилочининг қўлига ўтди. Энди Искандар Сўғд устига юришга тайёргарлик кўриши мумкин эди.

Бактриядаги уруш грек-македон армиясининг Ўрта Осиёга бостириб киришини бир неча ойга кечиктирди. Искандарнинг Арияда оммавий қирғин келтирган жазо экспедицияси грек-македонияликларнинг халқни Аҳоманийлар зулмидан озод этиши у ёқда турсин, аксинча, бундан ҳам оғир зулм олиб келганлигини маҳаллий аҳолига кўрсатди. Бесс бошчилигидаги иттифоқ қатнашчилари, шу жумладан, сўғдлар ва уларнинг сардори Спитамен Бактрия территориясида бўлган тўқнашув ҳамда жанглар вақтида Искандар армиясининг тактикаси, жанговар тартиблари ва қурол-яроғлари билан яқиндан танишди. Бактриядаги воқеалар ва Бесснинг ҳаракатлари вақтдан ютишга, даҳшатли грек қўшинларига қарши курашиш учун тажриба тўплашга ва бу билан Ўрта Осиё халқларининг грек-македон истилочиларига қарши курашида бир оз бўлса-да, ёрдам берди. Аммо Бактрия ва Ариядаги кураш Искандар қўшинлари билан келгусида бўладиган шиддатли жангларнинг фақат муқаддимаси эди, холос. Уруш ҳаракатлари Сўғд территориясига кўчди.

Антик давр муаллифларининг асарларини ўрганиш воқеаларнинг изчиллиги ва боришини анча тўғри аниқлашга, Искандарнинг мақсад ва сиёсатини ҳамда узоқ вақт давомида грек-македон армиясига қаҳрамонона қаршилик кўрсатган сўғдлар ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ҳаракатларини ифодалашга имкон беради. Бироқ воқеаларнинг кўпгина тафсилотлари ҳали ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Бесс Амударёдан кечиб ўтгандан кейин кемаларни ёндириб, «сўғдлар ерига, Новтакага жўнаган». Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, Новтака Қашқадарё водийсида жойлашган бўлиши керак.

Искандар Бессни таъқиб этиб, Оксдан кечиб ўтади ва тез орада, Бесснинг Спитамен томонидан асир олинганлиги тўғрисида хабарни олади. Искандар Бессни қўлга олиш мақсадида Птолемей бошчилигида кучли отряд юборади. Отряд «ўн кунлик масофани тўрт кунда» босиб ўтади, лекин Бесс турган қишлоқ бундан ҳам узоқ ерда жойлашган эди. Маҳаллий оқсуякларнинг Бессни Искандар қўлига топширишдан мақсади ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, ёки эҳтимол, Сўғд территориясида уруш ҳаракатлари авж олишини тўхтатиш бўлган бўлса керак. Спитамен ва унинг тарафдорларининг Бессни ўлдириш ҳақидаги қарори тамомила табиий эди, чунки ўзини «Осиё шоҳи» деб эълон қилган Бактрия сатрапи Искандарнинг сиёсий душмани бўлиши билан бирга, у Сўғдиёна

территориясида грек-македон армиясига қарши курашга бошчилик қила оладиган қобилиятли йўлбошчи ҳам эмас эди.

Искандар ўз армияси ва карвони билан шимолга қараб анча секин силжирди. У маҳаллий аҳолига отлар етказиб бериш мажбуриятини юклаб, Марокандага қараб йўл олди. Грек-македон қўшинларининг йўли ҳозирда Тахтақорача номи билан маълум бўлган доvon орқали эмас, балки анча қулай йўл — ҳозирги Жом қишлоғи орқали ўтган бўлса керак.

Бу йўл XIX аср охиридаёқ «Дашти Искандар» деб номланган текислик бўйича ўтар эди.

Мароканда Искандарга жангсиз, тинч музокаралар натижасида таслим бўлди. Искандар Марокандада бир гарнизон қолдириб «яқин атрофдаги қишлоқларни вайрон қилди ва ёндирди». Чунки бу ер аҳолиси пойтахтга яқинлашиб келган грек-македонияликларга қарши жангларда қатнашган бўлса керак.

Искандар Марокандадан Усрушон орқали Сирдарёга йўл олди. Аррианнинг ёзишича, йўлда маҳаллий аҳоли ем-хашак тайёрловчи македонияликларни қириб ташлаган ва «сўнгра улар ҳамма тарафи тик бўлган тоққа қочишган. Улар 30 минг киши бўлган». Искандар «энг чаққон жангчилари билан бирга» уларга қарши отланади. Македонияликлар бир неча бор бу ерни қаттиқ ҳужум билан эгаллашга уриниб кўришди. Лекин у ерда жойлашиб олган маҳаллий аҳоли ўқ ёйидан катта талафот кўриб, ноилож чекинишга мажбур бўлдилар. Искандарнинг ўзи оғир жароҳатланди. Аммо истилочилар тепаликка ҳам чиқиб олади. Тепаликни ҳимоя қилган маҳаллий аҳолидан кўпи жанг вақтида ўлди. «кўпгина кишилар қоядан ўзини пастга ташлаб ҳалок бўлди, шундай қилиб, 30000 кишидан тахминан 8000 киши тирик қолди. Бу рақамлар грек-македонияликлар биринчи марта маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келганликларини кўрсатади. В. В. Бартольд «македонияликлар, афтидан шу ерда ем-хашак тайёрлаш вақтида тасодифий тўқнашувга эмас, балки уюшган кўзғолонга дуч келган бўлсалар керак» деб тахмин қилади. Жанг бўлган районни Усрушон тоғлари — Клавдий Птолемеёй ўз «География»сида номлаганидек, «Сўғд тоғлари» дейиш мумкин.

Сирдарё бўйида Искандар ҳузурига «абий-скифлар» ва «Европа скифларидан, яъни дарёнинг нариги томонида яшаётган сак қабилаларидан элчилар келади.

Искандар томонидан скифлар ҳузурига юборилган элчилар, Аррианнинг ёзишича, «дўстлик ўрнатиш баҳонаси билан юборилган; лекин бу элчиларнинг асл мақсади — скифлар ерининг табиати билан танишиб, аҳолининг кўп ёки озлигини, унинг урф-одатлари қандай эканини ва қандай қуроллар билан урушга чиқишларини билиб келишдан иборат эди». Квинт

Курцийнинг маълумотларига кўра, элчилар грек-македонияликларнинг рухсатисиз скифлар Танаис (Сирдарё)дан ўтмасликлари ҳақидаги хабарни уларга топшириши лозим эди. Искандар сакларнинг ҳужумларидан сақланиш учун Танаис соҳилида шаҳар қурдириб, уни «ўз номи билан аташга» қарор қилди. Лекин унга шу вақтда «дарё бўйларидаги варварлар» қўзғолон кўтарганлиги тўғрисида хабар етиб келди.

Аррианнинг ўша вақтдаги воқеалар тўғрисидаги қисқа хабаридан шулар маълумки, қўзғолончилар ўз шаҳарларида жойлашган македониялик солдатларнинг гарнизонларини босиб олиб, уларни қириб ташлаганлар ҳамда Искандарнинг жазо отрядлари келишини кутиб, бу шаҳарларни мустаҳкамлашга киришган. Аррианнинг ёзишича, «Бессни қўлга туширган кишилар», яъни Спитамен ва унинг сафдошлари бошчилигидаги сўғдлар ҳам айна вақтда қўзғолон кўтарганлар. Сўғдларга бактрияликлар ҳам қўшилишган. Квинт Курцийнинг ёзишича, қўзғолончиларнинг асосини 7 минг отлиқ лашкар ташкил этарди (улар орасида сўғд ва бактриялик зодагонлар вакиллари ҳам кўп бўлган). Искандар Спитамен билан Кратер «қўзғолончиларни тинчлантириши мумкин» деб ҳисоблаб, уларни ўз ҳузурига чақириб олишга уринди. Аммо қўзғолон йўлбошчилари грек-македонияликлар таклифи тузоқдан бошқа нарса эмас деб ўйлаб, унга эътибор бермайдилар. «Улар қўлга қурол олишга одамларни осонлик билан кўндирдилар, жазодан қўрққан одамларнинг ўзлари ҳам бунга интилардилар».

Ана шу воқеалар тўғрисидаги маълумотларда айтилишича, Спитамен биринчи марта қўзғолоннинг илҳомчиси бўлиб майдонга чиқади. Сўғд аристократиясининг вакили сифатида у ўз ватани территориясида уруш ҳаракатлари бошланиб кетишининг олдини олишга уриниб кўрди ва Искандар билан музокаралар олиб боришга киришди. Грек-македонияликлар ўлка пойтахти Марокандани ишғол қилганларидан кейин, Спитамен рўй берган вазиятга ҳушёрлик билан қаради. Усрушондаги тоғлик аҳолига берилган даҳшатли жазо, деб ёзади К. В. Тревер, «македониялик шоҳ нималарга қодир эканлиги аҳолининггина эмас, балки Спитамен ва унинг сафдошларининг ҳам кўзини очди».

Искандар ўзининг бутун қўшинларини қўзғолончиларга қарши отлантирди. Унинг қароргоҳи бу вақтда Сирдарёдан унча узоқ бўлмаган жойда, ҳозирги Хўжанд районида жойлашган эди. Еттита шаҳар қўзғолонлар маркази бўлди. Аррианнинг ёзишича, Искандарнинг ўзи Ғаза шаҳрига йўл олди. Илк ўрта аср географлари бу шаҳарни Ғазак (Ғазак) билан қиёс этади ва ҳозирги Новга нисбат беради. Искандар Ғазага яқинлашгач, «шаҳарнинг унча баланд бўлмаган пахса деворларининг ҳамма ёғига олдиндан тайёрланган нарвонлар қў-

йиб, шаҳарни тўхтамай ҳужум қилган ҳолда босиб олиш тўғрисида буйруқ берди. Пиёда аскарлар ҳужумга ўтган вақтда палахмончилар, ёй отувчилар ва найза ирғитувчилар қалъадаги жангчиларни деворлардан уриб туширар эдилар; палахмонлардан улар устига ёй ўқлари ёғдирилар эди. Тез орада ўқ ёмғири ҳимоячиларни девордан чекинишга мажбур этди. Македонияликлар нарвонларни жадал суратда қўйиб, деворга чиқиб олдилар». Арриан Ғазанинг забт этилиши ҳақида ана шуларни ёзган. Искандарнинг буйруғига мувофиқ, шаҳарнинг барча эркаклари қириб ташланди; грек-македонияликлар аёллар, болалар ва ўлжаларни ўзлари билан олиб кетдилар. Аррианнинг ёзишича, Искандар ўша кунгек номи манбаларда кўрсатилмаган қўшни шаҳарни ҳам қўлга олади. Ғаза сингари бу шаҳар ҳам қаттиқ ҳужум билан олинади, «енгилганларни эса худди ўша тақдир кутар эди». Эртасига Искандар қўшинлари учинчи шаҳарни ҳам эгаллаб, унга ўт қўйдилар.

Искандарнинг отлиқ аскарлари бошқа икки шаҳарни ҳам қуршаб олди. Бу ерлик аҳоли «ўт қўйилган қўшни шаҳарлардан кўтарилаётган тутунни кўриб, ўша даҳшатли жангдан қочиб қутулган ва ҳужумни ўз кўзи билан кўрган бир неча кишилар келгач, тўда-тўда бўлиб шаҳарлардан қочишди ва душманнинг отлиқ аскарларига дуч келиб, кўпчилиги чавақлаб ташланди».

Қадимий Усрушоннинг антик манбаларда Кирополь, Кира, Кирэсхата номлари билан маълум бўлган асосий «Кира шаҳри» истилочиларга анча-мунча қаршилиқ кўрсатди. «Кира шаҳри» ҳозирги Уратепага тўғри келса керак.

Искандар Кирополда қўзғолон кўтарилганлиги тўғрисида хабар олган заҳоти дарҳол у ерга Кратер қўмондонлиги остида қўшин юборди. Искандар Кирополни қамал этиш тўғрисида буйруқ берганда, «шаҳар аҳолиси Кратер билан урушиш ваҳимаси билан банд бўлиб, бошқа шаҳарларга ёрдам бера олмайдиган ҳолга тушиб қолади» деб ўйлади. Искандар армия билан Кирополга етиб келиб, шаҳарни қамал қилди-ю, лекин уни эгаллай олмади. Искандар шаҳар ҳимоячиларининг диққатини жалб этиш мақсадида деворлар орқали бўлаётган шиддатли ҳужумни кучайтириб, ўзи кичик отряд билан дарёнинг қуриб қолган ўзани бўйлаб шаҳар территориясига кирди ва дарвозаларни очди. Грек-македонияликлар Кирополга бостириб кирдилар, лекин шаҳар ҳимоячилари ўзларини мудофаа қилишни давом эттирдилар. Шиддатли жанг бошланиб кетди. Искандар отилган тош билан боши ва елкасидан яранди. Кратер ва бошқа лашкарбошчилари ҳам жароҳатландилар. Ниҳоят, грек-македонияликлар ҳимоячиларни шаҳарнинг марказий майдонидан сиқиб чиқариб, унинг деворларини батамом эгалладилар. Бу жангда қарийб 8000 қўзғолончи

халок бўлди, қолганлари (қарийб 15000 киши) қалъа томони-га чекиндилар. «Искандар уларни қуршаб олиб, ўша қалъа ичида бир кун ушлаб турди; улар сув бўлмаганлиги сабабли таслим бўлдилар».

Искандар ва унинг саркардалари бошчилик қилган отрядлар Усрушондаги қўзғолончиларни шафқатсиз равишда бос-тирган пайтда Сўғдиёнанинг бошқа вилоятлари аҳолиси грек-македонияликларга қарши кўтарилди. Спитамен Мароканда қалъасида қолдирилган душман гарнизонини қамал қилди. Қўзғолон кўтарган сўғдларни қўллаб-қувватламоқчи бўлган «осиёлик скифлар»нинг қўшинлари Сирдарёнинг ўнг қирғоғи-га етиб келдилар. Аррианнинг ёзишича, Искандар ўз қўшин-ларининг бир қисмини Спитаменга қарши юборишга мажбур бўлди; Ликияда туғилган ва маҳаллий аҳоли тилини (яъни, сўғд тилини) яхши билган таржимон Фарнуҳ бу отряд билан бирга юборилди. Афтидан, Искандар қўзғолоннинг кенг қулоч ёзганлигидан қўрқиб, Спитамен билан музокаралар олиб бо-ришни мўлжаллаган бўлса керак.

Грек-македония қўшинларининг асосий қисми саклар («осиёлик скифлар»)нинг эҳтимол тутилган ҳужумини қайта-риб турмоқ учун Усрушонда, Сирдарё яқинида қолди. Искан-дар Сирдарё соҳилида мудофаа қалъаси — «Узоқ Искандар-рия»ни (антик манбаларида Эсхат Искандария) қуриш тўғ-рисида қарор қабул қилди. Арриан маълумотига кўра, янги шаҳар йигирма кун ичида девор билан ўраб олинди. Квинт Курций ва Юстинлар Эсхат Искандария шаҳрининг барпо этилиши тўғрисида анча батафсил ёзганлар. Илгари македо-нияликлар эгаллаб турган лагерь территорияси атрофида шаҳар девори қурилди. Квинт Курций ёзишича, бу деворнинг узунлиги 60 стадий (қарийб 10—11 километр), Юстиннинг ёзишича, 6 минг «жуфт қадам» (салкам 9 километр) бўлган. Шаҳарга маҳаллий аҳоли (бошқа уч шаҳардан кўчириб ке-лингган аҳоли) қулликдан сотиб олинган ҳарбий асирлардан иборат эллин ёлланма аскарлари, шунингдек, «ҳарбий хиз-мат учун яроқсиз бўлиб қолган» македониялик солдатлар жойлашади. Эсхат Искандария ўз асосчиси ўлимидан сўнг кўп ўтмай, саклар томонидан вайрон қилинган ва Салавк даврида-янгидан тикланган бўлса керак. Кўпчилик тадқиқотчилар бу шаҳарни Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) территориясига қиёс этадилар. Аммо Ленинобод районида сўнгги йилларда олиб-борилган археологик қазишмаларда милоддан аввалги IV ёки III асрларга оид қатламлар топилганича йўқ.

Сирдарёнинг нариги томонида яшаётган саклар Эсхат Искандария Грек-Македония армиясининг шимолга қараб ҳаракат қилиш учун манба бўлиб хизмат этишини яхши тушу-нар эдилар. Квинт Курцийнинг маълумотига кўра, сак под-шоҳининг укаси, сакларнинг йўлбошчиси, Картасис (ёки бош-



қа манбаларда Сатракес) Эсхат Искандарияни вайрон қилиш ва «македониялик қўшинларни дарёдан узоқ жойга улоқтириб ташлаш» учун отлич аскарларнинг катта отряди билан у ерга жўнатилди. Искандар сакларга биринчи бўлиб ҳужум қилиш ва Сирдарёдан кечиб ўтишга тайёргарлик кўра бошлади. Қўшинларнинг дарёдан кечувига халақит беришга уринган саклар устига палахмонлардан тош ёғдириб, ўнг қирғоққа ўтиб олди. Саклар қирғоқдан чекинишга мажбур бўлди.

1.5—2 минг кишилик грек-македонияликлар отряди саклар билан биринчи бўлиб жангга кирди, лекин кўп ўтмай, қуршовда қолди ва катта талофат кўрди. Искандар ўз ихтиёридаги барча қўшинларни бу ерга юборишга мажбур бўлди. Жанг тақдирини македониялик суворийлар ҳал қилди. Саклар тартибсиз ҳолда чекиндилар ва Искандар уларни қарийб 15 км ергача қувиб борди. Жангда саклар анча талофат кўрдилар. Улардан 1000 киши ўлдирилди ва 150 киши асир олинди. Квинт Курцийнинг ёзишича, грек-македонияликлар армиясидан 60 суворий ва салкам 100 пиёда аскар ҳалок бўлган, 1000 киши ярадор бўлган. Грек-македонияликлар сакларни таъқиб эта бориб, сувсиз даштга етганлар. Бу ерда кўпчилик, шу жумладан, Искандарнинг ўзи ҳам касалга чалинган. У ўз юришлари давомида биринчи марта орқага қайтишга мажбур бўлган.

Баён этилган бу воқеалардан кейин кўп ўтмай, сирдарёлик сакларнинг элчилари Искандар ҳузурига «рўй берган воқеалар учун кечирим сўраб» келишган; улар иззат-эҳтиром билан қабул қилинган. Музокаралар натижасида ҳеч қандай тўлов олмасдан, 150 асирнинг ҳаммаси қайтариб берилган. Искандар шу орқали саклар билан ўз муносабатларини тинч йўлга қўймоқчи ва Сирдарё соҳилларидаги мавқеининг хавфсизлигига эришмоқчи бўлган. Зарафшон водийсида грек-македонияликларнинг аҳволи борган сари оғирлашаётганлиги сабабли бундай иш тутиш айни муддао эди.

Спитамен бошчилигидаги кўзғолончи сўғдлар Мароканда ни эгалладилар. Сўғд пойтахти қалъасини эгаллаб турган гарнизон қамал қилувчи душманга тўсатдан ҳужумга отланди. Лекин Мароканда гарнизонини қутқариш учун Искандар томонидан Сирдарё соҳилидан юборилган отряднинг яқинлашиб келиши натижасида Спитамен қалъани қамал қилишни тўхтатиб, шаҳардан кетишга мажбур бўлган. Аррианнинг ёзишича, отряд шоҳнинг оқсуяк «дўстлари»дан 60 суворий, 800 ёлланма аскар, шунингдек, отлич аскарлар ва 1500 га яқин ёлланган пиёда жангчилардан иборат бўлган. Лашкарбошилардан Андромах, Менедем ва Қаранлар отрядга раҳбарлик қилишган; ликиялик Фарнуҳ таржимон сифатида отрядга қўшиб юборилган.

Спитаменнинг шаҳардан кетиш ҳақидаги қарори жуда тўғри эди. Унинг отряди Марокандада икки ёлланма ҳужум—грек-македонияликлар гарнизони эгаллаб турган қалъадан ва Марокандага яқинлашиб келаётган кучли отряд ҳужуми хавфи остида қолган эди. Спитамен Сўғдиёнинг шимолига чекинишни афзал кўрди. Кўпгина тадқиқотчилар Аррианнинг бу маълумотини Сўғдиёнинг қадимий пойтахти тўғрисидаги масала билан боғлаб, уни нотўғри талқин қиладилар. Бу хусусда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Аррианнинг «Анабасис» китобида бу асар юнонча тексти-нинг дастлабки ноширлари қуйидагиларни ўқиганлар: «(Спитамен қамал қилинган қалъани қолдириб) Басилейяга (яъни Сўғдиёна пойтахтига жўнади)». Текстнинг бу жойи кишини ҳайратда қолдирар эди, чунки Аррианнинг ўзи илгари айтганидек, Сўғдиёнинг пойтахти Мароканда эди-ку? Кўпгина тадқиқотчиларнинг тахмин қилишларича, қадимий Сўғдда иккинчи «шоҳ шаҳар» бўлган ва Сўғдиёнинг пойтахти Мароканда эмас. Балки «Басилейя» бўлган ёки «Басилейя» Бухоро яқинидаги Зарафшон қуйи оқимида жойлашган Сўғд ҳокимларининг ёзги турар-жойлари ҳисобланган. Арриан асарининг юнонча текстини тузатишга кўпгина тадқиқотчилар уриниб кўрдилар, бунинг натижасида «пойтахтига» сўзи «чегарасига» ёки «чўл-сахрога» деб ўқилди ва ҳоказо.

Сўнгги йилларда Арриан текстини Диодорнинг «Тарихий кутубхона» асарининг XVII китоби мундарижасидаги Басиста деб аталган қандайдир жой билан қиёслашга уриниб кўрилди. Бу текстда Басиста номи Квинт Курций асарида баён қилинган ва Марокандага яқин ерда Искандар ов қиладиган парадис-заповедник жойлашган Базайра билан қиёс этилади. Шундай қилиб, улар текстини Спитамен Марокандани қолдириб, «Сўғдиёна Басистасига» жўнаб кетди деб ўқишни ва шу тарзда тушунишни таклиф қиладилар. Бироқ Арриан «Анабасис»нинг ноширларидан бири азалдан таклиф қилганидек, «(Спитамен) Сўғдиёнинг шимолига (жўнаб кетди)» деб ўқиш ҳақиқатга анча яқиндир. Шундай қилиб, Арриан текстида ҳеч қандай иккинчи «шоҳ шаҳар» тўғрисида гапирилмайди, у Сўғдиёна пойтахти сифатида фақат Мароканда ҳақида гапиради.

Грек-македонияликлар отряди Спитаменни «мамлакатдан бутунлай қувиб чиқариш»га интилиб, уни «Сўғдиёна чегараси»га қадар таъқиб этиб борди. Спитамен «скифлар дашти» яқинида текисликка чиқиб олади. Бу даврда Спитаменнинг қўшини анча кучаяди. Грек-македония отряди ҳужумларидан илгари ҳам ташвиш чеккан саклар (Арриан ўз асарида 600 «скиф суворийси» тўғрисида гапиради) унга қўшилади. Спитамен суворийлари македониялик пиёда аскарларни ён томондан ўққа тутди. Македониялик отлич аскарларнинг жанг

ҳолатини ўзгартириш йўлидаги уринишлари муваффақиятсизликка учрайди: Спитамен тезкорлик билан сак-сўғд отрядларини зарба остидан ўз вақтида олиб чиқади. Грек-македонияликларнинг талофатлари тобора кўпаяди, ниҳоят уларнинг қўшинлари «тўртбурчак шаклида саф тортиб, Политимет (Зарафшон) дарёси томон ўрмон бўлган жойга чекинади». Бу ўрмон Спитамен отлиқ аскарлари йўлини тўсар эди. Полити-



Чавандоз тасвири туширилган керамик форма парчалари.

мет номининг қайд этилиши шуни кўрсатадики, жанг рўй берган «скифлар дашти яқинидаги текислик»ни Зарафшоннинг ўнг соҳилидаги, эҳтимол, ҳозирги Зиёвуддин районидаги жой деб тушунмоқ керак.

Шу билан бирга, грек-македон отряди қўмондонлиги орасида ихтилофлар бошланади. Лашкарбошилардан бири — гиппарх Қаран Андромахни огоҳлантирмай, ўзининг отрядини Зарафшон орқали ўтказа бошлайди. «Ҳеч қандай буйруқ бўлмасдан пиёда аскарлар отлиқлар кетидан жўнайди; қўр-

қиб қолган жангчилар тик қирғоқлардан тартибсиз равишда дарёга тушадилар». Спитамен ана шу саросималикдан фойдаланиб дарёнинг ҳар икки соҳилида душманларни таъқиб қилиб сув томон қувиб келади. Қийин аҳволга тушиб қолган македонияликлар дарё ўртасидаги кичик оролчага ўзларини отадилар. Скифлар ва Спитаменнинг жангчилари бу оролчага қуршаб олиб, уларни ўқ ёй билан отиб ўлдиради; озгина қисмини асирга олиб, уларни ҳам ўлдирадилар».

Арриан ҳикоясининг биринчи ривояти ана шундай. Аристовулдан олинган иккинчи ривоятга кўра, заповедник («парадис»)да—пистирмада турган сақларнинг грек-македонияликлар отрядига қилган ҳужуми жангда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Ана шу ривоятга кўра, отряд деярли бутунлай қириб ташланган — атиги 40 чамаси суворий ва 300 га яқин пиёда аскар қутулиб қолган, холос.

Искандар юришини ёритган тарихчилар Зарафшон яқинидаги жангнинг оқибатини грек-македон отрядлари лашкарбошилари ўртасида ва уларнинг хатти-ҳаракатларида рўй берган ихтилофлар билан изоҳлашга уринсалар-да, Арриан ҳам, Квинт Курций ҳам бунинг асосий сабабини яшира олмади. Б. А. Литвинскийнинг ёзишича, Спитамен ўзига қадар ҳеч ким етиша олмаган мақсадга эришди, у жангда македонияликларнинг бўлинмаларини қириб ташлади. Мазкур ғалабанинг моҳиятини баҳолаш қийин, албатта. Бу ерда гап душманинг катта отряди батамом қириб ташлангани ва уларнинг кучи заифлашиб қолганлигидагина эмас. Бундай жиддий мағлубият грек-македон қўшинларининг жанговарлик руҳини умуман бўшаштириб юбориши мумкин эди. Искандар ўзининг ана шу даҳшатли ҳалокати тўғрисидаги гапларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун уринганлиги ҳам бежиз эмас, лекин бари бир қўшинлар буни билиб олади. Шу билан бирга, очиқ жангда Искандарнинг катта отряди тор-мор қилинганлиги грек-македон армиясининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонани чиппакка чиқариши ва Ўрта Осиё халқларини босқинчиларга қарши тағин ҳам қатъийроқ кураш олиб боришга илҳомлантириши керак эди.

Спитамен эришилган муваффақиятни мустаҳкамлашга интилиб Марокандага қайтиш ва македон гарнизонини яна қамал қилишга қарор берди. Искандар ўз қўшинлари учун бўладиган хавфни тўла тушунди. У бутун Сўғдиёнани қўлдан бой беришдан қўрқиб, Сирдарё бўйидаги сақлар билан олиб бораётган музокараларини тезроқ тугаллашга шошилди ва ўз лагери (Эсхат Искандария)да бир оз қўшин қолдириб, асосий куч билан жанубга — Марокандага йўл олди. Искандар уч кеча-кундузда қарийб 3000 км (1500 стадий) йўлни босиб ўтиб, тўртинчи кун эрта саҳарда шаҳарга етиб келди. Спитамен очиқ жангга кирмасликни афзал кўриб, аввалги сафардаги-

дек, қалъани қамалдан бўшатиб, қўшинлари билан пойтахтдан чекинди.

Квинт Курций Спитамен Искандар яқинлашиб келаётганини билиб, Бактрага жўнади, деб ёзади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ўринда Бактра деб Бухорони ёки Зарафшон водийсининг ғарбий қисмидаги бошқа бирон шаҳарни тушуниш лозим. Бироқ, шуни ҳам назарда тутиш керакки, Бухоро номи антик манбаларда учрамайди, шу номни олган шаҳар эса анча вақт кейинроқ Зарафшон водийси ғарбий қисмининг пойтахти бўлиб қолади.

Квинт Курций Сўғдиёна территориясидаги воқеаларни тасвирлаганда тилга олган Бактра муаллиф (ёки котиблар)нинг хатоси бўлса керак. Бу хато кейинги баёнларда Бактрия пойтахти номининг қўлланиши туфайли вужудга келган бўлиши эҳтимол. Асосий манбаимиз ҳисобланган Арриан асарида Сўғдиёнада Бактра номи тилга олинмайди. Арриан бундай деб ёзади: «Спитамен ўз қўшинлари билан Искандарнинг яқинлашиб қолганлиги тўғрисидаги хабарни олиши заҳоти уни кутиб турмасдан, шаҳардан қочиб кетди. Искандар унинг изидан қувиб борди». Спитамен Марокандадан чекинди ва олдинги йўналиш бўйича ҳаракат қилиб, сақлар орасида яширинишга умид боғлади. Уни қувиб келаётган Искандар бундан бир оз илгари Спитамен грек-македон отрядини тормор этган жойга чиқди. Искандар қумликлар чегарасига етгач, чўл-саҳронинг ичкарасида адашиб қолишдан қўрқиб, изма-из қувишни тўхтатди. Грек-македонияликлар орқага қайтиб, қўзғолончиларнинг бир қисми яширинган истеҳкомли қишлоқларга ўт қўйиб, дала ва боғларни вайрон қилиб, маҳаллий аҳолини қира бошлади.

Искандар армияси «Политимет дарёсидан сув ичадиган бутун мамлакатдан ўтиб», ҳамма ерга ажал ва вайронагарчилик келтирди. Квинт Курцийнинг ёзишича, Сўғдиёнанинг ҳамма вилоятларига жазо экспедицияларини юборган: «ундан юз ўтирган ҳамма халқлар уруш даҳшатларини баб-баравар сезишлари учун Искандар ўз ҳарбий кучларини бўлиб-бўлиб, уларга қишлоқларни ёндиришни ва катта ёшдаги ҳамма кишиларни қириб ташлашни буюрган». Зарафшон водийси ва Усрушоннинг тоғли районларида қириб ташланган сўғдларнинг умумий сони тўғрисида Диодор ёзган «Тарихий кутубхона» китобининг сақланмаган XVII қисмлари мундарижасига қараб ҳам фикр юритиш мумкин. Шу воқеалар тўғрисида бу китобда: «Искандарнинг қандай қилиб қўзғолон кўтарган сўғдларни бўйсундириши ва 120 мингдан кўпроқ кишини ўлдириши», ҳақида гапирилган.

Грек-македониялик жаллодларнинг асосий зарбаси Зарафшон водийсининг аҳолиси—сўғдлар бошига тушди. Худди шу воқеа муносабати билан Искандар юришларини баён этган

тарихчилар хотираларида Политимет дарёси тўғрисида ҳам қисқача маълумот берилган. Лекин бу маълумотда Политиметни Зарафшон дейиш учун ҳеч нарса зид келмайди. Арриан Политимет кенг территорияни суғорадиган ва қумликларга кириб йўқолиб кетадиган дарё деб ёзади. Политиметнинг узунлиги хусусида гапириб, унинг Фессалиядаги Пеней дарёсидан катта эканлиги айтилади, холос. Квинт Курций Политиметнинг юқори оқимига оид баъзи тафсилотларнигина келтиради. У дарёнинг тор ўзани ҳақида ёзиб, бундай дейди: бу дарё сўнгра «дара ичига кириб, ер тагига йўқолади. Дарё сувининг шовқини унинг ер тагидан оқиш йўналишини кўрсатиб турарди, бироқ шундай катта дарё тагидаги тупроқ намни бутунлай буғлантирмайди». Юнон тилида «кўп ҳурматли» деган маънони билдирган Политимет номи, Страбоннинг ёзишича, маҳаллий номнинг юнонча таржимаси бўлса керак. Страбон Искандар юришларининг қатнашчиси бўлган Аристовулга асосланиб, «македонияликлар кўпгина бошқа номларни қисман янги номлар билан алмаштирдилар, қисман эса ўзгартирдилар», дейди. Политимет сўғдча ном *намичнинг* таржимаси бўлиб, хитой ва араб манбаларининг маълумотларига кўра қайта ўзгартirilган. Сўғд тилида *намич* сўзи «машҳур», «шонли» («ном» сўзидан олинган) маъносини билдириб, юнонча Политимет маъносига тўғри келади. Сўғддаги асосий дарёнинг тахмин қилинган маҳаллий номи араблар истилосидан кейин дастлабки асрлардаёқ эсдан чиқарилган. Зарафшоннинг ҳозирги номи XIII асрдан бошлаб ёзма манбаларда учрайди: бу ном «...халқ тилида қўлланган-қўлланмаганлиги номаълум; Руди зар («Олтин дарё») термини фақатгина айрим шохобча номи сифатидагина учрайди» (В. В. Бартольд).

Искандар юриши тарихига оид манбаларда Политимет дарёси тўғрисида Сўғд пойтахти Мароканда районида бўлиб ўтган воқеаларни баён этиш муносабати билан гапирилади. Бироқ Марокандани Самарқанд билан бир шаҳар деб ҳисоблаш ё ҳисобламасликдан қатъий назар Политиметнинг Зарафшоннинг айнан ўзи эканлиги шубҳасиздир.

Милоддан аввалги 329 йилнинг кузида мамлакатни ваҳшиёна вайрон қилиш ва унинг аҳолисини оммавий қириш тугаганидан кейин Искандар Сўғдда Певколай қўмондонлиги остида 3000 пиёда аскарни қолдириб, Бактриядаги қишлоқ жойларига жўнади. Сўғд халқларининг грек-македониялик истилочиларга қарши олиб борган ва атиги 8—9 ой (329 йилнинг баҳоридан кузига қадар) давом этган ҳамда жўшқин воқеаларга бой бўлган курашининг биринчи босқичи ана шундай тугалланди. Бу воқеаларни В. В. Григорьев равшан ифодалаб берган эди: «Агар Доро,— деб ёзган эди у,— ўз подшолигини Искандардан ҳимоя қилолмаган бўлса, агар Бесс:

ўзини разил номард сифатида кўрсатган бўлса, зотан бу ерда, Туронда ажнабий ёвга бўйин эгишни хоҳламайдиган қалблар топилди, чақирилмаган бу «меҳмонлар»дан халқ қасосини олиш учун кураш бошлаб юборган қўллар топилди. Искандар тарихчилари Сўғдиёнада кўтарилган қўзғолонни «ғалаён» ёки «сотқинлик» деб аташдан бўлак илож топмадилар; лекин бу масалага ҳаддан ташқари прусча қарашдан бошқа нарса эмас. Инсон бошига тўлқин ёғдирилди-ю эгилди, тўлқин ўтиб кетди, аммо инсон чўкиб кетмади ва у яна қаддини тиклади.

Искандарга қарши олиб борилган курашнинг биринчи босқичи, аввало, маҳаллий ўтроқ аҳоли — сўғдлар, усрушонликлар (тили ва урф-одатлари жиҳатидан текислик районларда яшовчи сўғдларга жуда яқин халқ), бактрияликлар, шунингдек, уларнинг иттифоқчилари — саклар ва даҳлар қўзғолон ташаббускори бўлдилар.

Искандар милoddан аввалги 329/328 йил қишини Бактрия пойтахтида ўтказди. Унга ғарбдан—Европадан ва Олд Осиёдан катта мадад кучлари келди. Шарқий Эроннинг Искандарга қўшилган бошқа оқсуяқлари Парфия ва Ария территориясида яширинган Бесс тарафдорларидан бир неча кишини қўлга туширишга ёрдам бердилар. Искандар Бактрада ҳарбий бошлиқлар ва эпархлар иштирокида Бессни суд қилди. «У Бессни Дорога хиёнат қилишда айблаб, бурнини ва қўлоқларининг учларини қирқишни, Эқбатанага олиб бориб, у ерда форс ва мидиялик халойиқ олдида қатл этишни буюрди».

Арриан маълумотига кўра, ўша 329/328 йилнинг қишида «Европа скифлари» (яъни Сирдарё атрофида яшаган саклар)нинг элчилари қимматбаҳо совғалар билан Бактрага, Искандар ҳузурига келиб, иттифоқ тузишни ҳамда бу иттифоқни Искандарнинг «скифлар шоҳи» қизига уйланиши билан мустаҳкамлашни таклиф қилдилар. Айни вақтда Хоразм шоҳи Фарасман ҳам 1500 суворий билан бирга Бактрага келиб, у ҳам дўст бўлиш, иттифоқ тузиш ва Искандар Қора денгиз бўйларидаги скифлар устига юриш бошлаган тақдирда унга ёрдам беришини таклиф қилди. Ўша вақтда Хоразм кучли давлат бўлганлиги учун Фарасман билан иттифоқ тузиш Искандарга фойдали эди, шу билан Хоразмнинг македонияликларга қарши очиқдан-очиқ курашининг олди олинар эди. Искандар Ҳиндистон устига юришга тайёргарлик кўраётганлигини баҳона қилиб, Фарасманнинг Қора денгиз бўйларидаги скифларга қарши биргаликда курашиш ҳақидаги таклифини рад этди ва бу таклифдан кейинроқ, яъни Ҳиндистонни забт этиб, «бутун Осиёни эгаллаганидан сўнг фойдаланишини; Осиёни забт этганидан сўнг эса Элладага қайтишини, у ердан бутун қуруқликдаги ва денгиз кучлари билан бирга Геллоспонт ва Пропонтида орқали Понтга қайтиб келишини» айтади.

Бироқ Ҳиндистон устига юришга ҳали вақт эрта эди. Ми-лоддан аввалги 328 йилнинг баҳорида «кўпгина сўғдлар истеҳкомларга тўпланиб, Искандар тайинлаб кетган сатрапга бўйсунушдан бош тортаётганликлари» ҳақида хабар келади. Бу сатрапнинг ким бўлганлиги маълум эмас.

Сўғдлардан кейин Бактриядаги бир неча районлардаги аҳоли яна қўзғолон кўтарди. Искандар Бактрияда тўрт батальон фаланга қолдириб, ўзи эса Сўғдиёнага жўнади, чунки 329 йилнинг кузида Сўғдиёнада қолдирилган грек-македон гарнизонларининг қўзғолончиларни бостиришга қурби етмади. Искандар билан бирга йўлга чиққан қўшинлар беш колоннага бўлинишди: булардан тўрттасига Искандарнинг лашкар-бошлари, бешинчисига эса унинг ўзи бошчилик қилади. Искандар отряди Мароканда томон йўл олди, «қолган отрядлар ўз хоҳишларича ҳаракат қилди: «истеҳкомларга тўпланганларни куч ишлашиб бўйсундирардилар; бошқаларни ихтиёрий таслим бўлишга мажбур этардилар». Колонналар Сўғдининг анча қисмини босиб ўтиб, Марокандага етиб келди.

Манбаларда келтирилган жуда оз маълумотларга кўра қўзғолон Сўғдиёнанинг бир неча районларини ўз ичига олган, бироқ уларнинг кучлари тарқоқ бўлган. Уруш ҳаракатларининг тафсилотлари номаълум, лекин қўзғолончиларнинг қарчилиги ва грек-македонияликларнинг шафқатсизлиги шу қадар кучли бўлганки, Сўғд шаҳарларида аҳоли қолмаган ва Искандар бунинг чорасини кўришга мажбур бўлган». «У Сўғдиёна шаҳарларини яна аҳоли билан тўлдириш тўғрисидаги буйруқ билан у ерга Гевестионни жўнатади». Бунда у бўш қолган шаҳарларга қайта аҳолини жойлаштириш билан бирга, янгиларини барпо этишни ҳам кўзда тутган бўлса керак (Страбон Искандарнинг Сўғдда ва Бактрияда 8 шаҳар барпо этганини маълум қилади; Юстин эса 12 шаҳар қурдирди, дейди).

Искандар отрядларидан бири массагетлар томон, Аррианнинг маълум қилишича, Спитамен чекинган ва шубҳасиз бу сафар ҳам қўзғолончиларнинг асосий йўлбошчиси бўлган мамлакатга йўл олди. Искандарнинг ўзи қолган қўшинлар билан «Сўғдиёнанинг ҳали қўзғолончилар қўлида бўлган қисми орқали ўтди».

Бу вақтда Спитамен сўғдлар отрядига ва уларга қўшилган 600 массагетга бошчилик қилиб, ўз изидан таъқиб қилиб келаётганларни алдаб, жануб томон Бактрияга йўл олди. У бир соқчилик истеҳкомини эгаллаб олади. Бу қалъани қўриқлаётган грек-македон гарнизони саросимага тушади ва улар бутунлай қириб ташланади. Муваффақиятдан руҳланган Спитамен вилоят пойтахти — Зариасп (Бактра) томон йўл олади, шаҳар остоналарида грек-македонияликларнинг кичик бир отрядини тор-мор қилади, лекин Бактрия пойтахтига



қаттиқ ҳужум бошлашга журъат этолмайди. Душманнинг Кратер бошчилигида катта кучлари шаҳарга яқинлашиб қолганлигини билган Спитамен чўлга қараб чекинди. Шу вақтда унинг отрядининг сони кўпаяди (Арриан унинг отрядида бир минг отлиқ массагет бўлган, дейди). Лекин қумликда бўлиб ўтган шиддатли жанг грек-македонияликларга муваффақият келтирди. Спитамен 150 га яқин отлиқ аскарини йўқотиб, чўлга жўнаб кетади. Кратер қўшинлари уни қувишга ботина олмайди.

Искандар милоддан аввалги 328 йилги ҳарбий кампаниясини муваффақиятли ўтди деб ҳисоблаши мумкин эмас эди, чунки Сўғдиёна тинчлантириш учун қарийб ярим йил вақт кетди, грек-македонияликлар назорат қилиб турган территория эса вилоятнинг ярмидан ошмас эди. Спитамен шиддатли ҳужумлар бошлаб, Амударёнинг ҳар икки соҳилида қўзғолонлар кўтарар эди. Сак қабилалари, аввало, массагет ва даҳлар сўғд ҳамда бактрияликларга фаол ёрдам беришди. Истилочиларнинг 329—328 йилларда Сўғд ва Бактриянинг анча қисмида соқчилик постлари ўрнатиши ва истеҳком қуриши туфайли қўзғолончилар тарқоқ ҳолда ҳаракат қилишга мажбур бўлдилар. Лекин уларнинг кучини синдира олмади.

Искандар милоддан аввалги 328 йилнинг ёзида асосан Зарафшон водийсида бўлиб, қишни ўтказиш учун аввалги йилдаги сингари Марокандадан Бактра (Зариасп)га эмас, балки сўғдилар Новтакасига жўнади: Новтакадан Амударёнинг ҳар икки соҳилида — Сўғдда ва Бактрияда рўй бераётган воқеаларни кузатиб туриш осон эди. У Сўғднинг шимолий ва ғарбий районларида қишда яшаш учун катта ҳарбий кучларни қолдирди, Аррианнинг ёзишича, бу кучлар — «мамлакатни кузатиб туриши ва уни қўриқлаши, башарти қишда Спитамен бирон жойда эркин юрган бўлса, пистирма уюштириб, уни қўлга тушириши керак эди». Искандар томонидан Сўғдиёнада қолдирилган отрядлар рўйхатида грек-македон армияси составига киритилган бактрияликлар ва сўғдлар (зодагонлар ичидан чиққан кишилар бўлса керак) биринчи марта эслатиб ўтилади; уларга Бактрия сатрапи Аминта кўмондонлик қилган.

Марокандадан Новтакага борилаётган йўлда, «Скифлар билан чегарадош» вилоят бўлган Ксениппа яқинида грек-македон авангарди билан қўзғолончи бактрияликлар ўртасида тўқнашув бўлади. Бу воқеа Квинт Курций асаридагина акс эттирилган. Унинг сўзларига қараганда, Ксениппада «зич жойлашган қишлоқлар кўп», чунки унумдор тупроқ туб жой аҳолини ўзига боғлабгина қолмай, балки келгиндиларни ҳам ўзига жалб қилган. Илгари у ер Искандардан ажралганлик учун қувғин қилинган бактрияликлар учун бошпана эди». Ксениппанинг қаср бўлганлигини аниқлаш қийин, афтидан у ма-

ҳаллий номнинг таржимаси бўлса керак. В. В. Григорьевнинг фикрича, бу вилоят Бойсун водийсида жойлашган бўлиши эҳтимол. Қсениппа аҳолиси қўзғолончи бактрияликларни (улар қарийб 2500 киши бўлган) қўллаб-қувватламади. Улар вилоят ташқарисига чиқиб кетиб, Бактрия сатрапи Аминта бошчилигидаги отрядга ҳужум қилади. Жанг вақтида грек-македонияликлардан 80 киши ўлдирилади ва 350 киши ярадор қилинади, лекин бактрияликлар ҳам анча талофат кўргач, тартибсиз равишда чекинишга мажбур бўлади.

Шу билан бир вақтда, Спитамен чўлдан чиқиб ва грек-македон соқчилик ўринларининг бўшаганлигидан фойдаланиб, яна Сўғдиёна территориясига ўтиб олди ва Баги истеҳқоми яқинида: Аррианнинг ёзишича, «сўғдлар ери билан скифлар-массагетлар ери ўртасидаги чегарада» жойлашиб олди. Бу ерда Спитамен отрядига 3000 массагет отлиқ аскар қўшилади. Массагетлар Спитаменни биринчи марта қўллаб-қувватлаётганликлари йўқ эди. Арриан буни қуйидагича изоҳлайди: «бу скифлар ғоят қашшоқликда кун кечирар эдилар: уларнинг шаҳарлари ҳам, турар жойлари ҳам бўлмаган; қўлдан бой бериб қўйишдан кўрқадиган ҳеч қандай бойликлари бўлмаганлиги боисидан уларни ҳар қандай урушга кўндирш осон эди».

Спитамен Сўғд территориясидаги воқеаларнинг боришини ўзгартиришга яна бир бор уриниб кўрди ва ўзининг аввалги тактикасига зид ҳолда Кен қўмондонлигидаги грек-македон отрядига қарши жанг бошлади. Жанг Спитамен учун муваффақиятсиз тугади. У 800 кишини йўқотиб, чекинди. Спитамен отрядининг асосини ташкил қилган сўғдлар ва бактрияликларнинг кўплари (уларнинг аксарияти суворийлар бўлиб, афтидан оқсуяклардан бўлса керак) қўзғолон йўлбошчисидан юз ўгириб, Кенга таслим бўлдилар, массагетлар эса ўз иттифоқчилари карвонларини талаб, чўл-саҳрога кетиб қолдилар. Спитамен энди массагетлар кетидан уларнинг йўлбошчиси сифатида эмас, балки асири сифатида боришга мажбур бўлган.

Аррианнинг маълумотига кўра, массагетлар грек-македон қўшинлари бу сафар уларни қум саҳроларида таъқиб қилишлари тўғрисида хабар олганларидан кейин Искандарни «бу ниятдан қайтариш учун» Спитаменнинг бошини кесиб, унга юборганлар. Квинт Курций баён этган бошқа ривоятда айтилишича, Спитаменни ўз хотини ҳалок этган. Спитаменнинг хотини ўз эрини Искандарга қаршилик кўрсатишни тўхтатиш, таслим бўлишга кўндирш учун бир неча бор уринган. Спитамен кўнмагач, ғазабланган, ўз ва уч боласи тақдирига хавотирланган хотини ухлаб ётган эрининг бошини кесиб, уни Искандар қароргоҳига ўзи олиб бориб берган. Страбон, Искандар юришини ёритган тарихчилардан бирининг етиб кел-

маган асаридан олинган маълумотларга асосланиб, Спитамен саклар — авгасийлар ва хоразмликлар ҳузурига қочган деб ёзади.

Спитаменнинг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги ҳикоялардан қайси бири ҳақиқатга тўғри эканлиги ҳақида фикр юритиш қийин. Бу воқеа милоддан аввалги 328 йилнинг кузида рўй берган бўлса керак. Искандар юришларини ёритган тарихчилар Спитаменга инсон, жангчи ва сиёсатчи сифатида етарли даражада аниқ баҳо бермайди. Бироқ манбаларда сақланган жуда оз маълумотлар ҳам Сугдиёнадаги ўтроқ аҳолининггина эмас, балки қўзғолончиларни қўллаб-қувватлаган сакларнинг ҳам талантли лашкарбошиси, йўлбошчиси, Ўрта Осиё халқларини ажнабий босқинчилар зулмидан озод қилиш учун мардонавор кураш олиб борган кишининг ёрқин образини қайтадан яратиш имконини беради.

Сўғднинг мустақиллик учун олиб борган курашининг иккинчи босқичи Спитаменнинг ҳалок бўлиши билан тугайди. Бу босқичнинг охирига келиб сўғдлик ва бактриялик зодагонлар орасида иккиланиш бошланади, уларнинг бир қисми қаршилик кўрсатишни тўхтатишни истар эди. Квинт Курцийнинг Спитаменнинг ўлдирилиши ва, айниқса, Аррианнинг Искандар отрядида бактриялик ва сўғд суворийларининг борлиги ҳақидаги хабарлари бунинг далилидир.

Искандар Шарқнинг забт этилган вилоятларидаги зодагонларда хайрихоҳлик уйғотиш мақсадида 329 йилнинг охири ва 328 йилнинг бошида бир қанча тадбирларни амалга оширди. У ўз саройида Аҳоманийлар саройида қўлланилган урф-одатларни (шу жумладан, шоҳга таъзим қилиш, маҳаллий кийим-кечакларни кийишни) жорий этди, маҳаллий оқсуякларнинг вакиллари билан мулоқатда бўлди. Мазкур сиёсат бактриялик ва сўғдлик оқсуякларнинг бир қисмини, шубҳасиз, Искандар томонига жалб этди. Бу ҳол, милоддан олдинги 328 йилнинг охирига бориб, Ўрта Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятга таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Ўрта Осиё халқларининг грек-македон истилочиларига қарши олиб борган курашининг учинчи босқичи милоддан аввалги 327 йилнинг баҳоридаги воқеаларни ўз ичига олади. Спитамен ўлимида кейин маҳаллий, сўғд ва бактриялик зодагонлар орасида душманга қаршилик кўрсатувчи кучларни ўз атрофига бирлаштира оладиган қобилиятли киши қолмади.

Лекин зодагонларнинг бир қисми Искандарга таслим бўлишни истамасди. Булар аввало баланд тоғлардаги қўрғон ва қасрларнинг эгалари бўлиб, улар атрофига қариндошуруғлари, шунингдек, тевааракдаги қишлоқларнинг аҳолиси ва қўшни районлардан қочиб келган кишилар жойлашган эди. Афтидан тоғ истеҳкомларининг баъзилари (антик муаллифлар буларни «қоялар» деб номлайдилар) унча катта бўлмаган ва

милодий VIII аср бошида Панжикент эгаси Девашти ўз та-  
рафдорларидан иборат отряди билан яширинган Мўғ тоғида-  
ги қасрга (Табарий солномасидаги Абарғор қалъаси) ўхшар  
эди. Искандар тарихчилари эслатиб ўтган бошқа «қоялар»  
баъзида 30 минг кишилиқ отрядларни сиғдира оладиган анча  
йирик истеҳкомлардан иборат бўлган.

Искандар милоддан аввалги 327 йил баҳор фаслининг бо-  
шида Новтакадан чиқиб, унга келган хабарга кўра, жуда кўп  
сўғдлар йиғилган жой — «Сўғд қояларига қараб йўл олади».  
Уларга бактриялик оқсуякларнинг намояндalarидан бири  
бўлган Оксиарт бошчилик қилар эди. Оксиарт Бактрия терри-  
ториясида Искандарга қарши олиб борилган уруш ҳаракат-  
ларида қатнашиб, сўнгра Спитамен билан бирга Сўғдга қо-  
чиб кетган эди. Грек-македон қўмондонлиги «Сўғд қоялари»  
ни эгаллашга катта аҳамият берди. Қалъа катта қийинчилик  
билан қўлга олинди. Арриан ўз асарида кўрсатиб ўтган  
«Сўғд қоялари» қаерда жойлашганлиги масаласи тадқиқот-  
чилар орасида катта баҳс туғдирди. Бу қалъа Ҳисор тоғ тиз-  
масининг ғарби-жанубий этакларида жойлашган бўлиши  
эҳтимолдан узоқ эмас.

Искандар Жанубий Сўғдиёнада уруш ҳаракатларини ту-  
гатиб, Паритак вилояти тоғларидаги қўзғолончилар яширин-  
ган «Хориен қояси» қалъаси томон йўл олади. Грек-македо-  
нияликлар бу қалъани ҳам забт этади.

Квинт Курций тор дарага туташган жойда мустаҳкамла-  
ниб олган Новтака вилоятининг сатрапи бактриялик Сиси-  
митрининг қўзғолони тўғрисида ҳам ҳикоя қилади. Бу ердан  
дарё ўтган бўлиб, отряднинг орқа томонини қоя тўсиб турар-  
ди. Текисликка фақат «маҳаллий аҳолигагина маълум бўлган  
ер ости йўлидан» чиқиш мумкин эди. Грек-македонияликлар  
қўшини кўприк олди истеҳкомларини ёриб, дарёдан кечиб  
ўтади ва қояга яқинлашади.

Искандар бу қалъаларни ҳам қўлга киритганидан кейин  
Бактриянинг чап соҳилига қараб жўнайди. Бироқ Сўғдиёна-  
нинг жанубида, Паритак вилоятида уруш ҳаракатлари туга-  
маган эди. Манбаларда милоддан аввалги 327 йилнинг ёзида  
грек-македон босқинчиларига қаршилиқ кўрсатишни давом  
этиришга уриниб кўрган бактрияликларнинг яна икки йўл-  
бошчиси — Катен ва Австон номлари ҳам учрайди. Квинт  
Курций Бесснинг қўлга олиниши тўғрисидаги ҳикоясида эсла-  
тиб ўтган Катен Бактрия ва Жанубий Сўғдиёна территория-  
сида македонияликларга қарши олиб борилган курашнинг  
асосий раҳбарларидан бири бўлса эҳтимол. Искандар Катен-  
га қарши Кратер бошчилигида танланган «шоҳ дўстлари»дан  
600 отлиқни ва пиёда аскарларини (шу жумладан, одатда  
подшонинг ўзига ҳамроҳ бўлиб юрган пиёдаларни) жўната-  
ди. Арриан жанг тафсилотларини тўла ёзмайди. Лекин жанг-

нинг жуда шиддатли ўтганлиги маълум; Катеннинг ўзи жанг майдонида ҳалок бўлади. Австон асир тушади, урушда бактрияликлардан 120 отлиқ ва 1500 пиёда аскар ўлдирилади.

Македониялик Искандарнинг Урта Осиёга қилган юриши ана шу тарзда тугади. Сўғд ва Бактрияда олиб борилган уч йиллик уруш бу ўлкадаги унумли воҳаларни вайрон этди. Грек-македон қўшинлари Сўғднинг юраги — Зарафшон водийсини босиб олиши ва унинг пойтахти — Мароканда яқинида бир неча бор урушлар юз бериши натижасида сўғдларнинг бир қисми милоддан олдинги 329—328 йиллардаёқ она юрларини ташлаб, қўшни районларга кўчиб кетишга мажбур бўлди. Фарғона ва Еттисувни «сўғдларнинг мустамлака қилиши» ана шу тариқа бошланди. Кейинчалик сўғдлар Марказий Осиё вилоятларига ҳам тарқалдилар. Бу эса кенг территорияда сўғдлар диаспорасининг — Сўғд территориясидан ташқарида уларнинг жуда кўп қишлоқлари пайдо бўлишига олиб келди. Бу жойларда асосан ҳунармандлар ва савдогарлар жойлашиб олиб, «Улуғ ипак йўли»дек асосий халқаро савдо йўллари уларнинг назорати остига ўтди. Милоддан аввалги IV асрдаёқ Искандар қўшинлари ўлкани вайрон қилганлиги натижасида сўғдларнинг бир қисми ўз ватанидан узоқ ерларга, шарққа жўнаб кетганликларини уларнинг милоддан аввалги III асрдаёқ Хитой билан алоқа боғлаганликлари ҳам билвосита кўрсатиб турибди.

Македониялик Искандар юришлари келтирган даҳшатли офатлардан сўнг Сўғдиёнанинг қайта тикланишига бир неча юз йиллар кетди. Милоддан аввалги IV асрда Сўғд территориясининг анча қисмини қоплаган экинзорлар, боғ ва ўрмонларнинг нобуд этилиши, қишлоқларнинг вайрон қилиниши туфайли ўлка ҳувиллаб қолди. Искандар бунёд этган қатор шаҳарлар ҳам умумий аҳволни ўзгартира олмади. Булар асосан мустаҳкамланган ҳарбий шаҳарлар бўлиб, қўзғолонларни бостириш учун мўлжалланган эди. Бундан ташқари, антик муаллифларнинг маълумотларида Бактрия ва Сўғдиёнада Искандар бунёд этган шаҳарлар сони кўпайтириб кўрсатилган. Мавжуд маълумотларга қараганда, Искандар даврида Урта Осиёда жами уч шаҳар Окс соҳилида Искандария, Яксартда Эсхат Искандария ва Марғиёнада Искандария (у илгари мавжуд бўлган шаҳарча ўрнида қурилган) бунёд этилган. Манбаларда грек-македонияликлар Сўғдиёна ва Бактрияни забт этиш вақтида вайрон қилинган шаҳар ҳамда қишлоқларни тиклаш юзасидан ҳақиқий чора кўрганликлари тўғрисида маълумотлар деярли учрамайди. Страбоннинг маълумотиغا кўра, Сўғд пойтахти — Мароканда икки марта жанг майдони бўлганлиги ва Искандар томонидан вайрон қилинганлигига қарамай, бу ерда милоддан аввалги 328—327 йилларда тиклаш ишлари фақат македонияликлар гарнизони

жойлашган қалъа территориясидагина олиб борилган. Сўнги давр манбаларида Искандар томонидан «Самарқанднинг бунёд этилганлиги» тўғрисида айтилган фикрлар ҳеч қандай далилларга асосланмаган.

## 5. АРХИТЕКТУРА, САНЪАТ, ДИН

Қадимий Самарқанднинг архитектура ва санъат ёдгорликларини уч даврга: қадимий сўғд (милоддан аввалги VI—IV асрлар), сўғд-эллинстик (милоддан аввалги III—I асрлар), сўғд-кангюй (милодий I—IV асрлар) даврларига мансуб дейиш мумкин.

Афросиёб шаҳар харобаларидаги энг қадимий қатламлар унинг территориясида бир ярим минг йил давомида яшаб келган шаҳар туфайли бузилиб кетган. Энг қадимги иншоотлар қолдиқларидан шаҳар харобасининг жанубий қисмида, Шоҳизинда ансамбли шарқида бинолардан қолган пахса деворларигина аниқланди. Бундан ташқари, баъзи тадқиқотчилар айрим жойларда ўша замонга оид мушофаа иншоотларининг нишонлари кўриниб қолмоқда деб тахмин қилмоқдалар.

Бу ердан топилган иккита гемма (сиртига хат ўйилган ёки нақш солинган қимматбаҳо тош) энг қадимий тасвирий санъат ёдгорликларидан ҳисобланади. Буларнинг бирида ёй отувчи жангчи тасвирланган. Иккинчи гемма эса икки томонли бўлиб, юз томонида бўйнига ёй ўқи санчилган ва чоғиб бораётган Серка тасвирланган; орқа томонида эса бошида тўғри чизиклар билан чизилган учбурчак шаклидаги безаги бўлган қанотли буқа тасвирланган; эҳтимол, бу — ов қуролидир. Ана шу икки геммада Ўрта Осиёда тузилган дастлабки давлатлар санъатида юз берган икки йўналиш, икки услуб ифодаланган. Булардан биринчисини деҳқончилик билан шуғулланувчи ўғроқ халқларнинг санъатига хос «афсонавий реализм» сифатида характерлаш мумкин, иккинчиси эса чўлда чорвачилик билан машғул бўлган халқларнинг санъатида кўпроқ маълум бўлган «ёввойи услуб»даги ёдгорликларга яқиндир.

Амалий санъат кулолчилик ишлаб чиқаришида, конус ва цилиндрсимон идишлар шаклида акс эттирилган. Зеби-зийнат буюмлари орасида ферузадан ясалган цилиндр шаклидаги майда мунчоқлар топилди.

Абадий унумдорлик ғояси билан боғланган энг қадимий идеологик тасаввурлар коропластика асарлари — пиширилган лой—терракотадан ясалган ҳайкалтарошлик буюмларида худолар, одамлар, ҳайвонларнинг тасвирларини яратиш санъати орқали акс эттирилган. Ўша даврдаги амалий санъат ёдгорликларининг бу тури оналик белгилари бўрттириб кўрса-

тилган яланғоч ёки ярим яланғоч аёллар тасвирининг айрим топилдиқларидан иборат.

Иккинчи, сўғд-эллинистик даврдаги Урта Осиё халқлари санъатида македониялик Искандар истилосининг оқибатлари ўз аксини топган: кулолчиликда, танга-чақа зарб қилишда, терракотадан ясалган буюмларда шундай белгилар аниқландики, уларни усталар ва рассомлар ўз ишлаб чиқариш фаолиятида баъзи эллинистик анъаналарни қабул қилганлиги натижаси деб қараш мумкин.

Кўҳна Афросиёбнинг шимолий қисмида қазиб топилган узунлиги 60 метр қадимий қалъа деворининг бўлаги бу ерда шу чоққача аниқланган энг машҳур архитектура обидаси саналади. Девор Сиёб дарёсининг баланд жари устида қурилган бўлиб, шу жар бўйлаб чўзилиб кетган.

Қазилган участкадаги қалъа деворининг кенглиги ва плани бир хилда эмас: ғарбий қисмида девор бир қаватли бўлиб, қалинлиги 2,8—4 метр келадиган қилиб ғиштдан терилган, участканинг шарқий қисмидаги девор ичкарасида йўлак бўлиб, деворнинг умумий қалинлиги қарийб 6 метрга етади. Деворнинг ташқи томонида буржлар бўлган бўлса керак, йўлакдан жарга томон олиб борадиган эшик ўринлари ва очилган участканинг ғарбий қисмида деворнинг қалинлашиб бориши бундан далолат беради; ички томондан деворда устунлар бўлганлиги аниқланди, булар эса шаҳарнинг бошқа иморатлари унга туташтирилмагани ва девор бўйлаб юриб ўтиладиган йўл қолдирилганини кўрсатади.

Кўп миқдорда шағал аралаштирилган лой қоришмасидан иборат 50 сантиметр қалинликдаги қатлам деворнинг пойдевори бўлиб хизмат қилган; ана шу пойдевор устида тўрт бурчак шаклидаги хом ғиштдан (узунлиги 35—37 см, қалинлиги 13—16 см) терилган девор кўтарилган. Ғишт лой қоришма билан урилган. Деворнинг пастки қисмидаги деярли ҳар бир ғиштнинг сиртида бошқа шаҳарларнинг қалъа деворлари ва биноларида ҳам аниқланган махсус белгилар топилди. Бу белгилар алоҳида ёки бир гуруҳ ишчилар томонидан бажарилган ишни ҳисобга олиш учун қилинган тамга бўлиши ёки унинг қандайдир сирли маънони аңлатиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, деб тахмин қилинмоқда.

Юқорида айтилган девор вақт жиҳатидан милоддан аввалги II—I асрларга тўғри келади; унинг ғарбий қисмидаги пойдевор тагидан бундан ҳам қадимийроқ даврга онд паҳса девор қолдиқлари аниқланди.

Шаҳар харобасининг шимолий қисмида топилган девор билан бир вақтда қурилган иншоотларнинг қолдиқлари яна унинг ғарбий ва ғарби-жанубий қисмларида ҳам очилди. Шаҳарнинг ғарбида қадимий бинонинг фақат бир девори, шунингдек, ҳовли қўрасининг бир қисми аниқланди. Шаҳарнинг

шарқи-жанубий қисмида эса бир оз кўпроқ иншоот қолдиқлари очилди. Бу ерда ўтказилган қазилма натижасида хом ғиштдан қилинган бинонинг бир хонаси топилди. Уйнинг баландлиги 4 метр бўлиб, томи гумбазсимон қилиб ёпилган.

Эҳтимол, Афросиёбнинг тагида қадимий монументал расомлик ва ҳайкалтарошлик обидалари яшириниб ётгандир, лекин уларни топиш учун қазилмалар ўтказиш керак. Шаҳарнинг шимолий қисмида XII асрдаги Жоме мечитининг вайронлари тагида анча чуқурликда деворнинг бир қисми очилди. Бу деворнинг оқ фонида қизил ва қора бўёқлар билан ишланган расмлар топилди. «Қичик шаклдаги» санъат асарлари — геммалар ва терракоталар анча тузук ишланган кўринади.

Яна бир неча геммалар топилган бўлиб, улар маҳаллий дидни ҳисобга олган ҳолда бошқа юртларда тайёрланган бўлса керак. Булардан иккитасига юнон пантеони маъбудалари — Паллада ва Артемида тасвирланган; учта геммада эллинистик типга оид бўлган бош кийимдаги жангчилар тасвири бор. Уймакорларнинг унча қимматбаҳо бўлмаган тошга ўйиб ишланган бу асарлари, шубҳасиз, маҳаллий оқсуякларнинг дид ва талабига мўлжаллангандир.

Коропластика асарлари — терракотадан ясалган буюмлар анча кенг тарқалган. Ҳайкалчалар одатда аёллар ёхуд йигитларнинг образларини реалистик тарзда яратиб беради. Улар баъзида хитон деб аталган либосда тасвирланган. Терракотадан ясалган тасвирлар идишларни безаш учун ҳам қўлланилган.

Юқорида тасвирланган қалъа деворининг жануброғида қадимий турар-жой биносининг қолдиқлари очилди. Бу харобалар санъат тарихида учинчи давр — сўғд-кангюй архитектура қиёфасининг ҳозирча маълум бўлган ягона ёдгорлигидир. Бу бино қадимий қурилишлар қолдиқлари текисланган ўринда пойдеворсиз бунёд этилган. Бинокорлик материали сифатида қалъа деворини қуришда фойдаланилган тўрт бурчак шаклдаги хом ғишт ишлатилган, лекин уларнинг катталиги бошқачароқ (ғиштнинг узунлиги 35—38 см, қалинлиги 10—11 см). Бу ғиштларга ҳам анча соддалаштирилган белгилар қилинган.

Бинодан ўнга яқин хона, аниқроғи — шу хона деворларининг пастки қисмлари сақланиб қолган. Бинони планлаштиришнинг муҳим хусусияти аниқланди: бино икки қисмдан иборат, унинг биринчи қисми ижтимоий характердаги тадбирлар, иккинчи қисми эса хўжалик, рўзғор эҳтиёжлари учун мўлжалланган бўлса керак. Хўжалик хоналари бинонинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, уларда полнинг уч босқичли эканлиги аниқланди, бу эса уйларда ҳаётнинг қизғин борганлигидан далолат беради; уларда қайта қуриш белгилари ҳам сезилади. Уйлардан бирида лойдан ясалган ўчоқ топилди. Бу



Ўчоқ овқат тайёрлаш учун мўлжалланган бўлса эҳтимол. Бошқа бир уйда дон ва сув сақлаш учун мўлжалланган тўрт хум топилди. Уйларнинг ичини тўлдирган тупроқ орасидан тўқиш станокларида қўлланиладиган лойдан ясалган дисклар топилди.

Бино харобасининг шимолий қисмида очилган ва жанубий қисмидан ялпи девор билан ажратилган уйлар шу билан фарқ қиладики, уларда бино бунёд этилган бутун давр мобайнида пол ўзгармаган, яъни бир даражада турган. Бу ерда учта бино сақланган бўлиб, ғарб томонда жойлашган хонанинг ғарбий деворининг ўрта қисмида супа ясалган. Унда оташ-парастларнинг меҳроби турган. Уйнинг полида 10 см қалинликда кул қатлами борлиги аниқланди. Меҳроб ибодат қилиш жараёнида куйган учи юмалоқ шаклдаги алоҳида лой плиталардан ясалган. Икки плита кетма-кет тик қилиб қўйилиб, деворга сувалган, учинчи плита эса майдонча шаклида, икки плита олдига горизантал қилиб қўйилган. Ана шу майдончада ўт ёқилган. Плита қўйилган майдонча ўртасида тўғри бурчакли чуқурча ясалган, унда қизиган кўмир сақланган бўлса керак.

Меҳроби бўлган хонадан шарқ томонда бинонинг қолган икки хонаси жойлашган, майдони жиҳатидан бу хоналарнинг иккаласи бирга биринчи хонанинг бир ўзига тахминан барабар келади. Шимол томондаги бинонинг ғарбий деворида учта токча бўлиб, уларнинг ўртадагиси равоқсимондир. Шу ўртадаги токча олдида ҳам ўт ёндирилган бўлса керак, чунки тупроқ пол бир оз кўтарилган ва куйган. Бу хонадаги торгина эшик жануброқда жойлашган ва хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган хона билан ёнма-ён бўлган хонага олиб боради; деворлар ёнида ўтириш учун супалар қилинган, ғарби-жанубий бурчакда сув сақлаш учун бўлса керак хум турарди. Бу ерда одамлар тўпланишиб дам олишган, суҳбатлашишган ёки ибодат қилишган. Хонанинг полида терракотадан ясалган маъбуда тасвири топилди (бу буюмнинг тасвири қуйида берилган).

Хўш, бинонинг, умуман «озода» иккинчи ярми қандай бўлган? Меҳробли хона, шубҳасиз, ибодат қиладиган жой бўлиб, бу ерда зардуштийлар ўтга сиғинганлар: хонадаги меҳроб ва олов ёқиладиган жой, полдаги кул қатлами ана шундан далолат бериб турибди. Ёнма-ён жойлашган икки хона ҳам диний расм-русмларни ўташ учун мўлжалланган, улардан бирида овқат тайёрлаш учун мўлжалланган ўчоқ топилди, иккинчи хонанинг тузилиши эса ижтимоий мақсадлар учун мўлжалланганини кўрсатиб турибди. Этнографик кузатишлардан шу нарса маълумки, тоғларда яшовчи тожиқларда яқин вақтларгача кечқурун йиғилишлар ва умумий суҳбатлар ўтказиш учун мўлжалланган жамоа уйлари (олов-хоналар)

бўлиб, улар мачит ёнида жойлашарди. Бу помнинг (оловхона) ўзиёқ бу ерда ўт ёқилганини кўрсатиб туради. Ўтказилган кузатишларни қиёслаб шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадим замонларда ҳам меҳробли ибодатхона яқинида шубҳасиз одамлар ўзларининг бўш вақтларини ўтказадиган, меҳмонларни қабул қиладиган, шунингдек, ибодат қиладиган ва ўртада олов ёнадиган хоналар жойлашган.



Кушанлар даврига оид терракотадан ясалган ҳайкалча.

Бинонинг сақланиб қолган қисмлари бўйича, умуман унинг планини тиклаш мумкин эмас. Бино ўзининг олд томони билан ғарб томонда жойлашган ва ҳовузи бўлган чуқурликдан анча баланд турган; шарқий ялпи девор қадимий харобаларга туташган. Бу—алоҳида қурилган қаср типидagi катта бино бўлган. Бинонинг милодий I аср охиридан илгари қурилмаган ва II—III асрларда фойдаланилганлигини ундан топилган сопол топилдиқлар комплекси кўрсатиб беради.

Бино вайроналарини тозалоган вақтда терракотадан ясалган икки буюм топилди, булардан бири маъбуда тасвири эканлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Бу буюм қўлларни кўкрагидан пастроқ танасига қўйиб турган аёлнинг юпқа плитадан тайер қилинган ясалган ҳайкалчасидир. Унинг боши ҳаддан ташқари катта ва елкалари тор бўлиб, юзи тўладан келган, юз тузилиши схематик тарзда берилган. Аёлнинг бўйни қисқа ва жуда йўғон ишланган бўлиб, мунчоқ тақилган. Ибодат қилинавери бўлса керак терракота жуда сийқаланиб кетган, шу сабабли унинг либосини ажратиш қийин. Плитанинг баландлиги 10,4 см.

Шуниси муҳимки, юқорида тасвирланган терракота жойлашиши ва тузилиши жиҳатидан ибодатхона сифатида ажратилган хонадан топилди, бу топилдиқ уйнинг ана шу вазифани ўташ учун мўлжалланганлигини тасдиқлаб турибди. Маъбуда тасвири жуда қадимий бўлиб, деҳқончилик ривожланишининг илк босқичларида деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларнинг диний тасаввурлари билан боғлангандир.

Токчаси олдида ўчоғи бўлган қўшни хонадан иккинчи бир терракота — юз тузилиши жиддий ва истеҳзоли эркак киши калласининг тасвири топилди. Қаншари билан ўсиб туташган унинг қинғир бурни жуда катта; оғзи қисилган, қийшиқ бўлиб, лунжида асимметрик ажинлар бор; няғи анча қаттароқ анча олдинга чиқиб турибди. Кўзлари равшан тасвирланган. Пешанаси икки қатли бош кийимининг осилиб турган бурмалари билан бутунлай ёпилган. Бўйни узун ва йўғон. Бу терракотада эллинистик анъана ўз ифодасини топган бўлса керак.

Биз икки терракотани тасвирладик, уларнинг топилган жойи аниқ; лекин бундай топилдиқлар ҳали оз. Бироқ Афросиёб харобаларида кўплаб терракоталар қазишмалар вақтида тўппа-тўғри қатламлар юзидан ёки қатламлар орасидан топилди, лекин улар топилган қатламлар аниқланмаган. Бу ҳол эса терракоталардан тарихий манба сифатида фойдаланишни қийинлаштиради. Аммо санъатшуносларнинг тадқиқотлари туфайли бу турдаги кўпгина ёдгорликларнинг санаси белгиланди, уларнинг маъноси аниқланди. Аёл худолар тасвирланган ҳайкалчалар анча кўп бўлиб, улардан бутун бир галерея тузиш мумкин. Тасвирлар орасида бир хил ёки ҳатто бир-бирига ўхшашлари камдан-кам учрайди, улар юз тузилиши, қўлларининг ҳолати (уларнинг қўлларида кўпинча мева ёки гул бор), ҳамиша зийнатли либослари, бош кийимлари билан фарқ қилади. Ҳайкалчаларда қадимий Сўғд аҳолисининг этник типлари тасвирланган бўлиб, булардаги тафовутларнинг сабаби пантеонларнинг ҳамда диний тасаввурларнинг ишлаб чиқилган рамзи ва афсоналарнинг кўплигида бўлса керак.

Терракота тасвирларнинг бошқа турлари — машшоқ эркаклар тасвири кам, лекин бундай тасвирларнинг мавжудлиги терракоталарнинг ҳаммаси ҳам диний моҳиятга эга бўлмасдан, балки улардан айримларида оддий кишилар ҳам тасвирланганлигини кўрсатади. Бундан идишларнинг антропоморфлар билан безатилиши ҳам далолат бериб турибди. Идишларнинг шакллари (қадаҳлар, косалар, ритонлар, сувдонлар) қадимий кулолларнинг юксак маҳоратидан далолат беради. Лойдан ясалган терракоталардан «жилмайиб турган сўғд» тасвири характерлидир. Бунда сочи ҳурпайиб турган тўла, ҳушчақчақ эркак юзи тасвирланган. Бироқ милодий I—IV асрлардаги коропластика қадимий санъатида дунёвий мотивлар кам акс эттирилган, уларда асосан деҳқончилик билан шуғулланувчи қадимий халқларнинг зороастризмнинг маҳаллий сўғдлар диний системаси варианты билан чирмашиб кетган мифологияси акс эттирилган.

## ИЛК ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА САМАРҚАНД

## 1. ИЖТИМОИИ ВА СИЕСИЙ ВАЗИЯТ

Кушан давлатининг заифлашуви ва ҳалокатга учрашининг асосий сабаби унинг ички ижтимоий-сиёсий аҳволидадир. X аср тарихчиси Муҳаммад Жарир ат-Табарий деҳқонлар (катта сиёсий қудратга эга бўлган қадимги авлодга мансуб оқсуяк деҳқонлар)нинг ижтимоий-сиёсий табиатини характерлаб, бир ривоят келтиради. Унинг ёзишича, гўё жуда қадим замонда афсонавий шоҳ Манучеҳр мамлакат қишлоқларини деҳқонларга бириктириб қўйган ва барчага уларнинг қишлоқ меҳнаткашлари амри-фармонларини бажо келтириш вазифаси юкланган эмиш. Шоҳнинг номи афсонавий бўлишига қарамай, ривоят тарихий ҳақиқатга мосдир.

Зодагон деҳқонларнинг жамоа ерларини эгаллаш ва собиқ эркин жамоа деҳқонлари устидан — ҳокимият ўрнатиш учун олиб борган кураши бутун бир даврни ўз ичига олади. Янги шароитда, суғориладиган деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг юксак даражада ривожланиши, ерни сунъий ўғитлаш кенг жорий қилинган, пахтачилик маданияти, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмларига жаҳон бозоридаги талабнинг ўсиши, шаҳарларнинг савдо-ҳунармандчилик ва маданий марказлар сифатида раванқ топиши ва энг муҳими — деҳқонлар иқтисодий ва сиёсий аҳволининг яхшиланиши уларни қуллар ҳам, корандалар ҳам энди қаноатлантирмайдди. Деҳқонлар кам унумли қул меҳнатидан (қул меҳнати айниқса уй хўжалигида йўқолмаган бўлса ҳам) воз кечиб, қишлоқ жамоаларини ўзларига бўйсундиришга эришадилар.

Қишлоқ жамоасининг аъзолари, қулдор деҳқонлар ва қуллардан иборат бўлган жамият антагонистик синфларга асосланган бошқа жамиятга ўз ўрнини бўшатиб бериши лозим эди. Бу жамиятда янги деҳқонлар қишлоқлар, жамоа ва деҳқоннинг шахсий қарамоғидаги кадиворларни эгаллаб олган эди. Олий ҳокимият аввалги қудратидан маҳрум бўлади. Деҳқонлар билан эски тартиб тарафдорлари ўртасидаги

тўқнашувлар кучаяди, деҳқонлар билан уларни асоратга солувчи жамоа деҳқончилиги ўртасидаги кураш тобора қизгин тус олади. Ана шундай мураккаб вазиятда қулдорлик тузумининг негизлари заифлашиб қолади ва янги феодал тузумнинг шаклланиши учун шарт-шароит вужудга келади.

Антик жамиятнинг янги феодал тузуми билан бундай улкан ўрин алмашилиши қарийб икки аср давом этди ва эркесвар жамоа деҳқонлари билан ер эгаси бўлган оқсуяк деҳқонлар ўртасида катта кураш кетди. Бу қадимий термин эски деҳқонлар тарих майдонидан тушган, ривож топган феодализм давридагина деҳқонларнинг барча табақалари учун умумий бўлиб қолади.

Воқеаларга бой бўлган бу давр тарихий маълумотларда деярли акс эттирилмаган. Археологик материалларда милодий IV—V асрлар тушкунлик даври, эски шаҳарлар деярли бўшаб қолган, халқаро савдо, ҳунармандчилик сусайган, қайноқ ҳаёт қишлоқ жойларига ўтган, суғорилладиган ерлар камайиб кетган давр сифатида ифодаланган.

Кейинги тарихий ахборотларда аслзода деҳқонлар билан улар томонидан асоратга солинган жамоат аъзолари — кадиворлар ўртасида синфий жангларнинг афтидан сўнгги икки эпизоди тўғрисидаги маълумотлар сақланган. Ана шу қуролли қўзғолонлардан биринчиси VI асрда Эронда Маздак бошчилигида кўтарилди. Қўзғолончилар деҳқонларни мағлуб этиб, уларнинг ерларини тортиб олдилар, галла омборларини эгаллаб уйларига ўт қўйдилар, ўлдирдилар ёки уларни Эрондан чиқиб кетишга мажбур қилдилар. Ҳукмдорлар кибр-ҳаволи аслзода деҳқонлар билан муносабатни яхши йўлга қўймаган бўлмаса ҳам, лекин ҳаракатнинг бундан кейинги ривожланишидан чўчиб, қўзғолон раҳбарларини хиёнаткорлик билан ўлдириб, сўнгра эса қўзғолонни куч билан бостирди.

VI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода Абрў йўлбошчилигида ана шундай ҳаракат бошланди. Бу ерда ҳам деҳқонларни талаб, уларни ўлдирдилар ва мол-мулкни тортиб олдилар. Деҳқонларнинг бир қисми Еттисувга — турклар мамлакатига қочиб қутулди. Қочоқ деҳқонлар Бухорода қўлдан бой бериб қўйилган ҳокимиятни қайтариб олиш учун ёрдам сўраб турк хоқонига мурожаат қилдилар. У бу воқеалардан фойдаланиб, Мовароуннаҳрни босиб олди ва Абрўни ўлдирди. Деҳқонлар яна ҳокимият тепасига чиқдилар.

Буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг феодал ер эгаллиги узил-кесил қарор топганлигини ва собиқ қишлоқ жамоа аъзоларининг қарам кадиворларга айланганлигини билдиради.

Афросиёбда шаҳар ҳаёти милоднинг тахминан V ва VI асри бошларида қайта тикланади. Бу даврда ҳар бир воҳа мартабаси баланд деҳқонлардан иборат ўз шоҳлари билан мустақил сиёсий ҳаёт кечиради. Шоҳликлар турлича ном-

ларда юритиларди. Бухоро воҳасида — бухор худотлар ва вардан худотлар, Миёнқалъада — дабусхоҳлар, Самарқандда — ихшидлар, Усрушонда — афшинлар, Шош (Тошкентда) эса худонлар деб аталарди.

Шоҳ атрофига қишлоқлар, асоратга солинган деҳқонлар — кадиворлар, қуллар ва чақирлар (шахсий қурулли дружиналар)га эга бўлган бадавлат деҳқонлар тўпланган эди.



Самарқанд яқинидан топилган кумуш товоқ.

Сосонийлар Эронининг тажовузига қарши курашда Самарқанд ихшидлари ва бошқа шоҳликлар VI—VIII асрларда эфталитлар ва Ғарбий турк хоқонлиги билан сиёсий, ҳарбий савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатди. Улар шоҳликларнинг ички ишларига аралашмай, ўзларининг устунликларининг эътироф қилинишига эришиб, ҳар йили совғалар олиб туришган. Шоҳлар Эрон чегарасида лашкари бўлган Турк хоқонлиги қароргоҳига бориб турар эдилар. Улар Урта Осиёда яшаб келаётган турк қабилаларининг турли сулолаларига мансуб кишилар бўлган.

Шоҳликлар орасида Самарқанд ихшидлари энг қудратли бўлиб, уларнинг устунлигини бошқалари ҳам тан олар эди. Сўгд савдогарлари ва ҳунармандлари азалдан, эҳтимол, Кушан подшолиги давридан буён Тошкент—Исфижоб (Сайрам яқинида), Чу дарёси водийсидаги Тараз (Жамбул яқинида) ва Шарқий Туркистон шаҳарлари орқали ўтадиган йўллар орқали Хитой билан савдо-сотик ишларини яхши йўлга қўй-

ишган. Бу йўллардаги шаҳарларда асосан кўчиб борган сўғдлар жойлашган. Ўтмишда бу шаҳарлар «Сўғд колониялари» деб аталар эди.

Мол ортган сўғд карвонлари Хитой, Монголия, Ҳиндистон, Эрон, Сурия, Миср ва Византия империяси шаҳарларига борар эди. Сўғд савдогари Машиах VI асрда турк хоқонлиги билан Византия империяси ўртасидаги халқаро ипак савдосининг асосий ташаббускори бўлган.

Сўғд ихшидларининг маркази Самарқандда жойлашган эди. VI—VII асрларда шоҳлар шаҳарни гоят мустаҳкамлаганлар, унинг ички қисмида ҳашаматли саройлар, ибодатхоналар ва бошқа бинолар қурдирганлар. Афросиёбда топилган ва деворларида кўплаб расмлари бўлган муҳташам биноларнинг қолдиқлари, шубҳасиз ихшидлар томонидан шаҳар ичида барпо этилган саройлардан бирининг вайронларидир.

Самарқандлик ихшидларнинг ҳам бухор худотлар ва бошқа ҳокимлар сингари шаҳар ташқарисида ўз турар-жойлари — резиденциялари бор эди. Бундай жойлар баъзан шаҳардан анча узоқда жойлашган бўларди.

А. Ю. Якубовский раҳбарлигида Самарқанддан 60—70 км жануби-шарқда жойлашган Панжикентда ўтказилган қазишмалар вақтида ибодатхоналар, бойлар ва катта амалдорларнинг уй-жойлари қолдиқларидан иборат шаҳар кварталлари топилди. Панжикент қолдиқларига кўра, Самарқанд ихшидларининг шаҳар ташқарисидаги резиденцияси худди шу ерда бўлган. Чунки шаҳар тоғлардан Зарафшон дарёси бўйлаб Самарқандга бориладиган стратегик жиҳатдан энг қулай ерда жойлашганлиги ва унинг иқтисодий жиҳатдан Самарқандга боғлиқлиги туфайли Ревдоддаги каби бу ер ҳам резиденция бўлган бўлиши мумкин.

## 2. ШАҲАРНИНГ АРАБ ИСТИЛОЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Араблар Эронда Сосонийлар ҳокимияти қулагач, VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марвни ўз қўлларига олди. Бу ердан Амударёнинг нариги томонида жойлашган вилоятларга, яъни Мовароуннаҳрга босқинчилик қила бошлади.

Бир-бирига душман бўлган аристократ ҳукмдорлар ўзларининг заифлигини кўрсатди. Ҳукмрон сулоладан хафа бўлган баъзи зодагон деҳқонлар босқинчилардан ёрдам ва мадад кутади. Халқ ва мамлакат манфаатларига хиёнат қилган бундай кишилар арабларга ёрдам кўрсатди. Зодагон деҳқонларнинг иккинчи бир гуруҳи ўз ҳокимияти ва мамлакатини ҳимоя қилиб чиқди, уларга эса халқ оммаси мадад ва ёрдам берди.

Истилочилар йирик бадавлат деҳқонлар ўртасидаги душманликни пайқаб, уларнинг бир қисмини ўз томонига ағдариб олдилар ва яхши қуролланган, жанговар чақирлар устидан ғолиб чиқдилар.

Хурсонлик биринчи ноиб Убайдулла ибн Зиёд (673—675) 673 йилда Зарафшон водийсига юрди ва бой ўлжа билан Марвга қайтиб келди. Уша йилиёқ Саид ибн Усмон Бухоро ва Самарқанд устига юрди. Бу юришда пайғамбар амакивачаси Қўсам ибн Аббос ибн Абдул Муталлиб иштирок этди ва жанглардан бирида ўлдирилди. Афсоналарга кўра, Қўсам ибн Аббос жасади Самарқанддаги Шоҳизинда мазорига кўмилган эмиш.

Саид Самарқандда катта ўлжа 30000 асир ва жуда кўп қимматбаҳо буюмларни қўлга киритди. У шаҳардан жўнай туриб, шоҳ уруғларидан 50 зодагон деҳқонни гаров тариқасида ўзи билан бирга олиб кетди ва Амударёдан кечиб ўтгандан кейин уларни қайтариб юборишни ваъда қилди. Бироқ у ўз ваъдаси устидан чиқмади. У Арабистонга келганидан сўнг гаров тариқасида олинган кишиларни қул қилиш мақсадида уларнинг устидаги қимматбаҳо кийимлар ва олтин камарларни ечиб олишни буюрди. Бироқ сўғдлик зодагон деҳқонлар Саиддан ўч олиш ниятида унинг саройига бостириб кириб, уни ўлдирдилар ҳамда ўзларини ўзлари ҳам ҳалок қилдилар.

Хурсон ноиби Қутайба ибн Мусил (705—715) Ирок ноиби ал-Хожжажнинг буйруғи билан Мовароуннаҳрни узил-кесил босиб олишга ва уни «мусулмонлар амрининг (амир ал-мўминунна) боғига» айлантиришга интилди.

705 йили Қутайба Балхни босиб олди, 706 йилда эса Пойкандга ҳужум қилиб, қаттиқ қаршиликка учради. Самарқанд ихшиди — шоҳи Тархун бошчилигидаги сўғдлар пойкандликларга ёрдамга етиб келиб, арабларни қуршаб олдилар. Натижада Ирок ноиби ал-Хожжаж қарийб икки ой мобайнида Қутайбадан ҳеч қандай дарак ололмади. Бироқ сўғдлар орасида ягона раҳбарликнинг йўқлиги ва ўзаро келишмовчиликлар сабабли араблар қуршовдан чиқиб олиб, Пойкандни ҳам босиб олишга ва катта ўлжани қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Араблар 707 ва 708 йилларда Мовароуннаҳрга Вардана худотига қарши юриш қилади. Лекин Қутайба Сўғддан улоқтириб ташланади. 709 йилда у Варданага яна ҳужум қилади. Самарқанд шоҳи Тархун, шунингдек, маҳаллий шоҳлар ва кўчманчи турклар унга қаттиқ қаршилик кўрсатади. 709 йилнинг кузида Сўғд шоҳи Тархун, Хуник худот, Вардана худотининг бирлашган кучлари ҳамда Қармаганун бошчилигидаги турк хоқонининг 40 минг кишилик қўшинлари Бухоро чегараларидаги Тароб, Хунбун ва Ромитон қишлоқлари ўртасида



Қутайбани қуршаб олдилар. Қутайба ҳийла ишлатади ва Тархун ҳузурига Хаён ан-Наботийни юбориб, унинг арабларни тор-мор келтиришга ҳаракат қилмаслигини, чунки арабларнинг қишга бориб, албатта, Марвга қайтиб кетиши, лекин туркларнинг шу ерда қолиб тахтни эгаллашини айтишни унга топширади. Бу гаплар иттифоқчилар ва сўғдлар ўртасида ихтилоф туғдиради. Хаён Қутайба номидан Тархунга унинг учун қулай шартларда сулҳ тузишни ваъда беради. Тархун кечаси Қутайба қароргоҳига совғалар ва икки миллион дирҳам пул юборади ва бунинг эвазига сулҳ шартномасининг текстини олади. Тархун чекиниши ва Самарқандга қайтиб бориши, арабларга ал-Хожжаждан мадад кучлари келяпти деган миш-мишларни тарқатиши керак эди. Тархун бу билан ўз иттифоқчилари сафида саросима туғдиради, натижада улар юртларига кетиб қоладилар. Шундай қилиб, Тархун Самарқандда ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ниятида арабларнинг қуршовдан чиқишига эмас, балки ҳатто Мовароуннаҳрни босиб олишига ҳам кўмаклашди.

Тархуннинг сиёсати самарқандликлар орасида норозилик туғдирди. Шартномага кўра, Сўғд аҳолисидан жузья солиғи олиш мақсадида 710 йилда Қутайба ибн Муслимнинг укаси Абдурахмон Самарқандга келганида халқ қўзғолон кўтарди. Тархун сиёсатидан норози бўлган феодал аслзоларнинг айрим вакиллари ҳам халққа қўшилди. Тархун тахтдан ағдарилди ва Тархуннинг укаси Ғурак (710—737) Сўғд шоҳи Самарқанд афшини деб эълон қилинди. Зиндонга ташланган Тархун бу ерда ўзини ўзи ўлдирди. Бошқа маълумотларга қараганда, у Ғурак томонидан ўлдирилган.

Қутайба Самарқандга дарҳол ҳужум қилишга ва эрксевар сўғдларни жазолашга журъат этмади. Қутайба 712 йилда Хоразм шоҳи Чоганга ёрдам бериш баҳонаси билан Хоразмда мустаҳкамланиб олган Хурзодга (Хоразм шоҳининг укаси) қарши юриш бошлади. У орқасига қайтаётганида Бухорога кириб, бу ердан эса қутилмаганда Самарқандга қараб ҳаракат қилди ва Хоразм ҳамда Бухородан 20000 кишилик ҳарбий отряд олиб келди. Ғурак араблар билан Арбинжонда тўқнашиб, Қутайбани улоқтириб ташлай олмади ва у «ўз душманининг ака-укалари ва қариндош-уруғлари» туфайлигина ғалаба қозонмоқда деб таъна қилди. Ғурак чекиниб Самарқанд деворлари орасида мустаҳкамланиб олди ҳамда Шош шоҳи, Фарғона ихшиди, турк хоқонларига хат юбориб, арабларга қарши кураш олиб боришда улардан ёрдам кута бошлади.

Шош шоҳи, Фарғона ихшиди ва турк хоқони юборган отрядлар Самарқандга етиб келолмади. Қутайба уларнинг яқинлашиб келаётганини пайқаб, катта отряд билан кечаси ҳужум қилиб, батамом қириб ташлади. Араблар шаҳар деворига 300

манжаниқни яқинлаштиради, лекин самарқандликлар шаҳарни мудофаа қилишни давом эттирди. Ниҳоят, араблар шаҳар деворларини ёриб ўтишиб, Самарқанднинг шаҳристонига бостириб кирди. Узоқ вақт қамалда азоб чеккан самарқандликлар сулҳ тузишни илтимос қилди ва ўзлари учун қийин шартларга ҳам рози бўлишди. Шартномага мувофиқ Қутайба Фуракни ўша вақтда таркибига Кеш ва Насаф шаҳарлари билан бирга Қашқадарё водийси ҳам кирган Сўғд шоҳи сифатида эътироф этди ва унга уч минг қул, эллик минг мисқол олтин (ибодатхоналар хазинаси), икки минг кишилик дибодо деб аталган газлама ва икки юз минг дирҳам пул юбориш мажбуриятини юкледи. Бунинг устига Фурак арабларга ҳар йили икки юз минг дирҳам миқдоридан ўлпон тўлаш, қул, газлама ва шу кабиларни юбориб туришга ваъда берди. Қутайбанинг Фуракка қарши олиб борган курашида кўпгина бухоролик ва хоразмликларнинг маҳаллий отрядлари актив қатнашди.

Шартнома шартларига зид тарзда Қутайба ўз қўшинларининг бир қисмини Самарқанд аҳолиси уйларига жойлаштирди. Унинг бу тадбири аҳоли ўртасида норозилик туғдирди ва яна қўзғолон кўтарилди. Сўғд шоҳи Фурак Самарқанд қалъасини араблар гарнизони ихтиёрига бериб, ўз қароргоҳини Иштихон шаҳрига кўчирди. Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидагидек, самарқандликлар ҳам уй-жойларининг энас, балки экин майдонларининг ҳам бир қисмини истилочиларга беришга мажбур эди. Араблар самарқандликларга қурол олиб юришни тақиқладилар ва кечаси шаҳар дарвозаларини ёпиб қўйишга мажбур этдилар.

Қутайба Самарқанддан Марвга қайта туриб, бу ерда укаси Абдурахмон ибн Муслимни яхши қурооланган катта гарнизон билан қолдирди.

Самарқандликлар 713 йилнинг қишида қўшни турклар ёрдамида арабларга қарши чиқдилар. Гарнизон қалъа деворлари орқасида яшириниб олди ва рўй берган аҳволни Қутайбага маълум қилди. Қутайба эса ўша йили баҳорда сўғдларга қарши юриш уюштирди ҳамда қўзғолончиларни бостириш учун Кеш, Насаф ва Бухоро ҳокимларига йигирма минг жангчи тўплаш тўғрисида буйруқ берди. Қўзғолонни бостириб Қутайба эгаллаган шаҳарларнинг аҳолисини ўз уйларининг ярмини арабларга бериш, самарқандликларни эса, баъзи нақлларга кўра, шаҳристонни бутунлай қолдириб чиқиб кетишга мажбур этди.

715 йилда Қутайба вафотидан сўнг арабларнинг Моваруннаҳрдаги ҳокимияти мавқеи анча бўшашди. Хуросон ноиб Жарроҳ (717—719 йил) мусулмонликни қабул қилган кишиларга нисбатан қаттиққўл эди. Сулаймоннинг вафотидан кейин халифа бўлган Умар ибн Абдулазиз (717—719 йиллар)

халифаликнинг ҳамма вилоятларида араблар ҳокимиятининг мавқеини кўтариш мақсадида молиявий ислоҳот ўтказди. Бу ислоҳотга мувофиқ мусулмонликка кирганлардан араб мусулмонлари каби жузья ҳам, хирож олиш ҳам бекор қилинди.

Умар II арабларга бўйсунган Мовароуннаҳр шоҳларига мактуб юбориб, уларга ислом динини қабул қилишни тақлиф этиб, бунинг эвазига уларни хирож тўлашдан озод этишни ваъда қилди. Умар II маҳкамасида баъзи феодал араблар турли йўллар билан хирож ерларини эгаллаб, зўр бериб бойлик орттира бошлади, халифа хазинасининг даромадлари эса борган сари камайди. Хирож ерларини давлат мулки сифатида сақлашга ҳаракат қилган Умар II арабларнинг ўз ер-мулкларини кўпайтиришини тақиқлади ва ҳижрий юзинчи (719 йил) йилдан кейин сотиб олинган хирож ерларининг ҳаммасини қайтариб беришни, акс ҳолда ушр эмас, балки хирож тўлашни буюрди. Уша йилга қадар сотиб олинган ерларни хирож солиғидан озод қилиш ва бундай ерларга ушр солиғи, яъни ҳосилнинг ўндан бир улушини тўлашни буюрди. Умар II нинг ер ислоҳотини маъқуллаган Самарқанднинг маҳаллий оқсуяклари унинг ҳузурига вакиллар юборишди. Улар Умар II дан Самарқанд шаҳристонини қайтиб бериш тўғрисида фармойиш чиқаришни илтимос қилди, чунки шаҳристонда уларнинг бир вақтлар ибн Муслим Қутайба томонидан адолатсиз равишда тортиб олинган ерлари бор эди. Умар Сулаймон ибн Абу Сарияга хат ёзиб, самарқандликларнинг шикоятини кўриб чиқишни маҳаллий қозига топширишни сўради. Араблар эса ўзлари эгаллаган ерларни илгариги эгаларига қайтариб беришни истамас эдилар. Бу воқеа Қутайба томонидан юзинчи йилгача ўтказилган тadbир бўлганлиги учун қози ишни кўриб, Қутайба имзолаган сулҳ шартномасини бекор қилиш ва араб қўшинларини Самарқанддан олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу эса уруш бошланиб кетишига олиб келар эди.

Лекин самарқандликлар араб қўшинларининг кучини ҳисобга олиб, ўз даъволаридан воз кечишга мажбур бўлишди. Умар II нинг мактубига қарамай, Жарроҳ мусулмонликка кирганлардан, ҳатто араб қўшинлари таркибида мусулмон давлатининг чегараларини кўчманчи турклардан ҳимоя қилишда қатнашган мусулмонлардан ҳам хирож ва жузья олишни давом эттирди. Буни 717 йилда халифа саройига келган вакиллар шикоятидан ҳам кўриш мумкин.

Хуросон ноиб мусулмонлар ислом динига содиқ эканликларини кўрсатишлари учун суннат қилиши ҳамда Қуръон сураларини ўқишни ўрганиб олишларини талаб қилди. Унинг бу чоралари ислом динини қабул қилишни истовчиларни чеклаб қўяр эди. Араб ноибининг сиёсати забт этилган мамлакат халқларини мусулмон бўлмаганлар тўлаши лозим бўлган



VI—VII асрларга онд терракотадан ясалган ҳайкалчалар.

хирож ва жузьяни тўлашга мажбур қилишга қаратилган эди. Бу чеклаш асосан қишлоқ синфлари учун жорий қилинган бўлиб, понб илгари сурган шартлар улар учун оғир ва камситадиган бир ҳол эди.

### 3. САМАРҚАНД — ХАЛИФАЛИККА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛГАН ОЗОДЛИК УРУШЛАРИНИНГ МАРКАЗИ

Умар II нинг ўлимидан Гурак арабларга қарши уруш бошлаш учун энг қулай пайт деб ҳисоблайди. Энди у ислом динини қабул қилмаган феодаллар томонидангина эмас, балки мусулмонликка кирган, лекин хирождан озод бўлишлари тўғрисидаги орзу-умидлари амалга ошмаган кишилар томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига таяниши мумкин эди.

Гурак арабларнинг бир асрлик қудрати ҳижрий юзинчи йилда (719 йил) тугайди деган гапни тарқатади ва Хитой императорига мурожаат этиб, арабларга қарши курашда унга ёрдам кўрсатишни илтимос қилади. Бухор худуд Тахшада, Шош ва Фарғона ҳокимлари ҳам Гуракни қўллаб-қувватладилар. Гуракнинг сўғд аҳолисидан жузья ва хирож тўлашни талаб қилган араб ҳокимларига қарши кураши араб халифалиги зулми остида азоб чекаётган кенг халқ оммасининг манфаатларига мос келар эди. Памикентда мустаҳкам ўрнашиб олган иккинчи бир ҳоким — Дивашти Саид Ҳузайна Гурак кўзғолонини бостира олмаслигига ишонч ҳосил қилиб, араблар ва уларга хизмат қилаётган маҳаллий деҳқонларга қарши курашга қўшилди. У Фарғона шоҳининг ва Гуракка ёрдам тариқасида шаҳзода Қурсул бошчилигида кўчманчиларни юборган турк хоқонининг кўмагига амин эди. Маҳаллий деҳқонлар Гурак билан бирга Самарқанд яқинида жойлашган Бахилня қалъасини қуршаб олдилар. Қамалда қолган араблар 40000 динор тўлашга ваъда беришди, лекин улар бу миқдордаги динорни тўплай олмасдан вақтинча урушни тўхтатишни таклиф қилдилар ва гаров тариқасида 14 кишини бердилар. Айни вақтда улар яширин тарзда Самарқанддаги араб қўшинлари бошида турган Усмон ибн Абдулладан ёрдам сўради. У Мусайёб ибн Зухайрга мусулмонларни кофирларга қарши урушга чақириш, Гуракка ва унинг иттифоқчиларига қарши юриш ва қуршовда қолган мусулмонларни озод қилиш вазифасини топширди. Мусайёб Фий (ҳозирги Нарпай) номли жойга яқинлашди. Шу вилоят малиги Турк—хоқон бу ерда туркларга бўйсунмаган битта ҳам зодагон деҳқон қолмагани ҳақида Мусайёбга маълум қилиб, ўзининг 300 жангчисини унга таклиф этди. Бундан кўриниб турибдики, биринчидан, баъзи турклар ҳали араблар томонида эди, иккинчидан, Бахилня қалъаси яқин атрофда (Нарпай) яқинида жойлашган эди. Араблар қалъага кириб, қамалда қолган-

ларни озод қилди ва Самарқандга қайтиб келди. Мусайёб бу курашни тезроқ тамомлашга ҳаракат қилиб, ҳатто, ўзининг ярадор аскарларига ёрдам кўрсатмаслик тўғрисида буйруқ берди.

Усмон ибн Абдулла араб гарнизони Ғурак ва кўчманчи туркларнинг хоқони бошчилигидаги арабларга қарши иттифоқнинг бирлашган кучларига бардош бера олмаслигини яхши тушунар эди. Шу сабабли у Хуросон ноиби амир Саид Ҳузайнга ёрдам сўраб бир неча бор мурожаат қилди.

720 йилда Саид ибн Абдулазиз қўзғолон кўтарган Сўғдга қарши биринчи марта юриш бошлади. У дарёдан кечиб ўтиб, Самарқанддаги гарнизонга ёрдам кўрсатишга шошилди. У шаҳарга етиб келганида унга турклар ва сўғдлар отряди ҳужум қилди. Турклар ва сўғдлар арабларни мамлакат ичкарисига алдаб олиб кириш учун орқага қоча бошладилар. Сўнгра турклар пистирмадан чиқиб, араб қўшинининг олдинги қисмини тор-мор келтирди. Хуросон ноиби Саид Ҳузайн сўғдлар ва туркларнинг ҳужумини қайтарган бўлса ҳам, лекин уларни таъқиб қилмасликни афзал кўриб, Самарқандга борди ва у ердаги маҳаллий гарнизонга қўшилди.

Сўғдда арабларга қарши ҳаракат кенгайиб кетди. Уша йилларда Панжикент малиги Дивашти ҳам қўзғолончиларга қўшилган бўлиши эҳтимол. 721 йилнинг бошида амир Саид Ҳузайн бўйсунмаган Сўғдга қарши янги юриш бошлади. Қамал қилинган араб гарнизони билан қўшилиш учун бир неча марта жанг қилишга мажбур бўлди. Самарқанд дарвозаси яқинида бўлиб ўтган ана шундай жанглардан бирида сўғдлар арабларни алдашга интилиб чекинишди. Бундан фойдаланган Саид гарнизон билан бирлашди. Шаҳар ва унинг атрофидаги жойларнинг бир қисм аҳолиси ҳали сўғдлар томонида эди. Табарийнинг сўзларига қараганда, Саид кечаси кичик бир отрядни Зарафшон юқорисига юбориб, шу ердаги Варагсар тўғонини эгаллаб, Самарқандни ва унинг атрофидаги жойларни сувдан маҳрум қилиши лозим бўлган. Бу эса сўғдларни таслим бўлишга мажбур этиши мумкин эди. Бироқ сўғдлар тўғонни қаттиқ туриб ҳимоя қилади ва Саид жангчилари бу юришдан бир оз ўлжа билангина қайтиб келади.

721 йилда халифа Язид ибн Абдумаликнинг маслаҳати билан Саид ибн ал-Хараший Хуросон ноиби қилиб тайинланади. Унга Ғурак билан Диваштини тинчлаштириш ва сўғд халқларининг қўзғолонини бостириш вазифаси топширилади.

Саид ал-Хараший Мовароуннаҳрга қарши юришга тайёргарлик кўриб, ўз элчиларини мактуб билан Сўғдга юборди ва сўғдларни итоатгўй бўлишга ва ислом динига қайтишга даъват этди. Бироқ сўғдларнинг бир қисми арабларга бўйсунинишни истамади. Саид ал-Хараший ўз элчиларидан сўғдларнинг арабларга қаршилик кўрсатиш нияти борлигини билиб,

юришга яна ҳам пухтароқ тайёрлана бошлади. У жуда бўлмаганда сўғдийлар жамиятининг юқори табақалариши ўз томонига қаратиб олиб умидидан воз кечмади. Саид ал-Хараший кетма-кет элчилар юбориб, Самарқанд шоҳи Ғуракни ўз томонига ўтишга кўндирди. Сўғд шоҳи Ғурак ва маҳаллий феодаллар бир гуруҳининг Саид ал-Хараший томонига ўтиши кўзголончилар орасида низо туғдирди. Ғурак бошчилигидаги Самарқанд феодалларидан бир гуруҳи арабларга хирож тўлашига эмас, уларнинг иттифоқчилари сифатида кўзголончиларга қарши курашда қатнашиш мажбуриятини ҳам олди. Балазурий маълумотида кўра, уларнинг сони ўн минг кишидан иборат эди.

Ораларида савдогарлар ва жуда бой деҳқонлар бўлган сўғдларнинг Қарзанаж бошчилигидаги бошқа бир гуруҳи ўз ерларига экин экмай ва хирож тўламай қўйди ва Сўғдни ташлаб Фарғона шоҳлиги территориясига кўчиб кетишга қарор қилди.

Панжикент ҳокими Дивашти бошчилигидаги деҳқонларнинг учинчи гуруҳи Мўғ тоғидаги қалъада мустақкам жойлашиб олишди.

Ғурак Қарзанаж бошчилигидаги гуруҳга араблар томонига ўтишни таклиф қилди. У сўғдларга мурожаат қилиб бундай деди: «Сўғддан кетмангиз, ўтган йилги ўз хирожингизни тўлангиз ва ўз ерларингизни ишлашга сўз берингиз. Агар Саид ал-Хараший «ғазавотда» қатнашишни талаб қилса, розилик билдирингиз, ўз гуноҳларингизни кечиришини илтимос қилингиз ва унга гаров учун кишилар берингиз».

Ғурак араблар томонига ўтганидан кейин Дивашти ўзини Сўғд шоҳи деб эълон қилди. Шундай қилиб (721—722 йилларда) Сўғдни бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки шоҳ — Ғурак ва Дивашти бошқарди. Сўғд икки қисмга: араблар Сўғди ва мустақил Сўғдга бўлинди.

Саид ал-Хараший Самарқанддан икки фарсах масофадаги Рух қалъасида тўхтади. У биринчи зарбани Самарқанддан кетиб, Фарғона шоҳи ал-Тар (Олатар) қўл остига ўтмоқчи бўлган Қарзанаж группасига беришга қарор қилди. Қарзанаж ўз ватандошлари бўлган сўғдларга нажот топишнинг уч йўлини таклиф этди: биринчи йўл — Саид ал-Хараший томонидан Абдурахмон бошчилигида сўғдларга қарши юборилган араб қўшинларининг олдинги қисмига ҳужум қилиб, уни қириб ташлаш. Бунда Қарзанаж шундай қилинса Саид ал-Хараший Сўғдга қарши юришдан бош тортади, чунки у бу мамлакатни билмайди, Абдурахмон эса унинг йўл кўрсатувчиси деб ҳисоблайди. Иккинчи йўл — Саид ал-Харашийга қимматли совғалар юбориб, у таклиф қиладиган ҳамма шартларни қабул этиш; учинчи йўл — Шош (Сир) дарёсидан кечиб, ғарбий туркларнинг пойтахти Сўйёбга кетиш.

Табарийнинг ёзишига кўра, сўғдлар Қарзанаж таклиф қилган плашнинг биронтасини ҳам маъқулламаган. Бироқ Бальямий маълумотлари Табарий маълумотлари билан таққосланса, шу нарса маълум бўладикки Фаргона шоҳи ал-Тар Қарзанаж плашининг биринчи йўлига қўшилганини сир сақлаган ва шу йўл билан Абдураҳмон ибн Нуайм ва унинг ўғли Зиёдни алдамоқчи бўлади. Табарийнинг ёзишича, ал-Тар ва унинг жияни Нилан (Билаз) Абдураҳмон ва Зиёд бошчилигидаги Саид ал-Хараший қўшинлари авангардини алдашга эришади.

Табарийнинг ёзишича, ал-Тар сўғдларга тоғдаги Шуъбаи Асом қалъасига кўчиб борганларидан кейин 20 кун ўтгач, уларни ўз ҳимояси остига олишни ваъда қилган. У айни бир вақтда тахт вориси, Шуъбан Асом қалъаси жойлашган Исфара вилоятни ҳокими, ўзининг амакиваччаси Ниланни Саид ал-Хараший ҳузурига юбориб, у орқали сўғдларнинг қалъа томон кетаётганликлари ҳақида хабар қилган. У ал-Тарнинг сўғдлар билан тузилган шартномаси ҳали кучга кирмаган, ҳали улар тоғдаги қалъада мустаҳкамланиб олмаган экан, уларни қуршаб олиб тор-мор келтиришни Саид ал-Харашийга маслаҳат беради. Саид ал-Хараший Нилан билан бирга ўз йўлбошчисини ва қўшинлар бошлиғи Абдураҳмон ҳамда Зиёдни катта отряд билан юборади. Аммо араб жосуслари чакки ишламади. Афтидан, Саид ал-Хараший Усрушон ҳокимининг ҳузурига бўлганида разведка маълумотини олган бўлса керак, душман пиятинини тушуниб, у уч кундан кейин ўз отрядига етиб келади. У шомашошарлик қилмай, ҳал қилувчи жангларга тайёрлана бошлайди.

Табарийнинг таъкидлашича, Саид ал-Харашийнинг маслаҳатчилари ва йўл кўрсатувчилар сўғдлар тоғдаги қалъага ҳали етиб бормасларидан уларга ҳужум қилиш зарурлигини қайд этдилар. Лекин Саид ал-Хараший шомасди. Табарийнинг айтишича, Ироқда ўзининг қатъиятлиги ва фаросатлиги билан ажралиб турган Саид ал-Хараший Хуросонда «ялқов ва беъмани» бўлиб қолган эди. Сўғдлар араблар билан бўлган кичик жангда мағлубиятга учраб, Хўжанд деворлари орқасига кетиб яширинди. Қарзанаж плани фош бўлди, арабларга қарши кураш олиб боришда мадад кўрсатишга ваъда берган ал-Тар шартнома ҳали кучга кирмаганлигини пеш қилиб, ёрдамдан бош тортди. Фаргона шоҳининг ёрдамидан маҳрум бўлган сўғдлар сулҳ тузишни сўради: Улар Саид ал-Хараший таклиф этган шартларнинг ҳаммасини: (Табарийнинг хабар беришича) барча араб асирлари (аёллар ва болалар)ни қайтариб беришга, хирожни тўла тўлашга, Хўжандда бирон кимсани қолдирмай, келган кишиларнинг ҳаммасини яна Самарқандга қайтаришга мажбур бўлди.





VI—VIII аср идишлари.

Табарийнинг ёзишича, сўғдлардан бири Собит Иштахоний араб аёлини ўлдирганини Саид ал-Харашийга маълум қилади. Бу айб Собит Иштахонийни жазолаш учун важ бўлади. Қарзанаж ва унинг чақирлари айбни нотўғри деб ҳисоблаб қўққисдан арабларга зарба бериб, уларнинг қуролларини тортиб олишга қарор қилади. Бироқ бу уриниш муваффақиятсизликка учрайди. Саид ал-Хараший буни билиб қолиб, буйсунмаган самарқандликларнинг ҳаммасини қириб ташлашни буюради. Табарийнинг сўзларига қараганда, самарқандликлар сўнги дақиқаларгача таслим бўлмаганлар. Фақат ўзларини араблардан сотиб олган 400 сўғд савдогаригина тирик қолган.

Саид ал-Хараший сўғдларни қаттиқ жазолаб, Хўжанд деҳқонлари (харрасин)нинг бўйинларига қўрғошин тамға тақиб юришларини буюради. Табарий таъкидлаганидек, бу деҳқонлар ўз эгалари (соҳиблар) билан қандай воқеа рўй берганликларини ҳатто билмаган ҳам эдилар.

«Араблар у девордан бу деворга ўтиб деҳқонларни калтаклар эди. Деҳқонларнинг бўйинларида эса муҳр осилиб турар эди». Араблар деҳқонларни ушлаб олиб ўлдиради. Табарий маълумотларига қараганда, 300 киши, бошқа маълумотларга кўра, 700 киши ўлдирилган. Араблар сўғдларни шафқатсиз жазолагандан кейин қўлга туширган ўлжанинг бир қисмини халифага ажратган, Сўғд деҳқонларининг мол-мулкларини ўзаро тақсимлаб, Кешга жўнаб кетишган. Саид ал-Хараший Фарғона шоҳи ал-Тардан 100 минг динор пул тўлашни, 50 ғулом ва 50 қул (канизак) юборишни талаб қилган. У Фарғона шоҳидан солиқ олиб, Самарқандга қараб жўнайди. Фарғона шоҳи ва 50 минг карлук кечаси қўққисдан арабларнинг ўлжалар ортилган карвонларига ҳужум қилиб, уни талаган. Фарғоналиклар ва карлуклар ухлаб ётган кўпгина мусулмонларни ва араб соқчиларини ўлдириб, кўпгина ўлжа олиб, ўз истеҳкомларига қайтиб келган.

Араблар Қарзанаж бошчилигидаги самарқандликларни жазолаб, Дивашти группасига қарши курашиш учун бирлашди.

Хумайк (Жамук) Шавкар, Хоразм шоҳи ҳамда Ахарун ва Шуман ҳокимларини ўз қўмондонлиги остига бирлаштирган Сулаймон ибн Абус Сария Дивашти қўзғолонини бостиришда катта роль ўйнади. У Диваштига қарши курашга араб Муσαιёб қўмондонлигида қўшин юборди. Дивашти мағлубиятга учраб, Муғ тоғидаги ўз қалъаси (Зарафшон дарёси чап соҳилида, Панжикентдан 120 км шарқда)га яширинди.

Муғ тоғидаги Дивашти қалъаси уч томондан Қум ва Зарафшон дарёларининг тик қирғоқлари билан ўралганди. Душман катта қўшин билан қалъага ҳужум қила олмайди. Фақат узоқ вақт қамал қилиш натижасидагина қалъада яширинган кишиларни таслим этиш мумкин эди.

Саид ал-Харашийнинг топшириғига кўра, Сулаймон Диваштига эркинлик ваъда қилди. Ал-Харашийга ишонган Дивашти таслим бўлди. Сулаймон уни Мусайёб билан бирга Саид ал-Хараший ҳузурига жўнатди. Шартномага мувофиқ, 100 оила эркинлик олди, қолганларининг ҳаёти сақлаб қолин-



Сўғд чавандози тасвирланган товоқ.

ди. Муғ тоғидаги чиқиш қийин бўлган қалъа шу тариқа енгилди.

1933 йилда Зарафшон юқорисиди, Муғ тоғидаги қалъада сўғд тилида тери ва таёқларга ёзилган қимматли ҳужжатлар, Хитой тилида матога ёзилган ҳужжатлар, битта араб тилидаги ҳужжат топилди. Араб тилида терига ёзилган ҳужжат В. А. ва И. Ю. Крачковскийлар томонидан ўқилган. Тадқиқотчилар ҳужжатни ўрганиб чиқиб, Табарий тарихий шахсларнинг номларининггина эмас, балки жойларнинг номларини ҳам аниқ кўрсатган, шунингдек, узоқ ўтмишдаги Мовароун-

наҳрда, жумладан, Самарқандда рўй берган воқеалар хусусида тўғри ҳикоя қилган деган фикрга келдилар.

Саид ал-Хараший Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларига ўч олиш учун юришларини давом эттирди. Бироқ Диваштининг фожиаги мағлубиятидан сўнг бошқа вилоятларнинг ҳокимлари арабларга, ҳатто қаршилик кўрсатишга ҳам уриниб кўрмади. Саид Фуракнинг ўша вақтда қароргоҳи жойлашган Рабинжонга йўл олди.

Афтидан, Саид ал-Хараший Фурак бошчилигида арабларнинг ҳомийлигини қабул қилган зодагон деҳқонлар гуруҳи қўлига топшириш учун Диваштини бу ерга олиб келган бўлса керак. Бу зодагон деҳқонлар Диваштини сўғдларни фақат арабларга қарши эмас, балки мусулмонлар томонига ўтган ўзларининг қонуний шоҳи бўлган Фуракка қарши ҳам курашга отланган қаллоб шоҳ деб ҳисоблар эдилар. Саид ал-Хараший сўғдлик ана шу деҳқонларга суяниб, ўз бошлиғи Ироқ нонби Умар ибн Хубайранинг Дивашти гуноҳини кечиш ва унинг ҳаётини сақлаб қолиш тўғрисидаги буйруғини бузган бўлса керак. Рабинжондаги мақбара деворига Диваштининг оёқ-қўллари михлаб қўйилди. Саид Марвга бориш вақтида йўлда яна бир неча маҳаллий ҳокимларни ўзига бўйсундирди.

723 йилнинг кузида Мовароуннаҳрнинг ҳамма жойида араблар ҳокимияти тикланди. Фурак ва бошқа маҳаллий шоҳликлар халифалик ҳокимиятини яна тап олишди. Сўғдликларнинг қўзғололи енгилгач, улар сўғд зодагон деҳқонлари томонидангина эмас, балки араб феодаллари томонидан ҳам эксплуатация қилинди. Афтидан, жангда ҳалок бўлган самарқандлик йирик деҳқонларнинг ерлари араблар томонидан босиб олиниб, халифанинг мулкига айлаштирилган ва араб лашкарбошларига бўлиб берилган. Улар маҳаллий деҳқонлар ва ҳунармандларни бевосита эксплуатация қила бошлаган.

723 йилдан бошлаб араб ҳукмронлигига қарши курашда Фарғона шоҳи ал-Тар асосий роль ўйнади. Умар ибн-Хубайра арабларнинг карвонларини талаган ва қўзғолон кўтарган самарқандликларга бир вақтлар ҳомийлик қилишни ваъда этган Фарғона шоҳига қарши юриш уюштиришни Муслим ибн-Саидга топширди. Муслим эса тор-мор қилинди ва Фарғонадан улоқтириб ташланди.

Асад (724—727 йиллар) Самарқанд Сўғдига қарши уч марта юриш қилди, лекин бу юришлар муваффақиятсиз чиқди. У Мовароуннаҳрдан қайтгач, хуросонлик оқсуяклар, Абдураҳмон ибн-Нуайм, Наср ибн Сайёр, Сурра ибн Хурра ва Ҳусайн ибн Иброҳимни дин учун уруш олиб боришни истамаётганликда айблади ва уларга жисмоний жазо беришни буюрди.

Араблар кетма-кет муваффақиятсизликка учрагандан кейин Самарқанднинг бўйсунмаган аҳолисига қарши юриш уюштириш мушкуллашди. Ашрас хуросонлик амалдорларнинг маслаҳати билан Самарқанд гарнизонини мусулмонликни янги қабул қилган мавло деб аталган кишилар ҳисобига кўпайтириш ва сўғдларни тинчлантириш мақсадида ислом динини қабул этганлар ҳуқуқини араблар билан тенглаштиришга, улардан хирож ҳам, жузья ҳам олмасликка қарор қилди. Абу Саида номи билан машҳур бўлган Солиҳ ибн Таъриф Самарқандга келиб, Самарқанд шоҳидан мусулмонликни қабул этганларни хирож ва жузья тўлашга мажбур этмасликни талаб қилди. Тарихчилардан Табарий ва Балазурий бир-биридан мустақил тарзда ёзган асарларида ана шу тadbирдан кейин Самарқанднинг эмас, балки бутун Мовароуннаҳр аҳолиси ҳам ислом динини бажону дил қабул қилган деб таъкидлайдилар. Самарқанд ва Бухорода мачитлар қурила бошлаган.

Сўғд шоҳи Ғурак Ашрасга «хирож тугатилганини» маълум қилади, яъни Сўғд хирож тўлашдан бош тортади, бинобарин, шартнома (вазонф) бўйича ўз зиммасига олган мажбурият бундан буён бажарилмаяжгини айтади.

Самарқанд ҳокими хирож йиғишга киришганида Абу Саида ва унинг сафдошлари унга қаршилиқ кўрсатди. Самарқанднинг мусулмонликни қабул қилган 7 минг аҳолиси, шу жумладан, ўзлари ва ихтиёридагилар учун жузья ва хирож тўлаш мажбуриятини олган деҳқонлар ҳам бу солиқларни беришдан бош тортди. Улар шаҳарни ташлаб чиқиб, Самарқанддан 7 фарсах нарида бўлган жойда мустаҳкамланиб олишди. Сўғдлар билан бирга, Самарқанд гарнизони таркибида арабларга хизмат қилган ерли мусулмонлар таъсири остида бўлса керак, Абу Саида ва унинг араб гарнизонидаги дўстлари Собит ибн Умран Тамимий, Қосим Шайбоний, Абу Фотима Аздий, Башир ибн Журмуз, Ҳамид ибн Абдулла Нахвий, Башир ибн Занбур Аздий, Хўжандий ва бошқа юқори мартабали ҳарбий бошлиқлар ҳам шаҳарни ташлаб кетдилар. Улар Ашраснинг солиқ йиғувчиларига қаршилиқ кўрсатиш учун ўша жойда мустаҳкамланиб олдилар.

Абу Саида ва унинг тарафдорлари бўлажак тўқнашувга тайёргарлик кўра бошлади. Ашрас Мужжашир ибн Музахимни Самарқандга валий қилиб тайинлади. У Абу Саида ва унинг яқинларини музокаралар олиб бориш учун ўз ҳузурига таклиф қилди. Абу Саида араб шоири Собит Қутна билан бирга унинг ҳузурига борганда, Мужжашир уларни ушлаб қолиб, соқчилар назорати остида Марвга ноиб Ашрас ҳузурига жўнатди, Ашрас эса уларни турмага ташлади. Арабларга қарши жангга тайёргарлик кўришга киришган қўзғончиларга Абу фотима ал-Аздий бошчилик қилди.

Арабларнинг асосий таянчи бўлган Самарқанд гарнизони-  
нинг кўпчилик жангчилари қўзғолон кўтарган кишиларнинг  
талаблари ҳақ деб ҳисоблаб, уларга хайрихоҳлик билдирди-  
лар. Бу ҳол Ашрасни ён беришга мажбур этди.

Ашрас қўзғолончиларнинг бирлигига путур етказиш мақ-  
садида Самарқанд ҳокимига оқсуяқларнигина хирождан озод  
қилиш ва уларга бир оз енгилликлар бериш тўғрисида буйруқ  
юборди. Ашрас сиёсати баъзиларга ўз натижасини кўрсатди.  
Абу Фотима гарнизон жангчилари билан Самарқандга қай-  
тиб келгач, қўзғолончилар раҳбарсиз қолди. Ашрас араб  
бўлмаган амалдор (ажам)ларга ҳам ҳеч қандай енгиллик  
бермай, барча фуқаролардан хирож йиғишни буюрди.

Ана шу курашнинг боришини ўрганиш шуни кўрсатадики,  
Самарқанд қалъаси ва Дабусиядан ташқари бутун Моваро-  
уннаҳр қўзғолончилар қўлига ўтган, уларга кўчманчи турк-  
лар хоқони Абу Музаҳҳим ёрдам кўрсатди.

Ашрас уч ой давомида бўлажак юришга тайёргарлик  
кўрди. Хуросон оқсуяқлари оғир суворийларсиз хоқон Абу  
Музаҳҳимга қарши курашиш беҳуда эканлигига уни ишон-  
тирди. Шу муносабат билан Ашрас биринчи марта «робита»  
деб аталган оғир суворийлар гуруҳини тузди.

Бухоро остоналарида ҳал қилувчи жанг бўлди. Унда Фу-  
рак яна қўзғолон кўтарган ватандошлари томонига ўтди.

Ашрас қақшатғич зарбага учрагач, Бухородан Самар-  
қандга қочди, лекин хоқон унга шаҳарга етиб боришга йўл  
қўймади. Араблар Кемаржа қалъасини эгаллашга муваффақ  
бўлдилар. Иссиқдан ва очликдан тинкаси қуриган Ашрас  
қўшинлари Кемаржа қалъасини ташлаб, сўғд ва туркларнинг  
назорати остида Дабусияга қараб йўл олди ва 730 йилнинг  
кузида Жунайид ибн Абдурахмон (730—737) томонидан  
қутқазилгунга қадар шу ерда қамалда қолди.

730 йилнинг ёзида Жунайид Мовароуннаҳрга юришга тай-  
ёргарлик кўрди. Бу хабар хоқонга бориб етди. У 17 минг  
кишилик қўшин билан Амударё соҳилига келиб, душман  
йўлини тўсди. Жунайид Амудда тўхташга мажбур бўлди. У  
Заммага ўтиб, хоқон Самарқандгача етиб бориш эмас, ҳатто  
Амударёнинг ўнг қирғоғига кечиб ўтишига ҳам йўл қўймас-  
лигига ишонди. У юз берган аҳволни халифа Ҳишамга (724—  
743) маълум қилди. Халифа Ашрасга хоқонга қарши қўшин-  
лар юбориш ва унинг эътиборини жалб қилишни буюрди.  
Ашрас ўз гарнизонидан 7 минг киши ажратиб, Амир ибн  
Малик ал-Ҳаммадий раҳбарлигида Дабусиядан жўнатди ва  
у Жунайид томон йўл олди. Бироқ у ҳам қалъалардан бирида  
тўхташга мажбур бўлди.

Ҳишам Жунайиддан яна мактуб олгач, Ироқ ноибни Халид  
ибн Абдуллага Наср ибн Сайёр, Абдурахмон ибн Нуайм,  
Сурра ибн Ҳурра ва Ҳусайн ибн Иброҳимларни Жунайидга

ёрдамга юборишни буюрди. Ашрас Самарқанддан хоқонга қарши Қайс Васл ибн Амирнинг маҳаллий мусулмонлари— Осим ибн Умайр Самарқандийни қақирлари билан бирга юборди. Хоқон Жунайдга қарши муваффақиятли уруш олиб бораётган айни вақтда улар мустаҳкам қалъаларнинг бирига жойлашиб, хоқоннинг арьергардига ҳужум қилди. Хоқон икки фронтда: Васл ибн Амир ва Жунайд қўшинларига қарши жанг олиб боришга мажбур бўлди. У 10 мингдан зиёд жангчиси ва кўпгина лашкарбошларини йўқотиб, орқага чекинди. Пойканддан икки фарсах нарида Жунайд билан хоқон қўшинлари ўртасида яна жанг бўлди. Кутилмаганда Қатан ибн Қутайба Бухородан чиқиб, Жунайдга ёрдам берди ва жангга ёлиб чиқди.

Хоқон 730 йилнинг кузида Самарқанддан етти фарсах нарида Зарман қишлоғи ёнида Жунайднинг йўлини тўсиб, ўз иттифоқчилари билан бирга унга ҳужум қилди. Жунайд бу жангга хоқон устидан ғалаба қозонди. Хоқон Абу Музаҳҳим 731 йилнинг баҳорида Самарқанд гарнизонига қарши 15 минг кишилиқ қўшин юбориб, Сурра ибн Ҳурра жангчиларини қуршаб олди. Сурра ибн Ҳурра бу ҳақда Марвда турган Жунайдга маълум қилиб, ундан ёрдам сўради. Жунайд 731 йилнинг ёзида Амударёдан кечиб ўтиб, Самарқандда қамалда қолган араб гарнизонига ёрдамга йўл олди. Хоқон ўз иттифоқчилари билан бирга душманга қарши жанг қилмай, уни мамлакат ичкарасига киритиш учун йўл бериб, орқага чекинди.

Жунайд қўшинлари тоғдаги давонга қадар боришга муваффақ бўлди. Бироқ бу ерда унинг қўшинларининг олдинги қисми иттифоқчилар ҳужумига бардош беролмай, қоча бошлади.

Табарийнинг маълумотига кўра, Жунайд армиясининг асосий ва энг кучли қисмини оғир ва енгил суворийлар ташкил этган. Жунайд армиясида 27 минг жангчи бўлган.

Араблар мағлубиятга учрагач, ҳужум тактикасидан воз кечишди. Жунайд ўз қўшинларининг аҳволи ночор эканлигини тушунди. Ҳарбий маслаҳатчилар унга шошилиқ равишда чора кўришни ва ёки Хуросон қўшинларининг ҳалокатига розилиқ билдиришни, ёхуд хоқон ва сўғдлар шоҳи Ғурак қўшинларининг диққатини ва кучларини чалғитиш учун Сурра ибн Ҳуррага қалъадан чиқиб, душман устига ҳужум қилишни буюриб, Самарқанд гарнизонини қурбон беришни таклиф этди. Жунайд иккинчи маслаҳатга қўшилиб, Сурра ибн Ҳуррага Самарқанддан чиқиб, унинг қўшинларига ёрдамга келишни буюрди.

Сурра ибн Ҳурра 12 минг кишилиқ қўшинга бош бўлиб Самарқанддан йўлга чиқди. Қўшин турган жойга уч фарсах қолганида хоқон ўз жангчиларига Жунайд қўшинлари билан

урушни тўхтатиб, Сурра қўшинларига қарши кураш бошлаш-ни буюрди. Сурра жангчилари билан ўтадиган қамишзорлар Гуракнинг буйруғи билан ёндириб юборилди. Сурра ибн Хурра тутунни кўргач, хоқон Самарқанд гарнизонининг яқинлашиб келишидан қўрқиб, мол-мулклар мусулмонлар қўлига тушиб қолмаслиги учун уларни ёндирмоқда деб ўйлади. Унинг ўтадиган йўлида ёниб турган қамишзорларни кўргач эса у душман фикрини англади. Сурра жангчилари орасида саросималик бошланди; баъзи бошлиқлар Самарқандга қайтиб кетиш учун ҳали ҳам кеч эмас деб ўйладилар. Шу пайтда Гурак бошчилигидаги сўғдлар ва Ашкент раҳбарлигидаги Насаф жангчилари Сурра армиясига ҳужум қилди. Жанг Сурранинг тўла мағлубияти билан якунланди; кўпгина жангчилар ҳалок бўлди, қолганлари эса қочиб кетди, 2500 жангчи Самарқандга қайтиб боришга уриниб кўрди. Турклар ва сўғдлар уларни Самарқандгача қувиб бориб, шаҳар қалъасини қуршаб олдилар. Катта қийинчиликларни ўз бошидан кечираётган мусулмонлар, қалъани энди сўғдларга ва хоқонга топширмоқчи бўлиб турганларида, Жунайд томонидан қамалда қолганларга ёрдам учун юборилган Хорис ибн Сурайж бошчилигидаги отряд хоқонни чекинишга мажбур этди. Бунда хоқон 10 мингга яқин жангчи йўқотди.

Жунайд армияси Хуросон ва Тоҳаристондан келган 13 минг жангчи билан тўлдирилиб, у бу армия билан Самарқандга томон ҳаракат қилди ва шаҳар яқинида хоқон билан Жунайд ўртасида жанг бўлди. Араблар томонидан асир тушган сўғдлар ва турклар жанг қилишди, Жунайд бунинг эвазига уларни озод этишга ваъда берди. Туркларнинг орқага чекиниб, арабларни мамлакат ичкарисига олиб кириб, уларни тор-мор этиш учун қилган уринишлари муваффақиятсиз чиқди. Шунда хоқон Жунайдни Бухоро гарнизонига ёрдам бериш учун Самарқанддан чиқиб, бу ерга келишга мажбур этиш мақсадида Бухорони қуршаб олишни буюрди.

Шунга қарамай, Жунайд Самарқандни эгаллади, аммо шаҳарда ҳокимиятни сақлаб туриш қийин эди, чунки бундан аввал Сурра ибн Хурра бошлиқ бутун Самарқанд гарнизони ҳалок бўлганди.

Жунайд Самарқандда 12 минг кишилик гарнизон ўрнига Усмон ибн Абдулла бошчилигида 800 аскар (400 отлиқ ва 400 пиёда) қолдириб, ўзи эса Самарқанддан чиқди ва Карман шаҳрига келиб тухтади. Ушанда хоқон Бухоро қамалидаги аскарларини олиб, Жунайдга қарши чиқди ва қишни ўтказиш учун Марвга қайтаётган Жунайд қўшинининг олдинги қисмига ҳужум қилди. Шундай қилиб, Жунайдининг Мовароуннаҳрдаги номусулмон кўзғолончи (мушриқ)ларга қарши муқаддас «ғазавот» юриши ғалаба билан тугади. Бироқ бу ғалаба жуда катта талафотлар эвазига қўлга киритилди.



Энди араблар Самарқандда ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб тура олмасди.

Араб лашкарбошиси Хорис ибн Сурайж Жунайд билан жанжаллашиб, Самарқандни эгаллаб олган хоқон Абу Музаҳҳимдан ҳимоя сўради. Хорис ибн Сурайж Мовароуннаҳрда анча машҳур киши эди. У Самарқанд ва Дабусияда Абу Саида сафдошларини бирлаштирди. Абу Саидадан кейин Мовароуннаҳр хорижийларининг бошлиғи Абу Фотима ал-Аздий Хориснинг ёрдамчиси ва ҳарбий маслаҳатчиси бўлди. 728 йилда Дабусияда бўлган қўзғолон қатнашчиси Башир ибн Журмуз Дабий Хорис ибн Сурайж қўшинларининг авангард қисмига қўмондонлик қиларди. Хорис Умавийларни танқид қилиб, Қуръон оятларига рия қилмаётганликлари ва пайғамбар суннати бўйича иш тутмаётганликлари учун уларни қоралади. У зиммийлар билан тузилган шартномага рия қилишни, мусулмонлардан (шу жумладан, мусулмонликни қабул қилганлардан) хирож олмасликни ваъда қилди.

Хорис Мовароуннаҳрда жойлашган мусулмон гарнизонларини ўз тарафига оғдириб, Жунайд ҳаётлик вақтидаёқ Амударёдан кечиб ўтиб, Юқори Тоҳаристонда ўрнашиб олган эди. Жипслашган қўшинга эга бўлмаган Жунайд Хориснинг ёлибона юришини бартараф эта олмасди.

Самарқанд шоҳи Ғурак, деҳқонлар ва хоқон Абу Музаҳҳим Хорис ибн Сурайжни Хуросонга юбордилар. Бу ерда у 734—735 йилларда хорижийлар қўзғолонини уюштириб, унга бошчилик қилди. Бироқ Хуросонда у тор-мор қилинди. Хуросоннинг қайтадан тайинланган ноиби Асад ибн Абдулла (735—738) томонидан қўзғолон бостирилди. Хорис ибн Сурайж Самарқандга қайтиб келди.

736 йилнинг баҳорида Хуросон ноиби Асад қўшин тўплаб, Самарқандга жўнади, лекин шаҳарни қўлга кирита олмай, аҳолини сувсиз қолдириш мақсадида Варагсар тўғонини ёпиб қўйишга қарор қилди. Бироқ у Самарқандни эгаллай олмади ва Марвга қайтди.

737 йилнинг қишида хоқон Самарқанд шоҳи ва Мовароуннаҳр деҳқонлари билан бирга Асадни осонлик билан тор-мор келтириш умидида Хуросонга ҳужум қилди, чунки Асаднинг жангчилари маҳаллий аҳолининг уйларига жойлаштирилган эди. Бу юришда Самарқанд шоҳи Ғурак ҳалок этилган бўлса керак, турк хоқони эса тор-мор келтирилган.

Наср Хуросон ноиби бўлиб тайинланади. У 739 йилда Самарқандда турган хорижий Хорис ибн Сурайжга қарши Балхдан Мовароуннаҳрда юриш қилди. Хорижийлар: «араблардангина эмас, балки мусулмонликни қабул қилганлардан ҳам хирож олмаслик» ҳақидаги иқтисодий талабни олға сурдилар. Насрнинг юриши муваффақиятсизликка учради.

Наср юришдан қайтиб келганидан сўнг солиқ системасини ўзгартиришга қарор қилди. У юқори табақа вакилларини алдаб, ўз томонига оғдириб олган тақдирдагина самарқандликларни енгиш мумкин деб ўйлади. Бунинг учун Исломни қабул этган маҳаллий мусулмонларни араблар билан тенглаштирди.

У мусулмонликни қабул қилган кишиларни жузьядан озод этиб, уларга барча мусулмонлар қатори ҳуқуқ берди. Бироқ ер эгаси бўлган барча кишилар учун хирож тўлаш мажбурий эди, яъни Наср хирож олишни қонунлаштирди.

Наср ибн Сайёр 739 йилда ислоҳот ўтказганидан кейин Мовароуннаҳрдаги мусулмонликни қабул қилган кишиларнинг қўллаб-қувватлашига умид боғлаб, Самарқандга қарши яна юриш бошлади. Хорис ибн Сурайж ўз хорижийлари билан бирга шу ерда жойлашган эди.

Наср худди Асад ибн Абдулла сингари Самарқанд аҳолисини сувдан маҳрум қилиб, уни таслим қилишга уриниб кўрди. У ислоҳотга мувофиқ, вазоифи хирож ва жузьяни енгилаштиришга ваъда берди ва бу билан зодагон деҳқонларнинг бир қисмини ўз томонига оғдириб, уларни Хорисга Самарқандни бўшатиб чиқиб кетишни таклиф қилишга мажбур этди. Хорижийлар Хорис ибн Сурайж бошчилигида Шошга кетишга мажбур бўлди. 729 йилдан 739 йилгача Умавий ҳукмдорларни ва араб қўшинларини ўз шаҳрига қўймаган самарқандликлар яна Хуросон ноибининг ҳокимиятини тан олди. Наср Мансур ибн Умар Абдулҳаркани Самарқанд ҳокими қилиб тайинлади. У Хорис ҳайдаб юборилганидан кейин Самарқанднинг биринчи ҳокими бўлди.

Наср хоқон ҳукмронлик қилган даврда Сўғддан кетиб қолган сўғдларнинг Самарқандга қайтиб келишга интилаётганликларини билиб, уларга сулҳ шартномаси тузишни таклиф этди. Самарқандликлар Насрнинг таклифини қабул қилдилар ва ўзларининг: ислом динидан воз кечиб, аввалги динга қайтган кишиларни жазоламаслик; адолатсиз суратда улар зиммасига юкланган қарзларни ундирмаслик; асир тушган мусулмон қулларга эга бўлиш ва қонуний ҳуқуққа эга бўлган гувоҳларга асосланган суднинг қарори билангина бу қулларни қайтариш ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги талаблари ҳисобга олинган тақдирдагина шартномани имзолашларини айтди.

Кўпгина араб феодалларининг бу шартнинг улар учун номақбул деб ҳисоблашларига қарамай, Наср Яраш сулҳини тузди, чунки у самарқандликларнинг турклар билан иттифоқ бўлиб Мовароуннаҳрда тўсатдан ҳужум қилишидан қўрқар эди.

Сўғд шоҳи Тархун тахтдан ағдарилгач, халифалик асоратига қарши 710 йилда бошланган кураш турли-туман баҳо-

налар остида қисқа муддатли танаффуслар билан VIII асрнинг 40-йилларигача давом этди. Ана шу курашлар ноиб сифатида Насрни ҳам, шунингдек, халифа Хишамни ҳам сўғдийларнинг талаб-истакларини ҳисобга олган ҳолда мусулмонлар учун ноқулай бўлган шартнома тузишга мажбур қилди. Шартномага мувофиқ 741 йили самарқандликлар ватанларига қайтиб келишди. Наср Мовароуннаҳрдаги маҳаллий аслзода ер эгалари билан иттифоқни кўзда тутган янги сиёсий йўл юритишга мажбур бўлди.

Маҳаллий оқсуякларнинг нуфузли араб оилалари билан яқинлашуви уларга ҳукмрон араб синфлари ўртасида ўзаро низолар ва душманликдан фойдаланиш имкониятини берди. Наср ибн Сайёр тўрт йил мобайнида фақат ўз қабиласи бўлган мудар вакилларини турли лавозимларга тайинлади. Бу эса маҳаллий Хуросон аслзодалари ва азд қабиласи йўлбошчиси Жудай ал-Қармонийнинг ғазабини туғдирди. У Насрга қарши уруш бошлади ва бу кураш бир неча йил давом этди. Жангларнинг бирида ал-Қармоний асирга тушди ва Наср томонидан қатл қилинди. Ана шу воқеа Хуросонда қабилаларо курашнинг янада кенг авж олишига олиб келди. Бундай сиёсий аҳвол маҳаллий оқсуяклар томонидан қўллаб-қувватланаётган Алилар ва Аббосийларнинг тахт учун олиб бораётган курашини енгиллаштирди.

Ҳижрий I асрнинг охирида Алиларнинг икки мазҳаби Кайсаний ва Аббосийлар бир-бири билан қўшилди. Алининг эвараси Абу Ҳошим Абдулла ўз ўлиmidан олдин Аббоснинг невараси Муҳаммад ибн Алига гўё унинг мазҳаби (кайсанийлар) аъзоларида сақланаётган сариқ рангдаги ўралган қоғозни олишни васият қилган эмиш. Хатда Хуросондаги қора байроқ, яъни Аббосийлар шиаси хусусида маълумот берилиб, унда гўё Умавийларга қарши курашга чақирилганмиш. Абу Ҳошим Абдулла санатул химор йилидан, яъни ҳижрий юз йилдан кейин бу курашни бошлашни васият қилиб, Яқубийнинг сўзича, Қуръоннинг 2-сурасидаги 261 (269) оятга ишорат қилади. Унда вайрон бўлган қишлоқни кўрган одам уни энди обод бўлмайди деб кўнглидан ўтказгани ва кўзи уйқуга кетгани, уйғонганда юз йил ўтгани, эшагининг (эшак арабча химор) суягини кўргани, уни олло ўз қудратини кўрсатиб тирилтиргани ҳақида сўз боради. Аббосийлар гуруҳининг асосий раҳбарлари Қуръондаги бу оятни эркин талқин этиб, Муҳаммад пайғамбар ҳам юқоридаги киши каби юз йилча ухлаган бўлса керак (у 11 ҳижрий йили вафот этган) ва ҳижрий 111 йилда уйғонади деб эътиқод қилган ҳамда халифаликда ҳукмронликни ўз қўлига олади деб ишонган. Қуръонни ана шундай эркин талқин этиш туфайли Ислом динида ҳурамия мазҳаби келиб чиқди.

Муҳаммад ибн Али 729 йил (ҳижрий 111йил)да Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларига ўз даъват этувчиларини жўнатди. Абу Ханифа ад-Диноварийнинг маълумотига кўра, Жунайд (727—729 й.) ҳукмронлиги даврида Самарқанд, Бухоро, Кеш (ҳозирги Қарши), Насаф (Шаҳрисабз) шаҳарларига унинг томонидан махфий кишилар юборилган



Жанг тасвири солинган товоқ.

бўлиб, улар халқни Умавийларга қарши курашга ва Ҳошимийлар хонадонининг мурувватли вакилига қасамёд қилишга чақиришган эди. Табарийнинг қайд қилишича, 746 йили Абу Муслим имом Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Али номидан Марвга шу чақириқ билан келиб, Умавийларни сохта сулола сифатида фош этди. Кишилар Абу Муслимнинг Ҳошимийлар авлоди вакили эканлигини билиб, унинг томонига ўтади. Мужаший ибн Хурайс Мовароуннаҳрда қора байроқни жўнатиб, белгиланган кунда кураш бошлашга буйруқ берди.

Абу Муслим Умавийлар сулоласига қарши Марвда қўзғолон тайёрлади. Тез орада Умавий халифалигининг барча қисмида ҳокимият Аббосийлар қўлига ўтди ва халифалик тахтига ас-Саффоҳ (749—754 й.) ўтирди.

751 йил ёзида Зиёд Бухородаги қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди. Аббосийлар ҳаракати йилларида мовароуннаҳрлик шоҳлар қўшни ҳокимларнинг мададига умид боғлаб, араблар ҳукмронлигидан халос бўлишга яна бир бор уриниб кўрдилар. Самарқандликлар ва Кеш ҳукмдорлари ҳам мустақилликка интилдилар. Абу Муслим 752 йилда Самарқандга жўнай туриб, Абу Довуд Ҳамид ибн Иброҳимни Кешга юборди ва унинг ўрнига ўлдирилган шоҳнинг укасини тайинлади. Абу Муслим Абу Довудни ҳоким қилиб тайинлади ва унга Самарқанд ҳамда унинг теварак-атрофидаги деворларнинг бузилган жойларини тиклашни буюрди. Араблар 751 йилда Талас водийсида бўлган жангдан кейин қўшни туркларга қарши чегарани қайтадан мустаҳкамлаш зарурлигини тушуниб олдилар. Чунки улар арабларга қарши курашда самарқандликларни бир неча бор қўллаб-қувватлаган эдилар.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларида Аббосийлар билан Умавийлар ўртасидаги ўзаро урушлар вақтида Мовароуннаҳрнинг маҳаллий шоҳлари ва деҳқонлар ўз қўшнилариининг ёрдами билан араб халифалиги ҳукмронлигидан озод бўлишга ҳаракат қилди. Бунинг устига улар Самарқанднинг ўзида араб феодаллари ўртасидаги низоларни қўллаб-қувватлади.

Абу Муслим томонидан Мовароуннаҳрга ноиб қилиб тайинланган Зиёд Ибн Солиҳ 753 йилда халифа ас-Саффоҳнинг махфий буйруғи билан унга қарши чиқди. Шу йилнинг ўзида Абу Муслим Зиёд қўзғолонини бостириш учун яна Самарқандга қараб йўл олди. Афсуски, Самарқандда ёки Мовароуннаҳрнинг бошқа жойларида Абу Муслим қўшинлари билан Зиёд қўшинлари ўртасида жанг бўлганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Афтидан, Зиёд исёнининг асосий сабаби маълум бўлиб қолганидан сўнг Сибо ибн Нўмон Мовароуннаҳрагина эмас, балки Абу Муслим идора қилаётган Хуросонга ҳам ноиб бўлиш ҳақида халифа номидан Зиёдга ёрлик берганлигини эътироф этган; маҳаллий зодагонлар эса Зиёдни қўллаб-қувватламаган.

Самарқандликлар халифа ас-Саффоҳнинг истагига зид тарзда Зиёдга қарши чиқиб, Абу Муслимни қўллаб-қувватлади. Уша вақтда Зиёд Самарқанд яқинида Баркаслик бир зодагон деҳқоннинг уйида яшириниб ётган. Табарийнинг ёзишича, Дихкан Зиёдни ўлдириб, унинг бошини Абу Муслим хузурига олиб келган. Абу Муслимни халқ фақат қаҳрамонгина эмас, балки авлиё деб ҳам тушунар эди. Абу Мус-

лим шахсини илоҳийлаштириш тенденцияси у ҳаётлик пайтидаёқ бошланган эди.

Зиёд кўзғолонини бостириш вақтида мовароуннаҳрлик зодагон деҳқонлар халифа ас-Саффоҳдан қўрқмай, Абу Муслим томонига ўтди ва халифалик учун даҳшатли хавфга айланди.

Абу Муслим узоқ вақт Самарқандда қолиб кетди. У қалъани мустаҳкамлаш ҳамда шаҳарнинг ички ва ташқи деворларини тиклашни буюрди. Унинг буйруғи билан қалъа девори устида 7,5 фарсах узунликда кунгуралар қурилди, девор эса 360 участкага бўлинди. Ҳар 200 газ масофада деворга соқчилик буржлари қурилди.

Абу Муслим самарқандликлардан ажралгиси келмас эди, бу ерда унинг чинакам дўстлари ва ҳимоячилари бор эди. Бироқ, Насафийнинг айтишича, халифа ва Абу Жаъфар Абу Муслимни шаҳарни тарк этиб кетишга мажбур қилиб, уни Маккага ҳажга боришга кўндирди. Абу Муслим 755 йилда ҳаждан қайтаётганида Абдулла ғалаёнини бостириш тўғрисида халифаликдан буйруқ олди. Абу Муслим ана шу вазифани бажаргач, Бағдодга халифа саройига қайтиб келди ва бу ерда ўлдирилди.

Абу Хафс Насафийнинг айтишича, Абу Муслимнинг Бодиелдои Самарқандий (самарқандлик тез юрар, моҳир разведкачи) лақаби билан донг чиқарган хизматкори бўлиб, у душманларга қарши курашда унга ёрдам берган. Абу Муслим ўлдирилгандан кейин Бодиелдо унинг жасадини Бағдоддан Самарқандга олиб келишга муваффақ бўлган. Бу ерда Абу Муслим жасади Хўжа Таъмим Ансорий мозори яқинига иззат-икром билан қўмилган.

Афтидан, Насафий ривоятларга асосланган бўлса керак, гарчи Самарқандда ва унинг теварак-атрофидаги Абу Муслимга ҳурмат билан қараб, унинг шахсини илоҳийлаштиришга интилиш катта бўлган бўлса ҳам қадимий манбаларда бундай маълумотлар учрамайди. Шу муносабат билан Самарқандда ва унинг теварак-атрофида ҳар хил диний мазҳаблар пайдо бўлди.

Забт этилган мамлакатнинг маҳаллий халқлари орасидан чиққан Абу Муслим издошлари, бир томондан, Абу Муслим қатл этилганини тан олиб, халқни унинг қони учун ўч олишга даъват этсалар, иккинчи томондан, унинг шахсини илоҳийлаштириб, уни пайғамбар деб ҳисоблаб, кўкларга кўтардилар; унинг руҳини абадий барҳаёт деб, яна қайтиб келишини кутдилар. Масалан, Сумбод деган киши ўзини Абу Муслимнинг вакили деб эълон қилиб, Абу Муслим тирик, Абу Жаъфар Абу Муслимни ўлдирмоқчи бўлганида, у худо таолонинг номини тилга олиб, оқ кабутарга айланиб учиб кетди, деб одамларни ишонтиришга уринди. Бундай диний қарашлар

Самарқанддаги «Шоҳизинда» («Тирик шоҳ») мазорининг номланишини фаҳмлаб олиш учун ёрдам беради.

Абу Муслимни илоҳийлаштириб, бидъатчи мазҳабларнинг раҳнамоси қилиб кўрсатган Муқанна қўзғолони бостирилгач, сунний руҳонийларнинг таъсири кучая бориши билан Абу Муслимнинг номи ҳам унутилиб кетган бўлиши мумкин, лекин мазорнинг номи сақланиб қолган.

Кенг халқ оммаси ўз орзу-умидларини оғир солиқлар, диний ва миллий зулм ҳамда камситишлардан халос этишни ваъда қилган Абу Муслимнинг муваффақиятлари билан боғлар эди. Шунинг учун ҳам Абу Муслим ўлдирилганидан кейин Аббосийларга қарши қўзғолон бошланди. 755 йилда Хуросоннинг Рай шаҳрида Сумбод қўзғолон кўтарди ва Хуросон ноибига қарши 70 кун давомида шиддатли кураш олиб борди.

Афтидан, араб халифаси Абу Жаъфарнинг махфий ниятлари фош этилган худди ана шу Мовароуннаҳрда Абу Муслим ўз душмани—Аббосийлар халифаси Абу Жаъфарга қарши мадад топди ва Самарқандда ўзини хавф-хатардан холи ҳис қилди.

Шундай қилиб, VIII асрнинг 50-йилларида Самарқандда халифалик ҳукмронлигидан қутулишга интилиш жуда катта эди. Абу Муслим Самарқанддан кетиб қолганидан кейин бу шаҳар тўғрисида, айниқса, Абу Довуд ҳукмронлик қилган давр (755—757) ҳақида араб тилидаги манбаларда маълумотлар жуда кам. Гардизийнинг ёзишича, Абу Довуд Самарқандда «оқ кийимлилар» билан бўлган урушда ўлдирилган.

757 йилда Марвда бошланган қўзғолонга Бароз бошчилик қилди. Гардизийнинг маълумотларига кўра, у Аббосийларнинг қора байроғига қарши оқ байроқ кўтарди. Маҳаллий зодагонларнинг таъсири остида бўлган хуросонлик ноиб Абдулжаббор Барозга келиб қўшилди. Бу зодагонлар бошида Абдулжабборнинг вазири, ал-Муқанна деб номланган Ҳошим ибн Ҳаким (Ибн Халиқанга кўра, Ҳошим ибн Ата) турар эди. Халифа қўзғолонни бостириш учун ўз ўғли—тожу тахт валиаҳди Маҳдийни юборди. Абдулжаббор ва унинг тарафдорлари 759 йилда қўлга туширилиб, Бағдодга олиб кетилди ва у ерда қатл этилди. Аммо унинг вазири Муқанна эса Бағдод турмасида 769 йилгача сақланди.

Афтидан, Муқанна зиндийлар ёрдамида зиндондан қочган ва Бағдоддан эсон-омон Марвга етиб бориб, араб Абдулла ибн Амирнинг уйида яшаган Абдулла ибн Амир Қашқадарё водийсида қўзғолон тайёрлашда фаол қатнашган. Хуросон ноибни Ҳумайд ибн Кахтоба (769—776) Муқаннанинг дарёдан кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга бориш ниятини билиб, кечувга қўшинларни юборган ва Муқаннани қўлга туширишни буюрган. Бироқ Муқанна сездирмай Қашқадарё водийсига келиб,

у ерда катта шаҳарлар—Кеш, Нақшоб, Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойлардаги мустаҳкам кўҳандизларида турган араб гарнизонларига қарши кураш бошлаган. Муқанна зиндийларнинг таълимоти ва маҳаллий диндорлар таъсири остида қўйидагиларни тарғиб этди: «Мен бутун дунёнинг эгасиман... Мен ўзимни хоҳлаган ном билан атай оламан. Мен халқ орасига Одамато, кейинчалик Иброҳим, сўнгра эса Мусо, шундан кейин Исо ва яна Муҳаммад пайғамбар сифатида... кейинчалик эса Абу Муслим бўлиб халққа кўринганман. Мана энди мени кўриб турганингиздек қиёфада келдим».

Меҳнаткаш халқ Муқанна томонида бўлишига қарамай, катта шаҳарларда ҳокимиятни мустаҳкам кўҳандизларда жойлашиб олган араб гарнизонлари сақлаб турарди. Муқанна ўз издошларига турк хоқони ёрдамида Нақшоб, Самарқанд ва Бухородаги араб гарнизонларига қарши кураш бошлашни ва Кеш вилоятидан Сийам (Санам) қалъасини мустаҳкамлашни буюрди.

Сўғдда қўзғолон кўтарган сафиджомгонлар (оқ кийимчилар) Самарқанд гарнизонига қарши курашда Муқаннага ёрдам беришди, мусулмонларнинг уйларини талашди. Асосий ҳаракатлар Самарқанд яқинида бўлди, чунки бу ерда араблар ҳарбий кучининг асосий қисми жойлашган эди. Қўзғолончилар Кешни ва Наршах қалъасини эгаллайдилар. Хуросон ноиб Абу Нуъмон Ҳумайд ибн Кахтоба қўзғолонни бостиришга ҳаракат қилди.

Ҳумайд ибн Кахтобадан кейин Хуросонни унинг ўғли Абдулла ибн Ҳумайд ибн Кахтоба идора қилди. У ҳукмронлик қилган даврда Муқанна қўзғолони янада кенг кулоч ёзди.

Халифа Маҳди 776 йили Абу Айюб Абдулмалик ибн Язидни Хуросонга ноиб қилиб тайинлади ва унга бутун Сўғдда қўзғолонни тугатиш учун шошилич чоралар кўришни буюрди.

Абдумаликнинг буйруғи билан Жаброил Ҳусайн ибн Маъазга ёрдамга етиб келди. Улар умумий куч билан Наршахни қуршаб олишди. Наршах қалъаси узоқ вақт қаршилик кўрсатгандан кейин таслим бўлди. Сафиджомгонларнинг кесилган бошлари қўзғолончиларни қўрқитиш учун Сўғдга келтирилди. Сафиджомгонларга қарши олиб борилган уруш Самарқанднинг ўзида ва теварак-атрофдаги жойларда ҳам давом этди.

Жаброил Ҳусайн ибн Маъаз билан бирга бухоролик лашкарларга бош бўлиб Самарқандга келишди.

Балъамийнинг ёзишича, шаҳар аҳолиси икки гуруҳга бўлинди: бир хил кишилар Самарқанд гарнизони жангчилари билан бирга Жаброилнинг шаҳарга киришига ёрдам бериш-



ди, бошқалари эса туркларнинг ҳарбий бошлиғи Фил билан биргаликда уларга қаршилик кўрсатишди. Фил 300 кишини йўқотиб, чекинишга мажбур бўлди. Жаброил ҳам катта талафот кўрди. У Самарқанд гарнизони билан қўшила олди, аммо энди у урушни муваффақиятли давом эттиришга умид боғламас эди.

Муқанна Гарича (Ҳорижа) бошчилигида Жаброилга қарши Самарқанд устига ўн минг кишилик қўшин юборди. Жаброил ёрдам сўраб Хуросон ноиби Абдулмалик ҳузурига чопар юборди. Абдулмалик Уқаба ибн Салим бошчилигида 10 минг мусулмонни ажратиб берди. Бироқ қўзғолон кўтарган Муқанна тарафдорлари Кеш яқинида уларга ҳужум қилиб, катта талафот етказишди. Сўнгра қўзғолончилар ҳийла ишлатишди. Улар маҳаллий зодагон деҳқонлардан бирининг номига хат йўллаб, унда Ҳорижа Жаброилни тор-мор қилди ва Самарқандни талади деб ёздилар. Қўзғолончилар шундай қилдиларки, бу қалбаки маълумот Уқабанинг қўлига тушди. Хатдаги хабарга ишонган ва Самарқандгача етиб боришга қўзи етмаган Уқаба Жаброилга қўшилиш учун Балхга қайтиб келади. У ердан у Хуросон ноиби Абдулмаликка хат ёзиб, қўзғолончилар ҳалқасини ёриб ўта олмаганлигини ва Жаброил билан қўшила олмаганлигини маълум қилди. Қўзғолончилар томонидан тор-мор қилинган Уқаба ибн Салим жойлашган Балхда Абдулмаликнинг буйруғи билан 14 минг кишилик қўшин тўпланди. Уқаба ибн Салим бошчилигидаги бу қўшин Ҳорижага қарши урушда Жаброил ибн Яҳёга ёрдам бериш учун яна Самарқандга қараб йўл олди. Бундан хабардор бўлган Муқанна ўз тарафдорларига ёрдам бериш учун ҳарбий бошлиқлар Сарихама (Саржама) ва Кийаки Гузи бошчилигида ҳам кўп қўшин юборди.

Жаброил мусулмонларни ҳимоя қилиш ва ноиб юборган қўшинларни кутиб ўтирмай, курашни бошлаш учун қалъадан чиқишга мажбур бўлди. Қаттиқ жангга кўпгина мусулмонлар ҳалок бўлди, Жаброил эса қолган қўшинлари билан Самарқанднинг мустаҳкам қалъасига яширинди. Сарихама Ҳорижага Самарқандни қамал қилишни давом эттиришни буюрди, ўзи эса Жаброилга ёрдамга келаётган мусулмон қўшинларига қарши чиқиш учун қўшин билан бирга Амударё қирғоқларига қараб йўл олди.

Қўзғолончилар Термизни ишғол қилиб, Хуросондан Мовароуннаҳрга кечиб ўтиладиган жойда мусулмон қўшинларига қарши қақшатғич зарбага тайёрланди. Қонли жанг бўлиб, унда юзларча киши ўлдирилди. Қўзғолончилар галаба қозонди.

Муқанна арабларга кўмаклашган зодагон деҳқонларнинг мол-мулкини талаш тўғрисида қўзғолончиларга буйруқ берди. Жаброил билан Фил ўртасида жанг бораётган вақтда Са-

ғониён ҳокими араблар томонида турганлиги учун бўлса керак, Муқанна буйруғи билан Сарихама Сағониённи босиб олиб, бир ой давомида бир қанча қишлоқнинг зодагон деҳқонларини талади.

Жамҳур бошчилигидаги қўзғолончилар Нахшобни эгалладилар. Бу шаҳарнинг аҳолиси, Баълабийнинг ёзишича, урушсиз Жамҳурга қўшилди. Зодагон деҳқонлар мол-мулкларини тўплаб, шаҳардан қочиб кетишга уриниб кўрди, аммо қўзғолончилар уларнинг йўлини тўсди. Шаҳар деворларидан ташқарида шиддатли жанглар бошланди. Баълабий ана шу жанг ҳақида бундай деб ёзади: Аҳмад Мудий деган бадавлат деҳқон катта қўшин билан Нахшобга ҳужум қилди ва қўзғолончилардан қаттиқ ўч олди. Жамҳур ва қўзғолоннинг бошқа раҳбарлари дорга осилди, бу эса қўзғолончиларнинг истилочи арабларгагина эмас, балки маҳаллий феодалларга нисбатан ҳам қаҳр-ғазабини қўзғатди.

Муқанна Самарқандни араб қўшинларидан озод қилиш учун яна бир бор уриниб ҳийла ишлатди. Унинг талабига асосан, Жамҳурнинг акаси бадавлат деҳқон Жаҳдон (Ҳиждувон) Жаброилга хат ёзиб, уни ўз ҳимоясига олишини илтимос қилди. Жаҳдоннинг Муқанна томонига ўтиб кетганлигини билмаган Жаброил унга ёрдам тариқасида Язид ибн Яҳё ва Наср ибн Лайс бошчилигида отлиқ отрядлар юборди. Турк қўшинлари Муқанна қўшинлари билан бирга пистирмадан туриб уларга ҳужум қилишди. Бу жангда Язид ибн Яҳё ўлдирилди. Унинг қўшинлари Наср ибн Лайс билан бирга қуршовда қолди. Уларни қутқазиш учун Жаброил гарнизон билан бирга Самарқанддан чиқди ва Самарқанд гарнизонининг катта қисмини қурбон қилиб, қалъага қайтиб келди.

Маҳдий 778 йил январда Маъаз ибн Муслимни Хуросонга ноиб қилиб тайинлади ва унга Жаброил ибн Яҳёдан бошқа ҳамма ҳокимларни ишдан бўшатишни буюрди. Маъаз ибн Муслим Муқаннага қарши юриш ташкил этиш учун баҳор фаслига Мовароуннаҳрга қараб йўл олган бўлса керак. Унинг буйруғи билан Бухорода 570 минг деҳқон, болта, паншаха ва табарлар кўтарган 3 минг ҳунарманд тўпланди, тош отадиган, девор тешадиган асбоблар манжаниқлар тайёрланди. У яхши қуролланган қўшин билан Сўғдга қараб жўнади.

Саид ал-Хараший Маъаз ибн Муслимга ёрдам бериш учун Ҳиротдан Сўғд томон йўл олди. Жаброил ибн Яҳё ана шу вақтда 15 минг кишилик армияга бошчилик қилаётган Ҳорижа билан урушаётган эди. Ҳорижага Самарқанд гарнизонига узлуксиз ҳужум қилиш топширилган бўлса керак. Арабларнинг жазо қўшини яқинлашиб келаётганлигини эшитган Муқанна зарбани қайтариш учун ўзининг энг яхши қўшинларини Самарқандга юборди. Баълабийнинг ёзишича, Халқ Хоқон ва унинг иниси Филнинг 40 минг кишилик қўшини,

Кийаки Гузининг 10 минг кишилик қўшини ва Найзанинг 14 минг кишилик қўшини Самарқанд остоналарида тўпланди.

Жанг яккама-якка олишув билан бошланди. Қўзғолончилар томонидан Фил, араблар томонидан эса Маҳдийнинг мусулмон қилган одами Наср ибн Лайс майдонга чиқишди. Фил ўлдирилди. Сўнгра Найза беллашди ва у ҳам ўлдирилди. Арабларнинг диққат-эътибори яккама-якка олишувга қаратилган бир пайтда, қўзғолончиларнинг айрим отрядлари шаҳар деворларини бузиб, шаҳарга бостириб кирдилар. Улар арабларнигина эмас, балки маҳаллий мусулмон зодагон деҳқонларини ҳам таладилар. Турклар ва Муқаннанинг ҳужумини зўрға қайтарган Маъаз 778 йил қиш кириши билан Марвга қайтиб келди.

Халифа Маҳдий 779 йили Хуросон ноиби Маъазга яна қўшин тортиб Мовароуннаҳр устига боришни буюрди, халифанинг ўзи эса Нишопурга етиб келди. Қўзғолон вақтида моддий зарар кўрган кўпгина йирик маҳаллий ер эгалари ёш халифага ва Марвга етиб келган Маъаз ибн Муслимга ёрдам беришга шўшилди. Халифа Ҳирот ҳокими Саид ал-Харашийга Муқаннага қарши муқаддас юришда иштирок этишни буюрди. Маъаз катта қўшин тўплаб, Бухорога қараб йўл олди. Бухоро зодагон деҳқонлари шаҳар аҳолисидан қурол-яроғ ишлатишга яроқли кишиларни танлаб, унга ёрдам берди. Агар Бухоро районида Муқаннага қарши курашган қўшинларнинг асосий қисмини араблар ташкил қилган бўлса, Сўғда эса манзара тамомила бошқача эди. «Оқ кийимлилар» мудофаага яхши тайёргарлик кўришди. Самарқанд яқинида турк ҳарбий бошлиғи Кийаки Гузи билан Маъаз қўшинлари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди. Кийаки Гузи 300 га яқин кишидан ажралиб чиқишга мажбур бўлди. Аммо тез орада қайтиб келиб, жавоб зарба берди. Кейинчалик Маъаз билан Саид ал-Харашийнинг бирлашган қўшинлари ҳам қўзғолончилардан енгилди. Қиш кириши билан Саид ал-Хараший қамални ташламади, Маъаз эса қишлоғига кетди.

Халифа 780 йил бошларида Мусайёб ибн Зуҳайрни Хуросон ноиби қилиб тайинлади. У баҳор фаслида Мовароуннаҳрда янги юришга отланди. Бу вақтда Мовароуннаҳрда «оқ кийимлилар» ҳаракати кучайган эди. Яхши қуролланган отликлар отрядига эга бўлган турк саркардаси Кулар Тегин уларга, айниқса, астойдил ёрдам берди. Мусайёб ибн Зуҳайр Бухорода у билан бир неча бор жанг қилди. Мусайёб урушаётган вақтда Саид Сиём қалъасини қамал қилишни давом эттирди. Жаброил ибн Яҳё Самарқандда ҳоким бўлиб қолди. Мусайёб ибн Зуҳайр Бухородан Кешга келди. Қашқадарё водийсида қўзғолончиларга қарши кураш бошланди. Араблар ва маҳаллий феодаллар Муқанна жойлашиб олган Сийам (Санам) тоғидаги қалъани узоқ вақт қамал қилдилар.

Саид ал-Хараший қиш фаслида ҳам қамални давом эттиришни таклиф қилди. Бунинг учун у халифанинг розилигини олди. Узоқ давом этган қамал Муқанна қўшинларига ёмон таъсир этди. Айни вақтда Хуросондан етиб келган Довуд қўшинлари ҳисобига арабларнинг кучи кўпайди. Қалъанинг мудофаа хандақларини қўриқлаб турган Муқаннанинг укаси Қабзам «оқ кийимлилар»ни қириб ташлаб, уч минг кишилик қўшини билан ал-Харашийга таслим бўлди ва ислом динини қабул қилди. Саид Муқанна олдига элчилар юбориб, унга таслим бўлишни таклиф қилди. Аммо Муқанна таслим бўлишдан бош тортди ва қалъага қўмондонлик қилишни Сарихамага топширди. Бироқ Сарихама 3300 жангчи билан араблар томонига ўтиб кетди. Ташқи қалъа араблар қўлига ўтди, қўзғолончиларнинг аҳволи умидсиз бўлиб қолди.

Аҳволнинг жуда оғирлигига ишонч ҳосил қилган Муқанна 782—783 йилларда ўз яқинларини, эркак ва аёлларни заҳар ичишга мажбур қилди, ўзини эса ёниб турган ўчоққа отди. Берунийнинг сўзларига қараганда, бу воқеа 785 йилда бўлган. Муқанна ўз танасининг сирли ғойиб бўлиши издошларини унинг яна қайтиб келишига ишонтиради деб ўзини куйдиришга жазм қилди. Аммо у ўчоқнинг ичидан топиб олинди, унинг кесилган боши эса халифа Маҳдийнинг олдига олиб келинди.

Бар Еврей гўё Муқаннанинг башарти мен ҳалок бўлсам кўк отга минган кекса кишига айланиб, ўз издошларим ёнига қайтиб бораман ва ерни эгаллайман, деб айтган сўзларини келтиради.

Муқанна қароргоҳининг олиниши ва унинг ўлими билан бу ҳаракат узил-кесил бостирилмади. Муқанна издошларидан баъзи бирлари йўлбошчининг қайтиб келишини кутар эди. Улар Кеш (Шаҳрисабз) ва Нахшоб (Қарши) вилоятларининг қишлоқларида узоқ вақт, ҳатто XII асргача шу ҳақда ташвиқот олиб борди.

Муқанна қўзғолони гарчи мағлубият билан тугаган бўлса-да, у Аббосийларга халқнинг қудратини, унинг истилочиларга нисбатан нафратини кўрсатди.

«Оқ кийимлилар» ва Муқанна ҳаракати бостирилгандан кейин Мовароуннаҳрдаги меҳнаткашлар оммасининг ва бошқа табақаларнинг халифаликка бўлган нафрати янада кучайди, улар яна бош кўтаришга тайёр турди. Айрим гуруҳлар ислом таълимотига ва халифаликка қарши курашни узлуксиз давом эттирди.

Халифа Хорун ар-Рашид хуросонлик зодагонларнинг кучайиб кетган таъсирига қарши кураш олиб бориб, халифаликнинг маркази ва шарқий вилоятларида ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турган Бармақийлар оиласини қириб ташлаганидан кейин зиддиятлар айниқса кучайиб кетди. У хуросон-

лик деҳқонларни ҳокимиятдан четлаштирди ва Хуросон ноиб- қилиб араб зодагонларининг вакилини тайинлади. Араб ноиб- лари Мусайёб ибн Зуҳайр (780—783) ва Гитриф ибн Ато (792—793) таркибида кумуш оз бўлган дирҳамлар—мусайби ва гитрифи зарб қилди. Бу дирҳамларнинг олтидан бир қис- мигина кумушдан иборат эди. Ана шундай дирҳамнинг олти- таси бир кумуш дирҳамга тўғри келар эди. Ҳукумат ҳирожи- ни ана шундай дирҳамлар билан тўлашни талаб қилганлиги



Ёзуви бўлган кўзача (X аср).

сабабли Бухоро ҳирожи олти баравар кўпайди. Норози бўл- ган маҳаллий зодагонлар қишлоқ жамоаси шароитида яша- ётган Ўрта Осиё меҳнаткаш деҳқонларидан мадад қидира бошлади.

Давлат бу меҳнаткаш деҳқонлардан етиштираётган қиш- лоқ хўжалик маҳсулотларининг бешдан икки қисмидан тор- тиб, то учдан бир қисмигача бўлган улушини олар эди. Ноиб Али ибн Исо Хуросонга келгач, одамларни сиқштира бош- лади, зўрлик ишлатди, уларнинг мол-мулкани талади. У та- лаб олган бойликларнинг бир қисмини (отлар, қуллар, кийим- кечак, мушк-анбар ва пулларни) совға тариқасида Хорунга жўнатди.

806 йили Самарқандда Рафи ибн Лайс бошчилигида меҳ- наткаш деҳқонлар кўзғолони бошланди. Бу кўзғолон ҳам Муқанна кўзғолони илгари сурган шиорларни кўтариб чиқди

ва ўша талабларни қўйди, чунки қўзғолонни келтириб чиқарган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабаблар бартараф этилмаган эди. Бу ғалаён Зарафшон ва Қашқадарё водийларига ёйилди. Шош аҳолиси ва қўшни қарлуқлар қўзғолончиларга қўшилдилар. Исёнчилар ислом динини, истилочилар динини рад этиб, халқни «султон ва мусулмонларга» қарши курашга даъват этдилар. Шаҳар камбағаллари ҳам деҳқонларга қўшилди.

Деҳқонларнинг бир қисми ҳам қўзғолончиларга келиб қўшилишди. Деҳқонлар ҳокимият учун ва илгариги иқтисодий аҳволни, яъни ўзларининг синфий манфаатларини кўзлаган аҳолини тиклаш учун халқ қўзғолонидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Қўзғолон бошлиғи, араб ҳарбий саркардаси Рафи ибн Лайс Самарқандни босиб олиб, уруш ҳаракатларига шу ердан туриб раҳбарлик қилди. У Умавийлардан бўлган ноиб Наср ибн Сайёр мударибнинг набираси эди. Наср ибн Сайёр қудратли ва урушқоқ киши бўлиб, VIII асрнинг 40-йилларидаёқ бухор худот Тахшаднинг қизига уйланиб, қариндошлик иттифоқини мустаҳкамлаб олганди. Аммо бу даврга келиб унинг авлоди Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ҳаётида Умавийлар халифалиги давридаги сингари катта роль ўйнамасди.

Қўзғолон бошланишдан олдин Рафи ибн Лайс султон қўшинларининг бошлиқ (меҳтар)ларидан бири эди. Ривоятларга қараганда, у шахсий ғараз туфайли Али ибн Исога қарши чиққан. У бир араб хотинни севиб қолиб, унга уйлانган, лекин аёл шариат қонуни бўйича эри билан ажрашмаган экан. Рафи аёлга мусулмон динидан воз кечишни ва Рафи ибн Лайс билан бирга яшаш учун вақтинча даҳрий бўлишни, яъни муртад бўлишни таклиф қилган. Аёл Рафи тавсия этганидек иш тутган. Аёлнинг эри Ашрас деган кимса халифа ар-Рашиднинг қариндошларидан бири бўлиб, унга шикоят қилган ва шариатни бузганлиги ҳамда ор-номусини ҳақорат қилганлиги учун Рафини жазолашни талаб қилган. Самарқанд ҳокими халифанинг буйруғини олгандан кейин маҳаллий анъаналарни бузганлиги учун жазолаш мақсадида Рафи ибн Лайсни қўлга туширган ва эшакка тескари миндириб шаҳар айлантирган. Бу воқеа самарқандликларнинг иззатнафсига теккан ва улар ноибнинг сиёсатидан норози бўлган, халққа бошчилик қилган Рафи ибн Лайсни озод этишган.

VII асрнинг биринчи ярмида Хуросонда катта лавозимни эгаллаб турган араб Наср ибн Сайёрнинг авлоди—Рафи ибн Лайснинг арабларга қарши чиқиши унинг Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари ўртасида кенг шуҳрат қозонишига олиб келди.

Биз қўзғолончиларнинг талабларини билвосита манбалардан биламиз. Маълумотларга қараганда, араблар хирож миқ-

дорини камайтиришга мажбур бўлган. Афтидан Мовароуннахрдаги қўзғолон хирож миқдорининг кўпайиб кетганлиги сабабли рўй бериб, халқ демократик ҳаракати тусини олган.

Қўзғолончилар Шош, Фарғона, Хўжанд, Усрушон, Саганиён, Бухоро, Хутталон, Балх ва Тоҳаристон аҳолисига мурожаат қилиб, улардан «султон ва мусулмонларга қарши» курашда ёрдам сўраган.

Наршахийнинг сўзларига кўра, ислом динини мажбуран қабул қилган ва Муқаннанинг қайтиб келишини кутган Насаф, Кеш, Бухоро қишлоқларининг аҳолиси Муқанна таълимотини ошкора тарғиб қилган ва халқни араб босқинчиларига қарши курашга даъват этган.

Қашқадарё ва Зарафшон водийлари қўзғолон ўчоғига айланди. Қишлоқ кетидан қишлоқ халифа ҳукмдорларига бўйсунунишдан бош тортди ва қўзғолончиларга келиб қўшилди. Афсуски, манбаларда қўзғолон изчиллик билан баён қилинмаган. Қўзғолоннинг бостирилиши муносабати билан Мовароуннахрнинг турли районларида юз берган воқеалар тўғрисида узук-юлуқ маълумотларгина келтирилган, холос.

Бухородаги қўзғолонга Башир бошчилик қилди. У Хуросон ноиби (739—749) Наср ибн Сайёрнинг набираси Рафининг укаси бўлиб, она авлоди жиҳатидан бухор худотлар наслидан бўлган ва маҳаллий зодагонлар орасида тарбия топган эди. Самарқанд вилояти (Рустаки)га қарашли Иштихонда араб саркардаларидан Ахвас ибн Муҳожир билан Ҳжайфа ибн Анбас Рафи ибн Лайснинг таъсири остида қўзғолончилар томонига ўтди.

Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Насаф аҳолиси Исо бошчилигидаги Хуросон қўшинларининг яқинлашиб келаётганини билиб, ёрдам сўраб Рафи ибн Лайсга мурожаат қилишган. Рафи ибн Лайс Исога қарши Шош ҳокими бошлиқ катта отряд юборган. Қўзғолончилар 807 йилнинг сентябрида Исо отрядини қуршаб олиб, тор-мор қилишган, Исонинг ўзини эса ўлдиришган. Исонинг отаси, Хуросон ноиби Али ибн Исо халифа томонидан ўз амалидан олиб ташланган. Халифа Ҳарсама ибн Айёнга Хуросонга ҳукмронлик қилиш ёрлиғини топширган, лекин уни сир тутишни илтимос қилган.

Халифа 807 йилда гўё Али ибн Исога ёрдам бериш учун деб Ҳарсама ибн Айённи уч минг кишилик қўшин билан Хуросонга юборди. Ҳарсама ибн Айён Марвга келгач, Али ибн Исони қамоққа олди ва унинг мол-мулкни мусодара қилди. Айни вақтда Мовароуннахрда самарқандликларнинг қўзғолони янада кенг қулоч ёзди. Ҳарсама Амударёни кечиб ўтди ва ана шу вилоят аҳолисини ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилди аммо бу ҳаракат муваффақиятсиз тугади. Ҳарсаманинг халифага ёзган хатидан маълум бўлишича, қўзғолон самарқандликларга Мовароуннахр, Тоҳаристон ва Балх атро-

фидаги барча қишлоқларнинг аҳолиси келиб қўшилган. Муқанна қўзғолони вақтида бўлганидек, бу сафар ҳам қишлоқ ва вилоятларнинг аҳолиси ўз ҳокимлари бошчилигида қўзғолончиларга келиб қўшилди. Масалан, Шош ҳокими Қашқадарё водийсида араб қўшинларига қарши курашда иштирок этди.

Қўзғолонни ўз кучи билан бостира олмаган Ҳарсама қўзғолон кенгайиб, даҳшатли тус олаётганини халифага маълум қилди. Уруш ҳаракатларига бошчилик қилиш учун халифа ўзи Тус шаҳрига келди, чунки у Рафи ибн Лайснинг қўзғолони бутун Хуросонга ёйилиб кетишидан қўрқар эди. Ўз ўғли Маъмунни Хуросон ноиб қилиб тайинлаб, катта қўшин билан уни Марвга юборди. Рафи кўп қўшин тўплашга қарор қилиб, Шош, Фарғона, Хўжанд, Усрушон, Сағаниёна, Бухоро, Хоразм, Хутталон, Балх ва Тоҳаристон аҳолисини, шунингдек, турклар, қарлуқлар, тўқузогузлар, Тибет ва бошқа вилоятларнинг ҳокимларини халифа ва мусулмонларга қарши кураш олиб боришга даъват этди.

Самарқанд рустакидаги қўзғолон бошлиқлари Ужайфа ибн Анбас билан Ахвас ибн Муҳожир 808 йилнинг охирида Ҳарсамага таслим бўлишди. Ҳарсама Марвдан Амул (Чоржўй) орқали Бухорога қараб йўл олди, йўл-йўлакай қўзғолонни аёвсиз бостирди. Бухорода қўзғолончиларга ғайратли сарқарда Башир ибн Лайс бошчилик қилар эди.

Қўзғолончилар шаҳарни қаттиқ ҳимоя қилишди, лекин Ҳарсама 809 йили Бухорони қўлга олишга муваффақ бўлди. Асир қилинган Башир ибн Лайсни Хорун ар-Рашид ҳузурига юборди. Халифанинг буйруғи билан Башир ибн Лайс ваҳшиёна ўлдирилди. Ҳарсама Самарқандга яқинлашиб келиб, уни қуршаб олди. Ёқубийнинг сўзларига қараганда, Жабғу бошчилигидаги қарлуқлар Рафи ибн Лайсга ёрдамга келишди. Ҳарсама Жабғуни қўзғолончиларга қарши курашиш учун ўзига ёрдамга келган деб ўйлар эди, ammo унинг умиди пучга чиқди, қарлуқлар унга қўшилиш уёқда турсин, ҳатто уни қуршаб олиб, унга қарши жанг қила бошладилар.

Ҳарсаманинг аҳволидан хабардор бўлган Маъмун қўзғолоннинг ягона ўчоғи ҳисобланган Самарқандга Тоҳир ибн Ҳусайн бошчилигида қўшин юборди. Тоҳирнинг келиши шаҳарнинг ташқи қисмини эгаллаб турган Ҳарсаманинг аҳволини энгиллаштирди. Тоҳир ибн Ҳусайн Самарқандга яқинлашиб қолганида, Ҳарсама билан Тоҳир қўшинлари ўртасида қолиб кетишдан қўрққан қарлуқлар шаҳарни ташлаб кетишди. Самарқанд қалъасида қамал қилинган Рафи ибн Лайс бошчилигидаги қўзғолончилар оғир аҳволда қолишди. Наршахийнинг сўзларига кўра, Тоҳир қўл остида хизмат қилган Асад ибн Сомон худотнинг ўғиллари Рафи ибн Лайс ва унинг тарафдорларини таслим бўлишга кўндирдилар. Улар адолат-



сиз ҳокимларга қарши курашаётган қўзғолон раҳбарларини хирожни камайтирган Маъмуннинг «адолатпарварлиги»га ишонтара олдилар. Самарқанд Тоҳирга таслим бўлди, қўзғолон бошлиғи эса 809 йилнинг октябрида Маъмун ҳузурига жўнатилди.

Халқ оммасининг қўзғолони 810 йилда узил-кесил бостирилди. Омон қолдириш ҳақидаги ваъдаларга қарамай, Рафи ибн Лайс ва қўзғолоннинг бошқа фаол қатнашчилари ўша



Эпиграфик нақшли ва ҳайвон тасвири туширилган товоқ.

йили қатл этилди. IX асрда Мовароуннаҳрда яшаган халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Рафи ибн Лайсининг қўзғолони ер солиғи миқдорининг кўпайтирилганлиги сабабли бошланган эди. Қўзғолон натижасида феодал ҳукмронлар хирожни 25 процентга камайтиришга мажбур бўлишди. Бу, гарчи вақтинча бўлсада, қўзғолончиларнинг катта ғалабаси эди.

Муқанна қўзғолони каби Рафи ибн Лайс қўзғолони ҳам ажнабийларнинг зулмига қарши қаратилган эди. Шунинг учун Маъмуннинг вазири хуросонлик Фадл ибн Саҳл араблар ҳокимиятидан норози бўлган маҳаллий ер эгаларининг кўпчилигини ота тахтидан маҳрум бўлган ва ўз акаси—халифа Аминга қарши курашишга қарор қилган ёш шаҳзода Маъмун томонига оғдира олди. Бунинг устига маълум даражада шиалар-имомийларнинг ҳурматини ҳам қозониш мақсадида Ма-

динадан Али ибн Мусо ар-Ризони чақиртирди, уни ўзидан кейин тож-тахт валнаҳди қилишга ваъда берди. Маъмун шиаларнинг манфаатини кўзлаб, Аббосийларнинг расмий қора рангини (бойроқлар ва мансабдор шахслар кийим-бошларининг ранги) шиаларнинг севган ранги бўлган яшил ранг билан алмаштиришни, Али ар-Ризонинг номини (ўз номидан кейин) тангаларга зарб қилишни буюрди.

Ўзининг қайнатаси ва вазири Фадлибн Сахлнинг ёрдами билан Хуросоннинг барча деҳқонлари мададига умид боғлаган Маъмун халифа Аминга қарши урушга зўр бериб тайёргарлик кўра бошлади.

Тоҳир ибн ал-Хусайн бошчилигидаги хуросонлик йирик маҳаллий феодаллар Маъмунни сидқидилдан қўллаб-қувватлабгина қолмай, Бағдод тахтига ўз одамини ўтқазиб мақсадида ана шу урушнинг ташкилотчилари ҳам бўлдилар.

Тоҳир ибн Хусайн халифа Аминга қарши олиб бориладиган урушга раҳбарлик қилишни ўз қўлига олди. Ўзини қаҳрамон Рустамнинг авлоди деб кўрсатиб, бундай деди: «Хуросонда бирорта ҳам амалдор ёки бадавлат оила йўқки, у менга қариндош ёки дўстим бўлмасин».

Дарҳақиқат, Тоҳир ибн Хусайннинг Самарқандда Рафи ибн Лайс устидан ғалабани таъминлаганлиги, Хуросон зодагонлари ўртасида обрўи ошганлиги унинг 811 йилда Али ибн Исо ибн Махон устидан ғалаба қозонишига олиб келди.

813 йилда Тоҳир қўшинлари Бағдодни босиб олди. Асир қилинган халифа Амин Тоҳир томонидан ўлдирилди. Маъмун халифа бўлиб қолди. Ал-Маъмун ўз рақиби устидан ғалаба қозонганидан кейин марказий идоранинг асосий тармоқларини эгаллаб турган ва Бармақийлар сингари катта хўжайин бўлиб олиб, истаган вақтда мустақил иш тутиши ва халифага бўйсунушдан бош тортиши мумкин бўлган Тоҳир ибн Хусайннинг ёрдамига ортиқча муҳтож эмасди.

Халифа Маъмун 821 йили Тоҳир ибн Хусайнни Хуросон ноибни қилиб тайинлади. Тоҳир ватанига жўнаб кета туриб, ўз ўрнига катта ўғли Абдулла ибн Тоҳирни қолдирди, моҳир мусулмон ҳокими ўзига ишониб топширилган мамлакатни ҳукмрон синф нуқтаи назаридан қандай идора қилиш кераклиги ҳақида унга махсус қўлланмалар тузиб берди. Абу Тоҳир Тайфурнинг ёзишича, Тоҳир ибн Хусайннинг бу қўлланмаси котиблар томонидан кўчириб ёзиб олинди, сўнгра амал қилиш учун халифаликдаги вилоятларнинг ҳокимларига юборилган.

822 йилнинг ноябрида хутба ўқитилаётган вақтда Тоҳир хутбадан Маъмуннинг номини тушириб қолдирди, эртаси куни эса у заҳарлаб ўлдирилди. Маъмун унинг ўғли Абдулла ибн Тоҳирни Хуросонга ноиб қилиб тайинлади, унинг номидан Талха ибн Тоҳир мамлакатни идора қила бошлади.

Хуросон ноиблиги Тоҳирнинг ўғли қўлига топширилганлиги билан халифаликнинг шарқий вилоятларида Тоҳирийлар хонадони ҳукмронлиги бошланди.

Тоҳирийлар вассал, аммо қудратли давлатни вужудга келтира олдилар, бу давлат Хуросон, Мовароуннаҳр, кейинчалик эса Табаристон ва Эроннинг бошқа вилоятлари территориясида мустақил сиёсий ҳаётни олиб борди.

Тоҳирийлар даврида Самарқандни ва Мовароуннаҳрнинг кўпгина қисмини Сомонийлар сулоласи идора қилди. Сомон худот хонадонининг ҳокимият тепасига келиши ҳам Рафи ибн Лайс қўзғолонининг бостирилиши билан боғлиқ эди. Сомонийлар Мовароуннаҳрда ҳокимиятни Тоҳирийлардан бирмунча илгари ўз қўлига олди.

817 йили Нўҳ ибн Асад Самарқандни, Аҳмад ибн Асад Фарғонани, Яҳё ибн Асад Шошни, Илёс ибн Асад Ҳиротни бўлиб олишди. Илёс ибн Асад бевосита Тоҳирийларга бўйсунар ва хизмат қилар эди. Қолган ака-укалар Самарқанд ҳокими бўлган катта ака Нўҳга итоат қилардилар. Тоҳирийлар сингари Сомонийлар ҳам ўзларига ишониб топширилган вилоятни мустақил идора қилишга интилардилар.

Истахрийнинг ёзишича, халифа Мўътасим (833—842) Хуросон ноибни Абдулла ибн Тоҳирга (830—844) хат ёзиб, бу хатда унинг Бағдоддан мустақил сиёсат юргизгани учун унга таҳдид қилган эди. Абдулла хатни Самарқанддаги ўз вассали Нўҳ ибн Асадга юборди ва тез орада жавоб олди. Жавоб хатида шу нарса кўрсатилган эдики, Мовароуннаҳр таркибига 300 минг қишлоқ (қарият) киради ва ҳар бир қишлоқ биттадан отлиқ ва биттадан пиёда жангчи бериши мумкин. «Бошқача қилиб айтганда, Самарқанд ҳокими Нўҳ ибн Асад халифадан кўрқиш керак эмас, чунки Мовароуннаҳрнинг ўзигина 600000 кишилиқ қўшин бериши мумкин. Шулардан 300000 киши пиёда ва ўшанча отлиқ аскар бўлиб, улар ўз душманларига қарши кураш олиб боришлари мумкин деб жавоб қайтарди». Сомонийлар Тоҳирийларга бўйсунган бўлиб, лекин улар жойларда аслида мустақил иш кўрардилар. Жумладан, улар ўз номларидан чақалар (фалсалар) зарб қилар, лашкар тўплар ва чекка вилоятга юришлар уюштирар эдилар. Истахрийнинг сўзларига қараганда, Хоразмдан тортиб, Исфижоб атрофлари ва Фарғонанинг айрим жойларигача Мовароуннаҳрнинг бутун чегараси турклар (қарлуқлар)га қарши олиб борилаётган уруш майдони эди. Шунинг учун ҳам Сомонийлар Мовароуннаҳр чегараларини мустаҳкамлаш, боғ ва экинзорларни сақлаб қолишга интилиб, кўпгина работлар ташкил қилиб, уларнинг сонини 10 мингтадан оширди.

Сомонийлар халифа хазинасига Тоҳирийлар орқали мунтазам равишда хирож тўлаб турардилар. Ака-укаларнинг

ҳаммаси тўплаган хирожни катта акалари Нўҳ ибн Асадга—Сомонийлар давлатининг умумий пойтахти Самарқандга юбориб турардилар.

Афсуски, Мовароуннаҳрга солиқ тўлаб турадиган округларнинг рўйхати сақланмаган ва Ибн Хўрдодбехнинг ана шу округлардан тушган солиқлар тўғрисидаги маълумотлари эса чалкашир. Ибн Хўрдодбехнинг ёзишича, «Нўҳ ибн Асад қўл остида бўлган Сўғд округлари 326400 дирҳам солиқ тўларди. Ана шу маблағнинг 200000 муҳаммадий дирҳамини Фарғона, 46400 мусайёб дирҳамини турк шаҳарлари тўларди. Бундан ташқари, улар кундажий дағал газламадан 1187 та кийимлик ва 1380 бўлак темир тўларди».

Ибн Хўрдодбех бутун маблағларни қўшган вақтида Хоразм, мусайёб ва муҳаммадий дирҳамларининг курсидаги тафовутини ҳисобга олмаган, яъни улар паст даражали эканини қайд қилмаган эди. У мазкур вилоятларни Нўҳ ибн Асадга қарашли деб ҳисоблаган бўлса-да, бироқ улар Аҳмад ибн Асаднинг бевосита қўл остида эди. Дарҳақиқат, Ибн Хўрдодбех бошқа жойда бундай деб ёзади: «Сўғд ўзига қарашли бўлган барча районлар, шунингдек, Буттама конлари, Кеш туз конлари, Кеш, Насаф ва Буттама билан бирга ҳар йили 1089000 муҳаммадий дирҳами тўлар эди». Сўғднинг бу қисми бевосита Нўҳ ибн Асад қўл остида бўлган бўлса керак.

Кўриниб турибдики, Сомонийлар ва сўғд ихшидлари даврида 712 йилги сулҳ шартномасига мувофиқ Сўғдни идора қилиб турган Самарқанд таркибига Кеш ва Насаф каби асосий шаҳарлари билан бирга Қашқадарё водийси ҳам кирган. Ибн Хўрдодбехнинг ёзишича, Нўҳнинг укаси Яҳё ибн Асад 826—827 йиллар учун Талха ибн Тоҳирга қўйидаги миқдорда маблағ тўлаган: Усрушон 50000 дирҳам (40000 муҳаммадий ва 200 мусайёб дирҳами), Хўжанд 100 000 ва Шош кумуш конлари билан бирга 607 100 мусайёб дирҳами тўлаган.

Бу даврда ўз таркибида Хўжанд ҳам бўлган Усрушон, шунингдек, Шош ҳам вилоят билан бирга Яҳё ибн Асад ҳукмронлиги остида эди. Усрушонлик шоҳларнинг хонадонини—Афшиналар ҳам 816—827 йилларда ўзининг иқтисодий ва сиёсий мавқеини сақлаб қолди. Шунинг учун Яҳё ибн Асаднинг ҳокимияти Самарқанднинг қўллаб-қувватлаши туфайлигина сақланиб турди.

Ибн Хўрдодбехнинг Тоҳирийлар даврида (826—827 йилларда Талха ибн Тоҳир ҳукмронлиги вақтида) солиқлардан келган тушум ҳақидаги маълумоти Сомонийларнинг дастлабки даврда ҳукмронлик қилган территориясини аниқлаб олишга имкон беради.

Нўҳ ибн Асад 826—827 йилларда Сомонийларнинг ўзига қарашли бўлган Мовароуннаҳр вилоятларидан олинган со-

лиқларни тўплаб, Тоҳирийларга 2172500 дирҳам (афтидан, паст даражали дирҳам бўлса керак), шунингдек 1187 ўрам кундажий дағал мато (яъни ип газлама) ва 1300 бўлак темир (ҳар бир бўлакда 650 дона темир чивиқ ва ўшанча белкурак бор) тўлаган, бу нарсалар Тошкентдан қуйроқда жойлашган Сирдарё бўйидаги турк шаҳарларидан келтирилган эди. Бу металл чегарани кўчманчиларнинг ҳужумларидан қўриқлаш топшириғини нима учундир ўтамаган ва ҳарбий хизматга яроқли бўлган ёш турклардан солиқ сифатида олинган эди.

Сомонийлар ва Тоҳирийлар даврида бевосита ерни ишловчилардан олинадиган ер солиғининг ҳажми камаймади. Улар баъзан бундай оғир солиқларни тўлай олмас эдилар, солиқ тушимлари ҳақидаги маълумотларда келтирилган боқимондалар ана шундан далолат беради.

Сомонийлар даврида ҳукмрон бўлган ҳарбий феодал ва амалдорлар аппарати асосан маҳаллий зодагонлардан ва давлат хизматидаги кишилардан иборат эди ва улар тўплаган мол-мулк Мовароуннаҳр доирасидан четга чиқарилмас эди. Ваҳолонки, араб ноиблари даврида, масалан, Али ибн Исо ибн Махон даврида тўпланган мол-мулк мамлакат доирасидан ташқарига ташиб кетилар ва шу билан такрор ишлаб чиқариш доираси тораяр, жамият ривожланиши секинлашар эди.

Мовароуннаҳр вилоятларидан келган солиқ тушимлари Сўғд иқтисодий ресурсларининг бойлигидан далолат берарди. Ана шу бойлик ҳарбий-сиёсий потенциални таъминлаб, бу потенциал Сомонийларга кейинчалик Хуросонни ва бошқа вилоятларни ҳам Мовароуннаҳрга бирляштириб, Мовароуннаҳрда марказлашган қудратли давлатни вужудга келтиришга имкон яратди.

#### 4. СОМОНИЙЛАРНИНГ ЮКСАЛИШИДА САМАРҚАНДНИНГ РОЛИ

Мовароуннаҳр территориясида марказлашган давлат тузишга бўлган уриниш Сомонийларнинг дастлабки авлоди Самарқанднинг биринчи ҳокими Нўҳ ибн Асад давридаёқ бошланган эди. Нўҳ Асад ибн Сомон худонинг катта ўғли бўлиб, укалари—Фаргона ҳокими Аҳмад ибн Асад ва Шош ҳокими Яҳё ибн Асад устидан ҳукмронлик қилар эди. Шундай қилиб, Самарқанд IX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлиб қолди. Нўҳ ибн Асад Мовароуннаҳрни кўчманчи феодалларнинг ҳужумидан доимо ҳимоя қилиб туришга мажбур бўлди.

Усрушонлик подшолар емирилганидан сўнг (838—839) у Қосон ва Ўраст шаҳарларини, 840 йилда эса Исфижобни ўз ерларига қўшиб олиб, у ердаги боғу роғлар ва экинзорларни

кўчманчиларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш учун чегара истеҳ-  
комини барпо этди.

Мирхонднинг ёзишича, Нўҳ ибн Асаднинг вафотидан ке-  
йин (814 йил) Самарқанд ва Сўғд ака-ука Яҳё билан Аҳмадга  
берилди. Гардизийнинг сўзларига қараганда, Аҳмад ибн Асад  
жуда қобилиятли, ўз мақсадлари йўлида вазиятдан моҳир-  
лик билан фойдалана оладиган киши бўлган. Аҳмаднинг бир  
неча ўғли (Наср, Ёқуб, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Ҳамид) бў-  
либ, уларга ҳар томонлама ҳомийлик қилган. Аҳмад шунга  
эришдики, Хуросон ноиб (830—844) Абдулла ибн Тоҳир  
ўғли Насрни Самарқанд ҳокими қилиб тайинлади.

Яҳё ибн Асад 855 йилда вафот этди, Аҳмад ибн Асад эса  
Шош ва Усрушон ерларини ўз қўлига олиб, ўзининг бошқа  
ўғли Ёқуб ибн Аҳмадни ўша йили бу ерга юборди.

Шундай қилиб, Аҳмад ибн Асад ўз ҳукмронлиги охирига  
келиб Бухоро ҳокимлигидан ташқари, бутун Мовароуннаҳр  
ерларини бирлаштира олди. Аҳмад, кейинчалик эса унинг  
ўғли Наср худди Нўҳ ибн Асад сингари кўчманчиларнинг  
ҳалокатли ҳужумларидан сақланиш учун давлатнинг шарқий  
чегараларини доимо мустаҳкамлади. Наср ибн Аҳмаднинг  
Шавгарга ва унинг укаси Исмоилнинг Тарозга қилган юриш-  
лари бунга ёрдам берди.

Асаднинг 817 йилда Ҳирот ҳокими бўлган тўртинчи ўғли  
Илёс 856/857 йилларда вафот этди. Аммо унинг авлодлари,  
В. В. Бартольд фикрича, Ҳирот ҳокими сифатида қайд этил-  
майди. Бироқ Илёснинг авлодлари Тоҳирийлар сулоласи  
инқирозга юз тутганига қадар улар хизматида бўлган. Сомо-  
ний Иброҳим ибн Илёс ибн Асаднинг номи хорижийларга  
қарши олиб борилган курашда бир неча марта эслатиб ўти-  
лади. У Муҳаммад ибн Тоҳир (863—873 йиллар) ҳузурида  
сипоҳсолар бўлган ва Ёқуб ибн Лайсга қарши олиб борилган  
жангда қўшинларга қўмондонлик қилган, 873 йили у Муҳам-  
мад ибн Тоҳир билан бирга асирга олинган. Тоҳирийлар  
Хуросон устидан ҳукмронлик қила олмай қолди.

Тоҳирийлар IX асрнинг 70-йилларига келиб аслида Со-  
монийлар устидан ҳукмронликни қўлдан бой бериб қўйди,  
ҳар ҳолда Тоҳирийларнинг Сомонийлар давлатининг ички  
ишларига аралашганлиги тўғрисида манбаларда маълумот  
йўқ.

Фақат Бухоро Сомонийлар давлатига қўшилмай қолган  
эди. Тоҳирийлардан охиргиси бўлган Ҳусайн ибн Тоҳир  
874 йилнинг январь—февраль ойларида икки минг хоразм-  
ликка бош бўлиб, Хуросондан келди ва Бухорога ҳужум  
қилди. Шаҳар аҳолиси беш кун давомида уларга қаршилик  
кўрсатди, аммо Ҳусайн шаҳарни босиб олди ва аҳолининг  
гуноҳидан ўтди. Лекин улар уй-уйларига тарқалиши биланоқ  
хоразмликлар шаҳарда хирож йиғиш баҳонаси билан талаш-

ни яна бошлаб юборди. Йиллик хирож гитрифий дирҳами ҳисобида тўпланди. Ҳусайн эса ана шу дирҳамларни кумуш тангаларга алмаштиришни истар эди. Хоразмлик жангчилар бебошлик қилишни давом эттирди, шаҳарнинг учдан бир қисми ёниб кетди. Яна қўзғолон бошланди. Ҳусайн қалъага қамалиб, тўпланган пулларни ҳам қолдириб, кечаси яширин ҳолда Бухородан чиқиб кетди. Қўзғолончилар қалъани таладилар.

Ҳусайннинг жўнаб кетиши билан Тоҳирийларнинг Бухородаги ҳукмронлиги тугади. Афтидан, Ҳусайн Бухородан кетганидан кейин шаҳар хоржиий қўзғолончи амир Ҳу-



Нақш солинган идиш (X—XI асрлар).

сайн ибн Муҳаммад ал-Хаварижийнинг қўлига ўтган бўлса керак. У Ёқуб ибн Лайснинг ҳарбий бошлиқларидан бири эди. Уша вақтда қароқчилик ва талончилик билан шуғулланган ва хонавайрон бўлган деҳқонлардан ташкил топган ғозийлар отрядининг ҳаракати Бухоро атрофларида янада кучайиб кетди.

Шаҳарнинг юқори мартабали амалдорлари қонуншунос Абу Ҳафснинг ўғли Абу Абдулла билан маслаҳатлашиб, Самарқанд ва Фарғона ҳокими Наср ибн Аҳмаддан Бухорони ўз ҳомийлигига олишни илтимос қилдилар.

Сомонийлар бошлиғи Наср ибн Аҳмад 849 йилда Фарғонада туғилган укаси Исмоил ибн Аҳмадни 874 йилда Бухорога ҳоким қилиб тайинлади. Исмоил озгина қўшин билан Кармана шаҳрига етиб келди ва ўз элчиларини Бухоро ами-

ри Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Хаварижий ҳузурига юборди. Абу Абдулла 874 йил 23 июнида, жума куни Бухоронинг юқори мартабали кишилари билан биргаликда Исмоилга пешвоз чиқди ва уни табриклади. Исмоил Бухоро амири бўлиб қолди, Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Хаварижий эса унинг ўринбосари этиб тайинланди. Хутбани Ёқуб ибн Лайснинг номи билан эмас, балки Наср ибн Аҳмаднинг номи билан ўқишлари керак эди. Ҳусайн ва унинг жангчилари қасамёд қилганларидан кейингина Исмоил Бухорога кириб борди. Унинг келиши муносабати билан Абу Абдулланинг буйруғига асосан шаҳар чиройли қилиб безатилган эди. Бироқ тантанали кутиб олиш Исмоил ҳокимиятини ҳамма бир хилда кутиб олганлигини билдирмасди. Исмоилнинг аҳволи оғир эди: акаси унга ишонмас ва шунинг учун унинг ишончини қозониш керак эди, чунки унинг ёрдамисиз Ҳусайн ибн Муҳаммад устидан ғалаба қозониш, деҳқонларнинг Бухоро атрофидаги ғалаён ва талончилик ҳаракатларини бостириш мумкин эмас эди.

Исмоил оғир аҳволдан усталик билан қутулди. Абу Абдулланинг ва Бухоронинг бошқа юқори мартабали зодагонларининг қўллаб-қувватлаши билан у ўз ёрдамчисидан халос бўлди, уни зиндонга ташлади.

Исмоил самарқандлик зодагонларнинг мададига умид боғлаб, йирик феодал Ҳусайн ибн Аълони шаҳар ва қишлоқ камбағаллари отрядларини (4000 кишига яқин) тугатишга кўндирди. Улар ўзларига озиқ-овқат қидириб, Ромитон билан Баркад ўртасида талончилик ишлари билан шуғулланар эдилар. Маҳаллий йирик феодалларнинг кучи билан бу отрядлар тор-мор қилинди, уларнинг асир олинган бошлиқлари эса Самарқандга—Исмоилнинг акаси ҳузурига жўнатилди.

Исмоил Бухоро теварак-атрофидаги аҳолининг қўзғолонини эндигина бостирган ҳам эдики, Ҳусайн ибн Тоҳир Бухорони босиб олишга уриниб, яна Амударёдан кечиб ўтди. Исмоил Бухоро аҳолисини шаҳарни мудофаа қилишга отланишга чақирди ва унча катта бўлмаган отряд тўплаб, унинг йўлини тўсди. Ҳусайн тор-мор қилинди ва яна Хуросонга улоқтириб ташланди. Эртаси куни эрталаб Исмоил асирга тушганларга тўнлар ҳадя этиб, уларни уй-уйларига қўйиб юборди.

Исмоилнинг Бухорода ҳокимиятни мустаҳкамлашга бўлган интилиши йирик феодал зодагонларнинг қаршиликсизлигига учради. Исмоил бир группа нуфузли зодагонларни тўплаб, ўз гуноҳини кечиршини илтимос қилиб, уларни акаси Наср ҳузурига юборди. Элчилар Самарқандга келишгач, Нўҳ ибн Аҳмад уларни қамаб қўйди, чунки Исмоил яширин тарзда ана шундай илтимос билан унга мурожаат қилган эди. Исмоилнинг ўзи эса зодагонларнинг йўқлигидан фойдаланиб, Бухорода ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди, кейинчалик эса



акасидан уларни қўйиб юборишни илтимос қилди. Исмоил ҳийла ишлатиб, йирик феодалларнинг такаббурлигидан халос бўлди, бунинг устига у акаси Наср олдида уларни ёқлаб чиқиб, айни вақтда уларни ўз томонига оғдирди ва афтидан, уларда Насрга қарши кайфиятни юзага келтирди.

Шу тариқа Исмоил Наср ибн Аҳмад бошчилигидаги самарқандлик зодагонларнинг қўллаб-қувватлаши билан Бухорода ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди.

Наср ибн Аҳмад бутун Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилиш учун 874 йилнинг июлида халифа Муваффақбиллоҳдан ёрлик олди, Исмоил эса Бухоро амири деб танилди. Наср ибн Аҳмад орадан бир неча вақт ўтгач, бутун Мовароуннаҳрнинг тўла ҳуқуқли ҳокими бўлиб қолди.

## 5. ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА САМАРҚАНДНИНГ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Аввалги даврлардагидек, илк ўрта асрда ҳам Самарқандни сув билан таъминлаш милоднинг бошларида Зарафшондан чиқарилган Дарғом ирригация системасига асосланган эди. Дарғом суғориш системаси Самарқанд воҳсининг чап қирғоғидагина эмас, балки бутун Зарафшон водийсидаги энг йирик ирригация иншоотларидан бири эди. У дарёдан сув боғлаб олувчи бош тўғон ва кўпгина дарёотлар билан таъминланган эди.

Дарғомнинг бош тўғони Самарқанддан жануби-шарқда Зарафшоннинг чап қирғоғига жойлашган эди<sup>1</sup>. X—XII аср манбаларида бу жой Варқсар, яъни «Тўғонбоши» номи билан тилга олинади. «Қандия» асари муаллифининг тасвири-лашига кўра, Варқсардан Дарғомга боғлаб олинган сув тўрт шохобчага: Чокардиза, Музахим, Музахим ёки Маздахим, Искандаргом ёки Эскидаргом ҳамда бирга қўшилган Сангин ва Санграсон каналларига бўлинган.

«Қандия» асарида келтирилган маълумотларга кўра, Чокардиза каналининг узунлиги 17 240 газ бўлиб, унда 59 та тўғон қурилган ва у 1067 та ер участкасини суғорган. Иккинчи Музахим ёки Маздахим канали 45 та ариққа таралган бўлиб, 2900 ёки 2750 та ер участкасини суғорган. Сангин ва Санграсон каналлари, афтидан, кичик ариқлардан иборат бўлса керак, чунки улар атиги 275 та ер участкасини сув билан таъминлаган. Тармоқлар ичида энг йириги Искандаргом канали бўлиб, бу каналдан 10 900 та ер участкаси суғорилган. Насафийнинг сўзларига қараганда, Самарқанд яқинида ҳар бир шохобча ўз навбатида яна иккита тармоқчага

<sup>1</sup> Ҳозир бу жой Равотхўжа деб аталади, 1926—1930 йилларда бу ерда «Биринчи май» гидроузели қурилган.


бўлинган. Шундай қилиб, ўша даврда Самарқандни ва унинг теvarак-атрофини суғорган ирригация системаси 8 та каналдан иборат бўлиб, буларда 680 та тўғон қурилган; бу каналлар орқали жами 14 800 ер участкаси суғорилган.

«Қандия» тарихий асарида тасвирланган Самарқанднинг қадимий ирригация каналлари шаҳарда мавжуд ҳозирги суғориш тармоқларига мос келадими ва уларни қайси каналларга қийёслаш мумкин? В. Л. Вяткин ва В. В. Бартольд ўз вақтида шу саволларга жавоб беришга уриниб кўрган. В. Л. Вяткиннинг фикрича, Чокардиза канали ҳозирги Шаҳарариқ каналига тўғри келади. Бу канал Дарғомдан чиқарилган Шавдор каналининг тармоғидир. В. Л. Вяткиннинг ёзишича, Дарғомдан чиқарилган Маздахим ёки Маздахим канали «23 чақиримга чўзилган бўлиб, бундан тахминан 12 чақирими «Девори қийёмат» номи билан машҳур бўлган Самарқанднинг ташқи девори ичкарасидан ўтган». Бу каналдан сув ичган Маздахим маҳалласи ҳозирги шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Маздахим канали Навбахчиён номи билан машҳур бўлган. Ҳозирги вақтда эса бу канал Жарариқ деб аталади ва Самарқанднинг ғарбий қисмини суғоради.

В. В. Бартольд Сангин ва Санграсон каналлари Афросиёбнинг ғарбий дарвозаси ёнидан (Санграсон қабристон) оққан деб ҳисоблайди. «Хожа Муҳаммад Санграсон қабристонининг кунботар чек ораси,— деб ёзди «Самария» тарихий асарининг муаллифи Абу Тоҳирхожа,—Новадон ариғининг жарлигидир. Бу ариқ булоқлардан келиб, шаҳар ичидан ўтиб, Сияҳоб ариғига қуюлади». Ана шу маълумотлардан кўриниб турибдики, Санграсон канали Самарқанднинг қадимий сув йўли бўлган Новадон каналининг айнан ўзидир. Шундай қилиб, Сангин ва Санграсон каналлари, В. В. Бартольд тахмин қилганидек, битта магистралнинг иккита тармоғи бўлмай, балки улар айрим-айрим мустақил канал бўлган. Эҳтимол, Сангин Самарқанднинг ғарбий қисмида, Хўжаариқ ва Жарариқ ўртасидан оққан Чашма Сиёбга тўғри келар. В. Л. Вяткиннинг фикрича, Искандарғом тўғрисидаги қадимий шарқ кўлёмаларида келтирилган маълумотларда «Самарқанднинг шаҳарга яқин бўлган ташқи деворларининг ичкарасидаги жануби-шарқий қисмини» суғорган ва Шавдор каналининг шохобчаларидан бири бўлган Даштак ариғи кўрсатилган.

Кўрсатиб ўтилган тўртта канал асосан Афросиёбдан жанубда ва ғарбда жойлашган ерларни суғорган, унинг теvarак-атрофидаги шимолӣ ва шарқий қисмини эса Сиёб ва Обимашҳад ариқлари суғорган.

Шаҳарнинг асосий канали (Чокардиза) Афросиёбдан тахминан 1 км жанубда жойлашган Чокардиза қалъасининг



Илк ўрта асрларда Самарқанд ва унинг теварак-агрофн суториш системасининг схемаси.

ёнидан оқиб ўтганлиги сабабли унга шу ном берилган. Бу ерда X—XII асрларда Самарқанднинг Чокардиза деб аталган маҳаллаларидан бири жойлашган. Чокардиза номи иккита сўз бирикмасидан иборат бўлиб, «чокар»—феодал ҳарбий дружинаси ва «диза»—қалъа маъносини, яъни феодал дружинаси жойлашган қалъа деган маънони билдиради. Феодал дружиналари ва уларнинг қалъалари Ўрта Осиёда асосан илк ўрта асрда пайдо бўла бошлади. Бинобарин, «Чокардиза» номи маълум даражада шу нарсдан далолат берадики, шаҳар канали Чокардиза қалъаси қурилишидан анча илгари қазилган. Шаҳар каналига яқин жойда қад кўтарган бу қалъа XI асрдаёқ қабристонга айлантирилган.


Шаҳарнинг ички қисми—Самарқанд шаҳристуни Чокардиза каналидан ажралиб чиққан махсус тармоқ орқали сув билан таъминланган. X—XII асрлардаги тарихий манбаларда бу канал «Жуи Арзиз», яъни «Қўрғошин ариғи» номи билан айтилади. Шаҳарга сув тубига қўрғошин билан қопланган нова орқали оқиб ўтганлиги туфайли унга шу ном берилган.

«Жуи Арзиз» ва усти қўрғошин билан қопланган нова ўтган равоқли иншоот X асрда яшаган араб географларининг асарларида тасвирланган. «Оқар сув,—деб ёзади Истахрий,—қўрғошиндан ясалган нова (расос) орқали ўтиб шаҳарга киради. «Мисгарлар» (ас-Саффорун) деган жойдан келадиган сув тошдан қурилган баланд тўғон (Мусаннот)дан оқиб ўтиб, Самарқанднинг Кеш (жанубий) дарвозаси орқали шаҳарга киради; бу шоҳобчанинг ташқи томони (важ), тўғрироғи, унинг «бети» қўрғошин билан қопланган. X асрда яшаган араб географларининг сўзларига қараганда, сув иншооти ўтадиган жой Расаттоқ ёки форсча Сариток, яъни «Равоқ боши» деб аталган.

X асрда ёзилган «Худуд ал-олам» географик асари номаълум муаллифининг ёзишича, «Қўрғошин ариғи»—Жуи Арзиз Самарқанд шаҳридаги бозор юқорисидан ўтган. Бу номнинг ўзиёқ шундан далолат берадики, қадимий Самарқанднинг сув иншооти усти қўрғошин билан қопланган нова равоқлар устига ўрнатилган ва Жуи Арзиз каналининг суви шаҳарга шу нова орқали оқиб кирган. Бу ноёб гидротехника иншооти, X асрда яшаган араб географлари ёзганидек, тошдан эмас, балки кул аралаш оҳақ қоришмаси билан ғиштдан ишланган. Археологлар Ҳазрати Хизр масжиди ёнидан топган йирик пишиқ ғиштлар ана шундан далолат беради. Тўғри бурчакли ғиштларнинг катталиги  $53 \times 40 \times 9$  см,  $42 \times 20 \times 9$  см; квадрат ғиштларнинг катталиги  $42 \times 42 \times 9$  см ва понасмон ғиштларнинг асоси 28 ва 36 см, баландлиги 48, 5—49 см, қалинлиги эса 8,5—9 см дир. Бу иншоотнинг аниқ қурилган вақти ҳозирча аниқлангани йўқ, X асрда яшаган географ Истахрийнинг сўзларига қараганда, бу қурилиш Афросиёб шаҳар девор-

ларининг қад кўтариши билан боғлиқ бўлган. «Гап шундаки,—деб ёзади Истахрий,—шаҳар атрофида чуқур хандақ бор, унинг тупроғи шаҳар деворларини қуриш учун ишлатилган, шаҳар атрофида катта хандақ шу тариқа пайдо бўлган ва шаҳарга сув ўтказиш учун шу хандақ устига иншоот қуриш зарур бўлган». Археологлар Афросиёбнинг ташқи девори VIII асрнинг ўрталарида ва IX асрнинг биринчи ярмида қурилган, деб ҳисоблайди.

Жуи Арзиз каналининг бош иншооти илк ўрта асрда Самарқандни сув билан таъминлашда фоят муҳим роль ўйнаган-



Жуи Арзиз осма новасининг умумий кўриниши (схема — реконструкция)  
X аср.

лиги сабабли маҳаллий ҳокимлар бу каналга алоҳида эътибор берганлар. X асрда Жуи Арзиз қирғоқларининг Саритоқ деган жойидаги ер участкасидан олинган даромад қўرғошин новасини тузатиш учун сарфланган. Шаҳар маъмуриятининг алоҳида топшириғига асосан ана шу ирригация иншоотини тузатишдаги ҳашар ишлари самарқандлик оташпарастрлар зиммасига юклатилган эди. Улар ана шунинг учун жон бошидан олинадиган солиқдан озод қилинган эдилар. Истахрийнинг сўзларига қараганда, назоратчилар иншоотни бутун йил давомида қараб туришлари лозим эди.

Афросиёбни сув билан таъминлаб турган қадимий системанинг қуриб қолган ўзанларида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида шу нарса аниқландики, илк ўрта аср даврида шаҳар харобаси территориясида янги канал қазилган бўлиб, қадимий ўзан устидан ўтказилган. Шунинг учун ўрта асрдаги канал қадимий канал сингари асосан уч асосий тармоққа; марказий, ғарбий ва шарқий тармоқларга бўлинган. Марказий ўзан ўрнида олиб борилган қазилма ишлари шуни кўрсатадики, ўрта асрдаги канал қадимий каналнинг ўнг қисмидан ўтказилган. Шунинг учун ҳам қадимий канал-

нинг шарқий қирғоғи янги каналнинг ўнг қирғоғи бўлиб қолган. Ўрта асрдаги канал қазилган вақтда қадимги ўзанининг ғарбий қисми тупроқ билан тўлдирилган ва унинг устидан кенглиги 4 метргача келадиган йўл солинган.

VIII асрда Сўғдада араб истилоси ва халқ қўзғолонлари бўлиб турган даврда канал жуда саёзлашиб қолган. Унинг таги лойқа билан тўлиб кўтарилган бўлиши мумкин, чунки бу даврда ирригация системасига етарли эътибор берилмаган. Янги каналнинг дастлабки кенглиги 3 метр, чуқурлиги 1,5 метрга етган, кейинчалик эса каналнинг эни торайиб 2 метргача, тубининг эни 80 см гача келиб қолган. Шу билан бирга, ўзани тозалаш натижасида тўпланган маданий-ирригация чўкиндилари ҳисобига бошда чап қирғоқ билан бир текисид бўлган унинг ўнг қирғоғи 1 метргача кўтарилган. Бу табиий бир ҳол эди, чунки каналнинг ғарбий қирғоғидан йўл ўтар ва уни тўсиб қўймаслик учун канални тозалаган вақтда лойқа фақат шарқий қирғоққа ташланар эди. Шарқий қирғоқни сув ювиб кетишининг олдини олиш ва қирғоқдаги тупроқнинг нураб тушишига йўл қўймаслик учун бўлса керак, ўрта асрдаги каналнинг чап қирғоғи Чўпонотадан олинган сланец, пишиқ гишт ва қалин сопол билан қопланган. Шундай қилиб, Афросиёбнинг ўрта асрдаги шаҳар канали икки даврни бошидан кечирган ва 1220 йилда Чингизхоннинг босиб олиши натижасида шаҳарни сув билан таъминловчи Жуи Арзиз бош иншооти вайрон қилинганига қадар ишлаб турган.

Ўрта асрдаги каналнинг асосий ўзанларидан сув оқиб турган бутун давр давомида улардан бир неча майда ариқлар чиқазилганлиги, айримларидан сопол қувурлар ёрдамида сув деярли хонадонларгача ва ўрта аср Самарқандининг ҳунармандчилик устахоналарига кирган. Бундай қувурлар қазишмалар вақтида юқори қатламлардан топилиб туради. Ибн Ҳавқалнинг қуйидаги сўзлари ана шундан далолат беради: Самарқандда «оқар сув кирмаган бирор кўча ва бирор ҳовли деярли йўқ эди, фақат баъзи уйларгина богсиз эди». Афросиёбнинг баланд жойларига сув чиғирлар ёрдамида чиқарилган. Шаҳар тармоғининг жанубий ўзанида, Шоҳизинда ансамблидан тахминан 150 м ғарбда топилган чиғир хандағи ана шундан далолат беради. Чиғир хандағининг четларига тош терилган.

Аҳоли оқар сувдан ташқари, қудуқларнинг сувидан ҳам фойдаланган. Афросиёб территориясида бир неча қадимги қудуқ ўрни топилди. Бу қудуқларнинг оғзи тош плиталар билан ёпилган, уларнинг ичи 2—2,5 метр чуқурликдаги қисми оҳақ қоришмаси билан пишиқ гишдан мустақкам ишлаб чиқилган. В. Л. Вяткиннинг тасвирлашича, ана шундай қудуқлардан бирининг қурилиши жуда оригинал бўлган. «Қудуқ 35 градус қияликда пастга тушган йўлакдан иборат

бўлиб,—деб ёзади В. Л. Вяткин,—у ярим гумбаз шаклида, баландлиги одам бўйи ва эни бир метрдан сал камроқдир, бу ерда одам кўза кўтариб бемалол юриши мумкин. Йўлак 42 метр чуқурликда гумбазли ўтовсимон хона шаклида тугайди, унинг ери ўртасида булоқ суви тўлиб турган ҳовузча бор. Йўлакда зиналар қилинган, деворларида эса дам олиш учун ўтиргичлари бўлган токчалар ҳам бор. Токчаларнинг деворлари шам ёки қора чироқнинг куяси билан қопланган». Ана шу сув иншооти ўз конструкцияси жиҳатидан карвон йўлларида кўп учрайдиган ва Осиёда «сардоба»лар, Озарбайжонда эса «Авдон» деб аталган гумбазсимон иншоотларни эслатади.

Дарғом каналининг бош қисмида, Варқсар деган ерда жойлашган тўғон Самарқандни ва унинг теварак-атрофидаги ерларни сув билан таъминлаш ва суғоришда алоҳида роль ўйнаган. X асрда Варқсар тўғонини назорат қилиш Варқсар аҳолисига юкланган ҳашар мажбурияти бўлиб, улар бунинг эъзига хирож тўлашдан озод қилинган. «Қандия» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Варқсар аҳолиси қирқ минг кишидан иборат бўлган.

Тўғон стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган, чунки уни эгаллаб олиб, Самарқандни сувдан маҳрум қилиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам Варқсар илк ўрта асрдаёқ кўш девор билан ўраб олинган мустаҳкам қалъага айлан-тирилган. Ана шу деворнинг қолдиқлари қисман ҳозиргача сақланиб қолган. Қалъанинг узунлиги тахминан 600 м, кенглиги 300 м бўлган. Бу қалъа муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, кузатув пункти вазифасини ўтаган. Бу ердан Зарафшон тошган пайтларида Дарғом тўғонининг ҳолати доимо кузатиб турилган. Иккинчидан, бу қалъадан тўғонни ажнабий босқинчилар ҳужумидан сақлаб турадиган мудофаа пункти сифатида фойдаланилган. Сўғднинг қадимги ҳокимлари қалъада кўплаб ҳарбий кучларни доимо сақлаб туришган. Насафийнинг маълумотига қараганда, Варқсарда тўрт минг отлиқ ва ўн минг пиёда жангчи—«ғозий»лардан иборат кучли кўшин турган.

Ажнабий босқинчилар ва маҳаллий феодаллар ғаразли мақсадларни кўзлаб, Варқсар тўғонини бузишга бир неча бор уришиб кўрганлар.

Чунончи, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг маълумотларига қараганда, 721 йилда, сўғдликлар халифаликка қарши кўзғолон кўтарган пайтда Хуросон ноиб Саид Хусайн (720—721) Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларнинг аҳолисини сувдан маҳрум қилиш мақсадида Дарғом каналининг Варқсардаги «бошини» тўсишга уришиб кўрди. Бироқ сўғдликлар Варқсарни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, Хуросоннинг бошқа бир ноиб Асад ибн Абдулла

(735—739) умовийларга қарши Мовароуннаҳрда бошланган ҳаракатни бостириш мақсадидан 736 йилда Самарқанд устига юриш қилиб, уни босиб ололмаганидан кейин, Варқсарда тўғонида сув бошини тўсиб шаҳар аҳолисини сувдан маҳрум этишга аҳд қилган. Табарийнинг ёзишича, ана шу ишларда Асаднинг ўзи шахсан қатнашган. Бироқ халифаликнинг хурсонлик ноиб бу сафар ҳам сўғдликларни сувдан маҳрум қилолмаган ва Самарқандни босиб ололмаган.

Шундай қилиб, ўрта асрларда Чингизхон Самарқандни вайрон қилгунга қадар шаҳар ва унинг теварак-атрофидаги жойлар Зарафшон суви билан Дарғом суғориш системаси орқали суғориб келинган. Мўғуллар истилосидан кейин Афросиёбда ҳаётнинг қайта тикланмаганлиги сабабларидан бири ҳам бу ердаги қўрғошндан қилинган осма қувурнинг бузилганлиги бўлса керак. Чунки бу иншоотни қайта тиклашга хароб қилинган ва талаб кетилган Самарқанднинг қурби етмас эди.

## 6. ДИН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

VII асрда Самарқандда бўлган сайёҳлар унинг аҳолиси савдо-сотиққа моҳир эканлигини, шаҳарга кўплаб ажнабийлар савдо қилиш учун келиб турганликларини таъкидлайдилар. VII асрнинг 30-йилларида Сўғдга келган Сюань-Цзяннинг ёзишича. Самарқандга турли мамлакатлардан қимматбаҳо моллар келтириб турилган.

V—VII асрлардаги Сўғд аҳолисининг диний эътиқодлари ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар бор. Тарихий солнома-ларга кўра, Зарафшон водийсидаги маҳаллий аҳоли ДЭС руҳига сиғинар экан. Унинг руҳини Каспий денгиздан шарқ томондаги территорияда яшайдиган аҳоли ҳурмат қиларди. «Ҳар куни унинг учун беш туя, ўн от ва юз қўй қурбон қиладилар. Қурбонлик қилувчиларнинг сони баъзан 1000 кишигача етиб қолади». Афтидан, ДЭС Сўғдда асосий худолардан бири бўлган. Самарқандда ажодлар ибодатхонаси бўлиб, бу ердаги бутга ҳам қурбонлик қилинган. Бошқа жойларнинг эгалари ҳам қурбонликда қатнашишган. Самарқанддаги ҳукмрон сулола ажодларининг ибодатхонаси ҳам шу ерда бўлган деган тахмин бор.

Сўғдда жасадларни алоҳида бинолар—наусларга қўйилдиган лойдан ясалган тобутлар—оссуарийларда дафн қилиш одати кенг тарқалган. Афросиёбнинг ғарбий қисмида, Панджикентда ва Ўрта Осиёнинг бошқа кўпгина районларида мурдалар ана шундай дафн қилинганлиги аниқланди; бу эса (735—739) умовийларга қарши Мовароуннаҳрда бошланган ўтга сиғиниш билан боғлиқдир. VI асрнинг бошида Самарқандда епископ бошчилигида христиан—несториан жамоаси ҳукм сурган, VII асрда эса бу ерга митрополит тайинланган.



Маълум даражада буддизм мавжуд бўлганлиги хусусида турли фикрлар бор. Сюань-Цзянь Самарқанд аҳолиси буддага сизинмаганлигини, у ерда мавжуд бўлган икки монастир қаровсиз ётганини қайд қилади. Маҳаллий аҳоли будда динидаги сайёҳларни монастирларга қўймаганлар, уларни чала куйган таёқ кўтариб ҳайдаганлар. Айни бир вақтда Ўрта Осиёнинг жанубий районларида буддизм ўз таъсирини сақлаган.

Манихейчилик ҳам кенг тарқалган бўлиб, Самарқанд унинг марказларидан бирига айланган.

Бадний ҳунармандчилик турларидан қимматли металллар—кумуш, олтин, бронза ва шу кабилардан буюмлар тайёрлаш анча ривож топган.

Ўрта Осиёда улкан археологик тадқиқотлар ўтказилиб, йирик рассомлик асарларининг қолдиқлари топилганга қадар, бу ердаги торевтларнинг деярли барча асарларини тадқиқотчилар Сосонийлар Эрони санъатига мансуб деб ҳисоблардилар. Янгидан ўтказилган археологик қазинмалар натижасида айрим топилдиқлар Ўрта Осиё санъати асарлари деб эътироф қилинди.

Афросиёб, шунингдек, Болаликтепа, Панжикент, Варахша рассомлигида олтин ва кумуш қадаҳлар, косалар, товоқлар ва бошқа идишларнинг тасвири учрайди. Самарқанд остидаги VI—VII асрларга оид биноларнинг ичида қазинма ишлари олиб борилган вақтда ажойиб кумуш товоқ топилди: булардан иккитасини эфталитлар, биттасини Сосонийлар санъати асарига киритиш мумкин.

Олтин ва кумуш ашёларнинг бир қисми Самарқандга савдо-сотиқ буюмлари сифатида келтирилган, лекин кўпгина буюмлар маҳаллий усталар томошидан тайёрланган. Тасвирлар орасида амалдорлар ва шаҳзодаларнинг ёввойи ҳайвонлар, қўйлар, эчкилар ва шу кабиларни овлаш лавҳаси акс эттирилган буюмлар айниқса кенг тарқалган эди. Баъзан маҳаллий мўйқалам усталари бошқалар сюжетини ўзлаштириб олар ва уларни ўзгартириб, Сосоний шоҳлари ўрнига ўзларига хос кийимда маҳаллий ҳокимларни кўрсатар эдилар. Чунончи, Эрмитажда сақланаётган кумуш товоқда ўзига ҳужум қилиб келаётган шерга ёйдан ўқ узаётган сўғд суворийси тасвирланган. Товоқнинг пастки қисмида, от оёғи остида ёй ўқи тешиб ўтган ёввойи чўчқа ётибди. Худди ана шу тасвирни 1927 йилда Киров областида топилган кумуш товоқда ҳам кўрамиз. Унда Шопур II нинг шер ови кўрсатилган.

Пермь губернасидаги Кулагини қишлоғи яқинида топилган ва VII асрнинг охиридаги сўғд санъати асарларига мансуб бўлган иккинчи товоқда икки писёда жанчининг олишуви тас-

вирланган. Бу лавҳа Фирдавсийнинг «Шаҳнома» достони эпик мотивлари билан боғланган бўлса керак.

Табарийнинг ҳикоя қилишича, Самарқандда шундай бир одат ҳукм сурганки, бунга кўра, йилнинг муайян даврида Сўғднинг энг жасур паҳлавони учун майдонда ноз-неъмат ва шароб солинган ҳурмача қўйилган дастурхон ёзилган. Ана шундай номга даъвогар бўлган жангчи ноз-неъматга қўл уриши лозим эди. Бу эса унинг илгари юксак номга сазовор бўлган энг зўр ботир билан беллашишини билдиради. Ўз рақибини ўлдирган жангчи мамлакатда янги даъвогар чиққунга қадар энг довюрак паҳлавон ҳисобланарди.


Юқорида тилга олинган товоқ Табарий ҳикоясига гувоҳ бўла олади. Унда бир хил кийимдаги икки жангчининг беллашув пайти тасвирланган. Улар турли хил қуроллар—қилич, тўқмоқ билан жанг қилади, мана қилич парчалари уларнинг оёқлари остида, қалқонлари яроқсиз бўлиб қолган. Кураш ҳаёт тажрибаси ва жанговар уқуви кўпроқ бўлган каттароқ ёшдаги жангчи ғалабаси билан тугайди. У рақибини ёй ўқи билан ўлдиради, унинг рақибни отган найза эса Сўғднинг энг кучли паҳлавони номини олган баҳодирнинг ёнидан ўтиб кетади. Бу товоқ, шубҳасиз, сўғд торевтининг ижодидир.

Товоқларда кўпинча амалдорларнинг ўзига яқин кишилари, хизматкорлари орасида дам олаётган пайти кўрсатилган тасвирлар учрайди. Кўпгина лавҳалар афсона ва эпос билан боғлангандир. Товоқларга расм солиш ва безак беринда марварид доналарини доира шаклида чизиш энг чиройли мотив бўлиб, уларнинг ўртасида ёввойи ҳайвонлар, қушлар, афсонавий ҳайвонлар тасвирланарди. Бу хусусиятлар илк ўрта асрдаги Шарқ санъати учун характерлидир. Бундай бадиий асарлар яратилган жой тўғрисида фақат кийимлар, антропологик тип, айрим рамзлар, баъзида портретнинг ўхшашлигига қарабгина фикр юритиш мумкин.

Торевтлар яратган асарлар феодал ва оқсуякларнинг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилар, кенг халқ оммасининг маънавий талабларини қондирадиган буюмлар эса сополдан ясалган санъат асарлари—идишлар, терракотадан қилинган ҳайкалчалар, гулли идишлар ҳисобланарди. Терракотадан ясалган буюмлар маълум даврни, унинг афсоналари, мифлари диний қарашларни акс эттирар, кўпинча болалар учун ўйинчоқ ҳисобланарди. Бир хил ҳайкалчалар гилдан ясалиб, ҳумдонларда пиширилган, айримлари эса махсус қолипларда кўплаб тайёрланган. Терракотадан ясалган баъзи буюмлар аралаш йўл билан, яъни лойдан яшаш ва қолиплаш орқали бажарилиб, бу қолипларда уларнинг энг муҳим қисмининг, калла ва ҳоказо изи олинар эди.

Афросиёбда терракотадан ясалган бир неча юз, турли-туман ҳайкалча топилган бўлиб, унинг асосий қисмини сўғд-

турк ҳайкалчалари ташкил қилади. Бундай ҳайкалчаларни икки гурӯҳга бўлиш мумкин. Биринчи гурӯҳга анча ғалати қиёфадаги: кўзлари ҳалқасимон қилиб берилган, катта оғизлари тимдаланган, кўпинча бурни катта қилиб ишланган одам тасвири киради; бундан ташқари, от минган тасвирлар ҳам бор; иккинчи гурӯҳга қолипда тайёрланган ҳайкалчалар киради. Бунда нафис қилиб тарашланган чеҳралар тасвиригина қолипда тайёрланган. Сўнгги йилларда олиб борилган



Ёзувли товоқ.

археологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, бу буюмлар тайёрланган давр V—VIII асрларга тўғри келади.

Эҳтимол, айрим ҳолларда V—VIII асрлардаги ҳайкалчалар тайёрловчи усталар ўзларидан олдинги вақтларда тайёрланган қолиплардан фойдаланган ёки ўша пайтдаги бадний асарларни қайтадан яратган бўлишлари мумкин. Схематик, содда тарзда ясалган фигурачаларнинг бош ҳажми гавдасига мос бўлмаганлигини кўпинча ана шу билан изоҳлаш мумкин. Фигурачалар қўлида чўқмор, музика асбоби ушлаган, баъзида қўллари кўкракларига қўйилган ёки қўллари билан биқинларига таяниб турган ҳолда тасвирланган.

Тўқмоқлар билан қуролланган отлич жангчиларни тасвирлайдиган бир типдаги терракоталарнинг алоҳида гуруҳи бошқаларидан ажралиб туради. Бунда жангчининг тасвири ало-

ҳида қолипда босилган, оти эса қўлда ясалган. Жангчиларнинг юз тузилиши европаликлар ва монголларга ўхшайди. Буюмлар маҳаллий усталарнинг ўзлари тайёрлаган нухалар асосида ясалгани учун ҳам уларнинг боши билан гавдаси бир-бирига анча мос бўлиб чиққан. Европаликларнинг юз тузилиши орқали сўғд жангчилари, монгол типигаги юз тузилиши билан эса турк жангчилари тасвирланган деб тахмин қилинмоқда.

Андазалар ва терракотадан қилинган баъзи бир плитачалар V—VIII асрларга тўғри келади. Андазаларда эркак ва аёл худолари, масалан, ой ва бошқа худолар, сополларда эса шоҳлар ва ов лавҳалари тасвирланган. 1966 йилда Афросиёбда топилган ва терракотадан қилинган плита бўлаги диққатга сазовор бўлиб, унда отда елиб бораётган чавандоз тасвирланган. Мазмун жиҳатидан бу сурат Сўғднинг қумуш товоқларидаги тасвирлари (Варахша, Панжикент), расмларига ўхшаб кетади.

Терракоталар орасида одам калласини ёки бутун фигурани тасвирловчи катта идишлар ажралиб туради. Бунда кўпгина деталлар қўлда қилинган. Оссуарий қонқоқларида одам калласининг тасвири берилиши айниқса қизиқарлидир.

Шундай қилиб, эфталит-турк коропастикасида буюмлар тайёрлаш санъати ва усулларининг турли-туманлиги кўзга ташланади. Терракотадан ясалган буюмларда янги хусусиятлар мувозанатдан четлаш, ҳажмнинг катталашиши, ҳолатнинг эркинлиги, айниқса, терракотадан қилинган плиталардаги композицияларда яққол кўринади.

Сўғд терракоталарининг кўпи Ўрта Осиёнинг бошқа районларидаги ана шундай буюмлардан фарқ қилади. Бу ўрнинда сўғдда кўп асрлар давомида қарор топган маълум бадний мактаб ҳақида гапириш мумкин.

Кейинги йиллардаги археологик ишлар Сўғд ҳунармандчилик ишлаб чиқариши яхши ривож топган марказлардан бўлганлигини кўрсатиб берди. Афросиёбда VI—VIII асрларда бунёд этилган биноларни қазиб вақтида шиша идишлар ва шишадан қилинган бошқа буюмларнинг жуда кўп бўлаклари топилди.

Афросиёбда, шунингдек, темир буюмлар тайёрланган бино ҳам топилди. Металл буюмлар ясаладиган ишхоналар уй-жой комплексларидан бир оз четда жойлашган. Темирчилик ўчоқлари, махсус сопол ванначалар, қуйиш қолиплари меҳнат қуроли бўлиб хизмат қилган.


Ҳунармандчилик устахоналари асосан шаҳар чеккасидаги работларда жойлашиб, улар Самарқандда араблар истило-сига қадар ҳам мавжуд бўлган.

Ихтисослаштирилган ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг маҳсулотлари ички бозор учунгина талаб қилинмай, шу

билан бирга халқаро савдо буюмлари бўлиб ҳам хизмат қилган.

Сопол буюмлар тайёрлаш ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг кенг тарқалган тури бўлган. Уша даврдаги сопол буюмлар жуда хилма-хил: четлари тўлқинсимон косалар, ликочалар, товоқчалар, танасининг ўрта қисмида илмоқсимон дастали кружкалар шаклида бўлган. Кружкаларнинг танаси ҳам турли шаклда—цилиндрик бўйни ажралиб турган, тўлқинсимон қирралар билан ишланган.

Ноксимон танали тор оғизли кўзалар, тор оғизли ва уч бурчак шаклидаги чумаги, танасининг ўрта қисмида дастаси



Сомониёлар саройидаги ўйма нақшлар.

бўлган кўзалар кўплаб ишланган. Баъзан бундай кўзаларга шаффоф—слюда сурилган. Бу эса сопол идишлар металл идишларга тақлид қилиб тайёрланганини кўрсатади.

Бошқа сопол идишлар ҳам шакл жиҳатидан металл идишларни эслатади. Бундай идишлар арзон бўлиб, зодагонлар оиласида эмас, балки аҳолининг барча табақаларининг уйларида ҳам кенг ишлатилган.

Кўпол тарзда қўлда ишланган идишлар—гилга кўп миқдорда йирик қум, майда шағал (идиш синиқлари) ва шамот (майда шағал) аралаштириб тайёрланган таги ясси ва думалоқ турли ҳажмдаги қозонлар, хурмалар, косалар ҳам бўлган. Идишлар хўжалик ва рўзгор ишлари учун мўлжалланган бўлиб, улар махсус устахоналарда эмас, балки уйда тайёрланган.

Сифатли гилдан тайёрланиб, сўнгра пиширилган йирик идишлар—хумлар ҳам хўжалик эҳтиёжлари учун хизмат қилган. Хумнинг баландлиги қарийб 1 м. Айрим ҳолларда хумнинг юқори қисми тимдаланган ёки ўйиб ишланган нақш билан безатилган. Хумларда дон ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек, сув сақланган.

Кичик хумлар—шакл жиҳатидан думалоқроқ ва бўйи наст бўлган хумчалар айниқса кенг қўлланилган. Улар ихтисослаштирилган сопол устахоналарда тайёрланган.

Кулоллар сопол идишлардан ташқари, бир томонида пилик учун чўзинчоқ бурунчаси бўлган думалоқ ёғчиروқлар, шақилдоқлар, ҳамёнлар, сузгичлар, кулоллар ва рўзгорда ишлатиладиган бошқа буюмларни ҳам тайёрлаганлар.

Корапластлар терракотадан тайёрланган ҳайкалчаларни сопол печларда пиширган. Махсус устахоналарда оссуарийлар ва гишт пиширилган. Пишиқ гишт полларнинг тагига қўйиш учун ва идиш тагликлари сифатида ишлатилган.

Қимматбаҳо металллардан идишлар ясаш билан бир қаторда, зодагонлар табақаси учун бадий буюмлар—олтин тахтлар, дабдабали соябонлар, ҳайвонлар ва одамларнинг тасвири билан безатилган тахтиравонлар ишланган.

Афросиёбдаги расмлар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари, сўғдларнинг қурол-яроғлар тайёрлаши ҳақида фикр юритиш имконини беради. Қалта ханжарлар деҳқонларнинг қуроли бўлиб хизмат этган, улар камарнинг ўнг томонига тақиб юрилган. Ханжарлар дастаси ёввойи қуш калласининг тасвири билан безатилган. Олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган қинли тўғри узун қилич чап томонга тақилган. Чўқморлар ҳам ишлатилган. Кейинчалик бундай чўқморлар паҳлавон жангчиларгагина хос қурол бўлиб қолган. Уларда тасвирланган буқа калласи кучқудрат рамзи ҳисобланган. Чўқморлар билан Сосоний ва эфталитлар қўшинларининг отлик аскарлари қуролланган.

Ҳарбий соҳада ёй катта аҳамиятга эга бўлган. Афросиёбдаги расмларда ёйлар қоплон терисидан тортилган филофларда тасвирланган.

Расмлардаги кийимларнинг беаги хилма-хил ва бой. Бу ердан тўқиш станокларининг ип йиғириш ва чўкич асбоблари кўплаб топилди. Бу, кийим-кечакларни маҳаллий усталар тайёрлаганидан далолат беради.

Халқаро савдо алоқалари ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг кенгайганлиги пул муомаласининг ривожланишига ёрдам берди. Самарқандда эфталитлар даврида зарб қилинган кумуш, шунингдек, сосонийлар ва хитойларнинг тангаларига тақлидан ишланган тангалар топилди. Савдотикнинг ривожланганлиги туфайли Самарқанд илк ўрта

аср Шарқида энг йирик иқтисодий ва маданий марказлардан бирига айланди.

Афросиёбда илк ўрта аср қатламлари ётган майдон сўғд ҳужжатларида ва арабларнинг тарихий-географик адабиётида тилга олинган йирик шаҳарлардан бири бўлган Панжикент майдонидан каттадир.

Панжикент иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Самарқандга боғлиқ эди ва феодал тарқоқлиги даврида ҳам афтидан шаҳар эркин бўлмаган. Бу шаҳарда топилган тангаларнинг кўпи Самарқандда зарб қилинган.

Афросиёб ва Панжикентда олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, Сўғд шаҳарларини қуриш биратўла уй-жой массивларини барпо этиш йўли билан олиб борилган бўлиб, бунда кўчалар бирлаштирувчи омил сифатида хизмат қилган. Кўчалар тор бўлиб, шаҳар дарвозаларидан шаҳар марказига томон чўзилиб кетган. Кўчаларда жойлашган уйларга, шу жумладан, савдо-сотиқ қилинадиган иморатларга ёндош қилиб янги, баъзан икки ва уч қаватли бинолар қурилган. Иморатларнинг юқори қаватларига пандуслар ёки нарвоңлар билан чиқилган. Янги иморатлар хоналар ва ҳатто бутун бир комплексе хоналар ҳисобига барпо этилиб, натижада йирик уй-жой массиви вужудга келган. Худди ана шундай массивларнинг ҳар бирида катта заллар бўлган. Баъзида уй-жой массивлари бир-бирига қўшилиб кетган. Фақатгина шаҳар марказидаги ибодатхоналаргина алоҳида жойлашган эди.

Афтидан, Афросиёбда уй-жойлар қуриш ҳам шу тариқа олиб борилган бўлиб, бу ерда 100--120 квадрат метр келадиган бир неча зал аниқланди. Бундай залларнинг усти турли усулда текис қилиб ёпилган. Узун тўсинлар бевосита деворларнинг устига қўйилган, калта тўсинлар эса устунлар ёрдамида маҳкамланган. Афросиёбдаги заллардан бирида устунлар тўсинларнинг учларига қўйилган ва ярим ҳолда девор ичига киритиб сувалган. Айрим залларда девордан 2 метр чамаси оралатиб 4 тадан устун қўйилган. Уларнинг юқори қисмлари тўсинлар билан маҳкамланган. Тўсин қўйишнинг бундай усули қисқа устунлардан ҳам фойдаланиш имконини берган. Кенглиги 3,5 метрдан ошмаган кичик уйлар, йўлакларнинг чети хом ғиштдан териб чиқилган гумбаз шаклида ёпилган. Пахса деворлар ва узунлиги ўрта ҳисобда 50 сантиметр, кенглиги 25 сантиметр ва қалинлиги 9—10 сантиметр келадиган узунчоқ хом ғишт ўша замонда асосий қурилиш материал бўлиб хизмат қилган.

Афросиёбдаги иморатларнинг деворлари баъзан бир икки қатор ғишт билан аралаштириб терилган, асосан эса пахсадан қилинган. Бу деворларнинг юқори қисмига ғишт терилган. Баъзи ҳолларда деворлар нуқул ғиштдан терилиб, лой

билан сувалган. Ана шундай деворлар бўйлаб кенглиги 1 метр ва баландлиги 50 сантиметр келадиган супа қилинган. Деворлар сомон сувоқдан чиқарилгач, яхши пишитилган лой билан пухталаб артилган ва кейин ганч сувоқ қилинган. Уларнинг айримларида расмлар сақланиб қолган. Эшиклар устидаги равоқлар гиштдан терилган. Деворларда қолдирилган тешиклар ёғоч эшик, баъзан эса гиламлар билан ёпилган бўлса керак. Шипда қолдирилган туйнук ёки деворларнинг юқори қисмларидаги тирқишлар орқали уйга ёруғлик тушган. Шиплар, карнизлар, эшиклар, тахтиравонлар ёғочдан ясалган. Уларнинг сирти ўйма нақш билан безатилган. Буни ёнғиндан куйган иморатларнинг юқори қисми, сўнгра сақланиб қолган ёғоч бўлақларида кўриш мумкин. Бошқа ёғоч буюмларни термитлар—қирчумолилар йўқ қилиб юборган ёки чириб кетган.

Афросиёбда ҳозирча ёғочга ўйиб нақш солиб ишланган бир зал қазиб топилди. Усти куйган нақшнинг бир қисми сақланган, унга гуллар, ўсимликларнинг нақшлари, одам тасвири чизилган.

Қасрлар ва саройларни безашнинг асосий турларидан бири деворларга сурат солиш бўлган. Деворлардаги суратлар бизни илк феодал жамиятининг турмуши, маданияти, дини, мифологияси ва кундалик ҳаёти билан таништиради.

1965 йилнинг баҳорида Афросиёбда олиб борилган қазилма ишлари вақтида очилган девордаги суратлар археологлар учун кутилмаган бир воқеа эмас эди. 1903 йилнинг баҳоридаёқ В. Л. Вяткин Афросиёбда қазилма ишлари ўтказган вақтида деворга солинган суратнинг яхши сақланмаган парчаларини аниқлаган. Афсуски ходимларнинг бу расмларни бузилишдан сақлаш (консервация) усулини билмаганлиги оқибатида у етиб келмаган. Суратли сувоқ қуриб қолиб тўкилган, лекин ундан нусха олиб қолинган. Деворда одам фигуралари тасвирланган бўлиб, улар тагидан эса йўл-йўл қилиб нақш берилган.

1961 йили Афросиёбда ўрта асрлардаги хумдонларни қазиб вақтида деворга ишланган нақш бўлақлари топилди. 1963 йилда Жоме мачит районида суратлар чизилган девор (нақшинкор ҳошия), 1965 йилнинг баҳорида деворларига расмлар солинган яна олти иморат очилди. Биринчи бўлиб қазилган залнинг фақат шимол томонидаги деворгагина сурат солинган. Унда тахтиравон тагида ўтирган эркак ва аёл тасвирланган бўлиб, қўлларида олов ёниб турган косалар бор. Уларнинг ҳар икки томонида хизматкорлар турибди. Қолган уч девор оқ ранг (ганч)га бўялган. Ягона карниз икки товус сурати билан безатилган. Товуслар мева солинган косага қараб турибди, улар тагида нақшли ҳошия бор.



Иккинчи залнинг ярми очилди. Ундаги суратлар яхши сақланган. Учинчи залдан жуда ажойиб нақш бўлаклари топилди. Қолган уч залда суратларнинг борлиги аниқланди, лекин улар очиб кўрилмади.

1965 йилда В. А. Шишкин раҳбарлигида шаҳарнинг иккинчи деворидан шарқ томон кўҳна шаҳарнинг марказий қисмида катта археологик қазиш ишлари олиб борилди. Бу ерда X—XI асрлардаги кулолларнинг уйлари жойлашган (жуда кўп хумдонлар, шунингдек, сугориш учун ишлатиладиган сопол буюмлар тайёрланган иморатлар аниқланди).

Ана шу иморатлар остида VI—VII асрларда яхлит шаҳар курилишининг катта комплекси аниқланди. Улкан турар-жой биноси ёки сарой комплекси бўлган заллардан биридаги суратлар анча тўла сақланган. Унинг узунлиги ва кенлиги ҳам 11 м. Унинг деворлари пахсадан урилган бўлиб, сомони лой билан сувоқ қилинган ва яхши ивитилган лой билан юпқа қилиб артилган. Кўпинча деворларнинг сирти оқ рангли туپроқ (ганч) билан қайта бўялиб, рассомлар ана шу тайёр сувоққа сурат чизишган.

Чунончи, катта залнинг тўла очилган жануб томонидаги деворнинг шарқий қисмида кечик пирамида шаклида шартли тарзда (томошабиндан) чап томонга, қасрга қараб бораётган тантанали юриш маросими кўрсатилган. Олдинги қаторда зеб бериб безатилган чакмон кийган тўрт эркак киши тасвирланган. Сурат тўла сақланмаган: фигураларнинг белидан бир оз пастки қисми бузилган. Аста-секин қадам ташлаётган оқ фил тантанали юришни бошлаб бормоқда. Унинг хартуми ўралган, тишлари олдинга чиқиб турибди. Филнинг бўйнига осиб қўйилган қўнғироқ ва абзалига маҳкамланган оғир кўк попуқлар оҳиста силкиниб бормоқда. Филнинг усти марварид доналаридан безатилган жўл, улар ўртасида қанотли шер тасвирланган.

Суратнинг юқори қисмида сақланган кичик бўлақларга қараб фикр юритилса, фил устидаги тахтиравонда оқсуяк аёл ўтирарди. Тахтиравондан фақат битта орқа устулча сақланиб қолган бўлиб, хонимнинг орқа томонида, ўтирган ҳолда тасвирланган хизматкор аёл ўзи учун махсус ажратилган жойда ана шу устунчани ушлаб ўтирган. Фил кетидан отга минган уч аёл келяпти. Бу отлич аёллардан биринчисининг тасвири тўлиқ сақланган. У оёқларини бир томонга қўйиб, тўқ кўк рангдаги отда ўтирибди. Мўъжаз этикча кийган аёлнинг чап оёғи узангига қўйилган, тиззасидан букланган ўнг оёғи эса чап оёғи тагида. Аёл узун енгил шойи куйлак кийган, унинг тиззасигача келадиган юқори қисми қизил, жуда кўп бурмали мўъжаз қора этикларга тушиб турган унинг пастки қисми сариқ рангда. Унг елкаси ва кўкраги орқали тасма боғлаган. Аёл юган ушлаган чап қўлининг ортида аниқ сўғдча ёзув сақ-

ланган бўлиб, унинг бир сўзи «малканинг яқини» деган маънони англатади.

Сариқ отда бораётган иккинчи аёл ҳам худди биринчи аёл кўринишида тасвирланган. Отнинг югани унинг ўнг қўлида. У қизил тасма ўтказилган оқ кўйлак кийган. Аёлнинг боши ва елкаларининг тасвири деярли сақланмаган.



Шоҳизинда ансамблидаги ўйма ёғоч консоли.

Қизил отга минган учинчи аёл тасвири яхши сақланмаган. Яна ҳам юқорироқда, худди тўртинчи планда деворнинг бутун узунасига ҳам отлар тасвирланган бўлиб, уларнинг фақат оёқлари сурати сақланган. Деворнинг пастки қисмида кенглиги қарийб 0,5 м бўлган нақш чизилган.

Аёллар кетидан туяга минган икки эркак боряпти. Қора-чадан келган биринчи эркак катта ёшда бўлиб, соқоли ва мўйловига оқ тушганлиги яққол сезилиб турибди. Унинг ўсиқ қуюқ қошларигача ҳам оқ. Қорамтир юзида қовоқлари бо-

тиқ, кўк кўзлари ёрқин кўринади. Сочлари оқ боғич билан боғланган. Чап қулоғида зирак бор. У ўнг қўлининг икки бармоғи билан қалъани кўрсатапти. Чап қўлида учига ҳайвон боши ишланган чўқмор. Устига қизил чакмон кийган. Елкасига ташлаган сариқ енгсиз кийим шамолда ҳилпирайди.

Иккинчи эркак ёш, рангпар юзли, қора соқолли ва ингичка мўйловлидир. Қора сочлари қизил боғич билан тортилган. Биринчи эркак киши сингари унинг юз тузилиши ҳам европаликларникига ўхшайди. Катта қирғий бурунли, оғзи кичик бу кишининг ўнг қўлида сариқ (олтин) чўқмор бор. Иккала эркак ҳам узун қилич билан қуролланган бўлиб, камарнинг чап томонида осилиб турибди. Уларнинг белбоғларига калта ханжар осилган бўлиб, дасталарида ёввойи қушлар бошининг тасвири солинган.

Туялар жигаранг, биринчисининг устида филларнинг сурати солинган кунгуралар билан безатилган доирасимон жул бор.

Кейинги гуруҳлар учун ҳам ана шундай тасвир характерлидир. Биринчи қаторда жул билан ёпилган кўк от бўлиб, унинг оёқларида ранг-баранг боғичлар ҳилпираб турибди. қуюқ қора соқолли эркак отни юганидан ушлаб келяпти. Унинг юзида оғзи ва бурнини беркитиб турувчи рўмол бор.

От тепасида тўртта оқ қуш тасвирланган бўлиб, уларга сўғд сўзлари ёзилган. Қушларнинг бирига катта-катта қилиб «оёқ» сўзи ёзилган, иккинчисида у кўп марта такрорланган, лекин яхши сақланмаган. Ёш йигит қушларни ҳайдамоқда. Унинг сочлари кокилча қилиб ўралган. Юзида эса отни етаклаб келаётган эркакникига ўхшаш рўмол бор. Шунга ўхшаш тасвирлар кумуш товоқларда ҳам учрайди.

Учинчи планда расмнинг энг юқори қисмида илгари гапириб ўтилган бир тўда отличлар кўрсатилган. Лекин суратдаги от оёқларининг тасвиригина сақланиб қолган. Бу гуруҳ кетидан оқ қушлар, афтидан, ғозлар тасвирланган доиралар билан безатилган қизил чакмон кийган чавандоз сариқ отда келяпти. Унинг камарида қилли қилич ва қоплон терисидан тортилган ёй гилофи. Эркакнинг фигураси белигача бўлак-бўлак тарзда сақланган. Отнинг қора думи ўрта қисмидан боғич билан боғланган; унинг оёқларида ҳам боғичлар бор, бир оёғида сўғд ёзувининг излари ҳамда эфталит ва араб хатининг қинғир-қийшиқ ёзувлари бор.

Бу отлич композициядаги асосий шахс бўлиб, делегация бошлиғига ўхшайди, унинг қиёфаси қолганларга қараганда икки марта катта бўлиб, бу билан рассом унинг юқори мартабали киши эканлигини таъкидлаган. Асосий қаҳрамонни ана шундай ажратиб бўрттириб кўрсатиш усули Шарқ санъати учун характерлидир.

Иморатнинг ғарбий девори ярмигача очилди. Унда ҳам кўп планли ғоят қизиқарли лавҳалар тасвирланган. Олдинда ҳаёда олиб бораётган тўққиз киши (5 фигура яхши сақланган) тасвирланган бўлиб, улардан уч киши қимматбаҳо чакмон кийган. Уларнинг қўлларида ҳаёдалар—тангалар, олтин билан безатилган маржонлар, қанотли шерлар сурати солиниб донралар билан безатилган бир тўп газмол бор. Тўнлик газламани безаш учун тўнғиз, тумшуғида марварид шодасини тутган қуш, қанотли итлар кўринишидаги афсонавий ҳайвонлар бошлари тасвиридан фойдаланилган. Тухфани инъом этувчилар олтин камар боғлаб, ханжар ва қилич тақиб олган. Камарининг ўнг томонида рўмоллар, ҳамёнлар, Икковийнинг сочи боғичлар билан тортиб боғланган. Улардан бирининг оч жигарранг юзида яхши сақланмаган ёзув бор. Совға кўтариб борувчи учинчи киши уларнинг каттакони бўлса керак, бошида ёввойи тўнғиз сурати тасвирланган шойи телпак кийган ва устига кўкрагидан боғлаб қўйиладиган енгсиз кийим ташлаб олган. Унинг бўйнида ҳам ёзувлар изи мавжуд.

Тасвирдаги фигуралардан антропологик типи ва устидаги кийимига кўра бошқа икки киши ажралиб туради. Уларнинг уч ўрам қилиб ўрилган узун сочлари белларидан ҳам пастга тушиб турибди. Ингичка қора мўйловлари бор. Уларнинг чакмонлари элчиларнинг либосидан кўра камтарроқ. Биринчиси икки ёқали ва ўртасида боғичи бор қизил, иккинчиси сариқ чакмон кийган. Фигуралар эркин ҳолатда турибди. Сариқ чакмон кийган эркак орқасидан келаётган кишига унинг кетидан боришини тақлиф этаётгандек бошини ўша тарафга қаратган. Ана шу икки фигура билан деворнинг очилган қисмидаги суратлар тугайди. Бу фигуралардан юқорида жанабуий деворда тик турган икки эркакнинг фигураси тасвирланган. Улардан бири қизил чакмон, орқасига ўгирилган иккинчиси эса оқ чакмон кийган бўлиб, чакмоннинг очиқ жойида сўғдча ёзув бор. Ана шу ёзув деярли тўлиқ сақланган. Махсус котиб томонидан ёзилган ўзига хос бу ишонч ёрлиғи 16 сатр келадиган вертикал текстдан иборат.

Хатнинг таржимаси қуйидагича: «Хунлар шоҳининг элчиси етиб келгач, у оғзини жуфтлаб (бундай деди): «Чағаниён маҳкамасининг бошлиғи мен Бур-Затак (Бур ўғли) Самарқанд шоҳига иззат-ҳурматимизни изҳор қилмоқ учун Чағаниён подшоши Турантош ҳузуридан Самарқандга келдим. Мана, эҳтиром билан (Самарқанд) шоҳи олдида турибман. Сизлар менга ҳеч шубҳа билан қарамаңлар—Самарқанд худодлари ва Самарқанд ёзувдани яхши хабардорман. Мен қудратли шоҳингизга ҳурматимни билдираман. Сизлар эсон-омон бўлинглар. Шунингдек, хунлар подшоши ҳам... (бу ёғи бузилган). Чағаниён маҳкамасининг бошлиғи шундай дейди».

Оқ чакмон кийган фигура олдида композициянинг иккинчи планида гиламчада иккитадан бўлиб, бир-бирига қарама-қарши ўтирган тўртта эркак тасвирланган. Томошабинга орқаси билан ўтирган кишиларнинг қора сочлари узун бўлиб, белидан ҳам пастга тушган, юзи билан ўнг томонга ўгирилган соқол қўймаган кишиларнинг эса ингичка қора мўйловлари бор.

Шарқий девор бошқа деворга қараганда ёмон сақланган. Аммо ундаги суратлар жуда қизиқарлидир. Деворда денгиз (ёки дарё) тасвирланиб, унинг тўлқинларида яланғоч болалар ва катта кишилар ўйнашмоқда. Болалар учиб бораётган қушларга ўқ ёй отишмоқда: улардан бири эса қандайдир ҳайвоннинг думини тортиб турибди. Чўмилаётган кишилар орасида қўлида боласи бўлган аёл ҳам бор. Бу ерда ўрдаклар, тошбақа, балиқлар ва бошқа жонли мавжудотлар сузишмоқда. Бундан сал юқорида эркак кишилар, отлар тасвирланган бўлиб, лекин улар оёқлари суратининг фақат ўринлари қолган, холос.

Зал деворларидаги суратлар композициясини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Жанубий деворда Чағаниён шоҳининг ўзи бошчилик қилаётган элчилар тасвирланган. Оқ от минган шоҳ тантанали юриш маросимининг марказида турибди, олдинда, фил устида эса малика ўтирибди. Элчилар Самарқанд шоҳига совғалар, жумладан, чиройли қушлар, қимматбаҳо буюмлар ва ҳоказолар олиб бормоқда.

Гарбий деворнинг очилган қисмида Самарқанд шоҳи ёки Сўгднинг асосий худосига совғалар топшириш лавҳаси тасвирланган. Саройга келган Чағаниён элчилари совғаларни тақдим этиб, «ишонч ёрлиғи»ни топшираётпти. Бу ёрлиқнинг тексти, юқорида келтирилгандек, тасвирланган персонажлардан бирининг тўни этагига ёзилган. Самарқанд шоҳининг аёнлари элчихона аъзоларига ҳамроҳ бўлмоқда. Улар антропологик типи ва кийимлари жиҳатидан меҳмонлардан фарқ қилади. Сарой аёнлари орасида рассомлар, котиблар (уларнинг камарига ичида қаламлари бўлган филофлар осиглиқ турибди), олимлар, ёзувчилар бор. Улар гилам устида ўтириб, қизғин суҳбатлашмоқдалар, ўтирганлардан бирининг қўлида китоб. Иморат бутунлай очилгандан сўнг девордаги бошқа лавҳаларни ҳам узил-кесил таҳлил қилиш мумкин.

Шарқий деворда денгиз, балиқлар ва чўмлаётган болалар тасвири чизилган суратлар сюжети жумбоқлидир. Я. Ғ. Гуломовнинг фикрича, бу ерда Овисталаги афсонавий Вурукаш денгизи—ҳузур-ҳаловат денгизи кўрсатилган.

1951 йилда Тупроққалъада очилган Панжикент монументал ҳайкаллар композициясида худди ана шунга ўхшаш денгиз тасвирланган суратлар топилди. II ибодатхона территориясининг шарқ томонидаги айвондан афсонавий дарё ман-

заъраси тасвирининг жуда кўплаб парчалари аниқланди. Ҳаворанг тўлқинлар фонид афсонавий ҳайвонлар, балиқлар, одамлар ва одамсимон фигуралар тасвирланган. Панжикентдан топилган ҳайкаллар деҳқонларнинг сув стихиясини ҳурматлаши билан боғлиқ бўлган эътиқодини акс эттиради. Урта Осиёда ана шундай диннинг мавжуд бўлиши энг қадим замонларда афсоналар яратилишида муҳим омил ҳисобланган. Рассом сув стихиясига эҳтиром билдириш билан боғлиқ бўлган лавҳасида унга сифиниш—унумдорлик ва деҳқончилик эътиқоди билан чирмашиб кетганлигини тасвирлайди.


Тарихий маълумотларга қараганда, Самарқанд резиденциясида ибодатхона бўлиб, бу ерга олтинчи ойда қурбонлик келтирилган. Бошқа жойларнинг ҳокимлари қурбонликда қатнашиш мақсадида бу ерга келишган. Ана шу маълумотга асосланиб, Чағаниён элчилари ўз туҳфалари билан худди шундай тантанага келишган деб тахмин қилиш мумкин. Бу ерга келган кишилар «Самарқанд худоларидан яхши хабардор эканликлари», бинобарин, расм-русмларни ва Самарқанд шоҳига эҳтиром билдириш одатини ҳам билганликлари ёрлиқда кўрсатилади. Қурбонлик қилиш одати анъаналари узоқ даврларга бориб тақаладиган байрам билан боғлиқ бўлиши мумкин. Сўғда маросимлар қандай бўлганлигини айтиш қийин, албатта. Шарқий девордаги композицияда байрам маросими тасвирланган бўлиши мумкин.

Афросиёб суратларининг бадий хусусиятлари ҳам қизиқарлидир. Бу ердаги суратларнинг композицияси кўп планли ва кенгдир. Бу ерда манзарани кичрайтириб кўрсатиш кўришмайди, лекин композициянинг чуқурлиги сезилиб туради. Рассом баланд нуқтадан туриб расм солганга ўхшаб туюлади. У деворнинг бутун текис жойини фигуралар билан тўлдирган, лекин бу ерда ортиқча суратлар бўлиши ва перспектив кичрайтиришнинг йўқлиги сезилмайди.

Ғарбий девордаги суратлар ҳам худди шу усулда бажарилган. Олдинда Чағаниён элчихонасининг аъзолари ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар, иккинчи қаторда эса иккитадан бўлиб, бир-бирига қарама-қарши ўтирган одамлар тасвирланган. Ана шу кишиларнинг бир жуфти мураккаб ракурсда, орқа томондан тасвирланган. Рассом воқелик билан маҳкам боғланган кенг фикрлаш истеъдодига эга бўлган, воқелик эса фантазия элементлари билан чирмашиб кетган. Филлар, отлар, суворийлар — буларнинг ҳаммаси реал воқелик инъикосидир.

Суратларда ўзига қадар мавжуд бўлган бадий мактабнинг бой тажрибасини ўзлаштирган, авлодларнинг барча серқирра тажрибасини эгаллаган йирик рассомнинг маҳорати намоеён бўлган. Ҳақиқий реалистик санъатнинг бу мактаби лавҳаларни бирлаштиришдагина эмас, балки сурат-

нинг ўзида ҳам, сурат ва мўйқаламни эгаллаш маҳоратида ҳам сезилиб турибди. Рассом учун иккинчи даражали масала йўқ. Кийимдаги гулми ёки персонажнинг юзми — бари бир ҳар қандай тафсилот бир хилда пухта ва маҳорат билан ишланган. Бу ерда ортиқча ёки пала-партиш чизиқлар йўқ, улар муайян вазифани адо этади. Бунинг учун туяга минган кекса кишининг бош тасвирига диққат билан назар ташлаш кифоядир: унинг соқоли, қошларидаги ҳар



XII асрда яратилган Ибн Ҳасан мақбарасидаги панел (Афросиёб).

бир соч каллиграфик аниқлик билан акс эттирилган, суратнинг ҳар бир чизиғи уни салмоқдор қилган.

Персонажларнинг руҳий ҳолати — уларнинг ҳис-туйғулари, кайфияти моҳирлик билан кўрсатилган. Рассом кишилар характерининг ички хусусиятларини уларни ташқи жиҳатдан тасвирлаш йўли орқали ифодалашга интилади. Чунинчи, элчихона аъзоларидан бирининг осилиб тушган қошлари, катта очилган кўк кўзлари, лаб учларининг бир оз осилганлиги унинг қатъиятлигини, фикрини бир нуқтага тўплай олишини, ўз қадр-қимматини ҳис эта билганлигини ифодалайди.

Агар Болалиқтепа ва бошқа жойларда топилган суратларда одамларнинг юзларини ифодалашда уларнинг руҳий хусусиятлари берилмай, шаклбозлик ва қандайдир силлиқлик сезилса, Афросиёбда топилган суратларда эса баъ-

зап киши характериши очиб беришга бўлган интилиш кузатилади.

Элчихонанинг бошқа аъзолари тасвирланган вақтда уларнинг руҳий ҳолати таъкидлаб ўтилмайди, лекин ҳар бир кишининг юзи ниҳоятда ўзига хос бўлиб, уни бошқа юзлар билан алмаштириб юбориш мумкин эмас. Рассом персонажлар портретларини бир-биринга ўхшатиш учун ҳаракат қилган бўлса керак, лекин у бунга қанчалик эришганини айтиши қийин. Ҳар ҳолда рассом портретда муайян этник типни тасвирлаб беришга эришган.

Умуман, реалистик суратларни чизишда фантазия элементлари, аниқроғи мифология ва дин билан боғлиқ бўлган пореал дунёни тасвирлаш кўзга ташланади. Газмолларнинг гулларидаги фантастик образлар: қанотли отлар, такалар, итлар ва бошқа ҳайвонларнинг суратлари жуда ёрқин ифодаланган. Бу рассомнинг фантазияси эмас, балки бутун жамиятнинг пореал дунёни тасаввур қилиш маҳсули бўлиб, рассомлар эса уни муайян образларда гавдалантирган. Чунончи, қанотли қўчқор — шоҳларга хос бўлган улуғлик, серҳашамлик, дабдабалик образидир.

Табиий ҳажмни катталаштириб кўрсатиш пореалликнинг иккинчи бир элементи бўлиб, масалан, шоҳ ёки делегацияларнинг бошлиқлари қолган фигураларга нисбатан каттароқ қилиб тасвирланган. Асосий фигураларнинг атрофидаги кишиларга нисбатан ижтимоий жиҳатдан тенг эмаслигини таъкидлаш учун уларни ана шундай бўрттириб кўрсатиш усули кўп асрлар давомида Шарқда қарор топган бадний мактаб учун қонун бўлган. Ана шу шахсларнинг катта ҳажмда тасвирланиши томошабинларда уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ҳисларини туғдириши керак эди.

Суратларда фил реалистик тасвирланган. Лекин девор билан чекланган шу лавҳанинг бутун композицияси ҳажми рассомга маълум ўлчамга риоя қилиш имконини бермаган, унинг ўзи ҳам бунга унчалик аҳамият билан қарамаган.

Оқ қушларни, эҳтимол туя қушларни тасвирлашда реалистик хусусиятлар камроқ намоён бўлган. Рассом бу қушларни ҳикоялар ва ёзма манбалар бўйичагина тасаввур қилган бўлиши мумкин.

Афросиёбда топилган суратларда феодал жамиятнинг юқори табақалари — деҳқонларнинг ҳаётидан олинган лавҳалар тасвирланган. Турли антропологик типларни, Чағониён элчихонаси аъзолари турли этник группаларининг вакиллари тасвирлаш — юзларда тукларнинг кўплиги, сочларнинг жингалак, юмшоқ, қора ва малларанг бўлиши рассомнинг реал дунёнинг кўп томонларини акс эттирганлигидан далолат бериб туради. Шунингдек, рассом кишиларнинг юз



тузилишини, пешона, бурун ва кўзларни жуда моҳирлик билан тасвирлай олган.

Суратларда тасвирланган одамларнинг бошқа гуруҳи узун қилиб ўрилган қора сочли, ингичка мўйловли кишилардир. Уларнинг соқоли йўқ, яноқ суяклари ҳам унчалик чиқиб турмайди, лекин айрим белгиларига кўра, кўз қийғи тор, ташқи бурчаги ички бурчагидан баландроқ жойлашгандир. Бурун тўғри, лаблар ўртача қалинликда, юқори лаб пастки лабга қараганда бир оз чиққан.

Ўз замонасидаги одамларнинг суратларини чизган расомлар ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар этногенези масалаларига оид маълумотлар билан бизни бойитди.

#### IV БОБ

### ФЕОДАЛИЗМ РИВОЖЛАНГАН ДАВРДА САМАРҚАНД

#### 1 IX АСРНИНГ ОХИРИ ВА XIII АСРНИНГ БОШЛАРИДА САМАРҚАНД

Наср ибн Аҳмад ўзини етарли даражада кучли деб сезгач, IX асрнинг охиридан бошлаб ўз номидан кумуш танга зарб қила бошлади (шунгача фақат Тоҳирийларгина танга зарб эта олар эди). Самарқанднинг худди ўзида 887 йилда, эҳтимол бундан ҳам олдинроқдир, биринчи марта Сомонийларнинг кумуш тангалари зарб қилина бошлади.

Насрнинг укаси. Бухорога ноиб этиб тайинланган Исмоил тез орада Наср ҳукмронлигини танишдан бош тортди. Иш урушгача бориб етди. 888 йилда Наср тор-мор қилинди, аммо сулола бошлиғи сифатида Самарқанд тахтида қолдирилди, бироқ энди у Исмоилнинг ишларига аралашмас эди. Самарқанд амирларининг резиденцияси Бухорога кўчирилди. Наср вафотидан кейин Самарқанд ҳокимияти Исмоил қўлига ўтди ва Сомонийлар пойтахти бўлмай қолди, аммо у Мовароуннаҳрдаги энг йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлиб қолди.

Исмоил ибн Аҳмад 900 йилда Саффарийларни тор-мор қилгандан кейин Мовароуннаҳрнинггина эмас, балки Хуросоннинг ҳам ҳокими бўлиб қолди. Исмоил (892—907) Сомонийларнинг энг серғайрат ҳокимларидан бири эди: у давлат ҳокимиятини кучайтиришга, марказлашган ва ихчамлаштирилган амалдорлар аппарати ва кучли армия тузишга қаратилган бир қанча ислохотларни амалга оширди. У фан, савдо, ҳунармандчиликнинг равнақ топиши тўғрисида ҳам маълум даражада ғамхўрлик қилди.

Самарқанд пойтахт бўлмай қолгандан кейин баъзи бир сабабларга кўра, Сомонийларнинг марказий ҳукуматига нисбатан оппозиция таянчига айланди. Чунончи, 914 йилда, Исмоилнинг ўғли Аҳмад (907—914) ва унинг набираси Наср ибн Аҳмад даврида (914—943) Самарқанд марказий ҳокимиятга қарши чиққан Исмоилнинг укаси Исҳоққа катта мадад берди. Ана шундан кейин ҳам Самарқандда ғалаёнлар бў-

либ турган бўлса керак. Масалан, араб географи ва сайёҳи Истахрийнинг (X асрнинг биринчи ярми) хабар беришича, ана шу ғалаёнлар вақтида Самарқанд шаҳристонидаги «Катта» ёки «Кеш» дарвозаси ёниб кетган. Кейинчалик Самарқанд ноиб, Сомонийлар авлоди Муҳаммад ибн Луқмон даврида у қайтадан тикланди.



Рудакий.

960 ва 970 йиллар ўртасида Самарқандга келиб кетган Ибн Хавқал бундай деб ёзади: Самарқанд работининг дёворларида «бу ерда рўй берган исёнлар сабабли на ёғоч, на темир дарвозалар бор. Ана шу исёнлар туфайли ҳоким дарвозаларни олиб ташлашни буюрди». Жуда бой Хуросон ноиблигини эгаллаш учун қудратли Сомоний амалдорлари ўртасида вақти-вақти билан бўлиб турадиган қуроли курашдан ёки Сомонийлар билан ва уларнинг вассали ўртасида бўладиган урушдан Самарқанд асосан четда турди. Фақат бир вақт, 947 йилда, Нўҳ ибн Наср даврида (943—954) Самарқанд яна бир неча ой Сомонийлар пойтахти бўлди, чунки бунда Нўҳ ибн Наср ўзига итоат этмаган вассал Абу Али Чағонийга қарши курашган вақтда Бухорони қўлдан бериб қўйган эди.

Нўҳнинг ўғли Абдумалик даврида (954—961) марказий ҳокимиятнинг обрўи унинг отаси ва бобоси ҳукмронлик қилган вақтдагига қараганда ҳам пасайиб кетди. Мамлакатда ҳокимият сарой гвардиясининг қудратли намояндалари қўлига ўтди. Улар катта ҳарбий лавозимларни ва бой ноибликларни эгаллаб турдилар. Йирик феодал зодагонларнинг қудратли намояндалари — Сомонийларнинг вассаллари ҳам бош кўтарди.

Нўҳнинг вафотидан кейин тожу тахтни ким эгаллаши кераклиги ҳақидаги масалани Сомонийлар хонадонининг аъзолари эмас, балки сарой гвардиясининг қудратли бошлиқлари ҳал қила бошлашди. Энг истеъдодли, лекин Сомонийларнинг итоатсиз ва ишончсиз ҳарбий бошлиқларидан бири бўлган Фойиқ ғолиб чиқди. У Мансур ибн Нўҳни (961—976) тахтага ўтказди. Унинг вориси ва Нўҳ II нинг ўғли (976—997) даврида инқирозга юз тутаётган Сомонийлар давлати Қсрахонийлар сулоласи бошчилик қилган кўчманчи туркларнинг дастлабки зарбаларига учрай бошлади. Бу сулолага кўчманчи турк қабилаларидан бирининг бошлиғи асос солган эди.

992 йилда Тороз ва Болосағун ҳокими Қсрахоний авлодидан Хорун Буғраҳон Сомонийлар давлати чегарасига бостириб кирди. Фойиқ унга қарши чиқди. Жанг Сомонийлар қўшинларининг мағлубияти билан тугади. Лекин Буғраҳон бу ғалабага ана шу ҳал қилувчи дамларда Сомонийларга хиёнат қилган Фойиқнинг ёрдами туфайли эришди.

Буғраҳон Бухорони босиб олганидан кейин Фойиқни Балх ва Термиз ноиби этиб тайинлади.

Шундан кейинги йилларда Сомонийлар давлатининг воришлиги учун Сомоний ҳарбий башлиқлари Фойиқ, Абу Али, Бектузун ва Собуқ Тегин ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Лекин Сомонийлар яқинлашиб қолган ҳалокатни бирон йўсинда ўзгартириш ва бир оз бўлса ҳам тўхтатиб қолишга энди ожиз эди.

996 йилда Қсрахонийлар яна бостириб кирди. Бу сафар Сомонийларни уларнинг энг қудратли вассали Собуқ Тегин сақлаб қолди. Сулҳ шартномасига мувофиқ, Қатвон чўли (Ғаллаорол билан Булунғур ўртасида) Сомонийлар билан Қсрахонийлар ўртасидаги чегара бўлиб қолди. Қсрахонийларнинг талабига кўра, Сомонийлар қўлида қолган Самарқанд ўз вақтида Қсрахонийларга кўп хизмат қилган Фойиқ ноиблигига топширилди.

Нўҳ ибн Мансурнинг вориси Мансур ибн Нўҳ (997—999) мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилди, аммо 999 йилнинг февралда Фойиқ билан Бектузун уни ағдариб ташлаб, тахтага Абдумалик ибн Нўҳни (999 йил февраль — октябрь) ўтқазди.

999 йилнинг октябрида Қорахонийлар яна бостириб кирди. Илек Наср ибн Али деярли қаршиликсиз Бухорони босиб олди, Абдумалик ва унинг қариндош-уғларини асир қилиб, Ўзганддаги қамоққа жўнатди. Шу тариқа бир вақтлар қудратли бўлган сулола қулади.

1000—1005 йилларда Илек Наср ибн Али Сомонийлардан охириги амирнинг укаси Мунтасир Исмоил ибн Нўҳга қарши курашди. Мунтасир Ўзганддан қочиб кетиб, қўшин тўплади ва Қорахонийларга қарши кураш бошлади. Кураш Насрнинг ғалабаси билан тугади. Мунтасир 1005 йилда Мавр районида ўлдирилди. Мовароуннаҳр территориясида янги Қорахонийлар давлати вужудга келди.

Қўзғолонлар, ҳарбий юришлар билан тўлиб тошган нотинч давр бўлишига қарамай, VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг бошларида Самарқанд ўса борди. Янги, тўртинчи марта жуда катта қалъа деворининг бунёд этилганлиги бу даврда шаҳар ҳаётидаги муҳим босқич бўлди. Бу қалъа девори араблар Самарқандни босиб олгунга қадар бўлган қалъа девори эгаллаб турган майдондан қарийб икки баравар катта эди.

IX—X асрларда Самарқанд территорияси шаҳристонни ажратиб турган тўртинчи қалъа девори доирасидан ташқарига ҳам чиқа бошлади. Гарчи шаҳристон ҳамон маъмурий марказ ва шаҳар зодагонлари яшайдиган жой сифатида ўз мавқеини сақлаётган бўлса ҳам, шаҳардан жанубга, ғарбга ва шарққа томси савдо-ҳунармандчилик жойлари—работлар қад кўтара бошлади. Бироқ XI асрдан бошлаб аҳоли шаҳарнинг ғарбий қисмини тарк этиб, шаҳристон доирасидан ташқарига чиқа бошлади. Эски катта уйлар ўрнида кулолчилик устахоналари пайдо бўлди, айни вақтда эски биноларнинг бир қисми ёрдамчи иморатлар сифатида фойдаланилди. Ҳақли равишда Мовароуннаҳрнинг энг катта, чиройли ва бадавлат шаҳарларидан бири ҳисобланган Самарқандда бу даврда экономика юксалган, қосиблик ва савдо-сотиқ равнақ топган эди.

960 ва 970 йиллар орасида Самарқандга келиб кетган Абулқосим ибн Хавқал бундай деб ёзган эди: «Самарқанд Сўғд дарёсидан жанубда жойлашган ва ундан баландда турган шаҳардир. Бу ерда арк, шаҳристон ва работ бор. Аркда ҳозирги вақтда қамоқхона қурилган ва ҳокимлар саройи бор. Аммо бу сарой ҳароба ҳолига келган. Мен аркка кўтарилиб, инсон кўзи ҳеч қачон кўрмаган ажойиб манзаралардан бирини: кўм-кўк дарахтларни, ҳашаматли қасрларни, оқаётган каналларни ва узлуксиз барқ уриб яшнаётган маданиятни кўздан кечирдим. Майдонлар ва шаҳарни безаб турган бинолар алоҳида ажралиб туради. Буларнинг барчаси ҳаминша мавжланиб турган каналларда ва сувга тўла ҳовузларда акс этади.

Самарқандда қалъа ва тўртта дарвоза бор. шарқий дарвоза «Хитой дарвоза»си деб аталади ва у тепаликда жойлашган. Ана шу жойдан кўп сонли зинапойлар орқали Сўғд дарёсига тушилади. Ғарбий дарвоза — Навбаҳор ҳам тепаликда жойлашган, шимолий дарвоза — Бухоро дарвозаси ва жанубий дарвоза—Катта дарвоза деб аталади. Самарқанд—йирик шаҳарлардаги сингари катта бозорлари, бир қанча даҳалари, ҳаммомлари, қарвон саройлари ва уйлари бўлган шаҳар: Бу ерда оқар сув бўлиб, у қисман қўрғошиндан қилинган каналдин оқиб келади. Жоме масжиди шаҳристондаги аркдан пастрокда жойлашган, улар ўртасидан катта йўл кесиб ўтади. Шаҳристондаги Асфизар деб аталган жойда Сомонийлар томонидан бунёд этилган сарой бинолари жойлашган... Баъзи бир жойлардан мустасно, деярли ҳар бир кўчадан ва ҳар бир боғдан оқар сув ўтади, айрим хонадонлардагина боғ йўқ, холос. Самарқанддаги бинолар пахса ва ёғочдан ишланган. Самарқанд — Мовароуннаҳрнинг моҳир ҳунармандлари тўпланган жой бўлиб, уларнинг кўпчилиги Самарқандда таълим олишган».

Қорахонийлар истилосидан кейин Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кўпгина ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар Сомонийлар давлатининг заминидаёқ этила бошлаган эди, аммо Қорахонийларнинг истилоси буни кучайтирди ва чуқур ички процессларнинг ривожланишини энгиллаштирди. Агар Сомонийлар даврида қатъий марказлашган давлатни вужудга келтириш тенденцияси кучли бўлган бўлса, унинг ўрнига келган Қорахонийлар давлати эса кўплаб майда вилоятлардан иборат эди. Ана шу вилоятларнинг бошлиқлари олий ҳокимиятни номигагина тан олишар эди. Шу билан бирга, Қорахонийлар даври — мамлакат экономикаси янада юксалган ва ривожланган давр эди. Бу эса феодал ишлаб чиқариш усулининг янада тараққиёти билан боғлиқ эди.

Археология маълумотларига кўра, XI—XII асрларда Мовароуннаҳр шаҳарлари IX—X асрлардагига нисбатан анча тез ўсди. Шунга мувофиқ тарзда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо ривожланди.

Самарқанд работлари ҳам кенгая бошлади. Шаҳар ҳаётининг маркази шаҳристондан тобора узоқлаша бошлади. Шаҳристоннинг жанубий ва жануби-ғарбий қисмини деярли бутунлай кулоллар ва ҳунармандлар эгаллаб олишди, зодагонлар янги жойларга кўчиб боришди.

Самарқанд 1011 йилга қадар Қорахонийлар давлатининг асосчиси Илек Наср ибн Али давлатининг составига кирар эди. Наср ибн Алининг вассали сифатида 1011 ва 1013 йиллар ўртасида унинг укаси Муҳаммад ибн Али Самарқандга ҳукмронлик қилди. 1013 йилда Наср вафот этди. Вилоятларни бўлиб олиш учун кураш бошланди. Насрнинг иккинчи укаси

Аҳмад Самарқандни босиб олди. Аҳмад билан Муҳаммад ўртасида уруш бошланиб кетди. Бу уруш натижасида Муҳаммад Аҳмаддан 1015 йилда Ахсикатни ва 1016 йилда Қора Ҳудуд билан бирга Самарқандни тортиб олди.

1016 йилнинг охирида Хоразмшоҳ Маъмуннинг воситачилиги билан душман томонлар сулҳ тузишди. Сулҳ шартномасига мувофиқ Муҳаммад Самарқанд ва Ахсикатни Аҳмадга берди. 1017 йилда Аҳмад вафот этди, Қорахонийлар давлатига «Арслонхон» деб ном олган Муҳаммад ибн Али бош бўлиб қолди. Самарқанд 1023 йилга қадар Арслонхоннинг шахсий ер-мулки составига кирар эди. 1024 йилда Самарқандга Арслонхоннинг кичик укаси ва вассали Мансур ибн Али ҳукмронлик қилди. У Аҳмад ибн Алига қарши уруш олиб борган вақтда Арслонхонга катта ёрдам берган эди.

1025 йили Арслонхон вафот этди. Арслонхон вафотидан бирмунча вақт илгари Қорахоний беклардан бўлган Али Тегиннинг асирлигидан қочиб кетган эди. У кўчманчи туркманларни ўз томонига қаратиб, Бухорони босиб олди ва қўшинлари билан Бухорога яқинлашиб келган Мансур ибн Алини тор-мор қилди. Али Тегиннинг ҳукмронлиги ўн йилдан кўпроқ давом этди. Бу даврда Самарқанд (1032 йилгача) Али Тегиннинг ўғли ва вассали Юсуф ибн Алига қарар эди. 1032 йилдан то 1035 йилгача Али Тегин Самарқандга шахсан ҳукмронлик қилди.

1035 йилда Али Тегиннинг ўрнини Юсуф ибн Али эгаллади. 1038 йилда Илк Насрнинг ўғли Бўри Тегин Иброҳим (кейинчалик у Тамғачхон номини олди) асирликдан қочди. Иброҳим ибн Наср Соғанияда ҳокимиятни мустақкамлаб олгач, Мовароуннаҳрни эгаллаш учун Али Тегиннинг ўғилларига қарши кураш бошлади. У 1040 йили Қешни босиб олди, 1041 йили эса Сўғднинг Бухоро қисмини ва 1042 йили Бухорони эгаллади. Иброҳим Самарқандда зарб этган дастлабки танга пуллар 1046 йилга мансуб. Бироқ Иброҳим Самарқандни анча илгари босиб олган деб фикр юритиш учун асос бор.

Тамғачхон Иброҳим Мовароуннаҳрда 1070 йилгача ҳукмронлик қилди. Самарқанд унинг пойтахти бўлди. Тамғачхон Самарқандда тартиб-оsayишталик ўрнатиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилди, ўғрилиқ ва талончилик учун қаттиқ жазо берди. Тамғачхон қурилиш ишларига ҳам катта эътибор берди. Масалан, 1066 йилда унинг буйруғи билан Қусам ибн Аббос мақбарасига яқин жойда мадраса қурилди.

Иброҳим ҳаёт вақтидаёқ (1070 йил) тожу тахтдан воз кечиб, уни ўғли Шамсулмулкка беришга қарор қилди. Уша вақтда унинг иккинчи ўғли Иброҳим Шуайс Шамсулмулкка қарши бош кўтарди. Улар Самарқанд ва Бухоро яқинида

жанглр қилдилар, Шуайс тор-мор этилди. Шамсулмулк даврида, афтидан, Бухоро яна пойтахт бўлиб қолган.

Шамсулмулкнинг укаси, Иброҳимнинг ўғли Хизрхон 1080 йилда акасининг ўрнини эгаллади. У акасидан кейин атиги бир йил яшади. 1081 йили Хизрнинг ўғли Аҳмад ибн Хизр отасининг ўрнида қолди. Хизр ва унинг ўғли Аҳмад даврида Самарқанд яна пойтахт бўлди. Бу вақтда хон ҳокимияти билан руҳонийлар ўртасидаги низо янада кескинлашди. Бу низо Аҳмаднинг бобоси Иброҳим Тамғачхон давридаёқ бошланган эди. Оддий самарқандликлар Аҳмадга хайрихоҳ эдилар.

Руҳонийларнинг вакиллари ёрдам сўраб Салжуқийлар султони Маликшоҳга мурожаат қилди. Маликшоҳ 1089 йилда Бухорони босиб олди ва Самарқандни қамал қилди, бу ерда қаттиқ қаршиликка дуч келди. Аҳмад ибн Хизр ўз ҳарбий бошлиқларидан ҳар бирига биттадан буржнн ҳимоя қилишни топширди. Ана шу ҳарбий бошлиқлардан бирининг хоинлиги натижасида Салжуқийларнинг қўшинлари шаҳарга бостириб кирди. Маликшоҳнинг жияни бўлган Аҳмад тожу тахтдан маҳрум қилинди ва Исфаҳонга сургун этилди.

Маликшоҳ Самарқандда ўз ноибини қолдириб, Хуросонга қайтиб келди. Шу ондаёқ Самарқандда тўс-тўполонлар бошланди. Турк кўчманчи қабиласи чигиллар (булар Қорахонийлар қўшинининг асосини ташкил этган) кўзғолон кўтарди. Маликшоҳ қолдирган ноиб қочиб кетди. Чигил қабиласининг бошлиғи Айн ад-Давла Еттисувдан Отбош шаҳрининг ҳокими ва қашқарлар хонининг укаси Ёкуб Тегинни чақиртирди. Ёкуб Тегин Самарқандга келган, чигиллар билан жанжаллашиб қолди ва Айн ад-Давлани қатл этди. Шу вақтда Маликшоҳ орқасига қайтди ва Бухорогача етиб борди. Ёкуб Тегин қочиб кетди. Маликшоҳ 1090 йили Самарқандни ишғол қилди ва у ерда ўз ноибини қолдирди. Аммо бу ноиб ҳам Самарқандда узоқ вақт тура олмади: 1091 йили Маликшоҳ Самарқандни Аҳмад ибн Хизрга қайтариб берди.

Оддий фуқаро қўллаб-қувватлаган Аҳмад Самарқандда реакцион руҳонийларга қарши сиёсатни давом эттирди. Унинг номи Самарқандда шу қадар машҳур бўлиб қолган эдики, руҳонийлар ва ҳарбий табақа вакилларида иборат фитначилар шаҳарда унга қарши кўзғолон кўтаришга журъат эта олмади.

1095 йил бошларида фитначилар Косон шаҳрининг бошлиғини кўзғолон кўтаришга кўндирди. Аҳмад қўшин билан Самарқанддан чиқиб, Косон томон йўл олганида, фитначилар унга хоинларча ҳужум қилди. Аҳмад Самарқандга асир сифатида қайтиб келди ва тез орада бўғиб ўлдирилди.

Фитначилар тахтга Аҳмаднинг амакиваччаси ибн Хизр Масъудхонни ўтқазди. Маликшоҳ ўғиллари ўртасида 1097



йилда тожу тахт учун бўлган курашда Султон Барқиаруқ голиб чиқди. Мовароуннаҳр унинг олий ҳокимиятини тан олди. Барқиаруқ Самарқандда Масъуднинг ўрнига Куч Тегин Довуднинг ўғли ва Иброҳим Тамғачхоннинг набираси Сулаймонни тайинлади. Сулаймон ўша 1097 йилдаёқ вафот этди ва унинг ўрнига Барқиаруқ Маҳмуд Тегинни қўйди. Шундан кейин Барқиаруқ Самарқанд тахтига Хорун Тегинни ўтқазди.

Хорун Тегин узоқ ҳукмронлик қилмади: Тороз ва Болосарун ҳокими Қодирхон Жаброил кечи билан 1100 йилда Самарқанд ва Бухорони босиб олди. Бироқ Жаброил 1102 йилнинг июнида Салжуқийлар султони Санжар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Санжар Самарқандни Сулаймон ибн Довуднинг ўғли ва Иброҳим Тамғачхоннинг чевараси Муҳаммадга берди. Санжар билан қариндошлик алоқасида бўлган Муҳаммад «Арслонхон» номини қабул қилди ва деярли 30 йил мобайнида (1102—1130) Самарқанд билан Бухорони идора этди.

Арслонхон навбатма-навбат гоҳ Самарқандда, гоҳ Бухорода яшади. У тарихга «бинокор шоҳ» сифатида кирди. Бухорода кўп бинолар қурдирди. Масалан, ҳозирги вақтда ҳам Бухоро ҳуснига-ҳусн қўшиб турган машҳур Минораи Калонни (1127) Арслонхон қурдирган. Янги бинолар Самарқандда ҳам қурилган бўлса керак, аммо бу ерда қурилиш ишлари бирмунча камроқ кўламда олиб борилган.

Рухонийларга қарши кураш Арслонхон даврида ҳам давом этди. Самарқандда уюштирилган фитна натижасида 1130 йилда Арслонхоннинг ўғли ва валиаҳди Наср ўлдирилди. Маҳаллий рухонийларнинг бошлиғи, Самарқанд шаҳрининг собиқ раиси бўлган Ашраф ибн Муҳаммад ас-Самарқандий фитнанинг бошида турган эди. Арслонхон ёрдам сўраб Санжарга мурожаат қилди. Айни вақтда Арслонхоннинг иккинчи ўғли Аҳмад қўшин тўплаб, Самарқанд яқинига етиб келди ва ўз айбларини бўйинларига олиб унга пешвоз чиққан фитна раҳбарларини ўлдирди. Худди шу вақтда гарчи зарурат қолмаган бўлса-да, Султон Санжар қўшин билан Мовароуннаҳрга кириб келди. Санжарнинг Мовароуннаҳрда бўлиши ўз мустақиллиги учун хавфсираётган Арслонхонга маъқул тушмаган бўлса керак. Санжар Арслонхон томонидан ўзига қарши фитна тайёрланаётганлигини тез орада билиб олди.

Санжар Самарқандни қамал қилиб, уни эгаллайди. 1130 йил март ойининг бошларида бемор Арслонхон замбилда Санжарнинг олдига келтирилди ва Санжарнинг хотинларидан бири бўлган қизи олдига жўнатилди.

Арслонхоннинг укаси, Санжар саройида тарбияланган Тамғач Буғраҳон Иброҳим Самарқанд хони бўлиб қолди. 1132 йилда Мовароуннаҳрда Арслонхоннинг ўғли Аҳмад қўз-

ғолон кўтарди. Санжар Ироқдан келиб, унинг қўзғолонини бостирди. Қўзғолон кўтарган ўз жияни олдида ожиз бўлиб қолган Тамғач Буғраҳон Иброҳим Санжарда норозилик туғдирди ва у 1132 йилдаёқ тахтдан туширилди.

Қорахонийлар авлодидан бири — Қилич Тамғачхон (Ҳасан Тегин) Самарқанд хони бўлиб қолди. У 1136 йили вафот этди. Санжар ўз жияни, Арслонхоннинг ўғли Руқнуддин Маҳмудни унинг ўрнига тайинлади.

Қорахонийлар давлатининг шарқий чегараларида бу вақтда қорахитой кўчманчи қабилалари куч тўплаётган эди. Қорахитойлар 1137 йил май—июнь ойларида бостириб кириб, Хўжанд яқинида Руқнуддин Маҳмуд қўшинини тор-мор қилди. Маҳмуд Самарқандга чекинди, лекин қорахитойлар ўз ғалабасидан фойдалана олмади ва Мовароуннаҳрдан чиқиб кетди.

Қорахитойлар билан 1141 йилнинг 9 сентябрида, Самарқанддан шарқда жойлашган Қатвон даштида яна жанг бўлди. Санжар ва Маҳмуднинг бирлашган қўшини тор-мор қилди, қорахитойлар Самарқандни ва бир оз вақт ўтгач, Бухорони босиб олди. Бироқ кўчманчилар босиб олган территорияларни мустаҳкамлаб бормади: уларни, асосан, бўйсундирилган ерлардан олинадиган солиқ қизиқтирар эди. Қорахитойлар қўлга киритилган вилоятлардан солиқ олиб, Етисувга ва Шарқий Туркистонга қайтиб келди.

Қатвон жангидан кейин Самарқандда Муҳаммад Арслонхоннинг иккинчи ўғли — Тамғачхон Иброҳим ҳукмронлик қилди. 1156 йилда у билан Қорахонийлар қўшинининг асосий қисмини ташкил қилган кўчманчи қарлуқлар ўртасида жанжал чиқади. Иброҳим ўлдирилиб, жасади даштга чиқариб ташланади. 1132 йилда Санжар томонидан Самарқанд ҳокими этиб тайинланган Ҳасан Тегиннинг ўғли Жағраҳон Жалолиддин Али Самарқандни идора қила бошлади.

Жағраҳон Иброҳимни ўлдирганликлари учун қарлуқлардан аёвсиз ўч олди. У тор-мор қилган қарлуқ отрядларининг қолдиқлари ёрдам сўраб Хоразм шоҳи Ил Арслонга мурожаат қилишди. Жағраҳон эса қорахитойлардан мадад сўради. Қўшинлар Зарафшоннинг ҳар икки соҳилига — Самарқанд яқинида тўпланиб турарди. Кучлар тенг эди ва улар самарқандлик имом ва уламоларнинг воситачилиги билан сулҳ шартномаси тузди.

Руқнуддунё Қилич Тамғачхон Маъсуд 1163 йили Жағраҳон Алининг меросхўри бўлди. Бу ҳоким Хуросонни талаб, хароб қилган қарлуқлар ва кўчманчи гузларга қарши уруш олиб борди.

Маъсуднинг қариндоши, Ҳасан Тегиннинг набираси Наср ибн Ҳусайн 1169 йил орасида Самарқандда Маъсуднинг меросхўри бўлган бўлса керак. Шундай қилиб, XII асрнинг

ўргаларидан бошлаб Самарқанд Қорахонийларнинг ўзгандлик авлодлари қўлида бўлди.

Наср ибн Хусайннинг қисқа муддатли ҳукмронлиги 1172 йилда тугади. Қилич Тамғачхон Маъсуднинг ўғли Муҳаммад Самарқандга хон бўлиб, у бу ерда афтидан 1177 йилгача ҳукмронлик қилган Қорахонийларнинг машҳур давлат арбобларидан бири Тамғачхон Иброҳим ибн ал-Хусайн 1178 йили Самарқанд тахтини эгаллади. У Самарқандни салкам 30 йил идора қилди.

XII асрнинг 70—90-йилларида Хуросонни талашган Хоразм шоҳлари билан гуридлар ўртасида: Хоразм шоҳлари билан қорахитойлар, қорахитойлар билан гуридлар ўртасида қонли урушлар бўлди. Бироқ ана шу урушларнинг ҳаммаси, асосан, Самарқандни четлаб ўтди, чунки Тамғачхон Иброҳим узоқ вақт идора қилган давр нисбатан тинч ва осойишта бўлди. Буларнинг ҳаммаси Самарқандда экономикани, ҳунармандчилик ва санъатни янада ривожлантиришга имкон яратди.

Самарқандда қурилш ишлари ҳам жонлана бошлади. Ёзувчи Муҳаммад Авфийнинг (XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошлари) ёзишича, Тамғачхон Иброҳим Гуржмин маҳалласида муҳташам сарой қурдирган. Бу сарой замондошларини шу қадар ҳайратда қолдирганки, Фарос машъали — македониялик Искандар шон-шухратини, Тоқи Қаср саройи — Хисров Ануширавон шон-шухратини кўрсатиб турганидек, бу сарой ҳам хон шухратини авлодларга эслатиб турган. Иброҳимнинг ўғли Усмон кечи билан 1204 йилда отаси тахтига меросхўр бўлди. У Самарқандда Қорахонийлар сулоласининг сўнгги ҳокими эди. Усмон ҳукмронлик қилган даврда Самарқанд оғир кунларни бошидан кечирди. Усмон ёш чоғиданоқ тахтга чиқди: 1201 йилда у энди 14 ёки 15 ёшга кирган эди. Ана шу даврда Ўрта Осиёда бир-бирига душман бўлган иккита қудратли куч: Муҳаммад Хоразмшоҳ билан қорахитойлар бор эди. Усмон бир неча бор гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтиб турди. У 1210 йилда қорахитой Гурхоннинг қизига совчи қўйди, аммо рад жавобини олди. Усмон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонига ўтди ва ҳатто Самарқандда унинг номини хутбага қўшиб ўқиттирди ҳамда унинг номи билан танга зарб эта бошлади. Бундай итотсизлик ҳаракатини дарғазаб бўлган қорахитойлар унга қарши юриш бошлади. 30000 кишилик отряд юборилди, у тез орада Самарқандни босиб олди. Бироқ қорахитойлар ўз подшосининг буйруғига биноан шаҳарни талашдан тийилиб турди, чунки подшо «Самарқандни ўз хазинаси» деб ҳисоблар эди. Гурхон озгина солиқ олиш билан чегараланди. Ана шу вақтда қорахитойларнинг ичида найман Кучлуқ бошчилигида қўзғолон кўтарилди, Гурхон ўттиз минг кишилик отрядни Самарқанддан чақиртириб олди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ Бухорони олғач, Самарқандга келди. У шаҳар деворларини мустаҳкамлашни буюрди ва Усмон саройига ўз вакилини тайинлади. 1210 йил августининг охири ва сентябрининг бошларида Хоразмшоҳ ва унга қўшилган Усмон қорахитойларни тор-мор қилиб, Самарқандга қайтиб келишди ва у ердан Хоразмга қараб йўл олишди.

Усмон Хоразмда Хоразмшоҳнинг қизига уйланди. Ана шу вақтда қорахитойлар яна Самарқандни қамал қилди. Хоразмшоҳ шаҳарни қутқозишга отланди. Хоразмшоҳ етиб келганича Самарқанд аҳолиси қорахитойларнинг кетма-кет ҳужумига бардош берган эди. Хоразмшоҳнинг яқинлашиб келаётганини эшитган кўчманчилар чекинишга мажбур бўлди.

Усмон қипчоқлардан иборат хоразмлик катта отряднинг кузатувида 1211 йилда Самарқандга қайтиб келди. Хоразмликларнинг бебошлиги ва такаббурлиги уларга нисбатан халқнинг нафратини уйғотди.

1212 йили Самарқандда катта қўзғолон бўлиб ўтди. Бу қўзғолонда Усмоннинг ўзи ҳам фаол қатнашди. Хоразмликларнинг бошлари қирқилиб, уларнинг жасадлари ҳаммага кўрсатиш учун бозор майдонларига қўйилди. Қипчоқ отрядининг қолдиқлари ва Хон Султон, Усмоннинг хотини ва Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи Самарқанд аркига яширинди. Хон Султон гуноҳи зўр-базўр кечирилди, бироқ бу ҳол Усмоннинг ва самарқандлик аҳолининг аҳволини енгиллаштирмади. Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқандни қамал қилди ва бир зарб билан уни ишғол этди. Усмон кечирим сўраб келди, аммо у қатл этилди.

Хоразмлик қўшинлар Самарқандни талон-торож қила бошлади. Самарқанд осмонини аланга ва тутун қоплади. Уч кун ичида самарқандликлардан 10000 дан кўпроқ киши қириб ташланди. Самарқандлик саййидлар, уламолар ва имомларнинг ялиниб-ёлборишларини эътиборга олган Хоразмшоҳ фақат учинчи куни қирғинни тўхтатишни буюрди.

Шундан кейинги йилларда Самарқанд Хоразмшоҳнинг аслида пойтахти бўлиб қолди. Хоразмшоҳ шаҳарда турли қурилишни бошлаб юборди. Масалан, Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқандда янги Жоме масжидни қурдирди ва сарой қурилишини бошлаб юборди. Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқанди ўз империясининг муҳим шаҳри деб ҳисоблаганлигидан шу нарса ҳам далолат берадики, Чингизхон истилоси вақтида Муҳаммад Самарқанд деворларини мустаҳкамлашни буюрган ва у ерда энг катта ҳарбий гарнизонни сақлаб турган.

Афсуски, биз Самарқанднинг XI аср ва XIII асрнинг бошларидаги ҳаёти ва қиёфаси ҳақида шаҳарнинг шундан олдин-

ги даврдаги (IX—X асрлар) сингари бой маълумотга эга эмасмиз. Самарқанд ҳақида IX—X асрлардаги каби батафсил ва чиройли тасвирларнинг етиб келмаганига қисман сабаб шуки, Самарқанднинг XI—XII асрлардаги шаҳар ҳаётининг маркази кўпрқ работлар томонга силжиши билан характерланади. Ҳозирги вақтда бу жойларда асфальт ётқизилганлиги ва замонавий уйлар қурилганлиги бу ерларда кенг археологик тадқиқот ишларини олиб боришга имкон бермайди. Бироқ шундай бўлса ҳам Афросиёбда олиб борилаётган археологик ишлар натижасида шаҳарнинг ана шу даврдаги ҳаёти тўғрисида баъзи бир маълумотлар олинди.

X асрда шаҳристон (Афросиёб) территориясида пайдо бўлган кулоллар маҳалласи ривожлана бориб, ғарб ва жануби-ғарб томонга кенгайди. Айни вақтда кулолчилик устахоналари ихтисослаша бошлади: улардан баъзи бирлари ёғчироқлар, бошқалари эса идиш-товоқлар тайёрларди ва ҳоказо.

Шаҳристоннинг жанубий қисмида — ҳозирги вақтда Шохизинда мақбараси ишғол қилиб турган территорияда қабристон пайдо бўлди. Бу жойда Самарқанддаги Қорахоний ҳокимлар ва маҳаллий зодагонлар намояндалари дафн этилган бўлса керак.

Шаҳристоннинг шимолий қисмида, аввалгидек, катта Жоме масжид ва арк бўлган. Аркда ҳоким саройи ва маъмурий бинолар жойлашган эди.

XII асрнинг биринчи ярмида аркда қандайдир ремонт ишлари ўтказилган бўлса керак. Бу даврда сополдан ишланган қувурлар ётқизишиб, қалъа девори тагидаги ер ости туннели орқали ана шу қувурлардан аркка сув оқизилган.

XII аср 70-йилларининг охири ва 80-йилларининг бошларида арк районида, эҳтимол аркнинг ўзида Тамғачхон Иброҳим ибн Ҳусайннинг ҳашаматли ва чиройли саройи қурилган. Бу сарой 1212 йилда, Муҳаммад Хоразмшоҳ қўзғолон кўтарган самарқандликларни аёвсиз жазолаган вақтда яқсон қилинган.

1219 йилга келиб, Чингизхон галалари яқинлашиб, Мовароуннаҳр ерини ларзага сола бошлаганида Самарқанд аҳолиси зўр бериб мудофаага тайёрланар эди. Чунончи, аркнинг деворларини ремонт қилган вақтда Иброҳим Тамғачхон саройи қолдиқларидан фойдаланилган. Учинчи қалъа деворининг бир қисми янгидан қурилди, биринчи, иккинчи ва тўртинчи қалъа деворларида ремонт ишлари олиб борилди. Бироқ буларнинг ҳаммаси Самарқандни мудофаа этиш топширилган ҳарбий бошлиқларнинг истеъдодсизлиги ва қўрқоқлиги сабабли беҳуда кетди. Чингизхон галалари 1220 йилнинг мартада Самарқандга бостириб кириб, шаҳарга ўт қўйди ва аҳолини қиличдан ўтказди.

## 2. ЧИНГИЗХОННИНГ ШАҲАРНИ ЗАБТ ЭТИШИ

Чингизхон Муҳаммад Хоразмшоҳга қарши қатъий урушга тайёрланар экан, аввал маккор ва ҳали анча кучли душман бўлган Кучлукни бир ёқли қилишга қарор берди ва 1218 йилда унга қарши Жэбэнойон бошчилигида катта қўшни юборди. Кучлук мўғулларнинг ҳужумига бардош бера олмади ва Қашқардан қочиб кетди, лекин Сарикўл деган жойда (ҳозирги Афғонистоннинг Файзиободидан шарқда) қўлга туширилди ва тор-мор қилинди. Шу йили мўғуллар Шарқий Туркистон ва Еттисувнинг ғарбий қисмидан ташқари, шимоли-шарқий Фарғонани ҳам ўзларига бўйсундирди. Косонда ва Ахси-катда мўғул гарнизони жойлаштирилди.

Чингизхоннинг ўзи 1219 йилнинг ёзида асосий кучлар билан бирга Иртиш орқали ғарбга томон йўл олди. Қояликда (Или дарёси ҳавзасида, Қозоғистон ССР нинг ҳозирги Талдиқўрғон шаҳридан 18 км жануби-ғарбда) Арслонхон бошчилигидаги қарлуқларнинг ҳарбий кучлари, Олмалиқдан келган Сўкнак Тегин бошчилигидаги отряд ва Боурчик бошлиқ уйғурлар отряди унга келиб қўшилди.

Уруш яқинлашиб қолганига қарамай, ҳар иккала томон савдо-сотиқ ишларини давом эттирди ва бир-бирларига зўр бериб элчилар юбориб турди. Чингизхон элчилари Хоразмшоҳ саройига, Муҳаммаднинг элчилари эса Чингизхон ўрда-сига келиб туришар эди.

1220 йилнинг февралда мўғуллар Сирдарёдан кечиб ўтиб, Бухоро ва Самарқанд томон йўл олди.

Мўғуллар Самарқандгача деярли жиддий қаршиликка дуч келмади ва Зарнук, Нурота, Дабусия, Сарипул ва бошқа шу каби мустаҳкамланган қалъаларни эгаллади.

Уша вақтда Бухоро Мовароуннаҳрнинг яхши мустаҳкамланган шаҳарларидан бири эди. Шаҳарнинг икки дарвозали арки 1208 йилда Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан қайта тикланган эди. Шаҳристон мустаҳкам девор билан ўралган, работ эса икки қатор девор билан ўраб олинган эди. Гарнизонда 30000 стлиқ ва пиёда жангчи бор эди.

Мўғуллар 1220 йил 7 февралда Бухорони чор тарафдан ўраб олиб, шаҳар дарвозалари ёнида турар эди. 9 февраль кuni тонг саҳарда, яъни қамалнинг учинчи кунда бухоролик баъзи ҳарбий бошлиқлар — Инончхон, Уғулҳожиб, Ҳамид Пур, Сўюнчхон ва Қулихон ўз отрядлари билан шаҳарни ташлаб, Амударё томонга қочиб кетди. Бироқ улардан фақат Инончхонгина дарёдан кечиб ўтиб, Султон Муҳаммад билан қўшила олди, қолганлари эса мўғуллар томонидан қўлга туширилди ва қириб ташланди.

Бухоронинг асосий ҳарбий бошлиғи Ихтиёриддин Қўшлу ҳам шаҳар мудофаасини ташкил эта олмади. У кичкина отряд

билан (400 киши) аркка жойлашиб олди. Зодагонлар ва рухонийларнинг нуфузли қисми ўртасида ҳам ҳамжиҳатлик йўқ эди. Имом Жалолоддин Али, садр Мажидуддин Масхуд ва таниқли олим Руқнуддин Имомзода шаҳарни мудофаа қилиш керак ва мўғулларга қарши актив уруш олиб бориш зарур деб, чиқдилар. Кейинчалик улар ҳам ҳимоячилар сафига ўтиб, мўғулларга қарши олиб борилган тенгсиз жангда ҳалок бўлдилар. Бошқалари эса олий қози Бадриддин Қозихон бешчилигида келишиб, шаҳарни мўғулларга топширишга қарор қилдилар. Олий қози 9 февралда бухоролик вакилларга бошчилик қилиб, Чингизхоннинг олдига борди ва шаҳарни мўғулларга топширди. Мўғуллар 1220 йил 10 февралда шаҳарга кирди (кейинчалик Бадриддин Қозихон Чингизхоннинг энг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди). Арк яна 12 кун мудофаа қилинди. Мўғуллар аркни қамал қилиш ва олишда Бухоронинг ўз аҳолисидан ва таварак-атрофдаги аҳолидан фойдаланишди. 22 февралда арк ҳам таслим бўлди. Мўғуллар арkning барча ҳимоячиларини қириб ташлади. Қалъа деворлари ва бошқа истеҳкомлар вайрон қилинди, шаҳарга эса ўт қўйилди.

Чингизхон Маҳмуд Ялавочни Бухорога ва вилоятга ҳоким қилиб тайинлади ва унга шаҳарни тиклашни топшириб, ўзи Самарқандга қараб йўл олди.

Чингизхон қўшинлари Самарқандга 1220 йил мартининг бошларида етиб келди ва шаҳарни зич ҳалқа қилиб ўраб олди. Жувайнийнинг ёзишича, Чингизхоннинг ўзи гвардияси билан Самарқанд яқинидаги Кўксаройда тўхтади. Мўғуллар шаҳарни қуршаб олиб, Самарқанд яқинида икки кун давомида силжимай турди, Жувайнийнинг айтишича, Чингизхоннинг ўзи ана шу вақтда шаҳарни ишғол қилиш режасини синчиклаб ишлаб чиққан.

Шу воқеаларнинг шоҳиди, даос манахи Чан-чуннинг берган маълумотига кўра, Чингизхон истилоси олдида Самарқандда 100 минг оила яшаган. Ҳарбий гарнизоннинг сони тўғрисида манбаларда қарама-қарши рақамлар келтирилади; 40 мингдан 110 минг кишигача, дейилади. Уларга 20 та ҳарбий бошлиқ (Тўқайхон, Али Эрхон, Шайххон, Болонийхон ва бошқалар) раҳбарлик қилган.

Мўғуллар армиясининг шаҳарни қамал қилганлиги тўғрисида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Мўғуллар Утрор, Зарнук, Нур, Бухородан кўп минглаб «ҳашарчилар»ни ва Самарқанд таварак-атрофидаги қишлоқларнинг деҳқонларини шаҳарни қамал қилиш учун бу ерга ҳайдаб келтирди, сўнг-ра эса уларга байроқлар бериб жанговар саф қилиб тиздилар. Бу эса олисдан қараганда шаҳар олдида катта армия тўплангандек бўлиб кўринар эди. Бироқ Чингизхоннинг Самарқанд остоналаридаги армиясидан 25 минг кишилик от-

рядни Хўжандга, Алакнойон қўмондонлигидаги ва мингбоши Ясавур бошчилигидаги анчагина кучларни Вахш ва Таликонга, туманлардан Жэбэнойон, Субудой ва Тохучар баҳодирларни Хоразмшоҳ қўшинларини таъқиб этиш учун Хуросонга юборганлиги маълум. Мўғул армияси унчалик кўп бўлмай, Самарқанд гарнизони жангчилари сонидан ошмаган бўлса керак.

Мўғуллар қамал жангларини бошлаш олдидан Самарқанд атрофидаги қишлоқларни «тозаллади», бу билан ҳимоячиларни ташқаридан мадад олиш имкониятидан маҳрум этди. Чингизхоннинг шаҳарга юборилган айғоқчилари қарвон саройлар, бозорлар ва шаҳарнинг бошқа жамоат жойларига суқилиб кириб, аҳоли ўртасида ваҳима уруғини сочишди.

Мўғуллар 1220 йилнинг 7 ёки 8 март тонготар пайтида шаҳарни ўққа тутиб, ҳужум қила бошлади. Олдинда мўғул ўн боши бошчилигида ўнтадан бўлиб саф тортиб, байроқлар кўтариб ҳашарчилар боришди, уларнинг паноҳида эса мўғуллар боришди. Ҳашарчиларга ва уларга бошчилик қилаётган мўғулларга дарвозалар олдидаги қалъа хандақларини бузиб ташлаш буюрилди. Ибн-ал-Асирий Шомахи билан Ширвонни қамал қилиш тўғрисида қуйидаги характерли ҳикояни ёзиб қолдирган: ҳар бир мўғул ва ҳашарчи дарахларни судраб келиб, кечаси қалъа атрофидаги хандақларга ташлади. Кейин улар моллар ва асирларни ҳайдаб келиб, уларни ҳам бир-бирига боғлаб, хандақларга ва девор ёнларига ташлашди, шу тариқа қисқа вақт ичида «тепаликлар» пайдо бўлди, ҳужум қилувчилар бу «тепаликлар» устидан қалъа деворларига чиқа олардилар.

Мўғуллар Самарқандга шиддатли ҳужум қилади, аммо ҳимоячилар бу ҳужумни қайтариб туради. Эртаси куни Чингизхоннинг шахсан ўзи қўшинларни бошлаб боради, аммо бу штурм ҳам муваффақиятсиз чиқади, ҳар икки томон у та талафот кўради. Манбаларга қараганда, жангнинг учинчи кунинда Самарқанд ҳимоячилари Али Эрхон бошчилигида бирдан катта ҳужумга ўтади. Бу ҳужум қатнашчилари мўғулларнинг олдинги кучларини тор-мор қилади ва асирлар олиб, шаҳарга қайтиб келади. Ибн ал-Асир билан Жўзжонийнинг маълумотларига қараганда, ҳужумни Самарқанд аҳолиси уюштирган бўлиб, унда қўшинлар иштирок этмаган. Ҳужум қатнашчилари мўғуллар уюштирган пистирма (камингоҳ)га тушиб қолиб, ҳаммаси қириб ташланади.

Шунга қарамай, Самарқандда одам ҳали кўп эди, озиқ-овқат ва ем-хашак анчагача чўзиладиган шиддатли урушга ҳам етар эди. Самарқанд эса атиги тўрт кун мудофаа қилинди, зодагонлар ва шайхулислом ҳамда олий қози бошчилигидаги руҳонийларнинг бешлиқлари бешинчи куни шаҳарни мўғулларга топширади.



Мўғуллар шаҳарга Номозгоҳ дарвозасидан (шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонидан) бостириб кириб, дарҳол шаҳардаги истеҳкомларни бузишга киришди. Ана шундан олдин кечаси Алатхон бошчилигидаги 1000 кишилик отряд шаҳарни қамал қилиб турган мўғуллар сафини ёриб ўтиб, Жувайний маълумотига кўра, кейинчалик Султон Муҳаммадга бориб қўшилган. Жангчиларнинг қолган қисми Тўғайхон, Борсмасхон ва Улдожхон бошчилигида қалъага яшириниб олиб, 1220 йил 17 мартгача қаршилик кўрсатишди. «Тарихи арба улус» маълумотига кўра (бошқа манбаларда бу ҳақда маълумотлар йўқ), қалъага яшириниб олган жангчиларнинг сони 20 минг кишига етарди. Мўғуллар Жун Арзиз каналини бузганларидан кейингина қалъани олишга муваффақ бўлган. Сув аркнинг теварак-атрофини босиб, унинг деворларининг бир қисмини ювиб кетган. Қалъа таслим бўлганидан кейин тирик қолган ҳимоячилар (1000 кишига яқин) султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан 1212—1214 йилларда қурдирилган Жоме масжидига яшириниб олишган. Мўғуллар масжидга нефть қуйиб, у ердаги барча одамлар билан бирга уни ёндириб юборишган.

Мўғуллар Самарқанд аҳолисини қаттиқ жазолади. Шаҳар олингандан кейин тирик қолган жангчилар ва аҳолини шаҳардан очиқ ялангликка олиб чиқиб, 10 ва 100 кишидан саф-саф қилиб тизишди. Улар орасидан савдогарлар, руҳонийлар, ҳунармандлар, ўспиринлар ва аҳолининг бирмунча бадавлат қисмини ажратиб олди. Қолган кишиларни қириб ташлашди. Чингизхон ҳунармандлардан 30000 кишини ўз ўғиллари ва қариндош-уруғларига тақсимлаб берди. Омон қолган ҳашарчилар Хуросон ва Хоразмга жўнатишди. Шаҳар шу қадар ҳувиллаб қолдики, Чан-чуннинг ёзишича, шаҳарда «яъвалги аҳолининг фақат тўртдан бир қисми қолган, холос». Шаҳарнинг тирик қолган аҳолисига 200 минг динор миқдорда солиқ солинди, бу солиқни йиғиш самарқандлик зодагон Амидулмулкка топширилди.

Хоразмшоҳнинг ожизлиги ва ҳарбий бошлиқларнинг ўзаро адовати, руҳонийлар ва зодагонларнинг сотқинлиги Самарқандга жуда қимматга тушди.

### 3. САРБАДОРЛАР ҚЎЗҒОЛНИ

Сарбадорлар қўзғолони ижтимоий ҳаракат сифатида XIV асрнинг биринчи ярмида Хуросонда пайдо бўлиб, мўғулларнинг босқинчилик сиёсати ва уларнинг тартибларига қарши қаратилган эди. Бу сиёсат ва тартиблар меҳнаткашлар — деҳқонлар, ҳунармандлар, майда савдогарлар, зиёли-

лар вакиллари ва ҳатто ўрта ҳол деҳқонлар зиммасига жуда оғир мажбуриятлар юклар эди. Аҳолининг худди ана шу қатламларида сарбадорлик ҳаракати кенг ёйила бошлади. Деҳқонлар ва ҳунармандларга қулларнинг катта қисми ҳам қўшилди. Бу қуллар ўтмишда демократик характерга эга бўлган ҳаракатни қўллаб-қувватлар эдилар.

Ҳаракат қатнашчиларининг номи («сарбадорлар» — дорга осилувчи кишилар, демакдир) ҳам қизиқарлидир. Бу номи уларнинг ўзлари танлаган. Агар муваффақият қозонсак, халқни мўғуллар ва улар амалдорларининг жабр-зулмидаёз озода қиламиз, мабодо мағлубиятга учрасак, дор тагига боришга тайёрмиз, чунки зулмга ортиқ тоқат қилиш мумкин эмас дейишди, улар.

Шундай қилиб, сарбадорлар ҳаракати мўғулларнинг эксплуататорлик ҳокимиятига қарши қаратилган эди. Мўғуллар ҳокимияти шундай суиистеъмолчилик системасини вужудга келтирган эдики, бундай система шароитида мамлакатнинг ривожланиши у ёқда турсин, халқ оммаси очлик ва зулмга маҳкум этилган эди, сарбадорлар эса буни кўрдилар ва билдилар. Шу билан бирга сарбадорлар шу нарсани ҳам яхши тушунардики, мўғуллар сулоласи асосан кўчманчилардан иборат бўлган ўз ҳарбий кучларигагина эмас, балки маҳаллий ҳукмрон феодал синфининг юқори табақалари — йирик ер эгалари, мусулмон руҳонийларининг олий мартабали вакиллари ва бадавлат савдогарларга ҳам таянар эди. Феодалларнинг бу юқори табақалари мўғулларни қўллаб-қувватлаганига қолмай, балки ўзлари ҳам маъмурий аппарат ёрдамида халқни аёвсиз эксплуатация қилишда фаол қатнашар эди. Шунинг учун ҳам сарбадорларнинг мақсади мўғулларни ҳайдаб юборишигина эмас, балки феодал юқори табақаларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлаштиришдан ҳам иборат эди.

Сарбадорлар Хуросонда мустақил давлат тузишга муваффақ бўлдилар. Маркази Сабзавор бўлган бу давлат 1337 йилдан 1381 йилгача яшади. Ана шу давлатни вужудга келтиришда сарбадор Хўжа Яҳё катта роль ўйнади.

Сарбадорларнинг ташқи сиёсати манбаларда кам ёритилган ва уларнинг қандай ички ислохотлар ўтказганликларини биз яхши билмаймиз. Сарбадорлар давлатининг ўз тангаси, қўшини бўлган. Улар қаттиқ тартиблар ўрнатган. Аҳолидан олинган солиқлар камайтирилган, масалан, мусулмон дини нуқтаи назаридан қонунга хилоф бўлган жузья бекор қилинган. Мўғул ноиблари ҳамма жойда аҳолидан ана шу солиқни олишар эди. Сарбадорлар давлатининг ижобий хусусияти шу эдики, у ўзининг ҳукмрон сулоласини вужудга келтирмади. Сарбадорлар бирор ҳоким вафот этганидан кейин, гарчи анчамунча ички курашлар билан бўлса ҳам, ўзлари кимни энг

яхши деб ҳисоблашса, ўша кишини янги ҳоким қилиб тайинлашарди. Қулларга нисбатан анча юмшоқ муносабатда бўлишни ҳам сарбадорлар давлатининг ўзига хос хусусияти деб ҳисоблаш мумкин, лекин бунда уларни озод қилиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улар қулларни қўшинларга бажону дил қабул қилишар ва ҳатто уларнинг қўмондонлик вазифаларига кўтарилишига ҳам йўл қўяр эди, бу эса шахсий озодликни билдирган бўлса керак.

Бироқ сарбадорлик ҳаракати синфий қарама-қаршиликлардан ҳам холи эмас эди; бу ҳаракатда сўл ва ўнг гуруҳлар бор эди. Шайхлар бошчилик қилган мурасасозлик оқими тарафдорлари сарбадорлар давлати учун кўп қийинчиликлар туғдирар эди. Улар орасида шайх Ҳасан энг нуфузли киши эди. Ички кураш сарбадорлар ҳаракатини заифлаштириб юборди ва бунинг оқибатида уларнинг давлат территорияси тобора камайиб борди. XV асрда яшаган расмий историографлар Низомиддин Шомий билан Шарафуддин Али Яздий феодал зодагонларининг фикрини ифода этиб, Самарқандда сарбадорларнинг «ўзравонлик қилганликлари» тўғрисида гапириб ўтадилар. Бу ҳол зодагонлар манфаатларини камситиш маъносида тушунилса керак. Самарқандлик сарбадорлар мусулмонлардан қонунга хилоф равишда олинган жузъяни бекор қилган бўлса эҳтимол.

XIV асрнинг ўрталарида ва иккинчи ярмида сарбадорлик Мовароуннаҳрдаги кенг прогрессив доиралар, деҳқонлар, ҳунармандлар, зиёлилар ва айниқса, ёшлар ўртасида катта ҳурматга сазовор эди. Самарқанднинг ўзида ҳам кўпгина сарбадорлик элементлари бор эди.

Бироқ Темур билан Ҳусайннинг мағлубиятга учраши билан боғлиқ бўлган воқеаларга қайтайлик.

Муҳаммадий хонларидан Туғлуғ Темурнинг Мовароуннаҳрдан қувғин қилинган ўғли Илёсхўжа отаси ағдариб ташланганидан кейин 1365 йилда катта қўшин билан Мовароуннаҳрга қараб юриш бошлади. Илёсхўжа мўғулларининг яқинлашиб келаётганлиги тўғрисидаги хабар Самарқанд аҳолисини қаттиқ ташвишга солди. Сарбадорлар халқни мўғул қўшинларига қаршилик кўрсатишга даъват этди. Самарқандлик сарбадорлар орасида Самарқанд мадрасасининг талабаси Мавлонозода, Низомиддин Шомийнинг сўзларига қараганда, собиқ пахта титувчи, бошқа манбаларга қараганда, пахта тозаловчилар маҳалласининг оқсоқоли Абубакр Қалавий ва «ёй отувчи мерган» Хурдаки Бухорийлар бунда ўзларини кўрсатишди. Шаҳар зодагонлари ва оддий халқдан 10 мингга яқини Жоме масжидига тўпланганида белига шамшир таққан Мавлонозода уларга мурожаат қилиб, оташин нутқ сўзлади. У айтдики, бож ва хирождан ташқари аҳолидан қонунга хилоф равишда жон солиғи олган ҳоким хатарли

дақиқаларда шаҳар аҳолисини ўз ҳолига ташлаб қўйган ва жуда кўп ҳақ тўлаш ҳисобига ҳам уларни қутқазиб қола олмайдди, нажот йўли фақат қаршилиқ кўрсатишда, курашдадир. Мавлонозода нутқини тамомлай туриб, халққа қуйидаги савол билан мурожаат қилди: исломни ҳимоя қилишни ва ислом дини учун зодагонлар ҳамда оддий фуқаро олдида жавобгар бўлишни ўз зиммасига олади? Зодагонлар жим туришди. Ана шунда Мавлонозода савол билан оддий халққа мурожаат қилди: агар мен ана шу жавобгарликни ўз зиммамга олсам, мени халқ қўллаб-қувватлайдими? Оддий халқ ўзини Мавлонозоданинг ихтиёрига тўла равишда топширишга ваъда берди.

Халқнинг розилигини олгач, сарбадорлар самарқандлик ҳунармандлар ўртасида катта алоқалари бўлган Мавлонозода ва Абубакр Қалавий бошчилигида жонажон шаҳарни мудофаа қилишга зўр ғайрат билан тайёргарлик кўра бошладилар. Бу жуда оғир вазифа эди: Самарқандда деворлар йўқ эди ва Чингизхон шаҳарни яқсон қилганидан кейин ҳали арк тикланмаган эди. Мавлонозода ҳарбий хизматга яроқли кишиларнинг рўйхатини тузиб чиқди ва шаҳарни мустаҳкамлаш ишларига аҳолининг кенг табақаларини жалб этди. Сарбадорлар фақат битта асосий кўчани бўш қолдириб, унга олиб борадиган барча йўлларга баррикадалар қурди. Мудофаа учун муҳим ва энг қулай бўлган жойларга ёй отувчилар қўйилди. Ҳамма нарса мўғулларнинг отлиқларини ўтказиб юбориб, ён томондаги баррикадалар қурилган тор кўчалардан эса уларга қатъий зарба беришга мўлжалланган эди.

Мўғуллар Самарқандда ўзларини қандай кутиб олишларини билмасдан, шаҳарни енгилгина босиб олишни мўлжаллаган эди. Бироқ улар янглишди. Уларнинг олдинги отрядлари қўйилган тузоққа тушгач, Мавлонозода сигнал берди ва душман устига камон ўқи, тош ва калтаклар ёғила бошлади. Бир манбага кўра, мўғуллар минг кишини, иккинчи манбага қараганда эса, икки минг киши ва кўплаб отларни йўқотиб, дарҳол чекинди.

Илёсхўжа бошда Самарқанд атрофини, сўнгра эса Мовароуннаҳрни ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлди. Шаҳар тантана қиларди. Самарқанд мудофааси серғайрат ва содиқ кишилар раҳбарлик қилганида халқ кўп ишларни бажаришга қодир эканлигини кўрсатди.

Сарбадорларнинг Самарқанднинг ички ҳаётини соҳасида ўтказган ислоҳотлари тўғрисида манбаларда жуда кам маълумот сақланган. Масалан, Шарафуддин қуйидаги шеърни келтиради: «Ё худованди карим, камбағал қашшоқ обрўли киши бўлмасин». Биз бу сўзларни Шарафуддин Али Яздийдан олдин ўтган Низомиддин Шомийда учратмаймиз, аммо Низомиддин Шомий гўё сарбадорлар Самарқанд аҳолисига зўравон-

лик қилганликларини эслатиб ўтади. Бунда у ҳукмрон феодал доираларни назарда тутган бўлса керак. Ана шу сўзларга қараб фикр юритилса, самарқандлик сарбадорлар баъзи демократик тадбирларни амалга оширганликлари маълум. Ҳусайннинг мусулмонлардан қонунга хилоф равишда жузъя олганлиги Мавлонозода нутқида ҳам эслатиб ўтилади. Кейинчалик бу жузъя тўлаш сарбадорлар томонидан бекор қилинган бўлса керак.

Сарбадорларнинг Илёсхўжа устидан қозонган ғалабаси тўғрисидаги хабар Балх вилоятида турган амирлар — Ҳусайн ва Амир Темургача етиб борди. Темур қишни Қаршида, Ҳусайн эса Амударё бўйларида ўтказиб, баҳорда учрашди ва биргаликда Самарқандга қараб йўл олади. Улар шаҳар яқинидаги Қонигил деган жойда тўхтайдилар. Ҳар иккала амир ҳам сарбадорларнинг ҳаракатини маъқуллаётганликлари ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Сарбадорлар амирларнинг «яхши» ниятларига ишонадилар, ўтказилган қабул маросимида амирларга зўр эътибор берилади. Бироқ эртаси кун сарбадорлар Ҳусайн билан Амир Темур ҳузурига яна борганларида, уларни хиёнаткорона қўлга тушириб, Мавлонозодадан ташқари ҳаммасини ўлдиради. Темур Ҳусайн олдида Мавлонозода томонини олиб, уни сақлаб қолади. Амир Темурнинг Мавлонозодага нисбатан ана шундай муносабатда бўлишининг сабаби нимада эди? Афтидан Ҳусайн билан Амир Темур ўртасида сарбадорларга нисбатан муносабат масаласида келишмовчиликлар бўлган. Эҳтимол, Темур уларнинг баъзилари билан, айниқса, зодагонлар орасидан чиққан сарбадорлар билан азалдан алоқа боғлагандир.

Ҳусайн билан Амир Темур сарбадорлар ва уларнинг бошлиқларини қириб ташлагандан кейин 1366 йилнинг баҳорида Самарқандни ўзларига бўйсундирди.

## XIV АСР ОХИРИ ВА XV АСРДА САМАРҚАНД

## 1. САМАРҚАНД — ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИНИНГ ПОЙТАХТИ

XIV асрнинг охири ва XV асрда Самарқанднинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти анча юксалди. Темур вужудга келтирган йирик империянинг пойтахти сифатида Самарқанд худди шу даврда жаҳонга машҳур бўлди.

Номи жаҳон тарихига кирган ва Ўрта Осиё, шу жумладан, Самарқанд тарихи билан чамбарчас боғланган Темурнинг зиддиятли шахсига қисқача характеристика беришга уриниб кўрамиз. Бошқа тарихий шахслар сингари Темурга ҳам характеристика беришда ленинча фикрларга асосланган ҳолда бундай шахсларнинг фаолиятини баҳолашга конкрет, синфий ёндашиш бирдан-бир тўғри илмий критерия ҳисобланади. В. И. Ленин «тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар *берганликларига* қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай *янгиликлар берганликларига* қараб ҳукм чиқарилади»<sup>1</sup>, деган эди.

Темур Мовароуннаҳр сиёсат майдонида XIV аср 50-йилларининг охири ва 60-йилларининг бошларида пайдо бўлди. Ана шу вақтда ўзаро урушларда ўлдирилган Чингиз авлодининг сўнгги вакили Чигатой улусидан Қозонхон ўрнига Амир Қозоғон ҳоким бўлди (1346—1358), аммо у ҳам мўғул қўшинларининг бошлиғи Туғлуғ Темур томонидан ўлдирилди.

Феодал тарқоқлик ҳукм сурган Мовароуннаҳрда Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз, Бадахшон, Хўжанд, Шош (Тошкент) ҳокимлари бир-бирлари билан тинимсиз урушиб турди. Низолар, ғалаёнлар, аҳолини қириш ва талаш мамлакат ва халққа мислсиз азоб-уқубат ва кулфатлар келтирар эди. Ана шу феодал урушларида Темур ҳам қатнашди. Ўзининг истеъдоди

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 2-том, 190-бет.

ва уддабуронлиги туфайли ҳарбий бошлиқ даражасига кўтарилди.

Амир Темур ибн Тарағой Баҳодирнинг ҳаёти ва фаолиятида икки давр алоҳида ажралиб туради. Биринчи давр (1360—1386) шу билан характерланадики, Темур марказлашган ҳокимиятни вужудга келтиришдан манфаатдор бўлган зодагонлар билан биргаликда мамлакатнинг тарқоқлигига, қонхўр ва шухратпараст майда беклар ва султонлар ўртасидаги қонли урушларга қарши, Мовароуннаҳрда мўғул хонлигига боғлиқ бўлмаган кучли, мустақил феодал давлатини тузиш учун кураш олиб борди. Иккинчи давр (1386—1402) Темурнинг уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик деб аталган ҳарбий юришлари билан характерланади.

Темурнинг Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Закавказье, Миср, Туркия территорияларини, Руснинг жанубий районларини босиб олиш мақсадида олиб борган юришлари, шубҳасиз, талончилик, босқинчилик характерда бўлиб, шу боисдан Амир Темур халқлар хотирасида, тарихий солномаларда зolim истилочи сифатида акс этган. Темурнинг сафдошларидан бири Шарафуддин Али Яздий Темур қўшинларининг шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилганликларини ва одамларни шафқатсиз қирганликларини батафсил тасвирлайди. Тўғри, Шарафуддин Али Яздий бу ёвузликларнинг ҳар бирига объектив сабабларни рўқач қилмоқчи бўлади. Бироқ асар шундай ёзилганки, соғлом фикр юритувчи ҳар бир китобхон Темур қўшинларининг босиб олинган мамлакатларда қилган ёвузликларини кескин қоралайди.

К. Маркс Темур ҳақида бундай деб ёзган эди: Темур ўзи тузган янги подшолик учун давлат тузуми ва қонунлар жорий этди, ammo булар унинг буйруғига асосан қўшинлари томонидан қилинган ваҳшийлик ва вайронгарчиликка тамомила зиддир<sup>1</sup>. Совет тарихчилари ва, аввало, таниқли шарқшунос А. Ю. Якубовский Темур фаолиятига объектив, марксистик баҳо бердилар.


Темурнинг бутун фаолияти ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга, Мовароуннаҳрда қудратли бирлашган давлатни вужудга келтиришга қаратилган эди. Мамлакатнинг хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётида у ўтказган тadbирлар ана шу мақсадга қаратилган эди.

Темур ҳокимият тепасига келгандан кейин унинг ўткази бошлаган сиёсатларидан бири мунтазам равишда ўтказилган қурултойлардир. Шарафуддин Али Яздий Қаршида, Қорабoғда, Самарқандда ва бошқа шаҳарларда қурултойлар ўтказилганлиги, бу қурултойларга шахзодалар, мажабдорлар,

<sup>1</sup> К. Маркс. Хронологические выписки, Архив Маркса и Энгельса, т. VI, стр. 184.

катта амалдорлар, маъмурлар, ҳарбий бошлиқлар ва оқсуяклар намояндалари таклиф қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтиради.

Яздий энг юқори феодал табақаларнинг кенгаши сифатида Темур чақирган қурултойларнинг синфий моҳиятини очиб беради. Бу қурултойларда мамлакатнинг кечиктириб бўлмайдиган хўжалик ва ҳарбий ишлари муҳокама қилинар, мамлакат ва давлат учун ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилинар эди .



XIV—XV асрлардаги шаҳар схемаси.

Темур маданият, фан, архитектура масалаларига, айниқса илм-фаннинг математика — риёзиёт, геометрия — ҳандаса, архитектура — меъморлик, астрономия — ҳайат, адабиёт, поэзия, тарих, музыка — мусиқа сингари соҳаларини ривожлантиришга кўп эътибор берар эди.

Темур Самарқандни гузал шаҳарга айлантириш тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик қилар эди. Анча узоқ давом этган танаффусдан кейин, унинг даврида шаҳарда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борила бошлади. Шарафуддин Али Яздий ҳам, Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам шу ҳақда хабар қиладилар. Рюи Гонзалес де Клавихо бундай деб ёзган эди:



«Самарқанд шаҳрида Хитойдан, Ҳиндистондан, Татаристондан ва бошқа турли жойлардан келтирилган ҳамда Самарқанд подшолигининг ўзида ишланган ҳар хил моллар сотилади. . . Унда (Самарқандда) барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун катта жой бўлмагач, подшо шаҳар бўйлаб катта кўча чиқаришни, унинг икки томонига мол сотиш учун раста ва дўконлар қуришни буюрди. Бу кўча шаҳарнинг бир четидан бошланиши ва бутун шаҳар орқали ўтиб, иккинчи четигача бориб етиши керак эди. Подшо бу ишни ўзининг икки мироссига (мирзосига) топширди ва улар бу вазифани бажаришга астойдил киришмаса, кишиларни эрта-ю кеч ишлашга мажбур этмаса, у ҳолда бошлари кетишларини уқтирди. Мирослар ишга киришдилар. Подшо кўрсатиб берган ердан кўча қурила бошлади. Кўча ўтадиган ерларда учрайдиган уй-жойлар кимники бўлишидан қатъий назар бу жойлар бузиб текисланди. Уй эгалари ҳам бу аҳволни кўриб бор-йўқ нарсаларини олиб бошқа жойларга кўчиб кетавердилар. Бир гуруҳ одамлар бузиш ишларини тугатиши биланоқ, бошқа бирлари шу ондаёқ қурилишни бошлаб юборишар эди. Кўчани кенг олиб, унинг ҳар икки томонига савдо дўконлари қуришди; ҳар бир дўкон олдида оқ тошлар билан қопланган баланд курсилар қўйилди. Барча дўконлар икки қаватли бўлиб, уларнинг тепаси эса бутун кўча бўйлаб гумбаз қилиб қоплаб олинган, ёруғлик тушсин учун гумбаз саҳнида деразалар ўрнатилган эди. Дўконлар битиши билан уларга турли хил мол сотувчи савдогарларни ўрнаштирар эдилар. Кўчанинг ҳар ер-ҳар ерида ҳовузлар қазилган бўлиб, уларга сув тўлғазиб қўйилганди. Бу ерда ишлаётганлар маошни шаҳар ҳисобидан олар эди. Ана шу ишга бошлиқ бўлган киши қанча одам талаб қилинса, шунча олиб ишлатишлари мумкин эди. Қундуз куни ишлаган кишилар кеч кириши билан уй-уйларига кетишар ва уларнинг ўрнига кечаси ишлаш учун бошқалари келишар эди, айримлари уйларни бузар, бошқалари эса ер текислар, улар кеча-ю кундуз шунчалик шовқин-сурон қилишар эдики, бу ерда бамисоли жинлар уя қургандек эди. Натижада кишини хайратга соладиган ишлар қилинди»<sup>1</sup>.

Ўрта аср санъати тарихи тадқиқотчиларининг фикрича, XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида умуман Мовароуннаҳрда, шу жумладан, Самарқандда Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари бадиий тафаккурининг энг яхши ютуқларини ўзида ифодалаган, Мовароуннаҳрнинг оригинал, ўзига хос маданиятини ривожлантириш асосида янги санъат вужудга келди.

---

<sup>1</sup> Рюи Гонзалес де Кловихо, Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403—1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями восстановлен под редакцией И. И. Средневского, СПб., Типография Имперской Академии наук, 1881, стр. 316.

XIV асрнинг охиридан бошлаб Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқда ижодий кучларининг асосий марказига айлана бориши билан санъатда янги йўналиш пайдо бўлди. Бунини, ҳатто баён қилинаётган даврда яшаган кишилар ҳам очиқ-равшан эътироф қиладилар. Масалан, Ибн Арабшоҳ Темурнинг шаҳар чеккасидаги саройлари тўғрисида ҳикоя қилар экан, бу саройлар «янги услубда» қурилганлигини кўрсатиб ўтади. Жумладан, архитектуранинг янги ифодали воситаларини қидириш, ўша даврда бутун Шарқда тенгги бўлмаган ҳашамат, дабдабага эришган ранг-баранг безакда ўз аксини топди. XIV—XV асрлардаги Ўрта Осиё тасвирий санъати соҳасида ўрта аср традицион адабий сюжети билан бир қаторда, замонавий тематикадан фойдаланиш, жанрлар, композиция хилма-хиллигига, расм солиш маҳоратини такомиллаштириш ва бу каби-ларга интилиш тенденцияси кўзга ташланади.

XV асрда безакли-бадий буюмлар ҳунармандчилиги юксак даражага кўтарилган эди. Унинг ривожланиши архитектура, тасвирий санъат, турмуш буюмлари санъати билан ўзаро узвий боғланган ҳолда борди. Турли санъатларнинг бири-бирига сингиб бориши ёғоч ва тошга ўйиб нақш солишда ҳам, гилам тўқишда ҳам, қўлёзма китобларни безашди ҳам, металл ва сопол идишларнинг энг яхши намуналарида ҳам ўз ифодасини топди.

Темур ва Темурийлар даврида Самарқандда Кўксарой, Жоме масжиди ва Бибиҳоним мадрасаси, Шохизинда ансамблида бир неча мақбаралар қурилди, Самарқанд атрофида боғ-роғлари бўлган Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Биҳишт, Боғи Нав саройлари қад кўтарди. Йўллар ўтказилди, Қўҳак—Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилди, Тошкент атрофида Сирдарёдан Оҳангаронгача канал қазилди, шаҳар типидagi Оҳангарон қишлоғига асос солинди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвон саройлар ва бошқа қурилишлар билан бир қаторда, суғориш иншоотлари бунёд этилди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган кўламда олиб борилди. Қурилиш ишларига маҳаллий меъморлар ва ҳунармандлар — соҳиби ҳунарлардан ташқари, Темур забт этган мамлакатлардан келтирилган кўпгина бинокор усталар, меъморлар жалб қилинди.

Темур нима сабабдан ўз давлатининг пойтахти қилиб Самарқандни танлаб олган? Баъзи бировлар, Темур дастлабки эгаллаган шаҳарлардан энг йириги Самарқанд эди десалар, бошқа бировлар бунга сабаб қилиб Темурга шаҳарнинг иқлими ва уни ўраб турган табиат манзур бўлган дейдилар, учинчи бировлар эса Самарқанд Темурни ўзига жалб этди, чунки у қадим замонлардан буён шаҳар сифатида маълум эди, бу

ерда машхур Афросиёб Турон мамлакатини идора қилган эди, деб тахмин қиладилар.

Ана шу тахминларнинг ҳар бирида маълум даражада ҳақиқат бор албатта, лекин бунинг объектив сабаби, афтидан, аввало, шундаки, Самарқанд ўзининг географик ўрни жиҳатидан Мовароуннаҳрнинг марказида жойлашган. Шаҳар атрофида серсув дарё, булоқлар мавжуд, шаҳарнинг ўзи эса уч томондан тоғлар билан ўралган, бу ерда уч ҳаво оқими: тоғдан, дарёлардан, шунингдек, далалардан — ўрмонлар ва ўтлоқлардан келадиган оқим бир-бирига қўшилиб, оромбахш иқлим барқарордир. Самарқандга яқин жойларда бинокорлик материалларининг ҳамда қимматли рангли ва нодир металлларнинг катта-катта запаслари бор эди. Бу бойликлар маълум даражада ўша даврдаёқ давлат хизматиға қўйилиши мумкин эди.

Самарқанд, Темурнинг фикрича, дунёнинг энг донгдор шаҳри бўлиб қолиши керак эди; Самарқанд атрофида Бағдод, Дамашқ, Миср (Қоҳира), Шероз ва Султония деб мусулмон мамлакатлари асосий шаҳарларининг номлари қўйилган бир қанча катта қишлоқларнинг бунёд этилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

...«Самарқанд шаҳри,— деб ёзган эди Клавихо.— текисликда жойлашган бўлиб, тупроқ уюмлари ва жарликлар билан ўралган; у Севилье шаҳридан бир оз каттароқ. Шаҳардан ташқарида эса унга турли томонлардан келиб туташган кўпгина уйлар қурилган. Шаҳар боғ-роғлар ва тоқзорлар билан қопланган бўлиб, булар баъзи жойларда 1,5, айрим жойларда эса 2 лига масофага чўзилиб кетган; ана шу боғларнинг ора-ораларида кўча ва майдонлар бўлиб, улар жуда гавжум. Бу ерларда аҳоли яшайди, нон, гўшт ва бошқа кўпгина нарсалар сотилади. Шаҳардан ташқарида шаҳарнинг ичидагидан кўпроқ турар жойлар бор. Шаҳардан ташқаридаги бу боғларда эса данғиллама ва серҳашам уйлар ҳам қурилган. Бу ерда подшонинг ҳам қасрлари ва бош хазиналари бор. Бундан ташқари, кўпгина шаҳарлик зодагонларнинг бу боғларда уйлари, иморатлари бор. Бу ерда боғ-роғлар ва тоқзорлар шунчалик кўпки, шаҳарга келганингда баланд-баланд дарахтлардан иборат ўрмонни кўрасан, унинг ўртасида шаҳар туради. Шаҳар ва боғлар бўйлаб ариқлар ўтиб, уларда доимо сув оқиб туради. Ана шу боғлар оралиғидаги бўш майдонларда қовун ва пахта етиштирилади. Бу мамлакат қовуни жуда яхши ва серҳосилдир. Янги йил арафасида уларда қовун ва узум шунча кўп бўладики, кўриб ҳайратда қоласан; ҳар куни туяларда сон-саноксиз қовун қарвони олиб келинади. Бунчалик кўп қовуннинг сотилаётганлиги ва истемол қилинаётганлигини кўриб, таажжубланмай иложинг йўқ; қишлоқларда қовун шунчалик кўпки, уни қуритиб қоқи қили-

шади ва келгуси йилгача асрашади. Уларни шундай қоқи қилишади: бунинг учун қовун узунасига тилим қилинади, пўчоғи олиб ташланади, сўнгра офтобга ёйилади. Улар қуригач, барча тиликларни жамлаб қопга солинади ва келгуси йилгача сақланади. Шаҳардан ташқарида катта текисликлар бўлиб, бу жойларда йирик ва гавжум қишлоқлар жойлашган. Подшо бу ерга бўйсундирилган мамлакатлардан юборилган одамларни жойлаштирган.

... Бу ер ҳамма нарсага бой: ғалла ҳам, вино ҳам, мева-чевалар ҳам, парранда ҳам ва турли гўштлар ҳам сероб. Бу ернинг қўйларни йирик-йирик ва думбалари катта: баъзи қўйларни думбаси 20 қадоқ келади. уларни қўлда зўрға кўтариш мумкин. Бу қўйлар шунчалик кўп ва арзонки, подшо у ерда ўз қўшини билан бўлган вақтда уларнинг иккитаси бир дукат турарди. Бошқа моллар ҳам жуда арзон. Ғалла арзон, гуруч мўл-кўл. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шунчалик маъмур ва бадавлатки, ҳайратланмай иложи йўқ; у шу бойлиги учун ҳам Самарқанд деб аталган. Унинг асли номи Семизкенд, бой қишлоқ деган маънони билдиради, чунки семиз — уларда катта (тўла) деган маънони билдиради, кенд эса қишлоқ дегани; Самарқанд деган ном ана шундан келиб чиққан. Унинг бойлиги озиқ-овқат маҳсулотларининг мўлкўллигида эмас, балки у ерда чиқариладиган шойи газмоллар, атласлар, сандаллар, тафталар ҳам сероб. Бу нарсалар у ерда жуда кўплаб ишлаб чиқарилади, кийим-бошларнинг астари мўйна ва шойидан қилинган. зар ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Шунинг учун ҳам подшо, бу шаҳарнинг шуҳратини оламга тарқатишга ҳаракат қилган ва қайси мамлакатни босиб олмасин ва ўзига тобе қилмасин, ҳамма жойдан одамларни шаҳарга ва теварак-атрофдаги қишлоқларга кўчириб келтирган; айниқса, у турли ҳунарманд усталарни тўплашга ҳаракат қилган. Дамашқдан турли усталарни келтирган: жумладан, турли шойи тўқийдиган, камон учун ўқ ва турли қурол-яроғлар ясайдиган, ойна ва сопол ишлайдиган усталарни келтирган. Бу усталар дунёдаги энг яхши усталардан ҳисобланади. У Туркиядан мерганлар ва учраган бошқа ҳунармандларни олиб келган. Шунингдек, тош терувчилар, қўли гул усталарни ҳам олиб келган. Уларни шунчалик кўп олиб келдики, истаган касбдаги уста ва ҳунармандларни бу шаҳарда топиш мумкин. Бундан ташқари, у турли мутахассислар — инженерлар, арқон тўқийдиган ҳунармандларни ҳам олиб келган, улар шу вақтгача бу ерда экилмайдиган каноп ва зиғир экишган. У турли мамлакат халқларидан бу шаҳарга шунча эркак ва хотин-қизларни тўплаганки, уларнинг ҳаммаси бир юз эллик минг кишидан ортиқроқдир. Улар орасида турли қабилалар: турклар ва араблар, марвлар ва бошқа халқлар, арман христианлари, грек като-


ликлари, наскоринлар, якобитлар, ўтга чўқинувчи ва бошқа хил эътиқодга мансуб бўлган христианлар бор. Бу ерда халқ



Лутфий.

шунчалик кўпки, у халқни на шаҳарга, на майдонларга, на кўча-кўйга, на қишлоқларга сиғдириш мумкин ва ҳатто шаҳардан ташқарида ҳам дарахтлар остида ва ғорларда ҳам

кўплаб одамлар яшайди. Бундан ташқари, шаҳар бошқа мамлакатлардан келтириладиган моллар билан тўлиб-тошган. Руши (Русь) ва Татаристондан тери ва суруп, Хитойдан шойи



Шоҳизинда ансамблидаги Қозизода Румий мақбараси.

газлама келтирилади. Дунёда энг яхши деб ҳисобланган атласлар Самарқандда тўқилади. Бундан ташқари, Хитойдан мушк (мускус) ҳам келтирилади, мушк эса Хитойдан бошқа бирон мамлакатда йўқ. Ёқут ва марваридлар, бриллиантлар ҳам келтирилади. Ана шу нарсаларнинг кўпгина қисми бу мамлакатда ҳам бор; бу ерга марварид ва бошқа қимматбаҳо

тошлар ҳам ташиб келтирилади. . . Ҳиндистондан бу шаҳарга майда моллар: мускат ёнғоқлари (жаъзи бобс), қалампир-мунчоқ, занжабил, анбар, долчин ва Александрияга юборил-майдиган бошқа турли нарсалар келтирилади. Шаҳарда кўп-гина майдонлар бўлиб, бу ерда ҳар хил усулда пиширилган гўшт жуда тоза қилиб тайёрланган товуқ, парранда, нон ва бошқа ноз-неъматлар ҳам бор; бу майдонлар кундузи ҳам, кечаси ҳам одамлар билан гавжум, у жойларда ҳамиша савдо чаққон. Шунингдек, кўпгина қаноралар бўлиб, бу ерда гўшт ҳам, товуқ ҳам, каклик, қирғовул, ўрдаклар ҳам сотишади. Бу нарсаларни кечаси-ю кундузи топиш мумкин. Шаҳарнинг четида қаср бор, бу қаср ташқи томондан текис жойда турганга ўхшайди, лекин чор атрофи хандаклар билан ўралган бўлиб, унда сув бор. Шу сабабли қасрга кириб бўлмайди. Подшо бу ерда ўз хазинасини сақлайди, у ерга хазиначи ва унга яқин кишилардан бошқа ҳеч ким кирмайди; ана шу қаср-да подшо асирга тушган мингга яқин усталарни асарди. Улар ўқ ёй, қилич, қалқон ясашади ва йил бўйи подшонинг хизматини қилишади. Подшо шу шаҳардан жанг қилиш учун Туркияга жўнаб, Дамашқни вайрон қилганида, у қўшиндаги барча аскарларига хотинларини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишлари тўғрисида буйруқ берди. Агар улар хотинларини ўз юртида қолдириб кетсалар, у ҳолда истаган ишлари билан шуғулланишлари мумкин бўлур эди. Бундай буйруқ бериш-нинг сабаби шундаки, подшо ўз душманларига қарши кура-шиш учун кетганида мамлакатда етти йил бўлмасликни кўзда тутган ва орадан етти йил ўтмагунча ана шу шаҳарга қадам қўймастикка ваъда берган ва қасам ичган эди.

Клавиходан кейин орадан тахминан юз йил ўтгач, Амир Темурнинг эвараси бўлмиш Абу Саид Мирзонинг набираси Заҳириддин Муҳаммад Бобир (1483—1530) Самарқандни икки марта эгаллаб, бу ерда кўрганларини ғоят чиройли тас-вирлайди: «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахрдур, бу ша-ҳарда бир хусусият борким, ўзга кам шахрда андоқ бўлмай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига мах-лут эмасдур, тавр расмедур. Ҳўб нонволиқлари ва ошпазлик-лари бордур». Бобир яна бундай дейди: «Оламда яхши коғаз Самарқандин чиқар, Жувози коғазлар суйи тамом Конигил-дин келадур. Конигил Сияҳоб ёқасидаурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар. Самарқанднинг яна бир матои қир-мизи баҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар».

Бобир Самарқандни ва Бухорогача унга тобе бўлган ту-манлар ҳамда вилоятларни жонли ва қизиқарли тарзда тас-вирлар экан, бундай деб ёзади: «бир йиғоч ҳам йўл йўқтур-ким, кенг ва маъмура бўлмағай. Андоқ машҳурдирким, Те-мурбек дегандурким: менинг бир боғим борким, тулу ўттуз йиғочтур. Бу тумонотни дегандур».

Темур ва Темурийлар давлатида ҳунармандлар, косиблар, меҳнатқашлар оммасининг аҳволи жуда оғир эди. Клавихо ҳам ўз «Кундалиги»да шу ҳақда хабар беради. XV асрдан бизгача етиб келган кўпгина мўъжаз тасвир (миниатюра)-лар ҳам деҳқонлар ва косибларнинг қашшоқ ҳаёт кечирганлигини акс эттиради. Кескин ижтимоий қарама-қаршилик: зодагонларнинг зеб-зийнати ва мулкдор синфларнинг чексиз зулми остида бўлган оддий кишиларнинг қашшоқлиги Темур давлати учун ҳам хос эди.

Темур ва Темурийлар «инак» йўли деб аталган ва Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга борадиган ҳамда яна Урта Осиё орқали Европа мамлакатларига қайтадиган асосий халқаро йўллари эгаллаб, шу йўлларда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан бир қанча тадбирлар кўрди ва Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотик ва дипломатик муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор берди.

## 2. САМАРҚАНДНИНГ ҒАРБИЙ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ

XIV—XV асрлар ўртасида Амир Темурнинг шахси замондошларининг эътиборинингга ўзига жалб этиб қолмай, балки жаҳон сиёсати доирасида юз бераётган барча воқеаларга ҳам таъсир кўрсатди. Унда ўз даврининг мураккаб сиёсий вазиятини тушуниб олиш учун етарли даражада истеъдод бор эди.

Темурнинг ҳаёти ва фаолияти асосан официоз характерда бўлган Шарқ манбаларида батафсил ёритилган. Темур билан Ғарбий Европа давлатларининг бошлиқлари ўртасида олиб борилган дипломатик ёзишмалар ҳам ҳозирги кунимизгача етиб келган. Темур тўғрисида ёзган тарихчиларимиз бу ҳужжатларни ўрганмаганлар. Бу ёзишмалар Темур ўзининг ғарбга «етти йиллик» юриш даври (1399—1404 йиллар) деб аталган ва қудратли Усмон империясига қарши уруш бошлашга қарор қилган XV асрнинг бошларига тааллуқлидир.

\* \*  
\*

XV асрнинг охири Болқон ярим ороли тарихида Туркиянинг ҳарбий қудрати тез ўсганлиги билан характерланади. Туркларнинг Европа халқлари билан биринчи катта тўқнашуви 1389 йилда, Сербиянинг Косовое майдонида бўлди. Турклар бир қанча ғалабаларни қўлга киритиб, Сербия ва Болгарияни босиб олди, Венгрияга хавф туғдира бошлади ҳамда 1396 йилда Ғарбий Европа ва Болгария рицарларини мағлубиятга учратди. Турк султони Боязид Константинополни босиб олишга тайёргарлик кўра бошлади. Византия императори



Мануил Палеолог Европадаги қирол саройларига шахсан бориб, улардан ёрдам сўрашга жазм қилди. Карл Маркс «Хронологик ёзишмалар»ида шу муносабат билан бундай ёзган эди: «Мануилни ҳамма жойда аслзода гадой сифатида қабул қилди. Парижда уни қуруқ тантана ва дабдабалар билан кутиб олди»<sup>1</sup>.

Мануил Константинополдан кетаётган пайтда (1399 йил декабрь) Болқон ярим ороли ва Архипелаг ороллари жуда аянчли аҳволда эди. Европа давлатлари хавфнинг олдини олиш воситаларини турли йўллар билан қидирар, ўзларини қутқазиб қолиш учун ҳар қандай битимлар тузишга тайёр эди. Бировлар ўз рақибларига қарши кураш олиб бориш учун турклар билан битим тузиш мақсадида улар олдида хушомад-гўйлик қилар, бошқа бировлар туркларга қарши курашмоқ учун папа бошчилигида каолиция тузишга умид боғлар эдилар.

Тез орада халқаро аҳвол ўзгарди. Усмон империясининг ўзини ҳам хавф остида қолдирган воқеалар рўй берди. Темур Боязиднинг Кичик Осиёдаги энг хавфли рақиби бўлди. Бу ерда икки истилочининг: ўша вақтда ўз ҳарбий қудрати жиҳатидан энг юксалган Темур билан Ғарбий Европага даҳшат солиб турган Боязиднинг манфаатлари дуч келди.

Боязиддан енгилиб, ер-мулкларидан маҳрум бўлган Кичик Осиё мамлакатларининг амирлари Темурдан бошпана топдилар ва уни Усмон территориясига бостириб кириб, туркларни бир ёқли қилишга ундадилар.

Ғарбдаги христиан давлатларининг: Византия регенти ва Генуя ҳокими Галат (Константинополь атрофи), француз қироли Карл VI, Султония шахрининг католик миссионерлари (Шимолий Эронда) ёрдам сўраб, Темурга мурожаат қилганликлари, Константинополь ва Пери (Константинополь атрофи) аҳолисининг оғир аҳволи ҳақида Шарқдаги католицизм собиқ марказининг берган хабари Темурнинг Боязидга қарши кураш бошлашига туртки бўлди. Темурнинг ана шу даъватларга қулоқ солмай иложиси йўқ эди.

Темур Туркия билан бўлажак тўқнашувда ўзининг қуруқликдаги операцияларини итальянлар ва грекларнинг денгиздаги ҳаракатлари билан мувофиқлаштириб олиб боришга умид боғлаган бўлса керак. Шунинг учун ҳам Темурга Трапезунд билан Константинополь ёрдам бериши зарур эди, бу жойларда ҳали ҳарбий кемалар бор эди. Темурнинг ўша вақтда йирик денгиз кучларига эга бўлган Генуя билан Венецияга совға ва хатлар билан элчилар юбориши шу мақсадни на-

---

<sup>1</sup> К. Маркс, Хронологические выписки, Архив Маркса и Энгельса, т. VI, стр. 183.

зарда тутган бўлиши эҳтимол, лекин бунинг тафсилоти бизга маълум эмас.

1402 йилнинг баҳорида испаниялик ва константинополлик элчилар Трапезунд орқали Амир Темурнинг олдига келган вақтда, Византия императори Мануил Палеологнинг замондоши, Трапезунд императори Мануил Ефрат дарёси қирғоқлари бўйида Темурга тўсқинлик қилмоқчи бўлиб, бир неча бор султ уринишларидан кейин итоат этди ва шахсан ўзи унинг олдига келди. Темур Трапезундга юриш бошлаб, императорни ўз мамлакати ва денгиз кучлари билан туркларга қарши ҳарбий ҳаракатларда қатнашишга мажбур этди. Биз буларнинг ҳаммасини Темурнинг император Мануилнинг Константинополдаги ноиб Иеоанн Палеологга ёзган хатидан билиб оламиз, чунки Мануилнинг ўзи ўша вақтда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Ғарбий Европа ҳокимларининг саройларига бориб, Туркияга қарши курашиш учун улардан ёрдам сўраб юрган эди. Венециялик зодагон томонидан Константинополдан Венецияга олиб борилган бу хат бизга асл нусхада эмас, балки бир оз бузилган италянча таржимада етиб келган. Италия тарихчиси Марино Санудо (XV—XVI асрлар) бу хатни ўзининг «Венеция подшоларининг ҳаёти» деган асарида босиб чиқарган.

Текстига зарур тузатиш ва аниқликлар киритилгандан кейин (биз уларни қавс ичига олганмиз) ана шу ноёб ҳужжатнинг рус тилидан қилинган ўзбекча таржимаси қуйидагичадир:

«Кирманолия императорининг бош мухтор вакилига

Александр билан бирга юборган монах Франческо етиб келди ва сенинг хатларингни менга топширди. Биз уларни кўрдик ва ўқиб чиқдик. Биз энди сенга айтмоқчимиз: ана шу хатларинг орқали тинчлик ва осойишталикка бўлган ишончимиз илгаригидан ҳам мустаҳкамланди. Монах Франческо биринчи марта келган (вақт)даёқ менда яхши ниятлар пайдо бўлган эди. Трапезунд императори (Мануил III) унга (йўлда) катта тўсқинлик кўрсатган, бу нарса бизни таажубга солди ва ана шу сабабга кўра биз оллонинг паноҳи остида у ерга (Трапезундга) юриш уюштирдик ва мен унга (Трапезунд императорига) сузишга яхши тайёрланган 20 та кема бўлиши кераклигини буюрдим. Агар бизнинг сўзларимиз адолатли бўлса (бизнинг буйруқларимиз Трапезундда ижро этиш учун қабул қилинган), у ҳолда бу ерга (бизнинг лагеримизга) бизнинг элчиларимиз келишади (улар Трапезундда қолдириб кетилган эди); ҳозир турган жойдан биз Йилдиримга қарши кураш бошлашимиз керак. Сенинг одамларинг бу ерга келиши биланоқ, биз зарур ҳисобланган масалаларни биргаликда муҳокама қиламиз. Биз шунинг учун ҳам монах Франческони сенинг ҳузурингга юбормадикки, шиддаткор Боязиддан элчи,

келишини кутиб турибмиз, чунки Боязиддан шахсий элчининг келиши тўғрисида ишончли хабарлар олдик ва монах Франческо ўша (турк) элчи билан биргадир. Монах Франческо ўша элчига (Мануил ноиби номидан) қуйидагиларни айтди: «Константинополь билан Перининг Боязидга тўлаган солиқларини эндиликда улуғ сеньор Темурга беришни хоҳлайман». Биз бунга қўшилаемиз. Мана шу сабабга кўра мен (кейинчалик) Боязидни оғир аҳволга солиб қўйишни истамагандим. Мана, энди зеро Боязид сени тинч қўймаётган экан, мен унинг йўлини тўсаман (унга қарши чиқаман). Агар Боязид сенга аҳоли яшайдиган жойларни ва қалъаларни қайтариб берса, етказилган зиён ва зарарларни (тўласа), у қолда мен у билан урушмайман. Шундай қилиб, сен менга мулкларингни қайтариб берган-бермаганлигини ёзиб юборгин. Бу хатда менга очиқ-равшан ёзиб юборгин, чунки бизнинг одамларимизнинг Трапезундда бошидан кечирган кўнгилсиз воқеаларни эшитдим ва шахсан ўзим Трапезунд яқинига келдим (ва уни бўйсунушига мажбур этдим), бу ҳақда сен ҳеч ҳам шубҳаланма. Шундай, сен менга айтмоқчи бўлганларингни аниқ-равшан ёзиб юборгин, чунки Трапезунд императори ва унинг одамлари ҳузуримизга (лагерга) келишади, шу боисдан биз қабул қилган шартнома (бизнинг ўзаро шартномамиз) сенинг учун бузилмас ва ишончли битим бўлиши керак.

Мана шу Исҳоқ (хатни топширувчи) сенга айтадиган барча гаплар ва хатимнинг мазмуни очиқ-равшан, хуллас, сен 20 та кемани олиб, улар билан Трапезунд томон сузишинг керак.

Биз оллонинг ёрдами билан юзимизга доғ туширмай ва ишонч билан аниқ мақсадга эришиш учун қадам ташладик.

Бу хат 15 майда ёзилди ва ишончли бўлиши учун биз унга ўз муҳримизни босдик».

Хатда келтирилган баъзи маълумотларни Константинополь императори ва Перидаги генуяликларнинг Темурга хизмат қилиш ва унга «одамлар ва кемалар билан» ёрдам бериш мажбуриятини олганликлари тўғрисида Клавихонинг кундалик дафтарида қайд этилган ёзувлар ҳам тасдиқлаши мумкин. Бироқ Византиянинг босиб олинишини ярим асрга кечиктирган Анқара жангидан кейин Генуя флоти катта ҳақ эвазига яксон қилинган туркларни Осиёдан Европага ташишга рози бўлган бўлса керак. Трапезундлик Мануилнинг ўзи ҳам шартномани бажармади ва туркларга ошкора ёрдам берди, Темурда эса Мануилдан ўч олиш учун кемалар йўқ эди.

Император Мануилнинг Парижда бўлиши тўғрисида унинг замондоши ва Мануилни Парижда ўз кўзи билан кўрган Сен-Денида (Париж атрофидаги шаҳарча) яшаган монахнинг ёзганлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг хабар беришича, Анқара жангидан кейин Тамбеллан (автор Темурни шундай

деб атайди) Мануилнинг Константинополдаги ноибига ёзган хатида Франциядан ўз амакисини чақиртириб олиш зарурлиги ҳақида айтган, бунинг учун унга Боязид босиб олган барча жойларни қайтариб беришни ваъда қилган.

Темур Константинополга бормади ва Боязид вақтида бўлганидек, Византия императоридан бож олиш ва уни билвосита бўйсундириш билан кифояланиб қўя қолди. Бу эса Константинополь ноибни Иоанн Палеолог билан Темур ўртасида олиб борилган музокаралардан кўриниб турибди. Бу музокаралар ҳақида биз ягона манба — Темурнинг хатидан биламиз. Мазкур ҳужжатнинг тарихий қиммати ҳам ана шундадир.

\* \*  
\*

Темур Кичик Осиёда бўлган вақтида султон Боязид билан дипломатик алоқа олиб боришдан ташқари Трапезунд ва Константинополдан денгизда ўзига мадад қидирди, шу билан бирга, Ғарбий Европадаги анча олис давлатлар: Валуа сулоласидан бўлган француз қироли Карл VI (1380—1422) ва Англия қироли Генрих IV Ланкастерский (1399—1413) билан дипломатик ёзишмалар ҳам олиб борди.

Ёзишмаларга қараганда, европаликларнинг ҳам, Темурнинг ҳам битта умумий душмани — қудратли Усмон империяси бор эди.

Франция Византия империясининг тақдирига бевосита қизиқар эди. Генуяликлар — француз фуқароларнинг ер ва мулкларини, айниқса уларнинг Ғалатадаги колонияларини ҳимоя қилиш учун Франция Темурдан мадад кутар ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга уринар эди. Темур билан Карл VI ўртасидаги сақланиб қолган ёзишмалар характерига кўра, Карл VI нинг таклифлари рад этилмаган ва француз қиролини Темур жиддий қўллаб-қувватлаган, деб айтиш мумкин. Уларнинг бир-бирларига расмий элчилар юборганликлари тўғрисида бизда маълумотлар йўқ, бироқ Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган улар ўртасидаги дипломатик ёзишмалар эса Анқара жангидан кейинги даврга тааллуқлидир.

Темур билан Карл VI ўртасидаги ана шу ёзишмаларни XIX асрнинг бошларида яшаган таниқли француз шарқшуноси Сильвестр де Саси биринчи бўлиб шуғулланган эди. Ана шундан 100 йилдан кўпроқ вақт мобайнида, гарчи Ғарбий Европа олимлари француз шарқшуносининг асарига мурожаат этиб турган бўлса-да, ушбу масалага бағишланган махсус асарлар пайдо бўлмади.

1928 йил Бомбайда Эрон шарқшуноси Мирзо Муҳаммаджон Қазвинийнинг мақолалар тўплами нашр этилди. Ана шу-

лар орасида битта мақола Темурнинг Қарл VI га ёзган хатига бағишланган эди. Муаллиф асосан С. де Сасининг гадқиқоти-га таяниб, баъзи бир қўшимча шарҳларни беради. Бу мақо-ланинг энг муҳим томони шундаки, муаллиф хатни босиб чиқарди, ваҳолонки, С. де Саси эса хатни латинча таржимада факсимилесиз эълон қилган эди.

Темурнинг Қарл VI га ёзган форс-тожик тилидаги хати-нинг таржимаси қуйидагича:

«Улуғ амир Темур Қўрагонийнинг умрлари узоқ бўлсин.

Редифранц подшоси мазкур дўстидан юз мингларча са-ломларни қабул этишини сўрайди ва (унга) кўп яхши истак-ларини изҳор қилади (яъни бахт-саодат ҳақидаги истаклар).

Саломларини топширгач, ақлда ягона улуғ Амирга шу нарса маълум бўлсинки, бу мамлакатга қирол хатларини олиб келган ва улуғ Амирнинг шон-шухрати, улуғворлиги ва қуд-рати тўғрисида гапириб берган монах Франческо орқали кўп-гина нарсаларни билиб олдик ва жуда хурсанд бўлдик. У шунингдек, бизга шу нарсани айтиб бердики, (амир) кўп қў-шин билан сафарга чиққан ва оллон таолонинг ёрдами билан бизнинг ҳам, сизларнинг ҳам душманларингиз устидан ғолиб чиққан ва уларни ер билан яксон қилган.

Энди сизнинг ҳузурингизга Султония епископи монах Ио-анн юборилди ва у Сизга рўй берган воқеаларнинг ҳаммаси-ни гапириб беради.

Энди биз улуғ амрдан доимо хат юбориб, ўзининг сиҳат-саломатлиги ҳақида ёзиб (бизнинг), кўнглимизни тинчитиб туришини истаймиз.


Бундан ташқари, ана шу (бизнинг) мамлакатимизга сав-догарларингизни юбориб туришларингизни истар эдик, биз уларни бу ерда ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб оламиз. Биз-нинг савдогарларимиз ҳам (сизнинг) ўлкангизга боришлари (керак) ва уларга ҳам ана шундай ҳурмат ва эҳтиром кўрса-тилишига ишонамиз. Уларга ҳеч ким зўрлик қилмайди ва ор-тиқча ҳақ олмайди, чунки дунё савдогарлар туфайлигина гуллаб-яшнамоқда.

Биз яна нималарни ҳал этишимиз керак?

Подшолигингиз узоқ йиллар бахтиёр бўлсин. Салом би-лан! 805 ҳижрий йилнинг муқаддас муҳаррам (ойи)нинг би-ринчи кунинида ёзилган».

Бу хатнинг асл нусха эканлиги шубҳа туғдирмайди, чунки унинг икки жойига Темурнинг унча катта бўлмаган муҳри босилган.

Париждаги Миллий кутубхонада Темурнинг Қарл VI га ёзган иккинчи хати ҳам сақланмоқда. Бу хат бизнинг даври-мизгача латинча таржимада етиб келган. Хужжатнинг сарлав-ҳасида ёзув бор, бу ёзув таржимаси қуйидаги маънони бил-диради: «Бу ҳоким Темурбек хатининг нусхаси ёки баёни



Шодимулк оқа мақбараси. Фаянс қўшилган ва сирланган ўйма  
керамик қоплама.

бўлиб, бу хатни у Франция қироли ҳазрати олийларига юборган. Хат форс тилидан латин тилига таржима қилинган». Хатнинг форсча асл нусхаси сақланмаган бўлса керак, ҳар ҳолда С. де Сасининг кўрсатишича, Франция архивида бу хат топилмаган. Иккинчи хат ҳам ўша куни, яъни 1402 йилнинг 1 августига ёзилган. Бу хатда Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабаси тўғрисида гапирилади. Демак, бу хат биринчидан кейинроқ, Анқара жангидан сўнг тайёрланган бўлса керак.

Темурнинг Карл VI га ёзган хатининг таржимаси қуйидагича:

«Биз — Темур Кўрагоний сўзимиз.

Дунёнинг мўътабар ва музаффар ҳокими, буюк жангларида ғолиб чиққан малик ва султон, французлар ва бошқа кўпгина халқларнинг қироли, сизга саломлар йўллайман ва тинчлик тилайман.

Биз чин дўстларга (хос) бўлганидек, сизнинг ҳамишадагидек бахтиёр бўлишингизни истаймиз; сизнинг номингиз шунчалик машҳурки, олис-олис мамлакатларгача ҳам етиб борган ва сизнинг шон-шухратингиз барча подшолар орасида кенг тарқалганини биз бутун Шарқнинг архиепископи монах Иоанндан эшитдикки, у илгари менинг ҳузуримга қандайдир французлар томонидан юборилган эди. Очиғини айтганда, монах Франческо Сатру томонидан юборилган экан; биз сизнинг ҳокимиятингиз кучи кўпгина мамлакатларга тарқалганлигини ва айниқса, ана шу (?) мамлакатларга ёйилганлигини эшитиб, жуда шод бўлдик; бу ҳақда биз яқинда Туркияда бўлганимизда эшитдик; бундан ташқари, савдогарларнинг фойдалари ҳақида ва кўпгина ажойиб ишлар ҳақида, сизнинг саройингиздаги улуғворлик, қудрат ва тартиб ҳақида, шунингдек, сизнинг турк султони Боязидга душман эканингизни эшитиб (яна ҳам) қувондик, қонун ва динга қараганда, Боязид мен билан бирга бўлиши керак эди, бироқ у мен билан ва дўстларим билан тузилган шартномага риоя қилмади, шунинг учун биз уни маҳв этишга қарор қилдик ва юқоридаги монахлар гапини эшитиб ва сизнинг вакилларингиз томонидан берилган ваъдаларга асосан, биз Туркия чегараларига ўтиб, сизнинг ҳам, бизнинг ҳам душманимизни худои таолонинг ёрдамида қисқа вақт ичида Боязидни ҳам, бутун мамлакатини ҳам тор-мор қилдик; ва улуғ давлатлар ва дўстлар орасида бу каби катта ишлар тўғрисида хабарлашиб туриш одати мавжуд бўлганлиги учун ҳам биз ҳазрати олийлари ҳузурига архиепископ Иоанин юбордик. Уни биз сизнинг (шу билан бирга) бизнинг ҳам (кишимиз) сифатида юбордик, у бизнинг аҳволимиз тўғрисида, бу ердаги мамлакатлар ҳақида ва сизнинг рақибингиз тўғрисида батафсил гапириб беради ва сизга (одамларингизга) нисбатан бўлган бизнинг муҳаббатимиз ва

ҳамжиҳатлигимизни гапириб беради, шунингдек, ана шу кунларда (сизнинг одамларингизга) кўпгина фойда етказишга сабаб бўлди. Сиз ва сизнинг (одамларингизга) барча ҳурмат ва эҳтиромни ўринлатдик; Сиз диний ишлардан ташқари ҳамма ишда ишончли киши бўлган унинг оғзидан эшитинг.

Биз сизнинг аҳволингиз яхшилиги ҳақида эшитишни истаймиз, бундан кейин сизнинг (одамларингиз) ва бизнинг ерларимиз, бизнинг (кишиларимиз) ва сизнинг ўлкангиз кишилари ўтган авлодларимиз давридагидек, бориб-келиб турсалар, сизнинг ва бизнинг номимизни ҳамма жойда олқишлаб турсалар, мамлакатимиз савдогарлари учун фойда келтиришса, кўп хурсанд бўлар эдик. Шуни ҳам айтиш керакки, эндиликда бизнинг юртимизда савдогарларингизнинг хавфсизлиги таъминланади, айтилиши лозим бўлган бошқа ишлар ва алоқаларнинг ҳаммаси тўғрисида юқорида номи тилга олинган архиепископ гапириб беради. Чунки бу ерларда узоқ вақт бўлиб, кўпгина нарсалардан хабардор.

Сабаста (Сивас) яқинида муҳаррам ойининг биринчи кунини, Муҳаммад йилининг саккиз юз бешинчисида ёзилган».

Ушбу хатнинг таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1) латин таҳриридагина сақланиб қолган Темурнинг иккинчи хати ўзининг шакли ва мазмуни жиҳатидан биринчи хатнинг асл нусхасидан кескин фарқ қилади;

2) латинча таржимада келтирилган кўпгина нарсалар тожикча оригиналда (агар шунақа асл нусхаси бўлган тақдирда) афтидан, йўқ бўлса керак. Чунки: Карл VI га «султон» унвонининг берилиши; монах Иоанн дин масаласидан бошқа ҳамма ишларда ишончли одам деб айтилган гаплар; хатнинг жўнатилиш вақти ва жойининг тарихий ҳақиқатга зидлиги;

3) хатнинг латинча тексти муҳаррири, афтидан, монах Иоанн бўлса керак. Чунки у ушбу хатда қиролнинг кўкларга кўтариб хушомадгўйлик қилиш, архиепископнинг обрўйини мустаҳкамлаш (чунки хатда у бутун Шарқнинг архиепископи деб номланади) ва ўз зиммасига юклатилган дипломатик ваколатнинг аҳамиятини янада ошириш учун хатни шундай таҳрир этишга ҳаракат қилган;

4) хатнинг тожикча тексти умуман бўлмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хат Темур номидан архиепископ Иоанн томонидан ёзилган бўлиб, кейинчалик 1403 йилда Францияга олиб келинган бўлиши эҳтимол. Хатларнинг асл нусхаси бор-йўқлиги ҳақида Франция архивларида маълумот йўқ. Хатнинг сарлавҳадаги ёзув автори бу хат форс тилидан латин тилига таржима қилинган деб қайси маълумотга асосланиб гапиргани бизга маълум эмас.

«Франкларнинг қилган ишлари ҳақидаги даврий ёзувлар» да архиепископ Иоанн элчихонасининг 1403 йил майда Па-



рижга келганлиги ҳақида келтирилган маълумот диққатга сазовор. Хроникада айтилишича, Темур элчиси Парижга келгач, тантанали вазиятда ўзининг келиш мақсадларини баён этган, чунончи: 1) Темурнинг Туркия устидан қозонган ғалабаси, султонни асир тушириши, Боязид асир олган христианларни озод қилиши ва Темурнинг бошқа христианларга озодлик бериши тўғрисида (агар шундай кишилар топилса) хабар бериш, 2) Франция салтанатининг улуғлигини кўриш ва Темур давлатининг дабдабаси ҳақида гапириб бериш истагидан иборат эди.


Солномада ёзилишига кўра, кейин элчи унинг элчихонаси — христиан дини учун фойдали бўлган икки жиддий масалани таклиф қилишини айтган: биринчидан, икки мамлакатнинг савдогарлари учун эркин савдо муносабатлари олиб борилишини таъминлаш ва иккинчидан, агар қирол ва герцоглар рози бўлсалар, бу эркин савдони тегишли битим ёки шартнома билан мустаҳкамлаш мумкин. Ана шу хроникада ёзилишича, католик черковининг бошлиғи кўпгина кишиларга Темур ҳаётининг хусусиятлари тўғрисида гапириб берган ва Темур ҳақида француз тилида ёзилган кичик бир асарни ҳам тайёрлаб қўйганлигини айтган. Темур ҳақидаги хотиралар ана шундай пайдо бўлди. Модомики, Темур ҳақидаги бундай мемуарлар, замондошининг, айниқса, Темур томонидан юборилган элчининг асари бўлгани учун ҳам Парижда унга нисбатан қизиқиш жуда катта бўлган.

Карл VI нинг Темурга ёзган латинча хатининг таржимаси қуйидагича:

«Худонинг марҳамати билан, франклар қироли Карл муҳтарам ҳазрат ва музаффар подшоҳ Темурбекка саломлар йўллайди ва тинчлик тилайди.

Муҳтарам ҳазрат ва музаффар подшоҳ, қироллар ва муваққат ҳокимлар, ҳатто, уларнинг дини ва тилидан қатъий назар, улар хайрихоҳлик асосида бир-бирлари билан ҳурмат ҳамда дўстлик алоқаларини боғламоқчи бўлсалар, аввало, бунинг учун фуқаролар, дин осойишталиги ва тинчлигини кўзлаб қилинадиган ҳар бир ҳаракатга на қонун, на дин монелик қилади. Шунинг учун ҳам муҳтарам ҳазрат ва музаффар подшоҳ сўзларимизга амин бўлингки, биз бутун Шарқнинг архиепископи монах Иоанн орқали сиз жаноби олийларининг хатини олиб ўқидик. Бу мактубда сиз бизларга сиҳат-саломатлик тилагансиз ва бизнинг ишларимиз, шунингдек, давлатнинг аҳволи тўғрисида хабар беришимизни илтимос қилгансиз. Шунингдек, сизнинг Боязид устидан оллонинг инояти билан қозонган ғалабангиз бизни жуда хурсанд қилди, чунки бунга яна шу нарсани илова қилиш мумкинки, сиз жаноб олийларига манзур бўлса, бизнинг савдогарларимиз ва бошқа христианлар савдо-сотик қилишлари ва айни вақтда сизнинг фуқа-

роларингиз билан шартнома тузишлари ҳамда қаршиликсиз ўзаро савдо ишлари олиб боришлари, шунингдек, бундан кейин барча ерларда ва жойларда шонли ота-боболаримиз давридагидек ҳозир ҳам, бунинг учун биз, аввало, сиз жаноб олийларига ташаккур ва миннатдорчилик билдирамыз; сизнинг одамларингиз бемалол бизнинг ерларимизга келишлари ва савдо-сотик қилишларига, шунингдек, бизнинг одамларимиз ҳам савдо-сотик қилишларига ва кўпгина бошқа масалаларда бажону дил розимиз ва шундай бўлишини истаимиз. Юқорида номи зикр этилган архиепископ бизнинг давлати-



Қусам ибн Аббос гўрхонасидаги майолик қабр тош.

мизда бу нарсаларнинг ҳаммасини эшитган ва кўриш шарафига муяссар бўлган. Агар сизга манзур бўлса, у ҳолда архиепископ ҳамма нарсаларни сизга оғзаки гапириб беради; сиз ҳазрати олийлари бу ишда унинг гапларига, унинг содиқлигига ишончимиз ва кейинчалик ундан илтимос қилишимиз туфайли унга ишонишингиз мумкин; у саёҳати давомида ўз кўзи билан кўрган, кечирган нарсаларини гапириб беради. Ниҳоят, биз сиз жаноби олийлари томонидан кўпгина християнларга кўрсатилган олий ҳимматингиз ва кўпгина илтифотларингиз учун сизга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қиламыз. Биз сизнинг ишларингизни, фойдали тақлифларингизни қабул қиламыз, имкони бор жойларда (уларга) баробар ва ундан ортиқроқ илтифот кўрсатишга ваъда берамыз.

Парижда ёзилган, ҳазрати Исо пайғамбар йилининг бир минг тўрт юз учинчиси, июнь ойининг ўн бешинчи куни».

Бу ҳужжат шу жиҳатдан ҳам қизиқарлики, у Карл VI нинг Темурга ёзган ва сақланиб қолган ягона хатидир. Бундан олдинги хатлар бизга етиб келмаган бўлиб, уларнинг мавжудлиги ҳақида бизгача етиб келган ёзишмаларда маълумот сақланган қолган. Мазкур хатнинг асл нусха эканлиги шубҳа туғдирмайди, чунки унинг нусхаси Париждаги Миллий кутубхонада сақланмоқда. Хатнинг муҳаррири ўша архиепископ Иоанн бўлган бўлса керак. Чунки унга катта эътибор берилган, бундан ташқари хат шакл жиҳатидан Темурнинг ёзган хатларининг латинча таҳририга яқин ва унинг тақлидидир. Карл VI да Анқара ёнида турк қўшинларининг тор-мор қилинганлиги учун Темурга миннатдорчилик билдиришга тўла асос бор эди. Хатда Франция билан Темур давлати ўртасида савдо алоқаларини ривожлантиришга катта ўрин берилган. Иккала томон ҳам бундан манфаатдор эди. Мактубдан кўри-ниб турибдики, француз қиролининг фуқароси Темур саройига эркин равишда кира олар ва ундан ўз манфаатларини кўзлаб кенг фойдалана олар эди.

Темурнинг икки хати 1402 йил 1 августда ёзилган, Карл VI нинг жавоби эса 1403 йилнинг 15 июнида ёзилган.

Темурнинг Анқара жағидан кейин француз саройи билан қилган ёзишмаларидан кўриниб турибдики, бу Шарққа юборилаётган католик миссионерларига бериладиган тавсия хатларигина бўлмай, балки савдо шартномаси тузишга қаратилган дипломатик ёзишма эди. Бу масалада Ватикан вакили Султония архиепископи Иоаннга муҳим роль ажратилади, чунки унга Карл VI нинг жавоб хатини етказиш топширилган эди. Қиролнинг мактуби Темурга топширилган ёки топширилмаганлиги ҳақида бизга аниқ маълумотлар йўқ. Модомики, Темур Самарқандга 1404 йилнинг куз фаслида қайтиб келган экан, Карл VI нинг жавоб мактуби унга қайтаётган вақтда топширилган бўлса керак. Темурнинг 1405 йил февралда вафот этиши ва кейинчалик Темурийлар ўртасида тожу тахт учун бошланган курашлар музокараларни ниҳоясига етказишга имкон бермаган бўлса керак. Темур давлатининг Франция билан алоқаларни тўғрисидаги маълумотлар ана шундай.

\* \* \*

Англиянинг Шарқ билан алоқалари жуда кам ўрганилган. Инглиз рицари Джон Мандевилнинг афсонавий саёҳатини эътиборга олмаганда, инглизлар ўрта асрларда Шарқни ўрганиш ишига қатнашмадилар. Ҳозир тахмин қилинишича Джон Мендевил фақат Миср ва Суриядагина бўлган, унинг Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар бўйлаб қирқ йиллик (1332—1372) саёҳатлари баёни эса бошқа саёҳатчилар китоб-

ларидан олинган. Фақат Темур давридагина Англия билан Темур давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатишга уриниб кўрилди, ammo бу ҳам натижа бермади.

Темур Кичик Осиёда бўлган вақтида деярли бутун Ғарбий Осиё «Татар истилочиси» (Ғарбий Европа ёзувчилари Темурни ана шундай деб атаётган эдилар) ҳукмронлиги остида эди. Шарқий Европанинг христиан давлатлари ғайри дин Темурни яқин иттифоқчи деб тан олишга тайёр эди. Константинополь греклари ва Пери генуяликлари умумий душман бўлган туркларга қарши Темур билан биргаликда ҳаракат қилишга рози бўлдилар. Ғарб давлатлари ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. Англия ҳам бошқа давлатлар билан бирга Темур билан дўстона алоқаларни ўрнатиш йўлини қидира бошлади.

Ана шу даврда Англиянинг ташқи сиёсати Францияга нисбатан душманлик руҳида эди. 1396 йилда улар тузган яраш битими тез орада бузилди, 1404 йилда эса улар ўртасида ғарбий ҳаракатлар яна бошланиб кетди.

Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар Темур билан Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатишда бутун Шарқ католик архиепископи Иоаннинг катта роль ўйнаганидан далолат беради. Боязид мағлубиятга учрамасдан олдинроқ Иоанн Темурнинг тўла ишончини қозона олди ва бир ғайри диннинг ҳалокати йўлида иккинчи бир ғайри дин билан келишиб олиш зарур деб ҳисоблаб, у билан битим тузди.

Ватикан вакили Англияни Темур томонидан вужудга келтирилган катта давлатнинг ғарбий вилоятларидаги вакили Мироншоҳ билан яқинлашишига актив кўмаклашди.

XV асрнинг охиридаги дипломатик ёзишмалардан ҳозиргача сақланиб қолган ва латин тилида бўлган икки ҳужжат Темурнинг учинчи ўғли—Мироншоҳнинг номи билан бевосита боғлиқдир. У 1393 йилда Темур забт этган «Хулагу подшолиги»ни, яъни Бағдодни ўз ичига олган Шимолий Эрон, Табриз ва Султонияни ўз ичига олган Закавказьедан иборат форс мўғуллари давлатини бошқаришни қўлига олган эди. Темурийлар авлодидан тирик қолган катта ўғли сифатида Мироншоҳ кексайиб қолган отаси даврида Ғарбий Европа ҳокимларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этади ва тез орада Ғарбдан келган христиан савдогарлари ва миссионерларнинг манфаатларини очиқ-ойдин ифода қилувчи ва Англия қироли Генрих IV билан шартнома тузишга тайёр турувчи «католик динининг ҳомийси сифатида» шуҳрат қозонди. Бундан биз Англия қироли Генрих IV нинг Мирзо Мироншоҳга йўллаган жавоб мактубидан билиб оламиз (тестда — Mirassa Amirassa).

Мактубнинг мазмуни қисқача қуйидагилардан иборат: дўстона ва яхши муносабатлар учун, католик халқига нисбатан, айниқса, руҳонийларга ва франк-католикларга хайрихоҳлик билдириб, уларга илтифот ва марҳаматлар кўрсатиб ҳам-

да христиан савдогарларининг дахлсизлигини таъминлаб ва шу билан бир қаторда, савдо-сотик ишлари манфаатларини кўзлаб қилган ишлари туфайли «католик динининг ҳомийси, Шарқ мамлакатларининг амирига» (Мироншоҳни шундай деб аташар эди) миннатдорчилик билдирилади. Қирол Мироншоҳга буларнинг ҳаммасини у «турли хатлардан кўра, Шарқнинг архиепископи Иоаннинг маълумотларидан кўпроқ» билиб олганлигини айтади.

Қиролнинг мактубидан кўриниб турибдики, Англия билан дўстона муносабатларни ўрнатишда Мироншоҳ ташаббус кўрсатган, чунки у «хабар беришларича, давлат ишларига тааллуқли бўлган баъзи бир масалалар юзасидан биз билан дўстона муносабатлар ва тинчлик алоқасини ўрнатиш йўлини қидирди». Қирол шартнома тузиш истагини билдиради ва шу мақсадда Англия ишларидан яхши хабардор бўлган архиепископ Иоанни вакил қилиб тайинлайди, унга тўла ишонч билдиради.

Мактуб февралда (йили кўрсатилмаган) Гертфорд шаҳридан жўнатилган. Унинг шакли ва мазмунига қараганда, мактубнинг муҳаррири Иоаннинг ўзи бўлган бўлса керак, чунки унга хатда катта эътибор берилган эди.

Париждаги Миллий кутубхонада Мироншоҳнинг номидан ёзилган ва ҳозиргача фақат латинча таржимаси етиб келган бир ҳужжат сақланмоқда. Ҳужжатнинг сарлавҳасида ёзув бўлиб, у қуйидаги маънони билдиради: «Амир Амирза Миранкс хатининг ушбу кўчирилган нусхаси ёки баёни форсчадан латин тилига таржима қилинган». Хатнинг форсча асл нусхаси сақланмаган бўлса керак. Ҳар ҳолда Сильвестр де Сасининг кўрсатиб ўтишича, бу хат Франция архивидан топилмаган.

Бу ҳужжатда Мироншоҳнинг «Франклар ёки христианларнинг муҳтарам қироллари, давлат бошлиқлари, обшчиналарининг бошлиқлари ва ҳокимларига» юборилган мактуби баён қилиб берилган.

Авторнинг кўрсатиб ўтишича, «ушбу мактуб дўстларнинг тинчлиги ва осойишталигини кўзлаб зуқарнан ойида» ёзилган. Архиепископ Иоанн зиммасига ушбу мактубни ўз эгаларига етказиб бериш вазифаси юклатилган. Мактубдан кўриниб турибдики, Иоанн Генуя ва Венецияда бўлиб, «у ердан сиз бажарган ишлар тўғрисида» кўпгина шодиёна хабарлар келтирган. Кейинчалик айтиладики, «сиз яхши кутиб олган монах Франческо Сатру етиб келди ва унинг хабарларидан бизнинг отамиз ва биз сизни ва сизнинг фуқароларингизни севиб қолиб, кўпгина ишларни амалга оширишга тайёр эдик ва оширдик ҳам, чунки юқорида номлари зикр қилинган (Генуя билан Венеция кўзда тутилган бўлса керак) бизнинг ва Сизнинг душманларимизга қарши бизнинг қудратли кучлари-

миз юриш бошлади, биз уни эгалладик ва тор-мор қилдик, бундан кейин ҳам Сиз эшитганингиздек иш тутамиз».

Авторнинг ёзишича, унинг отасининг топшириғига кўра, архиепископ Иоанн «бизнинг енгилмас қудратимиз тўғрисида, шунингдек, кундалик ишларимиз, характеримиз ҳақида ҳамда бизнинг ерларимиз ваъда этаётган фойда ҳақида» хабар бериш учун юборилган эди. Мактубнинг охирида савдо муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги масала тилга олинади: «Савдогарларга келганда, сизнинг савдогарларингиз ҳозирги вақтда улар хавф-хатарсиз бўлганларидек, хавф-хатарсиз биз томонларга келиши ва бизнинг (одамларимиз) ҳам хавф-хатарсиз бўлишини истаймиз. Гарчи бизнинг ўртамизда диний тафовут бўлса ҳам, сизнинг (кишиларингиз) хавф-хатарсиз бўларди, чунки бу дунёда меҳр-муҳаббат бор. Биз кўпларнинг ва, айниқса, савдогарларнинг наф кўриши тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак». Мактуб қуйидаги сўзлар билан тугалланади: «Себаста (Сивас) яқинида Муҳаммад йилининг саккиз юз бешинчисида, юқорида кўрсатилган ойда ёзилган».

Ушбу ҳужжатни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1) модомики, Мироншоҳнинг мактуби христиан ҳокимлар ва франкларнинг обшчиналарига қаратилган экан, мактубнинг форсча асл нусхаси архиепископ Иоаннинг архивида сақланган бўлиши мумкин, чунки мактубни латин тилига таржима қилиб, турли князлар ва республикаларга юбориш унга топширилган эди; мактубнинг латинча таржимаси муҳаррири, шубҳасиз, Иоаннинг ўзи бўлиши керак, у ўз билганича мактубга ўзгартиш ва қўшимча киритиши мумкин эди;

2) мактуб юборилган вақт тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан қолмоқда. Текстда «ушбу мактуб зуқарнан ойида ёзилганлиги» (мусулмонларнинг охиригисидан олдинги — Зулқаъда ойининг бузиб айтилгани кўрсатилган) айтилган, мактубнинг охирида эса биз қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Себаста яқинида Муҳаммад йилининг саккиз юз бешинчисида юқорида кўрсатилган ойда» (зулқаъда ойида), яъни 1403 йилнинг 22 майи билан 21 юни ўртасида ёзилган. Сильвестр де Сасининг фикрича, 805 йил эмас 804 йилнинг зулқаъда ойида, яъни 1402 йилнинг июнида ёзилган, чунки таржимон мактубнинг охирида «*tense ut Supra*», яъни юқорида айтилган ойни қўйган.

Агар С. де Сасининг фикрига қўшиладиган бўлсак, у ҳолда Мироншоҳнинг Фарбий Европага йўллаган мактуби Анқара жангига (1402 йил 28 июлгача) жўнатилган. Агар шундай бўлса, мактубнинг қуйидаги сўзларини қандай тушунмоқ керак, деган савол туғилади: «юқорида номлари зикр қилинган (Генуя билан Венеция) бизнинг ва сизнинг душманлари-

мизга қарши бизнинг қудратли кучларимиз юриш бошлади, биз уни эгалладик ва тор-мор қилдик». Бизнинг фикримизча, бу ерда туркларнинг Анқара ёнида тор-мор этилиши кўзда тутилган бўлса керак. Мироншоҳ мактуби санасини аниқлаб олишдаги қийинчиликнинг сабаби шундаки, биз Темур билан Мироншоҳ ўртасида жанжал қачон чиққанлигини ва ўғли «Хулагу тахтидан» қачон четлаштирилганлигини аниқ билмаймиз. Темур ҳаёт вақтидаёқ ёзилган «Зафарнома»нинг дастлабки таҳририда ота билан ўғил ўртасидаги жанжал тилга олинмайди, Шарафиддин Алининг асаридангина шу нарса бизга маълумки, 1399 йилда ғарбга қилинган юриш асосан Мироншоҳнинг ҳаракатлари туфайли бўлган.

Англия қироли Генрих IV нинг Темурга ёзган жавоб мактубини ҳам қараб чиқайлик. Бу мактуб ҳозир Британия музейида сақланмоқда. Темурнинг Генрих IV га ёзган мактуби Англия архивларидан топилмади.

Ана шу ноёб ҳужжатнинг мазмуни қуйидагича:

«Худонинг инояти билан Англия ва Франциянинг қироли, шунингдек, Ирландия ҳокими Генрих улуғ ва қудратли подшоҳ Темурбекка сўзимиз, бизнинг дўстимиз, худонинг азиз бандасига энг катта саломлар бўлсин ва худо тинчлик ато қилсин.

Улуғ подшоҳ, дўстимиз, худонинг азиз бандаси, Исо пайгамбарнинг Шарқдаги вакили архиепископ орқали юборган хатингиз (яъни унда ёзилган нарсалар) билан танишибгина қолмай, сиз ишонч билдирган ўша архиепископнинг ўзидан оғзаки суҳбат вақтида гапларни эшитиб, сизга бўлган дўстлигимизни яна бир бор ҳис қилдик. Биз билдирган дўстлигингизга лойиқ иш қилганимизча йўқ ҳали; сизнинг эсон-омонлигингизни мазкур архиепископдан эшитиб қувондик, шу билан бирга, айни вақтда Францияга сизнинг шавкатли ўғлингиз топшириғи билан бошқа масалалар бўйича, яъни сулҳ ва ҳамжиҳатлик юзасидан билдирилган истаклар бизни хурсанд қилди, шундан сўнг сизнинг олдингизга борувчи руҳоний (доминиканлар орденига мансуб бўлган) Франческо Шадер томонидан сиз зоти олийларга ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларининг бир-бирлари билан илғари, авлодларимиз даврида бўлганидек, учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамыз. Бу гапларни улуғ подшоҳ, сизга бўлган дўстлигимизнинг рамзи сифатида айтмоқдамиз... (қолиб кетган). Миннатдорчилик билан чин қалбдан сўраймизки, бундан сўнг бизнинг савдогарларимизнинг мамлакатингизда бемалол юришларига имкон туғилса.

Юқорида зикр этилган хат мазмунидан сизнинг яқинда Туркия чегараларига кириб, худонинг мадади билан қисқа муддат ичида бизнинг ва сизнинг эски душманамиз Боязид ва унинг давлатини тор-мор қилганингизни билдик. Бу эса

дилларимизни қувонтирди ва катта шодлик келтирди. Унинг (хоҳиши билан) подшолар ҳукм юргизади, ғолиблар юксакликка кўтарилади, подшолар ҳоқимияти улуғланади. Ғалабани ғойибдан юборган парвардигорнинг номини ҳамиша эсда тутаёлик.

Дарвоқе, улуғ подшоҳ, Сизга бўлган муҳаббатимиз ва ҳурматимиз ҳаққи юқоридаги биз томондан хурсандчилик билан кутиб олинган архиепископга хайрихоҳлик билдирибгина қолмай, балки дўстона муносабатда бўлдик. Шунинг учун ҳам сиздан чин қалбдан илтимос қиламизки, сиз зоти олийлари олдингизга борса, у кишини қабул қилурсиз, у бизнинг подшолигимиздаги аҳвол ва олиб борилаётган ишларни айтиб беради, биз унга ўз мулоҳазаларимизни батафсил гапириб берганмиз, у бизнинг номимиздан сизга етказган хабарга ишонинг. Улуғ подшоҳ, худонинг азиз бандаси. . .»

Темур мактубининг мазмуни бизга маълум бўлмаганлиги сабабли Англия қиролининг жавоб мактубида тилга олинган масалаларнинг ҳаммаси ҳам бизга аниқ эмас.

Мактубнинг бошида Темурнинг қиролга нисбатан гарчи унинг хизматлари етарли бўлмаса-да, ҳақиқий дўстона муносабати (буни у архиепископ Иоанндан билиб олган) Англияда юксак баҳоланди, деб кўрсатилган.

Мактубдан кўриниб турганидек, архиепископ Иоанн Темурнинг ўғли (Мироншоҳ)нинг топшириғига асосан «сулҳ ва бирлашиш» муносабати билан Францияга сафар қилган; аммо бу сафарнинг тафсилотлари бизга маълум эмас. Бунда 1386 йилда Франция билан Англия ўртасида тузилган яраш битими кўзда тутилган бўлса керак.

Сўнгра айтиладки монах Франческо Шадер қиролнинг топшириғига асосан, Темурни «ерларимизни кенгайтириш тўғрисида» ва бошқа «ишларимиз» ҳақида хабардор қилган. Кўриниб турибдики, бу ерда гап Англиянинг юз йиллик уруш вақтида Шимолий Франциянинг баъзи территорияларини босиб олганлиги ҳақида бормоқда.

Мактубда «биздан олдинги замондошларимиз қилганидек», Англиянинг Темур билан Генрих фуқаролари ўртасида эркин савдо муносабатларини давом эттириш истаги борлиги қайд қилиб ўтилади, Темурнинг умумий душман — Бозид устидан қозонган ғалабаси муносабати билан «катта хурсандчилик» изҳор қилинади.

Ниҳоят, мактубда кўрсатиб ўтилишича, хат автори архиепископ Иоаннга тўла ишонч билан қарашни илтимос қилади, Темурга қиролнинг мактубини топширибгина қолмай, балки бу ердаги барча кишилар ва ишлар тўғрисида ўз оғзи билан гапириб бериш ҳам унга топширилган, чунки «унга ўз мулоҳазаларимизни батафсил гапириб берганмиз».



Генрих IV нинг Темурга юборган мактубининг сақланиб қолган латинча тексти мазкур ҳужжат ёзилган жой ва вақт тўғрисида маълумот бермайди. Мактубда Темурнинг Турк султони Боязидни тор-мор қилганлиги тўғрисида эслатиб ўтилади. Бу воқеа 1402 йил июль ойининг охирида Анқара яқинида бўлиб ўтган эди. Демак, мактуб ана шу санадан кейин ёзилган. Архиепископ Иоаннинг Темур хати билан Англияга қилган сафари унинг зиммасига Парижда юклатилган миссиядан кейин ва Карл VI нинг 1403 йил 15 июнда Темурга ёзган жавоб хатини олгандан сўнг бўлган бўлиши мумкин. Бинобарин, Генрих IV нинг Темурга ёзган мактуби унга 1403 йилнинг ўрталарида юборилган бўлиши мумкин.

Англия қироли Генрих IV нинг Темурга йўллаган мактубининг шакли ва қисман мазмунига кўра, француз қироли Карл VI нинг Темурга юборилган латинча мактубига ўхшайди. Ўзгача хат ҳам юқорида номи бир неча бор тилга олинган архиепископ Иоанн томонидан тузилган бўлиши мумкин, чунки унга ана шу мактубларни Темурга топшириш вазифаси юклатилган эди. Англия қиролининг ана шу хатини Темурнинг олган-олмаганлиги ҳақида бизда ҳеч қандай маълумот йўқ. Модомики, Франция ва Англия қиролларининг жавоб мактублари 1403 йилнинг ўрталарида ёзилган экан, бу мактублар Темурнинг 1404 йил куз фаслида Самарқандга қайтиб келганига қадар унга топширилиши мумкин эди. Темур давлатининг Англия билан алоқалари ҳақидаги маълумотлар ана шулардан иборат.

Темур Миср султони устидан қозонган ғалабасидан кейин ва, айниқса, 1402 йилда Анқара яқинидаги бўлган жангга қудратли Усмон империясини тор-мор қилгандан сўнг Ғарбий Европада янада кенг шуҳрат қозонди. Унинг шуҳрати ҳамма жойда зўр қизиқиш ва ҳаяжон туғдирди; натижада европаликларда олис Шарқ билан танишишга бўлган азалий интилиш янада кучайди. Темур замондошлари бўлган европалик ҳокимлардан, айниқса, Кастилия қироли Генрих III Шарқ билан жуда ҳам қизиқди. У Темурнинг Турк султони Боязидга қарши олиб борган курашини диққат билан кузатиб борди ва 1402 йили Қичик Осиёга элчилар юбориб, у жойларда яшайётган кишиларнинг «урф-офатлари, дини, қонунлари, олисдаги ана шу халқларнинг куч-қудрати тўғрисида ва уларнинг интилишлари ҳамда келадиган наф қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида» маълумотлар тўплашни топширди.

Генрих III нинг элчилари бошқа мамлакатларнинг элчилари билан бирга Боязидни Анқарагача кузатиб бордилар. Қиролнинг топшириғига биноан, улар Боязид, Темур ҳақида аниқ маълумотларни тўплашлари ва улар ўртасида олиб бориладиган жанг вақтида ҳозир бўлишлари керак эди.

Галаба муносабати билан ўтказилган тантаналар вақтида Темур ўзига нисбатан итоаткорлик ифодасини билдириб, унинг ҳузурига юборилган кўпгина элчилар қатори испаниялик элчиларни ҳам самимий қабул қилди. Темур Испания элчиларини ватанига жўната туриб, уларга катта совға инъом қилди ва ўзининг Муҳаммад ал-Қози исмли (Қлавихо асариде шундай деб ёзилган) элчисини ҳам уларга қўшиб жўнатди. Қирол ҳузурида бўлган қабул маросими вақтида элчи «подшоҳ Темурбекнинг унга юборган мактубини топширди».

Темурнинг дўстона муносабати «икки давлат ўртасида пайдо бўлган дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида «Генрих III ни жавоб тариқасида элчилар юборишга даъват этди. Элчилар составида ақоид магистри Альфонс Паэс де Санта Мариа, Рюи Гонзалес де Қлавихо ва қиролнинг соқчиси Гомес де Салазар ҳам бор эди. Гомес йўлда вафот этди. Саройда муҳим мансабни эгаллаб турган Қлавихо элчиларга бошчилик қилди.

Генрих III олис мамлакатга элчиларни жўнатар экан, ўзининг доимий мақсадини ҳам эсдан чиқармади: элчилар ҳамма ерда кузатиб юришлари ва борадиган ҳамма жойлар ҳамда халқлар тўғрисидаги маълумотларни тўплашлари, қайтиб келганларидан кейин буларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил ҳисобот беришлари керак эди. Қловихонинг «ҳеч нарса унутилмаслиги ва буларни тўла ва аниқроқ эслаш ҳамда гапириб бериш учун» бу ерга келган биринчи кунданоқ кундалик дафтар тута бошлаганлигига, эҳтимол, ана шу топшириқ сабаб бўлгандир. У диққатга сазовор бўлган барча нарсаларни уч йил мобайнида кунма-кун ёзиб борди.


1403 йил 21 майда Испаниядан жўнаб кетган элчилар денгиз орқали Константинополга ўтиб, у ердан Трапезундга келишди. Трапезунддан сўнг қуруқлик йўлдан юриб Эрон орқали Балхдан шимолроқда Аму дарёдан ўтиб, Термиз ва Кеш (Шаҳрисабз) да бўлишди ва кейин Самарқандга етиб келишди.

1404 йил 8 сентябрда Испания элчихонаси аъзолари Боғи Дилкушода Темур ҳузурига ташриф буюришди.

Улар боққа кириб саройга яқинлашгач, Темурни кўришди. Қлавихонинг сўзларига қараганда, у «ерга қўйилган тахт устида ўтирарди, унинг олдидаги фонтанлардан сув отилиб турар, уларда эса қизил олмалар бор эди. Подшо шойи кўрпачада, тирсаги билан лўла болишга ёнбошлаб ўтирарди. У устига силлиқ, гулсиз шойи либос кийган, бошида эса оқ қалпоқ бўлиб, унинг тепасига ёқут, марварид ва қимматбаҳо тошлар қадалган эди».

Қлавихонинг испаниялик элчиларнинг қабул қилиниши ҳақидаги ҳикояси Темур саройида элчиларни қабул қилиш маросими ҳақида баъзи бир тасаввурларни беради. Маълумки, бу ҳикоя ҳозиргача совет шарқшунослик адабиётида таҳлил этилмаган.

Испания элчиларини қабул қилиш, аввало, улар олиб келган совғаларини топширишдан бошланади. Совғаларни олган кишилар уларни саройга олиб кириб кетишди, элчиларни эса қўлларидан етаклаб у ердан нарига олиб борди. Сўнгра улар-



Шоҳизинда ансамблидаги мақбара пештоқидаги безак  
(Уста Али Насафий ишлаган).

ни бир оз олға юргизди ва сал кутиб турғизди, кейин одам юбориб, уларнинг юра беришларини айтишди. Элчилар кузатувчилар билан бирга боришди; уларнинг ёнида Темурнинг Кастилия қироли олдига юборган кастилияча кийинган элчиси ҳам бор эди. Шундан сўнг элчиларни Темур сингисининг ўғли олдига олиб боришди. У супада ўтирар эди, элчилар унга таъзим қилишди; кейин уларни Темурнинг супада ўтирган ёш

набиралари олдига олиб келишди; элчилар уларга ҳам таъзим қилишди. Набиралар қирол ёрлиғини элчиларнинг қўлидан қабул қилиб олиб, уни Темурга олиб бориб беришлари керак эди. Темурнинг уч набираси ёрлиқни қабул қилиб олиб, уни Темурга олиб бориб беришди. Элчилар юришни давом эттирдилар. Улар подшони кўришлари ҳамона ўнг тиззаларини букиб ва қўлларини кўксиларига қўйиб, унга таъзим қилишди; сўнгра улар яқинроқ келишиб, яна таъзим қилишди, сал олдинга бориб, таъзим қилиб туришди. Темур уларга туришни ва яқинроқ келишни буюрди. Элчиларни қўлларидан ушлаб, кузатиб келаётган кишилар Темурнинг олдига яқин келишга журъат этмай, уларни қўйиб юбордилар. Подшо олдида турган яқин амирлардан уч ҳарбий бошлиқ элчилар ёнига келиб, уларнинг қўлларидан ушлашди-да, Темурнинг олдига олиб бориб чўкка туширишди. «Подшо,— деб ёзади Клавихо,— элчиларни яхшироқ кўриш учун яқинроқ келишга ундади, чунки у анча кексайиб қолган ва яхши кўрмас эди, ҳатто қовоқларини ҳам кўтара олмасди, подшо ўпиш учун қўлини бермади, чунки уларда бундай одат йўқ эди».

Сўнгра Темур уларга: «Менинг ўғлим, қирол қандай яшайпти? Унинг ишлари қалай? Соғлиғи яхшими?»— деб саволлар берди. Элчилар унга жавоб қайтаришди ва ўз элчилигининг мақсадини тушунтиришди. Темур уларни эшитди ва «...улар гапириб бўлгач,— деб ёзади Клавихо,— Темурбек пастда ўтирган амирларга, айтишларича, улардан бири Татаристоннинг собиқ подшоси Тўхтамишнинг ўғли эди, иккинчиси самарқандлик шахзодалардан эди ва подшоҳ авлодига яқин бўлган йприк амалдорларга мурожаат қилиб, бундай деди: «Менинг ўғлим, Испания қироли, фаранглар орасидаги қироллар ичида биринчи бўлиб менга юборган ана шу элчиларга қаранг! Улар дунёнинг нариги чеккасида яшашади. Улар ҳақиқатда ҳам буюк халқ; мен ўғлим қиролга дуо қиламан. У сизларни совғасиз мактуб билан юборганида ҳам бўлар эди; чунки мен унинг сиҳат-саломатлиги ва аҳволини билиб ҳам беҳад хурсанд бўлардим, бундан ташқари у менга совға-саломлар ҳам юборибди».

Қиролнинг Темурга йўллаган ва болаларга берилган хатини Темур набираларидан бири (Мироншоҳнинг ўғли) олиб, улар олдида баланд ушлаб турди. Ақоид магистри Альфонс Паэс таржимон орқали Темурга мурожаат қилди ва бу мактубни ундан бошқа ҳеч ким ўқий олмаслигини тушунтирди, Темур бу мактубни эшитишни истаган замонда магистр уни ўқиб беришнинг айтди. Темур хатни набираси қўлидан олиб очдида, ҳозир эшитишни хоҳлаётганини билдирди. Магистр хатни ўқимоқчи бўлди, Темур хатни дам олиш вақтида алоҳида хонада эшитажанини айтди.

Мирзалар элчиларни ўринларидан турғизиб, етаклаб олиб бориб супага, подшонинг ўнг томонига ўтқозишди. Элчиларнинг қўлидан етаклаб борган мирзалар уларни Хитой ҳоқими подшо Чансхоннинг вакилидан пастроққа ўтқозишди, у ўлпон талаб қилиб келган эди, чунки Темур Хитойга ҳар йили шундай ўлпон тўлар эди. Элчилар Хитой подшосининг элчисидан пастроқда ўтирганини кўриб қолган Темур уларни тўрга, хитой элчисини эса пастроққа ўтқозишни буюрди. «Уларни ўтқазиб бўлгач,— деб кўрсатади Клавихо,— подшонинг мирос (мирза)ларидан бири Хитой элчисининг ёнига келиб, унга подшо ўғлидан — Испания қиролидан келган элчилар ундан юқорироқда ўтиришини, босқинчининг ва ашаддий душманнинг элчиси эса улардан пастроқда ўтиришни буюрди деб айтди; агар худо хоҳласа, Хитой подшосидан ана шунақа элчилар келмаслиги учун уни тез орада тор-мор қилишга шайланаётганлигини айтди. Ана шундан буён подшо томонидан ўтказилган барча тантаналар ва зиёфатларда испаниялик элчиларни ана шу тартибда ўтқозадиган бўлишди. Бунга атайин қилаётганини таржимон орқали элчиларга тушунтиришди».

Зиёфат тамом бўлиши билан Темурнинг олдида испан қироли ва Вавилон султонидан юборилган совғаларни олиб келиб қўйишди. Сўнгра элчиларни ҳурмат-эҳтиром билан қўлларидан ушлаб ўринларидан турғизишди ва уларга қараб юрадиган ҳарбий кишилар билан олиб чиқиб кетишди.

Клавихо 1404 йилнинг сентябрь ойини Самарқанд боғларида ўтказди, октябрь ойида эса Темурнинг даргоҳига келишга таклиф этилди ва у ерда деярли октябрь ойи мобайнида ўтказиладиган тантаналарда қатнашди.

Элчилар Темур ўзларининг жўнаб кетишлари учун жавоб бериши мумкин деб ўйлаб, 1 ноябрда унинг олдида келишди. Темур узор сўраб, элчиларни қабул қилмади. Эртаси кун элчилар яна Темурнинг олдида боришди, аммо «подшо чодирдан чиқмади, чунки у бетоб эди». Элчиларнинг «Темур уларга рухсат бериш учун чақириб қолмасмикан» деган мақсадни кўзлаб бу ерга, Темур турган жойга ўзбошимча келишлари ҳам натижа бермади.

Клавихо кундалик дафтаридида бундай ёзади: «Элчилар ана шундай ҳаёт кечираётган бир вақтда уларнинг кетидан подшо на одам юборди, на улар ўзлари унинг олдида боришга журъат этишди. Уларнинг олдида бир чигатой келиб, подшо мирослари уларга эртага эрталаб кетишга ҳозирлик кўра бошлашларини етказиб қўйишни топширганлигини айтди... Элчилар уларга эътироз билдириб, подшонинг рухсат бермаганлиги, ўз қиролига жавоб мактуби олмаганлигини айтиб, улар бундай қила олмасликларини тушунтирди. Аммо у жавоб бериб айтдики, бу ҳақда ортиқча ҳеч нарса деб бўлмайти, чунки мирослар ана шундай қарорга келишган: улар кетишга

Йўл ҳозирлигини кўришлари ва бошқа элчилар ҳам худди шундай қилишини айтди. Элчилар шу ондаёқ подшо саройига қараб йўл олди ва миросларнинг олдига келиб, уларга тушунтира бошлашди, чунки подшо элчилар билан гаплашмоқчи эканлигини ва уларнинг кетишларига розилик беражагини ўтган пайшанба айтганлигини мирослар билар эди. Энди эса бир киши олдимизга келиб, эртага эрталаб кетишга ҳозирлик кўришимизни мирослар номидан айтганида, биз жуда ҳайратда қолдик. Мирослар: подшони ҳозир кўриш мумкин эмас ва элчилар кетишлари керак; уларнинг кетишига розилик берилган дейишди». Элчилар «подшодан қиролга, уларнинг подшоҳи номига бирор жавоб хати бўлмасдан туриб» кетишлари мумкин эмаслигини исбот қила бошлашди, аммо уларга жўнаб кетишлари кераклиги ва уларни кузатиб борувчи одам ҳам аллақачон тайинланганлигини айтишди.

Клавихо кейинчалик: Темур касал бўлиб, тилдан қолганлиги ва ўлим тўшагида ётганлиги учун мирослар шундай қилишган эди, «буни эса уларга билган кишилар айтган эди»,— деб таъкидлайди. Клавихо ва унинг йўлдошларининг тахмин қилишича, улар Темурнинг ўлими тўғрисида билмасликлари ва улар юриб ўтадиган жойларда бу воқеа ҳақида гапириб қўймасликлари учун уларнинг жўнашини тезлаштирган бўлса керак.

Ҳақиқатда эса Темур ўша вақтда кўпдан буён ўйлаб юрган жуда катта режасини амалга оширишга — Хитой устига юриш бошлашга тайёргарлик кўраётган эди. Элчилар жўнаб кетгандан кейин олти кун ўтгач, 27 ноябрь пайшанба куни у Самарқанддан қарама-қарши томонга қараб юриш бошлади.

Бошқа элчилар каби 1404 йил 21 ноябрь жума куни Самарқанддан жўнаб кетган испан элчилари Испанияга 1406 йилнинг 24 мартада қайтиб келди ва қиролнинг ҳузурида бўлди.

Клавихонинг кундалик дафтари, деб кўрсатиб ўтади, ношир ва таржимон академик Срезневский, хилма-хил маълумотларнинг кўплиги жиҳатидан ўрта асрлардаги ана шундай адабиётлар орасида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. «Баён этиш усули,— деб кўрсатади Срезневский,— авторнинг ростгўй ва виждонли одам эканлигига асло шубҳа туғдирмайди. Шу билан бирга, у шахсий кузатишлари бўйича билганини ва бошқа ҳикояларидан маълум бўлганини ҳар доим кўрсатади».

Клавихонинг кундаликлари биринчи марта 1582 йили Савильеда «Улуғ Темурлангнинг ҳаёти ва фаолияти» деган ном билан нашр этилди, 1782 йилда бу нашр Мадридда шу ном билан яна босиб чиқарилди. Срезневский китобига 1582 йилги нашр асос қилиб олинган. 1928 йилда Лондонда Клавихо кундаликларининг инглизча таржимаси босилиб чиқди. Таржи-

мани 1881 йилда Срезневский нашр этган испанча текстга асосан Г-ле Стрэнжем тайёрлаган. Ф. Лопез Эстрада 1943 йилда Клавихонинг кундалигини XV асрдаги қўлёзмаси асосида Мадридда янгидан нашр этди. Ношир Кловихо кундалигининг «Элчиларнинг Темурланг ҳузурига келиши» деган жуда эски текстини филологик жиҳатдан пухта тадқиқ қилиб, унда элчилар тўғрисидаги батафсил тарихий справка берган.

### 3. ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО

XIV—XV асрлар охирида Самарқанд савдо-сотиқ ишлари олиб бориладиган йирик шаҳар бўлиб, бу ерга Ҳиндистон, Эрон, Кичик Осиё, Волга бўйи, Русь, Сибирь ва Узоқ Шарқдан: Европанинг олис мамлакатларидан турли тилда сўзлашувчи савдогарлар келиб туришарди.

Теварак-атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси ва бепоеън даштлардаги кўчманчилар Самарқандга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиб келтирарди. Самарқанд атрофидаги ҳунармандлар ва деҳқонлар ўз товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва молларини шу ерга олиб келишарди. Саёҳатчилардан бири шаҳар атрофининг кўлами тўғрисида XV асрнинг бошларида қўйидагиларни ёзган эди: «(Самарқанд шаҳри) девори ташқарисидаги қурилиш ичидагига қараганда анча кўп эди».

XIV асрнинг охири ва XV асрда Самарқанд шаҳридаги ҳунармандчилик ишлаб чиқариши шаҳарликлар ва атроф қишлоқлардаги аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган эди; ҳунармандчилик маҳсулотлари хилма-хил турларининг бир қисми даштларда яшовчи кўчманчи аҳолига сотиш учун мўлжаллаб тайёрланар эди. Буларнинг ҳаммаси ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини бир қадар ривожлантиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида усталар сони кўпайди, улар чиқараётган маҳсулот турлари ортиб борди, ҳунармандчилик буюмлари сифати яхшиланди, шунингдек, уларнинг маълум буюмни ишлаб чиқариш бўйича ихтисоси кучайди.

XV—XVI асрларда яшаган тарихчилар, ёзувчилар ва шоирларнинг маълумотлари, Ўрта Осиёга келиб кетган чет мамлакат элчиларининг дипломатик ёзишмалари ва кундаликларида келтирилган фактлар, ҳужжат материаллари ва археологик топилмалар асосида ўша даврдаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида хилма-хил тармоқларнинг бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Самарқандда хилма-хил ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи жуда кўп усталар ишлар эди.

Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш, металл ишлаш, бинокорлик ва кулолчилик етакчи ўрин эгалларди. Тўқимачилик айниқса кенг ривожланган эди.

Марказлашган давлатнинг қарор топиши билан истеъмолчилар сонининг кўпайиши тўқимачиликни янада ривожлантиришга ва тўқимачилик буюмлари сифатини яхшилашга олиб келди. Темур тобутининг қопқоғига ёпилган гулдор матолар, Гўри Амир мақбарасига дафн этилган Улуғбекнинг кийим қолдиқлари Самарқанддаги темурийлар даврига оид Ишратхона мақбарасига дафн этилган болаларнинг ярим чириган кафанлари ва айниқса Шохизинда архитектура комплексидан XV асрда бунёд этилган мақбара даҳмасини очган вақтда аниқланган ва ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Давлат маданият музейида (Самарқандда) сақланаётган йўл-йўл шойи тўн (бу газлама маҳаллий ишлаб чиқаришга оид эканлиги аниқланган эмас) XIV аср охири ва XV асрда газмоллар юқори сифатли бўлганлигидан ҳамда уларни пардозлаш усуллари техникавий ва бадий жиҳатдан юксак даражада турганлигидан, шунингдек, ҳунармандларнинг кўп йиллик тажриба ва бой халқ анъаналарига эга бўлганлигидан далолат беради.

Тўқимачилик ишлаб чиқариш маҳсулотлари, ҳунармандчилик бошқа буюмларига кўра, катта бозорга кўпроқ етказиб бериларди. Бу бозор маҳаллий истеъмолчиларни ҳам, қўшни қишлоқлар аҳолисини ҳам, даштларда яшайдиган кўчманчи ва ярим кўчманчиларни ҳам ўз ичига олар эди. Урта Осиёда тўқилган анчагина газмоллар олис мамлакатларнинг аҳолисига ҳам етказиб бериларди. Шундай қилиб, Самарқанднинг газмол ишлаб чиқарувчи ҳунармандлари маҳаллий бозорлардан ташқари анча узоқдаги жойлар билан ҳам савдо алоқалари ўрнатган эди. Бу эса кейинчалик XVI асрда бўлгани сингари, бу даврларда ҳам тўқимачилик ишлаб чиқариши кўп даражада товар характериға эга бўлганини кўрсатади.

XV—XVI асрлардаги ёзма ҳужжатларда ва нарратив манбаларда Самарқандда ишлаб чиқарилган ип газлама ва шойи газламалардан анча-мунчаларининг номлари учрайди, жун газламаларнинг номлари эса жуда кам учрайди. Масалан, Самарқандда турли хил газламалар: олача, парча, духоба ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган ҳунармандлар бўлган. Шунингдек, газламага гул босувчи усталар ҳам бўлган.

Улкада етиштириладиган пахтадан тайёрланган ип газламага аҳолининг талаби айниқса катта бўлган. Турли навдаги қарбас (ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда бўз деб аталган) газмоллар (оқ ва бўялмаган сариқ рангли дағал ва нафис газлама) кенг тарқалган бўлиб, улар XIX асрнинг охиригача тўқиб чиқарилган. XV—XVI асрларда бу газмол кўчманчиларга ҳам етказиб берилган. Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон ўзининг «Меҳмонномаи Бухоро» деган асарида бу ҳақда: қарбас



газмолларга бўлган эҳтиёжнинг ғоят ўсганлиги туфайли (ўзбек хонлари ва қозоқ султонлари ўртасидаги муносабатлар жиддий кескинлашган даврда) Дашти Қипчоқ хонлари ўзбек хони Муҳаммад Шайбоний ҳукмронлик қилаётган Мовароуннаҳрга бостириб киришга қарор қилганлигини билдирганлар.— деб ёзади.

Катан деб аталган газмол анча пишиқ бўлган. Ундан қимматбаҳо чопонлар (жомаи катани) тикишган, баъзан бу чопонларни зарбоф қилиб ва қимматбаҳо тошлар билан безашган. Катанни маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқаргани тўғрисида бизда ҳозирча маълумотлар йўқ. Самарқанддаги мадрасалардан бирига берилган совғалар орасида Миср катанидан қилинган қабр устига ёпиладиган мато борлиги тилга олинади.

Алишер Навоийнинг сўзларига қараганда, бўз (карбас) катанга қараганда анча арзон турган.

Самарқандда тўқилган олача газмол ҳам аҳоли ўртасида кенг тарқалган, Самарқанд олачаси бошқа шаҳарларга олиб бориб сотилгани тўғрисида анча кейинги даврларга оид маълумотлар бор. XV—XVI асрларга оид манбаларда бу газмолнинг бошқа нави, яъни «Бухоро олачаси» тилга олинади. Бу олачанинг Самарқандда тўқилган олачадан фарқи бўлган бўлиши керак, шунинг учун ҳам уни «Бухоро олачаси» деб аташган.

XV асрнинг тарихий ҳужжатларида фута (фата) ип газламаси тўғрисида ҳам бир неча бор эслатиб ўтилади. Бу газмол асосан салла учун ишлатилган. Бундан ташқари, ундан белбоғ ҳам қилинган, уста бўлишга аҳд қилганларнинг белига шуни боғлатишган; машҳур тарихчи ва адиб Зайниддин Восифий XV асрнинг охирига оид воқеалар тўғрисида ҳикоя қилиб, одатда камтарона кийинган Абдураҳмон Жомий футадан қилинган белбоғ билан белини боғлаб юрганини айтади. (Бироқ шоирнинг биографи Абдулвосе Жомий ўзининг одатдаги харажатларига ҳар йили 100 минг кебак динор сарфлаганлигини ёзади). Шу билан бирга фута XV аср охирида аслзода ёшлар кийимининг бир қисми сифатида ҳам эслатиб ўтилади. Уша даврда зардан тикилган фута Ҳиротда 50 танга турган. Фута номи анча кейинги даврларда Россияда ҳам учрайди. Филипп Ефремов XVIII асрнинг 70-йилларида ўзининг тўққиз йиллик саёҳати тўғрисидаги хотираларида қуйидагиларни ёзган: Урта Осиёда «жуда кўп пахта етиштирилади. . . ундан ип йигирилади, ипдан чодир, сурп тўқишади, бизда (Россияда) эса бундан хом чит, гулли сатин, дока, фута, бурмет ва бошқа матолар тайёрланади ва бу нарсалар чет элларга ҳам юборилади».

Пахтадан тўқилган ва ҳар хил гуллар босилган матолардан бири чит деб аталган. XVI асрга оид қозиллик ҳужжатлар-

да самарқандлик читгарларнинг номлари тилга олинади ва Самарқанд бозорларида бўладиган читнинг турли навлари санаб ўтилади. Бундан кўриниб турибдики, шаҳарда читга гул босувчи мутахассислар кўп бўлган.

Кийимларнинг астарига малла, бўз, фалга, вала каби газмоллар ишлатилган.

Маҳаллий ва четдан келтирилган хом ашёдан шойи тўқиш **кенг тарқалган эди**. Четдан келтирилган хом ашё ипак маҳаллий ипак билан бир қаторда турли нав шойи газмоллар тайёрлаш учун ишлатиларди. Манбаларда атлас, кимхоб, ҳаро, мисри, банорас ва бошқа номдаги шойи ва чала шойи газмолларнинг номлари учрайди. Пиллакашлар ҳам эслатиб ўтилади.

Темур империясининг пойтахтида уч ойга яқин яшаган Рюи Ганзалес де Клавихонинг қайд қилиб ўтишича, Самарқанднинг бойликлари «озиқ-овқатдангина иборат эмас, балки у ерда шойи газмоллар — атлас, кимхоб, сендал, тафта ва терсенал ҳам кўплаб ишлаб чиқарилади». Шунинг ҳам айтиш керакки, шойи газмоллар зеб-зийнат буюмлари бўлиб, уни феодаллар ва шаҳардаги бой кишиларгина ишлатар эди.

Европалик бошқа сайёҳнинг маълумотларига кўра, атлас ва кимхоб Ўрта Осиёга Хитойдан келтирилган.

Бироқ Клавихонинг юқорида зикр этилган сўзлари сингари Хофиз Абрў асарида келтирилган маълумотларга асосан, Ўрта Осиё территориясида ҳам кимхоб тўқиш чиқарилган. Хофиз Абрў Темур томонидан ўтказилган тантаналарда Ҳиротнинг ҳунармандлари ва савдо аҳли ҳам қатнашганлигини, улар турган дастгоҳларни кўрсатганлигини тасвирлаб, бундай деб ёзади: «Кимхоб тўқувчилар кўчма тўқиш дастгоҳини **намойиш** қилиб, шу ернинг ўзидаёқ тўқишар эди».

Ана шуларнинг ҳаммаси Самарқандда ҳам кимхоб тўқиш чиқарилганлигидан далолат беради. Кимхобдан тайёрланган тўнлар одатда Темур саройига келган элчиларга совға қилинарди. Хитойдан маҳаллий бозорларга келтирилган кимхобдан фарқли ўлароқ Ўрта Осиёда кимхобнинг алоҳида нави тўқилган бўлса керак. Масалан, Россияда кимхобнинг бошқа мамлакатлардан келтирилган зарбоф, хитойи ва бошқа навлари маълум эди.

Шайбонийхон лашкарлари Ҳисорда қўлга туширган ҳарбий ўлжалар орасидаги ажойиб гулли шойи газмол дива (дибож) деб аталади.

XV—XVII асрларда Самарқандда духобанинг алоҳида нави ишлаб чиқарилган. «Самарқанд яна бир матои қирмизи маҳмалдирким, — деб ёзган эди ўз асарида Заҳириддин Бобир, — атроф ва жавонибқа элтарлар».

Духоба ишлаб чиқариш ўша давр учун техника жиҳатидан анча мураккаб иш эди. Бу эса Самарқандда тўқиш санъатининг юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.


Езма манбаларда гиламлардан ҳар хил гулли ва турли катталиқдаги қалин гилам, зилуча, шунингдек, деворга осиб қўйиладиган газлама гиламлар тилга олинади. Қлавихо ўзининг кундалиқларида Самарқандда ўз кўзи билан кўрган, асосан, қизил гиламлар тўғрисида бир неча бор гапириб ўтади. Тарихчи Ибн Арабшоҳ Темур мақбарасининг полига ёзиб қўйилган шойи ва баҳмал гиламлар тўғрисида эслатиб ўтади.

Мамлакатдаги кўпчилик аҳоли рўзгорида намат ишлатилиб, уни ишлаб чиқариш ҳунармандчилик соҳасида катта ўрин эгаллаган. Шаҳар душманлардан мудофаа қилинган вақтда камон ўқларини тутиб қолиши учун қалъа деворларига намат осиб қўйишган. Бош кийимлар тайёрлашда ҳам намат ишлатилган. Чунончи, жанглардан бирида Заҳириддин Бобир бошига намат қопланган шишак кийган эди. Душман унинг бошига уриб, оғир ярадор қилади, аммо Бобирнинг ёзишича, «шишакнинг бирорта ипи ҳам узилмаган». Ўзбек қўшинларининг XV—XVI асрлардаги ҳарбий ҳаракатларини тасвирлаб, ўша воқеаларнинг гувоҳи бўлган кишилар шундай ҳикоя қилдиларки, қалқон ва совутлари бўлмаган лашкарлар намат воситасида ҳимояланиб жангга кирганлар.

Қимматли қурол-яроғ буюми бўлган совут фақат бой оиллага мансуб лашкарларда бўлар эди. Айни вақтда феодал аслзодаларнинг қурол-яроғлари тилла билан безатиларди. Подшо қўшинларининг баъзи бир феодал саркардаларни юришларда олтиндан ишланган ҳарбий қурол-яроғлари тақиб олишарди. Масалан, ўзбек тилида ёзилган умумий тарихнинг муаллифи Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллонинг ёзишича Сафавийларнинг ҳарбий бошлиғи Доно Муҳаммаднинг қурол-яроғи, кийим-боши ва отининг эгари олтиндан бўлган».

XV асрда металл буюмлар ясаш юқори даражага кўтарилган эди. Бу соҳада муайян буюмни ясашга ихтисослашиш кўзга ташланади. Темирчилар (чилангарон, оҳангарон) металл буюм ясовчиларнинг кўп сонли группасини ташкил этиб, кетмон, белқурак, теша, эшик занжирлари ва ҳалқалари, бошқа касбдаги ҳунармандлар учун хилма-хил қуроллар — тошга (мармарга, нефритга), ганчга, ёғочга нақш соладиган асбоблар ҳамда аҳолининг уй-рўзғор буюмлари ва меҳнат қуролларига бўлган талабларини маълум даражада қондирадиган бошқа буюмлар шуларнинг қўллари билан тайёрланар эди. XV асрдаги Самарқанд шаҳрининг олти дарвозасидан бири бўлган Оҳанин дарвозаси ўйма нақш солиниб темирдан ёки чўйандан қилинганлиги маълум.

Металл буюмларни ясаيدиган турли усталар — михчилар (мих чегарон), тақачилар (наълбандон), сим чўзувчилар (симкашон), пичоқчилар (кардагарон) бўлган. Баъзи пичоқ дасталари қимматбаҳо тошлар билан безатиларди. Ишратхо-



Улуғбек мадрасаси.

на мақбарасидаги буюмлар орасида дастаси суякдан ва филофи кимхобдан қилинган пичоқ бўлганлиги эслатиб ўтилади.

Рангли металлларни ишлаш металсосзлик саноатининг муҳим тармоғи эди. Бу ерда мис буюмлар яшаш катта ўрин эгалларди. Мисдан уй-рўзғор буюмлари ва бошқа буюмлар тайёрланарди.

Оддий мис идиш-товоқларнинг пайдо бўлганлиги, унинг шаҳар аҳолиси кенг табақаларининг турмушига кириб борганлигидан далолат беради. Сўнгги йилларда Шердор мадрасасидан шарқроқда ўтказилган археологик қазилмалар натижасида XIV асрнинг охири ва XV асрга оид металлдан ясалган кичик қўра топилди. Қўра устида бронзадан тайёрланган бир қанча бадий буюмлар бор эди.

Металлдан ясалган буюм турларининг хилма-хиллиги тўғрисида Самарқанддаги Ишратхона мақбарасининг 1464 йилда Амир Суҳробнинг қизи Ҳабиба Султон номидан тузилган вақф ҳужжати бўйича ҳам фикр юритиш мумкин. Мақбарага ҳадя этилган буюмлар рўйхатида турли қозонлар, кўзалар, мис лангард, бронзадан ясалган ҳуланча, олтин суви юритилган обдаста, кумуш бўйинли машраба, тилла суви юритилган мис жомлар, шунингдек темир, бронза, кумушдан ўйиб ишланган хилма-хил ёғ чироқлар, шамдонлар, мисдан ишланган ва тилла суви юритилган қандиллар тилга олинади.

Ишратхона мадрасасига ҳадя қилинган уй-рўзғор буюмлари орасида темир оёқли мис манқал эслатиб ўтилади. Бу манқалда тошкўмир чўғида овқат пиширилган бўлса керак.

Давлат Эрмитажи маданият ва санъат тарихи бўйича ёдгорликлар коллекцияси орасида бронзадан қилинган кагта қозон ва иккита шамдон бор. Улар шахсан Темурнинг буюртмаси бўйича моҳирона таъёрланган. Шамдонда Темурнинг номи ҳамда уста Иззаддин ибн Тожиддин Исфахоний номи (1397 йил) ўйиб ёзилган. Тарихчи ибн Арабшоҳ Темур мақбарасига ўрнатилган олтин ва кумуш қандиллар ҳақида эслатиб ўтади. Шунингдек керакки, Темур томонидан келтирилган усталар ўз техникасини механик тарзда қўллаб қолмасдан, ўрта осиелик усталар маҳоратидан ҳам фойдаланган.

Металлдан тайёрланган хилма-хил буюмларнинг рўйхати, шунингдек, музейларда сақланаётган нарсаларнинг намуналари темир буюмлар яшаш техникасининг анча ривожланганлигидан, рангли металлургия ҳунармандчилиги ишлаб чиқариш даражасининг ўсганлигидан, чўкичлаш, қуйиш, металлга нақш солиш билан шуғулланган халқ усталарининг оғир меҳнатидан далолат беради.

Самарқандлик мата буюм ясовчилар ва айниқса, заргарлар орасида металлни бадий ишлайдиган олтин, кумуш ва

бронза қотишмаларидан қуймалар тайёрлайдиган усталар бор эди. Темур даврида қурилган Бибиҳоним масжиднинг эшиклари етти хил металл қотишмасидан қилинган эди.

Қимматбаҳо металл (олтин ва қумуш) буюмлар яшаш Самарқанд ҳунармандчилиги ишлаб чиқаришида катта ўрин эгаллади. Бу ҳунарнинг ривожланишига асосий сабаблардан бири шуки, Темур давлатининг пойтахтида маҳаллий феодал зодагонларининг ва чет эллардан келган бой савдогарларнинг катта қисми тўпланган эди. Улар орасида халқ ҳунармандлари томонидан тайёрланган қимматбаҳо буюмларга талаб жуда катта эди.

Темур ва Темурийларнинг саройларида олтин ва қумуш суви юритилган, сирланган, қимматбаҳо тош ва марваридлар қадалган идишлар бўлган. Айрим тарихчилар ва элчилар кўришга муяссар бўлган бу қимматбаҳо идишлар замондошларининг асарларида баъзан эслатиб ўтилган. Кўзалар, косалар ва патнисларга жуда нозик ва хилма-хил нақшлар ишланар, жимжимадор ёзувлар битилар, нур сочиб турувчи қимматбаҳо тошлардан безак қилинарди. Бу каби бадий нақшкорлик билан ишланган металл буюмлар бойлик ҳашамлари бўлиб ҳисобланарди ва фақат бой табақаларгагина мансуб эди. Бундай қимматбаҳо жиҳозларни тайёрловчи усталар феодал зодагонларига хизмат қилишар, улар билан яқиндан алоқада бўларди.

Истеъмолчиларнинг катта қисми мис ва бронзадан тайёрланган хилма-хил жиҳозларни ва қумушдан тайёрланган, аммо унчалик қиммат бўлмаган буюмларни кўпроқ сотиб оларди. Бундай кенг истеъмол буюмларини ҳам моҳир заргарлар тайёрларди. Юксак малакали усталар тайёрлаган биллагузуклар, зираклар ва узуклар ўрта табақадаги хотин-қизларнинг безак буюмлари ҳисобланарди.

Бадий ўймакорлик санъати алоҳида тайёргарлиги ва билими бўлган усталарнинг истисослашиб боришини талаб қиларди. Муҳр тайёрлайдиган мутахассислар ҳам билимли бўлиши керак эди. XVI асрда яшаган самарқандлик ҳунармандлар орасида муҳр тайёрлаган усталар — муҳркорлар ҳам бўлганлиги эслатиб ўтилади. Давлат Эрмидажида Темурийлар ва бошқа расмий шахсларнинг номлари ёзилган нефрит, хризолит, сердолик ва агатдан тайёрланган муҳрлар сақланиб келмоқда.

XV асрда Самарқандда зарбхона бўлиб, бу ерда танга зарб этувчи усталар ишлашарди.

Темур даврида кенг авж олиб кетган ва унинг баъзи ворислари ҳукмронлик қилган даврда шафқатсиз давом этган босқинчилик урушлари қурол-яроғ яшашни анча ривожлантирди. Самарқанд давлатнинг пойтахти сифатида қурол-яроғ ясайдиган марказ бўлиб қолади. Амир Темур-

нинг махсус устахоналарида турли қурол-яроғлар: ҳужум ва мудофаа қуроллари — дубулғалар (уларнинг баъзи бирларида пўлат тўрлар бўларди), совутлар, ўқ ёйлар тайёрланарди, қилич ва ўқ ёй жангчиларнинг асосий ҳужум қуроли бўлиб қолаверди. Феодал ҳокимлар ва зодагонлар учун мўлжалланган ҳарбий қуроллар қимматбаҳо тошлар ва ўйма нақшлар билан чиройли қилиб безатилар эди.

Темур Муҳаммад Султон хонақосига (мадрасасига) дафн этилганидан сўнг (кейинчалик унинг хоки Гўри Амирга кўчирилди), тарихчи ибн Арабшоҳнинг ёзишича, мақбаранинг деворларига қимматбаҳо тошлар билан безатилган кийим-бошлари, қурол-яроғлари ва анжомлари осиб қўйилган. Подшонинг бу каби қимматбаҳо безаклари мамлакат аҳолиси учун нақадар қимматга тушганлигини ана шу тарихчи келтирган маълумотлардан яққол кўриш мумкин: шу буюмлардан энг кичигининг баҳоси бутун бошли бир вилоят солиғига тенг эди.

Баъзи бир бошқа ихтисосдаги ҳунармандлар сингари қуролсозлар ҳам айрим маҳаллаларда яшаган бўлсалар керак. Масалан, совутсозлар маҳалласи бўлганлиги бизга маълум.

Кулолчилик иши ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг энг ривожланган ва муҳим тармоқларидан бири эди. Кулоллар ясаган буюмлар (Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Тарих ва археология институтида қора ва яшил бўёқлар билан гул солиб нақшланган ва XV асрга оид товоқларнинг бўлаклари бор), айниқса, арзон сопол идишлар, лойдан ясалган ёғчироқ ва ўйинчоқлар мамлакат аҳолисининг кенг табақаларига фоят манзур эди. Бу эса кулолчилик ишини муттасил ривожлантиришга рағбатлантирар эди. Г. А. Пугаченкованинг фикрича, XV—XVI асрлардаги Самарқанднинг бутун кулолчилиги сингари XV асрнинг биринчи ярмида ишланган сопол товоқлар ҳам ўзининг силлиқ оқ фони билан «Темурийлар Самарқанди зеб-зийнат керамикаси» нақш композициясининг актив элементини ташкил этар эди.

Кулоллар хилма-хил турдаги идиш-товоқлар ишлаб чиқаришдан ташқари, бинокорлик материаллари, қоплама плиталар, кошинлар, полларга ётқизиладиган плиталар, қувурлар ва чиғириқ учун кўзачалар, шунингдек, тандирлар (тандирлар вақф ҳужжатларидан бирида эслатиб ўтилади) ва бошқа рўзғорбоп буюмлар тайёрланар эди.

Жуда кўп бинолар, асосан, тошдан монументал бинолар— тимлар, саройлар, мадрасалар, масжидлар, карвон саройлар, кўприклар ва сув омборлари қурилиши муносабати билан ушбу даврда бинокорлик ва пардозлаш ишлари учун керамик ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этди. Бу биноларнинг маълум қисми забт этилган халқларни талаш йўли билан олинган маблағлар ҳисобига қурилган эди.

Бу даврда Самарқанднинг истеҳкомли қисмидаги узунлиги 7 км келадиган деворлари қайта қурилди, деворларнинг баъзи жойлари пишиқ ғишт билан қопланди, Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда эса расадхона қурилди. Бунда ҳам хилма-хил керамика материалларидан фойдаланилди. Ана шу даврда Самарқандда кенг авж олиб кетган қурилиш ишлари туфайли бинокорлар роли ошиб кетган эди. Ҳақиқатда бинокорлар орасида меъморлар, муҳандислар, ғишт терувчилар, сувоқчилар, ганчга нақш солувчилар, нақш санъатинигина эмас, балки бадиий гул солишни ҳам билувчилар, тош йўнувчилар (сангтарошон) ва дурадгорлар (нажжорон) бор эди. Бинокор усталар касбларига кўра «банна» ва «устод» деб аталарди. XV асрда бинокор ишчиларнинг қаттиқ эксплуатация қилинганлиги кўпгина ёзма манбаларда қайд қилиб ўтилади.

Тошга сайқал бериш санъати камолотга етади. Бизнинг давримизгача сақланиб келган Темурнинг нефрит билан сайқалланган қабр тоши, Темурийлар замонасидаги сағаналарнинг қабр тошлари, Кўксаройдаги тахт остига қўйилган замин — Кўктош, Бибихоним Жоме масжидида Қуръонни қўйиш учун ўрнатилган тош курси, Самарқанднинг XV асрдаги биноси пештоқини акс эттирган ва ўзбек хони Муҳаммад Шайбонийнинг ўлими муносабати билан XVI асрда ўша пештоққа ўйиб ёзилган марсиялар ва кўпгина бошқа ёдгорликлар халқ ижодкорларининг юксак бадиий буюмлари намуналари бўлиб, буларда тош йўнувчиларнинг меҳнати кўпинча хатотнинг зўр маҳорати билан қўшилиб кетган.

Самарқандлик ўймакорлар Ҳрта Осиёдаги бошқа шаҳар ҳокимларининг буюртмасини ҳам бажарганлар. Восифийнинг айтишича, Тошкент ҳокими Султон Муҳаммад самарқандлик тош йўнувчиларга Суюнчоннинг мақбараси учун марсия ва тарих ёзиб беришни топширган.

Самарқанднинг баъзи бир кўчалари ва маҳаллалари Ҳақиқатда маҳалла аҳолисининг бир қисми шуғулланган ҳунарномни билан аталган. XV—XVI асрларда шаҳарда тош йўнувчилар — Сангтарошон масжид кўчаси бўлган.

XV—XVI асрларнинг ёзма манбаларида турли шаклдаги шиша идишлар: кўзачалар, қадаҳлар, дори солинадиган идишлар, пардоз ашёлари ва бошқа рўзгор буюмлари бўлганлиги айтиб ўтилади. Монументал бинолар ва бадавлат шаҳарликларнинг уйларини қуришда рангли ойналардан фойдаланилган. Ишратхона мақбарасида дераза панжараларига ҳаворанг, гунафша, сариқ, яшил ва қизил рангли ойналардан кўз солинган. М. Е. Массоннинг олиб борган археологик ишлари натижасида шу нарса аниқландики, Гўри Амир мақбарасида ва Улуғбекнинг шаҳар чеккасидаги саройида ҳам махсус тайёрланган рангли ойналардан фойда-



ланилган (СССР Фанлар академияси Этнография институтида (Москва) XIV—XV асрнинг иккинчи ярмига оид Урта Сийё дераза ойнаси бор).

Восифий Самарқанднинг кўпгина маърифатли кишиларини санаб ўтар экан, шишасоз Мавлоно Муҳаммаднинг номини ҳам тилга олади. У Шайбонийлар авлодидан бўлган Фўлат Султонга шишадан тайёрланган бир неча ажойиб буюмларни совға қилмоқчи бўлган. Самарқанд территориясида шишасозлар маҳалласи бўлганлиги таъкидлаб ўтилади.

Ёғочсозлар хилма-хил ёғоч буюмлар — тўқиш дастгоҳлари, эгарлар, икки ғилдиракли аравалар, сандиқлар (улардан баъзиларининг усти чарм билан ёки темир билан қопланган), қуш қафаслари, тароқлар, ҳассалар тайёрлашган. Ишратхона мақбарасига ҳадя этилган нарсалар орасида ёғочдан қилиниб, тилла суви юритилган нақшли ҳасса ҳам бор эди.

Энг яхши усталар ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишган, бадий нақшлар солинган эшиклар, панжаралар, устунлар, тоқи равоқлар тайёрлашган. Гўри Амирдаги нақш солиб, моҳирлик билан ўйиб ишланган эшиклар (ҳозир бу эшикларнинг нақшлари йўқолиб кетган) халқ усталари томонидан ёғочни бадий ишлашнинг энг яхши намуналари ҳисобланади.

Ўйиб ишланган ёғоч билан биноларнинг ички деворлари безатилар эди. Заҳириддин Бобирнинг сўзларига қараганда, Самарқанднинг бозор майдонида жойлашган (кейинчалик Регистон номи билан машҳур бўлган) Масжиди Муқаттаънинг деворлари ва шиплари нақш солинган айрим ёғоч бўлаклари билан безатилган эди.

Қоғоз ишлаб чиқариш Самарқанд ҳунармандчилигида алоҳида ўрин тутган. Самарқанд теварак-атрофида қоғоз ишлаб чиқариладиган махсус устахоналар бўлган. Булар асосан, бир жойда — Сийё соҳилларида марказлашган эди. Вақф ҳужжатларидан бирида сақланиб қолган маълумотларга кўра, Шайбонийлар хонадонининг вакиласи Меҳри Султонхоним берган махсус дастгоҳда қоғоз сайқалланган. Самарқанд қоғозидан унинг ўзидагина эмас, балки бошқа маданий марказларда ҳам кенг фойдаланилар ва унга талаб катта эди.

Тери ошлаш ва ишлаш касблари бир неча майда тармоқларга бўлинган эди. XV—XVI асрларда самарқандлик кўнчилар орасида махси (махсидузон) ва калиш (кафшдузон) тикадиган усталар, этикдўзлар (музадузон), эгарчилар (саррожон), юган тайёрлайдиган усталар (лажомдузон) бўлган. Чарм камзуллар тикадиган усталар ҳам бўлган бўлиши керак. Замондошлардан бирининг тасвирлашича, Амир

Темур набираси Пирмухаммад Самарқанд чеккасидаги боғда ўтказган зиёфатда ўз маҳоратини кўрсатган полвонлар енгсиз чарм камзуллар кийиб юрган. Доимий бўлиб турадиган феодал урушлари шароитида камон ўқи учун чармдан тайёрланган ўқдонларга ва камон учун чарм ғилофларга талаб жуда ҳам катта эди. Эски пойабзалларни тузатиб берадиган ямоқчи усталар этикдўзлар орасида алоҳида группани ташкил этарди. Бойлар уларни «паст» касб эгалари деб ҳисобларди.

Бўйра тўқиш Самарқанд меҳнаткаш аҳолиси бир қисми учун яшаш манбаи эди. Қамишдан тўқилган бўйралар халқ турмушида кенг қўлланар ва қурилиш ишида зарур эди.

XV асрда яшаган тарихчилар бўйра тўқувчи усталарнинг юксак санъатини қайд қилиб ўтишган. Темурнинг Ҳиндистонга қилган юришидан қайтиб келиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда самарқандлик усталар «ажойиб бўйралар» тўқишда ўз маҳоратларини кўрсатганлар. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, моҳир усталар қамишдан камон ва қилич билан қуролланган отлик аскар ҳайкалини ясаганлар.

Дарахт нивиқларидан турли-туман саватлар тўқилган. Миниатюраларга қараб фикр юритсак, бу саватлардан бинокорлик материалларини ташиш учун, шунингдек, узум солиш (саватларнинг ҳажми тўғрисида Восифийнинг берган маълумотларига қараб хулоса чиқариш мумкин. Унинг маълумотларига кўра, шундай саватлардан биридаги узумнинг тагига бир киши яшириниб олган), нон солиш учун ва бошқа мақсадларда фойдаланилган. Самарқандда сават тўқувчиларнинг бозори бўлган.

Бир тоифа кишилар китоб муқовалаш билан шуғулланишган. XV—XVI асрларда жамиятнинг оқсуяк табақалари учунгина эмас, балки бой савдогарлар ва аҳолининг ҳунарманд қисми учун мўлжалланган кўплаб тарихий ва адабий асарлар пайдо бўла бошлаган эди. Шу муносабат билан ўша даврда адабий асарларнинг муқовасини бадиий жиҳатдан безатиш, жумладан, муқовалаш санъати янада ривож топади.

Китобларнинг бир қисми чарм муқова билан жилдланарди. Муқовалар картондан ҳам қилинар эди, уларнинг юз томони силлиқ қилиб ишланарди. Китобларнинг муқовасига тилла ёки бўёқ билан нақш солинарди. Нодир китоблар чарм ва қимматбаҳо матодан қилинган ғилофларда сақланар эди. Чунончи, Ишратхона мақбарасига топширилган буюмлар орасида чарм муқовали қуръон ҳам бор эди. Бу қуръон чарм ғилофга солиниб, бахмалга ўраб қўйилган. Восифий ўз асарларида қоғоз сақлаш учун мўлжалланган чармдан ишланиб нақш солинган ғилоф бўлганини эслатиб ўтади.

Муқовасозларнинг устахоналари бозорларда жойлашган эди. Масалан, Самарқанддаги Аттaron бозорида муқовасоз

Муллазоданинг дўкони бўлган. Хонлар ва амирларнинг кутубхоналарида махсус муқовачилар ишлаган. Уларнинг баъзилари хон саройига бўйсундирилган шаҳарлардан олиб келинган эди.

Тўн, бош кийимлар, пўстин тикиш касби ҳам ривожлана борди. Пўстиндўзлар пўстинларни, асосан, даштли районларда яшовчи аҳолига сотиш учун тайёрлардилар, қолаверса, йилнинг совуқ вақтларида айрим тоғли районларнинг маҳаллий аҳолиси ҳам пўстин кийишни яхши кўрарди. Заҳириддин Бобир совуқ қаттиқ бўлган бир пайтда унга эски мўйна пўстин топиб келтиришгани ҳақида ёзади, Зайниддин Восифий эса мўйна пўстинлар ҳақида гапиради. У ана шу пўстинларни Самарқандда бўлганида қор ёғиб, ҳаддан ташқари совуқ бўлган пайтда камбағал талабаларга берган экан.

XV асрнинг бошларида Самарқандда Тим Телпакфурушон (бош кийимлар растаси) қурилди. Бу ерда бош кийим тикадиган усталарнинг устахоналари ва савдо дўкончалари жойлашган эди (кейинчалик ўша асрдаёқ бу жой текисланиб, бошқа жойда янги раста қурилди).

Зардўзлар зардан қимматбаҳо кийимлар ва уларнинг айрим бўлақларини тикишарди. Бундай буюмлар султонлар, уларнинг оилалари ва феодал зодагонлар учун мўлжалланар эди. Темур саройида турган Клавихо саройдаги амалдорларнинг зар билан тикилган, «жуда чиройли қилиб» марварид, қизил ёқут ва бошқа қимматли тошлар қадалган ажойиб тўнлар кийганлигини қайд этади. Шу даврдаги кўпгина миниатюраларда амалдорларнинг зарбоф тўн кийганлиги кўрсатилган. «Музакир аласхоб» асарининг муаллифи Муҳаммад Бадиъ Малихонинг (XVII аср бошлари) айтишича, Самарқандда зардўзлар маҳалласи бўлган.

Шундай қилиб, Горький сўзлари билан айтганда санъатнинг асосчилари кулоллар, темирчилар, заргарлар, тўқувчилар, гишт терувчилар, дурадгорлар, ўймакорлар, қурол ясовчилар бўлганлар.

Давлат пойтахтига савдогарлар, шунингдек, қўшни қишлоқларнинг деҳқонлари тез-тез келиб турар эдилар. Деҳқонлар бу ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келар ва ўзларига керакли ҳунармандчилик буюмларини харид қилишар эди. Бу ерда асосан бозорлар ёки уларга ёнма-ён бўлган территорияда жойлашган устахоналарда ишловчи кўпгина ҳунармандлар бор эди, пазандачилик ҳам анча ривож топган эди.

Самарқанд ҳужжатларида бу ерда қовурилган нўхат сотадиган дўкончалар, нонвойхоналар, сомса дўконлари ва махсус дўкончалар борлиги ҳамда каллапазларнинг қўй калласини пишириб сотганлиги эслатиб ўтилади. Ҳолвагар усталар ҳолва ва турли ширинликлар тайёрлашарди, шу ерда, бозор-

нинг ўзида гўшт дўконларининг асосий қисми жойлашган эди, ошпазлар эса иссиқ овқатлар тайёрлашарди.

Клавихонинг таъкидлаб ўтишича, шаҳарда ўтказилган тантаналарда ҳунармандлар билан бир қаторда ошпазлар, қассоблар ва нонвойлар ҳам мажбурий равишда қатнашардилар. Унинг сўзича, шаҳарда кўпгина майдонлар бўлиб, бу жойларда «қовурилган, пиширилган, димланган гўшт, жуда озода қилиб пиширилган товуқ ва бошқа парранда гўштлири сотилади, шунингдек, ҳар хил нонлар ва турли-туман мевалар сотиб олиш мумкин эдики, буларнинг ҳаммаси жуда покиза эди».

Вақф ҳужжатларига кўра, мадрасада хизмат қилувчи шахслар орасида одатда вақф хўжалик бошқарувчилари пул ёки дон билан («ёхуд ҳар иккаласидан муайян миқдорда») ҳақ тўлаш эвазига ёллаган ошпазлар ҳам бўлар эди.

XIV аср охири ва XV асрларда Самарқанднинг бошқа давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларининг кучайиши натижасида бошқа мамлакатлардан мол ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ташиб келтириш анча кўпайди. Ажнабий усталарнинг қимматбаҳо буюмларини асосан, эксплуататор синф намояндалари олишарди. Бундай моллар Самарқанд бозорларидаги молларнинг озгина қисмини ташкил қиларди. Бироқ чет эллардан келтирилган моллар ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг бир қисми аҳолининг кенг табақалари учун мўлжалланган эди. Масалан, келтирилган бўёқлар, хом терилар, мўйналар, мум ва бошқа буюмлар ҳунармандларга материал бўлиб хизмат қиларди. Бадавлат шаҳарликлар эҳтиёжларини қондиришга мўлжаллаб Урта Осиё шаҳарларига газмоллар ва уй-рўзгор буюмларининг баъзи бир турлари келтириларди. Чет элдан келтирилган моллар маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулот миқдоридан анча кам бўлган бўлса керак. Бироқ, шунга қарамай, чет элдан келтирилган молларнинг хилма-хил номлари ўша асрларда ёзилган кўпгина тарихий асарларда қайд этилган.

Халқаро савдо маркази бўлган Темурийлар империясининг пойтахти — Самарқандга ипак газмоллар ташиб келтириларди. Уша даврдаги тарихчиларнинг сўзларига қараганда Самарқандда Ҳиндистон, Россия, Татаристон, Хитой ва бошқа жойлардан келтирилган турли моллар, шунингдек, Самарқанд подшолигининг ўзида ишлаб чиқарилган моллар ҳар йили сотиларди. Самарқанд подшолиги бундай молларга «жуда бой эди». XV асрда яшаган тарихчи Абдураззоқ Самарқандий фаранг газмоллари ва чет эл молларини эслатиб ўтади. Бошқа муаллифлар «сакарлот» мовути тўғрисида, хитой чинниси, ҳинд қуроли, черкас пичоқлари ҳақида ёза-

дилар. Зайниддин Восифий ўз асарида «фаранг пичоғи» билан темир панжарани кесганлигини эслайди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Темурийлардан Абу Саид салтанати даврида тантанали маросимлар ўтказиб турилган. Бу маросимларда самарқандлик ҳунармадлар мажбурий равишда хитой кимхоблари ва фаранг газмолларидан турли-туман кийимлар тикишган.

Юпқа, оқ газмол, нил, зираворлар ва хушҳидли нарсалар Самарқандга Ҳиндистондан, суруп ва марварид Эрондан, мум, қимматбаҳо мўйна ва терилар Русия, Волга бўйи ва Сибирдан келтирилган.

Самарқанддан чет мамлакатларга олиб бориб сотиладиган нарсалар орасида тўқимачилик буюмлари, асосан, арзон ип газламалар салмоқли ўрин эгалларди. Шунингдек, духоба, қимматбаҳо шойи газмол, қоғоз, мева, гуруч, пахта ҳам ташқи бозорга чиқариларди.

Талончилик ҳарбий юришлар вақтида катта бойлик орттирган Темур ўз пойтахтини янада кўкка кўтариш ва безатиш учун, янги савдо муассасалари қуриш учун кўплаб маблағ сарфларди. У «савдогарлар туфайли дунё обод бўлган» деб ҳисоблар ва дунёнинг кўпгина мамлакатлари, шу жумладан, Испания, Франция, Англия билан эркин савдо муносабатларини олиб боришга ҳаракат қиларди.

Унинг фармони билан йўллар ободонлаштирилди, салтанат пойтахтида гумбазли бинолар, қарвон саройлар, мол сақланадиган омборлар қурилди. Клавихо Самарқандда ҳамма нарсани тартиб билан сотишга катта жой бўлмагани учун Темур шаҳар ўртасидан кўча ўтказиб, унинг икки ёнига расталар қуришни буюргани, бу ишнинг жуда тезда амалга оширилганлиги ҳақида гапирарди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли Самарқандда бозорлар кўпайди, айрим хилдаги буюмлар билан савдо қиладиган расталар пайдо бўлди. Бозорларнинг ҳар бирида асосан бир хилдаги моллар сотилар эди, бозор эса сотиладиган молларнинг номи билан аталарди.

Шаҳарда ихтисослашган савдо бинолари — тимлар, дўконлар, ҳунармандчилик устахоналари кўн бўлиб, уларнинг номларига кўра, бу ерда ҳунармандчилик маҳсулотларининг муайян турлари тайёрланар ва сотилар эди.

Амир Темур ҳукмронлик қилган йилларда Самарқанднинг ҳунарманд аҳолиси бошқа мамлакатлардан олиб келинган усталар ҳисобига кўпайиб борди. Темур шаҳарларни забт этган вақтда ўзи билан бирга маҳаллий усталарни ҳам олиб келар ва уларни Ўрта Осиё шаҳарлари ҳамда қишлоқларида, асосан, Самарқандда жойлаштираар эди. Шарафуддин Али Яздийнинг фикрича, Темур барча расомлар ва ҳунармандларни Самарқандга олиб келишни буюрган. «У

айниқса турли касбдаги усталарни тўплашга ҳаракат қиларди», — деб ёзган эди Клавихо. А. Ю. Якубовскийнинг ёзишича, «Самарқанднинг ишлаб чиқариш базасини кучайтириш мақсадида Темур Олтин Ўрда, Хуросон, Озарбайжон, Арманистон, Форс, Қармана, Мессопотамия ва бошқа ўлкалардан ҳунармандларни мажбурий суратда кўчириб келтирган эди». Подшонинг махсус хизматкорлари усталардан биронтаси ўз ватанига қочиб кетмаслиги учун уларни назорат қилиб туришарди. Амударёнинг ўнг соҳилидан чап соҳилига махсус рухсатномаси бўлган одамларгина ўтказилар эди.

Ўша даврнинг тарихчилари Самарқанд ҳунармандларининг миллий состави турлича бўлганлигини таъкидлайди. Ибн Арабшоҳ 1396 йилда шаҳарда бўлган тантаналарни тасвирлаб, жаҳондаги барча мамлакатларнинг ҳунармандлари турли кийимларда ўз мамлакатларининг урф-одатига кўра ўз касблари бўйича ноёб безаклар ишлашганлигини, ҳар хил матолардан байрам кийимлари тикишганлигини айтади.

Самарқанд ҳунармандлари шаҳар экономикасида муҳим роль ўйнабгина қолмасдан, балки маданий ҳаётда ҳам фаол қатнашганлар. Бу эса маданиятнинг янада равнақ топишига самарали таъсир кўрсатган. Ф. Энгельснинг ўрта аср Европаси хусусида айтган қуйидаги сўзлари бу жиҳатдан характерлидир: «... Шаҳар аҳолиси синф бўлиб қолди, бу синф ишлаб чиқариш ва савдо муносабатлари, маориф, ижтимоий ва сиёсий муассасаларни янада ривожлантиришнинг жон-тани бўлди»<sup>1</sup>.

Ҳунармандлар Ўрта Осиё шаҳрининг маданий табақасини ташкил этувчи кишилар гуруҳига кирар эди. XV—XVI асрлардаги шоирлар, музикачилар, тарихчиларнинг бир қисми бадавлат ҳунармандлар ва майда савдогарлар орасидан етишиб чиққан эди. Самарқандлик шоирлар — совунгарлар растасининг оқсоқоли Жавҳорий, тикувчи Мавлоно Ҳавофий, шунингдек, шоирлар Мавлоно Мир Арғун Ҳамадўз (чодирдўз), Мавлоно Кобулий Ғазалфуруш (калавафуруш), Мавлоно Камардўз (тасмадўз) ва Бисотий Самарқандий (бўйра тўкувчи уста) шулар жумласидандир.

XV аср тарихчиларининг маълумотида кўра, Самарқанднинг шимоли-шарқида жойлашган Конигил ҳокимларнинг сайилгоҳи бўлган. Бу ерда катта тантаналар, базмлар ўтказилган. Самарқанддан Конигилгача бўлган йўл бўйида, Конигилнинг ўзида ҳам дўконлар, расталар, айвонлар қурилган бўлиб, буларда ҳунармандларнинг хилма-хил буюмлари ва савдогарларнинг моллари қўйилар эди.

<sup>1</sup> К. Маркс ва Энгельс, Соч., том 21, ч. 1, М., 1957, стр. 407.

Уша даврда бу манзарани ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг маълумотига кўра, ҳатто байрам тантаналарини ўтказган вақтда савдогарлар ва ҳунармандлар ҳокимларнинг амри билан сайилгоҳ жойига борганларида ҳам «ҳар бир касбга онд буюмлар алоҳида кўчага жойлаштирилган эди», яъни ҳатто дўконлар ва ҳунармандчилик устахоналари бирон жойга вақтинча кўчирилганида ҳам, улар ўз ишлаб чиқариш белгиларига қараб жойлаштирилар эди.

Ҳар бир соҳа усталари бир хил касбдаги ҳунармандлар растасига қарардилар. У барча ҳунармандлар ва барча касб эгаларини қамраб олмаган бўлса керак. Лекин XV аср тарихчиларининг маълумотига қараганда, етакчи ишлаб чиқариш соҳаларидаги усталарнинг айрим цехларга бирлашганликлари характерли воқеадир.

Гарчи шаҳар ва қишлоқ хўжалик ҳаёти учун зарур бўлган барча нарсалар ҳунармандларнинг кундалик меҳнати билан яратилганига, чинакам санъат асарлари ҳисобланган ва айрим нусхалари ҳозирги вақтда ҳам мамлакатимиз ва чет эл музейларида сақланаётган бадиий буюмлар халқ усталарининг қўли билан барпо этилганига қарамай, «Темур тузуклари»дан кўриниб турганидек, Темур ҳукмронлик қилган даврдаги қонунларга биноан, ҳунармандлар ўн икки табақчага бўлинган мамлакат аҳолисининг ўн биринчи табақасига мансуб бўлган, холос.

Бу даврда ҳунармандларнинг ўзлари ижтимоий жиҳатдан бутун бир табақани ташкил этмай, мулкӣй ва ҳуқуқӣй жиҳатдан бир-бирларидан ажралиб турарди.

Ишлаб чиқаришнинг баъзи бир соҳаларида усталарнинг раҳбарлиги остида ёрдамчи ишчилар ҳам ишлашарди. Қоғоз ишлаб чиқарадиган устахоналар ва бошқа шунга ўхшаш корхоналарда иш оғир бўлиб, ёрдамчи ишчилар талаб қилинар эди. Бошқа соҳаларда уста фақат шогирднинг меҳнатидан фойдаланарди. Клавихо Самарқанд яқинида ўтказилган тантаналарда ҳунармандларнинг иштирок этишини тасвирлаб, савдогарлар ва ҳунармандлар ихтиёрида ёрдамчи ишчилар борлигини қайд қилади. «Ҳамма савдогарлар, — деб ёзади у, — ўз моллари ва ишчилари билан шаҳардан чиқишиб, Урдада ҳар бир касб эгалари учун айрим ажратилган кўчада жойлашиб олдилар». Заҳириддин Бобир XVI асрда ёлланма асосда ишловчи ёрдамчи ишчилар бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Кўпгина ҳунармандчилик устахоналарида муздур деб аталувчи ёрдамчи ишчилар ёлланма асосда ишлашга фақат вақтинча жалб қилинган бўлса керак. К. Маркс ўрта аср шаҳрини характерлаб, «шаҳарларнинг кунбай асосида ишлашга бўлган муҳтожлиги оддий кишиларни вужудга келтирди» деган эди. Бу қонда ўрта аср Самарқанди учун ҳам характерли деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, ҳунарманд қуллар ҳам бор эди. Уларни урушлардагина қўлга тушириб қолмай, балки бозорда ҳам сотиб олардилар. XV—XVI асрларда қул савдоси ҳужжатлардаги маълумотларда акс этган. Бироқ ҳунарманд қулларнинг сони эркин ҳунарманд аҳоли оммасига нисбатан жуда оз эди. Уша даврда қуллар меҳнати ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида жиддий роль ўйнамас эди.

Ҳунармандлар табақаси уста қўлида шогирдлик таълимини ўтаган шогирдлар ҳисобига (асосан болалар ва ҳунармандларнинг қариндош-уруғлари ҳисобига) тўлиб борди. Шогирдларга ҳунар ўргатилибгина қолмасдан, балки улардан ишлаб чиқариш устахонаси ва уй хўжалигида ёрдамчи ишчи кучи сифатида ҳам фойдаланиларди. Малакали устага ҳар қандай киши ҳам шогирд бўла олмас эди. Бадавлат кишиларнинг болаларига ўша даврнинг таниқли хаттот ва расомларига шогирд бўлишлари мумкин эди. Малакали заргарлар, ганчга, тошга ўйиб гул солувчи наққошлар ва бошқа ҳунармандларга шогирд тушиш иши ана шу аҳволда бўлган бўлса керак.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг ўса бориши меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир кўрсатди. Шаҳарлар чегарасини янада кенгайтиришга олиб келди, шаҳар ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган Самарқанд атрофида яшовчи аҳолини шаҳардаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига жалб эта борди. Буларнинг ҳаммаси савдо дўконлари, ҳунармандчилик устахоналари қуришни кучайтириш ва кўпайтиришга, янги бозорлар, савдо расталари ва карвон саройларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Лекин ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиш жараёни ҳунармандчилик буюмларига бўлган талабнинг орта бориши оқибатида, шаҳарнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши натижасида рўй берди. Бироқ ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг кенгайиш ва ўсиш жараёни бутун XV аср мобайнида бир текисда борган эмас ва ҳунармандчиликнинг барча соҳаларини бир хилда ўз ичига қамраб ола олмаган. Бу эса умумтарихий шарт-шароитларга боғлиқ эди.

#### 4. САМАРҚАНД — XIV—XV АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДА ИЛМИЙ ТАФАҚҚУРНИНГ МАРКАЗИ

Урта Осиё халқларининг маданияти ўз ривожланиш тарихида машаққатли йўлни босиб ўтди. Бу маданият мураккаб шароитда: ажнабий босқинчиларнинг тез-тез бўлиб турган ва кўпгина маданият бойликларини нобуд қилган ҳужумлари, деярли узлуксиз бўлиб турган ўзаро урушлар, меҳнаткашларнинг маҳаллий ва ажнабий эксплуататорларга қарши олиб борган кураши жараёнида ривожланди. Халқнинг асрлар давомида вужудга келтирган буюк ижоди — моддий мадани-



ят бойликлари баъзан харобазорга ва култепага айланди, жуда оз миқдорда сақланиб қолганларигина янгидан маданият куртаклари ёза бошлади. Халқнинг энг яхши фарзандлари уларни ардоқлаб ўстирдилар, ижод қилдилар, ўз ўтмишдошларининг прогрессив анъаналарини давом эттирдилар.

Темур давлатининг ташкил топиш жараёнини тасвирлаш бизнинг вазифамизга кирмайди. Фақат шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Темур давлатининг ташкил бўлишига асосан шундан олдин узоқ вақт давом этган синфий кураш, унинг кескинлашуви, шунингдек, ҳукмрон синф — феодаллар ўртасидаги исёнлар ёрдам берди.

Жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Самарқанд Шарқда йирик савдо маркази сифатида машҳур эди. Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Шарқий Европа билан бўлган савдо муносабатлари Самарқанднинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади.

Темур ўз пойтахтига муҳим сиёсий аҳамият бериб, уни гўзал ва улуғвор шаҳар қилишга интилди. Лекин у руҳонийларнинг жуда катта таъсирини назарда тутди, бу эса қурилишнинг асосий йўналишини белгилаб берди.

Темурийлар ҳукмронлик қилган давр муҳтожликда кун кечирган халқ оммасини аёвсиз эзиш даври эди.

Ер ва сувга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам мансабли, ҳам мансабсиз феодал зодагонларига мансуб эди. Шунинг учун ҳам катта ер эгаллиги феодалларнинг моддий базасини ташкил қиларди. Ер одатда феодал ҳокимияти намояндаларига «суюрғол» сифатида меросий мулк қилиб бериларди.

Феодал мулкдорлар кўп солиқлар ва меҳнат мажбуриятлари билан деҳқонларни шафқатсиз эксплуатация қиларди; жумладан, меҳнаткаш деҳқонлар бутун ҳосилнинг 0,4 қисмигача «хирож» тариқасида хазинага топширишга мажбур эди.


Темурнинг жуда катта феодал давлати «Соҳибқирон» — «Замон ҳукмдори»нинг қаттиққўллиги туфайлигина сақланиб тутарди. Темур ҳукмронлигининг ташқи дабдабаси ва гўзаллиги унинг ичдан зил кетаётган синфий қарама-қаршиликларини яшириб турарди, чунки мамлакат ичида жамиятнинг турли табақалари ўртасида кураш қизғин тус олган эди.

Темур 1405 йил февралда юришлардан бирида касал бўлади ва ўтрор шаҳрида вафот этади. Унинг ўлиmidан кейин ҳокимият учун кураш бошланади ва тўрт йил давом этади. Бу курашда Темурнинг ўғли Шоҳрух ғолиб чиқади. У иккита мустақил давлат: маркази Ҳиротда бўлган Хуросон давлати, унга Шоҳрухнинг ўзи бошчилик қилади ва маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳр давлатини тузади ва унга Шоҳрухнинг ўғли Улуғбек султон қилиб тайинланади.

Улуғбек ҳукмронлик қилган даврдаги юришлар қисқа муддатли бўлиб, Темур замонидаги юришларга нисбатан

бутунлай бошқача характерда эди: баъзи ҳолларни истисно қилганда, бундай юришлар жуда зарарли бўлган, урушқоқ қўшинлари томонидан хавф туғилган тақдиргагина амалга оширилар эди.

Сўнги марта у 1427 йилда шаҳзода Буроққа қарши юришга отланди. Шаҳзода асоссиз равишда Сирдарёгача бўлган ерларга эгалик қилишни даъво қилиб чиқди. Шундан кейин Улуғбек йигирма йил мобайнида, ҳатто, Сирдарё ёки Мўғулистон томонидан у ҳукмронлик қилаётган давлат



Улуғбек жаҳон астрономлари орасида (XVII аср гравюраси).

чегарасига бостириб кирган вақтда ҳам бирор марта ҳарбий юриш қилмади. Улуғбек даврида ҳарбий юришлар жуда оз бўлиб, ҳаммасини бирга қўшиб ҳисоблаганда икки йил ва кўпи билан уч йилдан ошмайди. Қолган вақтларда Улуғбек ҳарбий ишлар билан шуғулланмай, фанга берилди.

Улуғбек бошқа кўпгина ҳокимлардан фарқли ўлароқ давлат арбоби сифатида эмас, балки асл олим сифатида ажралиб турар эди. Бунинг устига Улуғбекнинг фан билан қизиқиши унинг давлат фаолиятига маълум даражада салбий таъсир кўрсатди.

Улуғбек даврида қурилиш ишлари ривожлана борди; бир томондан, янги-янги иморатлар қад кўтарди, иккинчи то-

мондан, унгача бошланган қурилишлар ниҳоясига етказилди. Улуғбек ўз душманларини узил-кесил тинчитиб улгурмасидан, 1417 йилдаёқ унинг фармонига биноан Бухорода, Самарқандда (1420 йил) ва Ғиждувонда (1432—1433 йиллар) мадрасалар, Марвда диний маҳкамалар (Абдураззоқ) қурилди. Улуғбек мадрасасининг ёнида султоннинг амри билан катта ҳаммом бунёд этилди. Самарқандда машҳур расадхона қад кўтардики, бу ҳақда кейинроқ батафсил гапириб берамиз. Бибихоним масжиди, Ғўри Амир мақбараси қурилиши тугалланди, Шоҳизинда ансамбли поёнига етказилди.

Улуғбек шахсий ҳаётида ҳам, сиёсий фаолиятида ҳам ислом дини ақидаларига ёпишиб олган ўз отаси Шоҳрухдан тамомила бошқача йўл тутди. Шоҳрух Ҳиротда дин пешволари билан ўралашиб қолган, ҳар ҳафтанинг жума куни мунтазам равишда масжидга бориб номоз ўқиган, ман этилган базмларни қаттиқ таъқиб қилган бир шароитда, Улуғбек Самарқандда олимлар ва шоирлар доирасида бўлиб, кўпинча дин ақидаларига зид ишлар қилар эди.

Шундай қилиб, Улуғбекнинг фаолияти унинг ўтмишдошлари фаолиятидан кўп жиҳатдан фарқ қилар эди ва, шубҳасиз, бу ҳол ўша замонда, айниқса, фан соҳасида прогрессив роль ўйнади.

Улуғ Навоий бундай деган эди: «... Улуғбекнинг бутун қариндош-уруғлари вафот этиб кетди. Бизнинг замонамизда уларни ким эслаяпти? Аммо Улуғбек фанга қўл узатиб, кўпгина нарсаларга эришди». Дарҳақиқат, бизнинг давримизда, масалан, унинг отаси Шоҳрухни ким эслайди? Ҳатто олимларнинг асарлари бағишланган ҳокимларнинг номлари ҳам тез орада унутилиб кетди.

Фанга бўлган зўр муҳаббати, катта қобилияти ва меҳнатсеварлиги туфайлигина Улуғбек астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари сифатида ажойиб муваффақиятларга эриша олди. Бу мактаб бутун дунёда ҳамма томонидан эътироф этилди, шухратга сазовор бўлди.

Зўр қобилият, ўткир хотира ва аста-секин билимларни тўплаш шунга олиб келдики, Улуғбекда фанга қизиқиш ва интилиш ривожлана борди. Улуғбек билимларини тинмай чуқурлаштириши ва ўз устида мунтазам равишда ишлаши натижасида ўзининг кўпгина замондошларидан ўзиб кетди. Шундай қилиб, олдин ўтган аждодлар — Ўрта Осиёдаги қадимги халқларнинг маданий мероси Улуғбек билимларининг асосий манбаи бўлди.

Ўша даврда аниқ фанларнинг ривожланиши, ана шу соҳага оид ажойиб асарларнинг ёзилиши ва, ниҳоят, буюк астрономлар ва математиклар билан яқин муносабатда бўлиш Улуғбек илмий фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди.

Улуғбек замонасида «Солномалар қаймоғи» номли ажиб асарнинг автори тарихчи Лутфулла Ҳофиз Абрў (1431 йилда вафот этган), фалсафий тасаввуф характеридаги «Ат-тарифати Журжоний» рисоласининг муаллифи Али ибн Муҳаммад Журжоний (1413 йилда вафот этган), машҳур медик Мавлоно Нафис, лирик шоирлардан Сирожиддин Бисотий Самарқандий (1412 йилда вафот этган), Хаёлий Бухорий (1449 йилда вафот этган), 1409—1410 йилларда ёзилган «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг муаллифи Бадахший Дурбек, қасида жанрининг асосчиси Саккокий (1465 ёки 1468 йилда вафот этган) ва бошқа фан, адабиёт ва санъат намояндalари яшаб ижод қилдилар. Машҳур хатотлар Абдурахмон Хоразмий ва унинг ўғиллари Абдурахим ва Абдулкаримлар Самарқандда яшадилар. Улар ҳуснихат санъатининг ажойиб турларини ва янги шаклларини яратдиларки, булар ҳозирги кунда ҳам қадимий ёдгорликларни беэаб турибди (қўлёзмалар, ёғочга, мрамарга, металлга ўйиб ёзилган хатлар ва ҳоказо).

Иккинчи томондан, реакцион руҳонийлар тарафидан таъқиб қилинган фан ва маданият арбоблари ўзларининг прогрессив ғояларини очиқ-ойдин айтишдан қўрқдилар. Бироқ ўзбек халқининг илғор намояндalари ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ҳақиқат учун курашдилар, ишладилар ва ижод қилдилар, жаҳон фани ва маданияти хазинасига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Улуғбек ўзини илмий ишга бағишлаб ва ўз имкониятларидан фойдаланиб, Самарқандда мадраса қурдирди, бу мадраса Улуғбекнинг катта ҳаракати туфайли ўз даврининг илғор олий ўқув юрти сифатидагина эмас, балки илмий муассаса сифатида ҳам шуҳрат қозонди.

Адабиёт, санъат ва фан намояндalари Улуғбек атрофида тўпланган эди. Улар орасида астрономлар етакчи, фахрли ўрин эгалларди. Улуғбекнинг фаол иштироки билан ва унинг раҳбарлиги остида илмий иш муваффақиятли ривожланди. Астрономия билан мунтазам шуғулланиш муқаррар суратда тегишли кузатишларга ҳамда афтидан астролябия, параллактик чизгичлар, қуёш соати ва бошқа шу каби асбоблар ёрдамида энг содда асронмик ўлчовларга олиб келдики, бу эса расадхона қуриш учун зарур замин бўлди.

Улуғбек мадраса қургандан кейин унда таълим берадиган олимларни ўзи танлади. Улуғбек аввал олимлар билан суҳбатлашиб, уларнинг илмий малакаси етарли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ишга тайинлади. Жумладан, «мадраса биноси битишга яқинлашганда, у ердаги одамлар Улуғбекдан мадрасага кимни мударрис қилиб тайинламоқчисиз, деб сўраганда, Улуғбек, барча фанлардан хабардор бўлган бирор одамни қидириб топаман, деб жавоб берган. Шу ерда

ғиштар орасида ифлос кийимда ўтирган мавлоно Муҳаммад Улуғбекнинг бу гапини эшитиб қолган ва шу онда ўрнидан туриб, бу вазифага мен лойиқман, деган. Шундан кейин Улуғбек уни имтиҳон қила бошлаб, унинг чинакам билимдон одам эканлигига ишонч ҳосил қилган ва уни ҳаммомда ювинтириб, яхши кийинтириш тўғрисида буйруқ берган. Мадрасанинг очилиш кунида мавлоно Муҳаммад мударрис сифатида лекция ўқиган; мавлоно Муҳаммаднинг олимлардан 90 киши иштирокида қилган лекциясини Улуғбек билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушуна олмаган»<sup>1</sup>.

Бу ерда тилга олинган Қозизода Румий (Салоҳиддин Муса бин Маҳмуд) машҳур математик ва астрономдир. У Улуғбек мадрасасининг дастлабки мударрисларидан бири эди. Ғоят билимли бўлган бу олимни замондошлари «Ўз даврининг Афлотуни» деб атаганлар. У Самарқандда дафн этилган бўлиб, Қозизодага юсак баҳо берган Улуғбекнинг фармонида кўра, унинг қабри устига мақбара қурилган. Бу мақбара Шоҳизинда мақбаралари яқинида жойлашган.

Улуғбек мактаби тарихида муҳим роль ўйнаган бошқа йирик математик ва астрономлардан бири Ғиёсуддин Жамшид ибн Маъсуд эди. У 1416 йилдаёқ астрономик асбоблар тўғрисида рисола ёзган эди. Бу асбобларнинг кўпидан Улуғбек расадхонасида фойдаланилган. Биз бу ҳақда кейинроқ гапирамиз. У математика ва астрономияга оид бир қанча асарларнинг автори ҳамдир.

Улуғбек мактабида иш олиб борган Муиниддин, унинг ўғли Мансур Қоший ва Қошийнинг шогирди, Улуғбек асарларининг шарҳчиси Али ибн Муҳаммад Биржондийлар ҳам таниқли астрономлардан бўлган.

Улуғбек асарларининг шарҳчиси, Қозизода ва Улуғбекнинг истеъдодли шогирди, самарқандлик математик ва астроном Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчини ҳам эслаиб ўтиш керак. У «Ўз даврининг Птоломейи» деб ном олган. Али Қушчи илмий ишда Улуғбекнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири эди. Улуғбек мактаби намояндаси сифатида, Улуғбек асарларининг шарҳчиси, Қозизоданинг Наби Мирам Чалабий номи ҳам диққатга сазовордир.

Мадрасада бошқа мударрислар билан бир қаторда, Улуғбекнинг ўзи ҳам астрономия бўйича лекциялар ўқир эди. Учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган бир градус ёйнинг синусини аниқлаш — Улуғбек ва унинг мактаби эришган ажойиб ва энг муҳим муваффақиятлардан бири бўлди.

---

<sup>1</sup> В. Бартольд, Соч., т. II, ч. II, М., 1964, стр. 126.

Бироқ бу ерда масаланинг принцинал томони муҳимдир. Гап шундаки, «Зижи Улуғбек», яъни Улуғбекнинг астрономик жадваллари, бошқача сўз билан айтганда, «Зижи Кўрагоний»нинг ажойиб шарҳчиси, астроном Биржонднийнинг ёзишича, юқоридаги масалани ҳал қилиш (яъни учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган масалани ҳал қилиш) усулларидан бири Жамшидга, иккинчиси эса заҳматкаш султон Улуғбекка мансубдир.

Улуғбек олимлар, расадхона ходимларининг йиғилишларида бир неча бор нутқ сўзлаган, улар берган саволларга жавоб қайтарган. Масалан, Седийо қўлёзмада қайд қилинган ана шундай воқеалардан бирини келтиради. Самарқанддаги астрономлар мактабининг вакили, «Зижи Кўрагоний» асарининг шарҳчиси, астроном Чалабийнинг бу қўлёзмада бундай дейилади: «Бизнинг мулламиз Гиёсуддин Жамшид бир неча султон, шаҳзода амалдорлари иштирок этган йиғилишда шу жадвалларнинг муаллифидан нима учун астрономияга оид рисолаларда апогей ва перигейда ҳеч қандай тенглама йўқ деб айтилган, ваҳолонки, биз уларни аниқлашни жадваллардан топиб оламиз, деб сўраган. Ҳазрат олийлари (яъни Улуғбек) бундай деб жавоб берган: «Менинг жадвалларимда ана шу икки нуқта учун тенглама белгилаб бериш вазифамга кирмайди». «Гиёсуддинга, — берилган бу жавоб, деб ёзади Чалабий. — тўғри, чунки шундан кейин биз ўз шарҳларимизда бу фикрларни баён қилиб бердик».

Шундай қилиб, ҳатто Гиёсуддин Жамшид сингари йирик математик ва астроном ҳам Улуғбекнинг маслаҳатларига муҳтож бўлган, илмий масалалари билан унга мурожаат қилган ва батафсил жавоблар олган.

Улуғбекнинг фаолияти реакцион руҳонийлар мутаассиблигига қарши олиб борилган мураккаб кураш шароитида ривожланди. Гап шундаки, ўрта асрлардаги ҳукмрон дунёқараш илоҳиятга асосланган эди — табиатдаги барча ҳодисалар ва жамиятдаги муносабатлар олло-таолонинг амри билан бўлади деб қараларди. «Черков догматлари, — деб ёзади Ф. Энгельс, — айни вақтда сиёсий аксиома бўлиб қолди... Ақлий фаолиятнинг барча соҳасида ҳукмрон бўлган бу диний қараш ўша даврда шунинг учун ҳам зарур эдики, черков мавжуд феодал тузумнинг энг юқори ҳокимияти ва қонун чиқарувчи органи бўлиб ҳисобланарди»<sup>1</sup>. Бу қонда ўрта аср Ўрта Осиёсига ҳам тўла тааллуқлидир.

Ўша даврда расмий идеология ислом ақидаларига асосланар эди. Ислом ақидаларига кўра, жаҳондаги ҳамма нарсанинг тақдирин олдиндан белгилаб берилади. Руҳонийлар

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс, Сочинения, т. VII, М., Госполитиздат, 1956, стр. 360—361.

томонидан тарқатилган бундай реакцион таълимот ҳар қандай хурофотнинг равнақ топиши учун замин бўлиб хизмат қилди. Дўзах олдидаги қўрқув, «нариги дунё» («биҳишт»)даги ҳузур-ҳаловатга умид боғлаш меҳнаткашлар дунёқарашининг шаклланишида катта роль ўйнади. Ислоҳ динига зид бўлган ҳар қандай таълимот шаккоклик деб ҳисобланар ва қаттиқ таъқиб қилинар эди. Шунинг учун ҳам олимлар баъзан ўзларининг ижодий ишларида, зоҳиран бўлса-да, ислом ақидаларига бўйсунишга мажбур бўлардилар ва ўз асарларидаги прогрессив фикрларни дин ниқоби остида яширардилар.

Дунёнинг геоцентрик системаси Улуғбек мактаби астрономик ишларининг негизини ташкил этади. Лекин гелиоцентрик қараш ҳам унинг мактаби намоянадалари учун ёт эмас эди, деб тахмин қилиш учун баъзи асослар бор.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Улуғбек мадрасасида ўқитилган фанлар орасида астрономия муҳим ўринни эгалларди. Улуғбек бошчилик қилган астрономларнинг муваффақиятли равишда олиб борган таълим ва илмий ишлари уларни аниқроқ асбоблар билан таъминланган намунали расадхона қуриш керак деган фикрга олиб келди. Улуғбек юқорида айтиб ўтилган мадрасани қурдирганидан кейин ордан тўрт йил ўтгач, ана шу гоёни амалга оширишга киришди. Тарихий манбалар ана шундан далolat беради. «Мирзо Улуғбек ўз мадрасасини қурдириб битказгандан кейин ордан тўрт йил ўтгач, Қозизода Румий, мавлоно Ғиёсуддин Жамшид ва мавлоно Муиниддин Коший билан маслаҳатлашиб, Кўҳак этагида, Обираҳмат сойининг бўйида расадхона биносини қурдирди. Бу бинонинг атрофида баланд ҳужралар қурилди, расадхона жойлашган тепалик этақларида ажойиб боғ барпо этилди. Улуғбек ўзининг кўпгина вақтини шу боғда ўтказар эди. Бобир асарларида ҳам худди шундай маълумотни ўқиш мумкин: «Яна бир олий иморати Пуштан Кўҳак доманасида расаддурким, зич битмакнинг олатидур. Уч ошиёнлиқдур». Шунини ҳам айтиш керакки, 1259 йилда Марағода Насриддин Тусий томонидан қурилган расадхона XIV асрнинг биринчи ярмидаёқ хароба ҳолига келган эди.

Бироқ тарихий манбаларда кўрсатилганига қарамай, Улуғбек расадхонаси қаерга жойлашганлиги узоқ вақт номаълум бўлиб келди. Фақат 1908 йилда самарқандлик археолог В. Л. Вяткин харобалар остидан унинг қолдиқларини топишга муяссар бўлди.

Расадхона қолдиқлари топилган тепалик ер сатҳидан баландлиги тахминан 21 м, шарқдан ғарбга чўзилган кенлиги қарийб 85 м, жанубдан шимолга чўзилган узунлиги 170 м келадиган табиий тошли баландликдан иборат. Тепа-

ликдан туриб қараганда чор атрофда кенг ва ажойиб табиат манзараси намоён бўлади.

Қазишма ишлари олиб борилган вақтда турли рангдаги кўпгина кошин ғиштчалар, шунингдек, мозаика бўлаклари ҳам топилди. Масалан, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси ана шундай кошинлар билан безатилган эди. Расадхона биноси ўша даврда ҳукмрон бўлган архитектура услубига асосан безатилган бўлса керак. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, девордаги суратларда осмон гумбази, самовий жисмлар, уларнинг жойлашиши ва ўзаро муносабатини, сайёраларнинг орбиталари, қўзғалмас юлдузлар, денгизлар, океанлар, тоғлар бўйича иқлим минтақаларига бўлинган ер кураеси ва ҳоказолар тасвирланган.

Агар уч ошиёнали расадхона биносининг баланд тепаликда виқор билан қад кўтариб турганини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, у вақтда расадхона кишиларда нақадар улуғвор таассурот қолдирганини тушуниш қийин эмас.

Расадхонанинг улканлигини шундан ҳам билса бўладики, биринчидан, бу ерда қурилиш чиқиндиларининг жуда катта уюми топилди; иккинчидан, расадхонадаги асосий ўлчов асбоби жуда катта бўлган, қазиш вақтида унинг бир қисми топилган. XVII—XVIII асрларга оид адабиётларда Улуғбек расадхонаси ҳақида гапирилиб, унинг улканлиги ва улуғворлиги кўрсатиб ўтилади, жумладан, юқорида тилга олинган асбобнинг баландлиги Истанбулдаги машҳур Ая София ибодатхонасининг баландлигига тенг бўлган дейилади (яъни тахминан 50 м).


Бу асбобни ўрнатиш масаласи ҳам муваффақиятли ҳал этилган эди. Бу асбоб ёнининг бир қисми меридиан йўналишида қарийб 2 метр кенгликда қазилган чуқурга жойлаштирилган эди. Унинг чуқурда сақланиб қолган қисми ораллиги 51 см бўлган иккита параллель тўсиқдан иборат. У пишиқ ғиштан урилган бўлиб, ганч билан сувалган ва мармар билан пардозланган. Асбоб ҳар 70,2 см оралатиб бўлинган. Бу эса бир градусга тўғри келади. Девор устки томонидаги мармар плиталарда ўйилган чизиқ бўлиб, у кузатишлар олиб бориш учун зарур бўлган асбобни ўрнатиш ва уни суриб туриш учун мўлжалланган.

«Зижи Улуғбек» ёки «Зижи Қўрагоний» деб аталган астрономик жадваллар Улуғбек ва унинг ходимлари илмий ишларининг энг муҳим натижасидир.

Дастлаб «Зижи Улуғбек» форс-тожик тилида ёзилган эди. Гап шундаки, араб халифалигининг инқирозга юз тутиши ва Ўрта Осиё территориясида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши натижасида маҳаллий адабий тиллар, айниқса, ўзбек, форс-тожик тилларининг роли секин-аста орта борди.



Тўғри, ўрта осиелик баъзи олимлар ҳамон араб тилида ёзардилар, лекин бундай олимлар тобора камайиб борарди. Мусулмон Шарқда ҳам шундай аҳволни кўрамиз. Бу ерда аслида тожик адабий тилига ўхшаш бўлган форс тилидан тез-тез фойдалана бошлашди.



Улуғбек расадхонаси реконструкциясининг умумий кўриниши.

Шунинг учун ҳам Улуғбек ўзининг «Зижи»ни форс-тожик тилида ёзишга жазм қилганлиги ўша даврда батамом табиий ва қонуний бир ҳолдир. Деярли бутун мусулмон Шарқда қарор топган тарихий шароитларга кўра, форс-тожик тили кенг тарқалган эди.

Дарҳақиқат, Улуғбек ватанида форс-тожик тилидаги «Зижи Улуғбек» сақланиб қолган; бу асар шу тилда бутун дунёга тарқалди, ўз вақтида, ундан юз йилдан кўпроқ илгари унинг Муқаддимаси француз тилига таржима қилинди. Ниҳоят, Марағоза Насриддин Тусийнинг «Зижи», Ҳиндистон-

да Савайжай-Сингх ва Абу-Мулла Фарид Деҳлавийнинг «Зижи» ҳам форс-тожик тилида ёзилди.

«Зижи Улуғбек» асари Муқаддима (назарий қисми) ва Самарқанд расадхонасида олиб борилган кузатишлар асосида тузилган Улуғбек жадвалларидан иборат.

«Зижи Улуғбек» асари Муқаддимаси Улуғбек томонидан кузатишлар тўплангунга қадар ёзилган бўлиб, сўнгра Ғиёсуддин Жамшид уни форс-тожик тилидан араб тилига таржима қилган. Буни XVIII асрга оид бўлган ва ҳозирги вақтда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (инвентарь № 2123) сақланаётган «Зижи таърифи Султон» қўлёзмасидан ҳам кўриш мумкин. Араб тилида ёзилган шу қўлёзманинг охирида бундай дейилган. «Рисолани Самарқандда кузатув ишлари олиб борган мавлоно ас-Султон ибн ас-Султон Улуғбек ибн ас-Султон Шоҳрух ибн ас-Султон Темур Кўрагоний ёзиб тугаллади, у эса Самарқандда кузатишлар ўтказган Улуғбекдир. Буюк олим Ғиёсуддин Жамшид уни яхшилаб таҳрир қилиб, араб тилига таржима этди». Бу рисоланинг арабча тексти тожикча текстига айнан ўхшамайди: унга, масалан, календарь бўйича озгина қўшимчалар ҳам киритилган. Бироқ бундай ҳолда масаланинг принципиал томони муҳим аҳамиятга эга: бошда кузатишларнинг натижалари тўплангунга қадар «Зижи Улуғбек» асарининг назарий асоси тожик тилида ёзилган бўлиб, сўнгра у Жамшид томонидан араб тилига таржима қилинган.

Афсуски, Самарқанд астрономия мактаби намояндаларининг кўпгина асарлари бизгача етиб келмаган: уларнинг айримлари йўқолган, бошқалари эса ўз вақтида реакцион руҳонийлар томонидан йўқ қилиб юборилган. Қўлёзмаларнинг бизгача етиб келган озгина қисми дунёдаги бир неча йirik кутубхоналарда сақланмоқда. Улуғбекнинг энг кўзга кўринган ходимларидан бири Ғиёсуддин Жамшид қуйидаги асарларнинг муаллифидир: 1. «Зижи Хоқоний дар такомили зижи Элхоний». Бу астрономик жадвалга Насриддин Тусний раҳбарлигида Мароға расадхонасида тузилган жадваллар асос бўлган. Жамшид бу жадвалларни синчиклаб танқидий таҳлил қилган, тузатган, шунингдек, янги маълумотлар билан тўлдирган. Асар форс-тожик тилида ёзилган; унинг бир нусхаси Ая Софиядаги катта кутубхонада сақланмоқда (инвентарь № 2692), сарлавҳасидан кўриниб турганидек, асар Хоқонга (яъни султонга) бағишланган. 2. «Боғлар сайри» асари. Бу асарда астрономиядаги баъзи бир амалий масалаларни ҳал қилиш учун, жумладан, осмон ёритқичларининг географик кенглиги ва узунлигини аниқлаш учун автор ихтиро қилган астрономик асбобнинг баёни берилган. Бу рисола қўлёзмасининг бир нусхаси Лондондаги «Indio affice» кутубхонасида

(MS 210) мавжуд. 3. «Осмон нарвони». Араб тилида ёзилган бу асарда осмон жисмларини ўлчаш масалалари баён этилган. Рисоланинг айрим нусхалари Европадаги баъзи кутубхоналарда, жумладан, Лейден кутубхонасида (№ 1141) ва Оксфорд кутубхонасида (№ 1.881.4<sup>o</sup>) сақланмоқда. 4. «Хорда ва синуслар ҳақида рисола» бўлиб, бу асар бир градусли ёйнинг синусини ҳисоблаб чиқиш методига бағишланган. 5. «Ҳисоб калити» асари бўлиб, бунда ҳисоб ва алгебранинг баъзи бир энг муҳим масалалари қараб чиқилган. 6. «Доира ҳақида рисола» бўлиб, бу асарда доиранинг диаметрига нисбатини белгилаш методи кўрсатиб берилган. «Ҳисоб калити» рисоласида, жумладан, Жамшид томонидан кашф этилган ўнлик касрлар, эндиликда Руфини — Горнер номи билан юритилаётган илдиз чиқаришнинг умумий усули, шунингдек, ҳар қандай натурал кўрсаткич учун Ньютон биноми формуласини қўллаш сингари ғоят муҳим масалалар қараб чиқилган.

Юқорида эслатиб ўтилган Улуғбек расадхонасининг ходими Салоҳиддин Муса ибн Маҳмуд Қозизоданинг асарлари диққатга сазовордир. У қуйидаги асарларни ёзган: 1. «Арифметикага оид рисола». Араб тилида ёзилган бу асарнинг ўзи ва номаълум автор томонидан унга ёзилган шарҳлар Истанбулдаги Алипошшо кутубхонасида (№ 1992) сақланарди. 2. Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийнинг «Астрономиянинг моҳияти»га изоҳлар. Бу асар астрономияни ўрганаётган кишилар орасида кенг тарқалган, жумладан, астроном талабаларнинг энг зарур китоби бўлган. Бу асарнинг бир нусхаси (араб тилида ёзилган) Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида (№ 2655) мавжуд. 3. Шамсуддин Самарқандийнинг «Шакллар асосига шарҳ» асари бўлиб, бу асарда муҳим геометрик масалалар баён этилган. 4. «Синус ҳақида рисола». Бунда Ғиёсуддин Жамшид томонидан таклиф этилган методга асосланиб, бир градус ёйининг синусини аниқлашнинг янги содда варианты берилган.

Ушбу мактабнинг яна бир истеъдодли намояндаси, Улуғбекнинг шогирди Али Қушчидир. Али Қушчи қуйидаги асарларнинг асари: 1. «Арифметикага оид рисола». Бу асар тожик тилида ёзилган ва уч қисмдан иборат бўлиб, ҳинд математикасига ва астрономиянинг баъзи масалаларига бағишланган. Унинг айрим нусхалари Лейден кутубхонасида (№ 1050) ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (№ 3356) сақланмоқда. 2. «Астрономияга оид рисола». Бу асарнинг энг қадимги нусхаси (№ 2639) Ая Софиядаги катта кутубхонада, шунингдек, Тошкентда, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида

тида (№ 3356) сақланмоқда. 3. «Ойсимон шаклларни ҳал этиш тўғрисидаги рисола». 4. «Муҳаммадия рисоласи». Бу асарда арифметика ва алгебра масалалари қараб чиқилган. Улуғбек фожиали ҳалок бўлганидан кейин Али Қушчи Истанбулга кўчиб кетади. Бу ерда ушбу рисола ни тожикчадан арабчага таржима қилади ва уни Султон Муҳаммад II га тақдим этади. Шунинг учун у «Муҳаммадия» деб аталади. Рисоланинг муаллиф ўз қўли билан араб тилида ёзган нусхаси Ая Софиядаги катта кутубхонада (№ 2733) мавжуддир. 5. «Фатҳия» — астрономия бўйича араб тилида ёзилган рисола. Асарнинг айрим нусхалари Парижда (№ 2504,4<sup>о</sup>) ва Истанбулда (№ 1474/75) сақланмоқда. 6. «Улуғбек жадвалларига шарҳлар» ёки «Кўрагоний жадвалларига шарҳлар». Адабиёт маълумотлари бўйича маълум бўлган бу асар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Али Қушчи 1474 йилда Истанбулда вафот этган.

Қозизоданинг набираси, Мирам Чалабий номи билан кўпроқ машҳур бўлган Маҳмуд ибн Муҳаммад ҳам Улуғбек мактабининг ажойиб намояндаларидан бири эди. Бу олимнинг қаламига қуйидаги асарлар мансубдир: «Улуғбек жадвалларига шарҳ» — бу катта асар турк султони Боязид II нинг илтимосига кўра тожик тилида ёзилган бўлиб, Европа мамлакатларининг баъзи кутубхоналарида, жумладан, Парижда (№ 171) ва Истамбулда (№ 2697) сақланмоқда. 2. Али Қушчининг астрономик «Фатҳия рисоласига шарҳ». Бу асар Парижда (№ 2504,5<sup>о</sup>) мавжуд. 3. Қибла азимути масалаларига бағишланган асарлар, шу жумладан, «Қибла азимутини тадқиқ қилишга оид рисола». Бу асар Истанбулда (№ 2628) сақланмоқда. 4. «Синус ҳақида тўла рисола» ёки «Синус ҳақида мукамал тўплам». Бу асар ёй синусига доир масалаларни таҳлил қилишга бағишланган. 5. «Алмуқантарот ҳақида рисола» (аниқроғи, алмуқантаротнинг чорак қисми ҳақида асар).

Самарқанд мактаби астрономлари орасида эслатиб ўтилган Муиниддин ва унинг ўғли Мансур Кошийни ҳам таъкидлаб ўтиш керак Лекин Кошийнинг шогирди Абдулла ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биржандий алоҳида диққатга сазовордир. У қуйидаги асарларни ёзган: 1. «Кўрагоний жадвалларига шарҳ», яъни Улуғбек жадвалларига батафсил шарҳ. Кўпгина шакллари бўлган ва 929 йилда — ҳижрий (1522) йилда ёзилган деб кўрсатилган ва қўлёзма тарзида жуда яхши сақланган тожик тилидаги бу асар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (№ 704) сақланмоқда, унда муаллифнинг дастхати бор. 2. Қозизоданинг «Чағминий астрономик рисоласи»га ёзган ва юқорида эслатиб ўтилган шарҳларининг изоҳлари; бу асар Европа кутубхоналарида, жумладан, Ленинградда (№ 126,2<sup>о</sup>) мавжуд. 3. Насриддин

Тусий араб тилига таржима қилган «Алмагест»га шарҳ; бу асар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (№ 464) сақланмоқда. 4. Насриддин Тусийнинг устурлоб (астролябия) рисоласига шарҳ. Асар Британия му-



Улугбек (барельеф).

зейида (№ 22752), Истанбулда (№ 3646), Ленинградда (№ 315,2° ва 317,2°) ва Тошкентда — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (№ 1854) сақланмоқда. Биржандий йигирма бобдан иборат бу асарда астролябияни батафсил тасвирлайди, назарий жиҳатдан асослаб беради ва уни астрономиянинг турли масалалари учун қўллаш лозимлиги ҳақида гапирди. 5. Тожик тилида йил ҳисобига оид рисола, бу асар Оксфордда (№ 73,12) сақланмоқда.

6. Тожик тилида астрономияга оид рисола, бу асарнинг бирдан-бир нухаси Оксфордда (№ 73,10) мавжуддир.

Улуғбекнинг юлдузлар каталоги 1665 йилда Оксфордда босиб чиқарилди, сўнгра G. Sharpe томонидан 1767 йилда ва Bailу томонидан 1843 йилда Лондонда кўчириб босилди. Улуғбекнинг астрономик жадвалларига ёзган Муҳаддимаси 1853 йилда Парижда таржима қилинди ва нашр этилди, Улуғбекнинг юлдузлар каталоги тадқиқоти 1917 йилда Америкада нашр этилди. Сўнгра Улуғбек қаламига географик жадваллар ҳам мансуб бўлиб, бу жадваллар Насриддиннинг географик жадваллари билан бирга I. Greaves томонидан 1652 йилда Лондонда нашр этилди.

Юқорида баён қилинган фикрларимиз Улуғбек астрономия мактаби ниҳоятда шуҳрат қозонганлигини кўрсатувчи ёрқин далиллардан биридир.

Юлдузлар каталогини тузиш ниҳоятда қунт билан ишлашни талаб қилади. Бу каталоглар катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, турли даврларда ёритқичларнинг осмон гумбазига тақсимланиши тўғрисида тасаввур берибгина қолмай, балки энг муҳими — осмон жисмларининг ҳаракатини ўрганиш учун ажойиб материал бўлиб ҳам ҳисобланади. Чунончи, гарчи ҳозирги вақтда прецессия ҳодисаси вавилониялик астрономлар томонидан ихтиро қилинган деб тахмин қилишга асос бўлса ҳам, бироқ бу нарса биринчи марта Гиппархнинг каталоги туфайли батафсил исботлаб берилди. Олим ўз каталогини тузarkan, уни Аристилл ва Тимохарис томонидан унғача 150 йил илгари олинган кузатиш натижалари билан таққослаб кўрди. Маълум бўлишича, юлдузларнинг ҳамма географик узунлиги кўпайган, кенглиги эса ўзгармай қолаверган, йил давомидаги баҳорги тенг кунлик нуқтаси эса эклиптика бўйича ғарбга томон 36" сурилган.

Гиппархдан кейин юлдузларнинг пухта каталогини тузган иккинчи астроном Улуғбек бўлди. Унинг каталоги «катта илмий қимматга эгадир, чунки у Самарқанд расадхонасида аниқланган юлдузларнинг вазиятига асослангандир. У аслида ўн олти аср мобайнида икки жиддий каталог ҳисобланади».

Улуғбекнинг юлдузлар каталоги шу жиҳатдан қимматлики, бу каталог бевосита кузатишлар натижасида тузилган. «Бу иш чинакамига оригинал иш, биз шу вақтгача учратган барча асарлар Птоломейдан олинган, ҳеч бўлмаса координаталар ҳақидаги маълумотлар ундан олинган».

Лаплас ҳам тахминан худди шундай фикрни айтади. У Улуғбекни «улуғвор кузатувчи» деб атайди. «У Самарқандда, — дейди Лаплас, — ўз эл-юрти пойтахтида юлдузларнинг янги каталогини ва астрономик жадвалларни туздики,

булар «Тихо Брагегача мавжуд бўлган каталог ва жадваллардан яхшидир».

1446 йилда Бойсунқурнинг ўғли Султон Муҳаммад Фарбий Эронда ўз бобоси Шоҳрухга қарши қўзғолон кўтарди. Қўзғолонни бостириш учун Шоҳрух ўша йилиёқ юриш бошлади. Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф ва Шоҳрухнинг рафиқаси Гавҳаршод қўшинлар билан бирга эди. Бойсунқурнинг иккинчи ўғли Алоуддавла эса Ҳиротда эди. Шоҳрух қийинчиликсиз қўзғолонни бартараф қилди. Орадан кўп ўтмай, 1447 йил 12 мартда кекса Шоҳрух ўзининг қишки қароргоҳида касал бўлиб вафот этди.. Тожу тахт ҳақидаги масала у ҳаёт вақтида ҳали узил-кесил ҳал этилмаган эди.

Гавҳаршод эрининг сиёсий ишларига катта таъсир кўрсатар ва Шоҳрух даврида ҳақиқатан ҳам ҳокимият унинг қўлида эди. Шунинг учун ҳам Шоҳрух ўлиmidан кейин Гавҳаршод илгаридан ўйлаб қўйган режасини амалга оширишга зудлик билан киришди. Гап шундаки, Бойсунқурнинг ўғли Алоуддавла малика Гавҳаршоднинг арзандаси эди. Малика яширин тарзда Шоҳрух ҳукмронлик қилиб турган вақтдаёқ уни тож-тахт эгаси қилишга мўлжаллаб қўйган эди. Шоҳрух эса ўз тахтини Балх ҳокими бўлиб турган ўғли Муҳаммад Жўқиға бериш ниятида эди. Гавҳаршод ўзининг Улуғбекка нисбатан бўлган салбий муносабатини усталик билан яшириб, унинг ўғли Абдуллатифга Шоҳрух қўшинларига бошчилик қилишни ўз қўлига олишни таклиф қилди ва айни вақтда яширин тарзда Ҳиротга Алоуддавла ҳузурига чопар юборди. Абдуллатиф қўшинларга бошчилик қилишни ўз зиммасига олгач, у ҳам ўз навбатида Улуғбек ҳузурига чопар юборди. Уша вақтда Муҳаммад Жўқининг ўғли Мирзо Абубакр Амударёдан кечиб ўтди. У отасининг вафотидан кейин Балхнинг бир қисмига ҳукмронлик қила бошлади. Шоҳрухнинг тирик қолган ўғилларидан бири бўлган Улуғбек ана шу даврда Балхни эгаллади.

Шу вақтда Абдуллатиф қўшинлари орасида саросима бошланди. Бойсунқурнинг ўғли Абулқосим Бобир ва Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Ҳалил Султон Хуросонга қочиб кетишди, шуни ҳам айтиш керакки, Абулқосим Бобир Мозандаронни, Алоуддавла эса Машҳадни эгаллади. Абдуллатиф қўшинларининг қолган қисмида тартиб ўрнатиб ва малика Гавҳаршодни қамоққа олиб ўз қўшини билан шарққа қараб йўл олди ва Нишопургача етиб борди. Бу ерда ўша йилнинг апрелида Алоуддавла қўшинлари тўсатдан Абдуллатифга ҳужум қилди. Абдуллатиф Ҳиротдаги Ихтиёридин қалъасига қамаб қўйилди. Ниҳоят сулҳ тузилди. Бу битимга кўра, Мурғоб ҳавзаси чегара жойи деб ҳисобланди, Абдуллатифнинг ўзи эса отасининг олдиға қўйиб юборилди ва Балх ҳокими қилиб тайинланди.

1448 йил баҳорида Тарнобда Алоуддавла билан Улуғбек ўртасида, катта жанг бўлиб ўтди. Бу жангда Абдуллатиф Улуғбек томонида туриб қаттиқ жанг қилди. Жанг Улуғбекнинг ғалабаси билан тугади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Улуғбек Абдуллатифни Ҳиротда қолдириб, ўзи у ердан жўнаб кетди.

Тарнобда бўлган жангда қўшинларнинг чап қанотига Абдуллатиф, ўнг қанотига эса Улуғбекнинг кичик ўғли Абдулазиз қўмондонлик қилди. Аммо ғалаба ёрлиғи ёлғиз Абдулазиз номидан эълон қилинди. Бу ҳол Абдуллатифнинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Улуғбек душманлари, айниқса, уни ёқтирмайдиган реакцион руҳонийлар бундан фойдаланди. Улар Абдуллатиф билан Улуғбек ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириш учун бутун чораларни кўрди. Улуғбек Абдуллатифнинг Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасида сақланаётган қимматли мол-мулкларини давлат мулки деб эълон қилганида, ота билан ўғил ўртасидаги адоватни янада кучайтириб юборди.

Улуғбекнинг ашаддий душманлари — реакцион руҳонийлар томонидан қўллаб-қувватланган Абдуллатиф қатъий ҳаракат қилишга тайёргарлик кўра бошлади. Абдуллатиф қўшинлари 1449 йил кузида Самарқанд яқинида Улуғбек қўшинига ҳужум қилиб, уни тор-мор келтирди. Улуғбекка қарши кайфиятда бўлган Самарқанд ҳокими бу фурсатдан тезда фойдаланди: У дарвозани ёпиб қўйиб, Улуғбек билан Абдулазизни Самарқанд қалъасига киритмади, Улуғбек ва Абдулазиз шимол томонга, Шоҳрухия қалъасига йўл олишди, лекин қалъа бошлиғи Улуғбекнинг мағлубиятга учраганлигидан хабардор бўлиб, унга бошпана бериш ўрнига, уни қўлга туширишга ва Абдуллатифга топширишга ҳаракат қилди. Ана шунда Улуғбек ўз фарзандининг адашганлигини шахсан тушунтиришга ҳаракат қилиб, у билан музокаралар олиб бориш учун Самарқандга қайтиб келди. Аммо музокаралар бефойда бўлди. Аксинча, Улуғбекнинг душманлари томонидан қўршаб олинган Абдуллатиф жирканч йўлда туриб олди — у отаси Улуғбекни йўқотишга қарор қилди. Улуғбекни ўлдиришнинг хоинона режаси ишлаб чиқилди. Руҳонийларнинг маслаҳати билан Улуғбекка «ўз гуноҳларини ювиш учун» Маккага жўнаб кетиш таклиф этилди. Улуғбекнинг мақсади ва режалари аслида қандай бўлганлиги номаълум, аммо у бу таклифни қабул этишга мажбур бўлди. Айни вақтда Улуғбекдан яширинча унинг устидан ҳукм чиқарилди ва фотиҳа берилди, яъни шариат бўйича уни ўлдиришга қарор қилинди. Бу фотиҳага қози Шамсуддин Муҳаммад Мискиндан ташқари руҳонийларнинг барча вакиллари ўз муҳрини босди. Мискин ғайри қонуний бўлган бу ҳукмга ўз имзосини че-




кишдан бош тортди. Бу ишларнинг ҳаммаси гўё Абдуллатифнинг рухсатисиз қилингандай бўлди.

Кечки пайтда Улуғбек кичик карвон билан Маккага қараб йўл олди. Лекин тез орада орқасидан махсус юборилган чопар йигит томонидан тўхтатилди. У Улуғбекка карвоннинг анжомларини тўлдириш ва собиқ ҳокимга саёҳат қилиш учун муносиброқ шароит яратиб бериш учун уни тўхтатганлигини айтди. Улуғбек ана шу ердаги қишлоқ уйларида бирида қўнишга мажбур бўлди. Бу ерда унинг учун чинакам тузок тайёрланган эди. Орадан кўп ўтмай, бу ерда Аббос деган кимса пайдо бўлди. Гўё унинг отаси бир вақтлар Улуғбекнинг фармониغا асосан қатл этилган эмиш. Улуғбек Аббосни кўриши биланоқ хоинлик борлигини сизди, лекин энди кеч эди. Аббос ва унинг йўлдошлари қўлга тушган Улуғбекнинг қўлоёқларини боғладилар. Улуғбекни ҳовлига олиб чиқиб, дарё бўйида ёниб турган чироқнинг ёнига олиб келганларидан кейин, Аббос қилич билан Улуғбекнинг бошини танасидан жудо қилди. Шундай қилиб, жаҳонга машҳур бўлган олим, ажойиб астроном ва математик, ўша даврдаги расадхона ва астрономия мактабига асос солган буюк инсон 1449 йил 27 октябрда 56 ёшида вахшийларча ўлдирилди.

Улуғбек ўлдирилганидан кейин феодалларнинг низолари, ўзаро урушлари энг юқори нуқтага чиқди. Руҳонийлар ва феодал зодагонлар Абдуллатиф сиймосида ўз ҳомийларини топдилар. Халқ учун янада огир кунлар бошланди, чунки Абдуллатиф мамлакатда зулми авж олдирди, ўз душманларини ўқ ва қилич билан бостирди. Айрим табақалар ўртасида ихтилофлар кучайди. Синфий кураш янада кескинлашди. 1450 йил 8 майда ҳарбий фитна натижасида Абдуллатифнинг ўзи ҳам ўлдирилди. Унинг кесилган боши Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасасининг пештоқиға осиб қўйилди.

Абдуллатиф томонидан яқиндагина қамоққа олинган шаҳзода Мирза Абдулла бўшатилади ва тахтга ўтказилди. Бухоро қамоғида ётган Темурийлардан бири — Абу Саид ҳам Абдуллатифнинг ўлиmidан кейин тез орада руҳонийлар томонидан озод қилиниб, Абдулхайрхон билан биргаликда Абдуллага қарши қўзғолон кўтарди. 1451 йилда Булунғурда бўлган жангда Абдулланинг қўшинлари тор-мор қилинди. Унинг ўзи эса ўлдирилди. Ғолиблар Самарқандга киришди. Абу Саид тож-тахтни эгаллади, Абдулхайр Самарқандни Абу Саидга қолдириб, ўзи чўлга жўнаб кетди.

Абу Саид ўз атрофига руҳонийларнинг энг реакцион унсурларини тўплади. Аввало, у Тошкентдан Самарқандга Хўжа Аҳрорни чақиртириб олди. У Абу Саид ўтказаятган сиёсатнинг идеологи ва ҳақиқий раҳбари бўлди. Реакция авж олди. Масалан, 1455 йилда Абу Саиднинг таклифига биноан, Шайхулислом Бурҳониддин Ҳиротдан Самарқандга қайтариб



Регистондаги тиллақори мадрасаси (XVII аср).

келтирилди. У Абдулланинг ўлганлиги тўғрисидаги хабарни бир вақтлар эшитиб Самарқандни тарк этиб кетган эди.

Абдуллатиф ўлдирилгандан кейин Улугбекнинг жияни Абулқосим Бобир тез орада — 1452 йилда Хуросонни босиб олди. Абулқосим Бобирнинг ўлимидан кейин (1457 йил) Абу Саид бутун Темурийлар давлатининг ҳоқими бўлиб қолди.

1461 йилда Шоҳрухия мамлакатининг ҳоқими Муҳаммад Жўқи Абу Саидга қарши қўзғолон кўтарди, лекин 1463 йил кузда шаҳар узоқ вақт қамал қилинганидан кейин таслим бўлди. Ҳиротнинг Ихтиёриддин қалъасидаги зиндонга ташланган Муҳаммад Жўқи ўша йили ўлди.

1468 йил февраль ойининг охирида Абу Саид Фарбий Эронни босиб олиш учун юриш бошлади ва 1469 йилда туркманларнинг Оққуюнлу сулоласига қарши олиб борилган жангда ҳалок бўлди. Ҳиротдаги тож-тахт Султон Ҳусайн қўлига, Самарқандда эса Абу Саиднинг ўғли Султон Аҳмад қўлига ўтди. Султон Аҳмад узоқ вақт (1469—1494) ҳукмронлик қилсада, аслида ҳоқимият шайх Хўжа Аҳрорнинг қўлида қолаверди.

Шайхулислом Бурхониддин тез орада Самарқандни тарк этиб, Ҳиротдаги мадрасалардан бирида осойишта ҳаёт кечиришга қарор қилди. Хўжа Аҳрор Абу Саиднинг вориси деб ҳисобланган Мирзо Султон Аҳмад билан бирга Самарқандда қолаверди. Султон Аҳмад калтабин ва маишатпараст киши эди. Шунинг учун ҳам Самарқандда ҳукмронлик илгаригидек Хўжа Аҳрорнинг қўлида қолаверди. Бунинг натижасида Самарқандда Улугбек даврида юз берган маданият раванқи аста-секин ислом дини жаҳолатпарастлиги билан ўрин алмашди.

Маданий марказ роли секин-аста Ҳиротга кўчди. Бу ерда адабиёт ва санъат (архитектура, музика, ҳаттотлик, миниатюра) кенг ривожлана бошлади. Самарқандда тахсил кўрган буюк Навоий ва Жомийдек машҳур шоирлардан: Хотифий, Ҳилолий, Биноийлар, «Шарқнинг Рафаэли» деб ном олган ажойиб рассом Беҳзод Ҳиротда яшади ва ижод этди.

## 5. АДАБИЙ ҲАЁТ

Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд адабий ҳаётнинг маркази бўлиб қолди. Бу тасодикий эмас эди, албатта. Бу ерда илгариги вақтларда ҳам адабиёт назарияси бўйича асарлар яратилган эди. Жумладан, Низомий Арузий Самарқандий (XII аср) нинг «Чор мақола» асарининг иккинчи боби поэтиканинг энг муҳим проблемаларига бағишланган эди. Бу анъана XIV—XV асрларда ҳам давом эттирилди.

Самарқандда Ўрта Осиёдаги машҳур филологларнинг асарлари катта шуҳрат қозонган эди: Юсуф Саккокий Хораз-

мийнинг (XIII аср) «Мифтоҳ ал-улум» («Фанлар калити»), Саъдадин Тафтазонийнинг (XIV аср) «Мифтоҳ ал-улум» ва «Мухтасар ал-маоний» асарлари: Саид Шариф Журжонийнинг (XIV аср) поэтикага оид рисолалари ва бошқа кўпгина асарлар маълум ва машҳур эди. Уларнинг ҳаммаси XV асрда Самарқандда адабиётшунослик ва бадий асарларнинг пайдо бўлишига ёрдам бермай қолмади: ажойиб олим Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий (1360—1429) «Шарҳи пурра дар «Мифтоҳ ал-улум» ба Тафтазоний» (Тафтазонийнинг «Мифтоҳ ал-улум» китобига тўла изоҳ) асари ва Улуғбекнинг истеъдодли шогирди — Али Қушчи Самарқандийнинг (1402—1474) «Шарҳи «Мифтоҳ ал-улуми» Тафтазоний» (Тафтазонийнинг «Мифтоҳ ал-улум» китобига изоҳ) асари, шунингдек, Абдулқосим Самарқандийнинг «Рисола ал-истиорот» (метафора ҳақида рисола), «Рисола ал-истиорот ас-Самарқандия» (Метафоралар ҳақида Самарқанд рисоласи) каби асарлар босилиб чиқди.

Ана шу асарларда хоразмлик олим Замахшарий ва Абдулқоҳир Журжонийларнинг адабий асарлари шакл ва мазмунининг бирлиги ҳақидаги фикрлари, шоир услубининг гўзаллиги ва нафосати ҳақида «Алмадхал» ва «Асрор ал-балоға» асарларида баён этилган фикрлари қайд қилинди ва янада ривожлантирилди.

Али Қушчи сингари Абдулқосим Самарқандий ҳам ўз асарларида метафоранинг асл мазмунини ва унинг турлитуман шакллари ёритиб берди, шоир мавлоно Юсуф Андижоний эса муаммо (шарада) каби адабий жанр ҳақида рисола ёзди. Бу асар Алишер Навоий томонидан юксак баҳоланди.

Мазкур даврнинг шоирлари адабий ижоднинг турли назарий проблемалари бўйича яхши билимга эга эди. Бу эса, айниқса, классик поэзиянинг йирик вакиллари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ижодига ижобий таъсир кўрсатди.

Самарқандда Алишер Навоий ўзининг адабиётшунослик соҳасидаги қарашларини ёрқин ва чуқур баён қилиб берди ва поэзия қаламкашларининг бадий асарларини батафсил анализ қилиб берди.

Навоий Шарқнинг буюк шоирлари — Фирдавсий ва Низомийнинг ижодини, уларнинг эпик асарлари «Шаҳнома» ва «Хамса»ни юксак даражада тақдирлади. Алишер Навоийнинг ана шу шоирлар тўғрисида айтган фикрлари унинг «Хасби ҳол» («Таржимаи ҳол») асарида баён қилинган. Бу асарда шу нарса яққол намоён бўладики, Навоий Фазлулло Абуллайсийда (Саид Шариф Журжонийнинг шогирди) — Шарқ поэтикасини чуқур билган машҳур стилистнинг қўлида таълим олиб, фикрнинг ижодий равнақи, поэтик сўзнинг равнақи

учун поэзиянинг эпик имкониятлари нақадар катта эканлигига қаноат ҳосил қилди. Навоий Самарқандда бўлган вақтида «Хамса» яратиш фикри пайдо бўлди, аммо унинг бу нияти ўша асрнинг 80-йилларида Ҳиротда амалга ошди.

Ана шу давр адабиётшунослигида поэтиканинг муҳим проблемалари ишлаб чиқилибгина қолмай, балки адабиёт тарихи ҳам ўрганила бошланди. Самарқандлик Давлатшоҳ ибн Бахтишод (1494/1495 йилларда вафот этган) «Тазкират аш-шуаро» (Шоирлар антологияси)ни тузиб, унда X—XV асрларда яшаган 160 шоир ҳақида маълумот беради. «Тазкира» муқаддима, еттита асосий боб ва хулосадан иборат эди. Антологиянинг кириш қисмида машҳур араб шоирлари номи тилга олинади, етти бобида эса форс-тожик тилида асарлар ёзган (Рудакий, Фирдавсий, Низомий ва бошқалар) шоирларнинг таржимаи ҳоли ва асарларидан намуналар келтиради. Хулосада муаллиф ўзининг буюк замондошлари — Алишер Навоий, Шайхим Сухайлий ва бошқалар тўғрисида гапиради. Антология Шарқдагина эмас, балки ғарбда ҳам кенг тарқалган эди. Ўтган асрда кўпгина Ғарб адабиётшунослари X—XV асрлар адабиёт тарихини ёритиш вақтида 1901 йилда Лейденда нашр этилган Давлатшоҳ асари устида тўхтаб ўтади.

Темур ва Темурийлар даврида асарлар асосан ўзбек ва тожик тилларида яратилган эди. Мавлоно Саккокий, Бисоти Самарқандий, Жавҳарий Хўжа Сўғдий Самарқандий, Мирзабек, Васфий, Риёзий ва бошқа икки тилни пухта билган адабиёт вакиллари ўтган асрларда юксак бадиий адабий асарлар яратган кишиларнинг илғор анъаналарини давом эттирдилар.

Ғазал, рубоий, қитъа, муаммо, маснавий, қасида ва бошқалар адабиётнинг асосий жанрлари эди. Айниқса, Самарқанд адабий муҳитида қасидаларнинг ажойиб намуналари илк бор ўзбек тилида пайдо бўлди. Буларнинг муаллифи мавлоно Саккокий эди. Шоирнинг туғилган йили ва таржимаи ҳолига доир бошқа маълумотлар ҳозирча номаълум. Саккокий унинг адабий таҳаллуси бўлиб, у ҳунарманд — пишқоқчилар оиласидан чиққанлигидан далолат беради.

Саккокийнинг бизгача етиб келган тўла бўлмаган Девонига кўра, шоир ўзбек тилида ажойиб лирик шеърлар (Ғазаллар ва қасидалар) ёзган, чин муҳаббат ва ажойиб юксак инсоний фазилатларни куйлаган. Саккокийнинг ижоди тилнинг соддалиги, услубнинг нафислиги ва мазмуннинг теранлиги билан ажралиб туради. Шоир Мирзо Улуғбек шарафига бағишлаб бир неча қасидалар ёзди.

Салотин дунёда кўп келдию кечди сенингдек бир,  
Фаломнинг гар тили бўлса айтсунким, қачон келди.



Абдурахмон Жомий.

Саккокий бу ўринда ҳақлидир. Кўпгина султонлар ҳукмронлик қилган, ammo уларнинг бирортаси ҳам Улуғбек синга-рин олим сифатида дунёга машҳур бўлмаган эди.

XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида яшаган шоир Бисотий Самарқандий (1412/13 йилларда вафот этган) ўзининг лирик асарларини асосан форс тилида ёзган эди. Унинг бу асарлари девон ҳолида тўпланган. Бисотий Самарқандийнинг ғазаллари ва рубойларида шоирнинг ахлоқий қарашлари тараннум этилган. Бисотийнинг лирикаси ўз даврида машҳур бўлиб, шарқ антологияси авторлари унинг ғазаллари ва рубойларидан парчалар келтиради.

Самарқандлик бошқа шоир — Жавҳарийнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар номаълум. Алишер Навоийнинг «Мажолис ан-нафоис» асарларидаги маълумотларга кўра, у совунгар ҳунармандлар оиласидан чиққан бўлиб, шарқ поэтикасини, айниқса, аруз шеър тузилиш назариясини яхши билган. Жавҳарий лирик асарлар билан бир қаторда, «Сиёрун набий» («Пайғамбарнинг фазилати») поэмасини яратди, бироқ бу асар ҳозирча топилгани йўқ.

Истеъдодли шоир Мирзабек ўз давридаги адабий муҳн-да катта обрўга эга эди. У самарқандлик бўлиб, мадрасада ўқиди ва ажойиб лирик шеърлар ёзди. Бироқ шоирнинг бе-вақт ўлими натижасида унинг асарлари девон ҳолига келтирилмади.

Мирзабекнинг вафоти унинг дўсти Алишер Навоийга қаттиқ таъсир қилди. Алишер Навоий ўз дўстига бўлган садоқатини билдириб, унинг байтларидан бирини давом эттирди ва ўзбек тилида ажойиб ғазал яратди — бу самарқандлик ёш шоирга қўйилган адабий ҳайкалдир.

Самарқанднинг илмий ва адабий ҳаёт маркази сифатидаги шон-шухрати Шарққа кенг тарқалган эди. Шаҳарга машҳур олимларгина эмас, балки турли шоирлар, Бадахшондан (Мўхаммад Бадахший), Қаршидан (Мавлоно Мир Қарший), Андижондан (Мавлоно Юсуф Бадойи Андижоний), Бухородан (Хаёлий, Исмати Бухорий), Тошкентдан (Аълоий Шоший), Шероздан (Санд Қўраза), Ҳиротдан (Абдурахмон Жомий, Шайхим Суҳайлий ва Алишер Навоий) келиб туришарди.

Машҳур шоир Абдурахмон Жомий (1414—1492) Самарқандда уч марта бўлган эди. Илк бор у Самарқандга XV асрнинг йигирманчи йилларида келган ва Улуғбек мадрасасида таълим олган. Бу ерда ажойиб астрономлар Қозизода Румий, Алоуддин Самарқандий ва Улуғбек лекцияларини зўр эътибор билан тинглаган. Улуғбек мадрасасида Самарқандда талаба сифатида ўқиган йиллари Жомийнинг илмий дунёқараши ва адабий ижодининг шаклланиши ҳамда ривожланиши-да чуқур из қолдирди.

Жомий Самарқандга иккинчи марта эллагинчи йилларда олимларнинг таклифига кўра Улуғбек мадрасасига мударис сифатида таклиф этилди. Ана шу мадрасанинг собиқ талабаси бўлган Жомий ўз тингловчиларига фан асосларини зўр муҳаббат билан ўргатди. У самарқандлик шоирлар ва олимлар (Хўжа Хисров, Аълоий Шоший, Фазлулло Абуллайсий, Риёзий Самарқандий, Жавҳарий ва бошқалар) билан яқиндан алоқа боғлади.

Жомий Самарқандга учинчи марта етмишинчи йилларда Хўжа Аҳрорнинг таклифига биноан келди. Бу сафар Жомий Самарқанддагина бўлиб қолмай, балки Хўжа Аҳрор билан биргаликда Жиззах, Ховос, Тошкент ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлди.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳам Самарқанд билан чамбарчас боғлиқдир.

Алишер Навоий Самарқандда ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида 1465—1469 йилларда бўлди. Навоий Самарқандда бўлган вақтида астрономия, география, поэтика, тарих, адабиётшунослик бўйича ўз билимларини янада кенгайтириб борди. Бу борада унинг мадрасада икки йил олган таълими катта роль ўйнади. Бу ерда у ажойиб олим, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ, араб тили, адабиёт ва поэтиканинг катта билимдони бўлган Хўжа Фазлулло Абуллайсий Самарқандийнинг лекцияларини тинглади. Бу олим ўша даврда катта обрўга эга эди. Фазлулло поэтик ижод билан ҳам шуғулланарди, ғазаллар ва мухаммаслар ёзарди. Алишер Навоий Самарқанд адабий ҳаётининг бошқа истеъдодли вакиллари (Хўжа Сўғдий, Харимий Қаландар, Риёзий, Саид Қутуб, Мирзабек, Сафой, Нидоий, Бадахший, Вафой ва бошқалар) билан яқиндан танишди.

Бу шоирлар даврасида бўладиган адабий мушоиралар Навоийни адабий-бадий ижоднинг асл мағзи реал ҳаётдан олиниши керак деган хулосага олиб келади. Навоий турли шоирлар, жумладан, самарқандлик мавлоно Риёзий шеърларини таҳлил этган бу хулоса янада тасдиқланди.

Навоий Самарқандда лирик шеърлар, ғазаллар ва маснавийлар ёзди. Бу шеърлар ғазалхонлар орасида кенг тарқалди. Мазкур асарларда пок инсоний ҳислар, инсонпарварлик, адолатсизлик ва зўравонликка қарши кураш ғоялари тараннум этилди.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги адабий ҳаёт маркази Самарқандда Алишер Навоийнинг бўлиши, унинг бадий маҳоратининг камол топиши, ижоди, адабий-танқидий қарашларининг ўсишида катта роль ўйнади.

Навоий ўзининг эпик ва илмий-танқидий асарларида Самарқанд ва унинг ажойиб жойлари — Улуғбек мадрасаси,





Алишер Навоий.

Кўҳак тепалиги, Зарафшон дарёлари ва бошқаларни катта маҳорат билан тасвирлайди.

Самарқанд Темур ва Темурийлар даврида адабий ҳаёт маркази сифатида ўзбек халқи ва Урта Осиёнинг бошқа халқлари ўртасида муҳим роль ўйнади.

## 6. XIV АСР ОХИРИ ВА XV АСР АРХИТЕКТУРАСИ

Темур зафарли юришларидан сўнг кенгайиб бораётган ўз давлати пойтахтини танлашда иккиланиб қолди. Усиб улгайган ва уруғ-авлоди яшаган Шаҳрисабз ёки унинг сиёсий шўхрати бошланган Самарқанд шаҳарларидан қай бирини пойтахт қилиб олинсин? Темур Шаҳрисабзга ҳар доим меҳр-муҳаббат билан қараган ва бу жой ҳамиша унинг диққат-эътиборида турган бўлса-да, Самарқандни пойтахт шаҳар деб эълон қилди. XIV асрнинг 70-йилларидан бошлаб Самарқандда қурилиш ишлари янада юксак суръатлар билан бошлаб юборилди.

Самарқанднинг шаҳар планлаштиришидаги асосий элементлар «Қалъа» арки, шаҳарнинг мустаҳкамланган территорияси — Ҳисордан иборат эди. Афтидан, ҳисор асосан Самарқандни мўғуллар эгаллаб олгунгача бўлган қадимий деворлар ўрнида тикланган. Ундан сўнг шаҳар атроф маҳаллалари кейин эса қишлоқ жойлари — туманлар чўзилиб кетган эди. Темур томонидан ҳижрий 773 йилда (1371—1372) шаҳарнинг мудофаа деворлари қурила бошлади. Улардан ҳозир асар ҳам қолмаган бўлса-да, XIV аср миниатюраларидан уларнинг ташқи кўриниши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Деворлар баланд бўлиб, атрофи хандақ билан ўралган. Улар асосан ғишт ва пахсадан қурилган, деворлари кунгурадор, ҳар бурчагида буржлари ва нишон туйнуқлар бўлган. Уша вақтда асосий шаҳар дарвозалари қурилишига алоҳида эътибор берилган. Улар олтига бўлган: Шимолда — Оҳанин ва Шайхзода, ғарбда — Чорсу, жанубда — Қоризгоҳ ва Сўзангарон, шарқда — Феруза.

XIV асрга оид «Фатҳнома» номли қўлёзмадаги нодир миниатюраларнинг бирида (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти) Оҳанин дарвозаси тасвирланган. Бунда баланд тоқлари бўлган минорали пештоқ тасвирланган. Қалъанинг деворлари кунгурали қилиб ишланиб, у ер-бу ерида соқчи ва мудофаачи турадиган буржлар ва нишон туйнуқлар бор. Улкан қорамтир дарвозалар чўяндан қуйилган бўлиши керак (Дарвозаи Оҳанин «Темир дарвоза» демакдир). Пештоқнинг ромлари, кунгуралари, арк тоқчалари кўк рангли кошинлар билан безалган. Пештоқ устидаги нақшлар орасида ёзувлар бўлган.

34 га майдонни ўз ичига олган қалъа Новадон ариғидан ғарбга қараб кўтарилиб боради. Ариқ ҳисорни кесиб ўтиб, қалъани ўраб турган хандақларга оққан. Қалъада ҳукумат муассасалари, қурол-яроғ устахоналари, зарбхона, қамоқхона ва иккита сарой — Кўксарой ва Бўстонсарой бор. Кўксаройда Самарқанднинг асосий давлат идоралари жойлашган бўлиб, бу ерда тож-бахт учун, тож-тахт учун курашлар, яширин қотилликлар бўлиб турган. Сарой тўрт ошиёнали бўлиб, у кўк кошнлар билан қоплангани учун ҳам шу номни олган. Қалъа ичидаги ёдгорликлардан фақатгина биттаси — Кўк тош сақланган. Бу тош ҳозир Гўри Амирнинг ҳовлисида турибди. Бу тош йирик параллелипед шаклида бўлиб, ўйма нақшлар туширилган ва ёнларига гулдор чизиқлар тортилган кулранг мраммрдан иборат.

Самарқанд қалъасининг чегарасида 1371—1372 йилларда машҳур шайх Нуриддин Басир ёки Кутби Чаҳордуҳум мақбараси қурилди. Бу ёдгорлик ҳам бизгача етиб келмаган. Рассом В. А. Верещагиннинг расми, қадимий ўлчовлар ва унинг фотографияси бу ёдгорликни тасаввур қилиш имкони беради.

Ҳисорни планлаштириш схемаси қуйидагича: шаҳар дарвозаларидан келиб тахминан Регистон майдонида туташувчи олти асосий магистрал йўл бор. 1404 йилда Темур томонидан бош кўчалардан биринчи тузатиш ва тўғрилаш ишлари амалга оширилган бўлиб, бу афтидан Оҳанин дарвозасидан келган кўча бўлса керак. Бу ишларнинг шоҳиди бўлган Клавихонинг мазкур кўча қурилиши ҳақидаги хотиралари юқорида келтирилган эди.

Самарқанд халқаро савдо ва ҳунармандчилик кенг кўламда ривожланган шаҳар бўлган. Шаҳардаги сон-саноқсиз бозор, дўкон, устахоналар фақатгина асосий кўчаларда эмас, балки иккинчи даражали кўчаларда ҳам жойлашган. Бу ерда юзлаб кичик дўконча ва ўнлаб йирик савдо бинолари — тимлар, кўчалар кесишган такья ва чорсуларда гумбазсимон бинолар қурилган. Узоқ мамлакатлардан бу ерга келувчи савдогарлар учун карвон саройлар, бозор аҳли учун сон-саноқсиз ошхона ва чойхоналар, гўзар мачитлар бунёд этилган. Турар жойларда ичкари ва ташқи ҳовлилар, ҳовуз, дарахтлар, тоқлар бўлган. Булар орасида Самарқанднинг ҳашаматли, гўзал архитектура иншоотлари кўкка бўй чўзган.

Темур даврида бунёд этилган иншоотларнинг жуда оз қисми шу кунгача сақланган, кўпчилиги хароба ҳолида етиб келган.

Уша вақтларда Афросиёб тепалигининг жанубидаги Шоҳизинда ансамбли кенгайди ва қайтадан юзага келади. Қўсам ибн Аббос мазоридан қадимий деворнинг жанубигача

бўлган йўлакнинг юқори қисмида Темур сафдошлари — амирлар ва унинг оиласидаги маликаларга мўлжалланган мақбаралар группаси юзага келади.

Темурнинг опаси Туркан оқа томонидан қурилган Шодимулк оқа (1372 йил вафот этган) мақбараси, Туғлу Текиннинг ўғли Амир Ҳусайн (1376 йил) мақбараси, Темурнинг синглиси Ширинбека оқа мақбараси (1386 йил) ва Амирзода мақбараси (1386 йил) тўрт дахмадан иборат группани ташкил этиб, улар бир-бирига тўғрима-тўғри жойлашган.

Қўсам ибн Аббос мазорига ёндашган группага олиб борувчи бош йўлакнинг ғарбий йўналишида иккита номсиз мақбара (№ 1, № 2) ва Амир Бурундуқ мақбараси бор. Яқин йиллардаги қазишма ишлари натижасида бу мақбаралар қаршисида яна бир дахма жойлашганлиги аниқланди. Булар XIV асрнинг сўнгги чорагига оид ёдгорликлар бўлса керак, деб тахмин қилинмоқда.

1404/5 йилларда Шоҳизинда ёдгорликларининг шимолий группаси қурилиши ниҳоясига етказилади. Бу ишлар Темурнинг сеvimли хотини Туман оқа фаолияти билан боғлиқ. Туман оқа томонидан мақбара, мачит ва ансамблнинг бош қисмига олиб чиқувчи чортоқ қурилади. Унинг мақбарасидан ғарбда яна қандайдир дахмалар жойлашган бўлиб, улардан фақатгина чиройли нақшли пойдевор сақланиб қолган.

Барча мақбаралар бир хонали, киравериши пештоқ ва гумбазли, катталиги жиҳатидан тахминан бир хилдадир. Шу билан бирга улар бир-бирини такрорламайди, уларнинг ҳар бири тузилишида ўзига хос хусусиятлар, янги элементлар бор. Мақбараларнинг қуббалари «П» шаклида бўлиб, ҳар хил усулда қурилган. Уларнинг безалиши ҳам турлича, хилма-хил нақшлардан фойдаланилган.

Шоҳизинда ёдгорлиги фақат меъморлик санъати намунасигина эмас, балки кулолчилик санъати намунаси ҳамдир. Уларда сополдан ишланган пардоз материаллари алоҳида ажралиб туради. Бу ёдгорлик бутун мусулмон шарқида тенгсиз ҳисобланади.

«Ўрта группа»даги Шодимулк, Амир Ҳусайн ва Амирзода мақбараларида сержило ўйма нақшлар ўзининг гўзаллиги билан ажралиб туради. Фақат айрим жойларга рангли кошинлар ишлатилган. Уларнинг нақшлари ҳануз билиниб турибди. Бундай кошинлар мақбаранинг пастки қисмидан то гумбазнинг устигача ёпиштирилган. Мақбараларнинг нимқоронғи интерьерлари ҳам ана шу тарзда ишланган. Мақбаралар нақш рангли ғиштлардан йиғилган майда фигураларни ёки ўсимлик шохларига ўхшаш турли тасвирларни эслатади ёки эпиграфик характерга эга бўлади. «Девоний» ёзуви, баъзан эса «кўфий» шаклидаги геометрик ёзувлар

бояги ўсимликлар тасвирига уйғунлашиб кетади. Бу безакларнинг ҳаммаси XIV аср Ўрта Осиё rassomчилигига хос бўлган нақшлардан иборат бўлиб, уларда Қўсам ибн Аббос (1334 йил), Хўжа Аҳмад ва номсиз мақбаралар (1360 ва 1361 йиллар) да, шунингдек, Шоҳизинданинг юқори группасидаги мақбаралар қурилишидаги Самарқанд-Бухоро меъморчилик мактабининг услублари давом эттирилган. Шодимулк мақбарасининг пештоқида Бадриддин ва Шамсуддин деган усталарнинг номлари (номининг олдида қўшимчаси йўқлиги ҳам уларнинг самарқандлик эканлигини кўрсатиб турибди) ва бухоролик уста Зайниддиннинг номи ёзиб қўйилганлиги ҳам буни исбот этиб турибди.

Номсиз мақбаралар ва Шодимулк ҳамда Бурундуқ даҳмалари орасида номсиз мақбаралар Қашқадарё меъморчилик мактабининг намуналарига стилистик жиҳатдан яқин. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқот ишларида бу мактаб намуналари яққолроқ кўринди. Ана шу мақбараларнинг биридаги устунларда Али Насафий исмли устанинг (қаршилиқ) номи сақланиб қолган. Бу мақбараларнинг безак ранглари хилма-хил. Плиткалар ҳаворанг, яшил, оқ ранглардан ташқари, сариқ, оч кўк, тўқ қизил ва зарҳал ранглар билан безалган. Бу безакларда умумий мотивлар бир-бирига яқин кўринса-да, улар тасвирлар ва ёзув нақшлари, характери жиҳатидан юқоридагилардан фарқ қилади.

Ширинбека оқа ва Туман оқа мақбаралари учинчи группани ташкил қилади. Уларда Эрон меъморчилик санъатининг стилистик белгилари аниқ сезилиб туради. Мақбаралар қурилишида эронлик усталар бевосита иштирок этган бўлишлари ҳам мумкин. Шунингдек, Шоҳизиндага олиб борадиган йўлакка ўрнатилган ажойиб ўйма нақш солиб ишланган эшикка ўймакор Юсуф Шерозий номи ёзиб қўйилганлиги ҳам билвосита ана шундан далолат беради. Туман оқа мақбараларидаги каллиграфик ёзувларни бажарган бошқа бир устанинг номи ҳам сақланиб қолган. Бундан ташқари кошин безаклар усули, унда Исфаҳон ва Табриз қурилишларида қўлланиладиган ўйма мозаикаларнинг кўплиги ҳам Эрон меъморчилиги таъсири борлигини кўрсатади. Нақш элементлари алоҳида-алоҳида ўйилиб, кейин йиғилган бу мозаикаларнинг тайёрланишида уларни бир-бирига жипслаштириш машаққатли жараён бўлиб, устандан аниқ ишлашни талаб қилган.

Ширинбека оқа ва Туман оқа мақбаралари композициясида аввалги оғир ва катта қуббалар ўрнига ихчам ва бежирим қуббалар ишланганлигини кўраманиз. Бу ёдгорликларнинг интерьерлари аввалгилардан кўра ёруғроқ. Чунки уларга гумбаздаги туйнуклардан ёруғ тушиб туради. Безаклар бирмунча очиқ рангда, фақат мақбара пастки қисми кошин-

кор плита билан қопланган (Бу кошнлар шаклдор ёки олти бурчакли бўлиб, уларга зарҳал ёзувлар битилган). Мақбаралар деворларидаги расмлар нақш шаклида туширилган. Шунингдек, унда сюжетли расмлар ҳам тасвирланган. Ширинбека оқа мақбарасида эса (у ердаги расмлар биланар-билинмас) ариқдан оқаётган сув ва шохларга қўнган қушчалар тасвирланган. Туман оқа мачити кошнкор қилиб ишланган. Унда гумбазсимон конструкциялар соҳасидаги янги изланишлар ўз аксини топган. Темур ҳукмронлигининг сўнги йилларида Шоҳизинда мақбарасининг ўрта қисми деярли тугалланган ансамбли ташкил этган.

Шаҳар архитектура ансамбли XV аср Самарқанд меъморчилигида асосий йўналишлардан бири ҳисобланган. Уларнинг композицион узелларини монументал ансамбллар белгилаган ва шаҳардаги энг баланд бинолар шаҳарни безаш усули деб ҳисобланган.

Маликалар, шаҳзодалар, амирлар ўзларининг шон-шўратларини кўз-кўз қилиш учун йирик бинолар — Туман оқа хонақоси, Сароймулк хоним мадрасаси, Бурундуқ амирлари, Шоҳ Малик, Ферузшоҳ мадрасаси, вақифга берилган Туман оқа ерлари ва бошқаларни қуришда мусобақалашганлар. Бу вақтдаги энг йирик иншоотлар Темурнинг амри билан қурилган. Самарқандда иккита йирик архитектура ансамбли обидалари бизнинг кунларгача сақланиб келди. Уларнинг бири шаҳзода Муҳаммад Султон (1374—1403 йиллар) номи билан боғлиқ. Муҳаммад Султон Темурнинг сеvimли набираларидан бўлиб, унга Самарқанд тахтини бериш мўлжалланган. Муҳаммад Султон Ўзбекхон авлодларидан бўлган Жаҳонгир ва Суюн оқаниннг ўғлидир. Дастлабки бу комплекс икки бино — мадраса ва хонақоҳдан иборат бўлган. Улар тўрт айвонли тўртбурчак ҳовли, унинг тўрт бурчагидаги тўртта баланд минора бир-бирига қўшилган.

Бу комплекс XIV асрнинг 90-йилларида — 1387 йилда Исфаҳон босиб олингандан кейин қурилган бўлса керак. Темур Исфаҳон юришидан сўнг ўз пойтахтига жуда кўп бойликлар қатори машҳур усталарни ҳам олиб келган эди.

Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақосига кираверишдаги узун равоққа шу комплексни қурган Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳонийнинг номи ўйиб ёзилган. Бу ердаги миноралар Исфаҳон атрофидаги Бобосўхта мачити минорасини эслатади. Кошнкор безаклар эса XIV асрдаги Исфаҳон ёдгорликлари безакларига ўхшаб кетади.

Муҳаммад Султон мадрасаси келажакда унинг сиёсатда ва ҳарбий ишда сафдоши бўладиган нуфузли оилаларнинг болаларини тарбиялаш учун мўлжалланган. Мадраса ва хонақолардан фақатгина пойдеворнинг айрим қисмлари сақланган. Ана шунга ва XVII аср автори Малехо Самар-

қандийнинг ёзишига кўра, мадраса икки қаватли бўлиб, унда ҳовли, 29 ҳужра ва иккита дарсхона бўлган.

Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиёга юриш вақтида тўсатдан вафот этди. Шаҳзода жасади Султониядаги пайғамбар Ҳайдар мозорига қўйилади ва 1404 йили Самарқандга олиб келиниб, унинг мадрасасидаги вақтинчалик даҳмага дафн этилади. Уша 1404 йили Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақосини бирлаштирувчи ҳовлидаги жанубий айвон олдида Темур буйруғига кўра катта мақбара Гўри Амир қурилди (бу ерда биринчи бўлиб мусулмон динининг кўзга кўринган вакили Мирсаид Барака дафн этилган). Кейинчалик бино Темурийларнинг оилавий даҳмасига айланган, бу ерга Темурнинг ўзи ҳам дафн этилган. Унга Темурнинг ўғиллари — Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳрух, неваралари Муҳаммад Султон ва Улуғбек ҳамда икки кичик ёшдаги чевараларининг жасади қўйилган. Темурийлар авлоди XV асрда «Гўри Амир»га туташ бўлган бинога ҳамда мадрасанинг жануби-ғарбий томонидаги дарсхонага дафн этилган.

Гўри Амир мақбараси архитектураси дастлабки мадраса — хонақо комплексидан умумий тасвирий қурилиши жиҳатидан фарқ қилади. Мадраса — хонақода мутаносиблик ва безакнинг нозиклиги устун туради. Мақбара эса кучли архитектура шаклларининг соддалиги, нақш мотивларининг уйғунлиги билан ажралиб туради. Темур вафотидан сўнг Мирсаид Барака қабридан бир оз пастроқда мармар тошга ўйиб нақш солинган мозорлар пайдо бўлди, уларга Темурийлар авлоди дафн этилди.

Қабрларнинг турган жойи Улуғбек даврида ўймакор мармар панжара билан ўралди. 1424 йили унинг буйруғи билан мақбаранинг шарқ томонида тўрт қуббали галерея қурилди. Бу галереядан мақбарага кириш мумкин: мақбара интэрьерининг асоси ҳаворанг, деворларига эса нақшлар битилган. Гўри Амирнинг жануб томонидаги ва ғарб томонидаги ёшигдан ишланган безаксиз катта пештоқли гумбаз қай вақтда қурилганлиги аниқ эмас. Баъзи тадқиқотчилар улар XVI—XVII асларга оид деб айтсалар, баъзилари Улуғбек томонидан қурилган дейди.

Муҳаммад Султон мадраса—хонақоси ва Гўри Амир комплекси тош йўл орқали шимолроқда азм дарахтларга, ҳовуз ва ёзги мачит ўртасида жойлашган Рўҳобод мақбараси билан боғланган. Рўҳободнинг ҳашаматли биноси XVI асрнинг 80-йилларида шайх Бурҳониддин Соғаржий қабри устига қурилган, бироқ у ўзининг архитектура формасига кўра мўғуллар истилосигача бўлган қурилишнинг эски анъаналарига мос келади. Мақбаранинг архитектура композицияси оддий; агар кираверишдаги терракотадан ишланган безакни ҳисобга олмасак, умуман нақш йўқ. Узоқдан, мақбара билан

бир чизиқда юқорида зикр этилган Қутби Чаҳордуҳум мақбараси кўзга ташланади. Бу ёдгорликнинг архитектура жиҳатидан боғлиқлиги машҳур шайх Нуриддин Басир ва унинг издоши Бурҳониддин Соғаржийнинг ғоявий ҳамфикрлигини қайд қилгандек, Соғаржий Темур даврида Самарқанд диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

XV асрнинг бошларида Самарқандда Оҳанин дарвозаси яқинида яна бир улкан архитектура ансамбли барпо этилди. Бу Темурнинг Жоме мачити эди.

1399 йили Темур томонидан янги мачит қурилиши бошлаб юборилди ва 1404 йили қуриб битказилди. Мачит қурилиши учун 1399 йили Ҳиндистон юришида қўлга тушган бойликлар сарф этилди. Бу ерда моҳир усталар ва меъморлар меҳнат қилди. Мачит Темурнинг ёш, суюкли хотини Бибихоним номи билан машҳур. Бироқ у нотўғри равишда Темурнинг катта хотини Сароймулкхоним номи билан аталади. Чунки ўша кезларда Сароймулкхоним ҳам мачит рўбарўсида улкан мадраса қурдирган эди.

Бу икки улкан бино тўла сақланмаган бўлса-да, бизгача етиб келган харобалар ўзининг улуғворлиги билан кишини ҳайратга солади

Темурнинг Жоме мачити тўртбурчак шаклида бўлиб, бунда тўрт айвонли тўғри бурчакли ҳовли, умумий кириш йўли учта қуббали бино ва 400 та тош устунли тўрт қуббали галереялардан бўлган. Амир Темур масчитни бутун мусулмонлар дунёсида энг катта қилиб, жумладан, уни Деҳлида ҳайратда қолдирган мачитдан катта қилиб қурдиришни мақсад қилиб олган эди. Инженерлик-конструкторлик ечимлари ғоятда мураккаб бўлган бу мачитни меъморлар қурилиш жараёнида бирмунча ўзгартирди. Тўрт метрли пойдевор ва ғишт билан терилган деворлар ернинг чуқиши ёки Самарқандда тез-тез бўлиб турадиган zilzilаларга бардош бериши керак эди. Шундай бўлса-да, техник вазифа қисман бажарилди. Zilzila вақтида баланд қилиб қурилган асосий бинолар бирмунча шикастланди. Мармар устунларга асосланган аркумбазли галереялар системаси zilzilлага умуман бардош бера олмади. Бино қурилган йилиёқ унинг томлари бузилганлигига ўша давр кишилари шоҳид бўлган. Бироқ деворлар, устунлар, архитектура безакларининг қолдиқлари Самарқанддаги мачитнинг дастлабки ҳолатини тасаввур қилиш имконини беради.

Мачитга кираверишдаги пештоқ деворлари кулранг мармар билан безалган. Бино пештоқи ўйма мармар билан қопланган бўлиб, турли ғиштлар билан геометрик ҳамда эпиграфик нақшлар туширилган. Учбурчакли токчаларда тоқлар «П» шаклидаги ромлар ва горизонтал лавҳаларда турли нақшлар, сулс хатидаги ёзувлар бор. Худди шу усулда, би-



роқ бошқа вариантлардаги безаклар бошқа гумбазли биноларда учрайди. Деворларнинг ички юзалари, бурчакли карнизлари, қуббаларнинг ичига ҳал билан нақш қилинган.

Қурувчилар масжиднинг асосий биносига жиддий эътибор берганлар. Ҳовлига қараган пештоқ жуда катта, ҳамма ердан кўриниб турадиган меҳробга ўхшарди. Баланд пештоқли равоқ асоси тепага қараб ингичкалашиб борадиган миноралар билан ўралган эди. Бу бино ҳақида ўша вақтда Шарафуддин Али Яздий шундай ёзган эди: «Унинг гумбазини, агар осмон гумбази бўлмаганда, яккаю ягона бўлур эди, арки ҳам агар Сомон йўли бўлмаганда яккаю ягона бўлиб қолган бўлур эди». Бинонинг декоратив безаклари, нақшлари турли-туманлиги билан кишини ҳайратга солади: ўйма мрамр плиталар, сирланган ғиштлардан терилган нақшли деворлар, терракота, мозаикадан қилинган қадамалар, фризлар, тоқчалар, деворий расмлар, тасвирлар ўзаро бири-бири билан боғланган ҳолда берилган. Бибихоним мачитини яратган усталар ўз мақсадларига эришганлар — ҳақиқатан ҳам у бутун мусулмон дунёсида тенгсиз бўлган.

Мачит қаршисида бунёд этилган Сароймулкхоним мадрасаси хусусида қазिशма ўтказишдан олдин бирон сўз айтиш қийин. Фақатгина шуни айтиш мумкинки, мадрасанинг кирaverиш пештоқи ҳашаматли бўлиб, мачит пештоқидан баланд бўлган. Бу нарса Темурда ғазаб уйғотган ва у пештоқни қайтадан қурдиришга буйруқ берган. Ҳозирда фақат Бибихоним деб номланган мақбара сақланган, унинг ҳам гумбази емирилган. Сароймулкхоним онасига қурилган мақбара маликанинг ва унинг оиласидаги бир қизнинг (қиз жасадиди қолдиқлари ер остидаги сағанадаги тош тобутдан топилган) дахмасига айланди. Мақбара афтидан мадраса таркибига кириб, дарсхоналарнинг бирининг ўрнида жойлашган.

Мақбара мутаносиб шаклга эга бўлиб, унинг асоси мозаика панелларидан ташкил топган, деворларидан эса нозик нақшлар топилган, улар орасида Туман сқа мақбарасидаги каби пейзаж нақшлар учрайди. Албатта, булар бир уста томонидан бажарилган бўлмаса-да, ҳар ҳолда бир мактабдаги усталар томонидан бажарилган.

Темур Жоме мачити, Сароймулкхоним мадрасаси, Оҳанин дарвозасининг улкан, пештоқлари, миноралари, гумбазлари савдо жойларидаги кўп гумбазли тимлар Самарқандга келувчиларни бир умрга мафтун этиб, унинг гўзаллигини кўз-кўз қиларди.

Қалъа ташқарисига эса ҳокимлар ва зодагонлар боғ ва саройлар барпо этишган. Айниқса, Темур боғ-саройлари шуҳрат қозонган. Ёзма манбалар орқали уларнинг

номлари ва қисқача таъриф-тавсифлари бизгача етиб келган.

XIV асрнинг 70-йилларида Чўпонота тепалиги этагида «Боғи нақши жаҳон» барпо этилди, ундан нарида эса «Боғи Баланд» жойлашган эди. Бу боғлардан ғарбга Мироншоҳнинг қизи учун 1397 йилда «Боғи Шамол», ўн икки ёшли Туман оқага «Боғу Биҳишт» боғлари, 1404 йили эса қалъа девори яқинида «Боғи Нав» юзага келтирилди. Жануби-ғарб томонда «Боғи Чинор» жануби-шарқ томонда «Боғи Дилкушо» ва 1397—1399 йилларда бунёд этилган боғ ва саройлар жойлашган эди. Улардан кейин эса «Боғи Бўлди» ва «Боғи Зоғон» бор эди. «Боғи амирзода Шоҳрух» боғининг жойи ҳанузгача аниқланмаган. Боғ 1394 йилда Темурнинг тўртинчи ўғли Амирзоданинг Закавказье юришидан зафар билан қайтиши шарафига бунёд этилган. Шаҳардан жанубда «Бедана қўрук» заповедниги бўлган. Дарғомдан нарида Темурнинг Ҳиндистон юришидан 1399 йилда қайтиб келадиган кун шарафига қурилган «Давлат обод» сарой-боғи жойлашган. Яна жануброқда, Шаҳрисабзга олиб борадиган йўл устида «Боғи жаҳон нумо» деб номланган табиий заповедник бўлган.

Боғлар режа билан қурилган. Режага кўра боғда маркабий хиёбон, баъзида чорбоғли марказий хиёбон бўлган, тартибли равишда манзарали ва мевали дарахтлар ўтказилган, гул кўчатлари, бутазорлар, ариқлар, ҳовуз, фаввора, шалолалар бўлган. Уларда Урта Осиё деҳқончилик маданиятининг минг йиллик тажрибаси мужассамланган эди.

Афсуски, Самарқандни бир вақтлар қоплаб турган ҳашаматли сарой ва боғлар сақланмаган. Археологлар қидирув пайтида уларнинг қолдиқларини топмоқдалар. Сарой ва боғларнинг тузилишини, ташқи кўринишини ўша замон миниатюралари ва воқеалар шоҳиди бўлган кишиларнинг эсдаликлари орқали билиб олиш мумкин. Шарафуддин Али Яздий «Боғи Дилкушо» ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Темур ҳижрий 799 йил (1397)нинг кузида хушманзара Кониғил воҳасида янги боғ барпо этишга буйруқ бердиким, у ўзининг гўзаллиги билан мамлакатдаги барча боғлардан ажралиб турсин. Мунажжимлар боғ қурилишини бошлаш учун бахтли дам келганлигини айтдилар, меъморлар эса хиёбон ва ўтлоқларнинг жойлашиш лойиҳасини чизиб бердилар. Сангтарошлар ўз асбобларини ишга ҳозирладилар, мўйқалам соҳиблари бўлажак саройларнинг хомаки расмларини чиздилар. Самарқандда яшовчи Урта Осиёнинг энг моҳир меъморлари томонлари бир ярим минг газ келадиган боғнинг асосий фиштини қўйдилар.

Қириш йўлларини ажратдилар. Саройнинг гумбазлари нақшлар билан безалди, деворлар устки кошнлар билан

қопланди. Боғнинг тўрт бурчагида катта санъат ва юксак дид билан ишланган ажойиб бўёқлар берилган шийпонлар қурилди. Боғ чорқирра хиёбонларга ва турли хил шаклдаги мўжаз боғчаларга бўлинди. Темир хиёбонларининг йўллари четига мевали дарахтлар, баъзиларига гул ўтқазишни хоҳларди. Боғ унинг (Темурнинг) майлига жавоб бергани учун ҳам «Боғи Дилкушо» деб аталди. Боғнинг ўртасида баланд гумбазли уч ошиёнали сарой қурилди. Кишини мафтун этувчи сарой жуда гўзал ва мустаҳкам қурилган. Мармар устунлар унга чирой бахш этган».

Ҳозирда озгина қисми сақланиб қолган «Давлатобод» тўғрисида Қлавихо мана бундай ёзган:

«31 август (1404 йил) якшанба эрталаб элчиларни бу боққа таклиф этишди. У жой девор билан ўралган... Боғда лимон ва цитрус ўсимликларидан ташқари, турли хил мевали дарахтлар кўп, олтига ҳовуз, бутун боғ бўйлаб ўтадиган ариқ бор. Ҳовуз орасида сояли баланд дарахтлар ўсган; йўлкалар ўртасидан тепага чиқиладиган зиналар қурилган. Бу йўлкалар боғни кесиб ўтган эди. Йўлкалар яна бошқа йўлчаларга улашиб кетади. Бу йўлкалардан бутун боғни кузатиш мумкин. Тупроқни уюб қилинган тепалик ҳам бўлиб, унинг атрофи ёғоч қозىқлар билан ўралган. Унинг ўртасида жуда кўп хонали қаср бўлиб, олтин ва ложувард тошлар, ялтироқ кошинлар билан безалган. Қаср жойлашган тепалик атрофи хандақ бўлиб, сув билан тўлдирилган, бу ерга доимо сув келиб туради. Қаср турган тепаликка ўтиш учун икки томонда кўприк, кўприкнинг нариги томонидан эса эшик бўлиб, тепаликка зинапоялар орқали чиқилади. Боғда подшоҳ буйруғи билан келтирилган кийик ва қирғовуллар бор эди. Боғда катта узумзорга кириш йўли бўлиб, у ҳам лой девор билан ўралган. Узумзор девори бўйлаб баланд дарахтлар бўлиб, улар ҳам жуда чиройли эди.

Ҳофизи Абрў «Темур Самарқандни «ғиштин» шаҳарга айлантирди» деб ёзган эди. Лекин, шаҳар гўзаллиги катта империянинг барча еридан зўрлик билан Самарқандга ишлаш учун кўчириб келинган юзлаб усталар ва меъморларнинг қадоқ қўллари, кўз ёшлари билан юзага келтирилганлигини унутмаслик лозим. Моҳир меъморлар, ғишт терувчилар, ўймакорлик санъати усталарининг ижодий меҳнати Темур пойтахтини жуда кўп муҳташам, гўзал бинолар билан безади. Бу даврнинг муваффақиятлари улкан шаҳар қурилиш вазифалари, мураккаб комплекс биноларни бунёд этиш масалаларини ҳал қилиш, қурилиш вазифаларидан келиб чиқадиган конструктив-техник фикрлар ривожини, архитектура безаш усуллари ривожлантириш ва такомиллаштириш, ниҳоят ўша давр кишилари сезган янги архитектура услубларини вужудга келтиришга таъсир этди.

Бу янги услуб тенденцияси XV асрнинг биринчи ярмида давом эттирилди, Улуғбек даврида эса у ўзининг классик ниҳоясига етказилади.

Улуғбек даврида Самарқандда шаҳарнинг олти асосий йўли кесишган жойда Регистон майдони шаклланди. Бунга-ча майдонни савдо-сотиқ, ҳунармандчилик кварталлари ўраб олган ва фақатгина Туман оқа тими пойтахт шаҳарнинг энг муҳим қисмига ҳусн қўшиб турарди. XV асрнинг 20—40-йилларида майдонни қайтадан планлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу жойлар вақфга топширилгани учун бозор-тимлари кўчирилиб олинди ва бошқа жойга ўрнатилди. Майдоннинг ғарбий қисмида дастлабки бино — Улуғбек мадрасаси (1417—1420) қурилди. XV асрда Регистонда қурилган иншоотлардан биргина Улуғбек мадрасаси бирмунча хароба ҳолида бизгача етиб келган. Улуғбек мадрасаси архитектура жиҳатидан мусулмон шарқида ана шу типдаги биноларнинг классик намунасидир. Мадраса икки қаватли ҳужралардан иборат бўлиб, атрофи дарсхоналар билан ўралган чор қирра айвондан иборат. Айвонлар ёзги аудитория вази-фасини бажарган. Бурчакларда дарсхона жойлашган, ғарбий томонида эса узунчоқ мачит бор. Учга эшик бўлиб, биттаси асосий иккитаси ҳовлига олиб киради. Асосий шарқий фасад майдонга қараган бўлиб, баланд пештоқли. Ён фасадлари силлиқ, йирик геометрик нақшлар бор. Улуғбек мадрасаси нақшларга бой, чиройли архитектура кўринишига эга. Оддий ғишт билан рангли сирланган ғиштларни бирга қўшиб ишлатиш моззика ва ўйма мрамрлар бирлашиб ягона баднийликни ташкил этади. Нақшлардаги юлдузсимон гирихлар ва ёзувлар Улуғбекнинг маърифатпарвар тенденциялари ҳамда астрономия фани билан қизиққанлигининг ифодаси бўлса керак.

1424 йили мадраса рўбарўсида «қўш» услубида Улуғбек хонақоси барпо этилди. Хонақо мадрасанинг бош фасадига қараганда қисқароқ бўлган, чунки хонақонинг жануби-ғарбий қисмида қадимдан зиёратгоҳ бўлиб келган Имом Жаъфар мозори жойлашганди. Мадрасанинг кенг фасади ва ҳашаматли минораси рўбарўсида пештоқ ва катта гумбазли хонақо турган.

Регистон майдонининг шимолий томонида Мирзойининг қарвон саройи жойлашган. Унинг планировкаси Тиллакори мадрасасига ўхшар эди. Қарвон сарой кенг бостирма ва ҳужрали ҳовлидан иборат бўлиб, афтидан бош фасади пештоқли ва бурчаклари миноралар билан ўралган бўлган.

30-йилларда Шоҳрухнинг тарбиячиси, кўзга кўринган арбоб Қўкалдош мўғуллар истилосига қадар бўлган, кейинчалик бузилиб кетган мачит ўрнига янги Жума мачит қурдилади. Мачит тўғрибурчакли (тахминан 90×60 метр) планда

қурилган бўлиб, ғишт ва тош устунларга таянган 210 гумбазли галереяли узун ҳовлидан иборат бўлган. Масжид қолдиқлари 1936 йилда Регистон хиёбонини барпо этиш жараёнида топилди. Унинг яқинида «Масжиди Муқатта» («Ўйиб ишланган») жойлашган. У анча кичик бўлиб, девор ва шилларни ўйиб ишланган ёғочдан қурилган.

Турли хилдаги бино (шунингдек, ҳовуз, дарахт, гулзорлар ҳам шунга киради) ларнинг уйғунлиги, нафислиги, уларнинг маълум композиция ғоясига бўйсунishi Темурийлар даври Самарқандида мусулмон шарқида мисли кўрилмаган марказий архитектура ансамблини шакллантирди.

Биноларни ансамбль услубида қуриш Шоҳизинда ансамблининг барпо этилишида ўз аксини топди. Шоҳизинда ансамбли Улуғбек даврида қуриб битказилди.

Шоҳизинданинг ўрта қисмида оригинал мақбаралар қурилди. Улар гумбазли саккиз қиррали ротонда шаклида бўлиб, ҳар бир бурчаги чуқур ёйсимон тоқлардан иборат. Қачонлардир унинг тепасида ташқи гумбаз бўлган, бироқ бу гумбаз сақланмаган. Безаги оддий, ammo нафис — ташқи томони ғиштин ва кесма кошинлар қопланган, ички томонида эса яшилранг расмлар туширилган. Бироқ асосий қурилиш ўртадаги чортоқдан жануб томонда олиб борилади. 1434 йили Улуғбек ўзининг кичик ўғли Абдулазиз номидан чортоқли пештоқ қурилади ва унга бирлаштириб масжид бино этилади. Кейинчалик бу ерда (Афросиёб тепалиги ёнбағирида) қадимги шаҳар девори ўрнида буюк астроном Қозизода Румий мақбараси қурилади (1437 йил).

Самарқанднинг нуфузли зодагон оилалари ва шоҳ авлоди мақбаралари орасида келиб чиқиши жиҳатидан аслзода бўлмаган, бироқ буюк олимга дахма қурдириш учун дадиллик ва жасорат керак эди, албатта, Қозизода Румий мақбараси архитектура жиҳатидан Шоҳизинда ансамблидаги энг ажойиб мақбарадир. Бу фақат битта пештоқли ва гумбазга эга бўлган мақбара эмас, композицион тузилиши жиҳатидан анча мураккаб бинодир. Мақбара пештоқдан бошланади. Кейин улкан гумбазли зиёратхона. Унинг ички томони нақшлар билан безатилган. Абдулазиз пештоқидан ўрта чортоққа олиб борадиган янги бинолар ва баланд зиналар Шоҳизинда ансамблига тугал гўзаллик бахш этди. Ансамбль ҳозирга қадар шу аҳволда сақланган.

Улуғбек давридаги бошқа унчалик катта бўлмаган қабристонларни яшил боғ-роғларга айлантириш услуби одат бўлган. Самарқанднинг Сўзангарон қисмидаги мозорга жойлашган Хўжа Абду Дорун мақбараси ва XV асрда қурилган хонақо пештоқи сояси юз йиллик чинорлар билан ўралган қадимий ҳовузга тушиб туради.

Граждан архитектураси қурилишлари орасида Улуғбек томонидан қурилган «Мирзо Ҳаммоми» тилга олинади. Ҳаммомнинг ичи кошинкор тошлар билан безатилган. «Боғи майдон»да «Чил сутун» («Қирқ устун») саройи барпо этилган. Бу сарой икки қаватли бўлиб, унинг бурчакларида минорачалар бўлган. Саройда тош устунли айвонлар бўлиб, бу устунларга ўйиб нақш солинган. Уларнинг қолдиқлари 1941 йилда ўтказилган археологик қидирувлар вақтида топилди. Қазув вақтида боғ шийпонларининг майдонлари ўрни, шийпонлардан бирининг панель қисми топилди. Улуғбек «Боғи майдон» яқинида алоҳида «боғча» ажратди. Бу ер кейинчалик «Чинни хона» деб ном олди. Дарҳақиқат, бу ерда Хитойдан жуда юқори баҳоларда сотиб олиб келтириладиган чиннилар билан бирга самарқандлик маҳаллий усталарнинг силикатдан ясаган кошинлари топилган. Бу буюмлар бир оз мўртроқ бўлса ҳам шаклан хитой чиннисидан қолишмаган.

Улуғбек томонидан 1428—1429 йилларда бунёд қилинган расадхона энг нодир иншоотлардан бўлиб, унинг архитектура ечими фақат асторномия мақсадларига хизмат қилишга қаратилган Расадхона, аввало улкан асбобдир. У уч ошиёнали бўлиб айлана шаклдадир (диаметри 48 м). Ташқи деворлар, равоқлар ва устунлар кошинлар билан безалган, ичида эса Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишича, «тўққиз қават осмоннинг мислсиз сурат ва шакллари, ҳаракатланувчи етти ёритқичнинг градусларга, минутларга, секундларга ва секунднинг ўндан бир улушига бўлинган доиралари шакли, ҳаракатсиз юлдузлар, шунингдек, етти иқлим, тоғлар, дарёлар, саҳроларни ўз ичига олган ер кураси тасвири туширилган».

Улуғбек ўлдирилгандан сўнг расадхона хароба ҳолга келди, унинг асбоблари бузиб ташланди. Олимлар Самарқандни тарк этди. Фан уйининг харобага айлантирилиши XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда авж олаётган диний реакциянинг яққол далилидир.

Шу даврда барпо этилган ҳашаматли бинолар қаторида тахминан 1456 йилда қурилган икки қаватли мадраса тилга олинади. Бу мадраса Хўжа Аҳрор маблағи ҳисобига Сўзангарон кўчасининг охирида Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек томонида қурилган, Аҳмад Ҳожибек Алишер Навоийнинг ҳомийси бўлган. Шу вақтда Навоий маърифатпарвар шайх Абуллайсийдан таълим олиб, шаҳарнинг шарқий қисмида жойлашган унинг хонақосида яшарди. Бир қатор янги иншоотлар қурилиши Темурийлар фаолиятига боғланади. Улардан иккитаси — Ишратхона (1464 йил) ва Оқсарой (XV асрнинг 70-йиллари) мақбаралари хароба ҳолда сақланиб қолган. Бу икки мақбара катта қимматга эга бўлиб, Урта

Осиё меъморчилигида янги тенденцияларнинг ривожланишини яққол кўрсатиб туради.

Ишратхона (халқ таъбири бўйича «Шодлик уйи») Самарқандда яшаган Темурийлар хонадонига мансуб аёллар ва болаларнинг мақбараси бўлган. У Абу Саид султоннинг рафиқаси Ҳабиба Султон бегим томонидан қурдирилган. Бу ерга биринчи бўлиб уларнинг қизи Султон Ҳавандбека дафн этилган, лекин кейинчалик мақбаранинг саккиз қиррали соғонаси қабрларга тўлган. Бино боғда жойлашган. Боғ мураккаб план асосида қурилган бўлиб, маркази зиёратхона, миёнсарой, жаноза ўқиладиган мачит ва бу ерда хизмат қилувчи шахслар ва келувчилар учун икки қаватда жойлашган ҳужраларни ўз ичига олган.

Планнинг уч ўқли қилиб тузилганлиги Ишратхона фасадини архитектура жиҳатидан ишлашда ва унинг ҳажм тузилишида намоён бўлади. Баландлиги жиҳатидан ён қанотлардан пастроқ бўлган тик пештоқ ва унинг ёнидаги иккита пеш айвон, марказий гумбаз бинога ажойиб кўриниш бериб турибди. Мақбаранинг интерьерларида янги гумбазсимон иншоотлар ишланган. Бундай конструкциялар XV асрнинг 30—40-йилларида Ҳирот ва Самарқанд архитектурасида яратилган. Бироқ у Ишратхона ва Оқсарой биноларидагина узил-кесил ўз ифодасини топган.

Конструкциян новаторлик архитектура композицияларини ҳам янгилаш имконини яратди. Бу жиҳатдан интерьерлар қурилиши диққатга сазовордир. Унда баланд панеллардан қурилган девор устига моҳирона эгилган елкансимон гумбаз қўндирилган. Бу гумбазлар ҳавода муаллақ тургандек кўринади.

Янги конструктив ечимлар билан бир қаторда янги декоратив усуллар ҳам бунёдга келади. Бу бинолар Темур ва Улуғбек давридаги қурилишларидан ўзининг оддийлиги билан ажралиб туради: ғиштлар қизил рангга бўлиб анча силлиқланган. Бу кошинларнинг бўёқлари жуда аниқ ва нақшлар ўз гўзаллиги билан заргарлик буюмларига ўхшаб кетади. Интерьерларни пардозлашда безакнинг «кундал» усули қўлланилади. Бу безаклар бўртма нақшлар бўлиб, ҳал устига ёки оқ рангга ҳал билан, ё бўлмаса зангори девор устига бошқа бўёқ билан ишланган. Нақшлар асосан ўсимликлар шаклидан, баъзан эса эпиграфик ёзувлардан иборат. Бу архитектура безаклари Бухоро зарбоф матоларига ўхшагани учун ҳам уни «кундал» дейишгани бежиз эмас.

XV асрнинг ўрталарига келиб Гўри Амир янги мақбара сифатида қабрларга тўлиб кетади ва самарқандлик Темурийлар қабрлари (эркаклар) учун Оқсарой қурилади. Оқсарой кенг зиёратхона, узунчоқ миён сарой бурчаклардаги

ҳужралар, мрамр плиталар билан қопланган дахмалардан иборат. Бино ташқи томондан декоратив жиҳатдан тўла ишланмаган. Бироқ зиёратхона зарҳал нақшлар билан тўлиб кетган. Деворларнинг пастки қисми жуда нозик нақшлар солинган кошинлар билан қопланган.

Самарқандда маданий ҳаёт тушкунликка учраган вақтларда, яъни XV асрнинг иккинчи яримларида ҳашаматли қурилишлар анчагина чекланди. Бироқ шу даврдаги архитектура ғояларининг юксалиши ижодий тафаккурнинг янада ривожланишига сабаб бўлди ҳамда XVI асрда Бухоро архитектура мактабининг гуллаб-яшнашига замин яратди.



## XVI аср — XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА САМАРҚАНД

### 1. ШАЙБОНИЙЛАР САМАРҚАНДА

XV асрнинг охирида кўп сонли Темурий султонлари ўртасида Самарқанд тахтини эгаллаш учун шиддатли кураш кетди. Бир неча йил чўзилган бу кураш мамлакатнинг иқтисодий аҳволига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Пойтахт шаҳардан айрилиб қолишдан хавфсираган Самарқанд ҳокими Султон Бойсунқур мирзо мадад сўраб Муҳаммад Шайбонийхонга мурожаат қилди. Сирдарё бўйидаги шаҳарлар бу даврда Шайбонийхонга қарар эди. Темурийлар давлатининг ички ишларига бажону дил аралашиб турадиган кўчманчи ўзбек қабилаларининг сардори Байсунқур мирзонинг илтимосига бу сафар ҳам дарров розилик билдирди. Бироқ Бойсунқур мирзонинг Самарқандни қамал қилиб турган укаси — Бухоро ҳокими Султон Али мирзо ва Фарғона ҳокими ёш Заҳириддин Муҳаммад Бобир Шайбонийхон келганидан кейин ҳам Самарқандни босиб олиш ниятидан қайтмай ва теварак-атрофдаги қалъаларда қишлаб қоладиган бўлди. Бундай вазиятда душман билан олишув яхши натижа бермаслигини билган Шайбонийхон Туркистонга қайтиб кетди. Шу важдан Бойсунқур мирзо ҳам етти ойлик қамал туфайли хароб бўлган шаҳарни ташлаб кетди.

Андижон беklarининг бошлиғи Заҳириддин Бобир 1497 йилнинг охирида Самарқандни ишғол қилди. Мирзо Бобир самарқандликларнинг ўша кезлардаги оғир аҳволини таъкидлаб, ўз хотираларида бундай деб ёзган эди: «Самарқандни олгонда Самарқанд андоқ хароб эдиким, мадад ва тухм ва тақовиға эҳтиёж бор эди. . . Мунча талон ва торож тортгон вилоятлардин нима олмоқ худ нечук муяссар бўлғай». Самарқандликларнинг иқтисодий аҳволи ночор эди, бундай ҳолда бирор бойлик орттириш у ёқда турсин, ҳатто, навкарларни боқиш ҳам амри маҳол эди. Буни кўрган андижонлик кўпгина беklar ўз сардорлари Заҳириддин Бобирни ташлаб кетишди. Заҳириддин Бобирнинг таъбирича, андижонликлар «уй-

ларини соғина бошладилар» ва ўз ер-мулкларига қайтишга шошилдилар. Давлатнинг номигагина пойтахти ҳисобланган Самарқандда юз кун тургандан сўнг ёш Темурий шаҳарни ташлаб кетди. Ундан кейин шаҳарни Султон Али мирзо эгаллади. Муस्ताқил иш тутмай, гоҳ тархон амирлари, гоҳ уламолар ҳомийси Убайдулла Хўжа Аҳрорнинг ўғли Хўжа Муҳаммад Яҳё қўлида қўғирчоқ бўлиб қолди.

Темурий ҳукмдорлари ўртасидаги зиддиятлар ўзбек хони Шайбонийни яна Самарқанд ёнига олиб келди. Бу сафар у шаҳарни фатҳ этишга пухта ҳозирланди. Истеҳкомли Самарқандни бир зарб билан олиб бўлмаслигини билган Шайбонийхон Султон Али мирзони ўз томонига оғдиришга жазм этди, чунки Султон Али мирзонинг Хўжа Яҳёга унчалик эътиқоди йўқ эди. Шоир ва тарихчи Камолиддин Биноининг ёзишича Султон Али мирзо Хўжа Муҳаммад Яҳё Самарқандни Бобир мирзога бермоқчи деган хулосага келди. Шу сабабдан у Шайбонийхонга давлат пойтахтини топшириб, унинг ҳукмронлигини тан олмоқчи ва Муҳаммад Яҳёга панд бермоқчи бўлди. Ҳокимларнинг бебошлигидан, юртдаги тартибсизликлардан тинкаси қуриган, узоқ давом этган урушлардан хонавайрон бўлган шаҳар фуқароси Шайбонийхонга қарши курашда Темурий ҳукмдорларни қўллаб-қувватламади. Феодаллар ўртасидаги тинимсиз низо-жанжаллардан азият чеккан ва ўз синфининг кучли табақалари дастидан сиқилган бадавлат шаҳарликлар эса қўли баландроқ ҳукмдорга тобе бўлишни афзал кўрди. Шундай қилиб, кўчманчи қабилаларнинг сардори Муҳаммад Шайбоний давлатнинг расман пойтахти бўлган Самарқандни 1500 йилда деярли урушсиз босиб олди.

Шайбонийхон Самарқанд ҳокими бўлгач, Темурийлар саройи одамларини, шунингдек, тож-тахт даъво қилаётган султонларни қиличдан ўтказди, хазинани мусодара қилинган мол-мулк билан тўлдирди. Айни вақтда, шоир Мулло Шодининг эътирофи этишича, янги ҳукмдор шаҳарни хонавайрон этмасликка интилди, чунки шундай қилмаса, «уни ўзинга пойтахт эта олмас эди». Сўнги Темурийлар давлатидан анча кучли бўлган олий ҳокимиятнинг Шайбонийхон қўлида тўпланиши Самарқанднинг экономикасига ижобий таъсир қилди ва аҳолини феодаллар низо-жанжалларидан ҳамда бек ва амалдорларнинг ўзбошимчалигидан бирмунча халос этди. Бироқ Шайбонийхон феодаллар синфининг манфаатларини қаттиқ ёқлади, шаҳар ва қишлоқ камбағал табақаларининг давлатмандларга кўз олайтиришларини даф қилиб турди. Машҳур «Ҳабиб ас-сияр» асарининг муаллифи — тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Шайбонийхон Самарқандни забт этгач, шаҳар бошлиғи Жонвафобийга шаҳар дарвозаларини маҳкамлаш ва қўриқлаб туришни, «хужжа-

ти» бўлмаган бирон-бир кимсани шаҳарга йўлатмасликни буюрган.

Тез орада, 1500 йил охирида Заҳриддин Бобир омон қолган Темурий мирзолари кўмагида яна Самарқандни босиб олди.

Шайбонийхон лашкарлари 1501 йил баҳорида Зарафшон дарёси соҳилидаги Сарипул яқинида Мирзо Бобир лашкарини тор-мор келтирди. Шундан кейин ҳам Мирзо Бобир Самарқандни анча вақт қўлида сақлаб турди.

Муҳаммад Шайбонийнинг лашкарлари шаҳарни тўрт ой қамал қилди. Бу сафар шаҳарни мудофаа этишда Самарқанд аҳлининг кенг табақаси қатнашди. Бунинг боиси шундаки, улар Шайбонийхоннинг Самарқандни биринчи дафъа босиб олишдан рўшнолик кўрмаган эдилар.

Қамал қилинган Самарқандда озиқ-овқат танқислиги тобора зўрайди, кейин қаттиқ очарчилик бошланди; ит ва эшак гўштини ҳам еябошладилар. Уша воқеанинг шоҳиди бўлган шоир Мулло Шодининг муболағали қилиб баён этишича, одамлар туя изларини нон деб ўйлашар, ёнига югуриб келишар ва шу ердаёқ жон беришарди. Улар супрани ҳам чайнар, дуо ўқиш ўрнига «нон, нон» деб пичирлар эдилар. Қамалдагиларнинг кўплари очликдан шиша бошлади. Бундан фойдаланган савдогарлар ғалла нархини жуда ошириб юборишди. Самарқанд меҳнат аҳлининг сабр косаси тўлиб-тошди. Узаро урушлар, талончилик ва шафқатсиз зулмга қарши халқ оёққа турди. Мулло Шодининг ёзишича, «одамлар нон тортиб олишга шайланардилар... Ҳар ким ўзини дўконга отарди. Уларни ширага кўнган пашшалардек ҳайдашарди». Шаҳар ҳокимлари мулкдорларни қўриқлагали ясовулар қўйишди. Улар исёнчиларни калтаклашди.

Бироқ кўрилган чоралар кўзғолончиларни тийиб қўйиш учун етарли бўлмади. Шунда шаҳар ҳокимлари барча фақир-гадонинг шаҳардан бадарга қилинишини айтишди. Самарқанд ҳимояси фақат бадавлат кишилар зиммасига юкланди. Уша воқеаларнинг шоҳиди бўлмиш шоир Муҳаммад Солиҳнинг таърифлашича, камбағал боёқишлар бир-бирининг этагини тутиб, шаҳардан чиқиб кетишар, бамисоли қамоқда ётган кишидай юзлари заъфарон, қоқ-қуруқ чўпни эслатарди. «Уларнинг юришига ҳам, қаддиларини ростлашга ҳам мадорлари етмасди». Самарқанддан қувилганлар Заҳриддин Бобирнинг сиёсий мухофилдан бекорга марҳамат кутишди: ўзларини қамал қилинганлар қароргоҳига олиб боргани доруға тайинлашни сўраб Шайбонийхон ҳузурига йўллланган киши босқинчилардан шафқат кўрмади. Одатда Темурийлар қароргоҳидан қочиб келганларни бажону дил қарши оладиган, элнинг бадавлат ва ўрта ҳол табақасини ўз

томонига тортишга интиладиган Шайбонийхон Самарқанддаги очлик исёнида қатнашганларни паноҳига олмади.

Қамбағалларнинг ҳайдалиши ва шаҳардаги қўзғолоннинг бостирилиши Мирзо Бобирнинг мавқеини мустаҳкамламади. У ўз аҳволининг танглигини кўриб, 1501 йилнинг иккинчи ярмида бир кечада Самарқандни ташлаб чиқди ва чоққина отряди билан Тошкентга, мўғул хони Маҳмуд ҳузурига йўл олди, Шайбонийхон эса, энди иккинчи марта, бу гал ҳеч монеликсиз Самарқандни эгаллади.

Шайбонийхон Самарқанд тахтига ўтиргач, давлат ишларини тартибга солиш ва мамлакат экономикасини тиклаш борасида бирмунча тадбирлар кўрди. Пулни ислоҳ қилиш кўприк, йўл ва работлар қуриш ҳамда тузатиш, суғориш масалаларини ҳал этиш, Самарқанд вилояти деҳқонлари хўжалигини тиклашга уриниш ва бошқа шу каби ишлар Самарқандда савдо ва ҳунармандчиликни йўлга қўйишга, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва мамлакат хўжалигини кўтаришга ёрдам берди.

Шайбонийхон Марв яқинида ҳалок бўлгандан кейин Самарқанддаги нисбий иқтисодий ва сиёсий кўтарилиш йиллари энди феодал урушлари, ўзбек султонларининг тож-тахт талашлари билан алмашди. Уша вақтда Қобулни эгаллаб турган Заҳириддин Бобир султонлар ўртасидаги нифоқдан фойдаланиб, Эрон шоҳи Исмоилнинг катта мадади билан яна Самарқанд билан Бухорони босиб олди. Унинг амри билан Самарқанддаги Жоме масжидда шиа имомларининг номи хутбага қўшиб ўқитилди. Бобирнинг кўпгина бошқа ҳаракатлари сингари бу иш ҳам шаҳар аҳлига ёқмади, шу сабабли уни қўллаб-қувватламади. Самарқандда саккиз ой турган Заҳириддин Бобир Ҳисорга қочишга мажбур бўлди, орадан бирмунча вақт ўтиб, Эрон лашкарлари Ғиждувон яқинида мағлубиятга учрагандан кейин, Ҳисорни ҳам қолдирди ва Мовароуннаҳрни умрбод тарк этди.

Убайдулло Султон (Шайбонийхон жияни) нинг яқинларидан бири бўлган Хўжа Низом бошчилигидаги самарқандликлар Убайдулло Султоннинг Самарқандга келишини сўратиб, унинг қошига «Султонлар султонининг вазири» Хўжа Султон Иброҳимни юборди. Убайдулло дарров шаҳарни эгаллади: у хон мартабасини қабул қилди ва ўз номини хутбага қўшиб ўқитди. Бироқ тез орада унинг розилиги билан Кўчим султонни олий ҳоким қилиб кўтардилар, лекин ҳокимият расман Убайдуллонинг қўлида қолаверди. Кейинчалик, 1533—1539 йилларда Убайдулло бутун давлатнинг ҳукмрони бўлди. Шу йўсинда 1512 йили Самарқанд яна Шайбонийлар қўлига ўтди. Зайниддин Восифийнинг «Бадое ал-вақои» асарида феодалларнинг адолатлари ва тахт учун сулолалар ўртасидаги кураш авж олиб кетган оғир кунларда кўпгина са-

марқандликлар очлик ва муҳтожликдан қирилиб кетганлиги акс эттирилган.

Темурийлар ўрнини эгаллаган ва Муҳаммад Шайбоний аждоди номи билан тарихга кирган янги сулола Шайбоний-хон тахтга ўтиргандан бошлаб XVI асрнинг охиригача қисқа мuddатли танафуслар билан мамлакатни бошқарди.

XVI асрнинг дастлабки йигирма йили мобайнида Самарқанд Шайбонийлар давлати иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг маркази бўлиб қолаверди. Шундан кейинги ўн йилликларда Самарқанд билан бир қаторда. Бухоро, Тошкент ва Балх ҳам пойтахт шаҳар бўлишга даъвогарлик қилиб турди. Айни вақтда Самарқанд ўзбек давлатининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим мавқеини давом эттирди, қизгин ички ва ташқи савдонинг маркази бўлди. Бироқ султонларнинг айрим гуруҳлари ўртасида тож-тахт учун олиб борилган шиддатли кураш мамлакатнинг хўжалик ҳаётини издан чиқарди, шаҳарнинг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилди.

Самарқанд бой шаҳар сифатида султонларни жазм этарди. Мовароуннаҳрнинг олий ҳоқими сифатида Самарқандни бошқариш аксари султонларнинг мақсади эди. Айни вақтда Самарқанд ҳукмдорларининг ўзлари ҳам қўшни шаҳар ва вилоятлар аҳли ҳисобига бойимоқчи бўлишарди. Чунончи, 1540—1551 йилларда Самарқандга ҳукмронлик қилган Абдуллатифхон Тошкент хоқони Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) билан биргаликда Карманага ҳужум қилди; лекин маҳаллий ҳоқим, бўлғуси қудратли хон Абдулло султон бу ҳужумни шижоат билан даф этди. Абдуллатифхон ўлганидан кейин Наврўз Аҳмадхон Самарқандга қўшни тортди. У фақат кейинги юришдагина шаҳарни забт эта олди, сўнг-ра Шаҳрисабзни ўзига бўйсундирди. Унинг Бухоро устига қилган юришлари (гарчанд у шаҳарни бир оз эгаллаб турган бўлса-да) кутилган натижани бермади. Шу ваддан у Саид Бурхонхон билан иттифоқ тузиб қўя қолди. Шуниси қизиқчи, ўша даврдаги Самарқанд ҳоқими ҳам, Бухоро ҳоқими ҳам тарихий асарларда хон деб аталган.

Самарқанднинг айрим ҳоқимлари феодал жамиятидаги муайян доираларнинг иқтисодий мавқеини кучайтириш йўли билан ўз ҳоқимиятларини мустақамламоқчи бўлдилар. Чунончи, Самарқандни беш йилча идора қилган ва Мовароуннаҳрнинг олий ҳоқими ҳисобланган Наврўз Аҳмадхон Самарқанднинг хўжалик ҳаётини тартибга солиш юзасидан баъзи бир тадбирларни кўрди, жумладан, шаҳар атрофидаги ерларни суғориш ишларини амалга оширди. Аҳоли асосий қисмининг аҳволи эса, бари бир ниҳоятда оғирлигича қолаверди.

Наврӯз Аҳмадхон ўлгач (1556 йил), Самарқанд унинг ўғли Бобо Султон қўлига ўтди. Абдуллатифхоннинг ўғли — Гадоёхон Аҳси ва Андижоннинг ҳокими бўлган акаси Жу-вонмард Али билан биргаликда Самарқандни босиб олишга азм қилиб, Абдулло султондан мадад сўради. Шуҳратпараст ва уддабурро Абдулло султон сулола жанжалларига ара-лашиб, хон тахти учун курашнинг аввал бошида Самар-қанднинг собиқ ҳукмдори ўғиллари билан иттифоқ тузди. Бу ўғиллар Бобо Султон йўқлигидан фойдаланиб, Абдулло султоннинг кўмаги билан 1557 йили Самарқандни ишғол қилди.

Султонлар Самарқандни эгаллаш учун ўша йиллар ва ундан кейинги йилларда қаттиқ кураш олиб борди. Ҳунар-мандлар, аҳолининг ўрта ҳол ва камбағал табақалари ша-ҳарни феодал лашкарларининг ҳужумларидан ҳимоя қилиш-да фаол қатнашдилар. Абдуллахон II нинг тарихчиси Ҳо-физ Таниш ана шу шахсни кўкларга кўтариб мақташ учун атайлаб ёзган «Абдуллонома» асариде эътироф этганидек, Абдуллахон II Самарқандни қамал қилганда, «қалъа одам-лари» гарчи «натижасиз» бўлса-да, аммо мардонавор қар-шилиқ кўрсатганлар.

1576 йилда Самарқандни Абдуллахон II босиб олди. У ҳукмронлик қила бошлаши билан Шайбонийлар давлати-нинг пойтахти узил-кесил Бухорога ўтди. Абдулло ҳукмрон-лиги даврида Самарқандда нисбатан осойишталик ўрнатил-ди. У 1580 йилда Самарқандга ташриф буюрганида, Ҳофиз Танишнинг таъбирича, шаҳарнинг қулаёзган барча иморат-ларини созлашни буюрган. Бироқ тўхтовсиз давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бутун мамлакатнинг, шу жумладан, Самарқанднинг ҳам иқтисодий аҳволига оғир таъсир кўрса-тади.

Абдуллахон ҳукмронлигининг сўнги йиллари ташқи сиё-сат соҳасидаги муваффақиятсизликлар билан характерла-нади. Қозоқ қабилаларини қисқа вақт бирлаштира олган қо-зоқ хони Таваккал Тошкентни босиб олади ва 1599 йилда Са-марқандни эгаллашга уринади. Ўзбек қўшинлари мағлубият-га учрайди. Қариб қолаётган Абдуллахон II нинг ўзи қо-зоқ султонлари лашкарларига қарши отланади, лекин мақ-садига ета олмай, Самарқандда вафот этади. Феодал лаш-карларининг ҳарбий ҳаракати ва олий ҳукмдорнинг алмаши-нуви шаҳарнинг иқтисодий ҳаётини яна бузди, Самарқанд меҳнат аҳлининг турмушини янада оғирлаштирди.

Абдуллахон II нинг ўғли Абдулмўмин ҳалок бўлиши би-лан Шайбонийлар ҳукмронлиги тамом бўлди ва XVII аср бошларида Мовароуннаҳр тупроғида ҳокимият Аштархоний-лар сулоласига ўтди.

## 2. XVII—XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА САМАРҚАНДНИНГ СИЕСИЙ ТАРИХИ

Аштархонийлар сулоласининг биринчи қудратли хони аслида Боқи Муҳаммад (1599—1605) бўлди. Унинг ўлимидан кейин укаси Вали Муҳаммад бир оз (1605—1611) ҳукмронлик қилган даврда уларнинг жияни Имомқулихон (1611—1642) тож-тахтни эгаллаб олди. Вали Муҳаммад Эронга қочди ва у ердан шоҳ қўшинларини бошлаб келди, аммо бу қўшинлар тор-мор қилинди. Кўп ўтмай, Имомқулихон қозоқлар устидан ғалаба қозониб, Тошкентни улардан тортиб олди. У қорақалпоқ ва қалмоқларнинг сардорларини ҳам енгди. Хон ўз уруғлари ва феодалларнинг бир томонлама сулҳ тузиш майлларига усталик билан монелик кўрсатди ва қаттиқ ҳокимият ўрнатди. Ногирон бўлиб қолган Имомқулихон тож-тахтдан воз кечгач, уни Нодир Муҳаммадхон эгаллади (1642—1645). Давлатда яна низо-жанжаллар бошланди. Фитна натижасида Нодир Муҳаммаднинг ўғли Абдулазиз (1645—1680) Бухоро тахтига чиқди.

Самарқанд тарихи XVII асрнинг биринчи ярми шаҳар ҳокими, олчин уруғидан чиққан ўзбек ҳарбий-феодал зодагонларининг йирик вакили Ялангтўш Баҳодирнинг фаолияти билан боғлиқдир. У қўшни юртларни талаш билан давруф чиқарди. Ялангтўш жуда катта бойлик ва 3000 тача қулга эга эди.

Низо-жанжаллардан фойдаланган хиваликлар Мовароуннаҳр тупроғига бир неча бор бостириб кириб, элни талашди ва асирлар олиб кетишди. Бухорода тахтни акасидан тортиб олган Субхонқули (1680—1702) хиваликларнинг босқинларидан фойдаланди. Анушахон (1663—1687) бошлиқ Хива қўшинлари Мовароуннаҳрни вайрон қилиб, 1685 йилда Самарқандни ишғол қилди. Шуниси қизиқки, шаҳар зодагонлари Хива хонининг ҳокимиятини ихтиёрий тан олиб, унинг номини тангага зарб эта бошлади. Хиваликлар шаҳарнинг бор-будини талади. Кейинчалик хиваликлар қувилгач, Субхонқулихон шаҳарга юз қабиласидан ҳарбий отряд юбориб, самарқандликлардан катта товон ундириб олди.

Субхонқулихон хиваликлар босқинини вақтинча тўхта-тиб туришга муваффақ бўлди ва Хива Бухоро ҳокимиятини эътироф этди.

Субхонқулихон ҳукмронлигининг сўнгги йиллари ўзаро урушлар кучайиб кетганлиги ва хон ҳокимиятининг бўшашиб қолганлиги билан ажралиб туради. Қабилаларнинг марказий ҳокимиятга қарши бош кўтаришлари ва ўзаро урушлари Бухоро хонини бир неча бор уларга қарши қўшин тортишга мажбур қилди, лекин бу ҳамлалар кўпинча хон лашкарларининг мағлубияти билан тамом бўларди. Феодал

урушлар кенг халқ оммасига зиён етказар, улардан фақат феодал зодагонларгина наф кўришарди. Бундай уришлар Урта Осиёнинг кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ҳам путур етказарди.

1702—1711 йилларда ҳукмронлик қилган Убайдулло II амирлар қўлида бамисоли қўғирчоқ эди. У исёнчи вассаллар билан ҳадеб урушавериб, давлатни хароб қилди. Унинг даврида Самарқандда бир-бирига кек сақлаган ва хон қўшинлари таркибига кирган ўзбек қабилалари — найман билан сарой ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Убайдулло-хон тартиб ўрнатиш учун 1709 йил май ойида қўшин тортиб Самарқандга келди. У Бухорога қайтиб борганидан кейин (1711 йил) фитначилар томонидан ўлдирилди.

Феодал тарқоқлиги, марказий ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари бўшашиб кетганлиги, йирик феодалларнинг тож-тахт талашлари Аштархонийлар сулоласининг сўнгги намояндаси бўлган Абулфайзхон замонида (1711—1747) айниқса авж олиб кетди. Петр I нинг элчиси Флорио Беневени ёзганидек, Абулфайзхонни хон қилиб кўтариш тўполонсиз бўлмади... «Фитнадан хабар топган Абулфайз фитначиларнинг ҳаммасини ўз ҳузурига меҳмонга чақирди ва ўз навкарларига уларни қиличдан ўтказишни буюрди. Таклиф қилинганларнинг кўплари ўлдирилди.

1711 йилда Абулфайзхон қаттиққўл Фарҳодбийни Самарқанд вилоятига ҳоким қилиб тайинлади. 1713 йилда Самарқандда Фарҳодбийнинг зулмига қарши халқ катта қўзғолон кўтарди. Бу қўзғолонда аҳолининг энг камбағал табақалари ва ҳунармандлар билан бирга савдогарлар ва амалдорлар ҳам қатнашди. «Тарихи. Абулфайзхон» деган солномада Фарҳодбий бундай таърифланган: ... У зулм ва зўрлик ила табааларининг уйларини истибод ўтида ёндирди. Унинг адолатсизлиги дараги марказий ҳукуматга етган бўлса-да, лекин у тийиб қўйилмади ва Мовароуннаҳрда тартибсизлик юз берди. 1125 (1713) йили жами сардорлар Бухорода йиғилиб кенгашиди ва Фарҳодбийнинг зулми барча меёрдан ўтиб кетди дейишди. Шу баҳона билан у тахтдан туширилди ва Самарқандни бошқариш Муҳаммад Раҳимбийга топширилди».

1714 йили Самарқандда яна исён кўтарилди. Бу сафар халқ қўзғолони янги ҳукмдор Муҳаммад Раҳимбийга қарши қаратилди. У шафқатсизликда Фарҳодбийдан қолишмасди. Тарихчи Абдурахмон Толийнинг ёзишича, Муҳаммад Раҳимбий ва унинг ёрдамчиси Султон тўқсоба кеногас (шаҳрисабзлик) «...тинч оилаларга зулм ва зўрвонлик қила бошлади. Гарчанд бу ҳол бир неча бор марказий ҳукумат ахборотиغا етказилган бўлса-да, аммо ҳақ оғийда қарор топмади. Юрт ахйри умум қўзғолон кўтарди ва Султон тўқсобани



Самарқанддан ҳайдади... Муҳаммад Раҳимбий Бухорога йўл олди...»

Уқорида зикр этилган Фарҳодбий 1717 йили Самарқанднинг навбатдаги ҳокими Нодирбий қўшинларини енгиб, шаҳарни забт этди. Фарҳодбийнинг ваҳиёна зулми, золимлик сиёсати самарқандликларнинг сабр косасини тўлдирди. 1720 йили шаҳар аҳли қўзғолон қилиб, Фарҳодбий тағин туширилди. Абдураҳмон Толийнинг сўзларига қараганда, Фарҳодбий «... Самарқанд ҳокими бўлган кезлари... кунда элдан бўлар-бўлмасга пул талаб қилаверарди. Ёнига халқ келди дегунча, пул ундирарди. У... Самарқандни хонавайрон қилаётганидан тап тортмасди... Хуллас, у Самарқандда мустабид ҳоким эди...». 1722 йилда Фарҳодбий ўлдирилди.

1720 йилда манғитлар сулоласидан бўлган Муҳаммад Ҳакимбий пойтахтга оталиқ қилиб тайинланди. Манғитлар ҳукмронлиги ўзбек зодагонларининг нафсониятига тегди. Уша йилдаёқ Самарқанд ҳокимлигига манғитлар тарафдори Неъматулла тайинланди. У шаҳарда атиги саккиз ой ҳукмронлик қилди. 1721 йилда Неъматулла ўлгандан кейин, яна манғитлар тарафдори бўлган Авазбий унинг ўрнини эгаллади ва 1722 йил охиригача ҳукмронлик қилди.

Уруғлар ўртасидаги кураш оқибатида 1722 йилнинг декабрида кенагас Иброҳимбий Самарқандни босиб олди ва манғит одамларини шафқатсиз жазолади. Қармана ҳукмдори Абдулкарим, миёнқалъалик ака-ука Қоппон қипчоқлар ва Зарафшондаги айрим районларнинг исёнчи ҳокимлари Иброҳимбийга қўшилди. Ҳаммалари Иброҳимбийнинг қариндоши — Ражаб султонни хон қилиб кўтаришга қарор қилди. Иброҳимбий Абулфайзхонни йиқитиб, султонлар авлодидан бўлган Ражабни номигагина хон қилиб кўтармоқчи, хонликни аслида ўзи бошқариб турмоқчи эди.

Феодаллар ўртасидаги ва кенагасларнинг (Иброҳимбой бошчилигида) Аштархонийлар (Абулфайзхон) ҳамда манғитлар (Муҳаммад Ҳакимбий бошчилигида) билан бўлган уруғчилик курашидаги сохта шахс — Ражаб султон 1722 йил 23 декабрда Самарқанд хони қилиб сайланди. Иброҳимбий эса «амирлар амири» (амирул умаро) бўлиб қолди. Ражаб султоннинг хон деб эълон қилиниши ва Самарқанд хонлигининг тузилишига йирик феодалларнинг марказий ҳокимиятга қарши олиб борган курашидан бир лавҳа деб қарамоқ керак.

1723 йилда Ражабхон Бухорога қўшин тортди, Самарқанд салтанатининг ўрнатилишини ёқлаб чиққан бир гуруҳ феодаллар уни қўллаб-қувватлади. Ражабхон билан Абулфайзхон ўртасидаги уришда дам у томон, дам бу томон баланд келиб турди, лекин пировардида «... қўзғолончи қўшиндаги нифоқ ва мурасасизлик туфайли бухороликлар ғолиб чиқшиди ва муҳолиф талончилик қилиб орттирган ҳамма

бойликларини ғолибларга қолдириб, ўзи тўзиб кетди. Бу гал анча қўзғолончи яксон қилинди, кўпи очликдан қирилиб кетди».

Мағлубиятга учраган Ражабхон ўз ҳукмронлигини тан олишни ва биргаликда Абулфайзга қарши курашишни сўраб, кўпгина амирларга мурофаат қилди. Айни вақтда у дам хайр-эҳсонлар ваъда қилди, дам ўч олиш билан қўрқитди. Аммо, Абдурахмон Толийнинг фикрича, «улар бунга ҳеч парво қилишмади». Ана шунда Ражабхон қозоқ феодалларидан мадад сўради, уларга босиб олинадиган вилоятлардан кўп ўлжа ваъда қилди. Бундан фойдаланган қозоқ феодаллари Самарқанд вилоятиши таладилар ва хонавайрон қилдилар.

Ана шу даврда чигирткаларнинг ёпирилиши ва Дарғом тўғонини сув ювиб кетиши Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларнинг аҳволини янада оғирлаштирди.

Самарқанднинг оғир аҳволда қолганлигини Муҳаммад Ёқуб Бухорий «Гулшан ал-мулк» китобида шундай баён қилади: «Мовароуннаҳрда очлик пайдо бўлди... Ҳамма жойда кишилар бошпаналарини ташлаб, боши оққан томонга тарқаб кетишди. Самарқанд шаҳри бамисоли саҳрога ўхшаб қолди...»

Ражабхон 1724 йилда кўчманчи оқсуяк қозоқлар кўмаги билан Бухорони қуршаб олди ва уни уч кун талашга буюрди.

1725 йил ёзида Вобкент районида Абулфайзхон билан Ражабхон қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб, бу жанг Ражабхоннинг мағлубияти билан тугади. Ўзи ўгли билан асир тушди ва улар Бухоро аркига олиб келинди. Абулфайзхон ота-болани минорадан ташлатмоқчи эди, лекин халқ «қўлига таёқлар олиб, уларни (ўлгунча) савалашди».

XVIII асрнинг 20-йилларидаги уришлар, низо-жанжаллар натижасида Самарқанднинг вайрон бўлиши ва харобазорга айланиши шу қадар даҳшатли эдики, одамлар 1730 йилдан бошлабгина Самарқанд қалъасига қайтиб келиб, ўзига уй-жой қура бошлашди. Аммо орадан яна ўн йил ўтгандан кейин ҳам шаҳарда аҳоли кам эди ва кўчманчилар қиш фаслида ўз молларини Регистоннинг ҳувуллаб қолган мадрасасида боқарди.

Эронлик истилочи Нодиршоҳ (1736—1747) Бухоро хонлигининг сиёсий тарқоқлигидан фойдаланди. Унинг босқинчилик юришлари вақтида Марв шаҳри асосий таянч бўлди. Нодир қўшинларининг бостириб келаётганлигидан қўрққан Абулфайз 1740 йил 12 сентябрда Нодиршоҳнинг қароргоҳига келиб, унинг ҳукмронлигини тан олди. Нодиршоҳ «аҳолини тинчлантириш учун хонликнинг турли томонларига айрим отрядларни юборди. Бу отрядлар маҳаллий аҳолига кўпги-

на зиён-заҳмат етказишди». Лутф Алихон бошчилигидаги 200 кишилик отряд Самарқандга юборилди.

Хивада бўлган Гладишев ва Муравиннинг берган хабарига кўра, ўша вақтда Абу Саломхон бошчилигида «мустақил Самарқанд хонлиги» мавжуд эди. Абу Саломхон эронликларнинг Самарқанд вилоятини босиб олишларига қаршилик кўрсатиш мақсадида Қўқон хонлиги билан алоқа боғлаган эди. Нодир қўшинлари Самарқандни босиб олгандан кейин 1740 йил сентябрь ойининг охирида Абу Саломхон ва шаҳарни ҳимоя қилган кўпгина кишилар ёвузларча ўлдирилди. Эронлик босқинчилар Самарқандга етти йил (1740—1747) ҳукмронлик қилди.

1753 йили Муҳаммад Раҳим манғит расмий равишда Бухоро тахтига ўтирди. У мамлакат ҳаётини изга солишга ва айрим феодаллар ўртасидаги низоларни бартараф этишга ҳаракат қилди. Марказлашган ҳокимиятни мустақкамлаш учун Муҳаммад Раҳим кучли армия тузди ва икки йил Миёнқалъанинг исёнчи феодалларига, айниқса кенагас, бахрин, етти уруф қабилалари ва бошқа қабилаларнинг зодагонларига қарши қаттиқ кураш олиб борди. Ниҳоят, буларни марказий ҳокимиятга бўйсундирди. Шундай қилиб, Бухорода сўнгги сулоланинг ҳукмронлиги бошланди, бу сулола 1920 йил сентябрда рўй берган халқ революцияси туфайли ағдариб ташланди. Самарқанд Россияга қўшилгунга қадар (1868 йил май) Бухоро хонлиги таркибида эди.

Муҳаммад Раҳимхон вафотидан кейин (1758) бир қатор вилоятлар Бухородан ажралиб чиқди. Уратепа ва Хўжанд ҳокими Фазилбий юз Бухорони ҳам эгаллаш ва бутун мамлакатга ҳукмрон бўлиш ниятида Жиззах, Хатирчи, Каттақўрғон, Самарқандни босиб олди.

Аммо Бухоро тахтига чиққан Дониёрбий оталиқ (1758—1785) 1758 йили Самарқандни қамал қилди ва Самарқанд амирини барча қариндош-уруғлари ва яқинлари билан бирга асир туширди. XVIII асрнинг 60—70-йилларида Бухоро хонлигининг марказий ҳокимияти Самарқанд вилоятини бир неча бор ўзига бўйсундирди. 70-йилларнинг ўрталарида Шоҳмурод (Дониёрбий оталиқнинг ўғли) Самарқанд ноибни қилиб тайинланди.

Дониёрбийнинг вафотидан кейин Шоҳмурод амир деб эълон қилинди (1785—1800); айна вақтда у Самарқанд ҳокими ҳам эди. Шоҳмурод тўртта ислоҳот — моливий, маъмурий, суд ва ҳарбий ислоҳотларни амалга оширган ҳамда баъзи бир «шариатга зид солиқлар» ни бекор қилган деб кўрсатилади. Аммо Шоҳмурод ўзининг босқинчилик юришлари вақтида минг-минглаб кишиларни қириб ташлади, шаҳар ва қишлоқларни хонавайрон қилди. У илгари хонликка итоат қилмаган вилоятларни ҳам бўйсундирди.

Қўшни вилоятларни ҳамда Тошкент, Жиззах, Уратепа, Хўжанд шаҳарларини босиб олиш учун XIX асрнинг бутун биринчи ярми давомида амир Хайдар (1800—1826) ва амир Насрулло (1826—1860) вақтида Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида урушлар бўлиб турди. Тож-тахт ва бойлик орттириш учун кураш қонли урушларга сабаб бўлди. Хонларнинг шахсий гинахонликлари кўпинча бутун-бутун вилоятлар аҳолисининг тақдирини ҳал қилар эди.

Ана шу курашда XIX асрнинг биринчи чорагида кучлар нисбати Қўқон хонлиги томонида эди, чунки Бухоро амирлигининг ҳарбий кучлари очлик ва 1810 йилда бўлган ғалаёнлар (Ургут беклари, Шаҳрисабз ҳокимининг ўзбошимча ҳаракатлари ва бошқалар) натижасида бўшашиб қолган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса амир Насрулло мунтазам армия тузишга киришиб, тўпчилар батальонини ташкил қилганидан кейин кучлар нисбати Бухоро амири томонига ўтди. У пиёда қўшинларнинг дастлабки мунтазам армиясини тузди. Бу армиянинг солдатлари (сарбозлар) уруш вақтида форма (қизил камзул ва оқ иштон) кийиб юришар эди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб, 2,5 минг сарбознинг ҳар бири найзали милтиқ, қилич ва тўппончага эга эди. Асир тушган руслар Бухородаги мунтазам қўшинларнинг дастлабки инструкторлари эди.

Узаро урушларга Самарқанд ҳам тортилиб турди. Амир Хайдар тахтга ўтиргач, Давлатбий қушбегини (Ўзининг туғишган акаси Муҳаммад Хусайнбек ўрнига) Самарқанд вилоятига ҳоким қилиб тайинлади. Давлатбий қушбеги Самарқандни 1814 йилгача бошқарди. Давлатбайдан кейин Самарқанд вилоятига амир Хайдар сафдошларидан тўрт киши: Аёзбий, Муҳаммадбий, Муҳаммад Сафарбий, Иброҳим Додхоҳлар ҳоким қилиб тайинланди.

### 3. XVI АСРДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО

XVI аср бошларида майда феодал ҳокимларнинг бирлашуви ва марказий ҳокимиятнинг бирмунча мустаҳкамланиши хўжалик ҳаётини сезиларли равишда жонлантиришга, савдо ва ҳунармандчиликни кенгайтириш ва ўстиришга ёрдам берди. Шайбонийлар давлатининг пойтахти — Самарқандда ишлаб чиқариладиган ҳунармандчилик маҳсулотига бўлган талабнинг ортишига олиб келди. Шайбонийхон Самарқандни босиб олгандан кейин (1501 ва 1507 йилларда) тул муомаласини тартибга солишга ҳаракат қилди. Хоннинг бу чораси ҳам унинг бошқа тадбирлари каби ҳаётни изга солишга, савдони ривожлантиришга ёрдам берди. Бироқ экономика соҳасида бир оз юз берган жонланиш тез орада

яна феодалларнинг ўзаро урушлари, ажнабий қўшинларнинг бостириб кириши ва хон тахтини эгаллаш учун олиб борилган курашлар билан алмашинди. Бундай ҳаракатлар бутун феодализм даври учун характерлидир.

Тарихчилар ва шоирлар XVI асрдаги Самарқандни кўп-лаб бозорлари, карвон саройлари, савдо дўконлари ва ҳунармандчилик устахоналари бўлган ва кўп киши яшаб турган обод шаҳар сифатида тасвирлашади. Шарқнинг кўпгина шаҳарларини кўрган Заҳириддин Муҳаммад Бобир ўз хотираларида ўша даврдаги Самарқанд тўғрисида ажойиб сўзларни ёзиб қолдирган эди. «Самарқанд шаҳри, — деб ёзди у, — ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлмай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур».

Самарқанд бозорларининг жойлашиши Шайбонийлар даврида ҳам XV асрдагидек қолаверди. Уша даврдаги тарихий манбалар ва ҳужжатларга қараганда, шаҳарда ўндан ортиқ катта ва кичик бозор ҳамда молларнинг муайян турларига қараб ихтисослаштирилган савдо расталари (баъзи расталарнинг усти ёпиқ бўлган) йигирувчилар, темирчилар, арқон сотувчилар, шамчилар, сават тўқувчилар, наMAT сотувчиларнинг бозорлари, ун бозори, сабзавот бозори, бозори Аттарон (бу ерда атторлик дўконлари ва бошқа буюмлар сотиладиган дўконлар жойлашган), чакана савдо моллари сотиладиган бозор — Бозори хурдафурушон (бу бозор территориясида симкашларнинг дўкони бўлганлиги эслатиб ўтилади) ва бошқа бозорлар бўлган.

Баъзи бозорлар, маҳаллалар, масжидларнинг номи айрим шаҳзода ва зодагонларнинг номи билан маълум эди. Масалан, Пули сафид бозори, Амирзода Муҳаммад Султон ҳаммом-бозори, наMATчилар масжиди бозори, Амирзода Муҳаммад Қосим, Хўжа Муҳаммад Чоп, Маъсуд, Дори Маҳкамаи кўҳна бозорлари шулар жумласидандир. Бу бозорлар ва савдо расталарида (масалан, мисгарлар, пойабзал сотувчилар ва бошқаларнинг савдо расталари тилга олинади) дўконлар ва устахоналар бўлиб, буларда молларнинг бирор хили сопол буюмлар, боққолчилик моллари, газмоллар, шамлар, заргарлик буюмлари сотилар ёки тайёрланар эди. Бозорларда қоғоз, китоб сотиб олиш мумкин эди, бу ерда китоб муқовалайдиган устахоналар, турли ичимликлар, ширинликлар, гўшт, сомса сотадиган дўконлар жойлашган эди. Кўпгина нонвойхоналарда обинон ёпилар эди. Бундай нонлар мева ва сабзавот билан бирга меҳнаткаш аҳолининг асосий озиқ-овқати ҳисобланарди. Заҳириддин Бобирнинг сўзларига қараганда, XVI асрнинг бошларида Самарқандда яхши нонвойхоналар ва ошхоналар бўлган. Бозорларда ёки уларга

яқин жойларда карвон саройлар, сартарошхоналар, ҳаммомлар бўлган.

XVI асрда ҳунармандлар муайян ихтисослик бўйича ўз ҳунарларини яна такомиллаштиради. Ҳужжатларда Шайбонийлар даврида Самарқанд бир неча ўнлаб ҳунарлар билан шуғулланганлиги эслатиб ўтилади. Газмоллар, керамик буюмлар ишлаб чиқариш ва пардозлаш, чўян қуйиш, тери ишлаш, қоғоз, ҳар хил турдаги кийим-кечак, қурол-яроғ ва шу кабиларни тайёрлаш ана шундай ҳунарлар жумласидандир. Ҳунарларнинг баъзилари айрим, анча майда тармоқларга бўлинар эди. Чунончи, тўқувчи усталар ишлаб чиқараётган газмолларининг турига қараб, бахмал тўқувчилар — бахмалбофон, кимхоб тайёрловчилар — кимхобгарон, белбоғ ва саллалар учун газмол тўқувчилар — футабофон, рўмол тўқувчилар — чохоргулбофонлар дейилар эди. Шунингдек, читга гул босувчилар — читгарон, газмолларни ишлашда бўёқчилар ва бошқа шу кабилар ишлар эди. Кийим-кечак ва унинг бўлакларини тайёрлаш соҳасида тўн тикадиган мутахассислар — жамадўзон, тикувчилар — дарзиен, қалпоқ тўқувчилар — тақиядўзон, тасма ва попук тайёрловчилар — пупакдўзон, пўстин тикувчи усталар — пўстиндўзон, қимматбаҳо мўйналардан кийим тайёрловчилар — мўйнадўзон (Самарқанд территориясида пўстинфурушон — пўстин сотувчиларнинг масжиди бўлганлиги эслатиб ўтилади) ва бошқа шу каби ҳунарлар бўлганлиги таъкидланади. XVI асрда яшаган тарихчи Фазлулло ибн Рўзбехон ўзбек султонлари соболь, олмахон терисидан тайёрланган пўстинлар ва бошқа пўстинларни, шунингдек, турли безакли шойи кийим-кечаклар кийганлигини кўрсатиб ўтган. Сарой шойри Муҳаммад Солиҳ ўзбек тилида ёзилган «Шайбонийнома» дostonида хон атрофидаги феодал задагонлар оқсусар ва олмахон терисидан тикилган пўстин кийганлигини таъкидлайди.

Мўйна буюмларнинг бир қисми маҳаллий усталар — мўйнадўзлар ва пўстиндўзлар томонидан тайёрланган, бир қисми эса Шайбонийлар давлати пойтахтига бошқа вилоят ва мамлакатлардан олиб келинган бўлса керак. XVI асрда ўтган тарихчи Сайфий қозоқ усталари қўй жунидан турли рангларга бўялган чакмонлар тайёрлаганликларини маълум қилади. Унинг фикрича, бу чакмонлар шунчалик чиройли ва нафис бўлганки, уларни Бухорода адрас тўнлар каби чаққон сотиб олишган. Фазлулло ибн Рўзбехоннинг айтишига кўра, Астархандан Туркистон шаҳарларига соболь ва олмахон териларидан тикилган пўстинларни олиб келишган. Самарқанд усталари тиккан кийимлар эса қўшни дашт районларига кўплаб олиб кетилган. Уша муаллифнинг хабар беришича, чўл районларнинг аҳолиси Мовароуннаҳр ҳунар-

мандлари тайёрлаган кийим-кечак ва уст-бош буюмларига жуда ҳам муҳтож бўлишган.

Теридан тайёрланган буюмлар: этик, кавиш, ҳамён, эгар-жабудуқлар, камар, юган, эгар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

XVI асрда бинокорлик ҳунари кенг ривож топди. Бажа-радиган иш турига қараб қурилиш иши билан шуғулланган усталар меъмор, муҳандис, нажор, ҳаррот, шонатарош, санг-тарош кабиларга бўлинарди. Барча усталар қатори «теша билан ишлайдиган кишилар» деб кўрсатилади ёрлиқлардан бирида, «теша билан ишлайдиган моҳир меъмор ва дурад-горлар цехнинг оқсоқолига бўйсунилари керак эди».

Шойбонийлар даврида ва шундан кейин ҳам Самарқанд усталари — қоғозгарлар сиёҳни ўзидан кам ўтказадиган, силлиқ ва пишиқ бўлган юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқаришни давом эттирдилар. Самарқанд қоғозига ёзилган кўпгина қўлёзма асарлар, шу жумладан, Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлулло ибн Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарларининг дастхатлари, Меҳр Султонхонининг ҳади ёрлиғи ва шу кабилар бизнинг давримизгача етиб келган. Афғонистон ва Ҳиндистонни яхши билган, Ҳирот атрофларида бўлиб, у жойларда қоғоз ишлаб чиқарадиган устахоналарни кўрган Муҳаммад Заҳириддин Бобир: «Дунёдаги энг яхши қоғоз Самарқандда чиқади», — деб ёзган эди. Машҳур хаттот Султон Али Машҳадий (1432—1520) ҳусни-хатга оид махсус рисоласида (1514 йил) Самарқанд қоғозига ёзишни маслаҳат беради, чунки «бу қоғозга ёзилган хат текис ва чиройли чиқади». «Самарқанд қоғози нақадар яхши! — дейди у, — Агар сен оқил бўлсанг, ундан юз ўғирма». Султон Алининг кейинги ёзувларидан шундай хулосага келиш мумкинки, XVI асрда Самарқандда турли навли қоғозлар ва шу жумладан, «султоний» қоғози ишлаб чиқарилган. Қоғознинг бу нави ўзининг юқалиғи, юмшоқлиғи, силлиқлиғи билан ажралиб турган ва шунинг учун ҳам уни ипак қоғоз деб аташган.

Оқ ҳалқа тарзидаги сув белгисиз бўлган махсус нав қоғоз ишлаб чиқариш бўйича мутахассис уста Мир Иброҳим XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган ва шуҳрат қозонган. Бу қоғоз «мириброҳимий» номи билан кейинги асрларда ҳам машҳур эди.

Самарқанд қоғози мамлакатдан ташқари олис жойларга шу жумладан, Ҳиндистон ва Эронга ҳам олиб борилар эди.

XVI асрда яшаган самарқандлик ҳунармандлар орасида чўян эритувчилар бўлган, чунки вақфга топширилган буюмлар орасида эса чўян қозонлар тилга олинади. Ўзбекистон ССР Давлат маданият музейида (Самарқанд) шу асрга оид бўлган ва чўяндан қўйилган ўғир сақланмоқда. Чўян ҳақи-

даги бундай маълумотлар шунинг учун ҳам муҳимки, улар Самарқанднинг ўша давр хўжалик ҳаётида чўян қуйиш иши металл буюмлар ишлаб чиқариш даражасини акс эттиради. Уй хўжалигида ишлатилган чўян ва темир буюмлар аввалги асрдаги сингари кичик устaxonаларда майда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилар эди.

XVI асрнинг дастлабки ўн йилликларида Самарқанд қурол-яроғ ишлаб чиқаришнинг маркази бўлиб қолди. Шайбоний султонларининг босқинчилик юришлари бу ишда муҳим роль ўйнади. Дашт районларнинг аҳолиси билан бўлган савдо алоқалари қурол-яроғ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўп жиҳатдан ёрдам берарди, чунки бу аҳолининг лашкарлари асосан Самарқанд ва Бухорода ишлаб чиқарилган қурол-яроғ билан таъминланар эди. Самарқандда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар давлат ичидаги шаҳарларга ҳам, шунингдек, қўшни мамлакатларга ҳам етказиб берилар эди.

Самарқандлик қурол-аслаҳа усталари қуролнинг бир қанча турлари: найзалар, ўқ-ёйлар, камонлар, арбалетлар, қиличлар, ханжарлар, совутлар, қалқонлар, тирсакбандлар, тиззабандлар, ҳар хил дубулғалар ишлаб чиқарарди. Қилич, ханжар, найза ва ўқ-ёй шайбонийларнинг ҳужум қилиш вақтида ишлатадиган асосий қуроллари эди.

XVI асрда Урта Осиё территориясида милтиқ (тўфанг), оғир милтиқ (фаранги) ва тўп (қозон) каби ўқ отадиган қуроллар пайдо бўлади. Уларни ишлаб чиқариш учун малакали қуювчи усталар (реҳтагарлар) талаб қилинарди. Бундай усталардан баъзиларининг номлари бизгача етиб келган. Чунончи, Заҳириддин Бобир Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган даврда Устод Қули деган киши тўп қуйган.

Маълумки, Наврўз Аҳмадхон (у Самарқандга ҳукмронлик қилган) даврида милтиқ отувчи ёлланма аскарлар хизмат қилишарди. Гарихчи Ҳофиз Таниш ўзбек қўшинлари орасида тўфакандозлар — милтиқ отувчи кишилар ва оташбозлар — чақмоқ билан нишонга олувчилар бўлганлигини бир неча бор тилга олиб ўтади. Нефть (қораёғ) отувчилар ва тош отувчи кишилар бўлганлиги ҳам эслатиб ўтилади.

XVI асрнинг охирида ўқ отадиган қуроллар кенг қўлланила бошлади. Рус элчиси Григорий Васильчиков Эрон шоҳи Аббосга ёзган хатида, Абдуллахон II қўшинларининг 1588 йилда Ҳиротни ишғол қилиш воқеасини таъкидлаб, ўзбекларда «ўт очувчи қуроллар, тўп ва оғир милтиқлар» бўлганлигини айтади. Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, Ҳиротни қамал қилиш вақтида Абуллахоннинг буйруғига асосан етита тўп қозон тайёрланган эди. Улар занжирлар ёрдамида судраб юритилган.

Қурол-аслаҳанинг баъзи турлари бошқа мамлакатлардан олиб келтирилган. Ҳофиз Таниш «Абдулланома» асарида



Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврда Бухорога фаранг совутлари (европача совутлар; бу ерда рус совутлари назарда тутилган бўлса керак) олиб келтирилганини ёзади. Тахминан ўша даврда Ўрта Осиёдан Россияга Федор Иоановичга (1584—1598) совға тариқасида турли қурол — «олтин суви юритилган пўлат қилич, ҳар хил қинлар» юборилган эди. Ўрта Осиёдан Россияга юборилган буюмлар орасида «минадан, темирдан ясалган ва қамишдан тўқилиб ипак билан тикилган бухороча қалқонлар» борлиги ҳам эслатиб ўтилади. Бу ерда «бухороча» ибораси остида бутун Бухоро хонлигидаги усталар томонидан тайёрланган буюмларни кўзда тутиш мумкин, чунки Абдуллахон II ҳукмронлик қилган даврда Самарқанд ҳам Бухоро хонлигига кирар эди.

Самарқанд бўёқларнинг баъзи бир турларини ишлаб чиқариш билан ҳам шуҳрат қозонган эди. Бўёқчилик устахоналари бозор территориясидаги бошқа устахоналар ва дўконлар билан ёнма-ён жойлашган эди. Вақф ҳужжатларидан бирида Амирзода Муҳаммад Қосим бозорида учта бўёқчилик устахонаси ва Хўжа Муҳаммад Чоп ҳамда Дори маҳкамани кўҳна бозорларида иккитадан бўёқчилик устахонаси бўлганлиги тилга олинади. Бу маълумотлар XVI асрда Самарқандда бўёқчилик ишининг ривожланиш даражаси ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Бозорларнинг территориясида, шунингдек, шаҳар тева-рак-атрофларида момиқ титувчиларнинг дўконлари, шам ишлаб чиқарадиган устахоналар, жувозхоналар бўлган. Бу жувозхоналарда ёғ ишлаб чиқарилган. Шаҳарда совунгарлик ҳам бўлган. Энг зарур бўлган бошқа буюмлар сингари совун ҳам олди-сотти предмети бўлиб ҳисобланган. Шайбонийхоннинг иккита мадрасаси вақф ҳужжатларида талабаларга ва мадраса хизматчиларига совун сотиб олиш учун ҳар йили (икки минг мис динори миқдоридан) пул ажратилганлиги эслатиб ўтилади.

Узумнинг мўл-кўллиги Ўрта Осиёнинг кўпгина районларида, жумладан, Самарқандда ҳам виночиликни ривожлантиришга ёрдам берди. Кўрган кишиларнинг айтишларича, Самарқанд боғ-роғлар ва токзорлар билан ўралган бўлиб, булар айрим жойларда бир неча километрга чўзилиб кетган эди. «Шайбонийнома» асарида Муҳаммад Солиҳ самарқандлик катта феодал шайхулислом Хўжа Абдуллакаримнинг хўжалигини тасвирлайди. Хўжанинг шаҳар ташқарисидagi токзорларидан олинadиган ҳосилнинг ярмидан кўпроғи вино тайёрлаш учун кетар, қолган қисмидан эса сирка ва узум шарбати — душоб тайёрланарди. Шаҳар территориясида узум сақланадиган махсус иморатлар бор эди.

XVI асрдаги тарихий асарлар ва ҳужжатларда турли нав виноларнинг номлари — шароб, мусаллас, мускир ва бош-

қалар учрайди. Фармакологияга оид асарнинг муаллифи — Абу Мансур Муваффақ ал-Ҳаравий (XVI аср) қизил, оқ ва қора рангли узум виноларини эслатиб ўтади. Шунингдек, ароқ ҳамда арпа ва асалдан тайёрланган ичимликлар (асалдан тайёрланган ичимлик, айниқса Ўрта Осиёнинг туркий аҳолиси ўртасида кенг тарқалган эди) ҳам маълум. Айрим районларда қимиз кўп истеъмол қилинарди.

Руҳонийлар ислом динидаги ҳаддан ташқари майпараст кишиларни жазолаш юзасидан баъзи тадбирларни кўришга ҳам уриниб кўрди. Чунончи, Меҳр Султонхоним номидан ёзилган вақф ҳужжатининг шартларига кўра, Қуръон ўқийдиган кишилар ва мадраса талабаларига маст қилувчи ичимлик ичиш ман қилинган эди. Айбдорлар жазоланиши лозим эди: агар бирор кимса ана шу шартларни уч марта бузса, уни мадрасадан ҳайдашарди.

Самарқандда вино дўконлари бўлиб, уларда вино очиқ сотилган. Пули сафид деган жойда шаробхонаси бўлган Мақсуд исмли вино сотувчи, Зайниддин Восифийнинг айтишига кўра, ўзининг вино дўконига самарқандлик савдогарларни ва шоирлар оламидан кўпгина кишиларни, шу жумладан, Восифийнинг ўзини ҳам таклиф қилган. Тахминан шу даврда қовоқхоналар — майхоналар бўлганлиги тўғрисида ҳам гапирилади.

Бу фактларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, Самарқандда вино тайёрлаш кенг тарқалган бўлиб, ичимликни истеъмол қилиш феодал зодагонлар учун оддий воқеа бўлиб қолган.

Юқорида баён этилганидек, Самарқанд хилма-хил касбдаги усталар макони эди.

Усталар ихтисосларига қараб уюшмаларга бирлашганлар, бу уюшмаларга оқсоқоллар (XVI асрдаги бир қатор тарихий манбаларда ана шулар ҳақида гапирилади) бошчилик қилган. Бу лавозимга тайинлаш учун махсус ёрлик чиқарилган. Бундай ёрликлар — нишонларнинг намуналарни расмий ҳужжатлар, хусусий хатлар ва уларни тузиш учун ишлатилган намуналардан олинган нусхалар тўпламида (XV аср бошлари ва XVI аср) ҳамда XVI асрга оид бошқа асарлар ва ҳужжатларда сақланиб қолган. Қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи цехларнинг ва чодир ясовчиларнинг оқсоқолларига берилган фармонлардаги сингари, тикувчилар цехининг оқсоқоли уста Ҳусайнга берилган ёрликда ҳам ўрта асрдаги цех тузуми учун характерли бўлган хусусиятлар акс эттирилган. Бу хусусиятлар цехларнинг шаҳар ҳаётида катта роль ўйнаганлигини ва оқсоқоллар ана шу цехларга зўр таъсир кўрсатганлигини тасдиқлайди. Муайян вилоят ёки шаҳарда истиқомат қилувчи бир касбдаги усталар цех бошлиғига бўйсунилари лозим эди. Цех бошлиғининг вазифа-

лари эса маҳаллий маъмурлар томонидан белгилаб бериларди. Цех оқсоқоли ишлаб чиқаришни бошқарарди: ҳунармандлар тайёрлаган буюмларга баҳо берар, маҳсулот намуналарини тасдиқлар ва молларнинг сотилишини кузатиб турарди. Цех оқсоқоли расман цех аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи киши деб ҳисобланса ҳам, аслида шаҳар амалдорлари ва аҳолининг бадавлат табақалари вакили бўлиб, аввало, ўз манфаати ва шуларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эди.

Ҳунармандлар давлатга пул билан солиқ тўлар, шунингдек, ҳокимнинг хазинасига натура тарзида буюмлар ҳам берарди. Инглиз Антоний Женкинсон рус подшосининг элчиси сифатида 1558 йилда Ўрта Осиёга келган эди. У ўз ҳисоботида: «Бухоро қироли» асосан шаҳар ҳисобига яшайпти ва «ҳунармандлар томонидан ҳам, савдогарлар томонидан ҳам сотилаётган барча буюмлардан тушган пулнинг ўндан бир қисмини олади, бу эса бутун халқни қаттиқлаштиришга олиб келаяпти», — деб маълум қилади.

Ҳунармандларнинг асосий қисми маҳаллий амалдорлар, феодал зодагонлар, йирик савдогарлар ва бадавлат шаҳарликларга доимо қарам эдилар. Чунки устахона иморатлари, зарур материал ва пул маблағлари шулар қўлида эди.

XVI асрдаги ҳужжатлар маълумотлари шу нарсани кўрсатадики; Самарқанддаги майда савдогарлар ва ҳунармандларнинг кўпчилиги ўз дўконлари ва устахоналарига эга бўлмаган ва феодаллар, хон оиласи ҳамда вақф маҳкамаларига қарашли бўлган дўконлар ва устахоналарни ижарага олишга мажбур бўлганлар. Юқорида тилга олинган Шайбонийхоннинг икки мадрасаси ёрлиғида бу хусусда диққатга сазовор қуйидаги материал бор: Самарқанд территориясидаги ўнта бозорда (Хўжа Муҳаммад Чоп, Амирзода Муҳаммад Қосим, Маъсуд Амирзода, Муҳаммад Султон ҳаммомбозори, Пулисафид, Налбандоний Қадим, Шаммоён, Дарби қаппон, Масжиди намадмолон ва Дари маҳкамаи кўҳна бозорлари) жойлашган ва ёрлиқда тилга олиб ўтилган 80 дўкондан 40 таси юқорида айтиб ўтилган мадрасага, 14 таси бошқа вақф маҳкамага ва фақат 26 таси хусусий шахсларга қарашли бўлган. Айни вақтда кўрсатиб ўтилган 26 та хусусий дўконнинг хўжайинлари орасида шаҳардаги зодагонлар доирасининг кўзга кўринган вакиллари — Шайбонийхоннинг келини Меҳр Султонхоним (юқорида айтилган вақфни таъсис этувчи), Самарқанд ҳокими Темурий авлоди Султон Аҳмадмирзонинг қизи — Оқбегим, руҳонийлар бошлиғи — Шайхулислом Шамсуддин Муҳаммад ва бошқалар ҳам бор эди.

Ҳужжат маълумотларига қараганда, XVI асрнинг биринчи чорағида вақф ёрлиғида кўрсатилган территорияда

бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчи кишиларнинг оз қисми- гина ўз савдо дўконлари ва ҳунармандчилик устaxonалари- га эга бўлган. Илгари Меҳр Султонхонимга қарашли бўлган ва кейинчалик ёрлиқ бўйича вақф тариқасида юқорида айтилган мадрасаларга топширилган, ўнларча савдо дўконла- ри, қоғоз ишлаб чиқарадиган устaxonалар, бўёқхоналар, те- гирмонлар, ҳаммомлар, омборлар ва шаҳарнинг бошқа би- нолари ўзга вақф маҳкамалари, феодал зодагонларнинг дў- конлари сингари шаҳарнинг меҳнаткаш аҳолисига тўғридан- тўғри ёки бевосита феодал ёки бадавлат шаҳарлик орқали ижарага берилган. Баъзи устaxonалар ишлаб чиқариш қу- роллари билан бирга вақф фойдасига ўтказилган, бундай ҳолда уста ишлаб чиқариш биносини барча хўжалик уску- налари билан бирга ижарага олар ва улардан фойдаланган- лиги учун қўшимча ҳақ тўлар эди.

Феодал зодагонлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳеч бир иштирок этмай, ижара ниқоби остида дўконлар ва устaxo- наларга эгаллик қилар, ҳунармандлар ва майда савдогарлар- дан билвосита солиқ сифатида маълум рента ҳақи оларди. XVI асрда салтанатнинг ҳукмрон вакиллари, шунингдек, оқ- суяклар ва руҳоний феодалларнинг ҳунармандчилик устaxo- налари, дўконлар, тегирмонлар ва бошқа ишлаб чиқариш биноларини сотиб олиши кучайиши (уларнинг баъзилари ўнлаб, айрим йирик феодаллар эса юзлаб ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлган) майда ишлаб чиқарувчиларни эксплуатация қилишнинг ўзига хос тури бўлиб, улардан кат- та даромад олганлиги ва фойда кўрганлигидан далолат бе- ради.

Ўз устaxonасига эга бўлган ҳунарманднинг аҳволи устaxo- нани ижарага олган ҳунарманднинг аҳволидан бир оз ях- ши эди (гарчи у касб ва савдо учунгина эмас, балки ўзига тегишли бўлган қурилиш жойлашган ер участкаси учун ҳам солиқ тўлаган бўлса ҳам XVI асрдаги вақф ҳужжатидан шу нарса маълумки, майда савдогарлар ва ҳунармандлар бо- зор жойидан фойдаланганликлари учун бундан ташқари яна махсус ҳақ тағжойи ҳам тўлар эди). Бироқ ҳунарманд табақалар ана шу қисмининг иқтисодий авҳоли ҳам барқа- рор эмас эди. XVI асрнинг охири чорагига тааллуқли бўл- ган ҳужжатларда устaxonалар, савдо бинолари, тегирмонлар ва бошқа ишлаб чиқариш иморатларини гаровга қўйиш ҳа- қидаги маълумотлар учраб туради. Чунончи, эълон қилинган қозилик ҳужжатларига кўра, Хўжа Ҳаким деган киши Са- марқандда ўзига қарашли карвон саройнинг бир қисмини. Мулла Муҳаммад Сабзавот бозорида ўзига мансуб бўлган сабзавот дўконини, Мулла Назар хўрдафуруш эса хўрда- фурушон бозоридаги ўзига қарашли сим тортиш дўконини гаровга қўйган. Ана шундай ҳужжатларнинг ҳаммасида шу

нарса таъкидланадики, бу дўконларнинг эгалари ўзларининг илгариги дўконларини ижарага олиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қолиш шарти билан гаровга қўйганлар. Шундай қилиб, ҳунармандлар табақасининг муайян қисми иқтисодий зулм натижасида майда корхона эгалари даражасидан ижарачилар сафига ўтиб қолган.

Ҳужжатлардаги маълумотлар шундан далолат берадики, маблағнинг чекланганлиги сабабли усталарнинг бир қисми зарур материални сотиб олмасдан, молини сотгунга қадар уни қарзга олган. Масалан, 1590 йилда тузилган ҳужжатга кўра, Мулла Муҳаммад Мултонийнинг ўғли Маддуд Қазар икки ойлик муддат тугагач, мулла Ёқуб Мултонийнинг ўғли мулла Фатҳуллага 120 кумуш хон тангаси миқдориди 40 бўлак ранг-баранг парбанд чит тўлаши лозим эди. Қозининг 1589 йилда чиқарган қарориди Шайх Саъиддин Мултонийнинг ўғли Дарёхон деган шахснинг номи тилга олинади. У Мулла Мултонийнинг ўғли Мулла Хусайнга тўрт ой муддат ичиди қайтариб бериш шарти билан 32 бўлак ҳар хил гулли читни қарзга берган. Дарёхоннинг номи бундан сал олдин тузилган бошқа ҳужжатда ҳам тилга олинади. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, Лаълининг ўғли Лоҳурий Читгар Дарёхонга 150 кумуш хон тангаси қарздор экан. Шу нарса қизиқарлики, ўша куни (13 октябрда) ўша қозихонада яна бир қарор чиқарилган, бу қарорда асосан Лоҳурий Читгар Дарёхонга қарзни тўлаши лозимлиги, акс ҳолда хотинидан ажралиб қолиши мумкинлиги кўрсатилади. Шундай қилиб, бу ерда ижарачининг қарз тузоғига илиниб қолган ҳунарманд яққол кўриниб турибди.

Келтирилган маълумотлардан шу нарса маълумки, судхўрлар муҳтож бўлган ҳунармандларга молни ҳам, пулни ҳам процент қўйиб қарзга беришган. Бу билан бирга, процент олиш мусулмонларга тақиқланганлиги сабабли судхўр тутилган саллани ёки мис тосни ёхуд бошқа бирон буюмни сақлаганлиги учун деб процент пулни ундиради. Қарзга ботиб қолган ҳунарманд кўпинча ўз устахонасини гаровга қўйишга мажбур бўлар, устахонаси бўлмаган киши эса ўзининг бутун мол-мулкидан ва ҳатто хотинидан ҳам ажралар эди. Буни Лоҳурий читгар мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ҳолда феодал тузумнинг характерли хусусияти айниқса ёрқин ифодаланган: феодал ва йирик савдогарлар ҳунарманднинг ишлаб чиқариш муносабатларигагина эмас, балки унинг оилавий ҳаётига ҳам аралашар эди.

Айрим ҳолларда бадавлат ҳунармандлар ҳам судхўрлик қилар эди. Масалан, Амир Дўст заргарнинг (заргарлик билан шуғуланувчи уста) ўғли самарқандлик Хўжа Мирқосим Ҳаравий ўтган ҳар бир кун учун уч мис динор миқдори-

да тўлаш шарти билан давлат қадам гўшткашга 200 хон ку-муш танга қарз берган.

Шундай қилиб, ҳунармандлар табақаси иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан турли группаларга бўлинган бўлиб, улар орасида ҳунармандчилик билан шуғулланишни судхўрлик билан қўшиб олиб борган бадавлат кишилар, устахоналари бўлган ҳунармандлар, хўжайин дўкониди ишлаган ижарачи ҳунармандлар, молини сотгунга қадар материални қарзга олиб турган усталар ва бошқалар бор эди.

Авлоддан-авлодга ўтиб келадиган халқ анъаналари катта бадий дид билан бажарилган юқори сифатли ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Ҳунарманд ўз иш тажрибаси ва иш усулларини ўғиллари ва яқин қариндош-уруғларига ўргатиб, уни наслдан-наслга қолдиришга ҳаракат қилар эди. «Авлоддан-авлодга тўпланиб келган ва отадан ўғлига мерос бўлиб қоладиган махсус касбгина, — деб ёзган эди Маркс ҳинд тўқимачилари ҳақида, — ўргимчак сингари ҳиндга ҳам эпчиллик бағишлайди»<sup>1</sup>. Камдан-кам ҳоллардагина ҳунарманднинг ўғли отасининг ҳунаридан кўра бошқа ҳунарни эгалларди (масалан, манбаларда сувоқчининг ўғли темирчи эканлиги кўрсатиб ўтилади). Баён қилинаётган воқеаларнинг замондошлари бўлган муаллифларнинг ёзишича, эгарчи, тўқувчи, шамчининг фарзандлари рассом, хаттот, шоир бўлиб етишган. Бироқ бу ҳол мазкур давр учун характерли эмас эди ва асосан, бадавлат ҳунармандларнинг болаларига тааллуқли эди.

Ҳунарни наслдан-наслга қолдиришдан ташқари, бегона кишиларни шогирдликка жалб қилиш ҳоллари ҳам бор эди. Бу эса шогирдлар билан усталар ўртасидаги муносабатларни расмийлаштириш мақсадида тузилган XVI асрга оид ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Ана шу ҳужжатларга кўра уста келишиб олинган муддатда шогирдни ўз ҳунарига ўргатиши керак эди. Чунончи, 1587 йилда тузилган ҳужжатга кўра, устод Жоналининг ўғли олача тўқувчи устод Қучоқ Қурбон деган кишининг ўғли Турсунмуҳаммадни бир ярим йил ичида ўз ҳунарига ўргатиш, устод Муҳаммад Хусайннинг ўғли бўёқчи Устод Ҳасан Наврўз Муҳаммадга уч йил ичида бўёқчилик ҳунарини ўргатиши керак эди; мулла Рустам наққошнинг ўғли мулла Фазлулло ҳам ўз укасини ана шу муддат ичида наमतчилик касбига ўргатишга ваъда берган эди.

Уста ўз шогирдидан ёрдамчи ишчи сифатида фойдалана оларди; у иш жараёнида «уста топширган ҳар қандай ишни» бажариши ва ишлаб чиқаришнинг техникавий кўникмалари-

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, изд. 2, т. 23, стр. 252.

ни ўзлаштириб олиши лозим эди. Уста шогирдига ўз билимлари ва иш усулларини ўргатишга шошмас эди. Бундан кўриниб турибдики, шогирд ва унинг ота-онаси ўргатиш муддатини кўрсатган ҳолда қозихонада ёзма битим тузишга бўлган интилишлари, афтидан, шу нарса билан изоҳланса керак. Кўрсатилган вақт ичида шогирд ҳунарни шундай ўрганиб олиши керак эдики, у бажарган ишни шу санъат усталари маъқуллайдиган бўлсинлар.

Шогирд кўпчилик ҳолларда қаттиқ эксплуатация қилинар эди. Бунинг устига устанинг гапини икки қилмаслиги лозим бўлган. Шунинг учун шогирдлар ана шундай усталардан қочишга ҳаракат қилган. Бундай ҳоллар кейинги даврга оид ёзма манбаларда акс этган.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг баъзи бир соҳаларида усталар мардикорларнинг меҳнатидан ҳам фойдаланишарди. «Коргар» ва «муздур» деб аталган ёзма манбаларда ана шундай кишилар ҳақида эслатиб ўтилади. Лекин ушбу даврда мардикорларнинг меҳнатидан фойдаланиш кенг ёйилмаган эди.

Самарқанд ҳунармандчилик ишларининг марказигина бўлиб қолмай, аynи вақтда савдо-сотиқнинг ҳам маркази эди. Кўпгина савдо йўллари уни Шайбонийлар давлатининг қишлоқ ва шаҳарлари билан боғлар эди. Самарқанд атрофидаги жойлар шаҳарни чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, мева, қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаб турар эди.

Дон ва унни шаҳарга феодаallar олиб келишарди. Улар бу маҳсулотларни деҳқонлардан асосан натурал рента тарзида олишарди. Ўзаро урушлар вақтида ғалла танқислиги юз берганида савдогарлар бундан усталик билан фойдаланиб, ғалла нархини сурбетларча ошириб юборардилар. Бундай чайқовчилик ҳаракатлари халқ оммасининг мавжуд тартибларга қарши чиқишига сабаб бўларди. 1501 йилда ана шу сабабга кўра, Самарқандда бўлиб ўтган халқ ғалаёнлари синфий кураш кўринишларидан бири эди.

Шаҳар атрофидаги жойлардан Самарқандга ҳунармандчилик буюмларининг баъзи турлари, ўтин, анча олис районлардан эса кўмир ташиб келтирилари. Ҳофиз Таниш қуйидагиларни маълум қилади: Туркистон билан Мовароуннаҳр ўртасидаги тоғларда қора тошлар бўлиб, улар худди кўмирдай ёнарди. Одамлар уларни эшакларга ортиб, сотиш учун шаҳарларга олиб боришарди. Ана шу тош ёниб бўлгач, оқ кул ҳосил бўлади. Ундан эса кийимлар ва саллаларни оқартириш учун ишқор сифатида фойдаланишади.

Самарқанд қўшни шаҳарлар ва тутатиб кетган қишлоқлар билангина эмас, балки аynи вақтда Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Қозон хонлиги, Узоқ Шарқ мамлакатлари билан ҳам савдо-сотиқ қилар эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо ва дипломатик алоқалари кенгай бошлади. Москва Русидан Самарқанд ва бошқа шаҳарларга хом тери, мум, жун газмоллар, ёғоч идишлар, дағал газмоллар; Ҳиндистондан дока, кимхоб, бўёқ ва марваридларнинг баъзи турлари; Афғонистон ва Эрондан шакарқамиш ва кийимлик газмоллар, Хитойдан чинни, шойи газмоллар олиб келинар эди.

Ўрта Осиё ҳам бу мамлакатларга хилма-хил моллар етказиб берарди. Ана шу даврда Самарқандда ип газмолларнинг алоҳида навлари, шойи газмолларнинг баъзи турлари, қизил духоба ҳамда асосан зодагонлар ва йирик савдогарларнинг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган шойи газмолларнинг қимматбаҳо турлари ишлаб чиқариш ва четга жўнатиладди. Жамият юқори табақаларининг тор доиралари эҳтиёжларини қондирадиган зебзийнат буюмлар экспорт қилинадиган моллар орасида катта ўрин эгалламасди. Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғоз маҳсулотлари ички ва ташқи бозорга етказиб бериларди. Ана шу буюмларни ишлаб чиқариш кўпгина техникавий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, малакали усталарни, катта тажрибани талаб қилар эди.

Сайёҳлардан бирининг айтишича, Самарқандда мўл бўлган моллар орасида олтин ва зангори рангли бўёқлар ҳам бор эди, форс муаллифларнинг фикрича, «Ўзбеклар юрти»дан Эронга ҳаворанг бўёқ ташиб борилган. Ўрта Осиёдан бўёқлар Россияга ҳам олиб кетилган. Масалан, Абдуллахон II нинг элчилари Москвага 40 пуд бўёқ олиб борганлиги ҳақида хабар берилди. Бўёқларнинг баъзи турлари транзит савдо буюми сифатида Ҳиндистондан Самарқанд ва Бухоро орқали бошқа жойларга жўнатишган.

Қуриштирилган мевалар, писта, Самарқанд олмалари ва соҳиби узумлари (шаҳар ана шу билан айниқса шуҳрат қозongan эди) Самарқанддан узоқ жойларга ҳам олиб бориларди.

XVII асрда, айниқса, ана шу асрнинг биринчи ярмида Самарқанд кўпгина мамлакатлардан олиб келинган моллар сақланадиган жой ролини ўйнади; сўнгра бу моллар бошқа шаҳар ва вилоятларга жўнатишлар эди. Масалан, Самарқанддан Ҳиндистонга турли-туман газмолларгина эмас, балки отлар, туялар ҳамда Москва Русси, Волга бўйи ва Сибирдан келтирилган мўйналар, хом терилар, мум, ов қушлари ҳам олиб борилар эди. Бошқа шаҳарлар ва мамлакатлардан ташиб келтирилган қимматбаҳо тошлар, рангли металллар, хуш ҳидли нарсалар Самарқанд орқали олиб ўтиларди.

Шундай қилиб, Самарқанд айни вақтда шаҳар ички савдоси ривожланган, теварак-атрофдаги қишлоқлар, вилоятлар ва бошқа давлатлар билан савдо ишлари яхши йўлга



қўйилган марказ ҳам бўлиб ҳисобланарди. Самарқанд транзит савдонинг муҳим оралиқ пунктларидан бири ҳам эди.

Ички ва ташқи савдо савдогарлардан олинadиган катта-катта бож самарқандлик ҳокимларга анча даромад келтирар эди. Ҳофиз Таниш «Абдуллонома» асарида савдогарлардан Ҳиндистон чегарасида бож, тамға ва харж олинганини қайд қилиб ўтган. Бошқа манбадан келтирилган хабарга кўра, ҳаж қилиш учун Маккага бораётган кишилар махсус фармонга биноан, бож тўлашдан озод қилинар эди. Мамлакатнинг ичкарасида ҳам бож олишарди. Шайбонийлардан бўлган Абулхайрхоннинг (1579—80 йиллар) ёрлиғида айтилишича, кемачилар, аравакашлар, девонлар, тушқовулларнинг (бошқа ёрлиқларда махсус бож йиғувчи — божгир, чунончи, йўл учун бож йиғувчилар — роҳдорлар ва сувдан кечиб ўтганлик учун бож йиғувчилар — киштибонлар ҳам бўлганлиги қайд қилиб ўтилади) Андижонга қараб йўл олган Саид Али деган кишидан бож, харж ва танаб олмасликлари тўғрисида кўрсатма берилган. Шундай қилиб, Шайбонийлар давлатида мамлакат ичида савдогарларнинг молларидан ва бошқа кишиларнинг товарлари бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтган тақдирда уларнинг молларидан ҳам бож олинган. Шу билан бирга, мол ўзининг дастлабки жойидан қанчалик узоқроқ жойга олиб борилса, у шунчалик қиммат бўлиши лозим эди, чунки молнинг қиймати масофанинг узоқлаша борганлиги учунгина эмас, балки йўлда кўп марта бож олинганлиги сабабли ҳам ошиб кетар эди.

Ҳужжатларда савдогарлардан олинadиган солиқ ва мажбуриятлар орасида ихражот, совғати, саломи, пешкаш номи ва улоқ бериш мажбурияти ҳам тилга олиб ўтилади.

Ҳунарманд ақли давлат фойдасига вақфга, руҳонийларга турли-туман солиқлар тўлар эди. Бу солиқларнинг бир тури донмий равишда тўпланар, айримлари эса алоҳида ҳолларда олинарди. Пахта, ипак ва пилла савдосидан махсус солиқлар олинарди. Солиқлар айниқса уруш вақтида ва шаҳар истило қилинганда кўпайиб кетар, истилочилар эса шаҳарни талаб, аҳолисини хонавайрон этар эди. Бундай вақтларда баъзан солиқ йиғилиб, истилочиларга катта миқдорда пул тўланар ва шу йўл билан шаҳар талон-торождан холи бўлар эди. Ана шундай воқеа ҳақида Бобир ёзади: «Талон ва торож қилмай, Беҳра элига моли омон солиб, нақд ва жинсдин тўрт лак шоҳрухий олиб, черик элига навкар адади билан улашиб Кобулға мурожаат қилилди».

Албатта, тўланадиган товоннинг асосий қисми меҳнаткаш аҳоли бошига тушар эди. Хондамирнинг ёзишича, 1507 йилда Ҳиротни Шайбонийлар босиб олганда шаҳардаги барча меҳнаткаш халқ қатори ҳунармандлар ҳам истилочилар хазинасига бир мисқолли 100 минг танга тўлаши лозим бўлган.

Ҳунармандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқлар бутун давлат даромадининг муҳим манбаи ҳисобланарди. Чунончи, XVI асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд даромадининг бир йиллик умумий миқдори 1600 минг кумуш тангани ташкил қилган. Баъзи ҳокимларнинг савдогарларга нисбатан ҳомийлик қилганликлари ана шу билан изоҳланади. Уларнинг бу ҳомийлиги савдогарларга соқчилик ёрлиқларини беришда, мабодо уларнинг моллари ўғирланган тақдирда, шу молларнинг қийматини таловчилардан ундириб олишда намоён бўлар эди. Хитойдан қайтиб келаётган самарқандлик ва хуросонлик савдогарлар карвонининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар XV асрнинг охирига оиддир. Андижон ҳокими Умар Шайх воқеа содир бўлган жойга ўз одамларини юбориб, карвонларнинг барча молларини ушлаб қолган. Орадан бир ёки икки йил ўтгач, у Самарқанд ва Хуросондан ворисларни чақиртириб, ҳамма буюмларни бус-бутун уларга қайтариб берган.

Хонлар ва султонлар савдо-сотикдан солиқ тарзида олинадиган даромадлар билан чекланиб қолмаган. Уларнинг ўзлари ҳам бу ишга фаол қатнашган. Чунки хон одамлари сотадиган моллардан солиқ олинмасди, унинг моллари таркибига монопол бўлган моллар ҳам кирар эди. Савдо-сотик ишларида оқсуяк феодалларгина эмас, балки руҳонийлар намоёндаларни ҳам актив иштирок этишарди.

Алоҳида имтиёз касб этган махсус соқчилик ёрлиқлари олган йирик савдогарлар тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар юқоридаги эслатиб ўтилган ёрлик-нишонлар тўпламида келтирилган. Масалан, савдогарга берилган тархон ёрликда айтилишича, давлатнинг гуллаб-яшнаши ва вилоятларнинг ривожланиши савдогарларга боғлиқ экан, ушбу фармонга асосан унинг хўжаси ҳисобланган савдогар тархон ёрлиғи билан мукофотланади ва у бож, закот, харж, тамға ва бошқа солиқларни тўлашдан озод қилинади. Ундан совғати, пешкаш ва саломни каби тортиқлар ҳам талаб қилинмас эди. Ҳокимнинг фармонига кўра, йўл солиғи, дарёдан кечиб ўтганлик учун солиқ олувчи шахслар бундай кишидан киштибон ва роҳдори олмасликлари ва унинг йўлда хавф-хатарсиз бўлиши учун ҳақ талаб қилмасликлари, элчилар, овчилар ва қушчилар эса унинг от-уловларини олмасликлари керак эди. Закот ва тамғачилар унинг юкларини текшириб кўрмасликлари ва «ноаниқ юк» (божчилар томонидан қараб чиқилмаган моллар) учун махсус ҳақ олмасликлари, амалдорларга эса унинг хавф-хатарли жойларда эсон-омон юриб ўтишини таъминлаш топширилган эди. Айни вақтда тархон имтиёзларига эга бўлган киши манманликка берилмаслиги, ростгўй бўлиши ва қабул қилиб олган буюмларидан бош тортмаслиги керак эди. Бу эса тархон ёрлиғини берган ҳоким со-

тиш учун савдогарга ўз молларини бериб қўйиши ёки процент олиш шарти билан унга қарзга пул бериб, фойданинг бир қисмини ундан олиши мумкин деб тахмин қилиш имконини беради. Урта осиелик кўпгина ҳокимлар савдогарларга пул бериб туришарди. Тарихчи Хондамирнинг айтишига кўра, Мирзо Улуғбек савдо-сотиқ қилиш ва ундан фойда олиш мақсадида бир савдогарга қимматбаҳо тош берган, лекин савдогар қарзини узмай, ўлиб кетган экан.

Шайбонийлар сулоласи хонларидан баъзилари йўлларни яхшилаш, савдо муассасалари, кўприклар, қарвон саройлар ва шу кабиларни қуриш орқали давлатнинг бошқа шаҳарларидаги сингари Самарқандда ҳам ички ва ташқи савдо учун қулай шароитларни яратиб берди. Феодал жамияти савдо-сотиқ ишларида фаол қатнашган гуруҳларининг хонлар (Шайбонийхон, Убайдулла Султон, Абдуллахон II) нинг давлатни марказлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлаганликларини қисман ана шу билан изоҳлаш мумкин.

Савдо муносабатларининг анча кенгайиши ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши (айниқса XVI асрнинг дастлабки ўн йилликларида) ҳунармандлар табақасининг маданий жиҳатдан бирмунча ўсишига ёрдам берди. Бу табақанинг муайян қисми (асосан бадавлат қисми) ҳунармандчилик билан бир қаторда, адабиёт ва музыка билан ҳам шуғулланар эди. Восифий ўз асарларида Самарқанд ҳунармандларининг фаолиятидаги ана шу жиҳатларни яхши тасвирлаган. Улар феодалларнинг маърифатли намояндалари билан бирга савдо дўконлари ва ҳунармандчилик устaxonаларида йиғилишиб, адабий мунозаралар ўтказишар, шеърлар ёзишар, музыка асарлари яратар эдилар.

Бу даврда яратилган адабий асарлар орасида шаҳарда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи аҳолининг ўрта табақалари ҳаёти ва фаолияти ёритилган китобларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, Зайниддин Восифийнинг «Бадое ал-воқои» китоби ана шундай асарлардан бири эди.

Ҳунармандларнинг меҳнат жараёни тасвирий санъатда ҳам ўз ифодасини топди. Бу ўринда Муҳаммад Мурад Самарқандийнинг ва Бухоро саройида ишлаган Маҳмуд Музаҳҳибнинг ўзига хос ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳмуд Музаҳҳиб ўзининг «Султон Санжар ва кекса тўқувчи» миниатюрасида феодал ҳокими билан букчайиб қолган кампирни тасвирлайди. У ҳаддан ташқари оғир солиқлар билан халқни қашшоқлаштирган султонни айблайди.

Меҳнатқашлар асосий оммасининг аянчли аҳволи халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топди. Бошқа қадимий қўшиқлар билан бир қаторда халқ оғзаки ижодининг шу даврга оид намуналари (гарчи бирмунча ўзгарган бўлса-да) бизгача етиб келган.

Ҳунармандлар асосий оmmasининг оғир аҳволи шаҳар меҳнаткаш аҳолисининг умумий синфий курашида уларнинг актив иштирок этишига сабаб бўлди. Бу ҳолни феодализм давридаги Самарқанднинг бутун тарихи давомида кўриш мумкин.

#### 4. XVII АСРДА ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО

Самарқанд XVII асрда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқнинг йирик маркази бўлиб қолди. Ҳунармандчилик тобора ихтисослашди. Тўқимачилик ишлаб чиқариши — турли нав ва турдаги ип газлама ва шойи газламалар, дастурхонлар, дарпардалар, белбоғлар ва бошқа шу каби буюмлар ишлаб чиқариш айниқса ривож топди. Тайёр кийимлар тикиш катта ўрин эгаллади.

Тўқувчиларнинг маҳсулоти ўзининг юқори сифати билан ажралиб турар ва ҳақли суратда ҳурматга сазовор бўлар эди. Самарқандда гул солинган турли рангдаги шойи ва атлас газмоллар, абр, ип ва шойи олача, зандоний, бўз, митқали гулдор газлама ва ҳоказолар ишлаб чиқариларди.

Бухоро билан савдо қилган рус савдогарларининг хабар беришларича, хонликда (Самарқанд ҳам шу хонликка кирар эди) хилма-хил шойи ва ип газмоллар ишлаб чиқарилган. Филипп Ефремовнинг хотира дафтарларида қуйидагилар қайд қилинган эди: «бу ерда ипак қурти боқилади, бундан кўпгина ипак олинади, ипакдан эса зарли ва кумушли йўл-йўл парчалар, атласлар, бахмаллар, магрмантлар тўқишади, майда-майда зар солинган йўл-йўл қутнилар ва бошқа хил парчалар тўқишади».

Самарқанд территориясида зардўзлар маҳалласи бўлганлиги ҳақида XVII аср манбаларида эслатиб ўтилади. Усталар гилам ва гилам буюмлари ҳам тўқишарди.

Ёғочсозлик ҳунари кенг ривож топган эди. Ҳар хил ёғочлардан, айниқса, қаттиқ пишиқ дарахтлардан қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари (омочлар, паншахалар, белкураклар ва ҳоказолар), уй жиҳозлари, бошмоқлар, чархлар, эшик қулфлари, тўқимачилик дастгоҳлари, эгарлар, устун қошлари, нақшли устунлар, эшиклар, мебель ва бошқа нарсалар тайёрланар эди. Ҳунармандлар орасида дурадгорлар, гишт терувчи усталар ҳам бор эди.

Самарқанд ўзининг заргарлари билан шуҳрат қозонган эди. Улар кумуш ва мисдан, баъзан олтиндан ҳам аёллар учун безаклар, тақинчоқлар тайёрлашар, уларни қимматбаҳо тошлар билан қоплашарди; баъзан узангиларни, шу жумладан, эгар-жабдуқларни ҳам кумуш билан безатишарди. Бу даврда бўёқчилик, совун пишириш янада ривожланади.

Аввалгидек, бу даврда ҳам Самарқандда сифатли қоғоз ишлаб чиқариларди. А. Вамберининг айтишича, Бухоро ва Самарқанд қоғози Туркистондагина эмас, балки қўшни мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур эди.

Бир хил маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандлар цехларга бирлашарди. Цех аъзолари, одатда, шаҳарнинг бир маҳалласида яшар эди. Баъзи маҳаллаларнинг номи буни тасдиқлайди. Самарқандда Заргарон (заргарлик билан шуғулланувчи усталар), Сўзангарон (игна тайёрловчи усталар), Чармгарон (кўнчилар), Харротон (ёғоч йўнувчи усталар), Кулолонон (кулоллар), Зингарон (эгар-жабдуқлар тайёрлайдиган усталар), Шарбатдарон (ширин ичимликлар тайёрловчилар) ва бошқа маҳаллалар сақланиб қолган.

Бу даврда Ўрта Осиё бошқа мамлакатлар билан савдосотиқ алоқаларининг анча ривожланганди. Чунончи, Самарқанд ва Бухородан Россия ва Ҳиндистонга шойи ва ип газмоллар олиб борилар эди. Ўз навбатида савдогарлар Ҳиндистон, Эрон, Хитойдан турли газмолларни олиб келишарди. Ўрта Осиёнинг Москва давлати билан савдо алоқалари ривожланган эди. Савдогарлар Москва давлатига ҳам тери, ошланган қўй териси, жун газлама, ёғоч идиш-товоқлар ва бошқа нарсаларни олиб боришарди.

Самарқанд савдогарлари ташқи савдода ҳам фаол қатнашадилар. Масалан, 1577 йилда Бухородан Москвага борган савдо элчихонаси составида Самарқанд вакили Хўжа Тўра ва бошқалар бор эди.

XVII аср Ўрта Осиё билан Москва давлати ўртасида дипломатик ташқи муносабатлари ҳақидаги кўпгина расмий ҳужжатларда Самарқанд тилга олиб ўтилади. Масалан, Нодир Муҳаммадхон (1642—1645) подшо Михаил Федоровичга (1645 йил март) йўллаган мактубида ўзининг тахтга ўтирганини ва Москва давлати билан аввалгидек дўстона муносабатларни, савдо алоқаларни давом эттиришини ва асирлар айирбошлашни истаётганлигини маълум қилади. Нодир Муҳаммадхон каттакон давлатнинг бошлиғи эканлигини ва бу давлат таркибига Самарқанднинг ҳам кирганлигини мактубида уқтириб ўтади.

XVIII асрнинг охирида Самарқанд бозорларига Россия, Хитой, Ҳиндистондан турли буюмлар келтирилар эди. Ўз навбатида Самарқанд вилояти ҳам шу мамлакатларга қоғоз, олачадан тайёрланган чопонлар, сопол буюмлар, қуруқ мева, қорақўл тери, от-уловлар етказиб берарди.

XIX асрнинг биринчи ярмида ички ва ташқи савдонинг янада ўсганлиги кўзга ташланади. Шаҳарда карвон саройлар ва дўконларнинг кўпайганлиги ана шундан далолат беради.

XIX аср бошларида Григорий Спасский нашр этган «Азиатский вестник» («Осиё ахбороти»)даги «Буюк Бухоронинг энг янги тавсифи» сарлавҳали мақолада Шоҳмурод ҳукмронлик қилган даврдаги аҳвол ҳақида қуйидагилар ҳикоя қилинади: «Самарқанднинг ўртача навли қоғози сингари асосан бизга келтириладиган Миёнқалъа қоғози ҳам ўз жойида 45 сўмдан 55 сўмгача туради, бу ерга (Оренбургга) олиб келишгач, у 80 сўм чамасида сотилади (бир пуди). Тенандар ва маздавон деб аталган паст навли қоғозлар ўз жойида 40 сўмдан 45 сўмгача, бу ерда эса 60 сўмдан 70 сўмгача нархда сотилади».

Муҳаммад Раҳимхон (1753—1758) ўтмишда рўй берган ғалаёнлардан зарар кўрган Самарқанд ҳаётини қайта тиклашга ҳаракат қилди. У Ҳисорни босиб олгач, илгари Самарқандда яшаган кишиларнинг ҳаммасини бу ерга кўчириб олиб боришни буюрди. Шу муносабат билан XVIII асрнинг 50-йилларида Ҳисордан Самарқандга бир неча минг оила кўчирилган эди.

Самарқанд XIX асрнинг ўрталарида Бухоро хонлигининг иккинчи энг муҳим савдо ва ҳунармандчилик маркази ҳисобланарди. Бу шаҳарда 30 мингга яқин аҳоли яшар эди.

## 5. ШАҲАРНИНГ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

1220 йили Чингизхоннинг Самарқандга қилган ҳужуми натижасида кўрғошин билан қопланган Жуи Арзиз новаси вайрон бўлганидан кейин шаҳар сувсиз қолди ва Афросиёбни сув билан таъминлайдиган қадимий система тез орада қуриб қолди. Гарчи Афросиёбда ҳаёт тугаган бўлса ҳам, аммо Самарқанд яшайверди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Афросиёбдан жануброқда жойлашган работ территориясида Самарқанд янгидан қурилди. Тўғри, работда шаҳар ҳаёти X—XII асрлардаёқ жуда гавжум эди. Бу ерда Афросиёб ташқарисидаги Самарқанд ривожланаверди.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида Самарқанд Ўрта Осиёдагина эмас, балки бутун Шарқда энг обод ва бой шаҳарлардан бирига айланди. Янги тураржойлар ва муҳташам саройлар бино қилиниши муносабати билан суғориш каналлари барпо этилди ва ташлаб қўйилган эски суғориш системалари тузатилди.

Самарқанд воҳасининг Равотхўжадан жанубий ва шарқ-жанубий қисмида жойлашган тоғ олди районларини суғориш учун Зарафшон дарёсидан эҳтимол худди шу даврда Аббос ва Қораунас каналлари ўтказилган бўлса керак. Бу каналлар Темур вақтида қурилган Миср қишлоғигача етиб борган эди. XVII—XVIII асрларда Аштархонийлар ва даст-

лабки манғитлар даврида Аббос канали Жуи Нав деб аталарди. Кейинчалик уни Янгиариқ деб, Қораунасни эса Қозонариқ деб атайдиган бўлишди.

Самарқанд ва унинг атрофидаги қишлоқлар, аввалгидек, сувни Дарғом каналидан ичади. «Самария» асарининг муаллифи Абу Тоҳирхожанинг ёзишига кўра, «Дарғом ариғи боши Кўҳак дарёсидан ажралиб, Самарқанд шахрининг ичи ва тоши ҳамда Ангор туманларини суғориб, ортиқчаси Кўҳак дарёсига қўшилади. Шаҳар боғлари ва бўстонлари ушбу ариқдан яшил ва тозадир».

Шаҳар шохобчаларини сув билан таъминлайдиган асосий ирригация магистрали Шавдор деб аталарди; у Дарғомдан чиқарилган эди. Канал Жумабозор қишлоғидан 4,5 километр қуйидаги Қесканжар деган жойдан бошланар эди. Шавдор 6—7 километр давомида қирғоқлари баланд ва аста-секин пасайиб борган чуқур жар ичидан оқар эди. Шавдордан бош олган жойдан 20 километр қуйида Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларни суғорадиган Даштак ва Мозор каналлари ажралиб чиқар эди.

Даштак Шавдор каналига қурилган тўғон ёрдамида сув билан таъминланиб турарди. Даштак юқори қисмида Мозор канали яқинидан ўтар ва ундан тупроқ дамба билан ажралиб, сўнгра Даштак қишлоғи орқали ўтиб, Қаварзор ариғига келиб қуйиларди. Шундан кейин Даштак яна ҳам майда шохобчаларга бўлиниб кетар, бу шохобчаларнинг иккитаси эса Ражабамин ва Каптархона қишлоқларига сув бўйига Қаварзор ариғи устига ўрнатилган икки нова орқали оқиб ўтар эди. Даштак асосан Самарқандга шарқи-жанубий томондан туташган жойларни суғорар эди.

Мозор каналидан чап томонга Маздахин ёки Навбахчиён, ўнг томонига эса Шаҳарариқ оқарди. Шаҳарариқдан шахарнинг Аркариқ, Қаволариқ ва Мулёнариқ шохобчалари ажралиб чиқарди. Бу шохобчалар Самарқанднигина эмас, балки унга жануб томондан туташган районларни ҳам суғорарди.

Самарқанд ва унга туташиб кетган жойлар Сиебдан чиқарилган Обираҳмат каналидан ҳам сув билан таъминланар эди. «Сияҳоб ариғи бошлаб бир талай булоқлардан пайдо бўлиб, Қонигилгача оқиб келади, — деб ёзди Абу Тоҳирхожа. — Унда иккига бўлиниб, биринчи бўлагини Кўҳак дарёсига оқиб кетади ва иккинчи бўлагини икки шохобчага ажралиб, биринчи буюғим, Обираҳмат аталади. Самарқанд шахрининг шимолидаги боғларга; Мотурид, Боғи Баланд ва Боғи Майдонга сарф бўлади». XVI асрда Обираҳмат ва бу канал суғорган жойлар расадхона орқасида жойлашган Улуғбек боғининг номи билан Нақши Жаҳон деб аталарди.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, бу жойнинг топографик шароитлари туфайли Самарқандни сув билан таъминлаб турган ирригация системаси кўп асрлар мобайнида деярли ўзгармади. Самарқанд тарихининг турли даврларига тааллуқли бўлган маълумотлар шундан далолат беради. Масалан, 1221 йилда, яъни Чингизхон Самарқандни босиб олганидан кейин Самарқандда бўлган хитойлик сайёҳ Чанчуннинг сўзларига қараганда, ўша вақтда шаҳар шохобчадан сув ичган. Темир ва Темурийлар ҳукмронлик қилган даврда ҳам Самарқандни суғориш системаси ана шундай бўлган.

Сув жануб томондан шаҳарга икки жойдан: ўша вақтда Қаризгоҳ деб аталган Хўжа Аҳрор дарвозаси ёнидан ва Сўзангарон дарвозаси ёнидан оқиб кирган. Қаризгоҳ шохобчаси кейинчалик Хўжаариқ деб аталадиган бўлди, чунки у Хўжа Аҳрор дарвозаси ёнидан оқарди, шунингдек, у Самарқанд арки номи билан Арқариқ деб ҳам аталар эди. Сўзангарон шохобчаси бутун шаҳар орқали оқиб ўтиб, Шаҳарариқ, яъни шаҳар канали деб аталарди. Шубҳасиз, шаҳар ичидан оқадиган ана шу икки шохобча яна ҳам майда суғориш ирмоқларига бўлиниб кетарди. Улар ўз навбатида кўпгина ҳовузларни сув билан тўлдирди. Шаҳар каналлари баъзи жойларда сув ўтказадиган усти ёпиқ галереялар — пишиқ ғиштдан ишланган оби мўрилар орқали оқиб ўтарди. Ана шундай галереялардан бири Арқариқ ўзани шаҳарга қираверадиган жойда қурилган бўлиб, қалъанинг шимоли-шарқий қисмида Гифтар маҳалласи томон ўтарди.

Чашмасиёб, Новадон ва Обимашҳад деб аталган булоқ сувларидан ҳосил бўлган чуқур жарлар ҳам Самарқандни сув билан таъминлашда катта роль ўйнардди. Бу сойлар сув йиғадиган коллектор ва зовурлар сифатида фойдаланиларди. Шаҳарнинг барча шохобчаларидан оқиб келадиган сув сойлардан Сиёбга бориб қўйиларди.

Самарқандда сув таъминоти маҳаллий ҳоким тайинлайдиган алоҳида сув маъмурияти томонидан тартибга солиб туриларди. Самарқандда сув маъмурияти шаҳарнинг бош мироби — Шавдор канали сувини тақсимловчи — мироби шаҳр ва йиғирмата жуйбон — шаҳар суғориш шохобчаларини назорат қилиб турувчилардан иборат эди. Улар зиммасига шаҳарга сув ўтказиш ва Шавдор билан Ангор туманларини суғорадиган шохобчаларни назорат қилиб туриш вазифаси юкланган эди. Айрим шохобчалар бўйича сув белгиланган навбатга мувофиқ Шавдор ирригация системаси миробининг назорати остида тақсим қилинар эди. Вегетация даврида шаҳар сувни ҳар куни куннинг биринчи ярмида олар эди. Ўша вақтда Жуйичуқур ва Каварзор каналларидан ташқари, Шавдор канали бўйидаги барча шохобчалар



бошидан то Даштак ва Мозор каналларининг суви қўйиладиган жойларгача ҳаммаси ёпиб қўйиларди. Шаҳар миқоби ва жуйбонлар — назоратчилар Шавдор ва Ангор ариқлари атрофидаги жойларни кузатиб турганликлари учун ўз меҳнатларига икки тангадан мироб пули олишар эди.

Самарқанд воҳасининг чап қирғоқ қисмини, шу жумладан, Самарқандни ҳам суғоришда Равотхўжада Дарғом, Янги ва Қозон каналлари бошида қурилган тўғон аввалгидек катта аҳамиятга эга эди. Самарқандлик ҳокимлар ҳамда Шавдор ва Ангор туманларининг аҳолиси тўғонни батартиб сақлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишарди. Тарихий манбалардан шу нарса маълумки, Самарқанд ёки Бухоро ҳокимлари Дарғом тўғонини тиклашда баъзан ўзлари ҳам иштирок этиб, бу ишга бошчилик қилишарди. Масалан, «Абдулланом» муаллифи Хофиз Танишнинг (XVI аср) ёзишига кўра, Равотхўжадаги тўғонни тузатиш учун 1556 йилда Самарқанд ҳокими Наврўз Аҳмадхоннинг ўзи бу ерга келган. 1753 йили Бухоро ҳокими Раҳимбий Дарғом тўғонини тузаттирган. Самарқанд ҳокимлари, айниқса феодал исёнлари ва ажнабий босқинчиларнинг ҳужумлари, вақтида Равотхўжа Мавзани ва Дарғом каналининг бош иншоотини ўз қўлларида сақлаб туришга катта эътибор берар эдилар. Чунки бу жойлар, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, Самарқандга кираверишда муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам Самарқанд ҳокимлари бу ерда кўпгина ҳарбий кучларни сақлаб туришарди. Бобир даврида Равотхўжа қалъасида дарға — Шавдор туманлигининг ҳарбий бошлиғи яшар эди.

Шуни айтиш керакки, Самарқанднинг суғориш системасига, айниқса, Дарғомнинг сув боғлаб оладиган асосий иншоотига ҳар йили кўпгина ишчи кучи, бинокорлик материаллари сарф қилинар эди. Урта асрларда барча хўжалик ишлари, шу жумладан, каналларга сув чиқариш ва уларни шохобларга тақсимлаш ишида сувдан фойдаланувчиларнинг деярли ҳаммаси иштирок этар эдилар. Самарқанд воҳасидаги йирик ирригация системаларидан бири бўлган Дарғом канали сув боғлаб берадиган Вардсар тўғонидан ташқари кўпгина дамбалар (банд), сув айирғичлар (кунда) ва сув ташлағичлар (ништоқ) ўрнатилган 122 шохобчадан иборат эди. Зарафшон дарёси ўзанида, Равотхўжада жойлашган Дарғомнинг бош тўғони ёғочлар, шох-шаббалар, хашак, тош ва чим босилган ҳамда узунлиги 5—7 километр келадиган тўсиқдан иборат эди. Бироқ бу тўғон баҳорги ва ёзги сув тошқинлари вақтида тез-тез бузилиб турарди. Зарафшон тошқинлари бу тўғонни бутунлай ювиб кетган вақтлар ҳам бўлган. Баъзан тошқин Дарғом тўғонини бир йилда бир неча марта бузиб кетар ва ҳар сафар уни тузатишар ёки янгидан тиклашарди. Ана шундай

даврларда экинлар ойлаб суғорилмай қоларди. Шунинг учун ҳам самарқандликлар Дарғомни дарду ғам деб аташарди.

Бу иншоотни тузатиш ишларини бажариш учун Дарғом ирригация системасидан фойдаланувчилар ҳар йили баҳорда ҳар қўш ердан икки киши ҳисобида (жами 856 мардикор) 15 кун ишлаш учун ажратилиб, улар зарур миқдорда транспорт ва қурилиш материалларини ўзлари билан олиб борар эдилар. Масалан, архив ҳужжатларининг маълумотларига қараганда, 1914 йилда Дарғом тўғонини тузатиш учун 1436 киши 12896 ишчи кун ишлашган, 53837 боғ шох-шабба ва 13837 боғ хашак сарфланган.

Самарқанд Россияга қўшиб олинганидан кейин Дарғом тўғонининг аҳамияти янада ошди. Зарафшон водийсининг Самарқанд билан Бухоро қисмлари ўртасида сув тақсимлашни тартибга солиш учун 1913—1917 йилларда Равотхўжа сув айирғич тўғони барпо этилди. Бу эса Ўрта Осиёда инженерлик типигаги биринчи иншоот эди. Иншоотнинг узунлиги 178,8 м бўлиб, йўғонлиги 2 м келадиган бетон устунлар билан ажратилган бешта дарвозали эди. Тўғоннинг ўнг томонида сув оқимини тўғрилаб турадиган узунлиги 1785 м келадиган дамба қурилди. Бу дамба шағал-тош билан ишлаб чиқилди. Тўғон сувни тартибга солиб турадиган иншоотлари билан бирга ҳар секундда 60 кубометр сув ўтказишга мўлжалланган эди. Бу иншоотни қуриш учун 700 минг сўмдан зиёд пул сарфланди. 1921 йилда рўй берган сув тошқини натижасида бу иншоот вайрон бўлди.

Кўп асрлар мобайнида халқ усталарининг бой ирригация тажрибаси асосида яратилган Самарқанднинг ўрта аср суғориш системаси, шу жумладан, Дарғом системаси ҳам Совет ҳокимияти йилларида тамомила қайтадан қурилди. Бунинг натижасида Дарғом ирригация системасигина эмас, балки бутун Зарафшон дарёси водийсининг ҳам сув билан таъминланиши яхшиланди.

## 6. ФАН, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, АРХИТЕКТУРА

XVI асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида Самарқанд аввалгидек йирик шаҳар бўлиб қолаверди. Бу ерда гуманитар фанлар анча ривожланди, медицина равнақ топди ва ихтисослашди, тасвирий санъат юксалди.

Шоир Восифий 1513 йили Самарқадда бўлганида бундай деб ёзган эди: «у (Кучкунчихон — *Муҳаррир*) ўз ҳукмронлиги даврида олимлар ва маърифатпарварларни ҳурмат қилишни энг биринчи вазифаси деб ҳисоблар эди. У ҳукмронлик қилган даврда барча мадрасалар, хонақолар, масжидлар ва диний муассасалар қайтадан тикланди, ишга туширилди ва мус-

таҳкамланди... Улуғбек мадрасаси ва хонақосига 10 мударрис тайинланди, улардан бири Мавлоно Аширқалон эди. Шайбонийхон мадрасасига 4 мударрис тайинланиб, улар орасида мавлоно Хўжаги ҳам бор эди».

XVI—XVII асрларда Самарқандда йирик олимлар: самарқандлик Маҳмуд ибн Муҳаммад, математик ва астроном Мирам Чалабий (Али Қушчининг шогирди), математик ва астроном мулло Абдулали Назмуддин ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биричандий (Али Қушчининг шогирди), олим ва созанда Амир Акбар Самарқандий, олим, табиб — жарроҳ, шоир ва созанда Боқи жарроҳ Самарқандий (XVI аср), табиб ва шоир Давоий Самарқандий (XVI—XVII асрлар), олим ва шоир, миниатюрист-рассом Муҳаммад Дарвеш Самарқандий (XVI—XVII асрлар), олим ва шоир Дустий Самарқандий (XVI—XVII асрлар), дин тарихи бўйича олим Ермуҳаммад ибн Худойдод Муҳаммад Самарқандий (XVI аср), олим ва шоир Кошуйфий Самарқандий (XVI аср), Улуғбек мадрасасининг мударриси мавлоно Мири Қалон Самарқандий (XV—XVI асрлар), Улуғбек мадрасасининг мударриси Мир Жамолиддин Хоразмий (XV—XVI асрлар), Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳусайний Самарқандий (XVI аср), олим, табиб, шоир ва файласуф Ошиқ Мавлоно Абдулхайр Самарқандий (XVI аср), олим ва шоир мавлоно Саъдулло Соғардин Самарқандий (XV—XVI асрлар), «Дар баёни чаҳор дарё» ва «Ганжут Толибин» китобларининг муаллифи Сирожиддин Муҳаммад Самарқандий (XVI аср), олим ва шоир Шоҳий Хўжа Амироқои Самарқандий (XVI аср)лар илмий иш олиб бордилар.

Олим ва табиб Султон Али Самарқандда 1526 йилда «Дастур ал-илож» («Табиблик иши учун қўлланма») асарини ёзди. Муҳаммад ибн Ҳусайн Мироқий Самарқандий 1541 йили медицина-фармакология рисоласини кўчириб, унга нафис бўёқлар билан доривор ўсимликлар ва дорилар тайёрланадиган ва сақланадиган идишларни акс эттирувчи расмлар чизди.

Йирик олим, математик ва астроном Муҳаммад ибн Иззуддин шайх Ҳусайн Абдусамад (1547—1622) XVII аср бошларида бир оз вақт Самарқандда яшади.

XVI асрда ёзилган ва халқнинг агротехника соҳасидаги кўп асрлик тажрибаси умумлаштирилган икки рисола деҳқончилик маданиятининг нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради. Бу асарларда агротехниканинг турли масалаларига доир назарий қондалар ва қимматли амалий кузатиш ҳамда маслаҳатлар берилган.

XVIII асрда XIX асрнинг биринчи ярмида Самарқандда Боқи Муҳаммад ибн Ҳофизёр Самарқандий («Фолномаи Жафр» асарининг муаллифи), мавлоно Турсун Фароизий Самарқандий ва бошқа олимлар яшадилар, ижод қилдилар.

Таниқли тарихчилар Мулла Шарафуддин Аълам ибн Нуриддин Охун мулло Фарҳод Самарқандий («Тарихи касира» асарининг муаллифи), Муқимий Самарқандий, Амирсад Шариф Роқимий Самарқандий («Тарихи Роқими» асарининг муаллифи) шу ерда ишладилар. Зайниддин Муҳаммад Амон Садри Кошғарий ўзининг тожик тилидаги «Дурри жавоҳир» асарини 1781—1782 йилларда Самарқандда ёзди. У бу асарда жаҳон тарихини акс эттирди. Тарихчи, шоир ва табиб Абу Тоҳир ибн қози Абусаид Хўжаи Самарқандий (XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярми) 1831 йилда «Самарния» номли тарихий асарини яратди ва ҳоказо. XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган бухоролик файласуф-олим Юсуфи Қорабоғий (1645 йилда Бухорода вафот этган) бир қанча вақт Самарқандда яшади, мунозараларда лекциялар ўқиди ва кўпгина шогирдлар етиштирди.

Атоқли файласуф Мирзо Бедил табиатнинг абадийлиги ва ҳеч ким томонидан яратилмаганлиги тўғрисидаги, материя билан руҳнинг бирлиги ҳақидаги ўз қарашларини «вахдати мавжуд» таълимотида акс эттирди. Инсоннинг атрофдаги моддий дунёни фан ёрдамида билиши мумкинлиги тўғрисидаги ғоя унинг назариясининг асосини ташкил қилади. Бедилнинг ижтимоий-иқтисодий асарларида ўша давр учун прогрессив бўлган кўпгина фикрлар баён қилинган эди. Бедилнинг ижоди Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрларининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Прогрессив шоирлар ва мутафаккирлар Бедилдан асосан ғоявий мазмунни олишар ва деспотизм ҳамда диний жаҳолатпарастликка қарши социал норозилик мотивларини ривожлантирардилар. Бошқа гуруҳдагилар, асосан сарой шоирлари ва мутафаккирлари ундан баён қилишнинг фақат мураккаб поэтик формасини ўрганишарди.

Идеология соҳасида олиб борилган синфий курашнинг бир томонида — ҳукмрон синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи реакцион руҳонийлар, сарой шоирлари ва ёзувчилари турса, иккинчи томонида эса халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи ва феодал тартибларига қарши чиқувчи прогрессив мутафаккирлар турар эди.

Бу даврда этик характердаги асарлар кенг тарқалган эди. Бундай асарларда сабр-тоқат, мўътадиллик, бир-бирига ёрдам кўрсатиш ва дўстона муносабатлар, инсонийлик, сажийлик ва бошқа этик категориялар мусулмон ахлоқининг асосини ташкил этади деб гапириларди.

Самарқандда адабий ижод асосан ҳунармандчилик-савдо муҳитида ривожланган эди. Таниқли шоирлар, олимлар ва аскиячиларнинг иштирокида мадрасаларда, хусусий кишиларнинг уйларида, ҳунармандлар ва савдогарларнинг дўконларида, бозорларда қизиқарли йиғилишлар, мунозаралар

Ўтказилар эди. Турли ижтимоий табақа намояндаларининг адабий ижодга жалб этилиши бадий асарларнинг мазмуни ва тилига ўз таъсирини ўтказди.

Халқ оғзаки ижоди асарларини яратишда меҳнаткаш аҳоли фаол қатнашди. Бундай асарларда феодал жамиятида ҳукм сураётган зўравонлик ва адолатсизликка қарши норозилик ифода этилар эди. Халқ ана шу асарларнинг асосий қаҳрамони бўлиб ҳисобланарди.

Мутрибийнинг «Тазкират аш-шуаро» асарида келтирилган маълумотларга кўра, ўша даврда Бухорода 350 га яқин шоир яшаган. Улар орасида Камолиддин Биноий (1458—1512), Бадриддин Ҳилолий (1529 йилда вафот этган), Зайнуддин Восифий (1485—1520), Абдурахмон Мушфиқий (тахминан 1538—1588), Хўжа Ҳасан Нисорий каби истеъдодли шоирлар, тарихчи Ҳофиз Таниш Наҳлий ва бошқалар бор эди.

Самарқандда Афзалий Самарқандий, Боқи Хумдонаки Самарқандий, Фигори Самарқандий, Муҳаммад Ҳошим, Даҳбедий, Завқий Мианқалий, Мир Абдуллоҳ Самарқандий, Абдулазиз Самарқандий, Арзий Самарқандий, Атойин Аваз ибн мавлоно Отақул Самарқандий, Ашки Самарқандий, Баъзи Самарқандий, Бедили Самарқандий, Восифий Самарқандий, Дарвеш Ҳошим Самарқандий ва бошқалар яшаб, ижод этганлар.

Муҳаммад Солиҳ (1455—1535) ўз она тили бўлган ўзбек тилидан ташқари тожик, араб тилларини яхши билган тилшунос, тарихчи, ажойиб шоир ва ёзувчи эди. Бундан ташқари, у ўзининг хаттотлиги билан ҳам шухрат қозонган эди. У «Шайбонийнома» достонини яратган.

Заҳириддин Бобир (1483—1530) истеъдодли шоир ва давлат арбоби эди. Унинг ўзбек тилида ёзган «Бобирнома» асари ажойиб адабий ёдгорлик ва XVI асрнинг биринчи чораги Ўрта Осиё тарихига оид қимматли манба бўлиб ҳисобланади.

Кўчкнчixonнинг топшириғига биноан, Самарқандда бир қатор тарихий асарлар — Рашидуддиннинг «Тарихи Тазоний», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Қисқа танаффусдан кейин XVII асрнинг 40-йилларидан бошлаб Самарқандда адабиёт яна ривожлана бошлади. Атоқли шоир Малиҳо Муҳаммад Баде ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий ўзининг «Музоққир ал-Асхоб» (1692 йил) асарида Мовароуннаҳрдаги 200 га яқин шоирнинг номини тилга олади. Шу шоирларнинг кўпчилиги самарқандлик бўлган ёки Самарқандда ижод қилган.

Кўпгина шоирлар ҳунармандлар оиласидан чиққан эди. Ҳуснихат устаси Муҳаммад Обид ибн Муҳаммад Зоҳид Самарқандий, дўкондор Мўъин Бухорий (бир неча йил Самарқандда яшаган ва ижод этган), атоқли шоир, «Ғолиб ва Мат-

луб» достонининг муаллифи, зардўз Фитрағи Зардўзий Самарқандий, савдогар Мусиҳо Самарқандий, кийим тикувчи (мадраса талабаси) Сарафроз Муҳаммад Самарқандий, иморатларнинг ичини пардозловчи уста Мулҳами Самарқандий буюқчилар — Забеҳои Яҳудин Самарқандий, Раҳмини Яҳудин Самарқандий, муқовачи-хаттотлар — Абдулло Самарқандий, Дўстмуҳаммад Садри Самарқандий, мулло Муҳаммад шайх Ғариб Самарқандий, Муҳаммад Хусайн ибн Мирзо Муҳаммад ибн Шайх Валад Самарқандий, Хўжа Али ибн Мирзақайн Самарқандий, Хўжа Миршоҳ Самарқандий ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Риёзу шуаро» асарининг муаллифи Содик Самарқандий, 1855 йилда «Маҳбуб ал-қулуб» асарини кўчириб ёзган Нейматулло ибн Ёқуб Самарқандий, «Қушлар мунозараси» достонининг муаллифи Фақирий Зулфиқор Самарқандий ҳам ўша даврнинг таниқли шоирлари эдилар.

Ана шу даврдаги илғор маданият арбоблари орасида қаршилик Сайидо Насафий (1637—1720), Турдий (тахаллуси Фороғий 1700 йилда Жиззахда вафот этган) ва бошқаларнинг номларини айтиб ўтиш мумкин. Улар ўз асарларида меҳнаткаш халқ манфаатларини, уларнинг эксплуататор феодалларга нисбатан нафратини акс эттирдилар. Сайидо Насафийнинг шеърларида дарвишлар, шайхлар, мутаассибларга қарши қаратилган кўпгина сатрлар бор.

Қори Раҳматулло Возеҳ (1804—1894) ўзининг «Тухфат ал-ахбоб фи тазкирот ал-асхоб» (1871 йил) асарида XVIII ва XIX асрларда Бухоро хонлигидаги адабий ҳаёт ҳақида ва Фарғона адабий муҳитининг баъзи бир намояндалари тўғрисида маълумотлар беради.

Самарқандда бўлган Жунайдулло Маҳмуд Хозиқ (1843 йилда қатл этилган) таниқли шоир ва олим эди. У ўзининг «Юсуф ва Зулайҳо» асарида давлатнинг фаровон бўлиши учун адолатли подшонинг ўзигина етарли эмас, балки халқ тўғрисида ғамхўрлик қиладиган маърифатли вазирлар ва амалдорлар ҳам бўлиши керак, деб ёзган эди.

XIX асрда Самарқандда яшаган қуйидаги шоирларнинг номлари маълум: Абдулло Жаббор Найман Самарқандий (Абдуханифнинг «Алфиқҳул акбар» асарини кўчирган), Абдулқайюм Самарқандий (Сайфиддин Боҳарзийнинг «Рубоӣти шайхулолам» асарини кўчирган), Мир Абдулҳай Самарқандий (1825 йилда Алишер Навоийнинг «Чор девон» китобини кўчирган), Муҳаммад Замони Самарқандий ибн Муҳаммад Ризои Фалғорий Потухий (XVIII—XIX асрлар), Муқимхон Самарқандий (1850 йилда «Хамса» ни кўчирган) ва бошқалар.

Самарқанднинг эркин фикрловчи шоирларидан Раҳими Самарқандий, Мирзо Шариф Дабири Самарқандийларнинг

ижодида мавжуд тузумни танқид қилиш, руҳонийларнинг жаҳолатпарастлигини фoš этиш элементлари бор. Масалан, Мирзо Шариф Дабири Самарқандий амир ва унинг атрофидаги кишиларни кўкка кўтариб мақтаган сарой шоирларини кескин танқид қилиб, бундай деб ёзган эди;

Дар ин замон ки забонварон вассофанд,  
На фозил<sup>222</sup> на олиму, на шаҳи инсофанд.

Мазмуни:

(«Ваъзхонлик қилаётган гапга чечан маддоҳлар на саҳоватли киши, на олим бўла олади»).

Қўқонлик истеъдодли шоира Увайчи Жаҳонотин, ўзининг «Хапалак» асари билан танилган шоир Махмур, сатирик ёзувчи Муҳаммад Шариф Гулханий («Зарбулмасал», «Тошбақа билан чиён», «Маймун билан нажжор» асарларининг муаллифи) ва бошқаларнинг асарлари самарқандлик шоир ва ёзувчиларга катта таъсир кўрсатди.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Бухоро Ўрта Осиёда диннинг маркази бўлиб қолди. Вақфлар руҳонийларнинг энг муҳим даромад манбаига айланди. Ана шу даврга келиб вақф ерларининг миқдори анча кўпайди. Кезиб юрадиган дарвишларни боқиш учун амирнинг хазинасидан ҳар ойда маблағ ажратилар эди. Дарвишлар дин ақидаларига кўр-кўрона итбат этишни тарғиб қилишарди.

Самарқандда ҳам диний мутаассиблик кучайиб кетди. Шаҳарнинг шарқи-ғарбий қисми дарвишлар маҳалласи бўлиб, бу жой қаландархона деб аталарди. Художўй Бобо Хўжа Сафо Қаландар Самарқандий (XVII—XVIII асрлар) дарвишларнинг маънавий мураббийси эди, амирлардан Шоҳмурод ва Ҳайдар эса уларнинг ҳомийлари эди. Бу амирларнинг ўзлари мадрасаларда илоҳиёт ҳақида лекциялар ўқишарди. Шоҳмурод «Айни ал-ҳикмат» («Донолик манбаи») деган китоб ёзган.

Мадрасада таълим олаётган талабаларнинг ҳаммаси маълумот даражасига қараб уч группага бўлинарди. Ана шу группаларга қараб стипендия ва паёк ҳам ошириларди. Мадрасада хизмат қилиш ва белгиланган кунларда машғулотларга қатнашиш мажбурий эди. Хизматчилар ва ўқувчиларнинг келганлигини махсус кишилар ҳисобга олиб туришарди. Ўзриси сабабларга кўра хизматга ёки машғулотларга келмаган талабалар ўша қолдирган кунлар учун таъминотдан маҳрум қилинарди.

Барча хизматчилар ва мадрасада таълим олувчилар натура ва пул билан таъминланар эди. Юқори группанинг ҳар бир ўқувчисига ҳар ойда 45 мис динор ва ҳар йили 60 ман ғалла, қуйи группа ўқувчисига 25 динор ва йилига 30 ман ғалла берилар эди.

Мадрасанинг ўқув курсида тилшунослик, мантиқ, дин қоидалари, қонуншунослик (шариат) ҳодисаларнинг шарҳи ва Муҳаммаднинг ривоятлари тўғрисидаги таълимот бор эди. Ўқувчилар ҳисоб бўйича тўрт амални, алгебра ва геометриянинг бошланғич қисмини ҳам ўрганишарди. Ўқиш муддати қатъий белгиланмаган эди. 16 ёшдан бошлаб, 8 йилдан то 15 йилгача ва ҳатто 20 йил ўқитилар эди. Бинобарин, баъзи бир кишилар мадрасани 36 ёшда ва бундан ҳам катта ёшда тамомлаб чиқишлари мумкин эди. Синфларга бўлиниш йўқ эди. фанлар бўйича курс системаси жорий қилинган эди. Мадрасада жума ва пайшанба кунлари, рамазон ойи ва ёз фаслида уч ой каникулдан тақшари ҳар куни (эрта тонгдан кун botгунча) лекциялар ўқиларди.

Мактабнинг иккинчи тури — қуйи мактаб эди. Бу мактабларда 6 ёшдан 16 ёшгача (бошқа манбаларда 5 ёшдан 15 ёшгача) бўлган болалар саводга ўргатилар ва мусулмон дини руҳида тарбияланар эди.

Самарқандда ҳар бир маҳалла, ҳар бир гузарда мактаб бор эди. Яқин атрофдаги масжиднинг имомни ана шу мактабнинг домласи ҳисобланарди. Мактаблар ўқувчиларнинг ота-оналаридан йиғиладиган маблағ ҳисобига сақланарди. Бундай мактабларда ҳам ўқиш муддати белгиланмаган эди. Қизлар учун ҳам мактаблар бор эди.

XVII асрда китобларни безатиш ва ҳуснихат санъати бениҳоя юксак даражага кўтарилганди. Миниатюралар соҳасида Бухоро ва Самарқанд мактабларининг ўтган асрдаги анъаналари давом эттирилди. Самарқандлик миниатюрарассомлар, хаттот-муқовасозлар Мовароуннаҳрдагина эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам шўҳрат қозонган эдилар. Бўёқнинг ранг-баранглиги, расмнинг нозиклиги, ҳаракатни моҳирона бера билиш, кўп фигурали композицияларни яратиш санъатини XVI—XVII асрлардаги миниатюрарачилар яхши эгаллаб олишган эди.

Шайбонийхоннинг урушда кўрсатган мардлигини мадҳ этувчи «Фатҳнома» (Шоди томонидан ёзилган) дostonидаги етти миниатюра (doston 1502 ва 1507 йиллар ўртасида Самарқандда кўчирилган) ва «Ихтиёрати Бодии» деб аталган медицина-фармакология асаридаги 601 та миниатюра (Муҳаммад ибн Ҳусайн Мироқий Самарқандий томонидан кўчирилган) моҳирлик билан ишланган расмлар намунасидир.

Муҳаммад Мурод Самарқандий самарқандлик машҳур миниатюрарачилардан эди. Хаттот Ҳамадоний 1556 йилда Хоразм вилоятининг ҳокими Эшмуҳаммад учун Фирдавсийнинг «Шаҳнома» асарини кўчирган. Бу асарга берилган 115 та расм Мурод Самарқандий ижодининг ажойиб намуналаридандир.



Самарқандлик рассомлардан Муҳаммад Мурод билан Муҳаммад Нодирнинг Ҳиндистонга Акбар (1556—1604) саройига юборилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Муҳаммад Шариф Самарқандий 1616 йили Саъдийнинг «Бўстон» достонига ишлаган тўртта миниатюрадан биттасини чизган. Муҳаммад Дарвеш Самарқандий 1618 йили ўзининг «Достон Зебо-Зевар» асарида тўртта миниатюра ишлаган. Шарафуддин Али Яздийнинг 1628 йили Самарқандда таржима қилинган йирик «Зафарнома» асарида еттита миниатюра бор.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида дарвишларнинг ташвиқоти таъсири остида қадимий қўлёзмаларнинг миниатюраларини ваҳшиёна йўқ қилиш ҳоллари ҳам бўлди. Жаҳолатпараст мутаассиблар одамларнинг тасвирларини ўчириб ташлар ёки улар устига хунук гулли нақшлар солар эдилар.

Қўшиқлар, ҳикоялар ва эртақларда оммавий халқ ижоди намоён бўлди. Халқ театри санъати кенг ривож топди. Икки типдаги театр бор эди. Биринчи типдаги театрлар сайёр артистлар (акробатлар ва жанглёрлар, дорбозлар, раққослар фокусчилар, айиқ ва эчкиларни ўргатувчилар)нинг кўча-кўйда кўрсатадиган томошаларидир. Қизиқчилик-аскиябозлик халқ театрининг энг ёрқин тури эди. Тўйлар, байрамлар сайёр созандаларсиз ўтмас эди. Халқ театри артистлари, шу жумладан, созандалар ва хонандалар созанда деб аталган уюшмани ташкил этишарди.

Театр томошаларининг иккинчи типини — қўғирчоқ театрлари бўлиб, бу театрлар XVII асрнинг охиридан бошлаб тез ривожланди. Қўғирчоқ театрининг икки тури: қўл қўғирчоғи ва чодирхаёл бор эди. Ана шу театрларнинг артистлари ўз чиқишларида қозилар, рўхонийлар ва маъмурият найранглари танқид қилишарди.

Музыка маданияти юксак даражада эди. Манбаларда ўнлаб ажойиб ижрочи-созандалар, композиторлар, музыка назарияси билимдонларининг номлари тилга олиб ўтилади. Музыка билан профессионал созандаларгина шуғулланиб қолмай, олимлар, шoirлар, рассомлар ва умуман барча маърифатли кишилар ҳам музикани кадрлар, кўпинча ўзлари бирор музыка асбоби чалар, бирор композиция билан шуғулланар ёки, ҳатто, музыка назарияси бўйича рисоалар ҳам ёзарди. Масалан, машҳур тарихчи ва шoirлар Биноий, Ҳофиз Таниш, шoirлардан Лутфий, Ҳасан Ансорий, ҳатто Маҳмуд Исҳоқ, табиб мавлоно Ҳасан Самарқандий ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Ўн икки мақом» деб аталган музыка назарияси бўйича кўпгина рисоаларнинг муаллифи мавлоно Қавкабий, музыка назариясига оид рисоаларнинг муаллифлари Хўжа Муҳам-

мад ибн Абдулҳасан Самарқандий, Дарвеш Алилар музика соҳасида йирик назариячилар эди.

XV—XVI асрларда Темурийлар ҳукмронлигининг инқирозга юз тутишига ва Мовароуннаҳрда Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилишига олиб келган сиёсий воқеалар ўша даврдаги маҳаллий архитектуранинг ривожланишига ва унинг «Навойи даври»да қарор топган анъаналарига таъсир кўрсатмади. Самарқандда XVI асрнинг дастлабки ўттиз йили мобайнида пойтахт Бухорога кўчирилгунга қадар кўпгина қурилиш ишлари амалга оширилди. Шаҳар ичида кўпгина ҳашаматли бинолар қад кўтарди; шаҳар атрофининг шарқий қисмида янги маҳалла (Нав) пайдо бўлди. Бу ерда Самарқанд зодагонларининг боғлари жойлашган бўлиб, улар орасида Дили Афрўз боғи ўзининг гўзаллиги билан айниқса шуҳрат қозонган эди. Шу даврда барпо этилган кўпгина қурилишлардан ҳозиргача йирик суғориш иншооти — Зарафшондаги сув тақсимлагичгина (1502 йил) сақланиб қолган. Бу сув айиргич Зарафшон сувини асосий ўзан Қорадарё ва Оқдарёга тақсимлаб берган. Сув тақсимлагичнинг мустаҳкамлиги, дарёларнинг асрлар давомида кучли сув тошқинларига бардош бера олиши — ўзбек усталарининг юксак инженерлик санъатидан далолат беради.

Шайбонийхон даврида Регистондан шимолроқда Олия хония мадрасаси қурила бошлади. Замондошларининг сўзларига қараганда, «бу мадраса умид майдони сингари кенг ва осмон гумбазидек баланд бўлиши керак эди». Шайбонийхон 1510 йилда Мавр яқинидаги жангда ҳалок бўлгандан кейин, унинг боши қирқилган танаси Самарқандга олиб келинади ва мадраса ҳовлисидаги кулранг мрамрдан ишланган баланд супага дафн қилинади. Бинонинг қурилиши унинг ўғли Темур Муҳаммад Султон (у 1514 йилда вафот этган) томонидан давом эттирилади ва унинг рафиқаси Меҳр Султонхоним томонидан ниҳоясига етказилади. Меҳр Султонхонимнинг фармониغا кўра, Олия хония мадрасасининг шимол томонида композицияси жиҳатидан шунга ўхшаш ва ўшандай ҳашаматли бўлган Хония мадрасаси қад кўтаради. Бу икки бино ложувард ва зарҳал кошинлар билан безатилган жуда катта пештоқ билан бирлаштирилган эди.

Мадраса супасида, аниқроғи дахмада самарқандлик Шайбонийларнинг авлод-аждоди дафн этилган XVIII асрда иккала мадраса ҳам бузилган, сўнгра XVIII асрнинг охирида Олия хония мадрасаси қисман тикланган. Лекин 1874 йилда шу ердан кўча ўтказилиши муносабати билан бино бузиб ташланган, дахма эса бошқа жойга кўчирилган (бизнинг давримизда дахма Регистон районида жойлаштирилган).

Вақфномадаги муборакбодда Самарқанднинг Шайбонийлар мадрасаси тўғрисида бундай дейилган: «бу икки мадра-

са Миср эҳромлари сингари баҳайбат бўлиб, эгизаклар сингари бир-бирига ўхшаш, сеvimли қизнинг икки юзи сингари қалбни қувонтиради., дарҳақиқат, Самарқанд давлатининг шухратини оширишга хизмат қилади». Ана шу мадрасалар Регистондан тортиб Оҳанин дарвозасигача чўзилиб кетган улўғвор қурилиш (унинг бир чеккасида катта-катта мадрасалар, хонақолар ва Улуғбек карвон саройи, иккинчи чеккасида эса Темурнинг Жоме масжиди ва Сарои Мулкхоним мадрасаси қад кўтариб турган) таркибига кирганини назарда тутсак, у вақтда Шайбонийхон ва Меҳр Султонхоним мадрасалари яхлит бир архитектура ансамблини ташкил этганини тушунтириш қийин эмас. Вақфномада иккита умумий ҳашаматли пештоқ билан бирлашган икки мадрасанинг ўзига хос композициясининг кўрсатилиши XVI асрда Ўрта Осиё меъморчилигида ҳормай-толмай янги композициялар қидирилганидан далолат беради.

XVI асрнинг дастлабки чорагида Регистонни кенгайтириш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилди. Бу ерда, асосий бозорнинг марказида Хўжа Муҳаммад Чоп бозор комплекси пайдо бўлди, бозор майдони ёнида эса эркаклар жамоат ҳаммоми қад кўтарди. Яқин вақтгача ишлаб келган Самарқанддаги кўп гумбазли ҳаммом ўша ҳаммомнинг қолдиқлари бўлиши эҳтимол; бу ҳаммом бир неча марта ремонт қилинган, аммо унинг плани, пойдевори ва иситиш қурилмалари системаси XVI асрдан мерос қолган бўлса керак.

Ўша вақтда ҳукмронлик қилган Кўчкинчихоннинг фармойишига кўра, 1529—1530 йилларда Кўкалтош жоме масжидида яхлит мрамор плитадан йўнилган янги минбар ўрнатилди.

Тахминан ўша вақтда масжид яқинида, Регистон майдонининг жануб томонида Улуғбек даври ансамблини тўлдирувчи яна бир катта бино қад кўтарди. Бу Кўчкинчихоннинг ўғли Абу Саидхон қурдирган мадраса эди: бу мадраса самарқандлик Шайбонийлар сағанасининг гумбаз шаклидаги залини ўз ичига олар эди. «Кўк гумбаз» номининг ўзи мадраса композициясида сағананинг кўк гумбази асосий роль ўйнаганлигини равшан кўрсатиб турибди. Асосий ойна деворларининг ер тагида қолиб кетган қолдиқлари «Чилдухторон» номи билан XX асрнинг бошларига қадар сақланди. Ажойиб тарзда ўйиб ишланган ва қабр устига қўйилган тошларга ёзилган хатлар бу ерда Кўчкинчихон (1531 йилда ўлган) ва унинг уч ўғли ҳамда уч набираси дафн этилганидан далолат беради. Улар орасида мадрасани қурган Абу Саидхон (1533 йилда ўлган) ҳам бор. Кулранг-қора тошдан ўйиб ишланган ва ажойиб ўйма нақшлар солинган унинг бу қабр тоши ҳозир Самарқанд музейида сақланмоқда.

Тошнинг материалли ва унга ишлов бериш усули Ҳиротдаги Темурийлар қабр тошларига яқин; қабр тошларини тайёрлаш учун ҳиротлик ўша моҳир усталардан бири жамб этилган бўлса керак. Форс қизилбошларнинг Ҳиротда қилган бебошликларидан кейин, уларнинг кўплари Мовароуннаҳрга кўчиб кетишган эди.

Чилдухторон плани, безатилиши жиҳатидан Ишратхона ва Оқсаройнинг архитектура композициясига ва бадний безатилишига жуда яқиндир. XV асрнинг иккинчи ярмидаги Самарқанд архитектура мактабининг принциплари бу ерда янада давом эттирилганлигини кўрамай.

1533—1534 йилларда Мироқ Латифнинг фармойишига асосан, Абу Саидхон мадрасасининг рўпарасида катта жамоат ҳовузи қурилди. Шундай қилиб, Регистон композициясига катта ҳовуз ҳам қўшилади.

Давлат пойтахти Бухорога кўчирилгандан сўнг Шайбонийлар Самарқандда қурилиш ишларини олиб боришга эътибор бермай қўйдилар. Расмий тарихий ёзувларда 1581 ва 1587 йилларда Абдуллахон биноларни ремонт қилиш тўғрисида фармойиш чиқарганлиги айтилган бўлса ҳам, лекин XVII асрга онд Самарқанд манбалари ҳақиқатни кўрсатиб беради. Бу манбада Абдуллахон, аксинча, баъзи биноларни бузишда айбдор эканлиги айтилади. Қандай бўлса ҳам XVI асрнинг охирига келиб Улуғбек хонақоси ва Қўқалдош жоме масжиди ярим бузилган ҳолда бўлган. Бу эса Регистон майдонида қарор топган архитектура ансамблининг яхлитлигига путур етказмаслиги мумкин эмас эди.

XVII асрга келиб Самарқандда қурилиш ишлари яна жонланиб кетади. Аштархонийлар даврида қудратли вазир Имомқулихон Нодир девонбеги ташаббуси билан баъзи қурилишларга қўл урилди. Унинг фармони билан Самарқанднинг жанубий қисмида Намозгоҳ масжиди қад кўтарди. Масжид узунасига кетган, уч томонидан равоқлар билан очилган ва фақат жануби-ғарб томондан бекилган эди. Бу томонда меҳроб жойлашган эди. Бинонинг марказида кошнлар билан ишланган баланд гумбаз бор эди.

1630—1631 йилдан 1635—1636 йилгача Нодир девонбеги топшириғига биноан, Хўжа Аҳрор мазори ёнида мадраса қурилди. Мадраса меъмор Дўстмуҳаммад раҳбарлигида бунёд этилди; Хўжа Ҳошим номли киши қурилиш учун жавобгар бўлган. Бу ёдгорликнинг мозаикадан ишланган паннога битилган шеърларда «улуғвор бино» баландлиги «нур сочиб турган ойгача» етади деб айтилса ҳам, мадрасанинг ҳажми унча катта эмас ва тузилиши жиҳатидан ўша даврдаги биноларга ўхшарди. Бинога асосий кириш йўли қуббали айвонлари бўлган чорқирра ҳовлига олиб боради. Ҳовлининг атрофи

бир қаватли ҳужралар билан ўралган. Ҳовлининг юқори қисмида масжид ва дарсхоналар жойлашган. Буларнинг усти қубба шаклидаги томғар билан ёпилган. Бироқ бу ердаги қолган хоналар бир қолипда ишланган. Ишлатилган ғиштлар ва ўйма нақшли кошинлар сифати у қадар юқори эмас.

Самарқанднинг жанубий чеккасида дарахтлар ва ўтлар ўсиб ётган кичкина қабристонда Абди Берун мақбараси бор. Бу мақбара XVII асрда қурилган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, бу даврда дахмалар қуриш камдан-кам учрарди. XVI асрда бундай дахмалар деярли қурилмас эди, чунки кўзга кўринган ҳокимлар ва руҳонийлар ўша вақтда мадраса ва хонақолар ёнига дафн этиларди. Абди Берун мазориде мутаносиб пештоқлар мавжуд.

Ялангтўш Баҳодир фармони билан Регистонда қурилган иккита ҳашаматли иншоотда юқорида санаб ўтилган қурилишлардагига нисбатан ижодий тафаккур ўсганлиги кўриниб турибди.

Ўрта Осиёдаги вилоят ҳокимларининг сепаротизми авж олган ва марказий хон ҳокимияти заифлашган бир пайтда кучли ўзбек уруғларининг роли анча ошди. Имомқули томонидан Самарқанд ҳокими қилиб тайинланган Ялангтўш Баҳодир урушларда эришган ғалабалари билангина эмас, балки енгилганларни қаттиқ жазолаши билан ҳам танилган ҳарбий саркарда эди.

Шердор мадрасаси (1619—1635/36 йиллар) Улуғбекнинг бузилган хонақоси ўрнида Улуғбек мадрасаси қаршисида бунёд этилди. Унинг фасади Улуғбек мадрасаси фасади билан асосан бир хил. Бу биноларнинг плани бир-бирига ўхшаш, лекин бир хил эмас. Шердорнинг тўрт айвонли квадрат шаклидаги ҳовлиси икки қаватли ҳужралар билан ўраб олинган (ҳужралар сони 52 та). Ҳовлининг бурчакларида дарсхоналар жойлашган, лекин бу ерда масжиднинг зали йўқ, жануби-ғарбий дарсхона эса зиёратхона ҳисобланган. Унга ташқи томондан имом Жаъфар мазори туташиб кетган. Шердор мадрасаси фасадидаги миноралар ҳам Улуғбек мадрасасиникига ўхшаш тик, бироқ орқа томондаги фасадлар бурчаги гулдаста миноралар билан ўралган. XVII асрга келиб, майдон сатҳи маданий қатламларнинг тўпланиши туфайли XV асрдаги дастлабки сатҳидан икки метр баланд кўтарилган. Бунинг натижасида бирмунча пасайган Улуғбек мадрасаси композицияси қисқарган. Шердор мадрасаси ҳам Улуғбек мадрасасининг қисқарган композициясидек қилиб бино этилган.

Мадраса фасадининг композицияси тик миноралардан ва улкан пештоқлардан иборат бўлган. Бу биноларни архитектура жиҳатидан безашда сирланган ғиштлар, ўйма нақшлар,

мармар тахталардан фойдаланилган. Буларнинг ҳаммаси юксак дид ва техник томондан юқори даражада ишланган. Бу мадрасанинг тузилиши ва безаги Улуғбек мадрасасиники билан умумий бўлса ҳам, Шердор мадрасаси қурувчилари бунга бошқача бадиийлик беришга ҳаракат қилган, унинг нақшлари бошқачароқ қилиб ишланган. Нақшлар бутун архитектура юзаларини қоплаган. Уларда гоҳ йирик геометрик ва ёзув нақшлари, гоҳо эса гулларни тасвирлайдиган ингичка чизиқлар ёки сулс ёзувларига ўхшаш ёзувлар намоён бўлади. Пештоқ аркининг токчалари айниқса ажойиб ишланган; уларнинг ҳар бирида дарахтлар орасидан ҳамла қилиб турган шер тасвири солинган бўлиб, унинг орқасидан қуёш нури сочилиб турибди. Буларнинг ҳаммаси натурализмдан йироқ, шубҳасиз символик маънога эга. Мадрасага халқ томонидан «Шердор» деб ном қўйишнинг ўзи ҳам «шерлари бор» деган маънони билдиради.

Мадраса ҳовлисининг декоратив безалиши ҳам унинг фадади сингари бой ва хилма-хилдир. Бу ердаги гулдонлар ва катта гулдасталар билан ишланган мозаик панно ҳамда айвон равоқларидаги кошнлар ажойибдир. Шоир мавлоно Шерхўжа шеърлари мадраса деворларига ёзилган. Уларда Ялангтўш Баҳодир кўкларга кўтариб мақталади. «У шундай мадраса қурдики, натижада ер гумбазига етди. Унинг баланд пештоқига тоғ бургути ўз ақл қудрати ва моҳир қанотлари билан йиллаб учса ҳам ета олмайди. Фикрнинг энг моҳир устаси ҳам фантазия арқони бўйлаб унинг миноралари чўққисига асрлар мобайнида ета олмайди. Меъмор бино пештоқи арklarини шундай аниқ ва тўғри бирлаштирганки, осмон уни янги ой деб фаҳмлаб ҳайратдан бармоғини тишлаб қолган...». Мадраса деворларига битилган ёзувларда уни яратган таланти меъморлар—меъмор Абдулжаббор ва ўймакор Ҳасан Самарқандий номлари ҳам эслатилган.

Ялангтўш Баҳодир Тиллакори мадрасасини (1646/47—1659/60) умрининг сўнги йилларида барпо этган. Бу вақтда келиб, Самарқанднинг ҳар икки Жоме масжиди хароб қолга келиб қолган эди. Бинокорлар олдида бир бинонинг ўзида мадраса ва жума масжидини мужассамлаштиришдек мураккаб вазифа турарди. Меъморлар уни асиметрик план асосида қура бошладилар. Улар мадрасанинг уч томонида ҳужраларни, ҳовлининг ғарб томонида қишки масжид биносини жойлаштирдилар, лекин бунда асосий икки қаватли фасаднинг симметриясини сақлаб қолдилар. Мадраса ҳовлиси диний йиғинлар учун мўлжалланган. Қишки масжид тўғри бурчакли устунларга ўрнатилган кўп гумбазли галерея шаклида; унинг марказида меҳроби бўлган асосий монументал бино жойлашган. Унинг тик пештоқи ҳовлига қараган бўлиб,

мураккаб сталактит гумбазлар билан ёпилган. Деворлари, дарчалари ва интерьер қуббалари пастдан то шифтгача кундал услубида туширилган гулли расмлардан иборат. Бу ёзувларга тилла суви юритилганлиги учун ҳам мадраса «Тиллакори» деб аталган. Ташқи гумбазнинг улкан цилиндрик қисми қуриб битказилган бўлса ҳам, поёни етказилмаган, Тиллакори мадрасасининг безаклари Шердор мадрасасиникидан бирмунча фарқ қилади. Сирланган ғиштлардан солинган нақшлар бирмунча майда бўлиб, қўшув аломатини тасвирловчи кесишган чизиқлардан иборат. Кесиб ишланган мозаика плиталарида қўнғир-яшил ва сариқ рангларнинг ишлатилганлиги анча ёқимсиз таассурот қолдиради.

Тиллакори — қадимий Самарқанд классик архитектура-сининг ажойиб босқичини яқунлайди. Бу ёдгорликнинг бадиний қиймати унинг ўзи туфайли эмас, балки бу бинони барпо этиш билан Самарқанднинг Регистон майдонидаги ажойиб монументал ансамбль ўзининг ниҳоясига етганлигидадир. Бу ансамбль кўрки ўшандайлигича бизнинг кунларимизгача етиб келди.

Шоҳмурод (1785—1800) Самарқанд мадрасаларини тиклашда қатнашди. Жумладан, у 1455/56 йилда қурилиб, «Мадрасаи сафед» («Оқ мадраса») номини олган икки қаватли Хўжа Аҳрор мадрасасини қайта қурди. У Самарқанднинг жанубий қисмида, шаҳарнинг Сўзангарон дарвозасига олиб борадиган катта кўчанинг ғарбий қисмида жойлашган. Бу бино Кўкалдош мадрасасининг қурилиш материаллари ҳисобига ремонт қилинди. Шайбонийхон ва Улуғбек мадрасалари ремонт қилинди ва тикланди, қалъа ва шаҳар деворларининг бузилган қисмлари ҳам қайта тикланди. Ана шу даврда Чортоқ биноси — арк-гумбаз тармоғи (Шоҳизинда мақбараси зинапоясининг тепа қисмида), шунингдек, Ёздаҳим мақбараси қурилди.

XVIII асрнинг 90-йилларида Шердор мадрасасининг шиоли-шарқий бурчагида қад кўтарган Тим (Чорсу) граждан типиди қурилган ажойиб ёдгорлик намунаси дир. Чорсу олти бурчакли бинодан иборат бўлиб, унинг марказида баланд гумбаз ва ундан ажраладиган олти йўлак бор. Булар шаҳар дарвозалари: Бухоро, Қаризгоҳ, Сўзангарон, Феруза, Оҳанин ва Ҳайдарободга қараб кетади. Самарқанднинг олти асосий дарвозаси Темур даврида ана шундай деб аталган эди.

Тим бош кийимлар сотиш бўйича марказий бозор — «тими телпакфурушон» ҳисобланарди. 1812—1813 йилларда Шоҳизинда ансамблида: кираверишдан чап томонда масжид, ўнг томонда бир қанча маҳкама бинолари ва Самарқанд ҳукмдори Давлатбий қушбеги томонидан кичкина мад-

раса қурилди. 1814 йилда Улуғбек мадрасасининг олд томонидаги иккита ташқи эшик янгидан тайёрланди ва ажойиб ўймакорлик билан ишланди. Юз йилдан буён турган бу эшиклар 1909 йилда бошқаси билан алмаштирилди. Уларнинг иккитаси 1923 йилда тайёрланган бўлиб, ҳозир Самарқанд музейида сақланмоқда. Бу мадрасани ремонт қилиш 1817 йилгача ҳам давом этган, кираверишдаги деворнинг ташқи қисмини ганч билан ишланган вақтдаги сана бундан далолат бериб турибди.

Ана шундай 1817/18 йилдаги (1234 ҳижрий йили) қаттиқ зилзила Улуғбек мадрасасининг минорасига таъсир қилди, Тиллақори мадрасасининг асосий киравериш жойи бузилди, унинг тепа қисми янгидан тикланди, аммо энди нақш солиб ишланмади. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Самарқандда кўпгина уй-жой бинолари, маҳалла масжидлари, дўконлар, устахоналар қурилди ва бузилган эски бинолар қайтадан ремонт қилинди. Гарчи маҳит, хонақо ва мадрасалар қурилиши давом эттирилган бўлса ҳам, аммо у ўзининг ҳашаматини, юқори техника ва бадий сифатини йўқота борди.

XVIII асрнинг охирида Самарқандга кўчирма қилиш туфайли келган аҳоли орасида меъморлар ҳам бўлган эди, улар ўзларининг қуриш анъаналарини сақлаб қолган эди. Шунинг учун XVIII асрнинг охирида Самарқандда қурилган 24 та янги гузарда қурилган уй-жойлар яхлит эмас эди: бу ерда Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона ва бошқа типдаги уй-жой бинолари бор эди. Кўчиб келган бинокор усталар орасида Култэпа қишлоғидан (Ўратэпага яқинроқ жойда) келган кишилар ҳам бор эди. Улар Култэпа маҳалласини ташкил қилишди (ҳозирги Бухоро кўчаси) ва ўз архитектура мактабини яратди.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Самарқанд уй-жойини планлаштиришда бир хонали ёки кичкина айвони бўлган икки хонали уйлар кўпроқ қурилди. Бир хонали айвон уйнинг четига туташарди. Ганчга ўйиб ишлаш ва шипга ҳамда деворларга расм солиш самарқандликлар уйларига хос бўлган характерли белгилардандир. Ўймакорлик ва расм солиш анча кенг тарқалган бўлиб, жуда қизиқарлидир. Кўпгина уй-жойлар пахсадан ва хом ғиштдан квадрат ва тўғри шаклда қурилар эди. Катта биноларни қуришда пишиқ ғиштдан фойдаланишарди. Қамбағаллар пахса деворли ва ойнасиз ярим кулбаларда яшар эдилар. Уларнинг деворлари дағал сомон лой билан сувалган, бадавлат кишилар уйларининг деворлари эса ганч билан сувалган эди.

Н. В. Ханиковнинг тасвирлашча, Самарқанд 1814 йилда нишон туйнуқлари бўлган баланд-баланд пахса деворлар,



буржлар ва олтига дарвоза билан ўраб олинган, кечаси шаҳарга кириш ва шаҳардан чиқиш ман этилган эди. Шаҳар деворларининг узунлиги 13,9 км, умумий майдони эса 10,4 км<sup>2</sup>ни ташкил қиларди. Самарқандда кўпгина боғлар, ариқлар ва ҳовузлар, иккита карвон сарой ва учта ҳаммом бор эди. Арк шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, икки дарвозаси бўлган ва узунлиги 3,2 км келадиган девор билан ўраб олинган эди. Аркнинг ичида казармалар ва ёпиқ галереяли хон саройи бўлган.

## МУСТАМЛАКА ДАВРИДА САМАРҚАНД

## 1. САМАРҚАНДНИ ҚЎШИБ ОЛИШ ОҚИБАТЛАРИ

1868 йилда Самарқанд Россияга қўшиб олинди. Кейинчалик Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари бирлаштирилиб, Зарафшон округи тузилди. Сўнгра бу округга Панжикент ва Зарафшон водийси юқорисидаги тоғли районлар қўшилди.

1868 йил июль ойининг биринчи ярмида тузилган ва генерал-губернатор Кауфман томонидан тасдиқланган Зарафшон округини бошқариш тўғрисидаги «Муваққат низом (қоида)» дарҳол кучга кирди.

«Муваққат низом»нинг 1-параграфига мувофиқ, алоҳида Зарафшон округи расмий жиҳатдан Россия империяси составига кирмас, лекин Туркистон ўлкасининг бошлиғига бевосита бўйсунар эди. Округнинг икки бўлими — Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимлари, ўртасидаги чегаралар Самарқанд билан Каттақўрғон бекликлари ўртасидаги мавжуд чегаралар асосида белгиланган эди.

«Муваққат низом» бу ерда чор маъмуриятини тузиш билан бир қаторда, «нуфузли маҳаллий кишиларни рус ҳокимиятига боғлиқ қилиб қўйиш» мақсадида оқсоқоллар ва аминларни қолдириб, бошқаришнинг эски системасини қисман сақлаб қолишни кўзда тутар эди. Бошқаришнинг барча органлари ва вазифалари — маъмурият, полиция, солиқлар ва йиғинларни ундириб олиш, аҳолининг даъволарини кўриб чиқиш, суд ишлари генерал Головачев ўрнига тайинланган округ бошлиғи генерал Абрамовнинг ихтиёрига бериб қўйилган эди.

1868 йил сентябрида Зарафшон округи ҳарбий губернатори ҳузурида маҳкама тузилди. Бу маҳкама дастлабки вақтларда фармойиш берувчи, хўжалик ва бухгалтерия бўлимларидан иборат эди. 1869 йилдан бошлаб эса фармойиш берувчи ва хўжалик бўлимлари қолди.

Алоҳида Зарафшон округи ташкил этилгандан кейин округ ва унинг икки бўлимининг аниқ чегараларини белгилаш

учун генерал Абрамов раислигида комиссия тузилди. Комиссиянинг таклифига биноан, Самарқанд бўлими аҳоли яшайдиган 11 пунктни ўз ичига олган уч райондан иборат эди, Каттақўрғон бўлими эса битта райондан иборат бўлиб, унинг составига 16 қишлоқ кирар эди. Бўлимларни ташкил этиш ва уларни чегаралаш ишлари ана шу районларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда чор амалдорлари томонидан ўзбошимчалик билан ўтказилди.

Районлар ва бўлимлар ўртасидаги аниқ маъмурий ва территориал чегаралар бўлмаганлигидан аҳолининг манфаатларига путур етарди, чунки аҳоли баъзан икки марта солиқ тўлашга мажбур бўлар эди. Солиқ тўловчиларга маош ўрнига мукофот тариқасида йиғилган пулнинг умумий миқдоридан 5—10 процент берилар эди; шунинг учун ҳам улар солиқ тўловчилардан кўпроқ пул ундириш мақсадида суниестемолга йўл қўйишар эди.

Бўлимларнинг маъмуриятига бошлиқлар раҳбарлик қиларди, ҳарбий кучлар ҳам уларга итоат етарди. 1869 йилдан бошлаб Самарқанд бўлими бошлиғининг бу ҳуқуқи бекор қилинди ва зарур ҳолларда у округ ҳарбий генерал-губернатори орқали иш кўрадиган бўлди.

Зарафшон округини бошқариш тўғрисида 1868 йилда чиқарилган «Муваққат низом» Самарқандни бошқариш органларини тузишни кўзда тутмас эди; шунинг учун Самарқанд бўлим бошлиғига бўйсунар эди. Самарқанд бўлимининг бошлиғи ҳузурида махсус хўжалик ва жамоат бошқармаси ташкил этилган бўлиб, бу бошқарма 1867 йилги «Низом» лойиҳасига асосан Тошкентда тузилган шаҳар маҳкамасига бир оз ўхшаб кетар эди. Шунга қарамай, Самарқанд алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажралиб чиқмаган, юқорида эслатиб ўтилган хўжалик-маъмурий бошқарма органлари Самарқанд бўлими бошлиғи ёрдамчиларидан бирининг раҳбарлиги остида иш олиб борар эди. 1887 йилда бу бошқарма органлари тугатилиб, шаҳар ҳокимиятининг барча вазифалари Самарқанд уездининг ихтиёрига топширилди.

1886 йил 12 июнда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»нинг қабул қилиниши билан Зарафшон округи Самарқанд областига айлантирилди, округ бошлиғи лавозими эса тугатилди.

1887 йил январда Самарқанд области тўрт уездга: Самарқанд, Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззах уездларига (Хўжанд ва Жиззах уездлари Сирдарё области составидан олиб берилди) бўлинди. Самарқанд областнинг маркази бўлиб қолди.

Подшо ҳукумати Туркистонда аста-секин бошқариш органларини туза бориб, Ўрта Осиё халқларини сиёсий ва маданий қолоқликда тутиб туриш мақсадида Бухоро амирлиги

Ўски феодал-давлат иерархия ҳокимиятининг баъзи органларини сақлаб қолди ёки унинг кўринишини бир оз ўзгартирди.

Қозилик судлари феодал давлат аппаратининг ана шундай органларидан бири эди. Чор маъмурияти уни деярли ўзгартирмай қолдирди, фақат буни округ бўйича ўрнатилган режимга мослаштирди, холос. Бу ўзгартиришлар сайлаб қўйишни жорий этишдан, «халқ судьялари» съездларини чақиритишдан, қозилик судлари чиқарадиган ҳукмлар (қарорлар)нинг жазолари доирасини чеклаб қўйишдан иборат эди. Тайинлаб қўйилиши муайян даражада сайловчиларга боғлиқ бўлган қозилар ўзларининг илгариги мавқеини секин-аста йўқота бошлади. Улар даромад олиш, бойлик орттириш манбаи бўлган ўз лавозимларини сақлаб қолиш учун сайловчилар ва чор амалдорлари ўртасида ифво тарқатиш, уларни сотиб олиш тактикасини қўлладилар.

Рус аҳолиси учун уезд судьялари лавозими жорий этилди. Уларнинг ваколати ва иш ҳажми ҳам Европа Россиясидагидек эди. Уезд судьялари 1887 йил 1 январгача ишлаб келди. 1886 йил 12 июнда қабул қилинган низомга асосан, уезд судьялари Самарқанд областининг уездларида ҳам, шаҳарларида ҳам келиштирувчи судьялар билан алмаштирилди.

1889 йил 14 майда чиқарилган циркулярга асосан область бошқармасига бўйсунувчи Самарқанд область суди Самарқанд округ судига айлантирилди ва Россия империясининг бошқа губерналарида қўлланилган Суд уставининг умумий асосларига мувофиқ иш олиб борди.

Маҳаллий миллат аҳолисига ўз ишларининг рус судида кўриб чиқилиш ҳуқуқи (икки томон ҳам рози бўлган тақдирда) берилди. Аммо кўпинча суд тегишли қарор қабул қилмай, балки ҳарбий губернатор ёки уезд бошлигининг маъмурий аралашуви билангина кифояланиб қўя қоларди. Ҳарбий губернатор ёки уезд бошлиғи кишиларни суд ҳукмисиз ҳам турмага қамаб қўяр ёки уларни Сибирга сургун қилар эди. Баъзан маҳбуслар ана шу тартибда турмалардан ҳам озод қилинар эди.

Шунга қарамай, янги система Самарқанд ва унинг округи учун Бухоро амири ҳукмронлик қилган даврдаги суд ва маъмурият системасига қараганда бирмунча прогрессив эди, чунки амирнинг қонли зулми ва оғир истибдоди ҳаммага яхши маълум эди.

Ўрта Осиёда қулга эгалик қилиш ва қул савдосининг ман этилиши Самарқанднинг Россияга қўшиб олинишининг муҳим социал оқибатларидан биридир. Ана шунга қадар Бухоро ва Самарқанд қул савдоси авж олган асосий бозорлар ҳисобланарди.

Бир қанча манбалардаги маълумотларга қараганда, қул меҳнатидан уй-рўзғор ишидагина эмас, балки қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилар эди. Масалан, Самарқанднинг Россияга қўшилиши арафасида каттақўрғонлик йирик феодал Алимбойнинг ихтиёрида 500 га яқин қул ишлар эди. Туркистон, шу жумладан, Самарқанд империя составига қўшиб олинганидан кейингина рус маъмурларининг талабига кўра бу қуллар озод қилинди.

Қулчилик ва қул савдосининг бекор этилиши Россия билан Бухоро амирлиги ўртасида 1868 ва 1873 йилларда тузилган шартномалар билан мустақкамланди. 1873 йил 28 сентябрда қабул қилинган шартноманинг 18-моддасида бундай дейилган эди: «инсонпарварлик қонунларига зид бўлган одамлар билан савдо қилишдек шармандали ишлар бундан буён Бухоро амирлиги территориясида абадий тўхта-тилади». Амир, бекларнинг зиммасига шартноманинг ана шу қондасига қатъий риоя қилиш вазифаси юклатилади.

Россияга қўшилиш билан Ўрта Осиёда доимо давом қилиб келган ўзаро урушларга чек қўйилди, бундай урушлар меҳнаткаш халқнинг аҳволига оғир таъсир кўрсатар эди.

Россия Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам прогрессив таъсир кўрсатди. Самарқанд бутун Туркистон сингари Россия иқтисодий ривожланишининг умумий оқими-га анча тез интила бошлади. Буржуа муносабатлари аста-секин шаҳар экономикасига кириб бора бошлади; айни вақтда феодал-патриархал муносабатлар тобора емирила борди.

Бироқ дастлабки ўн йилликлар давомида феодал муносабатлари ўз ишлаб чиқаришининг натурал характери билан шаҳар ва областда ҳали анча кучли эди. Бундай ҳол шаҳар аҳолисининг ўсишига тўсқинлик қиларди. Чунки шаҳар аҳолисининг Самарқанд области аҳолисининг умумий сонидаги салмоғи 1868—1870 йилларда атиги 1,3 процентни, 1897 йилда эса 15,7 прцентини ташкил қиларди. Шунга қарамай, ижтимоий меҳнат тақсимои шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсишидаги баъзи ўзгаришлардан далолат берарди; Закаспий темир йўли очилганидан кейин бу ўзгариш айниқса сезиларли бўлиб қолди.

Статистикада (1897 йилги аҳоли рўйхати материалларидан ташқари) аҳолининг машғулотлари тўғрисида ноаниқ, кўпинча қарама-қарши бўлган маълумотлар бор.

1870—1872 йилларга доир маълумотларга қараганда, Самарқандда кўпи билан 20 минг аҳоли яшар эди. Аҳолининг ўндан бир қисмини имтиёзли синф вакиллари ташкил қиларди; аҳолининг қолган қисмини эса деҳқонлар, хунармандлар ва маълум иш билан шуғулланмаган кишилар ташкил этар эди. Замондошларнинг айтишларига қараганда, 6 мингдан зиёд киши оч ва қашшоқ кун кечирар эди.

Россия империясининг 1897 йилги умумий аҳоли рўйхати-га кўра, Самарқанд областининг аҳолиси 860021 киши бўлган. Маҳаллий миллат аҳолиси 97,67 процентни ташкил қилар эди. Областнинг умумий аҳолисидан 194608 киши, шу жумладан, 5545 хотин-қиз турли ишларда ишларди. Областдаги 147534 та хўжаликдан 17149 таси ёки барча хўжаликларнинг 11,9 проценти ёлланма ишчига ёки хизматкорга эга эди. Самарқанднинг ўзида 55128 киши яшаб, шулардан 23394 нафари хотин-қизлар эди. 19735 эркак ва 1883 хотин-қиз турли ишлар билан банд эди. Шаҳардаги 8798 хўжаликдан 1053 таси (11,94 проценти) ёлланма ишчига ёки хизматчига эга эди.

Самарқанд областининг 1897 йилдаги бутун аҳолисини қуйидагича тақсимлаш мумкин (умумий сонга нисбатан процент ҳисобида): қишлоқ хўжалигида ишловчилар — 80,1, савдо-саноатда ишловчилар — 15,4, унумсиз ишларда банд бўлганлар — 4,5. Бу маълумотлар XIX асрнинг охирида ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнининг кучайганлигидан далолат беради. Айни вақтда улар умуман Туркистон ўлкаси сингари Самарқанд области ҳам бир томонлама — капиталистик Россия учун асосан хом ашё етказиб берадиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (пахтачилик) ҳисобига ривожланиб борганлигини тасдиқлайди.

Чоризмнинг аграр сиёсати ерга бўлган хусусий мулкчиликни мустақкамлаш мақсадида амалга оширилар эди. 1913 йилда областда суғориладиган барча ерларнинг қарийб 90 проценти хусусий ер эгалари қўлида эди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидан эътиборан область районларини хўжалик жиҳатидан ихтисослаштириш жараёни жаллашди.

Самарқанд аҳолисининг қарийб 80 проценти савдо ва ҳунармандчиликдан ташқари, қишлоқ хўжалиги билан ҳам шугулланар эди. Деҳқон хўжаликларининг товар-пул муносабатларига тортилиши туфайли улар, ўз ерларидан маҳрум бўлди.

Сенатор Паленнинг (1909—1912) ревизияси шуни кўрсатдики, Самарқанд областининг 7 районида ерсиз ва камбағал хўжаликлар область деҳқон хўжаликлари умумий сонининг 58,6 процентини, 2 десятинадан 5 десятинагача ери бўлган ўрта ҳол хўжаликлар 27 процентни ва 5 десятинадан 30 десятинагача ери бўлган йирик хўжаликлар 14,4 процентини ташкил қилар эди. Ана шу 7 райондаги 13609 десятина унумли ердан 20,4 проценти камбағал хўжаликларга, 17,9 проценти ўрта ҳол хўжаликларга ва 61,7 проценти йирик хўжаликларга қарашли эди.

7 райондаги 2428 деҳқон хўжаликлари иш ҳайвонлари билан қуйидагича таъминланган эди: 568 хўжалик (23,9 про-

пент) бир бошдан молга, 397 хўжалик (16,1 процент) икки бошдан молга, 787 хўжалик (32,4 процент) 3—4 бош ва ундан кўпроқ молга эга эди. 676 хонадон (27,6 процент) умуман ҳеч қандай иш ҳайвонига эга эмас эди; бу группа асосан мардикорлар ва чоракорлардан иборат эди. Рента миқдори катта бўлганлиги сабабли камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонлар ўз оиласини боқиб ва хўжаликни юритишга қодир эмас, саноат суғ ривожланганлиги сабабли шаҳарлардан иш тополмас эдилар. Шунинг учун қишлоқ хўжалигидан ажралиб кета олмаган бундай деҳқонлар чоракорга, батракка айланар, бойлар ва судхўрларга қарздор бўлиб қолишарди. К. Маркс қайд қилганидек, «Судхўрлик ишлаб чиқариш усулини ўзгартирмайди, лекин унга паразит сингари маҳкам ёпишиб олиб, уни ҳолдан тойдиргунча мадорини қуритади. У ишлаб чиқаришнинг бор-йўғини сўриб олади, унинг тинкасини қуритади ва тобора ачинарли шароитларда такрор ишлаб чиқаришга амал қилишга мажбур этади»<sup>1</sup>.

Пахтачиликнинг ўсиши билан кредитнинг ўзига хос шакли — ер ва ундан олинадиган пахта ҳосили ҳисобига қарз бериб туриш тез ривожлана бошлади. Самарқанднинг банк бўлимлари пахта учун кредитлар бериб турди. Комиссионерлар фирмалардан аванслар олиб, уларни деҳқонларга беришарди. Процент тўланиши лозим бўлган векселлар бутун суммага ёзиларди, тўлашда эса бўлиб-бўлиб тўланарди. Деҳқон ҳар сафар пул тўлаётганида комиссионерга ёки фирманинг бирон кичик хизматчисига алоҳида қўшимча процентни қўшиб тўлар эди. Аравакашлар, пахта ташувчилар ва сотиб олиш пунктларидаги қабул қилувчилар ҳам пахтакорлар ҳисобига яшар эдилар. В. И. Лениннинг таъбири билан айтганда, «деҳқонларнинг пул эгаларига қарамлилиги албатта тутқунлик шаклини олади»<sup>2</sup>.

Самарқанд Россияга қўшилганидан кейин ҳаётнинг барча соҳаларида — ижтимоий, маиший, маданий соҳаларда юзаки қараганда унча кўзга ташланмайдиган, лекин капитализмнинг бошланғич босқичлари негизда шаҳар ҳаёти ривожланишининг объектив қонунларига бағлиқ бўлган муҳим ўзгаришлар юз берди. Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг элементлари ва унга мувофиқ бўлган капиталистик муносабатлар шаҳар ҳаёти бағрида шакллана бошлади, аммо умуман Самарқанд типик феодал шаҳри бўлиб қолаверди.

Самарқандга темир йўл ўтказилгунга қадар ҳунармандчилик иши аҳолининг кенг истеъмол молларга бўлган эҳтиёжини таъминловчи ишлаб чиқаришнинг асосий тури бўлиб ҳисобланар эди. Ҳунармандлар уйда ёки бозор территория-

<sup>1</sup> К. Маркс, Капитал, т. 3, стр. 610.

<sup>2</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 3-том, 403-бет.

ларида, шунингдек, марказий кўчаларда жойлашган дўконлар ва устахоналарда ишлар эдилар.

Турли манбаларнинг маълумотларига кўра, Урта Осиё Россияга қўшиб олинган дастлабки йилларда Самарқандда 1610 та турли устахона, шу жумладан, 827 та тўқимачилик, 15 та шойи тўқиш, 42 та бўёқчилик, 162 та этикдўзлик, 63 та эгар-жабдуқ ишлайдиган, 37 та кулолчилик, 26 та тикувчилик, 42 та дурадгорлик, 77 та дурадгорик ва темирчилик, 12 та чўян қуйиш, 4 та ғишт пишириш, 34 та ёғ-шам ва совун пишириш, 30 та кўн пишириш ва бошқа устахоналари бор эди.

1888 йилдаёқ Самарқандда ҳар йили 632698 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган 1130 та ўрта даражадаги ҳунармандчилик устахонаси, 110 240 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган 172 та майда устахона, 115050 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган 1969 та майда ҳунармандчилик муассасаси бор эди.

Уша йили Самарқанд областида вино қиладиган, спирт тозалайдиган ва пиво пиширадиган 6 та завод бўлиб, шулардан 3 таси шаҳарнинг ўзида жойлашган эди. 28 та ғишт пиширадиган, 57 та кулолчилик, 35 та совун пиширадиган, 27 та шам тайёрлайдиган корхона ва 270 та қушхонадан Самарқандда турли тип ва катталикидаги 10 та ғишт заводи, 10 та кулолчилик, 20 та совун пиширадиган, 10 та шам тайёрлайдиган, 46 та қушхона бор эди. Бу корхоналарнинг ҳаммаси товар маҳсулоти ишлаб чиқаришар эди. В. И. Ленин: «бу тараққиётга ёрдам берган шароит борган сари кучли таъсир қилган бўлса керак, чунки кейинги ҳар ўн йилда корхоналар тобора кўпроқ очилган. Бу ҳол деҳқонлар ўртасида товар хўжалигининг тараққий қилиши, деҳқончиликнинг саноатдан ажралиши, умуман савдо-сотиқ билан саноатнинг ўсиши кучли эканлигини яққол кўрсатиб бермоқда. Биз: «деҳқончиликнинг саноатдан ажралиши» деймиз, бунга сабаб шуки, бундай ажралиш деҳқонларнинг саноатчилардан ажралишларидан олдин юз беради: бозорга мол ишлаб чиқарадиган ҳар қандай корхона деҳқонлар билан саноатчилар ўртасида айирбошлашнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, бундай корхона очилиши билан деҳқонлар ўз уйларида мол ишлаб чиқармай қўядилар ва демакки, бундай молни бозордан сотиб оладиган бўладилар, сотиб олиш учун эса деҳқон қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотмоғи керак. Шундай қилиб, савдо-саноат корхоналарининг кўпайиши билан жамият ўртасида меҳнат тақсмоти ҳам тезроқ бўлади, бу эса товар хўжалиги ва капитализмнинг умумий негизидир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 2-том, 414—415-бетлар.



Рус ва чет эл капиталининг Урта Осиёга, шу жумладан, Самарқандга ҳам кира бориши билан ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг аҳволи кескин ўзгарди. Россия марказий районларидан фабрика- завод буюмларининг Самарқандга кўплаб келтирилиши натижасида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши секин-аста сиқиб чиқарила бошлади. Масалан, маҳаллий усталарнинг игна ишлаб чиқариши тугатилди, маҳаллий тўқимачилик ишлаб чиқариш ҳажми анча қисқарди. Янги истеъмол буюмларига бўлган талабнинг кучайиши ва янгидан-янги эҳтиёжларнинг орта бориши натижасида маҳаллий аҳоли замшадан буюмлар тикадиган, соат созлайдиган устахоналар, турли бўёқлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, мебель-обой тайёрлайдиган ва дарпардалар тикадиган устахоналар, рассомлик, ром, мебель ишлаб чиқарадиган, бочкасозлик, слесарлик, ойнасозлик устахоналари, тахта аралайдиган устахоналар оча бошлашди; фотограф каби касблар пайдо бўлди.

Йирик капиталнинг Самарқанд областидаги майда корхоналарни ўзига сингдириб олишини Самарқанд области кустарь ишлаб чиқаришининг қуйидаги динамикасида кўриш мумкин:

	<i>Кустарь корхоналар сони</i>	<i>Йиллик ишлаб чиқариш суммаси (сўм ҳисобиди)</i>
1868 йилда	1 816	маълумот йўқ
1888 йилда	5 605	1 459 305
1892 йилда	10 568	3 145 620
1908 йилда	8 034	2 103 749
1910 йилда	7 788	2 087 924

Ҳунармандчилик эволюцияси билан бир қаторда, унинг марказлашини жараёни ҳам юз беради. Масалан, 1888 йилда йиллик ишлаб чиқариш қиймати 1 459 305 сўмга баробар бўлган турли типдаги 5605 та ҳунармандчилик корхонасида барча корхоналарнинг 52,4 проценти ва областда бир йилда ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулот қийматининг 29 проценти йирик устахоналар ва фабрика-завод типдаги корхоналар ҳиссасига тўғри келар эди.

1892 йилда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши маҳсулотининг қиймати 3 145 620 сўмга, фабрика-завод корхоналари ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотнинг қиймати эса 3 054 697 сўмга етди. Бинобарин, ҳунармандчилик ва саноат ишлаб чиқариши барча маҳсулотларининг 51,2 проценти фабрика-завод типдаги корхоналар ҳиссасига тўғри келар эди. Лекин 1913 йилдаёқ аҳвол кескин ўзгарди. Энди ҳунармандчилик корхоналари ҳиссасига атиги 1 814 377 сўм (15,2 процент), фабрика-завод корхоналарининг ҳиссасига эса 10 129 773 сўм ёки бутун область йиллик маҳсулотининг 84,8 проценти тўғри келар эди.

Метрополия фабрика ва заводларига жўнатиладиган пахта, тери ва бошқа маҳсулотларга дастлабки ишлов берадиган корхоналарнинг ўсиши ва ривожланиш жараёни Закаспий темир йўли қурилганидан кейин кучайди. Бу йўл 1888 йилда Самарқандгача етказилган эди. В. И. Лениннинг сўзларига кўра, Закаспий темир йўли «капитал учун Ўрта Осиёни оча бошлади».

1888—1896 йиллар мобайнида Самарқанд ана шу темир йўлнинг пировард пункти бўлиб, бу эса шаҳарнинг янада ривожланиши учун катта аҳамиятга эга эди. Темир йўл ўтказилиши туфайли ўлкадаги бошқа шаҳарлар орасида Самарқанд биринчи бўлиб Бутун Россия бозорига бориш йўлига эга бўлди ва Россия капитализми доирасига тезроқ қўшила бошлади. Агар 1880 йилгача Самарқанд территориясида пахта, тери ва узумни дастлабки ишлайдиган атиги 5 та завод бўлган бўлса, 1914 йилга келиб саноат корхонаси 55 тага етди, буларда 1820 ишчи ишлади. 1890 йилда областдаги 28 та саноат корхонасида ҳаммаси бўлиб 373 ишчи ишлаган бўлса, 1914 йилда эса областнинг 117 корхонасида 2814 ёлланма ишчи, шу жумладан, пахта тозалаш заводларида 1002 киши (35,6 процент) ишлар эди. Областдаги вино ишлаб чиқарадиган 28 та заводдан 20 таси Самарқандда жойлашган бўлиб, буларда 453 киши ишлар эди. Ишчиларнинг асосий қисмини маҳаллий миллат кишилари ташкил қилар эди. Чунончи, Туркистон ўлкасидаги барча вино заводларида ишлаётган 2645 ишчидан 427 таси руслар эди, маҳаллий миллат кишилари 2150 кишини ва бошқа миллат вакиллари 68 кишини ташкил қилар эди. Шаҳар корхоналаридан 230 та хотин-қиз (шу жумладан, 107 киши маҳаллий миллат хотин-қизлари) ва 129 та ўсмир ишлар эди.

Самарқанд ишчиларининг турмуш шароити жуда оғир эди. Чунончи, Самарқанд областидаги пахта тозалаш заводларининг 1002 ишчисидан 331 таси заводларнинг казармаларида яшар эдилар. Бу жойларда элементар санитария ва гигиена шароитлари ҳам йўқ эди. Иш қўни суткада 10—16 соатгача давом этар эди. Иш ҳақи паст бўлиб, йилига ўрта ҳисобда 180 сўмни ташкил қилар эди. Ваҳолонки, Россияда иш ҳақи йилига 288 сўмга етар эди. Корхоналарда техника хавфсизлигига риоя қилинмас, бу эса кўпинча бахтсиз ҳодисаларга олиб келарди.

XX асрнинг бошларида, Россия империализм босқичига қадам қўйганида, Туркистон ўлкасида бир томондан, саноат ишлаб чиқариши ривожлана бошлади, иккинчи томондан эса, унинг асосий ишлаб чиқариши рус капиталистлари ва маҳаллий буржуазия қўлида марказлана бошлади. Масалан, Медведчиковнинг Самарқанддаги пиво заводида 1900 йилда 40 киши ишлар эди, 1905 йилда 80 киши, 1908 йилда 175

киши, 1913 йилда эса 305 киши (булардан 190 киши мавсумий ишчи эди) ишлади. 1900 йилда бу завод 99 000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1913 йилга келиб 400 000 сўмлик маҳсулот тайёрлади. Самарқанд областидаги 37 та пахта тозалаш заводидан 3 таси Большая Ярославская мануфактура акционерлик жамиятига, 3 таси қоғоз мануфактураси акционерлик жамиятига, 2 таси Урта Осиё саноат ширкатига, биттаси Ю. Файзулов ва К° ширкатига мансуб эди.

Шундай қилиб, Россияга қўшилиш натижасида Самарқандда буржуа муносабатлари таркиб топди ва ривожлана бошлади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти кучая бориши ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан ҳунармандчилик ишлаб чиқариши аста-секин тушкунликка учрай бошлади. Хонавайрон бўлган косиблар ва ҳунармандлар фабрика ва заводларга, темир йўлга ва кончилик саноатига бориб ишлашга мажбур бўлди ва айни вақтда пролетариат сафларини тўлдирди.

Бутун Туркистон сингари Самарқанднинг Россияга қўшиб олинишининг ҳам прогрессив томони шунда бўлдики, Россия XX асрнинг бошига келиб жаҳон пролетариати революцион курашининг марказига айланди. Туркистон пролетариати эса ишчиларнинг илғор отряди бўлган большевиклар партияси раҳбарлигида рус революцион пролетариатидек ўзининг қудратли иттифоқчисига эга бўлди.

## 2. БИРИНЧИ РУС РЕВОЛЮЦИЯСИ ЙИЛЛАРИДА (1905—1907) САМАРҚАНДДА РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТ

Биринчи рус революцияси йилларида (1905—1907) Самарқанднинг кўп асрлик тарихига янги ёрқин саҳифалар ёзилди. «Россиядаги 1905—1907 йиллар революцияси империализм даврида биринчи халқ революцияси эди. Мамлакатимиз халқлари ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихида бутун бир тарихий даврдан иборат бўлган 1905—1907 йиллар революцияси Россия ишчилари ва деҳқонларининг ўз ижтимоий ва миллий озодлик учун курашининг муҳим босқичи бўлди. Революциянинг бутун давомида Украина, Белоруссия, Польша, Болтиқ бўйи мамлакатлари, Закавказье, Урта Осиёдаги ва чор Россиясининг бошқа чекка ўлкаларидаги ишчилар ва деҳқонлар рус пролетариати ва деҳқонлари билан ёнма-ён туриб, ўзларининг умумий душманлари бўлган чоризмга ва помещикларга қарши қаҳрамонна кураш олиб бордилар»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитетининг «Биринчи рус революциясининг эллик йиллиги»га бағишланган Тезислари», «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1955 йил 23 январь.

Россиядаги революцион ҳаракат чекка ўлкаларга, шу жумладан, мустамлака Туркистонга ҳам таъсир кўрсатди. Подшо ҳукумати сургун қилган рус социал-демократлари бу ерга келганларидан кейин ўлкада ишчилар ҳаракати уюш-қоқлик билан борди.

1903—1904 йилларда РСДРП нинг Тошкент, Ашхобод ва Қизил Арвот группалари вужудга келди. Иркутскда сургун муддатини тугаллаган большевик М. В. Морозов (тахаллу-си — Муратов) 1904 йилда Бокудан Самарқандга келди. У революцион фаолияти учун Иркутскга сургун қилинган эди. Морозов шаҳарда биринчи социал-демократик тўғарак таш-кил этди ва революцион ишга бошчилик қилди.

Морозовнинг рафиқаси ва сафдоши А. В. Морозова-Ху-даш (партиявий тахаллуси «Большевичка») ҳам у билан бирга Самарқандга келди. У 1863 йилда бўлиб ўтган Польша қўзғолони қатнашчиси Н. А. Худашнинг қизи эди. У ҳам революцион тўғаракни ташкил этишнинг ташаббускори бўлди.

М. В. Морозов 1904 йилдан 1905 йилгача «Самарқанд» газетасининг редактори, сўнгра эса ношири бўлди. У Самар-қандда ишлаган дастлабки кунлариданоқ пролетар интерна-ционалиزمи ғояларини сабот билан пропаганда қилди, би-ринчи рус революцияси арафасида большевиклар тактика-сини тушунтирди.

Революцион ҳаракатнинг ўсиши билан, сургун қилинган революцион социал-демократларнинг таъсири остида Дему-ров босмахонаси (ҳозирги М. В. Морозов номли босмахона) ишчилари ўртасида 1904 йилда Самарқанд областида бири-чи революцион тўғарак ташкил этилди. Бу тўғаракнинг аъзо-лари босмахона ва бошқа корхоналарда актив пропаганда ишларини олиб бордилар. Тўғаракка ишчилардан ташқари зиёлилар вакиллари: «Самарқанд» газетасининг ходими А. Паренков (большевик), кўчириш бошқармасининг амал-дори, кейинчалик «Самарқанд» газетасининг редактори бўл-ган П. В. Поздняков (большевик), гимназия ўқитувчиси Ф. Ф. Андрианов (эсер), врач А. М. Бронштейн (меньше-вик), адвокат Н. Болотин (либерал), шунингдек, округ суди ва область бошқармасидаги бирмунча либераллашган амал-дорлар ҳам кирган эди.

Босмахона ишчиси К. Ашуоров ўз хотираларида қуйидаги-ларни ҳикоя қилади: «1905 йилги революция кунларида мен Демуров босмахонасида ишлар эдим... Маҳаллий большевик-ларнинг энг таниқли ва машҳур раҳбари М. В. Морозов биз-ларни сиёсий курашга жалб этди. Унга ўзбек ишчилари ҳам ёрдам беришди, улар орасида 1884 йилдан буён босмахона-да ишлаб келган Акрамжон Комилжонов ҳам бор эди (А. Комилжонов 1921 йилда Самарқандда вафот этди).

Россиядаги 1905 йилги революция тўғрисида бизга биринчи марта М. В. Морозов хабар қилди. У маҳаллий ишчилардан 45 кишини тўплаб (Самарқанд шаҳридаги ҳозирги Ленин ва Фрунзе кўчаларининг бурчагидаги бир уйда), Петроград ва Москвадаги воқеалар тўғрисида гапириб берди. Бу йиғилишда бошқа большевиклар ҳам сўзга чиқдилар. Улар ишчи ва деҳқонларнинг оғир аҳволи ҳақида гапирдилар, эсерларнинг тактикасини танқид қилдилар».

М. В. Морозов ташаббуси билан 1904 йилда Демуров босмаҳонасида яширин кутубхона ташкил этилди. Бу кутубхонада революцион адабиёт бор эди. Морозов шаҳар кутубхонаси ҳузурида ҳам ман этилган марксистик адабиётнинг кичик фондиди ташкил эта олди. Самарқанд ҳарбий губернатори ана шу кутубхона ҳақида Туркистон генерал-губернаторига қуйидагиларни маълум қилган эди: «Сергеев, Суҳанов, Чернов хатидан кўриниб турганидек, кутубхона алоҳида йўналиш олиб, мактабга, афтидан, революцион ҳаракат мактабига айланган. Кутубхонани алоҳида комитет бошқаради, унинг мажлисларига Морозов раҳбарлик қилади.

Бугун мамлакат бўйлаб революцион ҳаракат энг авж олган 1905 йил бошида Самарқанддаги социал-демократик тўғараклар шаҳар социал-демократик комитетига бирлашди. Бу комитетда большевиклар катта таъсир кучига эга эди.

1905 йил 9(22) январдаги Петербург воқеалари Россияда революцион ҳаракатнинг бошланганидан дарак бериб, Туркистонда ҳам меҳнаткашлар оммасининг ошқора революцион чиқишларига кучли туртки бўлди.

1905 йил 12(25) январда, «Татьяна кун» деб аталган кунда Москва университетининг юбилейига бағишлаб ўтказилган намоиш ва митинглар 9 январдаги қонли воқеаларга Туркистонда билдирилган дастлабки норозилик бўлди. Туркистоннинг баъзи бир шаҳарларидаги буржуа-либерал зиёлилар ана шу кунни зиёфатлар ўтказиш билан нишонладилар. Бу зиёфатлар большевикларнинг куч-ғайрати билан самодержавиега қарши намоишларга айлантирилди.

Самарқанддаги Жамоат йиғини залида ўтказилган зиёфатда (бу ерда 100 га яқин киши ҳозир бўлган) подшо ҳукумати томонидан қувғин остига олинган машҳур олим К. А. Тимирязев номига телеграмма тексти қабул қилинди. «Самарқанд шаҳрининг зиёлилари,— дейилганди телеграммада,— 12 январни, рус илм-маърифати дастлабки чашмасига асос солинганига 150 йил тўлган кунни табриклайди ва софдил граждандарни, барча қийинчиликларга қарамай, қатъий ва марданавор тура биладиган кишиларни ўз орқасидан эргаштириб бораётган чинакам озодликка тезроқ эришишларини чин юракдан истайди».

Йиғилиш охирида социал-демократик варақалар тарқатилди. Улардан бирида бундай дейилган эди: «Ишчиларнинг юз минг тўдалари «ўз» подшосининг ёнига қараб йўл олишди. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳали подшога ишонар эди. Қуролланмаган хотинлар ва болалар крестлар ва иконалар кўтариб подшо томон боришди — уларни тўплар, милтиқлар ва найзалар билан кутиб олишди. Улар озодликни талаб қилдилар, лекин улар учун турма ва сургунларнинг эшиклари очиб қўйилди. Улар оғир аянчли меҳнатдан озгина бўлса-да, дам олишни илтимос қилдилар, аммо уларга мангу дам олиш — мазористонларни раво кўришди! Улар Шарқда аянчли қон тўкишларнинг тўхтатилишини илтимос қилдилар, подшо эса Невский, Морской ва Васильев оролларида қирғин урушлари қилди.

Япония билан бўлган урушда енгилган подшо Россияга уруш очди. Пойтахт кўчаларида мингларча мурдалар қолди. Подшо халқнинг қонини тўйиб ичди... Подшо — бу тўпдир, бу тўп ишчининг бошига ўт ёғдирмоқда, бу қурол бола-чақаларга қарши тўп отяпти, бу найза эркин яшаш ва нафас олишни истаган ҳар бир кимсанинг қалбига ханжардек ботмоқда».

РСДРП нинг Ашхобод комитети «Ишчиларга ва солдатларга» қарата чиқарган ва Самарқандда ҳам тарқатилган хитобномада бундай дейилган эди: подшо ҳукумати Узоқ Шарқда разил қирғин уруши олиб бормоқда, Россиянинг ичида эса меҳнаткашлар оммасига қарши қонли террорни амалга оширмоқда.

Шунда қилиб, «Қонли якшанба» куни Самарқандда революцион воқеаларнинг янада ривожланиши учун катта замин бўлди.

Россиядаги сингари, Туркистон шаҳарларида ҳам ишчиларнинг забастовкалари, сиёсий митинг ва намойишлари бўлиб ўтди. Самарқандда Демуров босмахонасининг ишчилари Морозов раҳбарлигида 1905 йил 19 январда уюшқоқлик билан забастовка ўтказдилар. Улар босмахона эгасини ён беришга ва битимни имзолашга мажбур этдилар. Бу битимга мувофиқ босмахона эгаси 9 соатлик иш кунини жорий этишга, касал бўлиб қолган ёки «унчалик муҳим бўлмаган сабабларга кўра» ишдан бўшатилган тақдирда ишчиларга бир ой мобайнида иш ҳақи тўлашга, 19 февраль ва 1 май кунларини ишчиларнинг байрам кунлари деб ҳисоблашга рози бўлди.

Самарқанд большевиклари ўз ғояларини пропаганда қилиш мақсадида «Самарқанд» газетасидан фойдаландилар. Бу газета революцияга қадар ҳам (1904 йил) чиқиб турди, аммо 1905 йил сентябрдан бошлаб унинг раҳбарлиги боль-

шевиклар қўлига ўтгач, газета ҳукуматга қарши йўналиш олиб, кескин оппозицион газетага айланди.

«Самарқанд» газетасининг синов сони 1904 йил 10 апрелда, биринчи сони 1904 йил 1 майда чиқарилди. Газета ҳафтада уч марта чиқар эди, 7-сонидан бошлаб эса ҳар куни чиқарилган бўлиб қолди. Адвокат Н. Болотин редактор-ношир эди. Болотин бўлмаган вақтда унинг вазифасини П. В. Поздняков бажарар эди, 1904 йилнинг охиридан бошлаб эса редакцияга М. В. Морозов бошчилик қилди. У раҳбарлик қилган вақтда газета аслида большевикларнинг легал органига айланди.

Самарқанд уездининг врачлари К. М. Афрамович ва ердан фойдаланиш-солиқ комитети съёмка бўлимининг бошлиғи ер ўлчовчи-инженер Н. И. Черневский ҳам Морозов билан бирга «Самарқанд» газетасида ҳамкорлик қилар эди. Черневский айни вақтда Самарқанд ер ўлчовчилари ердан фойдаланиш комиссияси хизматчилари яширин жамиятининг актив ташкилотчиларидан бири эди. Жамият составида Черневский билан бир қаторда С. Плегер, Д. Любомиров, А. Павлов, А. Девалишев, Г. Кокауридзе, И. Преман, С. Ястребов, А. Леонтьев, М. Михайлов, Б. Аболин, П. Ушаков, Р. Мурашко, Н. Крижановский ҳам кирар эди. Жамият программасида Бутун Россиянинг озодлик ҳаракатига қўшилиш, Самарқанд социал-демократик ва бошқа революцион ташкилотлари билан бирлашиш йўлларини қидириш кўзда тутилган эди.

Большевиклар «Самарқанд» газетасининг саҳифаларида меньшевикларга қарши ғоявий кураш олиб бордилар, меҳнаткашларни чор самодержавиясига қарши курашга даъват этувчи партиявий материалларни босиб чиқардилар. Газетада ишчиларнинг митинг ва забастовкалари тўғрисида, солдатлар ўртасида бўлаётган ғалаёнлар ҳақида хабар қилинар, Морозов, Биховский ва Поздняков ёзган реферат ва лекцияларнинг мазмунини кўпинча баён қилинар эди.

1905 йил учун обуна бўлиш тўғрисидаги эълонда газетанинг программаси ва йўналиши: «Меҳнатни ҳимоя қилиш, кимлиги ва миллатидан қатъий назар ҳамма учун ўз-ўзини бошқариш, ҳуқуқ ва адолат» деб белгилаб берилган эди. 1906 йил учун обуна тўғрисидаги эълонда бундай дейилган эди: «Биз учинчи йилга қадам қўйиб, шу нарсага ишонамиз-ки, газетамизнинг мақсади очиқ-равшан. Ҳозирги вақтга бўлганидек, биз бундан кейин ҳам ўзбошимчилик ва зўрликка қарши сабот билан тўхтовсиз кураш олиб борамиз, меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. Газета ўз программасида халқ ҳокимияти учун кураш олиб бориш; тўғри, тенг, яширин, жинснинг қандай бўлишидан қатъий назар, баробар сайлов ҳуқуқига эга бўлиш; чинакам виждон, сўз, матбуот, союз, мажлислар эркин-

лигига эришиш, саккиз соатлик иш куни ва ишчиларнинг давлат страхованиесини ошириш вазифасини қўяди...»

«Самарканд» газетасида марксизм-ленинизм асосий қондалари пропаганда қилинди, ишчиларни қуроли қўзғолонга, самодержавиени ағдариб ташлашга даъват этувчи мақолалар, буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши тўғрисида, 8 соатлик иш куни ҳақида, Давлат думасини бойкот қилиш тўғрисида мақолалар босилди.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, «Самарканд» газетаси саҳифаларида ўлкада миллий зулмни фош қилувчи, миллий маданиятни ривожлантиришга даъват этувчи мақолалар ҳам босилар эди. Чунончи, М. В. Морозов «Илиқ сўз» сарлавҳали мақоласида бундай деб ёзган эди: «Давлатнинг қуллари тилнигина эмас, балки халқнинг ўзини ҳам йўқотиб юборишга тайёрдирлар. Халқнинг ўзига хос қиёфаси ҳаддан ташқари безовталиқ туғдирмоқда», натижада «миллий белгилар ва хусусиятлар сўнмас жаҳолат ва ўзаро душманчиликни келтириб чиқаришнинг манбаи бўлиб қолмоқда... Халққа халқ мактаби беринг, бой русия. Биётининг эшикларини кенг очиб қўйинг, унга она тилида биётлар беринг, оммага кенг ва эркин маданий таъсирнинг эшикларини очиб қўйинг».

Газета ўз ўқувчиларини босилиб чиққан марксистик адабиёт ҳақида хабардор қилиб турар эди. Масалан, 1905 йил 99-сонининг умумий хроника бўлимида К. Маркснинг «Фалсафа қашшоқлиги» (Прудоннинг «Фалсафа қашшоқлиги»га жавоби) китоби Ф. Энгельснинг кириш сўзи ва изоҳлари билан босмадан чиқди ва сотила бошлади, деган хабар эълон қилинган.

1904 йилдан 1907 йилгача газетанинг кўпгина сонларида Морозовнинг «Илиқ сўз» деган умумий сарлавҳа остида сиёсий мақолалари босилиб турди. Меҳнаткашлар «Самарканд» газетасини нашр этишга ёрдам бериб туришди. Газетанинг тиражи доимо кўпайиб борди. Газета ишчилар ўртасида айниқса кенг тарқалган эди.

Ишчилар ва революцион кайфиятдаги солдатлар газетани ўқибгина қолмай, балки редакцияга тез-тез хат ва хабарлар ёзиб туришарди. Солдатларнинг хатларида офицерларнинг ёмон муносабатда бўлаётганликларига, ҳарбий хизматнинг оғирлигига қарши норозилик билдирилар эди. «Самарканд» газетасининг 1906 йил 28 июнь сонидан солдатлардан бири батальонда бўлиб ўтган қонунга хилоф ҳаракатлар тўғрисида газетага ёзиб юборганлиги учун 5-батальон командири Савельев бутун ротага жазо берганлиги ҳақида хабар босилган эди. Савельев бундан кейин уйдаги жанжални ташқарига чиқармасликни» солдатларга маслаҳат берган.



Туркистон генерал-губернатори вазифасини ижро этувчи Мациевский 1906 йил январда ҳарбий министрға қуйидаги ларни маълум қилган: «Мен «Самарқанд» газетасининг ҳарбий хизматчиларға ҳам, шунингдек, аҳолига ҳам ниҳоятда зарарли таъсирини сезиб қолдим ва бу ҳақда Самарқанд об-ластининг ҳарбий губернатори билан бир неча бор суҳбат-лашдим... унинг диққат-эътиборини ана шу революцион газе-тага қарши кураш олиб бориш учун энг жиддий чоралар кў-риш зарурлигига қаратдим».

«Самарқанд» газетасида босилган мақолаларнинг рево-люцион мазмуни ҳақида, ҳатто Петербургда ҳам билишар эди. Жумладан, П. А. Столипин Россияда сўз эркинлиги йўқ деган инглиз газеталаридан бирининг вакили билан бўлган суҳбатда бундай деган: «Сиз, «Самарқанд» газетаси билан танишиб чиқинг, унинг қандай эркин ёзаётганини ўқиб кў-ринг-а».

Маъмурлар редакторларни бир неча бор жарима қилди, судга берди ва турмаларга қамади, газетани нашр этишни тақиқлаб қўйди. Редакторлар чор цензурасини чалғитишга ҳаракат қилиб, газетанинг номини ўзгартириб, «Зарафшон», «Новый Самарқанд», «Русский Самарқанд» ва бошқа ном-лар билан алмаштириб турдилар. Бир қанча репрессиялар-дан ва газета номларини ўзгартиргандан кейин 1906 йил 8 октябрда «Новый Самарқанд» (газетанинг 33 сони чиқа-рилган эди), 15 октябрда эса «Русский Самарқанд» (бу газе-танинг атиги 4 та сони чиқарилган эди) газетаси ёпиб қўйил-ди. Большевиктик характердаги мақолаларни босиб чиқар-ганлиги учун «Самарқанд» газетаси 1906 йил декабрида яна ёпиб қўйилди. 1906 йилда ва 1907 йилнинг бошларида «Са-марқанд» газетаси ҳаммаси бўлиб 5 марта ёпиб қўйилди «Русский Туркестан» газетасининг 1906 йил 1 январдаги бош мақоласи учун Морозов бир йил муддатга қалъага қамаб қўйишга ҳукм қилинди.

Самарқанд большевиклари омма ўртасида катта иш олиб бордилар, уларни революцион руҳда тарбияладилар. Ишчи-лар ва солдатларнинг маданий ва сиёсий савиясини ошириш мақсадида социал-демократик ташкилот аъзолари 1905 йил 24 февралда Самарқандда жамоат кутубхона-қироатхонаси-ни очдилар. Бу кутубхона Зирабулоқ (ҳозирги Фрунзе) ва Черняевский (ҳозирги Энгельс) кўчаларининг бурчагида жойлашган эди; «Самарқанд» газетаси редакцияси идораси ҳам кейинчалик у ерга кўчирилди. Морозов кутубхона коми-тетининг раиси қилиб сайланди; А. Ларенков кутубхона мудири, китобларни сақловчи ва редакция идорасининг му-дири бўлди. 1905 йил Самарқанддаги революцион воқеалар-нинг қатнашчиси М. И. Шчербинин қуйидагиларни ҳикоя қи-либ берди: «Кутубхона аҳолининг барча табақалари ва ай-

ниқса ишчилар ўртасида катта обрўга эга эди. Бу ерда ошкора адабиёт билан бир қаторда яширин адабиётлар — брошюралар, варақаларни ҳам топиш мумкин эди. Кечки пайтда, кутубхона ёпилгандан кейин унинг биносида кўпинча йнгилишлар, тўгарак машгулотлари бўлиб турар эди».

Большевиклар кутубхонадан революцион пропаганда учун фойдаланиб, уни революцион мактабга айлантирди. Самарқанд областининг ҳарбий губернатори Гескет 1906 йил 26 январда Туркистон генерал-губернаторига юборган телеграммасида қўйидагиларни маълум қилади: «... Кутубхона махсус комитет бошчилигида иш олиб борапти, «Самарқанд» газетаси редакцияси билан мустаҳкам алоқа боғланган... Кутубхона комитетига сиёсий жиҳатдан ишончсиз, кўпинча қамалиб чиққан кишилар раҳбарлик қилишапти. Юқорида номи зикр этилган кутубхонани ёпиб қўйишингизни илтимос қиламан...».

Социал-демократлар кутубхонадан пропаганда учунгина эмас, балки қурол-яроғ, ўқ-дори ва бошқа шу каби нарсаларни йиғиш ва сақлаш учун ҳам фойдаландилар.

Туркистон генерал-губернаторининг илтимосига кўра, ички ишлар министри Дурновнинг 1906 йил 15 февралда чиқарган буйруғи билан кутубхона-қироатхона ёпиб қўйилди.

Самарқанднинг социал-демократик группаси Самарқанд, Қизил Арвот, Чоржўй, Жиззах, Черняево ва Каттақўрғон темир йўл станциялари деполарининг ишчилари билан маҳкам алоқа боғлаган эдилар.

Шундай қилиб, большевик М. В. Морозов тузган РСДРПнинг Самарқанд группаси Туркистонда большевистик стратегия ва тактикани амалга оширишда катта роль ўйнади. Бу группа асосан 2-Закаспий темир йўл батальони солдатлари ва самарқандлик матбаачилардан ташкил топган эди. 1905 йилнинг кузида бу группа яширин босмахона очиб, варақалар чиқара бошлади. Бу варақаларда чоризмнинг баъзи бир сохта ён беришлари, халқни алдашга уринаётганлиги фош қилинар эди. РСДРП Самарқанд группасининг варақалари ишчилар ва ўқувчилар ўртасидагина эмас, балки солдатлар ўртасида ҳам тарқатиларди. Самарқанд группасининг таъсири шаҳар ва область доирасидан ташқарига ҳам чиққан эди.

Мамлакатдаги умумий революцион ҳаракатнинг кўтарилиши ва социал-демократик ташкилотларнинг фаолияти область революцион воқеаларни авж олдиришга ёрдам берди.

1905 йил февраль—март ойларида Тошкент станцияси темир йўл устахоналарининг ишчилари, ўша йилнинг апрелида эса Черняево станциясининг ишчилари ва бошқалар иқтисодий забастовкалар ўтказдилар. Бошқа корхоналарнинг ишчи-

лари, масалан, Самарқанд шаҳар босмахонасининг ишчилари темир йўлчиларни қўллаб-қувватладилар.

Темир йўл ишчилари билан бирдамликнинг изҳори сифатида 1905 йил 20 февралда «Самарқанд» газетаси чиқмади. «Ота-оналар,— деб ёзди газета,— шу кунларда кўчаларда тўқнашувлар бўлишдан қўрқиб, ўз болаларини ўқув юртларига юбормай қўйдилар».

Самарқанд меҳнаткашлари 1905 йил 1 майда ишга чиқмадилар ва социал-демократларнинг раҳбарлиги остида яширин маёвқалар уюштирдилар. Босмахоналарнинг ишчилари, ко-сиблар ва солдатлар шу ой мобайнида Самарқанд большевиклари бошчилигида Сиёб дарёси соҳилида бир неча яширин йиғинлар ўтказдилар; бу йиғинларда темир йўл ва Зирабулоқ батальонларининг солдатларидан айниқса кўп киши қатнашди. Йиғинлар «Йўқолсин самодержавие!» деган шиор остида ўтди.

1905 йил 8 майда Самарқанд областидаги Хўжанд понтон ротаси ва Туркистон ҳарбий-телеграф ротаси солдатлари ўртасида ғалаёнлар бўлиб ўтди. Солдатлар овқат истеъмол қилишдан тўрт кун бош тортдилар, йиғинларда революцион қўшиқлар айтдилар; улар ўз бошлиқлари олдига бир қанча иқтисодий талабларни қўйдилар.

Самарқанддаги «ака-ука Саямовлар», «Микиртичанц», «Епифановлар» ва бошқа бир қатор магазинларнинг приказчиклари 15 майда иш ташлаб, забастовка эълон қилдилар. Забастовкачилар шаҳар кўчаларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб юриб, магазинларни ёпиб қўядилар. Бу ҳаракатларда «тартибсизлик» аломатларини пайқаган Самарқанд полицмейстери ёрдамга қўшинлар чақиртирди, шундан кейингина магазинлар яна очиб қўйилди.

1905 йил ёзда Самарқанд извошчилари иш ташладилар. Улар иш ҳақини оширишни, полициянинг қонунсиз жарималар солиши ва бошқа ўзбошимча ҳаракатларини чеклаб қўйишни талаб қилдилар. Самарқанд турмасидаги маҳбуслар ўртасида ҳам ғалаёнлар бўлиб ўтди.

Забастовка ҳаракатида рус ишчилари билан бир қаторда, маҳаллий миллат ишчилари ҳам қатнашдилар. Баъзан шундай корхоналар иш ташлар эдики, ишчи ва хизматчилари асосан маҳаллий миллат намояндаларидан иборат бўларди. Масалан, 1905 йил июль ойининг ўрталарида Самарқанддаги чой қадоқлаш фабрикалари ва омборларида забастовка ҳаракатлари бошланди. Бу ерда нуқул ўзбеклар ишлар эди (бу корхоналарнинг ҳаммасида ўша вақтда 500 га яқин ишчи бор эди). Забастовка асосан омборлардан бирида ишчиларни медицина кўригидан ўтказиш натижасида бошланди. Катта назоратчи одамларни кўрикдан бош тортишга ташвиқот қила бошлади. Уни эса бундай ташвиқоти учун қамоққа олишди.

«Ушанда,— деб хабар беради «Самарканд» газетаси,— шу корхоналарнинг сарт ишчилари (ўзбеклар — *Муҳаррир*) 12 июль сешанба куни иш ташладилар. Шу куни фақат Воғав чой омборидагина забастовка бўлмади.

Эртаси куни 13 июлда забастовка тўхтатилди. Шундай қилиб бу забастовка назоратчини қамоққа олган чор маъмурларнинг ўзбошимчалигига қарши қаратилган бир кунлик стачка эди».

Россияда тобора авж олиб бораётган революцион ҳаракатни тўхтатиш мақсадида чор самодержавиеси Булигин думаси деб аталган думани чақиритишга қарор қилди. Булигин думасини қўллаб-қувватлашга қаратилган шиорларни кўтариб чиққан меньшевикларга қарама-қарши ўлароқ, Самарқанд большевиклари думани актив бойкот қилиш тактикасини олға сурдилар. Революцион ишчилар уларнинг бу тактикасини маъқуллашди ва қўллаб-қувватлашди. Шу муносабат билан Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида бўлгани каби Самарқандда ҳам ишчиларнинг Булигин думасига қарши оммавий намойишлари бўлиб ўтди. Бу намойишларда большевиклар халқни қуролли қўзғолонга даъват этдилар.

РСДРПнинг Самарқанд группаси большевиклар раҳбарлигида меҳнаткашларни бўлажак жангларга зўр бериб тайёрлади. 1905 йилнинг ёз фасли давомида шаҳар чеккасида яширин йиғинлар ўтказилди. Ана шу йиғинларнинг қатнашчиларидан бири бўлган Султонмурод Турсунов ўз хотираларида қуйидагиларни ёзади: «... М. В. Морозов ва унинг ёрдамчилари полициячилар таъқибидан сақланиш учун бизни кўпинча Сиёб соҳилидаги Қора йўл яқинида ёки Иванов боғи (ҳозирги «Комсомол кўли» боғи)да тўплар эдилар.

Бу йиғинларда 100—200 киши қатнашар ва ҳукуматга қарши нутқлар сўзланар, Россиянинг марказий шаҳарларидан олинган большевистик варақалар, большевистик партиянинг программалари ва большевикларнинг Булигин думасини бойкот қилиш ҳақидаги қарори ўқиб эшиттирилар эди. Большевиклар, буларнинг ҳаммаси келажак авлоднинг бахт-саодати учун қилинаётир дер эдилар».

Булигин думасига қарши норсзиликни пропаганда қилишда «Самарканд» газетаси катта роль ўйнади. Газетанинг 1905 йил 2 ноябрь сониди «Москва гарнизони солдатларининг илғор партиясидан рус жамиятига очиқ хат» босиб чиқарилди. Бу хатда меньшевикларнинг Булигин думасига нисбатан тутган тактикаси фош этилди.

1905 йилнинг кузига келиб Россияда революцион ҳаракат кучайди, марказий саноат районларида октябрда бошланган сиёсий стачка тез орада бутун мамлакатга, ҳатто, олис-олис районларга ҳам ёйилди; бу стачкага барча ишчилар, ҳатто, уларнинг энг қолоқ табақалари ҳам жалб этилди.

Ўрта Осиёда 1905 йил октябрь ва ноябрь ойларида революцион ҳаракат энг юқори нуқтасига кўтарилди. 14—16 октябрда умумий сиёсий стачкага Оренбург — Тошкент темир йўли хизматчилари қўшилдилар. Темир йўл забастовкаси тез орада умумий иш ташлашга айланди.

Тошкент ва Самарқанд социал-демократик группалари 12 октябрда чиқарган ўз варақаларида ишчиларни умумий забастовкага даъват этдилар. РСДРПнинг Самарқанд группаси ўз варақасида «Рус ишчиларининг деярли бутун армияси иш ташлади» деб ёзиб: «Иш ташланг! Талаблар қўйинг! Уюшинг! Шу нарсани билиб қўйингки, куч бирликда, Сиз тинимсиз ва қаттиқ квраш билангина ўз инсоний ҳуқуқларингизни қўлга оласиз... Йўқолсин самодержавие! Йўқолсин эксплуатация!», — деб даъват этди.

Пролетар ҳаракатининг куч ва қудратини намойиш этган октябрь умумий забастовкаси подшоани 17 октябрда манифест чиқаришга мажбур этди. Бу манифестда у халққа сиёсий эркинлик ваъда қилди. Подшо манифести ҳақидаги хабарни Самарқанд областида оммавий-сиёсий митинглар ўтказиш билан қарши олишди.

Самарқанд ҳарбий губернатори Гескет Самарқанд темир йўлчиларининг забастовкасини бир оз орқага сурнишга муваффақ бўлди. У 15 октябрда забастовка бошланиши ҳақида хабар олиб, 2-Урал казак полки командирига офицер бошчилигида казаклардан 50 киши шай бўлиб турсин, чунки улар истаган минутда вокзалга — Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси жандармерияси Самарқанд бўлимининг бошлиғи ротмистр Ковальковнинг ихтиёрига юборилиши лозим деб буйруқ берди.

Шу куни Самарқанд полицмейстери ҳам Гескетдан қуйидаги мазмундаги буйруқ олди: «Самарқанд шаҳрининг вокзал олди участкасида полициячилар нарядини дарҳол кучайтиришингизни таклиф қиламан». Натижада станция ва вокзал олди райони казаклар ва полицияга тўлиб кетди. Темир йўл ишчилари бари бир 17 октябрда забастовка бошлаб, барча станцияларнинг контораларида ҳам иш ташлашни талаб қилганларида ротмистр Ковальков яна мадад кучлари юборишни илтимос қилди. У Самарқанд округ суди прокурорига юборган ўзининг «ниҳоятда шошилиш хатида» бундай деб ёзган эди: «Полицмейстер подполковник Бородин, пристав Соболев вокзалда турибди. Темир йўл батальони казармаларида юзлаб казаклар жойлашган, яна бир рота солдат талаб қилинади».

17 октябрь эрталаб соат 7 да Самарқанд депосининг ишчилари ўз ишларини тўхтатдилар. Айни вақтда самарқандлик бошқа темирйўлчиларни ҳам забастовкага келиб қўшилишга даъват этувчи варақалар тарқатилди. Чақриқ дарҳол маъ-

қулланди ва «Барча ишчилар,— деб хабар беради «Русский Туркестан» газетаси,— бир тан-бир жон бўлиб иш ташладилар. Қариялар паровозларни ўчиришга кетишди, ёшлар эса телеграф томон йўл олишди ва тез орада уни ишғол қилишди. Бутун вокзал райони ишчиларнинг қўлига ўтди». Шундан кейин ишчилар станциянинг товар конторасида, йўл ремонтининг 12 ва 13-участкалари контораларида ва депо конторасида ҳам ишни тўхтатишни талаб қилдилар. Бироқ депо хизматчилари бу талабни бажаришдан бош тортдилар ва ишни давом эттирдилар. Ана шунда иш ташлаган ишчилар (300 га яқин киши) хизматчиларга «мулоҳаза қилиб кўриш учун» бир неча соат вақт бериб, вокзалда, телеграфда, депода ва бошқа жойларда соқчилар отрядини қолдириб, ишчиларнинг маҳаллий ташиклоти Сиёб дарёси водийсида уюштирган йиғинга йўл олдилар. Йиғинда ишчиларнинг темир йўл маъмурияти олди-га қўядиган талаблари ёзилди ва бундан кейинги ҳаракатлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Забастовкага раҳбарлик қилиш учун стачка комитети ҳам шу ерда сайланган бўлса керак. «Олинган маълумотларга қараганда,— деб ёзган эди ротмистр Ковальков Самарқанд округ суди прокурори номига юборган хатида,—улар (иш ташлаган ишчилар — *Муҳаррир*) соат 9 да вокзалга келишади, улар контораларда ишни тўхтатиш тўғрисидаги талабларнинг бажарилган-бажарилмаганлигини текшириб кўришади ва агар иш тўхтатилмаган бўлса, у ҳолда куч ишлатиб забастовка қилишга мажбур этишади».

Қазаклардан 300 киши ва бир рота солдат вокзал райони-га юборилди. Аммо бу вақтда ишчилар Сиёб дарёси соҳилидаги йиғинда эдилар. Маъмурлар ишчилар билан очиқдан-очиқ курашиш ва ҳарбийларни ишга солишга журъат этолмади. «Русский Туркестан» газетасининг хабар беришича, «вокзал билан шаҳар ўртасига қўшинлар қўйиб чиқилди, улар вокзалдан шаҳарга эркин ўтишга йўл қўймас эдилар». Бу иш темирйўлчилар билан шаҳар ишчилари сафларини ажратиб юбориш мақсадида қилинган эди.

Большевиклар бошчилигидаги Самарқанд шаҳар ишчилари қатъийлик билан иш кўрдилар. 15 октябрда Ўрта Осиё темир йўлида забастовка бошланганлиги ҳақида дастлабки хабар олингач, шаҳар ишчилари темир йўл депоси забастовка бошлаши биланоқ иш ташлашга қарор қилдилар.

Бу шундан далолат берадиги, намойиш ўтказишга етарли равишда пухта тайёргарлик кўрган Самарқанд шаҳар ишчилари вазиятга тўғри баҳо бердилар ва кучларни бўлиб юбормаслик ҳамда подшо амалдорларининг революцион кучларни алоҳида-алоҳида янчиб ташлашларига имкон бермаслик учун темир йўл ишчилари билан айни вақтда ягона фронт бўлиб чиқишга бел боғладилар. Шаҳар ишчилари билан темирйўл-



чиларнинг биргаликдаги чиқишлари, шубҳасиз, умумий душман — чоризмнинг умумий сиқувига қарши курашни кучайтирган бўлур эди.

Шунинг учун 17 октябрда темир йўл депосининг ишчилари иш ташлашлари биланоқ, Самарқанд шаҳар ишчилари ҳам стачка уюштирди. Улар ўз хўжайинлари, матмурлари олдига иқтисодий характердаги талаблар қўйди.

Большевиклар раҳбарлик қилган Демуров босмахонасининг ишчилари айниқса юксак онглилик кўрсатдилар. Улар темир йўл ишчиларидан кейин 18 октябрда биринчи бўлиб ишни тўхтатдилар, чой қадоқлаш фабрикасининг ишчилари, шаҳар ва областдаги бошқа корхоналарнинг ишчилари ҳам улардан ўрнак олди.

Самарқанд эркаклар гимназияси ўқитувчилари ва ўқувчиларининг бир қисми ҳам сиёсий намоиш ва митингларда иштирок этди. «Мен 18 октябрь сешанба кuni эрталаб соат 10 да кўчага чиққанимда,— деб ёзган эди «Русский Туркестан» газетасининг Самарқанддаги мухбири,— икки босмахонанинг, магазинлар, устахоналар ва бошқа шу кабиларнинг ёпиб қўйилганлигини кўрдим, эркаклар гимназиясидан болалар кўчага чопиб чиқиб, «Ура! «Ура!», «Яшасин озодлик!» деб қичқиришар эди. Гимназиянинг юқори синф ўқувчилари хотин-қизлар гимназияси томон йўл олишди. Кундуз соат 12 га бориб Самарқанд шаҳрининг ҳамма ишчилари иш ташладилар. Транспорт конторалари ҳам бу ҳаракатга қўшилдилар. Шаҳардаги ҳаёт дарҳол тўхтаб қолди. Обивателлар стачканинг чўзилиб кетишидан кўрқиб, пон ва бошқа озиқ-овқатларни ғамлаб қўйишга шошилдилар. Дарҳақиқат, кечгача ҳамма нонвойхоналар ёпиқ эди, фақат кечки пайт халойиқ митингда нонвойхоналар ва гўшт дўконларини очиб қўйишга қарор қилди». Уша кuni шаҳар кўчалари ишчилар билан лиқ тўла эди. «Бу эса самарқандликлар учун мисли кўрилмаган ажойиб воқеа бўлди,— деб хабар беради газета.— Кўчаларнинг ўртасидан ишчилар ва ўқувчилар, ёшлардан иборат халқ оммаси, уларнинг кетидан эса саф тортиб казаклар борар эди». Бироқ Николаев кўчасига етгач, намоишчиларни тўхтатишди, уларга халқ эркинлик олганлиги тўғрисида (17 октябрь манифести — *Муҳаррир*) телеграмма олинганлигини маълум қилишди. Халқ «Яшасин эркинлик!», «Яшасин эркин Россия!» деган хитоблар билан тарқалишди.

18 октябрда Иванов паркида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Бу митингда 1000 дан ортиқ киши қатнашди. Митингда Морозов ва бошқа нотиклар чоризмга қарши, озодлик учун курашга даъват этдилар. Митинг қатнашчилари яқдиллик билан қарор қабул қилдилар. Қарорда бундай дейилган эди: «Гражданлик эркинлигининг мустақил асосларидан бири — бу матбуот эркинлигидир. Агар давлат қурилиши органлари





кишиларнинг жинси ва миллатидан қатъий назар ҳамма учун баробар бўлган умумий, яширин ва тенг сайлов ҳуқуқи беришга асосланмаса, у ҳеч қандай мустақкам гарантияга эга бўлолмайди. Шунинг учун ана шу ҳуқуқнинг эълон қилиниши империянинг асосий қонуларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Озодликнинг толмас ва жасур курашчиси бўлган ишчилар синфига хайрихоҳлик билдириб, биз унинг иқтисодий талабларини, хусусан, 8 соатлик иш кунини зудлик билан жорий этиш ва меҳнатнинг ҳамда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида тўла дам олиш кунини жорий қилиш тўғрисидаги талабларини принципиал равишда қўллаб-қувватлаймиз. . . Сиёсий ишлар бўйича жабрланган барча кишиларга тезда тўлиқ афв эълон қилиниши керак. Барча сиёсий маҳбуслар ва сургунга юборилган кишилар зудлик билан озод этилиши зарур».

Митинг тамом бўлгач, ишчилар эртаси куни йиғилишга қарор қилишди. 18 октябрда кечқурун Жамоат мажлиси биносида маҳаллий зиёлилар кечки зиёфат беришди. Бу зиёфатда Морозов нутқ сўзлади. Шу зиёфат вақтида иш ташлаган ишчилар учун пул тўпланди.

19 октябрда Самарқанддаги Жамоат мажлиси биносида ўтказилган умумхалқ митингида 800 дан ортиқ киши қатнашди. Морозов яна раис қилиб сайланди. Митинг қатнашчилари якдиллик билан қарор қабул қилди. Бу қарорда улар «шаҳарнинг ўз-ўзини бошқаришини жорий этиш, вокзалдаги ҳарбий соқчиларни олиш ва шаҳардаги кучайтирилган ҳарбий соқчиликни бекор этишни» талаб қилдилар. Туб жой аҳоли ишчилари ҳам иқтисодий аҳволни яхшилаш тўғрисидаги талабларни ўртага ташладилар.

Маҳаллий миллат меҳнаткашлари революцион курашда тобора фаол қатнаша бошладилар — улар прокламациялар тарқатишар ва революцион социал-демократларни подшо зилимларидан яширар эдилар. Масалан, Хўжа Соиб Ҳусанбоевнинг уйида Самарқанддаги темирйўлчилар забастовкасининг қатнашчиси Николай Иосипович Де-Липпе яширинган эди.

1905—1907 йилларда Каттақўрғон темир йўл станциясида ишлаган большевик П. Ф. Зайцев ўз хотираларида бундай деб кўрсатади: «Ишчилардан бири бизни почталён билан таништирди. . . Бу — Д. М. Устабоев эди. . . У ҳукуматга қарши ғояларнинг ташкилотчиси ва тарғиботчиси сифатида ишчилар орасида машҳур эди. . .».

---

Самарқандда большевистик матбуот ташкилотчилари: М. В. Морозов, А. В. Худан; Морозов билан бирга ишлашган Самарқанд босмаҳонаси ишчилари: К. Ашуров, С. Турсунов, И. Шожонов, А. Шермухамедов.

Ана шу ва бошқа фактлар шундан далолат берадики, РСДРП нинг Самарқанд группаси ўзбек ишчилари билан маҳкам алоқа ўриятди, улар ўртасида революцион пропаганда олиб борди, уларнинг иқтисодий аҳволни яхшилаш учун олиб борган курашига бошчилик қилди, маҳаллий меҳнаткашларнинг энг яхши намоёндалари (Д. М. Устабоев, А. Комилжонов ва бошқалар)ни ўз ишига жалб этди.

Туркистондаги октябрь сиёсий стачкаси 1905 йил 27 октябрда тугади. Бироқ тез орада ўлкада ишчи ва солдатларнинг янги забастовкалари бошланди. 15 ноябрдан 16 ноябрга ўтар кечаси Тошкент ҳарбий қалъасида қўзғолон бўлди. 20, 21 ва 22 ноябрда Тошкентда оммавий митинглар бўлиб ўтди. Сўзга чиққан большевик нотиқлар меҳнаткашларни чоризмга қарши қуролли қўзғолонга даъват этдилар.

Ана шу чақириқларга жавобан 1905 йил ноябрда Самарқанд областининг бир қатор ҳарбий қисмларида революцион чиқишлар бўлиб ўтди. Самарқанд станцияси устахоналарининг ишчилари оммавий намоёиш уюштирдилар, Черняево станциясининг темирйўлчилари ва Самарқанднинг почта-телеграф ходимлари ҳам забастовка ўтказдилар. Улар кетидан Самарқанд станциясидаги барча депо ва устахоналарнинг ишчилари ҳам намоёишга чиқдилар. Шу муносабат билан социал-демократик ташкилот аъзолари ва «Самарқанд» газетасининг ходимлари қамоққа олинди. Самарқанд станциясининг ишчи ва хизматчиларидан бир қисми ишдан бўшатилди.

1905 йил ноябрда Тошкент, Черняево, Хўжанд, Қизил Арвотдаги ва ўлканинг бошқа пунктларидаги бир қанча ҳарбий қисмларда ҳам ғалаёнлар бўлиб ўтди. Самарқанддаги 2-Закаспий темир йўл батальонининг солдатлари ўз йиғинида: «Халққа қарши ўқ отганлар қоралансин, тошкентлик ўртоқларга ҳамдардлик билдирилсин», деган қарор қабул қилдилар.

Подшо маъмурлари революцион ҳаракатни бостириш учун ҳар қандай чоралардан ҳам қайтмади. Туркистон генерал-губернаторининг фармониغا асосан, полиция ва казаклар Тошкентда 23 ноябрга ўтар кечаси большевик М. В. Морозовни ва 10 социал-демократни қамоққа олдилар. Самарқанд почтаси ва вокзалида қўшинлар жойлаштирилди. Маъмурлар темир йўлда ҳарбий ҳолат жорий этди.

1905 йил ноябрь воқеалари Туркистонда революцион ҳаракатнинг энг юқори нуқтаси бўлди. 1906 йил майгача вақтинча осойишталик бўлиб, меҳнаткашларнинг онда-сонда ғалаёнлари бўлиб турди.

1906 йил бошларидаги революцион курашнинг вақтинча осойишталигидан Туркистон ўлкаси социал-демократик группалари ва ташкилотларини бирлаштириш учун фойдаланилди.

1906 йил февраль охирида Тошкентда РСДРП Туркистон ташкилотларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Бу

конференцияда маҳаллий партия группалари қайта номланиб «РСДРП Туркистон ташкилотларининг иттифоқи»га бирлаштирилди. Уларга «Иттифоқ комитети» бошчилик қилди. «Иттифоқ комитети» ўлкада омманинг чиқишларига ва сиёсий адабиётнинг нашр этилишига бошчилик қилиши, Туркистондаги барча партия ташкилотларининг фаолиятини бирлаштириши, умумпартия марказлари билан алоқа ўрнатиши керак эди.

Конференциядан кейин Самарқанд социал-демократик ташкилотининг аъзолари область меҳнаткашлари оммаси ўртасида янада зўр бериб иш олиб борди. Улар Самарқандда митинглар, оммавий йиғилишлар, реферат ва лекциялар ўқишни ташкил қилиб, унда чор самодержавиесига қарши бундан буён ҳам кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Самарқанд социал-демократик ташкилотининг нашриётчилик фаолияти анча кенгайди. Халқ оммасини чоризмга қарши курашга даъват этувчи прокламациялар, хитобномалар босилди. Бу ишда маҳаллий миллат ишчилари (Турсунов, Шермухамедов, Шожонов ва бошқалар) қатнашдилар; улар ишдан ташқари вақтларида яширин босмахонада революцион варақаларни босиб чиқардилар.

Самарқанд социал-демократик группаси ўлкадаги йирик ташкилот бўлиб, унга тажрибали большевиклар бошчилик қилди. Морозов Тошкентга қайтиб келгач, «Русский Туркестан» газетасига муҳаррир бўлди.

«Русский Туркестан» ва «Самарқанд» газеталари миллий масала юзасидан большевикларнинг сиёсатини меҳнаткашларга изчиллик билан тушунтирди, буржуа миллатчилигининг барча кўринишларига қарши, пролетар интернационализм учун актив кураш олиб борди.

«Русский Туркестан» газетаси 1905 йил 6 декабрдаги «Озодлик ҳаракати ва ерли аҳоли» деган мақоласида бундай деб ёзди: «Юқори ва паст ирқлар ҳақидаги калтабин назарияни аллақачон... архивга топшириш пайти етиб келган. Бу назарияга кўра бир хил ирқлар ҳукмронлик қилишга яратилган, бошқа хил ирқлар эса... умуминсоний тарих майдонидан аста-секин йўқолиб кетишга маҳкум этилган эмиш. Фақат бизнинг ҳукумат системамизгина... ўзининг ички сиёсатида Шарқ ва Сибирдаги «беғона» халқларга нисбатан ана шундай назарияларга асосланиб иш кўрди». Газета гўё маҳаллий аҳоли Россиядаги революцион ҳаракатга бутунлай бепарво қарамоқда ва ана шу ҳаракат томонидан қўйилган мақсадларни тушунмайди, деган шахсларни кескин танқид қилиб, маҳаллий аҳоли меҳнаткашлари, айниқса, чор самодержавие-си ағдариб ташланиб, сиёсий озодликка эришилганидан кейин Россиянинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида буюк роль ўйнайди деб ишонч билдирди. Большевиклар миллий-мустамлакачилик зулми барча миллат меҳнаткашлари биргалликда кураш олиб

боришлари натижасидагина йўқ қилиб ташланиши мумкин эканлигини маҳаллий меҳнаткашларга тушунтирдилар.

Туркистондаги социал-демократик ташкилотларнинг вакиллари РСДРП съездлари ишида фаол қатнашди. Декабрь қурулли қўзғолони мағлубиятга учраганидан кейин 1906 йил апрелида Стокгольмда IV Бирлаштирувчи съезд бўлиб ўтди. Самарқанд социал-демократик ташкилотидан Морозов делегат қилиб сайланди. Морозов съезднинг 21-мажлисида парламентнинг социал-демократик фракцияси тўғрисидаги масала юзасидан съезд резолюциясининг меньшевистик лойиҳасига қарши гапириб, унга тузатиш киритди. У партиянинг сайловларда қатнашмаслигини, парламент социал-демократик группасини ташкил этиш тўғрисидаги масалани «Думага сайланган социал-демократларни аниқлаб ва улар сайлов ўтказилган районлардаги барча ташкилотлар томонидан тан олингандан кейингина ҳал этиш мумкин»,— деб талаб қилди. В. И. Ленин Морозовнинг парламент социал-демократик фракцияси ҳақида киритган тузатишини ёқлаб, съездда нутқ сўзлади.

Маълумки, съезд кўпчилик овоз билан меньшевиклар программасини қабул қилди. Съезд ёпилгандан кейин В. И. Ленин «Бирлаштирувчи съезд» большевикларнинг солиқ фракциясига мансуб бўлган делегатларининг партияга мурожаати»ни ёзди. Бу мурожаат делегатларнинг Стокгольмдаги кенгашида муҳокама этилди ва қабул қилинди. Съезд қатнашчиларидан 26 большевик мурожаатга имзо чекди; В. И. Лениндан кейин иккинчи бўлиб М. В. Морозов имзо чекди.

1906 йил Туркистонда бир қанча йирик революцион чиқишлар билан нишонланди. Ишчилар ва Туркистон ҳарбий округи баъзи қисмларининг солдатлари репрессиялар кучайтирилганлигига қарамай, курашни тўхтатмадилар. Январнинг биринчи ярмида Урта Осиё темир йўли ишчилари 8 соатлик иш кунини жорий этдилар, 9 январда эса ишчиларнинг қонли жазоланган куни хотирасига бир кунлик забастовка ўтказилди.

Самарқанд областида ҳам ғалаёнлар бўлиб ўтди. Революцион ҳаракатга ишчилар билан бир қаторда зиёлилар ҳам қўшилди. Самарқанд эркаклар гимназиясининг ўқитувчилари Е. В. Корчиц билан Ф. Ф. Андрианов сиёсий жиҳатдан ишончсиз киши деб айбланиб, қамоққа олинди. Улар гимназия ўқувчилари орасида революцион пропаганда олиб борган эди.

1906 йил майида революцион ҳаракат янада авж ола бошлади. Темир йўл ишчилари бу ҳаракатнинг ташаббускори бўлди. 1905 ва 1906 йил кузидаги революцион ҳаракатда Туркистон темир йўл союзининг маҳаллий ташкилотлари катта роль ўйнади. Улар янги революцион ҳокимиятнинг куртақлари эди.

1906 йил мобайнида омма ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб бориш билан бир қаторда, партия ички ташкилий иши ҳам анча яхшиланди.

Туркистон социал-демократик ташкилотларининг I конференциясидан кейин то 1906 йилнинг кузигача бўлган давр революцион ҳаракат кучайиши муносабати билан социал-демократлар фаолиятининг кенг авж олган иккинчи даври бўлди.

Самарқанд большевиклари легал ва яширин матбуот саҳифаларида марксизм-ленинизмнинг асосий назарий қоидаларини кенг пропаганда қилдилар. «Самарқанд» газетасининг 1906 йил 1 январдаги бош мақоласида қуйидагилар қайд қилинган эди: «Социал-демократия ишчилар синфини миллатчилик тенденцияларини қўллаб-қувватлаш учун ўз кучларини бағишлашга чақираётган миллатчиларга қарши, «социализациялаштириш» ва «кооперативлаштириш» тўғрисидаги турли-туман мешчанлик утопиялари воситасида ишчилар оммасининг синфий онгини хиралаштиришга интилаётган «дўстларга», «социалистларга» қарши, феодал-монархия даврининг янги ҳаётга у ёки бу кўринишда кириб келаётган турли-туман меросига қарши кураш олдида турибди».

Подшо ҳукумати сиёсатига етарли даражада жавоб бермаган I Давлат думасини 1906 йил 8 июлда тарқатиб юборди ва II Давлат думасини чақирришга қарор қилди. Думага сайловлар 1906 йилнинг охири ва 1907 йилнинг бошларида революция секин-аста сусайиб бораётган бир шароитда ўтказилди. Шунинг учун большевиклар Думадан революция манфатлари учун фойдаланиш мақсадида сайловларда қатнашишга қарор қилди.

Туркистонда Давлат думасига сайловлар полициячилар ҳаддан ошган бир вазиятда ўтказилди. Айни вақтда меньшевиклар большевикларга қарши актив кураш бошлаб юборди. Меньшевикларнинг таъқиб авж олган бир пайтда — 1906 йил 16 июлда М. В. Морозов қамоққа олинди. 13 августда Андижонда ўтказилган митингга нутқ сўзлаганлиги учун Биховский ҳам турмага ташланди. «Русский Туркестан» газетасининг муҳаррири — Морозовнинг рафиқаси А. В. Худаш ўзининг қамоққа олиниши тўғрисида буйруқ чиқарилганлиги сабабли 1907 йил февралда Туркистондан жўнаб кетишга мажбур бўлди.

Маъмурий репрессиялар даври бошланди. Большевик раҳбарларнигина эмас, балки оддий революцион ишчиларни ҳам оммавий қамоққа олиш ва сургун қилиш кучайиб кетди.

Шунга қарамай, большевиклар сайловларда оммавий-сиёсий агитацияни авж олдиришга муваффақ бўлдилар. Улар Самарқанд областида ўтказилган сайловларда айниқса муваффақиятли қатнашдилар. Морозов областнинг европалик аҳолисидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилди. Бироқ

Маҳаллий маъмурлар уни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиб, Туркистондан чиқариб юборди.

Туркистон меньшевиклари РСДРП нинг IV съезидан кейин ўзларининг фракциячилик фаолиятини кучайтириб ва Туркистондаги таниқли большевикларнинг қamoққа олинганлигидан фойдаланиб, Иттифоқ комитетида кўпчилик ўринини эгаллади ва ана шу комитет номидан меньшевистик легал «Новый путь» газетасини чиқара бошлади.

1906 йил сентябрида Тошкентда РСДРП нинг II Туркистон конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда меньшевиклар большевикларга ҳужумни давом эттирди, лекин зарбага учради. 1906 йил октябрида РСДРП Тошкент комитетининг янги, большевистик состави сайланди.

Чор амалдорлари ўлкада революцион ташкилотларни таъқиб қилишни давом эттирди. 1906 йилнинг кузида Самарқанд социал-демократик ташкилоти йўқ қилинди. «Самарқанд» газетасини таъқиб қилиш кучайди ва декабрь ойида ёпиб қўйилди.

Самарқанд большевиклари матбуот пропагандасини яхшилаш мақсадида коммерсия характеридаги легал босмахона очишга уриниб кўришди. 1906 йил 12 сентябрда Черняево кутубхонасининг мудир А. С. Паренков иккита машина билан жиҳозланган босмахона очиш тўғрисида Самарқанд ҳарбий губернаторидан рухсат сўради. Бироқ Самарқанд полицмейстерининг «Паренков ўзининг сиёсий эътиқодига кўра, энг сўл партияларга мансуб киши» деб ёзган рапортига асосан босмахонани очишга рухсат бермади. Шунинг учун яширин босмахонадан фойдаланишга тўғри келди. Бу босмахона 1905 йилдаёқ Петровский кўчасидаги (ҳозирги Республика ва Пушкин кўчаларининг бурчагида) Шамсидиновларнинг уйида ташкил қилинган эди. Бу уйда Павел Сажин, Трофим Сидоров ва Александр Мурашкинцевлар истиқомат қилар эди.

Большевиклар яширин большевистик ташкилот ишига ерли миллат ишчиларини ҳам жалб этдилар. Яширин равишда ишлаган кекса большевикларнинг хотиралари ана шундан далолат беради.

Уша вақтда Демуров босмахонасида ишлаган С. Турсуновнинг хотираларида айтилишича, «Самарқанд» газетасидан ташқари, матбуот пропагандаси ҳукуматга қарши қаратилган яширин варақаларни бевосита чиқариш йўли билан ҳам олиб бориладди. «Бир кун кечаси, ишдан кейин,— деб эслайди Турсунов,— Поздняков варақаларни шошилнч суратда босиб беришни биздан илтимос қилди. Мен Отамурод Шермухамедов билан бирга босмахонага бордим. Уша вақтда босмахона Петровский кўчасидаги ака-ука савдогар Шамсидиновлар уйининг ертўласида жойлашган эди. Бу илтимосни ўша ерда адо этдик».

Самарқанддаги революцион воқеаларнинг қатнашчиси Исмоил Шожонов ҳам яширин босмахона ишида ерли миллат намояндаларининг иштирок этганлиги тўғрисида гапиради: «Биз тунги пайтда М. В. Морозовнинг уйида бир неча марта тўпланишдик. У бизга топшириқлар берар эди. Масалан, Морозовнинг илтимосига кўра, мен Отамурод билан бирга хусусий (яширин) босмахонада ишлар эдик. Биз шу уйдан чиқмасдан, кечаси соат 10 дан эрталабгача ишлаб, варақалар чиқарар эдик ва сўнгра ўша ердан ишга кетар эдик».

1905—1907 йиллардаги революция ўзбек савдо-саноат буржуазиясини ва миллий буржуазия зиёлиларини ҳаракатга келтирди. Революцион воқеалар мусулмон руҳонийлари ва аҳолининг бошқа имтиёзли табақаларига ҳам таъсир кўрсатди. Бу ҳаракат бутун Туркистон ўлкасидаги сингари Самарқандда ҳам бир хил эмас эди. Рус капиталистларига қарам бўлган ўзбек буржуазияси мустақилликни истар эди. Бироқ рус буржуазияси билан иқтисодий муносабатларни йўқотиб қўйишдан ва революциядан қўрқиш уларни жим туришга мажбур этар эди. Ўзбек буржуазияси ислом ва шарият доғмаларига тил текизмай, кичик ислохотлар ўтказишигина талаб қилди.

Зиёлилар бошда мусулмон диний таълими эски системасини ўзгартириш тарафдори эди, гарчи уларнинг ҳаракати баъзи ислохотлар ўтказиш ва чор ҳукуматининг Туркистонни идора қилишини «яхшилаш» талаблари доирасидан чиқмаган бўлса ҳам, аммо бу ҳаракат революция жараёнида сиёсий тус олди.

Мусулмон руҳонийлари, аввало уларнинг раҳнамолари, шунингдек, буржуазия революцион ҳаракатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриниб кўрдилар. Улар подшога садоқат руҳи билан суғорилган петицияларида либерал буржуазия талабларига ўхшаш талабларни илгари суриб, фақат эски таълим системасини сақлаб қолиш, вақф ишларини тартибга солиш ва шариятни тўла даражада тиклаш ҳақидаги талабларигина диний характерга эга эди.

Руҳонийларга қарама-қарши ўлароқ, прогрессив кайфиятдаги зиёлилар маърифатни ҳимоя қилдилар, илгор рус ва европа фани ҳамда маданиятнинг тарғиботчилари бўлиб чиқдилар. Шулар туфайли Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий тафаккур тараққий этди.

Шундай қилиб, биринчи рус революцияси йиллари узоқ чекка ўлкалар учун ҳам жамиятнинг имтиёзли юқори табақаси — буржуазия, буржуа зиёлилари ва олий руҳонийлар билан прогрессив зиёлилар ва ишчилар ўртасидаги кескин идеологик кураш билан характерланади. Бу кураш меҳнаткашлар оммасида прогрессив дунёқарашнинг шаклланишига ёрдам берди. Омма ўз манфаатларини ким ҳимоя қилаётганлигини, кимлар

Эса ўз имтиёзли ҳолатларини сақлаб қолишга интилаётганлигини, бундай кишиларнинг меҳнаткашларни революцион курашдан чалғитиб, уни иқтисодий кураш билан алмаштиришга уринаётганлигини тушуна бошладилар.

1905—1906 йиллардаги революция кунларида шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари баъзи қисмининг ҳаракати норозиликнинг алоҳида шакли бўлди. Бу ҳаракатни подшо маъмурлари «босқинчилик ҳужумлари» деб атади. Бу ҳаракат асосан феодал-бой гуруҳларга ва чор маъмурияти вакилларига қарши қаратилган эди. Унинг раҳбарлари орасида Намоз Пиримқулов ўзининг активлиги, дадиллиги ва жасорати билан ажралиб турар эди. Бундай ҳаракатлар синфий курашнинг ўзига хос шакли бўлиб, муайян даражада самодержавие тузумини қақшатар эди. В. И. Ленин бундай чиқишларга партизан уруши деб қараб, уларни биринчи рус революцияси вужудга келтирган революцион курашнинг ёрдамчи формаси деб ҳисоблаган эди<sup>1</sup>.

### 3. РЕАКЦИЯ ВА ЯНГИ РЕВОЛЮЦИОН КУТАРИЛИШ (1907—1914 ЙИЛЛАР) ДАВРИДА СИЕСНИ ҲАЁТ

Россияда биринчи рус революцияси мағлубиятга учрагандан кейин реакциянинг оғир йиллари бошланди, полиция-самодержавие режимининг ҳаддан ошиши энг юқори чўққига етди. Таъқиблар, сургуллар, жазолар меҳнаткашлар бошига оғир кулфатлар солди. Ана шундай вазиятда Туркистонда миллий-мустамлакачилик зудми ҳам кучайди.

Подшо ҳукуматининг 1907 йил 3 июнда, II Давлат думаси тарқатиб юборилган кунни чиқарган янги сайлов қонуни янги Думанинг реакция, қора гуруҳчи кадетлардан иборат составда бўлишини таъминлаб берди. III Дума мамлакатда жорий этилган ҳарбий — полициячилик диктатурасини ҳимоя қилар ва чоризмнинг миллий масаладаги реакция йўлини қўллаб-қувватларди. Учинчи июндаги тўнтаришдан кейин Урта Осиё халқлари янги сайлов қонунига асосан Давлат думасидаги ўз вакилликдан батамом маҳрум бўлди.

Столипиннинг (1906 йил 9 ноябрь, 1910 йил 14 июль, 1911 йил 29 майда чиқарган) аграр қонунлари қишлоқда қулоқлар орқали чоризмнинг мустаҳкам таянчини вужудга келтириш мақсадини кўзлаган эди. Аслини олганда, аграр «ислоҳот» ва Столипин террори революцияни бостириш планининг икки хил кўриниши эди. Аграр «ислоҳот» меҳнаткаш деҳқонлар оммасини талаш ва уларга нисбатан ҳаддан ташқари зўравонлик ишлатиш йўли билан олиб борилди.

<sup>1</sup> Қаранг: В. И. Л е н и н, Асарлар, 2-том, 215—225-бетлар.



Реакция асосий зарбани революцион ишчилар синфига қаратди. «Чор ҳукумати, помещик ва капиталистлар,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— оммавий курашда рўй берган танаффусдан ўз душманларини йўқ қилиш учун тезроқ фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди, революцион синфлардан, биринчи навбатда пролетариатдан, революция қилгани учун қаттиқ *ўчи олдилар*»<sup>1</sup>.

Чоризмнинг реакцион сиёсатига таянган буржуазия ишчиларни революция йилларида қўлга киритган ғалабаларидан маҳрум этишга ҳаракат қилди. Меҳнаткашларни эксплуатация қилишнинг эски усуллари янги, янада нозик усуллар билан тўлдирилди.

Реакциянинг ҳаддан ошганлиги ва Столипиннинг контрреволюцион сиёсати Россиянинг чекка ўлкаларида, шу жумладан, Самарқанд областида ҳам кенг қулоч ёйди. Большевик партиясининг актив арбоблари Морозов, Поздняков, Биховский, Худаш ва бошқалар таъқиб остига олинди. Чор маъмурлари пролетариат ташкилотларига нисбатан ҳам жазо чораларини қўллай бошлади.

1906—1909 йиллардаги sanoat депрессияси Туркистонни ҳам четлаб ўтмади: корхоналар, темир йўл устахоналари ва деполар тез-тез тўхтаб қолар, кўпгина завод ва фабрикалар ёпиб қўйилар, ишчилар, ҳатто, озгина иш ҳақидан ҳам маҳрум бўларди. Корхоналарнинг хўжайинлари турли йўллар билан ишчиларнинг ҳуқуқларига путур етказар, уларга жарима солар, иш ҳақини қисқартирар, «шубҳали» кишиларни ишдан бўшатиш учун энг кичик важлардан ҳам фойдаланар эди.

Мустамлакачи маъмурлар маҳаллий аҳолини сиёсий ҳаётга уйғотган биринчи рус революциясининг таъсирини таг-томири билан йўқ қилиш учун чора қидирарди.

Умумий, сиёсий ва иқтисодий омиллар билан бирга, иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашганлиги реакция йилларида ўлкада ишчилар ҳаракати ривожланишининг сусайиб кетишига сабаб бўлди. Аммо пролетариатнинг, ҳатто, баъзан-баъзан бўлиб турадиган чиқишлари террор ва репрессиялар ишчиларнинг революцион руҳини синдира олмаганлигидан, революцион ҳаракатни бўғиб ташлай олмаганлигидан далолат берар эди. Чунончи, Туркистон район соқчилик бўлимининг справкасидан (1907 йил) шу нарса кўриниб турибдики, «ишчи С. А. Листунов Самарқанд темир йўл станциясида ишлаган вақтларида социал-демократик фракциядан II Давлат думаси аъзоллигига сайловчи вакил қилиб кўрсатилган эди, у революцион фаолиятини давом эттирганлиги, ишчиларни иш ташлашга ва коммунистик асосларда Компартия ташкил қилишга

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 16-том, 383-бет.

даъват этганлиги, митингларда пайдо бўлиб, буларда ташвиқот қилганлиги учун 1907 йилда ишдан бўшатилади ва қамоққа олинди.

Аҳоли ўртасидаги революцион кайфиятни бостириш мақсадида подшо маъмурияти Туркистонда одамларни қамоққа олди ва «ишончсиз» элементлар устидан назорат ўрнатди. Подшо охраникаси легал ташкилотларни, газета редакциялари, шу жумладан, «Самарқанд» газетасини ҳам таъқиб қилди ва ёпиб қўйди. Реакция идеология фронтида ҳам ҳужум бошлади. Матбуот саҳифаларида революцион арбобларга қарши бўҳтонлар ёғдирилди.

Мустахлакчи маъмурлар ишчилар ўртасида олиб борилаётган революцион пропагандага қарши курашни кучайтирди, революцион кайфиятдаги ишчиларнинг уйларида тўсатдан тинтувлар ўтказди. Охранка Петербургдан кўп миқдорда (қарийб 4000 нусха) революцион руҳдаги адабиёт олиб келган ишчилар Крутик билан Гордеевни 1908 йил 11 январда Самарқанд темир йўл станциясида қамоққа олди.

Урта Осиё темир йўли жандарм полицияси бошқармаси Черняево бўлимининг бошлиғи 1908 йил 8 мартда ёзган рапортида қуйидагиларни маълум қилган эди: «Самарқанд депосининг машинистлари Мясников ва Каминский Тошкент ва Самарқанддан революцион адабиёт ташиш билан шуғулланмоқдалар ва ана шу депо ишчиларидан Мамонтов, Морозов, Аникин, Фролов ва Белокопеннов Бутун Россия темир йўл Союзи Самарқанд комитетининг аъзоси. ., улар яқиндагина депо ишчиларидан тўпланган пулни марказий бюрога жўнатишди».

Урта Осиё темир йўлининг 176 ишчиси ниҳоятда ишончсиз шахслар сифатида 1908 йил мартда қамоққа олинди ва ўлкадан сургун қилинди; улар орасида Самарқанд ва Черняево (ҳозирги Урсатьевск) темир йўл станциясининг 32 ишчиси ҳам бор эди.

1908 йил 24 апрелда Самарқанд темир йўл станциясининг 57 ишчиси қамоққа олинди. Улар орасида социал-демократик ташкилотнинг 17 аъзоси (В. Лекутин, С. Ситников, С. Клишин, С. Листунов, Н. Антропов, М. Шчербинин, А. Гольцев, Ф. Морозов ва бошқалар) бор эди. Уларни яширин йиғилишларда қатнашганликлари, ҳукуматга қарши митинглар уюштирганликлари ва революцион адабиёт тарқатганликлари учун жавобгарликка тортди. Қамоққа олинганлар орасида социал-демократ М. А. Зенкович ҳам бор эди. У сиёсий маҳбуслар — Хўжанд батальони солдатларини Самарқанд станцияси орқали олиб ўтган вақтда уюштирилган намоийишда қатнашган эди.

Забастовка ҳаракатининг фаол ташкилотчилари ва қатнашчиларидан бири, яширин адабиётларни тарқатувчи, Са-

марқанд темир йўл станцияси депоси ишчиларининг раҳбари Б. И. Каменский ҳам турмага ташланди. Самарқанд станцияси депосининг машинисти Ф. П. Морозов социал-демократик партиёга мансуб бўлганлиги ва 1905—1907 йиллардаги революцион ҳаракатда энг фаол қатнашганлиги учун қамоққа олинди. «Ҳар сафар митингларда унинг нутқини Самарқанд станцияси ишчилари қарсақлар билан кутиб олардилар»,— деб ёзган эди шаҳар полицияси ўзининг 1908 йил 7 августдаги рапортида.

Самарқанд область ҳарбий губернаторининг 1908 йил 6 июлдаги илтимосига кўра, кучайтирилган соқчилик тўғрисидаги Низомнинг амал қилиш муддати яна уч йилга узайтирилди.

Қамоққа олишлар ва дўқ-пўписаларга қарамай, 1908 йил куз фаслида Самарқандда ғалаёнлар бўлиб ўтди. Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори Самарқанд ҳарбий губернатори номига 1908 йил 3 сентябрда ёзган махфий хатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: «Туркистон соқчилик бўлимида мавжуд маълумотларга қараганда, Бутун Россия темир йўли союзининг Ўрта Осиё бўлими ўз фаолиятини кучайтирмоқда. 16 августда Самарқандда депо бошлиғининг ёрдамчиси Береговой уйининг деразасига қўйилган плита бомба портлади».

Реакция йиллари сиёсий партиёлар учун синов даври бўлди. Омон қолган революцион социал-демократлар ниҳоятда яширин тарзда ишни давом эттирдилар. Улар Самарқанд солдат ва ишчилари ўртасида агитацияни тўхтатмадилар.

В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва уюштириш соҳасида катта иш олиб борди. Бунинг учун омма билан маҳкам боғланган нолегал партиёни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарур эди. РСДРП нинг 1908 йил декабрида бўлиб ўтган V конференцияси революцион ҳаракат пасайган ва реакция авж олган вазиятда партиё тактикасини белгилаб берди. Конференциянинг ташкилий масала юзасидан қабул қилинган резолюцияда партиё аъзолари диққатини мавжуд яширин, ярим яширин ва имкони борича легал ташкилотлардан фойдаланишга ва уларни мустаҳкамлашга ҳамда янгидан ана шундай ташкилотлар тузишга алоҳида эътибор беришга қаратди, чунки улар омма ўртасида ташкилий, пропаганда ва амалий ишларни олиб боришда партиёнинг таянч пунктлари бўлиб хизмат қилишлари мумкин эди.

Самарқанд большевиклари РСДРП V конференцияси қарорларига амал қилиб, реакциянинг оғир шароитида ҳам революцион иш олиб бордилар. 1908—1909 йилларда Самарқанд ва Хўжандда (ҳозирги Ленинобод шаҳри) большевиклардан Никифоров, Измайлов ва бошқалар йигинлар уюштирди, бу

йиғинларда ҳукуматга қарши нутқлар сўзланди. Туркистон генерал-губернатори подшо номига йўллаган мактубида қуйидагиларни ёзган эди: «Барча шаҳарларда ҳар турли қуйи темир йўл хизматчилари ва ишчиларининг тўпланишлари кўзга ташланади; пропаганда асосан шу томонга қаратилган ва бу ерда агитаторларнинг ташкилий иши марказлаштирилмоқда».

Самарқанддаги революцион группага Н. С. Милишников бошчилик қиларди. У агитация ва пропаганда, революцион варақалар тарқатиш ишларига катта эътибор берар эди.

Столипин реакциясининг оғир йилларида Самарқанд большевиклари янги революцион кўтарилишнинг муқаррарлигига қатъий ишондилар. Самарқанд область ҳарбий губернаторининг 1909 йил 4 февралда Туркистон генерал-губернатори номига йўллаган рапортида қуйидагилар айтилган эди: «Ўтакетган сўл партияларнинг ҳукуматга нисбатан сиёсий муносабати ва қарашлари ҳеч бир ўзгармади».

Большевиклар омма билан алоқани мустаҳкамлаш мақсадида Самарқанддаги мавжуд легал маданий-оқартув жамиятлари, ҳаваскорлик драм тўғараклари ва шу кабилардан ҳам фойдаландилар. Улар 1909 йилда «Халқ билимлари тўғараги» маърифат жамиятидан фойдаландилар. Самарқанд большевиклари революцион фаолияти учун ишдан бўшатишга кишиларга темирйўлчиларнинг «ўзаро ёрдам жамияти» орқали моддий ёрдам кўрсатиш ва ишга жойлашишида кўмаклашди.

Хўжанда истиқомат қилувчи В. Г. Рик-Богданенко номли аёл 1909 йилда «Красное солнышко» деган ойлик прогрессив журнал чиқара бошлади. Бу журнал Самарқанддаги Демуров босмахонасида босиларди. Редакция журналхонларга мурожаат қилиб, бундай деб ёзди: журнал оғир шароитда, «ҳуқуқсизлик, ғалаён, ўзбошимчалик ва зўравонлик авж олган, матбуот овози бўғиб қўйилаётган бир даврда; сўз эркинлигининг энг яхши вакилларида бирининг ноилождан овози ўчиб, бошқалари... кетаётган бир пайтда чиқаяпти». Янги журналнинг вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилиб: «Редакция меҳнаткашлар, келгинди ишчиларни ҳам, маҳаллий аҳолининг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишни биринчи ўринга қўяди» дейилган эди. Ана шу прогрессив журнални нашр этиш маҳаллий ҳокимият органларининг буйруғига асосан 1909 йил 4 январда тўхтатилди.

1909 йилда Самарқандда Демуров босмахонаси ишчиларининг забастовкаси муваффақиятли ўтди. Ҳарф терувчилардан С. Власов, К. Мануилов, литограф Н. Семенов, чоп қилувчи И. Иосилевич ва бошқалар ана шу иш ташлашнинг актив ташкилотчилари бўлдилар.

В. И. Ленин қайд қилиб ўтганидек, 1909 йил «Қора гуруҳ реакциясининг тўла ҳукмронлик палласи тамом бўлди. Янги

кўтарилиш палласи бошланмоқда. 1905 йилдан 1909 йилгача орқага чекиниб келган пролетариат — жуда кўп тўхтаб-тўхтаб чекинган бўлса ҳам — кучини тўпламоқда ва ҳужумга ўта бошламоқда»<sup>1</sup>.

1910 йилдан бошлаб ишчилар ҳаракатида жонланиш кўзга ташланади, 1911 йилда эса мамлакатдаги иш ташлаганларнинг сони 100 мингдан ошиб кетди (олдинги йилларда 50—60 минг киши иш ташлаган эди).

Россия пролетариатининг олиб бораётган кураши Туркистон пролетариатига революционлаштирувчи таъсир кўрсатди. Улкада ишчиларнинг айрим иқтисодий чиқишлари ана шундан далолат беради. Бундан ташвишланган подшо амалдорлари қамоққа олишни давом эттирди. 1910 йилнинг ўзидаёқ Тошкент темир йўли ишчиларидан 300 киши «қора рўйхатга» киритилди; уларнинг сиёсий партиялар сафига кириши ман этилди. Реакция йилларида Тошкентда «Туркистон соқчилик бўлинмаси» ташкил этилди. Бу бўлинманинг Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарларида қидирув пунктлари бор эди. Турмалар маҳбуслар билан тўлиб кетди. Аммо ана шундай шароитда ҳам революцион иш тўхтатилмади. Самарқанд областининг ҳарбий губернатори 1910 йил 20 мартда Туркистон генерал-губернаторига қуйидагиларни маълум қилди: «Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида Россия ва Кавказдан келган кишилар кўпроқ тўпланишяпти. . . уларнинг зарарли революцион фаолиятини тезда тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти».

1910 йилга келиб ўлка саноати ўз ривожланишида катта қадам қўйди. Агар Россияга қўшилган пайдан тортиб, то 1910 йилгача Туркистонда 171 та корхона ишга туширилган бўлса, шундан кейинги 10 йил ичида — 1900 йилдан 1910 йилгача 223 та корхона ишга туширилди. Нефть, темир, мис қазиб чиқариш кўпайди, темир йўл қурилиши кенгайди.

Самарқандда пахта тозалаш ва вино саноати ривожланди, Шу сабабли ишчиларнинг сони ҳам ортди. 1910 йилга келиб ишчилар сони, темирйўлчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 1500 га етди. Ишчилар синфининг сон жиҳатдан ўсиши областда революцион ҳаракатнинг авж олишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

1911 йилнинг августида Самарқанд областининг Сулуқта кўмир конларида иш ташлаш бўлиб ўтди. Қонлардаги жуда оғир меҳнат шароити ва кон маъмуриятининг ишчиларни таҳқирлаганлиги ана шу забастовканинг бошланишига сабаб бўлди.

Самарқанд большевиклари ишчиларда синфий онглиликни уйғотиш учун легал иш олиб боришнинг барча формаларидан фойдаланди. Большевик Г. Н. Клименко марксча-ленинча

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 16-том, 385-бет.

адабиётни тарқатиш юзасидан катта иш олиб борди. 1911 йил 30 октябрда унинг уйида тинтув ўтказилган вақтда партиявий кутубхонани топиб олишди. Бу кутубхонада К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия Манифести», К. Каутскийнинг «Эрфурт программаси» ва бошқа асарлар бор эди. Уша йили 11 ноябрдаги тинтув вақтида социал-демократик йўналишдаги 80 та брошюра, шу жумладан, Плехановнинг «Тарих фалсафаси», «4-социал-демократнинг кундалиги» асарлари мусодара қилинди. Туркистон соқчилик бўлини маси бошлиғининг Клименко иши юзасидан чиқарган айбномасида бундай деб ёзилган: у ишчилар синфи орасида социал-демократик ғояларни тарқатувчи энг хавфли пропагандист бўлиб ҳисобланади, «унинг шахси ўлкада жамоат осойишталигини сақлаш учун шубҳасиз зарарлидир».

Самарқанд большевиклари репрессияларга қарамай, омма ўртасида олиб бораётган сиёсий ишни давом эттирди, Жиззах, Каттақўрғон яширин ташкилотларига ёрдам берди.

«Русский Туркестан» газетасининг собиқ ходимлари, таниқли большевиклар, 1905—1907 йилларда Туркистонда бўлиб ўтган революцион ҳаракатнинг қатнашчилари бўлган Г. И. Шовдия, С. И. Кушевили, «Самарқанд» газетасининг собиқ ходими Г. Н. Клименко ва большевиклардан Ф. Д. Фигельский, Н. М. Марков ва бошқалар қамоқ муддатини ўтагач, 1911—1914 йилларда Самарқандга қайтиб келдилар. Ф. Д. Фигельский 1913 йилдан бошлаб Самарқанддаги сиёсий ва агитация-пропаганда ишига бошчилик қилди. Бу ерда у эркаклар гимназиясининг ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1912 йил 1 июлдан 2 июлга ўтар кечаси Тошкент яқинида жойлашган Троицкий лагерларидаги 1 ва 2-Туркистон сапёрлар батальонларининг қўзғолони Туркистонда янги революцион кўтарилишнинг ёрқин мисоли бўлди. Бу қўзғолон чоризм томонидан аёвсизларча бостирилди. В. И. Ленин мамлакатдаги янги революцион кўтарилишнинг дастлабки йиллардаги воқеаларини анализ қилиб, қуйидаги фактни алоҳида кўрсатиб ўтган эди: «... ишчилар оммаси йўлбошчи бўлиб чиқди ва Гельсингфорсдан тортиб то Тошкентгача матрослар ва солдатлар уларнинг қақриғига жавоб бермоқда»<sup>1</sup>.

Тошкентлик сапёрлар қўзғолони Самарқанд гарнизони қисмлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бу ерда ҳарбий ташкилот яширин иш кўриб, солдатлар оммаси ўртасида агитация ишини олиб борар эди. «Туркистон ҳарбий-революцион ташкилоти» томонидан 1912 йил августда чиқарилган варақаларнинг мазмунидан гарнизондагилар хабардор эди.

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 18-том, 256-бет.

Самарқандлик революцион социал-демократлар Тошкент большевиклари билангина эмас, балки Петербург, Боку, Тифлис, Кутаиси большевиклари билан ҳам доимо алоқа боғлаб туришарди. Самарқанддаги Демуров босмахонасининг социал-демократик группаси айниқса актив революцион иш олиб борди. Большевиклар раҳбарлик қилган шу босмахона ишчилари матбаачиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, 8 соатлик иш кунини жорий этиш тўғрисидаги талаблар билан бир неча марта чиқишди. Газаров босмахонасининг ишчилари бепул медицина хизмати кўрсатишни, касал вақтда ишдан бўшатмасликни, иш кунини қисқартишни талаб қилди.

Темирийўлчилар 1912 йил кузида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқдилар. Самарқанд депосининг илғор темирийўлчилари ҳукуматга 1905 йилни эслатиб қўйишга даъват этдилар. 1912 йил сентябрида Самарқанд станциясининг юк ташувчилари бир кунлик забастовка уюштирди, октябрда эса чой қадоклаш фабрикасида забастовка бошланди. Бу забастовка вақтида рус ва ўзбек ишчилари ўз ҳуқуқларини биргаликда ҳимоя қилдилар; забастовка меҳнаткашларнинг асосий талаблари қондирилганидан кейин тугади.

Н. И. Марков Самарқанд станциясидаги қўйи мансабли ходимлар ва ишчилар ўртасида революцион пропаганда олиб борди. Социал-демократ Г. С. Петров 1913 йилда Самарқандда ҳукуматга қарши йўналишдаги «зарарли» лекциялар ўқиди. Унинг лекциялари кўплаб оммани, айниқса, зиёлилар ва ёшларни ўзига жалб этди.

Демуров босмахонасида олиб борилган революцион ишда рус ишчилари С. Власов, К. Мануилов, Н. Семёнов ва бошқалар билан бир қаторда, ўзбек ишчилари ҳам фаол қатнашдилар; улар орасида Д. Устабов, И. Шожонов, А. Шермухамедов алоҳида ажралиб турарди.

Ишчилар ҳаракатининг таъсири остида 1911—1914 йилларда Самарқанд областида аграр ҳаракат кучайиб кетди. Деҳқонлар солиқ ва мажбурият тўлашдан бош тортдилар, оқсоқолларни дўппосладилар, боқимондаларнинг мол-мулкани рўйхатга олиш вақтида бойларга ҳужум қилдилар ва ҳоказо.

Большевиклар 1913 йилда маҳаллий партия ташкилотларини мустаҳкамлаш юзасидан олиб бораётган ишни кучайтириб юборди. Нолегал адабиёт, брошюралар, «Социал-демократ» газетаси, партия марказий органи бўлган «Просвещение» журнали ва бошқалар бу ерга олиб келинарди. Самарқанд, Тошкент ва ўлканинг бошқа шаҳарларидаги большевиклар ўртасида алоқа мустаҳкамланди. 1913 йилда Самарқандда биринчи май байрами нишонланди.

Революцион кўтарилиш йиллари шу нарсани кўрсатдики, ишчилар большевистик партия раҳбарлигида янги революция-

га тайёргарлик кўрди. 1914 йил июлида бошланган жаҳон империалистик уруши сабабли Россияда революцион ҳаракатнинг кўтарилиши вақтинча тўхтаб қолди.

#### 4. МАДАНИЙ ҲАЁТ

Маҳаллий аҳолини нодонлик ва жаҳолатда сақлаб туришга интилган чор мустамлакачиларининг реакцион сиёсатига қарамай, маҳаллий феодалларнинг иродасига қарама-қарши ўлароқ, илғор рус маданияти Самарқандга кириб келди.

Туркистонда халқ маорифи ҳақида 1875 йилда чиқарилган қонунга асосан, генерал-губернатор ҳузурида Ўлка ўқув юртлари бошқармаси ташкил этилди. Бу бошқармага билим юртларининг бош инспектори раҳбарлик қилар эди. Шу қонунга биноан, Ўрта Осиё территориясида рус аҳолиси учун ўғил болалар ва қизлар гимназиялари ҳамда туб аҳоли учун рус-тузем мактаблари очилиши мумкин эди. Турли типдаги мавжуд ўзбек мактабларининг ҳаммаси Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига бўйсунishi керак эди. Аммо генерал-губернатор Кауфман маҳаллий диний мактабларнинг ҳаётига аралашмасликни анча тўғри иш деб ҳисоблади, чунки унинг фикрича, ана шу мактабларнинг ҳаётига аралашшиш мусулмон мутаассибларининг чор самодержавнесига бўлган нафратини кучайтириши мумкин эди.

Мусулмон руҳонийларининг таъсирини сусайтириш мақсадида Туркистондаги чор маъмурлари маҳаллий миллат фарзандларини Самарқанд ва Бухородаги диний муассасаларда ўқитишни чеклаб қўйишга ҳаракат қилди. Мусулмон муассасаларининг моддий аҳволини бўшаштириш мақсадида диний муассасалар ва мактабларга мол-мулк, ер ва пулни вақф сифатида беришни тақиқлаб қўйди.

Подшо амалдорларининг фикрича, ерли аҳолидан чоризмга зарур бўлган кадрларни тайёрлашга даъват этилган рус-тузем мактаблари маҳаллий аҳолини маърифатли қилишнинг энг яхши воситаси эди.

Самарқандда дастлабки рус-тузем мактаби 1870 йил 14 январда очилди. Зарафшон округи бошлиғи генерал Абрамовнинг буйруғига асосан, маҳаллий тил ва ёзувни яхши билган капитан А. Гребенкин 1870 йил 24 мартда подшо маъмуриятининг ана шу ўқув юртидаги алоҳида вакили этиб тайинланди. Мактабга 20—30 ўқувчи тортилди. Мактабнинг ўқув планида рус тилини ўрганишдан ташқари, болаларга ҳунар ва қишлоқ хўжалик ишларини ўргатиш ҳам кўзда тутилган эди. Бунинг учун кичкина хўжалик фермаси ташкил қилинди ва ер участкаси ажратиб берилди.



1876 йили бу мактабда 111 ўқувчи бўлиб, улар орасида турли миллат вакиллари — ўзбеклар, тожиклар, яҳудийлар ва ҳиндлар бор эди.

1887 йилда Самарқанд рус-тузем мактаби ҳузурида кечки курслар очилди. Бу курсларга 25 тингловчи, асосан маҳаллий савдогарлар вакиллари қатнар эди. Рус тилини ўрганиш бўйича кечки курслар секин-аста областнинг барча уезд шаҳарларидаги рус-тузем мактаблари ҳузурида ҳам ташкил этилди.

Самарқанд областида рус-тузем мактабларининг ўсиши тўғрисида қуйидаги маълумотлар ёрқин далолат беради:

Мактаблар сони	Улардаги ўқувчилар сони	Мактаблар ҳузуридаги кечки курслар сони	Улардаги ўқувчилар сони	
1887 йилда	4	48	1	25
1890 йилда	7	250	4	99
1906 йилда	12	330	5	263

Ўлкадаги рус-тузем мактаблари маҳаллий туб аҳоли болаларига рус тили, арифметика, тарих ва географияни ўргатиш бўйича маълум тажриба тўпланди. Ана шу мактаблар учун тузилган дарсликларда, айниқса «Ўқиш китоби»да табиат, одамлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақида элементар маълумотлар берилар, рус адабиёти классиклари — Пушкин, Лермонтов, Крилов ва бошқаларнинг асарларидан олинган қисқа парчалар келтирилар эди. Прогрессив кайфиятдаги айрим ўқитувчилар болаларга чуқур билим беришга ҳаракат қилар, уларни рус адабиёти, тарих, география билан таништирар, рус тилини ўргатишга ҳаракат қилардилар. Улар маҳаллий аҳолига рус тилини ўргатиш, рус халқининг бебаҳо маънавий бойлигига эришишнинг қудратли воситаси эканлигини тушунар эди.

1871 йилда Самарқандда рус аҳолиси учун дастлабки бошланғич мактаб ташкил этилди; 1879 йилда бу мактаб ўғил болалар ва қизлар мактабларига ажратилди. 1882/83 ўқув йилида бу мактаблар уч синфли ўғил болалар ва қизлар билим юртига айлантирилди. Самарқандда ҳаммаси бўлиб уч синфли тўртта шаҳар билим юрти бор эди. Буларда 78 ўқувчи таълим оларди, улардан 39 киши — маҳаллий миллат вакиллари эди. Бундан ташқари, шаҳарда учта хотин-қизлар диний билим юрти ҳам бор эди.

1889 йилга келиб Самарқандда рус аҳолиси учун хотин-қизлар гимназияси (167 ўқувчиси бор эди), эркаклар учун кичик классик гимназия (51 ўқувчиси бор эди), тўрт синфли

шаҳар билим юрти (104 ўқувчиси бор эди), тўрт синфли шаҳар классик билим юрти (104 ўқувчиси бор эди) очилди. Билим юрти ҳузурида интернат ҳам ташкил этилди. Бундан ташқари, А. С. Пушкин номли шаҳар эркаклар диний билим юрти (72 ўқувчиси бор эди) ва А. С. Пушкин номли шаҳар хотин-қизлар диний билим юрти (67 ўқувчиси бор эди) ишлар эди.

Бу даврда ҳунар таълимига ҳам бир қадар эътибор берилди, чунки область саноати ва темир йўл транспорти учун билимдон ишчилар зарур эди. 1898 йилда Самарқандда икки синфли эркаклар темир йўл билим юрти (68 ўқувчиси бор эди) ва хотин-қизлар темир йўл билим юрти (49 ўқувчиси бор эди) очилди.

Прогрессив рус зиёлилари айрим вакилларининг ташаббуси билан 1904 йилда Самарқандда боғдорчилик, узумчилик ва виночилик I разрядли қуйи мактаби ишлай бошлади. Шаҳар хўжалик бошқармаси ана шу мактаб учун шаҳар еридан жами майдони 11 десятинага яқин бўлган иккита ер участкаси ва хўжалик бинолари ажратди. 1904 йилда мактабнинг тўртта синфида 32 ўқувчи таълим олди. 1903 йилда ёрдамчи иморатлар қуриш ва мактаб биносини ремонт қилиш учун маҳаллий маъмурлар 10 500 сўм пул ажратишди. Бироқ мактаб эҳтиёжлари учун ажратилган маблағлар жуда оз эди. 1906 йилда Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти президиуми комиссияси таклиф этилаётган мактаб биносининг лойиҳаси ва планини қараб чиқди, ammo уни қуриш ишлари амалга оширилмади.

Прогрессив кайфиятдаги рус зиёлиларининг вакиллари 1870 йилда ўз маблағлари ҳисобига Самарқандда жамоат кутубхонаси очдилар. Кутубхона ташкилотчилари китоб ўқиш-ни пропаганда қилишнигина эмас, балки Урта Осиёнинг ўтмиш тарихига оид шарқ қўлёзмалари ва материалларини йиғиш ҳамда сақлашни ҳам кўзда тутишарди.

1874 йилда Самарқандда область тарих музейининг ташкил қилинганлиги муҳим воқеа бўлди.

Туркистон Россияга қўшиб олинганидан кейин Самарқанд ва бутун Зарафшон водийсининг тарихи, табиати ва турмуши янада батафсил ва системалироқ ўрганила бошланди. В. В. Бартольд, А. П. Федченко, В. В. Радлов, А. Д. Гребенкин, Л. Н. Соболев, А. Л. Кун, В. Л. Вяткин ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарлари ўз илмий қимматини ҳозиргача йўқотгани йўқ. Таниқли рус ориенталисти А. Л. Кун 1868 йилдан бошлаб Самарқандда турли вақф ҳужжатларини тўплаб бошлади. У 150 га яқин қимматли ҳужжат тўплаб, уларни рус тилига таржима қилди.

Рус олимлари 1878 йилдан бошлаб Зарафшон водийсининг табиати устида кузатиш ишларини бошлаб юбордилар. Ана

шу даврда Самарқандда (1878 йил), Панжикент ва Жиззахда (1881 йил), Каттақўрғонда (1901 йил), Ростовцево станциясида (1909 йил; ҳозирги Красногвардейск станцияси) метеорология станциялари ташкил этилди. Л. А. Молчанов бу станцияларда тўпланган материалларни ишлаб чиқиб, умумлаштирди. Кейинчалик у Ўрта Осиёнинг иқлим картасини тузди.


Илғор рус зиёлиларининг фаолияти ўзбек зиёлилари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Чунончи, ўтган асрнинг 80—90-йилларидаёқ Самарқандда рус олимлари, коллекционерлари ва илмий жамиятлари ҳамда тўгаракларининг таъсири остида қадимий ёдгорликларни тўпловчи ҳаваскорлар группаси пайдо бўлди. Улар орасида Мирза Бухорий, Мирза Абдуллин, Мирза Барот Мулла Қосимов, Мирза Абдураҳмон ва бошқаларнинг номлари алоҳида ажралиб туради.

Қадимий ёдгорликларни тўпловчилардан бири Мирза Бухорий эди. У Самарқанднинг Сўзангарон қисмидаги Тошкент маҳалласида яшар эди. У иккинчи гильдия савдогари бўлиб, Самарқанд ва Хўжанддаги дастлабки пиллакашлик устахоналарининг хўжайини эди. Мирза Бухорий рус олими Н. И. Веселовский, шунингдек, шоир Фурқат билан таниш эди. Шоир Фурқат 1891 йилда Самарқандда бўлиб, Мирза Бухорийнинг уйида яшади ва унинг коллекцияларини зўр эътибор билан кўздан кечирди. Фурқат ўзининг «Туркистон вилоятининг газети» редакциясига ёзган хатида буни эслатиб ўтади. Бу хат 1891 йил августида босилиб чиққан эди.

Қадимий ёдгорликларни тўпловчи ҳаваскорлар орасида самарқандлик ажойиб рассом ва хатот Мирза Барот Мулла Қосимовнинг номини ҳам тилга олиб ўтиш керак. У Шердор мадрасаси, Бибиҳоним масжиди, Шоҳизинда мақбараси, Гўри Амир мақбарасидаги ёзувларни шунингдек, Жиззах уездидаги «Темурланг дарвозаси» қоя тошидаги ёзувларни бутун тафсилотларига риоя қилган ҳолда аниқ кўчириб олди. 1886 йилда Мирза Барот Улуғбек мадрасасининг қўл-ёзма чизмаларини тайёрлаб, Тошкентдаги кўرғазмага тақдим қилди. Бундан ташқари, у Абу Тоҳир Хожа Самарқандийнинг машҳур «Самария» асарини тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Бу таржима М. П. Остроумов томонидан 1884 йили Тошкентда босиб чиқарилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг бошқа шаҳарларидаги сингари Самарқанд адабий муҳитида ҳам бир-бирига қарама-қарши бўлган икки адабий йўналиш мавжуд эди. Агар ўрта осийлик илғор маърифатпарварлар (Дониш, Фурқат, Муқимий, Шоҳин, Воже, Асрий, Ҳамза, Айнӣ ва бошқалар) ўз дунёқарашларининг тарихий чекланганлигига қарамай, маърифатпарварлик ва демократик йўналишдаги ғояларни ифодалаган бўлса, шаклланаётган буржуа

идеологиясининг намояндалари (Муҳаммад Олим, Абдулмажид Шавқий, Хўжа Собир Самарқандий) ҳукмрон синфларнинг манфаатини ҳимоя қилар эди. Чунончи, Самарқандда шариат муфтиси бўлиб хизмат қилган Абдулмажид Шавқий ўз асарларида Бухоро ҳоқимлари, подшо маъмурлари ва маҳаллий амалдорларни кўкларга кўтариб мақтаб, уларни халқнинг ҳимоячилари ва ҳомийлари деб атар эди. Самарқандлик шоир Хўжа Собир Самарқандий диний-мистик қараш-



Самарқанд усталарининг мисдан ясаган буюмлари намунаси,  
XIX аср да ясалган.

ларни тарғиб қилди, тоат-ибодат, бу дунё лаззатларидан воз кечишга даъват этди, шариат қонунлари ва одатларига тўла риоя этишни талаб қилди.

Реакцион адабий оқим намояндаларига қарама-қарши ўлароқ, прогрессив йўналишдаги самарқандлик шоирлар — Абдулкарим Сепанжий (1830—1909), Назриддин Ҳодий (1830—1892) ва бошқалар классик адабиётнинг энг яхши анъаналарини давом эттирдилар. Уларнинг асарларида традицион муҳаббат лирикаси билан бир қаторда, ижтимоий характердаги мотивлар — адолатсизликка ва ҳуқуқсизликка қарши норозилик катта ўрин олар эди.

XX асрнинг бошларида икки йўналиш ўртасидаги кураш кучайди, айти вақтда икки йўналишнинг кўриниши бир оз ўзгарди. Чунончи, агар XIX асрнинг иккинчи ярмида реакцион оқим диний адабиётда намоён бўлган бўлса, XX асрнинг бошларида эса бу оқим асосан жадидизмнинг ўнг қаноти адабиётида намоён бўлди. Масалан, Саид Азимзода ўзининг «Оқ подшога дуо» асарида, Маҳмуд Хўжа Бекбудий ўз мақолаларида ва бошқалар буржуазия ва савдогарларнинг манфаатларини ҳимоя қилдилар, таълим системасини ривожланаётган саноат ва савдо талабларига мос келадиган буржуа асосига кўчиришни ёқлаб чиқдилар.

Айти вақтда агар XIX асрнинг иккинчи ярмидаги самарқандлик шоирлар классик адабиёт традицияларига амал қилган бўлса, XX асрнинг бошларидаги прогрессив ёзувчилар, шоирлар ва педагоглар — Мирза Акрам Фикрий, Абдужалил Писандий, Нақибхон Тўғрал, Иброҳим Журъат, Саидахмад Васлий ва бошқалар эса классик традициялар билан бирга, актуал темаларни ҳам кўтариб чиқдилар, илғор маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этдилар, адабиётни халққа хизмат қилдиришга интилдилар.

Бу даврда рус адабиётининг айрим намуналари тожик ва ўзбек тилларига таржима қилинди. Масалан, Самарқандда янги усул мактабининг (1901 йил) асосчиси Абдуқодир Шакурий (1875—1943) ана шу мактаб учун ўқув қўлланмаси сифатида «Жомеъ ал-ҳикоят» ни тайёрлади ва нашр эттирди. Бу китобни у форс-тожик тилига таржима қилиб, Крилов масалларини ва Л. Н. Толстой ҳикояларини киритди. Шакурий ташкил этган янги усул мактаби тез орада шухрат қозонди. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, шоир ва драматург, педагог ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мактаб билан танишиш учун 1909 йилда Самарқандга келди. Ниёзийнинг келиши уларнинг дўстлигига асос солди. Совет ёзувчиси С. Айтий ҳам Шакурийнинг яқин дўсти бўлиб, унинг адабий ва педагогик ижодига юксак баҳо берарди. Шакурийнинг ёрдами билан С. Айтий 1914 йили Самарқандда янги усул мактаби ўқувчилари учун биринчи дарсликни нашр эттирди.

Самарқандлик бошқа бир машҳур шоир ва прогрессив йўналишдаги педагог Саидахмад Сиддиқий (1864—1927) эди. Сиддиқий ўзининг «Насиҳатлар кўзгуси», «Рухларнинг учиши» (1912 йил), «Билимлар кўзи» (1914 йил), «Донолик хазинаси» (1915 йил) ва бошқа асарларида мусулмон руҳонийларининг реакционлиги, бефаросатлиги ва жаҳолат-парастлигини, бадавлат синф вакилларининг виждонсизлиги ва қабиҳлигини танқид қилди. Шу билан бирга, дунёвий фан ва техниканинг пропагандисти, рус тили, фани ва мадания-

тининг тарғиботчиси сифатида иш кўриб, диний мактаблардаги ўқитишнинг эски усулларини танқид қилди.

Самарқандликлардан Қори Муҳаммад Раҳим (адабий тахаллуси «Тикон») ва Шокир Мухтор (адабий тахаллуси «Ишчи»), шунингдек, шоир Фаёз Мулла Абдулланнинг (1927 йилда вафот этди) прогрессив адабий ижоди диққатга сазовордир. Улар ўзларининг дастлабки асарларидаёқ меҳнаткаш халқнинг қолоқлигига қарши чиқдилар, халқ манфаатларини ҳимоя қилдилар. Чунончи, Қори Муҳаммад Раҳим ўзининг «Тикон», «Майна», «Нот» ва бошқа шеърларида эс-



Самарқанд дарвозалари қулфи, XIX аср.

ки турмуш ва одатларнинг тарафдорлари устидан кўлар ва уларни танқид қиларди, халқни билимни эгаллашга даъват этарди. Ана шу шоирларнинг адабий ижоди, айниқса, Октябрь революциясидан кейин янада ёрқин шакллана бошлади.

Самарқандлик педагог ва жамоат арбоби Шокир Мухтор 1910 йилдан бошлаб ўзининг ўзбек тилида ёзилган оммабоп ва илмий мақолалари билан матбуот саҳифаларида чиқа бошлади.

1894 йили Самарқандда ташкил этилган босмаҳона (бу ерда 80 дан зиёд ишчи ишлар эди) бадий ва илмий адабиётни рус, ўзбек ва бошқа тилларда оммалаштиришга ёрдам берди. Жумладан, 1904 йилда бу ерда чечакка қарши кураш тўғрисида («Раҳбарнома дар бораи чечак») деган рисола тожик тилида литография усулда нашр этилди, 1908 йилда асаларичилик тўғрисида эса «Асал тарбиясининг баёноти» асари ўзбек тилида босилиб чиқди. Шунингдек, 1905 йилда «Ипак қуртининг парвариши» қўлланмаси чиқди, 1913 йилда

педагог Исматулла Раҳматуллаевнинг «Раҳбари мактаб» алифбеси таржима қилинди ва нашр этилди; Туркистон, Бухоро, Хива қарталари нашр қилинди. Самарқандлик педагог Хўжа Мўйин Шуруллаевнинг «Раҳноман савод» алифбеси, «Тўй», «Янги мактаб ва эски мактаб», «Мазлума хотин» пьесалари ва бошқа асарлари босиб чиқарилди.

Февраль революциясига қадар Самарқандда ҳаммаси бўлиб маҳаллий тилларга 49 номда китоб, брошюра, справочник, пьеса, шеърлар тўпламлари ва ҳоказолар таржима қилинди ва шу тилларда нашр этилди.


1876, 1883 ва 1900 йилларда Самарқандда ташкил этилган қишлоқ хўжалик кўргазмалари туб аҳолининг рус хўжалигини юритишга бўлган қизиқишини кучайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. 1900 йилда ташкил этилган кўргазма маҳаллий аҳолини хўжалик юритишнинг прогрессив формаларига жалб этишда айниқса муҳим роль ўйнади. Ана шу кўргазма қатнашчиларининг катта бир группаси — ерли аҳоли намоёндалари Ер ишлари министрлиги ва Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти томонидан олтин, кумуш ва бронза медаллар ҳамда мақтов қоғозлари билан мукофотланди. Кўргазмада Мирсолиҳ Зойидбоевнинг экспонатлари ҳамманинг диққатига сазовор бўлди; у пиллачилар конкурсига пилланинг жуда сифатли ва сермахсул навларини тақдим қилди. Бу навлар Европадаги ипак қурти фирмаларининг маҳсулоти билан рақобат қилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Зойидбоев кўргазманинг катта олтин медали билан мукофотланди. Ипак қурти навларини яхшилаганликлари учун С. З. Қутлов, Мирза Хўжа Уринхўжаевлар ҳам медаллар билан мукофотландилар. Самарқандда ип йигириш ва шойи тўқиш бўйича намунали корхона қурганлиги, шунингдек, такомиллаштирилган станокларда газмол тўқиб чиқарилганлиги учун Мирвали Мирсодиқов, Шокиржон Ниёзов, Содиқжон Раҳимжонов, Файзибой Шарипов кичик кумуш медаллар билан, шойи тўқиш ишлаб чиқариши учун Олим Боқиев, Уста Фозил Шарипов, Ҳаким Ҳусанов ва бошқалар бронза медали билан мукофотландилар.

Самарқанд Россияга қўшиб олинганидан кейин, унинг қиёфасида жиддий ўзгаришлар юз берди — эски шаҳар билан ёнма-ён Европа типидagi янги шаҳар қад кўтарди. Шаҳарнинг тўғри планлаштирилган бу қисмида (текис, кенг кўчалар, янги қалъадан ажралган ва узунасига кетган, концентрик ёйсимон кўчалар) Европа типидagi бинолар то 1917 йилгача қурилди. Қалъа томондан Барбат (ҳозирги Каттақўрғон), Тошкент (ҳозирги Фрунзе), Ургут (ҳозирги Ўзбекистон) кўчалари чўзилиб кетди.

«Эски» шаҳар билан «янги» шаҳар ўртасида Абрамов бульвари (ҳозирги М. Горький номли бульвар), иккита парк—

Марказий (ҳозирги М. Горький номли парк) ва Ивановский (ҳозирги болалар парки) бунёд этилди.

Абрамов бульвариди ва Ургут кўчасининг марказида муҳим давлат муассасалари (область бошқармаси, банк, почта, хазинахона) жойлашган эди. Уқув юртлири қисман бульварда (тўрт синфли билим юрти, эркаклар гимназияси), Пушкин номли эркаклар ва хотин-қизлар билим юртлири Кауфман (ҳозирги Ленин номли) проспектида жойлашган эди.



XVIII—XIX асрларга оид чарх (ип йигириш станогн).

Революциягача бўлган Самарқанддаги капитал бинолар орасида инженер Б. Н. Кастальский лойиҳаси асосида қурилган давлат банки бўлими ва хотин-қизлар гимназияси (ҳозирги А. Навоий номли СамДУ нинг биология факультети) биноларини таъкидлаб ўтиш керак. 1901 йилда кутубхона ва музей биносини қуриш тўғрисидаги масала кўтарилди. Бу бино готик архитектураси элементларидан фойдаланган ҳолда 1910—1916 йилларда инженер И. П. Лебедев лойиҳаси асосида қурилди. Бу бинони қуришда маҳаллий уста Улуғхўжа Усмонхўжаев фаол қатнашди.

Техник Г. О. Нелленинг лойиҳаси асосида қурилган маҳаллий бой Колонтаровнинг уйи (ҳозир бу ерда республика маданият музейи жойлашган) йирик хусусий уйлардан бири эди. Уйни безатишда маҳаллий усталар Уста Абдул Ҳофиз,



Уста Ширин Бухорий, Уста Акром, Уста Шамсий ва бошқалар ўзбек миллий архитектурасининг аънаналаридан фойдаланди.

Қадимги маданий-маънавий ва моддий маданият маркази ҳисобланган Самарқанд таниқли композиторлар, рассомлар, архитекторларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Жумладан, Самарқанд XIX асрнинг иккинчи ярмидаги музика санъатида ўз аксини топди. 1864 йилда А. Вамбери бу ерга келиб-кетганидан кейин моравиялик композитор Игнат Бриль «Самарқанд дарвишлари» деган опера ёзди. Бу эса XIX асрда Ғарбий Европа музика ижодида Самарқанд ҳақида яратилган биринчи опера эди. 1910 йилда Франц Ленкорей Темура ҳақида «Самарқанд хоқони» деган биринчи операни яратди. Инглиз композитори Гретил Пантюк хор учун «Самарқанд дулғвор кунларда» деган музика ёзди.

Рус рассомлари, актёрлари, созандалари ҳам Самарқандга келиб туришарди. В. В. Верещагиннинг машҳур «Майли, жиришсин», «Тантана қилишяпти» (Самарқанддаги Регистон майдони), «Самарқанд зиндони» ва бошқа суратлари рус ва жаҳон санъатининг нодир асарлари ҳисобланади. Верещагин 1868 йилда Самарқандга бўлган вақтида «Ҳар куни шаҳарга ва шаҳардан ташқарига бориб, масжидлар, бозорлар, билим юртлари, айниқса, эски масжидларни кўздан кечириб, улардаги кўпгина ажойиб намуналарни кўз остига олиб қўярдим. Расм солиш учун материал шунчалик кўп эдики, уларнинг қайси бирини олдинроқ қаламга олиш: табиат, бинолар, тимлар, кийим-бошлар, урф-одатлар — буларнинг ҳаммаси янги, оригинал, қизиқарли эди» деб ёзган эди.

Самарқанд ва унинг тарихий ёдгорликлари Н. Н. Каразин ва кўпгина бошқа рус рассомларининг асарлари учун ҳам доимий объект бўлиб ҳисобланар эди. Каразиннинг суратлари Петроград ва Парижда ўтказилган жаҳон виставкаларида юқори баҳоланди.

Буюк рус ашулачиси Федор Иванович Шаляпин ҳам Самарқандга келиб кетган эди. Таниқли артистлар В. Васильев-Вятский (1890—1897) ва Н. Кручинин (1894—1899) труппалари вақти-вақти билан бу ерда томоша кўрсатиб турар эди. Ана шу труппаларнинг репертуарларида А. С. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси», Н. В. Гоголнинг «Ревизор» асарлари ва бошқалар бор эди. Рус театрлари ерли аҳолини илғор рус маданиятидан баҳраманд қилишда ижобий роль ўйнади.

1913 йилда Самарқандда 11 кишидан иборат ўзбек театр труппаси ташкил этилди. 1914 йилнинг бошларида самарқандлик ҳаваскор артистлар «Падаркуш» ҳамда «Алдадилар ва алдатдилар» пьесаларини кўрсатди. Иккала пьесада ҳам хотин-қизлар ролини эркаклар ижро этишди. Томошабинларнинг ана шу спектаклларга бўлган муносабатини ифодалаб,

«Ойна» журнали бундай деб ёзган эди: «Спектаклга жуда кўп одам келди. . . Ибратхона (театр) атиги 320 ўринга мўлжалланган эди. Яна 50 га яқин қўшимча жой тайёрланди, аммо бу ҳам етмади. Билетлар икки кун олдин сотилиб бўлган эди. Соат еттидан бошлаб мингларча кишилар тўдаси ибратхонага ёпирила бошлашди. Спектаклни типпа-тик туриб кўриш учун уч сўм тўлашга ҳам одамлар рози эди. Жаноб администратор тўпланган кишиларга афсус билдиришга мажбур бўлди».


Шариат қонунлари ва мутаассибларнинг консерватизмига қарама-қарши ўлароқ Самарқандда 1868 йилдан кейин маҳаллий миллат хотин-қизлари орасидан актёр ва созандалар етишиб чиқди. Қурбонхон ана шундай артист ва созандалардан биринчиси эди. У халқ шеърларини мустақил равишда куйга солар, бир неча халқ чолғу асбобларини яхши чалар, кўшиқ ва рақсларни зўр маҳорат билан ижро этарди. Шаҳарда ўтказиладиган кечалар, халқ сайиллари, турли байрамлар Қурбонхоннинг иштирокисиз ўтмас эди. Санъатга бўлган муҳаббат бу қизни шариат қонунлари ва ҳатто оиласи билан ҳам алоқани узишга мажбур этди. Илғор рус кишиларининг қўллаб-қувватлаши ва ҳомийлиги натижасидагина Қурбонхон ана шундай дадил қадам ташлади. Қурбонхоннинг саҳнадаги чиқишларига юксак баҳо берган, ҳолис кишилардан бири 1872 йили бундай деб ёзган эди: «Биз тасодифий равишда эронча (афтидан, тожикча бўлса керак — *Муҳаррир*) рақсникиз ижросида кўрдик. У бошқа раққосалардан жуда фарқ қилар эди. . . ва кўп жиҳатдан Шарқдаги жасур, эҳтиросли ва ўзига хос жозибали рақсларни эслатарди. У рақс ишининг энг катта билимдонини ҳам ўзига жалб эта олар эди».

Умар Хайём, Жомий, Навоий, Бедил, Муқимий, Фурқат ва бошқаларнинг шеърларига басталанган мақомлар ва кўшиқлар ўзбек ва тожик хонандаларининг энг характерли репертуарлари эди. Самарқандлик хонанда Хўжа Абдулазиз Расулев (1852—1936) ана шу репертуардаги кўшиқларни ижро этишда катта муваффақиятларга эришди. 1909 йили Ригадаги «Граммфон» фирмаси Расулев ижросида «Ироқ», «Насрулло» ва «Ушоқ» мақомларини ёзиб олди.

Бу даврда Самарқандда аҳолига профессионал медицина ёрдамини ташкил этишда катта ишлар қилинди. Шаҳарда бир қанча касалхона, амбулатория, дорихона ва шу кабилар қурилди. Дастлабки касалхона 1870 йилда ишлай бошлади. 1885 йилда ерли аҳоли хотин-қизлари ва болалари учун шифохона ишга туширилди. 1886—1894 йилларда 28 003 хотин-қиз ва 16 496 бола бу ерда даволанди. 1890 йилда Самарқандда ерли аҳоли учун 50 ўринга мўлжалланган касалхона очилди.

1898 йил сентябрь ойининг бошларида Самарқанд уезди Панжикент участкасининг Искандар районидаги Анзоб қиш-

лоғида ўлат касали тарқалди. Самарқанд уездининг бош врачиси Афрамович, самарқандлик аптекачи Зедлер, санитар бўлиб ишлаган ишчи Похотин, мирза бўлиб ишловчи Магазин, таржимон Ҳасан Дадажонов, анзоблик Бобо Мирзаев ва бошқалар бунда чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар.



Хотин-қизлар беағи. XIX асрга онд заргарлик буюмлари.

Самарқандда ишлаган рус врачлари орасида С. Б. Грачев-Горновская (1886—1893), Л. Симонова-Хохрякова (90-йиллар), шунингдек, хусусий даволловчи врачлар А. В. Яковлева-Пославская (1895—1905), Е. М. Савицкая (1914), М. М. Никулина-Сапетова (1914), О. И. Солнишкина (1914—1916) ва

бошқаларнинг номларини тилга олиб ўтиш мумкин. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Самарқандда М. Герценштейн, И. Копитовский, В. Добровольский, А. Зубов, Н. Сапожников ва бошқалар ҳарбий ҳамда граждан врачлари сифатида ишладилар.

XX асрнинг бошларида Самарқандда турли юқумли касалликлар кенг тарқалган эди. Шу муносабат билан самарқандлик энг прогрессив врачлардан бир группаси Самарқанд врачлари жамиятини ташкил этиш масаласини қўйишди. Бу жамият 1913 йилда ташкил этилди. Артамонов, Бильфельд (жамият раиси), Богдан-Березовский, Вечьяминов, Герценштейн, Дейн, Дубровина, Задунайский, Иванов, Ильинский, Фихтнер ва бошқалар жамият ишида актив иштирок этдилар.

## 5. БИРИНЧИ ЖАҲОН ИМПЕРИАЛИСТИК УРУШИ ЙИЛЛАРИДА САМАРҚАНД

1914 йилнинг ёзида бошланган биринчи жаҳон империалистик уруши Россия ва унинг миллий ўлкалари ҳаётига жиддий ўзгаришлар киритди.

Уруш империализмнинг зиддиятлари кескинлашганлиги натижасида, империалистик давлатлар икки йirik ҳарбий группировкасининг тўқнашуви натижасида келиб чиқди. II Интернационалнинг деярли барча партиялари марксизм ишига хиёнат қилиб, «мудофаачилик» йўлига ўтиб олдилар, буржуазияни ва империалистик урушни ҳимоя қилдилар. Меньшевиклар ва эсерлар ҳам буржуазияни ҳимоя қилиш позициясини тутди.

В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партиясигина марксизмга ва пролетар интернационализмга охиригача содиқ бўлиб қолди, империалистик урушга қарши кураш олиб борди. В. И. Ленин 1914 йил сентябрида ёзган РСДРП Марказий Комитетининг Манифестида урушнинг империалистик, босқинчилик характерини кўрсатиб шундай ёзган эди: «Ҳозирги урушнинг бирдан-бир ҳақиқий мазмуни, моҳияти ва маъноси — бировларнинг ерларини босиб олиш ва ўзга миллатларни бўйсундириш, конкуренция қилувчи миллатни хонавайрон қилиш, унинг бойлигини талаш, Россия, Германия, Англия ва бошқа мамлакатларнинг авж олган ички сиёсий кризисларидан меҳнаткашлар оmmasининг диққатини четга тортиш, пролетариатнинг революцион ҳаракатини сусайтириш мақсадида ишчиларни бир-бирдан ажратиш, уларни миллатчилик билан лақиллатиш ва ишчиларнинг илғор қисмларини йўқ қилишдан иборатдир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 21-том, 13-бет.

Большевиклар партияси империалистик урушдан революцион йўл билан чиқиш учун кураш олиб борди. Халқ оmmasига беҳисоб азоб-уқубатлар ва қирғинлар келтирган жаҳон уруши уларни мавжуд тузумга қарши янги-янги курашларга даъват этарди. В. И. Ленин янги тарихий вазиятга асосланиб, партиянинг революцион платформасини ишлаб чиқди ва уни «Европа урушида революцион социал-демократиянинг вазифалари» ҳамда РСДРП Марказий Комитетининг «Уруш ва Россия социал-демократияси» деган Манифестида баён қилиб берди. В. И. Ленин большевиклар партиясининг империалистик урушни гражданлар урушига айлантиришдан иборат асосий шиорини илгари сурди ва асослаб берди. У рус ҳукуматининг империалистик урушда мағлубиятга учраши, шармандаларча барбод бўлган II Интернационал билан алоқани узил-кесил узиш ва III Интернационални тузиш шиорларини ишлаб чиқди ва асослаб берди. Ленин шиорлари меҳнаткашларни помешчиклар ва буржуазияга қарши, империалистик урушга қарши кураш олиб боришга ва бу урушдан «олибона революцион йўл билан чиқишга илҳомлантирди.

Воқеаларнинг бориши большевиклар стратегияси ва тактикаси тўғри эканлигини тасдиқлади.

1914 йил 24 июлда чиқарилган подшо фармонига асосан Туркистон ўлкаси «фавқулодда сақлов» ҳолатида деб эълон қилинди.

Урушнинг дастлабки кунларида Туркистон ўлкасидаги рус аҳолининг «запасдаги қўйи мансабларидан» 22 999 киши олинди. 1915 йилнинг бошларига келиб 70 минг киши, шу жумладан, Самарқанд областидан 3 585 киши армияга чақирилди. Сафарбарлик жуда қийинчилик билан олиб бориларди. 1916 йил июлида сафарбар этилган солдатларнинг норозиликлари муносабати билан халқ ғалаёнлари бўлиб ўтди. Ана шундай катта ғалаёндан бири 27 июлда Самарқанднинг йиғилиш пунктида бўлди. Урушга қарши нутқ сўзлагани учун запасдаги Викентий Ледзинский полиция томонидан қамоққа олинди.

Уруш йилларида социал ва миллий зулм янада авж олди. Туркистон ўлкасида 1914—1916 йилларда ер солиғи 2 баравардан зиёд кўпайди ва 14 311 771 сўмга етди. Ҳунармандларга солинадиган солиқ ҳам анча ошди (1 149 676 сўмдан 2 838 240 сўмга етди), бу солиқнинг асосий оғирлиги меҳнаткашлар, ҳунарманд-қосибларнинг елкасига тушарди. Подшо ҳукумати ҳар бир пуд пахта толаси учун 2 сўм 50 тийин миқдоридан қўшимча ҳарбий солиқ белгилади. Бу эса деҳқонларнинг аҳволини янада оғирлаштиришга олиб келди.

Земство, йўл ва бошқа солиқлар анча кўпайди. Уезд бошлиғи қўшимча пул солиқларини кўпинча зўрлик йўли билан йиғиб олар эди. Самарқанд областининг ҳарбий губернатори Н. С. Ликошин Туркистон генерал-губернатори номига юбор-

ган маълумотида (1914 йил декабрь) бундай деб ёзган эди: «Халқ индамай пул тўлаяпти, аммо мен аминманки, солиқ тўловчи ҳар бир кишининг кўнглида ундан шунча кўп пул олинаётганлиги, шу билан бирга, камбағал билан бойлардан бир хилда солиқ олинаётганлиги учун ғазаб ва нафрат ортоқда».

Волость бошқарувчилари, оқсоқоллари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан олинадиган солиқлар ҳам кўпайиб кетди. «Хайр-эҳсон қилиш», «уруш эҳтиёжлари учун мусодара қилиш» деб аталган тадбирлар кенг ўтказила бошланди. Туркистон ўлкасидан 70 минг от-улов, 13 мингдан зиёд ўтов, 30 минг квадрат аршиндан ортиқ намат, 300 минг тонна гўшт, 3 миллион пуд пахта мойи ва шу кабилар йиғиб олинди. Фронт орқасида транспорт сифатида фойдаланиш учун 12 минг туя ҳам тортиб олинди.

Саноат, озиқ-овқат моллари ва ёқилғининг нархи ошиб кетди. Корхона эгалари нарх-навони ўзлари белгилаб, бундан жуда катта фойда олар эдилар. Самарқанд шаҳри ва Самарқанд уездининг аҳолиси Туркистон генерал-губернатори номига юборган илтимосномасида «саноат ва озиқ-овқат молларининг нархи 5—10 баравар ортиб кетганлигидан, бунинг натижасида савдогарларнинг бойиб бораётганлигидан, шаҳар ва қишлоқ камбағаллари эса азоб чекаётганлигидан» шикоят қилган эди.

Уруш ўлканинг экономикасига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили кескин камайиб кетди. 1915 йилда область қишлоқ аҳолисининг деярли ярмига нон етишмади. Кўпгина камбағал кўчманчилар 1915 йил январь ойидаёқ барча озиқ-овқат запасини ишлатиб бўлган эди. Аҳолининг бу табақаси ғалла сотиб олиш учун ўзининг мол-мулкани, чорва моллари, қишлоқ хўжалик асбоблари, иморатлари ва шу кабиларни сотишга мажбур бўлди.

1915 йилда подшо ҳукумати тўқимачилик саноати эгаларининг фойдасини кўзлаб, пахтага жуда кам ҳақ тўлаш тўғрисида қонун қабул қилди. Саноат моллари ва кўпгина бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бораётган бундай шароитда бу каби чоранинг қўрилиши меҳнаткашларнинг оғир ва аянчли аҳволини янада ёмонлаштириб юборди.

Буларнинг ҳаммаси Россиянинг миллий чекка ўлкаларидаги халқ оммасининг чоризм сиёсатидан норозилигини кучайтирди.

Россияда революцион ҳаракат кучайиб кетди. Бу ҳаракат мамлакатнинг асосий саноат районларига ёйилди. Кострома ва Иваново-Вознесенскда бўлиб ўтган катта забастовкалар ҳарбий қисмларнинг кучи билан бостирилди. Иш ташлаганлардан қонли ўч олинганлиги зўр норозилик туғдирди. Петро-

җрад, Москва, Харьков, Ревель ва Россиянинг бошқа шаҳарларида оммавий забастовкалар бошланиб, булар сиёсий намоишларга айланди. 1915 йилнинг кузига келиб ишчиларнинг революцион ҳаракати янада кенг қулоқ ёзди.

Мамлакат саноат марказлари пролетариатнинг сиёсий қураши унинг чекка ўлкаларига ҳам революционлаштирувчи таъсир кўрсатди. Чунончи, 1914 йил августда Сулуқта кўмир конларида рус ва қирғиз ишчиларининг иш ташлашлари бўлиб ўтди.



XIX асрга оид Самарқанд бадий керамикасининг намуналари.

Урушга қарши ҳаракатнинг тобора авж олиши революция бўронининг яқинлашиб келаётганлигидан далолат беради. 1916 йилда Туркистонда бўлиб ўтган халқ қўзғолони мамлакатда революцион кризиснинг ёрқин намуналаридан бири бўлди. Бу қўзғолон чоризм ва Россия империализмининг бутун системаси вужудга келтирган чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий заминга эга эди. Ўлкада рус бўлмаган аҳолини уруш орқасидаги ҳарбий ишларга сафарбар қилиш биринчи жаҳон уруши йилларидаги социал ва миллий зулми янада кучайтириб юборди.

«Бошқа миллат кишиларини» сафарбар қилиш тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ва жорий этиш иши зудлик билан олиб борилди. Ички ишлар министрлиги кейинчалик, 1916 йил сентябрида тузган махфий справкасида подшонинг 25 июндаги фармони «Олий бош қўмондон штабининг армия эҳтиёжлари учун катта кучни шошилинич суратда юбориш тўғрисидаги қаттиқ талаби туфайли ҳарбий министрнинг илтимоси билан чиқарилган эди. Тегишли таклифлар ҳарбий маҳкамада ниҳоятда шошма-шошарлик билан ишлаб чиқилди.»— деб тан олишга мажбур бўлди. Маъмурлар сафарбарлик қишлоқ хўжалик ишларининг энг қизгин даврига тўғри келганлиги билан ҳам ҳисоблашмай, юзлаб ва минглаб кишиларни уруш яқинидаги жойларга имкон борича тезроқ олиб боришга ҳаракат қилдилар.

Областларнинг губернаторлари нарядларни ўз билганларича уездлар бўйича тақсим қилишлари, уезд бошлиқлари эса волостлар бўйича тақсимлаб чиқишлари керак эди. Нарядларни волостларда (қишлоқ ва овуллар бўйича) тақсимлаб чиқиш вазифасида «маҳаллий» маъмурият зиммасига юклатилди. Маҳаллий маъмурлар шахсий бойлик орттириш мақсадида нарядларни кўпайтирди. Мардикор-ишчилар ўзлари билан яроқли иш асбоблари ва кийим-бош олишлари керак эди.

Мустамлакачи маъмурлар сафарбарлик ўтказётганларида рўй бериши мумкин бўлган икки вариантни назарда тутди: биринчи вариант сафарбарликнинг осойишталик билан ўтишига, иккинчиси эса аҳолининг қаршилиқ кўрсатишига мўлжалланган эди. Иккинчи вариант эҳтимолга яқин эди. Туркистон генерал-губернатори: «ҳарбий сайиллар ўтказиш, танишиб чиқиш мақсадида ва жойларда жазо ва мажбурлаш чоралари қўллаш зарур бўлиб қолган тақдирда ҳаракат йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳукуматнинг буйруқларига итбат этмайдиган маҳаллий аҳолининг онгига яхшироқ таъсир этишни» олдиндан белгилаб чиқди.

Мардикорликка олиш сиёсий заминга эга эди. Мустамлакачи маъмурлар эксплуататор группалар ва, хусусан, «маҳаллий» маъмурият вакилларининг манфаатларини кўзлаб, подшо фармонини изоҳлаб берадиган қўлланмалар ишлаб чиқди. Ана шу қўлланмаларга асосан, волость бошлиқлари ва уларнинг йигитлари (қуролланган соқчилари), руҳонийлар, «фахрий гражданлар» деб аталган кишилар ва бошқа категориядаги мулкдорлар мардикорликдан озод қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир «туб ерлик» киши истаган одамни ўз ўрнига ёллаши ва наряд бўйича юбориши мумкин эди. Суиистеъмол ва ўзбошимчалик қилишни кўзлаган эксплуататор зодагонлар бу ишдан кўпроқ фойдаланишди. Ҳатто, Туркистон генерал-губернатори шу нарсани таъкидлашга мажбур бўл-



дики, «тегишли суммани тўлашдан бош тортган айрим маҳаллий кишиларни қамоққа олишгача бориб етган аянчли кўз-бўямачилик ҳоллари юз беряпти, ваҳолонки, солиқ тўлаш билан бундан қутулиш мумкин эди», деб ёзди.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар оммасининг подшомаъмурлари, бошқарувчилар, оқсоқоллар ва эксплуататор унсурларга нисбатан қаҳр-ғазабини кучайтирарди. Туркистон соқчилик бўлинмасининг бошлиғи ўзининг 1916 йил июль ойининг бошларида ёзган маълумотномасида қуйидагиларни хабар қилган эди: «Маҳаллий аҳоли ўртасида шундай шовшувлар кенг тарқалганки, гўё бадавлат кишилар ва маҳаллий зиёлиларга оқоп қазииш ишларига одам юбориш ўрнига пул тўлаб қўя қолиш имкони берилган эмиш. Чойхоналар ва бошқа жойларда маҳаллий аҳоли агар бойлар ҳам сафарбарликка олинмаса, у ҳолда кўпгина тартибсизликлар қилишлари ва ҳатто бойлардан ўч олишга ҳам тайёр эканликларини айтмоқдалар».

Шундай қилиб, подшонинг 1916 йил 25 июнда чиқарган фармони халқ оммасининг туб манфаатларига дахлдор эди. Меҳнатга лаёқатли эркакларнинг сафарбар қилиниши камбағал оилалар учун катта хавф туғдирар, кўпгина солиқлар ва йиғинлар тўлаш натижасида хонавайрон бўлган халқ бошига оғир мусибат келтирар эди. Бундан ташқари, империалистик босқинчилик уруши халқ оммасига мутлақо ёт эди, шу сабабли меҳнаткашлар ўзлари туғилиб ўсган жойлардан кетишни истамадилар.

Шунинг учун ҳам маъмурларнинг «19 ёшдан 31 ёшгача бўлган маҳаллий эркаклар рўйхатини шошлинч равишда тузиб чиқиш тўғрисида»ги дастлабки фармойишлариёқ маҳаллий аҳоли ўртасида ғазаб уйғотди. Самарқанд область ҳарбий губернатори генерал Ликошиннинг ёзишича, «ғалаён ўсиб боряпти, гоҳ бир жойда, гоҳ иккинчи жойда тўс-тўполонлар ва одам ўлдиришлар бўлиб турибди. Маҳаллий амалдорларнинг ўғит-насиҳатлари ва тинчитишлари фойда бермаяпти. Уларнинг ваъдаларига ишонмай қўйишди, ҳозирча бу ҳаракатлар рус ҳукуматига қарши очиқдан-очиқ қўзғолон кўтаришга айлангани йўқ».

Фармон чиққандан кейин тез орада Самарқандда ва областда ғалаёнлар бошланди. Самарқанд уезди бошлиғининг рапортида кўрсатилишича, Самарқанд областининг Хўжанд шаҳрида дастлабки катта қўзғолон кўтарилган.

Қўзғолон сафарбарлик эълон қилинганидан кейин кўп ўғмай стихияли равишда бошланган. Шаҳарнинг полиция пристави, штабс-капитани Устимович уезд бошлиғидан кўрсатма олгач, 2—3 июль кунлари шаҳарнинг мансабдор шахслари, бойларини ўз ҳузурига чақириб, олинган буйруқни уларга ўқиб эшиттирди. Маҳаллий зодагонлар мардикорликка олиш

ишини амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашишга ваъда беришди. Мардикорликка олиш тўғрисидаги хабар шаҳарда ва чекка қишлоқларга тезда ёйилди, халқ оммасининг норозилиги ва қаҳр-ғазабини уйғотди. Норозилик тобора орта борди ва 4 июль эрталаб ошкора қўзғолонга айланди. Қўзғолончилар актив ҳаракатга ўтдилар: улар полиция бошқармасига бостириб кириб, маҳкамани қўриқлаб турган миршабларга ташландилар, уларни тошбўрон қилдилар. Хўжанддаги соқчиллик командаси полицияга ёрдам бериш учун етиб келди ва қуролсиз оломонга қарата ўт очди. Қўзғолончилар тарқатиб юборилди, бир неча киши ўлдирилди.

Бошқа уездларнинг бошлиқлари ҳам халқ ҳаракатининг кенг қулоч ёзаётганлиги тўғрисида область губернаторига бирин-кетин хабар бериб турди. Ана шу маълумотлардан безовта бўлган ҳарбий губернатор «алоҳида фармон чиқарилмагунча аҳолини мардикорликка олишни тўхтатиш зарурлиги тўғрисида» кўрсатма беришга мажбур бўлди. Аммо бу чора тобора ривожланиб бораётган қўзғолонни тўхтата олмас эди.

5 июлда Ургут қишлоғида 2 мингга яқин киши айрим қишлоқлар бўйича сафарбар этишга тайёрлаб қўйилган одамлар рўйхатини йиртиб ташлашни талаб қилишди. Пристав бу талабни бажаришдан бош тортди. Ана шунда қўзғолончилар Ургут волости бошқарувчиси вазифасини ижро этиб турган Мулла Азим Қобилбоевнинг маҳкамасига бостириб кирди ва куч билан рўйхатни тортиб олиб, уни йиртиб ташлади. Баъзи бир мирза ва оқсоқоллар калтакланди.

Самарқанд уездининг Даҳбет волостида энг катта қўзғолон бўлиб ўтди. Йиғин ўтказиш ман этилганлигига қарамай, 7 июлда Даҳбет қишлоғининг бозор майдонига кўпгина халойиқ тўплана бошлади, уларнинг бир қисми таёқлар билан қуролланган эди. Қўзғолончиларга ўзбек демократик зиёлиларининг вакили Усмон Абдурасулев бошчилик қилди. Қўзғолончилар волость бошқарувчисининг мирзаси Қобуловга ташланди, сўнгра эса волость бошқарувчисининг ўзига ҳужум қилди. Тўқнашув вақтида Қобулов Абдурасулевни бир неча жойидан ярадор қилди. Ана шунда қўзғолончилар Қобуловга ташланиб, уни ўлдирдилар. Волость бошқарувчиси қочишга ҳаракат қилди, аммо қўзғолончилардан бири уни оғир ярадор қилди.

Қўзғолонни бостириш учун Даҳбетга ҳарбий команда юборилди. У қўзғолончилардан 30 кишини қамоққа олди. Солдатлар қишлоқдаги аҳолини «қўрқитиш» учун 10 кундан кўпроқ шу ерда турди.

Маъмурлар бир жойдаги қўзғолонни бостиришга улгурмасданоқ, иккинчи бир жойда у яна бошланиб турди. Кўпгина кишилар сафарбарликдан яшириниб, Самарқанднинг тоғлик жойларига кетиб қолди.

11 июлда Самарқанд эски шаҳар аҳолисидан бир неча юз киши область ҳарбий губернатори Ликошиннинг уйи ёнига тўпланиб, мардикор олишни бекор қилишни талаб этди. Натижада полиция билан тўқнашув бўлиб ўтди.

Мустамлакачи маъмурлар билан маҳаллий эксплуататорларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши натижасида 1916 йилги қўзғолон бостирилди. Деҳқонларнинг барча қўзғолонларига хос бўлган стихия ва тарқоқлик, ишчилар синфи томонидан раҳбарликнинг йўқлиги қўзғолоннинг бостирилишига асосий сабаб бўлди. Айни вақтда чор қўшинлари, жазо отрядлари, полиция, қулоқлар ва бойлар билан бўлган олишув ва жангларда иштирок этиш Урта Осиёдаги маҳаллий миллат меҳнаткашлари учун яхши революцион мактаб бўлди.

1916 йилги қўзғолон эзилган халқ оммаси социал ва миллий зулмдан пролетариатнинг бевосита ёрдами ва раҳбарлиги остидагина қутулиши мумкин эканлиги ҳақидаги марксизм таълимотини яна бир бор исботлади. Иккинчи томондан, В. И. Ленин ёзганидек, «Тарих диалектикаси шундайки, империализмга қарши курашда *мустақил* фактор сифатида кучсиз бўлган кичик миллатлар империализмга қарши ҳақиқий кучнинг, чунончи: социалистик пролетариатнинг майдонга чиқишига ёрдам берувчи ферментлардан бири, бациллалардан бири ролини ўйнайди»<sup>1</sup>. Жумладан, Урта Осиё халқларининг озодлик кураши ана шундай фермент ролини ўйнади.

Туркистон қўзғолони империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш тўғрисидаги ленинча ғоянинг амалга ошишига ёрдам берган халқ стихияли курашининг ўзига хос формаларидан бири бўлди.

Қўзғолон Урта Осиё, шу жумладан, Самарқанд меҳнаткашларининг социал ва миллий мустамлакачилик зулмига қарши янада қатъий кураш олиб боришлари учун замин тайёрлади.

## 6. ФЕВРАЛЬ БУРЖУА-ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ ДАВРИДА САМАРҚАНД

Россия пролетариатининг большевиклар раҳбарлигидаги революцион кураши, Россия ҳарбий-феодал империализмининг кризисини чуқурлаштириб юборган жаҳон уруши, Россия империясидаги мазлум халқларнинг миллий озодлик ҳаракати подшо ҳукуматини ҳалокатга олиб келди. 1917 йил февралда Россияда буржуа-демократик революцияси амалга ошди.

Февраль революциясининг ғалабаси тўғрисидаги хабар яшин тезлигида бутун мамлакатга тарқалди. Подшо ҳукумати

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 22-том, 397-бет.

ағдарилган куннинг эртасиёқ телеграф ана шу тарихий воқеа ҳақида Тошкент, Самарқанд ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига хабар берди. Подшо маъмурияти монархияни қайта тиклашга умид боғлаб ва янги революцион ҳамда миллий озодлик курашидан хавфсираб, бу хабарни халқдан яшириш учун ҳаракат қилди. Мустамлакачи маъмурлар чоризм ағдарилгандан кейин орадан тўрт кун ўтгандан сўнггина мамлакатда юз берган воқеалар тўғрисида матбуотда хабар берди.

Самарқанд меҳнаткашлари подшо монархиясининг ағдариб ташланганлиги ҳақидаги хабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Бу воқеани ишчилар, солдатлар, эски шаҳар камбағаллари катта намоиш ўтказиш билан нишонладилар. 1917 йил 5 мартда эски ва янги шаҳарнинг кўп минг кишилик колонналари қизил байроқлар ва революцион шиорлар кўтариб, намоишга чиқишди. Улар горнизоннинг ҳарбий қисмлари билан бирга революцион қўшиқлар айтиб, Самарқанднинг асосий кўчаларидан ўтишди.

Орадан бир неча кун ўтгач, қадимий Самарқанд янада каттароқ умумхалқ юришларининг гувоҳи бўлди. Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида бўлгани сингари бу ерда ҳам чор самодержавнесининг ағдариб ташланганлиги муносабати билан 10 мартда байрам ўтказилди. Маҳаллий горнизон қўшинлари паради ва меҳнаткашлар намоишида 12 мингга яқин киши қатнашди.

Чоризм ағдарилганидан кейин дастлабки ҳафталар халқ оммасининг Муваққат ҳукуматга онгсиз равишда ишониши билан характерланади. Улар бу ҳукуматни соддадиллик билан революцион ҳукумат деб ҳисоблади. Меньшевиклар, эсерлар ва буржуа миллатчилари меҳнаткашларнинг «революцион хом хаёлини» зўр бериб қўллаб-қувватлади. Самарқанд меҳнаткашларининг чоризм ағдарилганлиги муносабати билан ўтказган митинги ва йиғилишларида Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашга қаратилган резолюциялар тез-тез қабул қилинди. Ана шу хом хаёлларнинг тарқалиши ва буржуа Муваққат ҳукуматининг халққа қарши моҳиятига меҳнаткашлар ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилиши, унга қарши кураш йўлига актив киришиши учун муайян вақт талаб қилинарди.

Февраль революцияси Бутун Россиядаги сингари Туркистон ишчи ва деҳқонларининг аҳволига ҳам жиддий ўзгартишлар киритмади. Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари ҳамда бутун ҳокимият аввалгидек мулкдор синфлар қўлида қолаверди. Советларнинг талаби ва омманинг тазйиқи остида олиб ташланган генерал-губернатор Куропаткиннинг ўрнига Туркистон ўлкасини бошқариш учун Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети тузилди. Бу комитет мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди.

Шу билан бирга, Февраль буржуа-демократик революцияси меҳнаткашлар оммасининг сиёсий активлигини янада кенг қулоч ёздирди. Ишчи депутатлари Советлари ва солдат депутатлари Советларининг тузилганлиги омманинг ижодий ташаббуси барқ урганлигининг ёрқин намунаси бўлди. Кейинчалик бу Советлар ҳамма жойда бирлашдилар.

Самарқандда ҳам Февраль революциясининг дастлабки кунларидаёқ ишчи ва солдат депутатлари Советлари пайдо бўлди. Подшонинг ағдариб ташланганлиги муносабати билан намойиш ўтказилган кун ийгилиш бўлди. Бу йиғилишда ишчилар, революцион солдатлар ва эски шаҳар камбағаллари Советларга депутатлар сайлади. Сайланган депутатлардан 18 киши эски шаҳар вакили эди. Улар орасида Аббосхўжа Оқилхўжаев, Тўлабой Жўраев, Уста Қобил Ҳайитов ва бошқалар бор эди. 1917 йилнинг мартада вужудга келган ишчи депутатларининг Самарқанд Совети, Самарқанд гарнизони солдат ва офицер депутатлари Совети ва Самарқанд станцияси ишчи депутатлари Совети дастлабки вақтларда алоҳида-алоҳида иш юритишарди, апрель ойда эса улар солдат, ишчи ва мусулмон депутатлари Советига бирлашди. Мамлакатдаги бошқа Советлар сингари Самарқанд Совети ҳам ўша даврда ишчилар синфи билан деҳқонларнинг революцион-демократик диктатурасини ифода этар эди.

Самарқанд Советидан кейин областнинг бошқа шаҳарларида ҳам Советлар пайдо бўла бошлади. 8 мартда Хўжандда ишчи ва солдат депутатларининг Совети тузилди, 1917 йилнинг баҳорида Каттақўрғон, Жиззах, Уратепада солдат депутатлари Советлари ва Сулуқга конида ишчи депутатлари Совети ташкил этилди.

Бутун мамлакатда бўлгани сингари Самарқанд ва областнинг бошқа шаҳарларидаги Советларда ҳам дастлабки пайтларда муросачилар — эсерлар ва меньшевиклар раҳбарлик лавозимларни эгаллаб олганди. В. И. Ленин Февраль революцияси галабасидан кейинги дастлабки даврда Советларнинг состави тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «Ишчи депутатлари Советларининг кўпида, буржуазия таъсирига берилган ва пролетариатга буржуазия таъсирини ўтказадиган. . . барча майда буржуа оппортунист элементларининг *блокига* нисбатан бизнинг партиямиз озчилик ва ҳозирча жуда озчилик. . .»<sup>1</sup>.

Самарқанд ва область уездларидаги Советлар билан бир қаторда Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий органлари — жамоат хавфсизлиги ижроия комитетлари ташкил этилди. Улар составига рус ва миллий буржуа вакиллари, офицерлар, шунингдек, меньшевик ва эсерларнинг вакиллари кирди. Шу

<sup>1</sup> В. И. Л е н и н, Асарлар, 24-том, 5-бет.

тариқа Самарқандда ҳам икки ҳокимият: бир томондан, буржуа Муваққат ҳукуматининг маҳаллий органи бўлган жамоат хавфсизлиги ижроия комитети ва, иккинчи томондан, революцион ҳокимият органи ҳисобланган солдат, ишчи ва мусулмон депутатлари Совети вужудга келди.

Жамоат хавфсизлиги ижроия комитетининг бутун фаолияти буржуа Муваққат ҳукумат ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган эди. Ижроия комитет шаҳар милициясини ташкил этиш, Муваққат ҳукуматнинг область ва шаҳар комиссарларини сайлаш ишларида жуда актив қатнашди.

Шуни айтиш керакки, бошда жамоат хавфсизлиги ижрокоми шаҳар ва областда эски, чор аппаратининг дахлсизлигини сақлаб қолишга уриниб кўрди. Лекин халқ оммаси ва Советнинг тазйиқи остида у область ҳарбий губернаторини вазифасидан бўшатишга мажбур бўлди, унинг ўрнига Муваққат ҳукуматнинг комиссари полковник Слинкони тайинлади.

Самарқандда омма орасида чинакам революцион, энг таъсирчан ташкилот Муваққат ҳукуматнинг ижроия комитети эмас, балки ишчи ва солдат депутатларининг Самарқанд Совети эди.

1917 йил 7 мартда Самарқандда социал-демократик группа тузилди. Дастлабки вақтларда у бирлашган бўлиб, унга большевиклар ҳам, меньшевиклар ҳам кирган эди. 1917 йилнинг ёзига келиб, РСДРПнинг Самарқанд ташкилоти сафида 56 аъзо бор эди. Бошда маҳаллий социал-демократлар эсерлар билан бирга ишлади, улар билан бирга кундалик «Свободное слово» газетасини чиқарди, сўнгра эса РСДРП Самарқанд ташкилотининг большевистик қаноти (А. И. Фролов, И. П. Фоменко, А. И. Тешаев, А. И. Пономарев ва бошқалар) ташкилотдаги меньшевистик қисмнинг муросачилик сиёсатига қарши чиқа бошлади.

Армия большевиклари: 731-Саратов дружинасининг солдати, Самарқанд большевикларининг раҳбарларидан бири А. И. Фролов, 7-Сибирь запас ўқчи полкининг солдати И. П. Фоменко, ана шу полkning прапоршчилари Пономарев ва Тешаевлар солдатлар, ишчилар ва маҳаллий камбағаллар орасида катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. 1917 йил мартада Пономарев билан Тешаев ўз полкидаги солдатлар олдида сўзга чиқиб, Муваққат ҳукуматнинг буржуа моҳияти ва урушнинг империалистик характерини фош қилиб ташлади. Самарқанддаги армия большевиклари солдатларининг 1917 йил апрелда ўтказилган «Бутун ҳокимият Советларга!», «Муваққат ҳукумат қўллаб-қувватланмасин!» деган ленинча шiorларни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Фроловнинг Самарқанд область ишчи ва солдатларидан I Бутун Россия Советларининг съездида депутат қилиб сайлан-

ганлиги большевикларнинг обрўси ошганлигидан далолат берарди. Самарқанд большевикларидан бир группаси 1917 йил 1 майда 7-Сибирь полкида ўтказилган йиғилишда сўзга чиқиб, империалистик урушни қоралаб гапирди. Йиғилишда урушнинг тўхтатилишини талаб этувчи резолюция қабул қилинди. Урушга қарши бундай резолюция Туркистонда биринчи марта қабул этилган эди.

Бир ҳафтадан кейин Самарқанд область ишчи ва солдат депутатлари Советининг I съездида «Урушга муносабат тўғрисида» резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда баъзи бир мудофаачилик қоидалари («сепарат сулҳ тузмаслик», «эркинлик заёмини қўллаб-қувватлаш») билан бир қаторда, «аннекция ва контрибуциядан воз кечиш», «барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши асосида сулҳ тузиш» талаблари ҳам бор эди. Резолюция капиталистларни «урушнинг бевосита айбдорлари» деб ҳисоблади ва «уруш келтирган зарар ва харажатларни капиталистлар синфидан ундириб олиш»ни талаб қилди. Резолюция «барча мамлакатларда империализмга қарши қаратилган ҳар қандай революцион ҳаракатни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга» даъват этди.

Самарқанд большевиклари Муваққат ҳукумат ва уни қўллаб-қувватлаган меньшевик ҳамда эсерлар сиёсатининг халққа зид моҳиятини оммага чидам ва сабот билан тушунтирди, меҳнаткашларни ўзларининг сиёсий ҳуқуқлари ва турмуш шароитларини яхшилаш учун уюшқоқлик билан кураш олиб боришга даъват этди.

Большевиклар маҳаллий камбағаллар орасида зўр ғайрат билан катта иш олиб бордилар. Маҳаллий миллат меҳнаткашларининг революцион кайфиятдаги вакиллари — Хўжа Сафо, Жўрабоев, Шамсиддин Иброҳимов, Ширинбоев, Азимбоев, Йўлдошев, Миркомиллов, Маҳмудов ва бошқалар рус большевиклари теварагига секин-аста жипслаша бошладилар.

Большевиклар Советда катта иш олиб бордилар: ишчи ва солдат депутатларини бирлаштирувчи Самарқанд Совети составига кирган большевиклардан Фролов билан Пономарев Советдаги келишувчи раҳбарларнинг сотқинлигини фош этдилар ва Советни омманинг чинакам революцион органига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Большевик депутатларнинг ташаббуси ва революцион омманинг тазйиқи остида Самарқанд Совети шаҳар ва уезддаги барча лавозимдаги подшомаъмуриятини ағдариб ташлаш учун биринчи бўлиб кураш бошлади ва уни амалга оширди. Самарқанд Совети шаҳарда революцион тартибни сақлашга, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга, меҳнаткашларни маърифатли қилишга қаратилган таъсирчан чоралар кўрди.

Самарқанд Советининг ижобий фаолиятини ва халқ омма-си орасида катта обрў қозонганлигини буржуа ҳокимияти вакиллари ҳам тан олишга мажбур бўлди. Самарқанд округ судининг прокурори Тошкент суд палатасининг прокурорига йўллаган хатида қўйидагиларни қайд қилиб ўтган эди: Самарқанддаги жамоат ташкилотларидан «солдат ва ишчи депутатлари Совети обивателлар кўз ўнгида энг обрўли бўлиб қолди. . . Унинг обрўси шу қадар баландки, обивателлар унга турли масалалар бўйича илтимос ва шикоят билан, ҳатто, эр-хотиннинг ажралиши тўғрисидаги илтимос билан ҳам мурожаат қилишади. . . Ана шу ташкилотларнинг (Советларнинг — *Муҳаррир*) ишчи ва солдатлар орасидаги таъсири жуда катта ва унинг гапига ишчилар ҳам, солдатлар ҳам бажонидил қулоқ соладилар, уларни қўллаб-қувватлашга доим тайёрдирлар».

Большевиклар ишчилар синфини уюштириш борасида қизғин иш бошлаб юбордилар. Улар пролетариат ва бошқа меҳнаткашларнинг оммавий синфий ташкилотлари — касаба союзларини ташкил этишга алоҳида эътибор бердилар. Самарқанд большевикларининг халқ оммасини ўзларига қаратиб олиш йўлидаги курашида шаҳар ишчилар синфи, айниқса, унинг илғор отряди — темирйўлчилар асосий таянч бўлди.

Самарқандда ва бутун Туркистон ўлкасида касаба союз ҳаракати хоризм ағдариб ташланиши биланоқ Умумроссия касаба союз ҳаракатининг бевосита таъсири остида ва у билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланди.

1917 йил 1 мартда ташкил этилган савдо-саноат хизматчилари союзи касаба союзлари вужудга кела бошлаган даврдаги дастлабки союзлардан бири бўлди. Уша йилнинг 18 мартида Самарқанд станцияси тарозибонлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида идора хизматчилари ва тарозибонларнинг касаба союзи ташкил этилди.

Самарқанддаги «Меҳнат союзи» деб аталган ташкилот оммавий касаба союз ҳаракатини бошлаб берди; бу союз правлениесининг биринчи ташкилий йиғилиши 1917 йил 20 мартда бўлиб ўтди. «Меҳнат союзи» союзлараро бирлашма ролини ўйнади ва шаҳар касаба союзларига бошчилик қилди. «Меҳнат союзи»нинг биринчи мажлисида союз уставини ишлаб чиқиш комиссияси, меҳнат бюроси, шунингдек, маданий-оқартув, санитария, юридик ва молия комиссиялари сайланди. 29 мартда «Меҳнат союзи»нинг правлениеси Самарқанд гражданларига қарата мурожаат қабул қилди. Бу мурожаатда союз тузилганлиги эълон қилинди ва унга аъзо бўлишга таклиф этилди.

«Меҳнат союзи» тузилганидан кейин Самарқандда касаба союз ҳаракати кучайиб кетди. 1917 йилнинг баҳорида ҳукумат муассасалари хизматчилари, темирйўлчилар, почта-телеграф



хизматчилари интернационалист ўқитувчилар ва бошқа ташкилотларнинг касаба союзлари ташкил этилди.

Касаба союзлари пролетариатнинг буржуазияга қарши иқтисодий курашини қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки социалистик революция авж ола борган сари сиёсий курашнинг жиддий мактабига айланди.

Самарқандда пролетариатнинг соф синфий ташкилотлари билан бир қаторда ишчилардан ташқари, эски шаҳар майда буржуа элементлари — ҳунармандлар, майда савдогарлар, миллий зиёлиларнинг бир қисмини бирлаштирган умумдемократик ташкилотлар ҳам пайдо бўла бошлади. Самарқанд ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳар ва районлари маҳаллий миллат меҳнаткашлари ўртасида революцион жараён ривожланишидаги муҳим хусусият ана шунда эди.

«Қамбағаллар йиғилиши» деб аталган ташкилот Самарқанднинг маҳаллий аҳолиси ўртасида ташкил этилган умумдемократик ташкилотнинг ёрқин намунасидир. Бу ташкилот 1917 йил 6—7 мартда эски шаҳарнинг Қўшқовуз деган жойида ташкил этилди. Бу — маҳаллий миллат ишчилари ва эски шаҳар камбағалларининг тўнғич ташкилоти эди. Бироқ «Қамбағаллар йиғилиши», унинг правлениесига раҳбарлик жадидлардан Ақобир Шомансуров (раис), Бекбудий, Шоймардонқул ва Абдуҳалил Ҳасанхўжаевлар қўлига ўтиб қолди. Йиғилиш аъзолари орасида меҳнаткашлар оммаси кўпчиликни ташкил этганлиги сабабли ва уларнинг таййиқ остида бу ташкилот эски шаҳарда чор ҳокимияти органларини тугатиш бўйича баъзи бир ишларни амалга оширди. Масалан, йиғилиш «барча чор амалдорларини ишдан бўшатиш, чор аппаратини тугатиш, унинг ўрнига янги шаҳардаги каби 3 кишидан иборат комитет сайлаш» тўғрисида қарор қабул қилди. «Қамбағаллар йиғилиши»нинг ташаббуси ва актив иштироки билан эски шаҳарда «элликбошилар» вазифасидан четлаштирилди ва уларнинг ўрнига уч кишидан иборат сайлаб қўйиладиган комитет тузилди. Бу комитетлар тунги пайтларда эски шаҳарни қўриқлаб турарди. «Қамбағаллар йиғилиши»нинг состави турли кишилардан иборат бўлиши ва унинг тепасида турган миллий буржуазия идеологлари — жадидларнинг айниқса иккиланиб иш кўриши ва оғмачилиги ишга жиддий тўсиқ бўлди. Бир ярим ой ишлагандан кейин бу йиғилишнинг ўз-ўзидан тугаб кетишига асосий сабаблардан бири ҳам шу бўлди.

Февраль революцияси ғалабасидан кейин буржуа миллатчилари ва феодал-клерикал элементлар ўз фаолиятини активлаштирди. Маҳаллий буржуазия вакиллари авж олган миллий озодлик ҳаракатидан меҳнаткашлар устидан ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш учун фойдаланишга уриниб кўрди. Шу мақсадда улар реакцияон миллатчилик ташкилотларига бирлашди.

1917 йил март ойи бошларида Тошкентда ташкил этилган «Шўрои исломия» буржуа миллатчилик ташкилоти ўлкада тузилган ана шундай дастлабки ташкилотлардан бири эди. Бу ташкилотга жадидларнинг раҳбари Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошчилик қилар эди.

1917 йилнинг баҳорида Самарқандда ҳам «Шўрои исломия» тузилди. Унга мусулмон руҳонийлари, миллий буржуазия ва амалдорларнинг кўзга кўринган вакиллари: судья Исохон қози, эшон Ақобирхўжа, собиқ чор приставлари Баҳриддин ва Абдуғулом, савдогар ва катта ер эгаси Шамсибой Маҳсум, бойлардан Ҳасан Зубайдуллаев, Мамарайим, Мамадамин ва бошқалар бошчилик қиларди. «Шўрои исломия» Самарқанд ташкилотининг штаби шаҳарнинг Сўзангарон қисмидаги Ҳовуз санг маҳалласида жойлашган эди.

«Шўрои исломия» билан бир қаторда, Самарқандда «Иттиҳод» деб аталган пантуркистик ташкилот ҳам ишлар эди. Асосан савдо-буржуа зиёлиларини бирлаштирган бу ташкилотга асир олинган собиқ турк ҳарбий офицерлари Афанди-зода, Ризо Афанди, Дониёрбек ва бошқалар бошчилик қиларди.

Шундай қилиб, Февраль буржуа-демократик революцияси Самарқанд аҳолиси барча табақаларини ҳаракатга келтирди, шаҳардаги ижтимоий ва сиёсий кучларнинг ажралишини белгилаб берди ва янада кучайтирди.

Чоризм ағдариб ташланганидан кейин ўтган дастлабки ҳафта ва ойлар шуни кўрсатдики, чоризм ўрнига келган Муваққат ҳукумат асосий ҳаётий муҳим масалалар юзасидан чоризмнинг ишини давом эттирди. Буржуа ҳукумати ва буржуалашган помешчиклар халқ оммасининг урушни тўхтатиш, халққа сулҳ, нон, ер бериш, фаровон ҳаёт яратиш тўғрисидаги талабларини бажара олмаслигига ва бажаришни истамаётганлигига омма ўз тажрибасида аста-секин ишонч ҳосил қилди.

Самарқанд меҳнаткашлар оммаси большевиклар ғояси ва шиорларининг ҳаққонийлигини тушуна бошладилар, чоризм ағдарилганидан кейин дастлабки кунлардаги «революцион хом хаёллардан» секин-аста холи бўла бошладилар ва буржуазияга қарши курашни кучайтирдилар.

## САМАРҚАНД ВАТАН ВА ЖАҲОН ФАНИДА

Ўз даврининг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази сифатида катта шуҳрат қозонган Самарқанд ҳақида ўрта асрлардан то ҳозирги кунимизгача жаҳон адабиётида кўпгина справочник тарзидаги тасвирий ва илмий маълумотлар яратилди.

Агар Самарқандни македониялик Искандар юришлари давридаги қадимий Мароканданинг айнан ўзи деб ҳисобласак, у вақтда Мароканда ва бутун Сўғд территорияси тўғрисидаги маълумотлар, ҳатто, антик давр муаллифлари<sup>1</sup> томонидан ёзилганлиги маълум бўлади.

Чунончи, биз Сўғд (Сўғдиёна) тўғрисидаги маълумотларни Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» ва Клавдий Птолемейнинг «Географияга оид қўлланма»сида учратамиз. Македониялик Искандарнинг юришлари муносабати билан Ахоманийлар давридаги Сўғдиёна тўғрисида ёзган Квинт Курций Руф Марокандани эслатиб ўтади ва унинг ўраб олган деворининг узунлиги (70 стадий) ҳақида ёзади. Алоҳида девор билан ўралган қалъада Искандарнинг 1000 жангчидан иборат гарнизони жойлашган эди. Сўғдиёна ҳақида римлик тарихчи Плинийнинг (кагтаси) «Табий тарих» асарида ҳам эслатиб ўтилади.

Милоднинг II асрида яшаган юнон тарихчиси Квинт Эпий Флавий Аррианнинг «Искандарнинг саргузаштлари ёки Улуғ Искандарнинг юришлари ва истилолари тарихи» асари тадқиқотчиларнинг эътиборини айниқса ўзига жалб этади. Македониялик Искандарнинг ўзи ёзган мактубларга, сарой хроникалари (кундаликлари)га ва Аристовул, Птолемей Лаг ҳамда

<sup>1</sup> Умуман Сўғд жой (вилоят) сифатида қадимий «Овисто»да, Ахоманийлар подшоларнинг (милоддан олдинги VI—IV асрлар) ёзувларида, Искандарнинг «Йўл хотиралари» да (милоднинг IV асрида лотин тилида ёзилган асар), хитойча, сурияча, арманча текстларда, қадимги турк руник ёзувларида, ўрта асрлардаги араб-турк географик адабиётида ва шу кезиларда эслатиб ўтилади.

Искандарнинг Шарққа қилган юришида иштирок этган бошқа қатнашчиларнинг ҳикояларига асосланиб ёзилган бу асарда Сўғдиёна ҳақида (иқлими, дарёлари ва ҳоказо) кўпгина маълумотлар келтирилади ва македониялик Искандарнинг Мароканда шахрини икки марта ишғол қилганлиги кўрсатиб ўтилади. Афсуски; Аррианнинг асарида Марокандани тасвирлашга оид маълумотлар йўқ. Бироқ шуниси муҳимки, тарихчи Мароканда ҳақидаги эслатмаларидан бирида уни «подшоҳи», яъни Сўғд пойтахти деб атайди. Арриан Марокандада қалъа бўлганлигини ҳам қайд қилиб ўтади. Клавдий Птолемей («Географияга оид қўлланма») Марокандани Сўғдга эмас, балки Бактрияга (6-китоб, II боб), Сўғд дарёси (Зарафшон)ни эса Скифларга (4-китоб, II боб) мансуб деб ҳисоблайди, бунда ўз замондошларига нисбатан бир қадам орқага чекинади. «Мароканда» номи Плутарх асарларида ҳам учрайди.

Самарқанд хитойларнинг илк ўрта асрга оид манбаларида, жумладан, «Шимолий саройларнинг тарихи»да (V аср) эслатиб ўтилади, бу ерда у «Сиваньгиня» номи билан юритилади. VII асрнинг 30-йилларида Самарқандга келган хитой зиёратчиси Сюань Цзян шаҳар айланаси 20 ли (10 км)га етганлигини кўрсатган. 605 ва 617 йиллар ўртасида Самарқандда бўлган Хитой элчиси Вэй-цзе аҳолининг савдо-сотиққа ва ҳунармандчиликка мойиллигини қайд қилиб ўтган.

Ўрта Осиё ва хорижий мамлакатлардаги кўпгина қадимий шарқ қўлёзмаларида ҳам Самарқанд ҳақида жуда кўп хилма-хил маълумотлар — географик, тарихий ва бошқа маълумотлар учрайди. XV асрга оид қўлёзмаларда, масалан, мавлоно Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Исҳоқ ас-Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Гиёсуддин Али Яздийнинг «(Темурнинг) Ҳиндистон юришидаги кундалиги», Бобирнинг «Бобирнома» асарларида Самарқанд тўғрисида қимматли маълумотлар учрайди.

Фирдавсийнинг гениал «Шаҳнома» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бирининг номи Афросиёб деб аталади.

Буюк шоир ва мутафаккирлардан Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳаётининг саҳифалари Самарқанд билан боғлангандир. Уларнинг иккаласи ҳам бир оз вақт Самарқандда яшади, мадрасада ўқиди, шаҳар олимлари ва шоирлари билан алоқада бўлди.

Самарқанднинг қадимий ёдгорликларига, унинг диний-ибодат бинолари (тарихий-архитектура ёдгорликлари)ни тасвирлашга махсус бағишланган ва кейинги даврларга оид бўлган қўлёзмалардан қуйидаги икки асарни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак: булардан бири — Имом Абулфазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандийнинг «Кичик Қандия» («Қандия хурд») асари

бўлиб, бу асарда Самарқанд мозорларининг тасвири, шаҳар ва унинг теварак-атрофи ҳақида тарихий ва географик маълумотлар келтирилган. Иккинчиси — Мир Абу Тоҳир Хожа Садр Самарқандийнинг «Самария» асари бўлиб, бу асар XIX асрнинг 30-йилларида ёзилган ва унда Самарқанднинг тадқиқотчилар учун жуда қимматли бўлган қадимий ёдгорликлари ва мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳлари (асосан диний характердаги бинолар, иншоотлар)<sup>1</sup> тасвирланган.

Турли даврларда ёзилган шарқ қўлёзмаларидаги Самарқандга оид маълумотларни йиғиб, махсус таҳлил қилиш, шунингдек, Самарқанд тарихи хрестоматиясини тузиш (манбалар маълумотлари асосида) амалга оширилиши лозим бўлган ишлардандир<sup>2</sup>. В. В. Бартольднинг «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» («Туркестан в эпоху монгольского нашествия») деган асари бу соҳада қилинган самарали иш намунаси бўлиб хизмат этиши мумкин. Бу асарда мўғулларгача ва мўғуллар давридаги манбалар таҳлил қилинган. Бу манбаларда Самарқанд номи кўп марта тилга олиб ўтилади, шу туфайли В. В. Бартольднинг «Туркистон»ида тўпланган ва танқидий нуқтан назар билан пухта текширилган ёзма манбалардаги фактик материал мўғуллар истилосигача бўлган қадимги Самарқанднинг» (А. Ю. Якубовский) ва кейинги даврлардаги Самарқанднинг «топографияси билан шуғулланиш учун тўла имконият берди». Мамлакатимизнинг турли архивларида тўпланган ва Самарқанд ҳамда унинг округлари тарихи билан боғлиқ бўлган ёзма ҳужжатлар бу борада қимматлидир. Бу материалларнинг кўпгина қисми XVI асрга ва кейинги асрларга оиддир. Бу (хусусий характердаги ҳужжатлар билан бир қаторда) биринчи навбатда вақф ҳужжатлари, ёрлиқлар, қозиларнинг ҳужжатлари, мустамака маъмуриятининг ҳужжатлари ва бошқалардир. Ана шу ҳужжатларнинг кўпгина қисми тўла ўрганилмаган ва нашр этилмаган.

Самарқанд топографиясининг тарихи бўйича қимматли маълумотлар кўпгина маҳаллий (Самарқанд) вақф ҳужжатларида ҳам бор. Мисол тариқасида Р. Г. Муқминованинг 1966 йилда XVI асрнинг биринчи чорагидаги вақф ёрлиғининг қўлёзма китобини нашр этганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бу вақф ёрлиғи Муҳаммад Шайбонийхоннинг келини Меҳр Султон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида «Самария» ва «Кичик Қандия» асарларидан мазмун жиҳатидан тамомила фарқ қиладиган, номаълум муаллифнинг Самарқанднинг қадимий тарихига бағишланган асари ҳам сақланмоқда (Ўзбекистон ССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами. I том, 95—96-бетлар).

<sup>2</sup> Академик В. В. Бартольд «Самарқанднинг ўтмиши ҳақидаги ёзма маълумотларни таҳлил қилишни» мўлжаллаган эди. Афсуски, бу иш амалга оширилмади (ёки ҳар ҳолда ниҳоясига етказилмади ва нашрга тайёрланмади).

хоним номидан ёзилган эди. Ёрликда Самарқанддаги «Шайбонийхон» ёки «Қўш мадраса» фойдасига берилган мол-мулкларнинг катта рўйхати келтирилган. Бундан ташқари, бу ва бошқа акт материаллари (хусусан, қозилик ҳужжатлари) ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг системасини янада равшанроқ тушуниб олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шарққа саёҳат қилган ғарбий европалик сайёҳлар ҳам Самарқанд ҳақида баъзи маълумотлар келтирган.

Чунончи, Марко Поло (1254—1323 йиллар) ўзининг саёҳат китобининг 52-бобида Самарқанд шаҳри тўғрисида (Samarcand, Samarcand, Samarcand): «катта, бадавлат, [у ерда] христианлар ва сарациналар яшайди. . . Шаҳар шимоли-ғарб томонда жойлашган» деб қайд қилади ва Ионн Креститель шарафига черков қурилишида рўй берган «муъжиза» ҳақидаги афсонани ҳикоя қилади.

Бошқа ғарбий европалик муаллифлардан Рюи Гонзалес де Клавихони алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Кастилия қироли Леон Генрих III нинг Темур олдига юборилган элчиларидан бири (1403—1406) Клавихо Туркиянинг Қора денгиз қирғоқларидан бошлаб Трапезунд ва ундан қуруқлик йўли билан Арманистон, Озарбайжон ва Эрон орқали Ўрта Осиёга қилган сафарини батафсил тасвирлайди. Бу тасвирда Самарқанд ҳақида қимматли маълумотлар бор. Клавихо Самарқандда анча вақт яшади, ўз қиролининг хатини ўз қўли билан Темурга топширди. «Клавихонинг кундалиги» дастлаб 1582 йилда Севилия шаҳрида босилиб чиқарилди, иккинчи нашри 1782 йилда Мадридда, Россияда эса (испанча тексти ва русча таржимаси И. И. Срезневскийники) 1881 йилда Фанлар академиясининг рус тили ва адабиёти бўлимининг XXVIII тўпламида босилиб чиқди.

Рус сайёҳлари А. А. Леман, Н. В. Хаников ва Ф. Богославский II (инженер К. Ф. Бутенёвнинг Бухорога қилган сафари қатнашчилари) 1841 йилда Самарқандда бўлишди. Ханиковнинг қайд қилиб ўтишича, «1404 йил 8 сентябрь кундан бошлаб Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси Гонзалес Клавихо Самарқандга келган кундан буён ана шу ажойиб шаҳарга бирорта ҳам европалик келмади». Хаников (1822—1872) кейинчалик Самарқанд ҳақида махсус мақола ёзди, А. Леман эса ўзининг сафар дафтаридида шаҳарнинг ташқи кўриниши ва тарихи, аҳолиси, архитектура ёдгорликларини ёзиб қолдирди. Хаников «Самарқанд археологик ихтиролар учун чинакам хазина» эканлигига шубҳа қилмади ва «машҳур Афросиёб қалъасининг харобаларини» алоҳида қайд қилиб ўтди. «Топограф Яковлев,— деб ёзган эди Хаников,— Леман ва Богославскийни кузатиб юрганда шаҳарнинг батафсил планини олди, мен ана шундан нусха кўчириб, 1843 йилда

босилиб чиққан ва Бухоро хонлигини тасвирлаган китобимга илова қилган эдим».

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё бўйлаб сафар қилган ва бу ўлка ҳақида кенг ва ёрқин тасаввур берган венгриялик олим Арминий Вамберининг маълумотлари жуда машҳурдир.

Самарқандда бир ҳафтадан ортиқ яшаган Вамбери Самарқанднинг умумий қиёфасини ва унинг бир қатор тарихий-архитектура ёдгорликлари («Ҳазрати Шоҳ Синда, Темур масжиди, арк-қалъа, Темур ва унинг устозининг қабрлари, Шердор ва Тиллакори мадрасалари, Хоним мадрасаси» ва ҳоказолар)ни тасвирлаб берди.

Рус илмий адабиётида Вамберининг асарлари тўғрисида кўпгина салбий тақризлар бор. Бироқ буларнинг ҳаммасини ҳам объектив ва ҳаққоний деб бўлмайди, чунки бунинг сабаби Вамбери русофоблик кайфиятига қарши бўлган<sup>1</sup>, иккинчи томондан эса, ишнинг оммабоп томонини ёритишга, ўзининг Ўрта Осиёда бўлган вақтида кўрган-кечирган тафсилотларини тасвирлашда романтик муболағаларга берилиб кетиши, баъзан эса афтидан тўқималарга йўл қўйиши билан боғлиқдир. Бу эса академик йўналишдаги олимларни бирмунча эҳтиёткорлик билан ёндашишга мажбур этарди. В. В. Бартольднинг 1834 йилда барон Демезоннинг татар мулласи ниқоби остида Бухорога қилган сафари «венгриялик ориенталист Вамберининг жасурлиги сингари жуда кам натижа берган эди» деб айтган сўзлари Вамберининг асарларига нисбатан бўлган салбий муносабатни кўрсатади.

Вамберининг маълумотлари ва тасвирларининг илмий қимматига баҳо бериб, унинг Ўрта Осиёга қилган саёхати (дарвиш сифатида келиши) нақадар мураккаб ва оғир шароитда ўтганлигини унутмаслик керак. Кўпгина нарсалар ҳақида Вамбери Ўрта Осиёдан қайтиб келгач, ўзининг ўткир хотирасига ишонган ҳолда ёзди. Афтидан, баъзи бир ноаниқликларга ва тасвир этишдаги камчиликларга йўл қўйилишининг сабаби ҳам шунда бўлса керак. Аммо Вамберининг дастлабки ишончли маълумотларга асосланган хабарларининг аҳамиятини пасайтириш адолатсизлик бўларди. Бу маълумотлар ўз даврида Европа ва жаҳон жамоатчилиги кўз олдида биринчи кашфиётдек туюлди ва юқорида қайд қилиб ўтилганидек, унга ҳақли равишда катта қизиқиш уйғотди.

Инглиз И. Борнснинг Бухорода бўлган вақтида (1832 йил) тўплаган маълумотлари ҳам Самарқанднинг умумий тарихига оид кўпгина қизиқарли материаллар беради.

<sup>1</sup> Умуман, русофоблик кайфиятига қаршигина эмас, балки аввало, Вамберининг рус чоризмининг ташқи сиёсати, унинг Шарқий Европадаги миллий озодлик ҳаракатларини бостиришдаги иштирокига нисбатан салбий муносабати билан боғлиқдир.

Биз обзоримизда Урта Осиё шаҳарлари, хусусан, Самарқандга бағишланиб чоп этилган хорижий адабиётлар ҳақида батафсил тўхтаб ўтишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз. Табиийки, бу асарлар турли-тумандир: улар орасида юзаки тасвирлару, сермазmun баёнлар, юзаки таассуротлару, батафсил очерклар бўлиб, ҳаммасини таҳлил қилиб чиқиш қийин. Баъзи бир чет эл нашрлари юксак полиграфик даражада бўлиб, равшан расмлар ва ўтмиш ёдгорликларининг лавҳалари билан берилган эди. Умуман олганда, бу асарлар Самарқанднинг бой тарихи ва унинг ажойиб моддий-маданий ёдгорликлари билан кенг китобхонларни таништириш ишида фойдали бўлди. Уларнинг қатъий илмий аҳамияти (кўпчилик йўл кўрсаткич ва туристларнинг очерклари сингари) унчалик катта эмас. Чунки улар Самарқанд тўғрисида бирорта янги ва муҳим нарсани айта олмаганлар (масалан, Габриэл Бонвало, Эжен Скайлер ва бошқаларнинг асарлари).

Бу борада чет эллик ориенталистлар томонидан ўрта аср шарқ қўлёзмаларининг юксак илмий савияда нашр этилиши ва уларга ёзилган изоҳлар муҳим ҳисса бўлиб ҳисобланади. Бу соҳада рус ва чет эл олимларининг куч-ғайрати бир-бири билан самарали равишда қўшилиб кетади. Булар Самарқандга махсус бағишланган асарлар эмас эди, албатта. Лекин Урта Осиёдаги ва бошқа шарқ қўлёзмалари қанчалик кўп илмий ҳаётга тортилса, Самарқанд ҳақидаги турли маълумотларнинг доираси ҳам шунча кенгайган бўлур эди.

Олдинданоқ шуни айтиш мумкинки, Самарқанд ҳақида ёзган чет эллик барча муаллифлар орасида Юлиус Смоликиннинг батафсил илмий асари айниқса диққатга сазовордир. Австрия-Венгрия армиясининг офицери бўлган Юлиус ҳарбий асир сифатида Урта Осиёда беш йил яшади. 1915 йилдан бошлаб у Самарқанд ёдгорликлари билан танишиш имкониятига эга бўлди, 1918 йилдан бошлаб эса, ана шу ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш юзасидан совет органлари ишида актив иштирок этди. Архитектор Смолик Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари билан танишиб чиқиш учун унга тушунарли бўлган рус, шу жумладан, совет адабиётидан, Самкомстарис ва музей материалларидан фойдаланди. Унинг ўзи ҳам шаҳардаги тарихий-архитектура иншоотларининг кўпгина расмини чизди, уларнинг планларини суратга олди, уларнинг ўтмишдаги қиёфасини қайта яратишга ҳаракат қилди ва ҳоказо. Юлиус Смолик Амир Темур ва Теурийлар давридаги Самарқанд ёдгорликларига бағишланган ва полиграфик жиҳатидан яхши безатилган китобини кейинчалик, 1928 йилда Венада босиб чиқарди. Бироқ ишга субъектив-ҳалол ёндашган бўлса ҳам, Смолик кўпгина хатоларга йўл қўйди (тарихий маълумотлар ва ёдгорликлар тасвиридаги ноаниқлик, чизмалар ва планларнинг яхши ишланмаганлиги, таклиф



этилган реконструкциянинг ишончли эмаслиги ва ҳоказо). Булар 1936 йилда М. Е. Массон томонидан ёзилган тақризда кўрсатиб ўтилди.

Самарқанд ҳақида у ёки бу маълумотларни ёзиб қолдирган XIX асрнинг иккинчи ярмида иш олиб борган рус сайёҳлари ва мутахассис олимлари ҳамда ҳаваскорлари орасида Е. Мейендорф (1820), А. С. Татаринов (1865), А. П. ва О. А. Федченко (1868—1869), В. В. Радлов (1868), А. П. Хорошхин (1872), Н. А. Маев (1874), Д. Л. Иванов, Л. Ф. Костенко, И. В. Мушкетов (Афросиёб харобаларини қисқача тасвирлаган) ва кўпгина бошқа кишиларнинг номларини тилга олиб ўтиш мумкин.

Рус ва чет эл жамоатчилигининг Самарқанд меъморлиги билан танишиши туфайли бу ёдгорликлар рус ва чет эл ҳаваскор ҳамда профессионал рассомларининг лавҳа ва расмларида ҳам ўз аксини топди. Профессионал рассомлар орасида (Н. Н. Қаразидан ташқари) атоқли рус рассоми В. Верешчагиннинг номи алоҳида ажралиб туради. Унинг мўйқаламига мансуб бўлган «Самарқанднинг Регистон майдонидаги Шердор мадрасаси», «Самарқанддаги Шоҳизинда мақбаралари группаси», «Масжид эшиги олдида» ва бошқа асарларини эслатиб ўтиш кифоя. Масалан, В. Верешчагин эшикларнинг моҳирлик билан ишланган нақшларини ажойиб бадиий-техник маҳорат билан расмга тушира олган. Верешчагиннинг ижодини тадқиқ қилган кишилардан бири В. Садовеннинг сўзларига қараганда, «Эшикларнинг ниҳоятда нозик қилиб ишланган нақшларини ана шундай сабр-тоқат билан пухта ва аниқ тасвирлаш учун юксак маҳорат ва хислатга эга бўлиш ҳамда Шарқ халқлари томонидан яратилган нақшлардаги декоратив гўзалликка катта муҳаббат бўлиши керак эди». Самарқанд ёдгорликларининг Верешчагин томонидан чизилган суратлари мазмуни, композицияси, ранги, расмлар контурининг аниқлиги жиҳатидан худди ўша ёдгорликларга қатъий равишда мос қилиб ишланди. Айни вақтда улар фақат техник жиҳатидангина эмас, балки тасвирий жиҳатдан ҳам юксакдир. Верешчагин тарихий архитектура ёдгорликларини рассом учун хос бўлган имконият доирасида туширишга ҳаракат қилиб, айни вақтда бинонинг пластик ҳажмини, унинг материалини, унинг табиат манзаралари билан чамбарчас боғлиқлигини аниқ-равшан кўрсатиб бера олди.

1887 йил 1 январдан бошлаб қадимий ёдгорликлар ҳаваскорларининг ўлкашунослик соҳасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаган Самарқанд область статистика комитетининг ташкил этилиши шаҳар тарихини ўрганишга маълум жиҳатдан рағбатлантирди. Комитет «Самарқанд область статистикаси учун материаллар тўплами» (1890), «Самарқанд областининг справочник китоби» (1893—1912), «Самарқанд область

адрес-календари» (1893—1914)ни (бу календарни 17 марта) чиқарди. Ана шу нашр этилган тўпламларга, айниқса, «Справочник китоби»га Самарқанд ва унинг теваарак-атрофидаги жойларнинг тарихи бўйича бир қатор мақолалар ва бошқа материаллар, шу жумладан, «Самарқанд вилоятининг тарихий географиясига оид материаллар», «Самария» ва «Кичик Қандия» асарларининг қўлёзмаси ва бошқалар киритилган эди.

Самарқандда 1896 йил 21 июлда очилган шаҳар музейи муҳим воқеа бўлди. Ана шу музейни очиш тўғрисидаги масала маҳаллий ўлкашунослар томонидан бир неча марта кўтарилган эди (очиғини айтганда, Самарқанд ҳаваскорлик музейи 1874 йилданоқ иш бошлаган эди, аммо Туркистон генерал-губернатори М. Г. Черняев вақтида у ёпиб қўйилган эди). 1893 йили Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг амалдори Д. И. Эварницкий (кейинчалик таниқли олим) «Окраина» деган газета саҳифасида ана шу мавзуга бағишланган мақола билан чиқди. 1894 йил 24 майда эса у Москва Археология жамиятининг мажлисида ахборот берди. Бу ахборотда «17-Туркистон йўл батальонининг капитани Л. С. Баршчевскийнинг қадимий маҳаллий ёдгорликларнинг энг яхши намуналарини тўплаганлигини, бунда кўпгина қадимий нарсалар ва тангалар борлигини айтиб, сўнгра эса, Самарқандда тарихий обидалар маркази сифатида музей очиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни ривожлантирди». Эварницкий жамиятга Туркистон маъмурлари олдига музей ташкил этиш учун маблағ топиш ва ана шу музейга асос қилиб Баршчевский тўплаган коллекцияларни (кейинчалик ана шу коллекцияларнинг бир қисмини савдогар Н. И. Решетников сотиб олиб, 1895 йилда очилишга тайёрланаётган Самарқанд музейига берган эди) асос қилиб олиш тўғрисида таклиф киритди.

Дастлабки вақтларда музей Георгиевский черкови қошидаги хоналардан бирида жойлашган бўлиб, «Самарқанд статистика комитетининг музейи» деб ном олган эди. Орадан ўн йил ўтгач, музей ва шаҳар оммавий кутубхонаси учун махсус бино қурилди. Вақт ўтиши билан музейда Афросиёб территориясида ва шаҳар ҳамда унинг чекка жойларидаги бошқа пунктларда топилган қадимий нарсаларнинг кўпгинаси бу ерга тўпланди.

Тошкентдаги ҳаваскор археологларнинг Туркистон тўғараги (1895—1917) Самарқандни тарихий-археологик жиҳатдан ўрганишга катта эътибор берди. 1905 йилдан кейин ҳаваскор археологлар, тарихчилар, этнографлар Самарқанд тўғарагини ташкил этишга ҳаракат қилиб кўришди, бироқ тўғаракнинг амалий фаолияти кенг қулоч ёзмади.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, Самарқанд тарихини ўрганишга рус олимлари катта ҳисса қўшди. Россиянинг

территория жиҳатидан Ўрта Осиёга яқинлиги, айниқса, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг, шу жумладан, Самарқанднинг Россияга қўшиб олиниши бу ишга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

XIX асрнинг охириги чорагида ҳозирги Самарқанднинг шимолий қисмида жойлашган, қадимий ва ўрта аср Самарқандининг территориясидан иборат бўлган Афросиёб харобасида илмий мақсадда археологик қазишма ишлари бошлаб юборилди.

1874 йилда Самарқанд округининг бошлиғи генерал Абрамов майор Борзенковга Афросиёбда синов тариқасида қазишма ишлари ўтказишни топширди. Борзенков тажрибасизлиги натижасида ана шу ҳаваскорлик қазишма ишларини шаҳарчанинг шимолий қисмида ва унинг чекка жойларида узунасига ва кўндалангига ўтказа бошлади. Айни вақтда қадимий даврга оид бўлган айрим нарсалар, «қандайдир» қурилмаларнинг қолдиқлари топилди; шу билан иш ҳам тамом бўлди. Орадан кўп ўтмай, Борзенковнинг ўзи вафот этди; М. Н. Ростиславов газетага ёзган мақоласида Борзенков томонидан олиб борилган қазишма ишлари ҳақида баъзи бир маълумотларни келтирди.

Орадан тўққиз йил ўтгач, Туркистон генерал-губернатори қошидаги алоҳида топшириқлар ходими подполковник В. В. Крестовский (ўша вақтда ёзувчи сифатида машҳур бўлган) томонидан Афросиёб харобасини қазиб кўриш юзасидан баъзи бир ишлар қилинди. Бу қазишма ишлари Москва Археология жамияти билан ўлка генерал-губернатори ўртасидаги ёзишмалар натижасида бошланди. Бу эса Жамиятнинг Туркистон археологиясини ўрганишга асос солиш истаги билан боғлиқ эди.

Аммо бу қазишма ишлари ҳаваскорликдан ўзга нарса эмас эди. Крестовскийнинг ўзи ҳам бу ишга тайёр эмас эди, ҳатто, ўзига топширилган иш учун масъулиятни ҳам яхши тушуниб етмаган эди. Қазишма ишлари олиб борилганлиги ҳақидаги ҳисобот номаълум, аммо газета хабарларига қараганда, у «қоронғи жойда қоқилиб тушмаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан иш кўрган».

Қазишма ишлари Афросиёбнинг жанубий қисмида тепаликка кўтарилаверишдаги Ҳазрати Хизр масжидидан юз қадмча нарида, Шоҳизинда архитектура комплексининг орқасидаги «эгри-бугри» жойда олиб борилган. Крестовский қазишма ишларини ернинг энг «тагигача» чуқурлашиб кетган «дирекцион ва ёрдамчи» хандақлар қазиш методи билан олиб борган. Туркистон генерал-губернаторининг сўзларига қараганда, «гарчи подполковник Крестовский қадимий қазилмаларга қизиқиб ёндашган бўлса ҳам, лекин ўзи қазиб олган ёдгорликларни классификация қилиш учун етарли даражада

малакага эга эмаслигини тан олади». Бу ишда очиқ-ойдин камчиликларга йўл қўйилишига қарамай, В. В. Крестовскийнинг қазишмалари туфайли кўпгина қимматли ва бой археологик топилмалар аниқланди. Қадимий топилмалардан 564 тасининг расми плёнкага олинди ва катта фото-альбомга жамланди. Нисбатан демократик қарашларини тезда реакцион ва подшога итоат этувчи дунёқаршга алмаштира олган Крестовский «ўзининг Шарқ маданияти, хусусан, Ўрта Осиё маданиятига қарашларида анча прогрессив бўлиб чиқди»,— деб ёзади ҳақли равишда А. Ю. Якубовский. Самарқанднинг ўтмиш қудрати ва унинг ёдгорликлари тўғрисидаги ўз таассуротларини умумлаштириб, Крестовский бундай деб ёзган эди: «Умуман олганда буларнинг ҳаммаси фавқулодда ўзига хос, гўзаллик билан тўла манзарадир. Кейинчалик ўрта осиелик «ёввойилар»нинг нафис диди ва бадий даҳосига баландпарвозлик билан, «цивилизациялашган» енгилтак, ўзига бино қўйган европалик нуқтаи назаридан қарамаслик учун ана шуларга назар ташлашнинг ўзигина кифоа қилади».

Крестовский томонидан олиб борилган иш жараёнида топограф Азеев «қазишма ўтказилган жойнинг планини олди», фотограф Султонов «Самарқанддан топилган қазилмалар альбоми учун» суратлар туширди, кейинчалик Лахтин босмаҳонасида ана шу альбом учун текстлар тайёрланди. Қазишма ишлари олиб борилган вақтда топилган қадимий топилма солинган 19 яшик Самарқанддан Тошкентга жўнатилди.

Машҳур рус шарқшуноси профессор Н. И. Веселовский (1848—1918) томонидан Афросиёбда ўтказилган археологик қазишма ишлари олдинга ташланган қадам бўлди. Унинг ана шу қазишмалардан чиқарган хулосалари айниқса қимматлидир.

1885 йил март ойининг охирида Веселовский Афросиёбни кўздан кечиришга киришади, кейин у ерда тўрт ойдан ортиқ вақт мобайнида олиб борилаётган қазишма ишларини ҳам кўздан кечиради. Веселовский шаҳар харобасининг умумий тасвирини беради, баъзи бир тарихий маълумотларни келтиради. «Афросиёб шаҳар харобаси турли маданий қатламлар шоҳиди эканлигини» айтади.

Афросиёбдаги қазишма ишлари кенг хандақлар қазиш методи билан ( $1\frac{1}{2}$ —2 саржин) олиб борилди. Бу қазишма ишлари «Қалъадан ғарб томонда... Дониёр қабри томонида» бундан ташқари, аркда ва бўйра бозор томонида олиб борилди. Қазишма вақтида қадимий буюмлар, иморатларнинг қолдиқлари, шаҳар ободончилиги излари топилди.

Веселовский ташаббуси билан ўрта аср Самарқанд шаҳристони харобаларининг биринчи батафсил топографик плани тузилди. Бу плани Туркистон ҳарбий округи ҳарбий-топография бўлимининг топографлари Васильев ва Кузьминлар 1885

йилда горизонтларнинг тегишли кесмаси бўйича (1:2100) бир (инглиз) дюймда 25 саржин масштабда суратга туширган.

Веселовский ўзи бажарган ишларга етарли баҳо бермади, аксинча, у шошма-шошарлик билан ишлаганлигини айтиб, бу иш, «дастлабки кузатув аҳамиятига эга бўлиб, келгуси тадқиқотчиларга керак бўлиб қолиши мумкин» деб ҳисоблади.

Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, Веселовскийга қадар Афросиёбда бирорта ҳам мутахассис олим иш олиб бормади ва Ўрта Осиё территориясидаги одамлар яшаган қадимий жойларни қазиш юзасидан умуман ҳеч ким шуғулланмади. Ана шу жойларнинг характери ва ўзига хос хусусияти тўғрисида, шунингдек, саналари ҳақида бирон бир тўла ва тўғри тасаввур йўқ эди, ана шу жойлардан баъзиларини мусулмончилик давригача бўлган ёдгорликлар жумласига киритиш имконияти тўғрисидаги масала, ҳатто кўтарилмади. Ўрта Осиёнинг кўҳна шаҳарлари бўйича қадимий ва ўрта аср ёзма манбаларининг йиғма танқидий шарҳлари йўқ эди ва муайян масала юзасидан маълум бўлган айрим қўлёзмаларни ўрганишгина шарқшуносларнинг диққат марказида турар эди. Бу вақтда Веселовский ҳам қазишма ишларини олиб бориш тажрибасига эга эмас эди. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳрини қазиш ишларини малакали ёрдамчиларсиз ёлғиз ўзи олиб боришга тўғри келди. Бу қазишмалар жуда оддий бўлиб, кўпинча кустарь усулда олиб борилар эди. Шунга қарамай, Веселовскийнинг кузатишлари ва хулосалари шундан далолат берадики, Афросиёбда олиб борилган ишлар Самарқанднинг ва бутун Ўрта Осиёнинг тарихий ўтмиши тўғрисида билимларнинг муҳим ва ўша даврдаги янги босқичи бўлди.

Веселовский Афросиёбда паҳса деворли (баъзи жойларда ғиштдан ишланган) турар-жой бинолари поллари ва шиплари, қудуқлар, шунингдек, сув сақлайдиган жойлар (ҳовузлар), сув чиқарадиган иншоотларни, кўҳна шаҳарда ташқи ва ички деворнинг бўлганлигини аниқлади, Самарқанднинг «кўчалари ва майдонларига тош тўшалган» деган тахминни айтди (бу тахмин кейинги даврдаги ва охири йилда ўтказилган қазишмалар вақтида маълум даражада тасдиқланди). Веселовский «эхтимол бу ерда (Афросиёбда) македониялик Искандар юришлари даврдан бизга маълум бўлган Марокандани қидириш керакдир» деган хулосага келди.

Қазишма вақтидаги фактик материалларга асосан, Веселовский кўҳна шаҳарда Сомонийлар ҳукмронлик қилган даврда ҳаёт барқ уриб турганлигини қайд қилиб ўтади. У маҳаллий кишиларнинг Афросиёбда зилзила ёки сув тошқини вақтида ҳаёт тўхтаб қолган деган ривоят ва ҳикояларини инкор этади ҳамда мўғуллар истилоси вақтида шаҳар хароба ҳолига келган бўлса керак, деб ҳисоблайди. Бу ўринда Весе-

ловский ёзма манбалардаги маълумотларга асосланган ҳолда тарихий характердаги бир қатор тўғри мулоҳазаларни айтади.

Веселовский Афросиёбдаги қазишма вақтида одам ва ҳайвонлар бошининг тасвири бўлган сопол парчаларни топди ва жанубий рус қўрғонларидаги саркофагларга солинган медузаларнинг бошлари билан солиштириб кўрди ва уларни муслмончилик давригача бўлган ва лойдан ясалган «тобутлар» деб тўғри хулоса чиқарди. Буларни у оссуарийлар деб атади. Веселовский шу нарсани қайд қилиб ўтдики, Афросиёбнинг терракота буюмлари ҳам оссуарийлардаги каби асрлар давомида қарор топган анъаналарга эга бўлган маҳаллий бадий мактаб хусусиятларини ўзида акс эттирган эди.

Н. И. Веселовский ана шу қадимий буюмларни илмий жиҳатдан талқин қилишда тўғри йўл тутди, бу буюмларнинг синтезлашиш характери ҳақида гапириб, уларни изоҳлашда фақат юнон маданиятигагина эмас, балки Шарқ, хусусан, маҳаллий санъатга ҳам мурожаат қилиш керак, деди.

Веселовский Афросиёбдан топилган сопол буюмлар ҳақида ёзма ишни эълон қилиш учун тайёрлаб қўйганлиги ҳам маълум. У Афросиёбдан топилган сопол буюмларнинг фотосуратларининг жадвалларини тузди, улар учун босмаҳонада клишелар ҳам тайёрлаб қўйилди, аммо Веселовский ҳаёт вақтида унинг ана шу тема юзасидан ўйлаб қўйган иши нашр этилмади, муаллифнинг тайёрлаган жадвалларига ёзган тексти йўқолган ёки умуман ёзилмаган деб ҳисобланди (биз бу текстни Веселовскийнинг архивидан топиб олдик). Бизнинг кунларимизда ана шу сақланиб қолган клишелардан фойдаланиб, К. В. Тревер Афросиёб терракоталари бўйича ишни босмага тайёрлади ва босиб чиқарди.

Адабиётда Веселовский Афросиёбда бошқа қазишма ишларини олиб бормади деб таъкидланади; бу эса ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки у 1895 йилда ҳам озгина бўлса-да, бу ерда қазишма ишларини олиб борди. Бу қазишма ишлари «сопол ва шишадан ясалган кўпгина идишларни ҳам, терракотадан ясалган ҳайкалчаларнинг бошларини ҳам» қидириб топиш имконини берди.

Н. И. Веселовский Самарқандга келган вақтида Афросиёб ва унинг теварак-атрофига оид бўлган қадимий топилмаларни ҳам тасодифан қўлга киритди.

Афросиёбда кейинги қазишма ишларининг олиб борилиши машҳур рус ва совет шарқшуноси академик Василий Владимирович Бартольд (1869—1930) ва ўлкашунос археолог Василий Лаврентьевич Вяткин (1869—1932) номлари билан боғлиқдир.

Урта Осиё, шу жумладан, Самарқанднинг ҳам тарихий ўтмиши В. В. Бартольдни илмий жиҳатдан жуда қизиқтирган эди. У Самарқанднинг тарихий ўтмишига катта қизиқиш билан

қараб, ана шу ўтмишга оид ёзма манбаларни ўрганди, Самарқандда ўлкашуносликни йўлга қўйиш, ўтмиш маҳаллий ёдгорликларини сақлаш, Афросиёбда археологик қазишма ишларини ташкил қилиш, Улуғбек расадхонасининг қолдиқларини қидириб топиш ва бошқа шу каби ишларга ёрдам берди. У хусусан, В. Л. Вяткин ва бошқа ўлкашунос археологлар ҳамда ориенталистларнинг меҳрибон гамхўри ҳам эди. Бартольднинг актив ёрдами билан Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, тилшунослик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш учун Петербургдаги Рус комитети (ориенталистларнинг Римда ва Гамбургда бўлиб ўтган XII ва XIII халқаро конгрессларининг қарорларига асосан тузилган Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш бўйича Халқаро союзнинг филиали) Самарқандда қазишма ва бошқа ишларни олиб бориш учун маълум миқдорда маблағ ажрата бошлади. Бартольд ана шу ишларнинг катта планини белгилади: Самарқандни ўраб турган деворларни топографик сьёмка қилиш ҳамда нивелировка қилиш, Самарқанднинг аниқ планини олиш, қазишма ишлари олиб бориш ва ҳоказо ишларни белгилади.

Бартольд Афросиёбда қазишма ишларини олиб боришга алоҳида эътибор берди. Унинг сўзларига қараганда, «бу шаҳар харобаси муслмончиликкача бўлган даврда ва исломнинг дастлабки асрларидаги Самарқандга тўғри келади, ана шу даврда бу шаҳар Ўрта Осиёнинг бутун асосий маданий маркази бўлган; шундай қилиб, Афросиёбни илмий аҳамиятига кўра, Туркистон ўлкасидаги бошқа бирорта шаҳар ҳам харобаси билан тенглаштириш мумкин эмас» (ана шу охириги сўзлар Бартольднинг ўлкадаги шаҳар харобалари тўғрисидаги чуқур билимга эга эканлигидан дарак беради).

В. В. Бартольднинг «XIII асрда Туркистон ўлкаси» (1864), «Туркистон мўғуллар истилоси даврида», «Самарқанднинг эълон қилинмаган дирҳами», «Баъзи бир Самарқанд дирҳамлари тўғрисида» (1900), «Яна Самарқанд оссурийлари ҳақида» (1901), «1904 йил ёзда Самарқандга қилинган сафар тўғрисида ҳисобот» (1904), «Археология мақсадида Самарқандга қилинган сафар» (1906), «1365 йилда Самарқанддаги халқ ҳаракати» (1907), «Туркистонни суғориш тарихига доир» (1914), «Темурнинг дафн этилиши тўғрисида» (1916) ва бошқа асарлари, шунингдек, унинг маҳаллий (Самарқанд) ўлкашунослик нашрлари ва турли газеталарда босилган «Бибиҳоним масжиди» («Русский Туркестан», 1899, 34-сон), «Археологик топилмалар ҳақидаги масалага доир» («Самарқанд», 1904, 37-сон) ва шу каби бошқа мақолалари Самарқанд тарихига оид илмий адабиётнинг таркибий ва муҳим қисмидир.

Бартольд Самарқандга биринчи марта 1902 йилда келди ва ўшандаёқ Вяткин билан шахсан учрашди. Бу учрашув тўғрисида Бартольд Вяткин қўлидаги Шарқ қўлёзмалари ва бош-

қа шахслар қўлида сақланаётган қўлёзмалар билан танишиб чиқди ҳамда бу ерда археологик қазилма ишлари, тарихий топографик ва бошқа тадқиқотларни қайта тиклаш ва мунтазам равишда олиб бориш зарурлигини тўғри баҳолади.

Бартольд Самарқанд округидаги ёдгорликларни топографик суратга туширишни, Самарқанднинг ва ундаги барча тарихий археологик ёдгорликлар ва ҳоказоларнинг аниқ планини олишни 1903 йил апрелидаёқ Рус комитетига таклиф этди. Бартольднинг тавсиясига кўра, Комитет бу ишни Вяткинга топширди. Вяткин тезлик билан Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларнинг, қадимий ёдгорликлар ва қадимий Самарқанд ҳамда унга туташган жойларни ўраб олган деворларнинг излари планини тузишга киришди.

Еттисувлик казакнинг ўғли, Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясини тамомлаган (1894 йилда) Вяткин Самарқандда камтарона вазифада — область бошқармасида таржимон, иш юритувчи бўлиб, кейинчалик область статистика комитетининг маслаҳатчиси ва аъзоси бўлиб ишлади. Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларнинг тарихини ўрганиш Вяткин ҳаётининг мазмуни бўлиб қолди. Вяткиннинг куч-ғайрати ва қатъияти бунга ёрдам берди. Вяткиннинг зўр қобилияти, ўз устида ишлаши, ўз билимларини тобора ошириб бориши, ўзбек ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг тилларини яхши билиши унга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Археология, манбашунослик ва тарихий топография масалалари унинг илмий ўлкашунослик тадқиқотларининг марказида турар эди, аммо у архив ишлари, этнография, эпиграфика, архитектура тарихи ва бошқа масалалар билан ҳам қизиқарди.

1903 йил 8 февралда Вяткин Самарқанднинг қадимий ёдгорликлари назоратчиси вазифасига тайинланди ва бу иш билан бирга, «шаҳардаги қадимий ёдгорликларни кузатувчи комиссия ишига ҳам» раҳбарлик қилди. Бу комиссия маблаглар билан етарли ва мунтазам равишда таъминланмас эди. Шунга қарамай, Вяткиннинг ёдгорликларни сақлаш учун олиб борган ишларига муносиб баҳо бермаслик мумкин эмас. Агар унинг куч-ғайрати ва иродаси бўлмаганида, Самарқанднинг кўпгина ёдгорликлари эҳтимол тўла вайрон бўлиб кетар ва ер юзидан йўқолиб кетган бўлар эди.

Вяткиннинг «Самарқанд вилоятининг тарихий географиясига доир материаллар» (1900) деган иши Бартольд сингари юқори иқтидорли олим томонидан юксак баҳоланди. Бартольд бу асар тимсолида катта, бой материалга эга бўлган «капитал ишни» кўрди. Бартольд бундай деб ёзган эди: «Муаллиф ўз олдига қўйган вазифани (асосан вақф ҳужжатларига кўра «Темурийлар ҳукмронлиги давридан бошлаб... Самарқанд вилояти ҳақидаги географик маълумотларни группалаштириш) ана шу жойнинг ўзида зўр ғайрат билан ишлаётган



кишигина бажара олади. Ҳозирги вақтда бу ишни В. Л. Вяткиндан кўра бирор кимса яхшироқ уддалай олмаса керак».

Бартольд Вяткинни «Туркистоннинг тарихи, шу жумладан, Самарқанд бинолари ҳақидаги маълумотларни бирламчи манбалар бўйича ўрганаётган туркистонлик арбоблар орасида ягонадир» деб ҳисоблади.

В. Л. Вяткин Самарқанднинг ўтмиш ва унинг ёдгорликлари тўғрисида бир қатор халқ афсоналарини тўплади ва босиб чиқарди. Юқорида эслатиб ўтилган Мир Али Тоҳир Хожа Садр Самарқандийнинг Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлари келтирилган «Самария» асарини 1899 йилда рус тилига таржима қилди. У Самарқанд тарихи бўйича қимматли маълумотларга эга бўлган «Кичик Қандия» асарини 1906 йилда форс тилидан рус тилига таржима қилди ва босиб чиқарди; Самарқанд ва унинг округлари археологияси ва этнографиясига онд бир неча мақолалар, акт материаллари (вақф ва қозилик ҳужжатлари) бўйича ишлар ва ҳоказоларни қолдирди. У шаҳар музейининг қалби, барча маҳаллий тарихий-ўлкашунослик ишларининг доимий иштирокчиси, қадимий буюмлар ва шарқ қўлёзмаларини чидам билан беғараз тўплаган киши эди. Вяткин Самарқандга келган кўпгина мутахассис олимлар, шу жумладан, Бартольднинг ҳам энг яқин йўлдоши, ёрдамчиси ва маслаҳатчиси эди.

1904 йилда Бартольд Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш бўйича Рус комитетининг топшириғига биноан, «Темур давригача бўлган шаҳарнинг топографиясини аниқлаш, унинг ҳозирги катталигини белгилаб олиш» мақсадида Самарқандда археологик қазилма ишлари олиб борди. Қазилмаларда Вяткин бевосита иштирок этди. Қазилма Афросиёб шаҳри территориясида, шаҳар аркидан ғарб томондаги баъзи жойларда олиб борилди. Бу ерда шаҳар масжидининг қолдиқлари бўлиши тахмин қилинган эди. Бир қатор топилмалар бу тахминни асослаш учун ёрдам берарди. Аммо масжид биносининг пойдеворини топиш ва тадқиқ этиш учун қилинган ҳаракат муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Тўғри, ишнинг ниҳоясида пишиқ гиштдан қурилган йирик бинонинг қолдиқлари топилди, аммо унинг характери ноаниқ бўлиб қолди. Баъзи бир гиштларда кувий ёзувидаги муҳрлар бор эди: «Иштид», «Мусайёб», «Иштихон». Бартольд олиб борган қазилма ишлари Афросиёб харобаси Самарқанд шаҳристони жойлашган ерга тўғри келганини исбот этди. Бу шаҳристон ҳақида Х асрда яшаган араб географлари маълумотлар берган эди.

Шу нарсани қайд қилиш керакки, 1904 йилда Бартольд томонидан Афросиёбда олиб борилган қазилма ишлари Веселовский томонидан 1884—1885 йилларда олиб борилган қазилма ишларининг маълум даражада давоми эди; Бартольднинг сўзларига қараганда, «ўша қазилма ишларининг мақса-

ди Жоме масжиднинг қаерда жойлашганлигини аниқлаш ва имкон борича ана шу бинонинг пойдеворини топишдан иборат эди». Ёзма маълумотларга ва И. Н. Веселовский олиб борган қазिशма ишларининг натижасига асосланиб, Бартольд шундай хулосага келдики, Жоме масжид аркнинг ғарб томонида, унга яқинроқ жойлашган бўлиши керак.

Уша 1904 йилда Вяткин Пойкоб дарвозасидан наридаги Намозгоҳ деган жойда қазिशма ишлари олиб борди ва бинонинг қолдиқларини топди, лекин бу қолдиқларни илгари Намозгоҳ масжидининг қолдиқлари билан бир хилда дейишга етарли асос бўлмади.

Бартольд бошлаган қазिशма ишларини Вяткин давом эттирди. 1905 йилда у Жоме масжиднинг пахсадан қилинган ва қисман хом ғиштдан терилган девор қолдиқларини ва умумий майдони 2100 кв саржин келадиган масжид ҳовлисининг қолдиқларини топа олди. Афтидан, ҳовли пешайвон билан ўралиб, юзасига шағал тўшалган бўлса керак. Масжид қолдиқлари остида бошқа кўп хонали бинонинг ўрни топилди, афтидан бу бино Сомонийлар даврида қурилган бўлса эҳтимол. Пишиқ ғиштдан қурилган бино қолдиқлари Бартольд томонидан топилди. Афтидан, бу Сомонийлар масжидидан кўра ҳам қадимий бўлган минора қолдиқлари бўлса керак.

Рус комитети 1904—1905 йиллардаги қазिशма ишларининг самарали эканини эътиборга олиб, бу ишларни давом эттириш, хусусан, Улуғбек расадхонасининг қолдиқларини топиш учун уриниб кўришга қарор қилди. Бобирнинг берган маълумотларига қараганда, бу бино «Кўҳок этагида» эди.

Вяткиннинг сўзларига қараганда, «Самарқанддаги машҳур Улуғбек расадхонасининг мавжудлиги кўп вақтлардан буён маълум. . . Аммо унинг қаерга жойлашганлиги номаълум, чунки унинг бирорта ҳам ташқи белгилари сақланиб қолмаган эди. Профессор Н. И. Веселовский ва қадимий ёдгорлик буюмларини тўпловчи Л. С. Баршчевский расадхонанинг қаерга жойлашганлигини аниқлаб кўришга ҳаракат қилдилар, аммо бу ҳаракатлар натижа бермади, чунки улар маҳаллий аҳоли кўрсатган материалларгагина асосланган эдилар. Вақф ҳужжатларидан бирида бу расадхона турган участка аниқ кўрсатилганлиги туфайлигина унинг изларини очишга муваффақ бўлинди».

Вяткин қадимий қўлёзмалар ва ҳужжатлардаги маълумотларни қунт билан ўрганиб, бир-бирига таққослаб кўриб, расадхонанинг аниқ жойини қидириш учун тўғри мўлжал олди. XVII аср ўрталаридаги вақф ҳужжатларидан бирида у «Тали расад» («Расадхона тепалиги») пункти ҳақида эслатиб ўтилганлигини топди. Бу — Обираҳмат ариғининг ёнидаги Нақши Жаҳон деган жойда эди. Аммо бу ариқ Вяткин яшаган даврда ҳам тепаликда эди. Бу тепалик «Тали расад»

тепалигига ўхшаш бўлиб, халқ оғзида «Пои расад» («Расадхона этаги») деб ном олган эди. Вяткин ҳам расадхонани ана шу жойда қидиришга жазм қилди.

Вяткин олиб борган қазишма ишлари муваффақиятли таомланди. У расадхона биносининг пойдевор қолдиқларини топибгина қолмай, балки расадхонанинг бир қисмини аниқлай олди. Қояда ўйилган хандакка улкан секстант жойлаштирилган бўлиб, бу расадхонанинг асосий асбоби эди. Секстант иккита параллел ёйдан иборат бўлиб, тошдан ишланган ва сиртига сайқалланган мармар тахталари ёпиштирилган эди. Мармар тахталарда градусларни билдирадиган араф ҳарфлари бўлиб, бу градуслар ёритқичларни вазуал кузатиш ва доимий астрономик катталикларни аниқлаш учун хизмат қилар эди. Ёйлар ва хандақ деворлари ўртасида торгина зинапоаялар бўлиб, бу зинапоаялар пишиқ ғиштдан ишланган. Секстантдаги мисдан қилинган излар бўйлаб бир вақтлар бурчак ўлчагич асбоб сурилган.

Улуғбек расадхонасининг Секстанти ўрта асрлардаги астрономлар томонидан ишлатилган ана шундай асбоблар орасида ҳозирги кунда ҳам фанда маълум бўлган барча қадимий асбобларнинг энг ноидири ҳисобланади.

Қазишма ишларини олиб борган вақтда Вяткин расадхонадаги бошқа баъзи бир асбобларнинг изларини ҳам топа олди. Бироқ ўша даврда қазишма ишлари олиб боришнинг мавжуд методикаси (айрим хандақлар кавлаш) Вяткинга расадхона биносининг умумий планини етарли равишда ишлаб чиқишига имкон бермади. Тез орада 1913 йилда Туркистон маданияти ёдгорликларини ўрганиш жамияти (ТКЛА) аъзоси В. Н. Милованов Улуғбек расадхонаси қолдиқларининг топилиши муносабати билан ўша даврдаги самарқандлик астрономларнинг билим савиясини характерлаб беришга ҳаракат қилди.

Вяткиннинг расадхона қолдиқларини қидириб топишида унинг ходими ва ёрдамчиси ўзбек Абусайд Махзум яқиндан ёрдам берди. Ажойиб, ҳаттот, қадимий ёдгорликларнинг ишқибози ва шарқ қўлёзмаларининг билимдони Абусайд Махзум ўз шаҳрининг ўтмиши билан жуда қизиқди. Узининг ўлкашунослик фаолиятида у йирик рус олимлари — Самарқандга келиб, бу ерда илмий қидириш ишларини олиб борган профессор Веселовский ва академик Бартольд билан яқин муносабат ўрнатди.

Абусайд Махзум Вяткиннинг энг ишчан, кўнгилли ходимларидан бири ҳам эди. Вяткин Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни қидиришга доир материалларни топиш ва ўрганиш билан шуғуланган вақтда Абусайд Махзум Вяткинга расадхона тўғрисидаги халқ ривоятларини тўплашда яқиндан ёрдам берди ва ана шу расадхона ҳақидаги шарқ қўлёзмаларида

ёзилган маълумотларни кўчириб берди. Бартольднинг сўзларига қараганда, «Абусайд Махзумнинг ёрдами Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни аниқлаб олишда ҳам, қазишма ишларини олиб боришда ҳам жуда қимматли бўлди». Бартольднинг тавсияси билан Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш бўйича Рус комитети Самаргари катта иқтидорли илмий орган Абусайд Махзумни Самарқандда археология ишлари олиб бориш бўйича Вяткиннинг энг фаол ёрдамчиси сифатида мукофотлади.

Вяткиннинг Самарқандда олиб борган ишларида унга яқиндан ёрдам берган шогирдлари ҳақида сўз юритганда, Самарқанд ҳарбий-инженерлик дистанциясининг бошлиғи, ҳаваскор археолог Б. Н. Кастальский (1868—1943) номини ҳам эслатиб ўтиш керак. Унинг Самарқандга оид буюмлар ва бошқа қадимий буюмлар коллекциялари ҳозир маҳаллий музейда, шунингдек, Давлат Эрмитажида (Ленинград) ва Шарқ маданияти музейида (Москва) сақланмоқда.

Вяткин 1912 йилда ҳам Афросиёб харобасининг ғарбий қисмида қазишма ишларини олиб борди ва ўша вақтда Навбахор дарвозасига яқин жойда катта бинонинг қолдиқларини ва ганч ўймакорлиги (нақш рельефи бўлган) парчаларини топишга муваффақ бўлди. Ўша жойда 1913 йилда деворга ишланган кўп рангли бўёқ излари топилди. Бу «будда фрескалари» қолдиқлари деб ҳисобланди.

Самарқанд территориясида революциягача бўлган даврда олиб борилган қазишмалар асосан ана шу билан тугалланган эди.

Афросиёбда қазишма ишлари олиб бориш билан бир қаторда, Самарқанднинг тарихий-архитектура ёдгорликларини тадқиқ қилиш ва рўйхатга олиш бўйича баъзи бир ишлар ҳам қилинди.

Шу нарса диққатга сазоворки, XIX асрнинг охиридаёқ Самарқанд область статистика комитетининг аъзолари ва ходимлари И. Т. Пославский, Б. Н. Кастальский, Л. В. Баршчевский, П. Рейхель ва В. Л. Вяткинлар томонидан «Комитет Тарих бўлимининг Самарқанд шаҳри ва унинг яқин атрофидаги жойларнинг ёдгорликларини тасвирлашга оид ишлари программасининг лойиҳаси» тузилди ва 1896 йил 27 январда унга изоҳ ёзилди. Самарқанд тарихига оид барча маълумотларни тўплаш, «мавжуд обидалар ва тарихий жойларнинг батафсил рўйхати»ни тузиш, ана шу ёдгорликларни киритган ҳолда Самарқанднинг бош планини тузиб чиқиш, илгари тузилган барча планларни йиғиш, ўтмиш ёдгорликлари тўғрисида кекса кишилардан суриштириб билиш кўзда тутилган эди. «Ёдгорликлардан ҳар бирининг профиллари, фасадлари ва архитектура жиҳатидан қизиқарли бўлган деталлари планлари»ни тузган ҳолда «ёдгорликларни қурилиш-архитектура жиҳатидан ўрганиш», «Самарқанд шаҳрининг плани ва тегиш-

ли тексти билан қурилиш-архитектура атласи»ни тайёрлаш ва нашр этиш, ҳар бир ёдгорликни тарихий жиҳатдан тасвирлаш (бу ишни Хўжа Аҳрор мадрасаси биносини ўрганишдан бошлаш), «тарихгача бўлган Эрон, Юнон, Яҳудий-Христиан, Муслмон даврлари (айниқса Темур даври) сингари турли даврлардаги тарихий Самарқанднинг плани ва тасвири»ни тузиш, археология музейини ташкил қилиш ва шу каби тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган эди.

Программа лойиҳаси 1896 йил 18 апрелда Комитетнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинди ва маъқулланди. Бироқ ўша даврда программани максимал ҳажмда бажариш ниҳоятда мураккаб масала эди, шунга қарамай, лойиҳада белгиланган йўналишда баъзи бир ишлар амалга оширилди. Программани тузган ходимларнинг ўзлари «унинг мураккаб, кенг ва бажариш қийин эканлигини тўла-тўқис тушунар эдилар» ва жумладан, «ўзларининг махсус... тарихий билимларининг камлигини ҳамда илмий соҳаларининг етарли даражада бўлмаганлигини» назарда тутиб, «барча ишларни тугаллаш муддатларини» тўғри белгиламаган эдилар.

1895 йилда подшо ҳукуматининг министри С. Ю. Витте швециялик археолог Мартиндан хат олди. Бу хат Самарқанддаги ажойиб ёдгорликларнинг келгуси тақдиридан хавотир бўлган кишининг безовта қалб сўзлари билан тўлиб-тошган эди. Чор ҳукуматининг Самарқанддаги оламга машҳур ёдгорликларни сақлашга бутунлай бефарқ қараётганлигини чет элга ошкор этишни истамаган Витте мана шу мақсадлар учун бир оз маблағ қидириб топишга ёрдам берди. Тадбирлар плани Император Археология комиссиясида муҳокама қилинди. Муҳокама вақтида машҳур шарқшунослардан В. Н. Васильев, В. А. Жуковский, К. Г. Залеман, В. Р. Розен ва бошқалар ҳам иштирок этди. Комиссия Самарқандга экспедиция юборишга қарор қилди. Бунда асосий эътибор ёдгорликларни ремонт қилиш ва қайта тиклашга эмас (етарли маблағнинг йўқлиги ва бундан ташқари «баъзи бир бинолар, масалан, Бибахоним масжиди шундай ҳолга келган эдики, уни ремонт қилишдан кўра, янгидан қуриш осонроқ эди»), балки уларни илмий жиҳатдан тасвирлаш (қайд қилиш)га қаратилиши керак эди.

Н. И. Веселовский бошчилигидаги экспедиция составига архитектор академик П. П. Покришкин, рассом С. М. Дудин ва бошқа кишилар кирган эди. Экспедиция Самарқандда иш олиб борди. Бибахоним масжиди ва, айтиқса, Гўри Амир мақбараси сингари объектларга алоҳида эътибор берилди.

Шундай қилиб, Самарқанднинг машҳур тарихий-архитектура ёдгорликларини рўйхатга олиш бўйича революцияга қадар амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири Веселовскийнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

1899 йилга келиб «Самарқанддаги масжидларнинг чизмалари ва расмларини тайёрлаш бўйича қўйидаги ишлар бажарилди: Гўри Амир масжиди расмлари альбоми тўла тугалланди. . . Сўнгра ўлчов ишлари ва чизмаларнинг дастлабки нусхалари тайёрланди, ҳозир ана шу чизмалар оққа кўчирилмоқда. . . Бибихоним масжидининг чизмалари ҳам тайёрланди. . . Шоҳизинда масжидининг архитектура чизмаларини тайёрлаш бўйича ишлар бошлаб юборилди. . .»

1907 йили Гўри Амир мақбарасига бағишланган альбом нашр этилди. Бу альбом ўз даври полиграфиясининг энг нодир асари ва бинонинг архитектура қурилишини илмий қайд этишнинг энг яхши намунасидир. Бу альбом материалларини тайёрлаган Н. И. Веселовский, П. П. Покришкин, А. В. Шчусев ва уларнинг сафдошларига қўйилган ўзига хос ёдгорликдир.

Альбомда ўн саккизта жадвал (уларнинг аксарияти кўп бўёқли қилиб ишланган) бор. Бу жадвалларда ана шу ажойиб ёдгорликнинг умумий ансамблигина (асосий фасад томонидаги дарвоза, асосий фасад ва ҳоказо) ифодаланиб қолмай, балки унинг деталлари (дарвозанинг кесмаси, ёнига қурилган шимол томондаги дераза эшигининг детали, барабан детали ва гумбаз айланасининг детали, «сталактитлар» планининг детали, ташқи панелнинг детали ва ҳоказолар) ҳам тасвирланган эди. Жадвалларда «дахма ва қабр тошларининг плани, ташқи гумбазнинг плани, Гўри Амир масжидининг умумий плани» ва ҳоказолар бор эди. Охири (XVIII) жадвал «Бинонинг барқарорлигини аниқлаш»га бағишланган эди.

Альбомнинг босилиб чиқиши яхши кутиб олинди. Альбомни тузувчиларнинг адресига танқидий мулоҳазалар ҳам айтилди. Веселовскийнинг Гўри Амир мақбарасига нисбатан «масжид» терминини нотўғри ишлатганини ўша вақтдаёқ Вяткин кўрсатиб ўтган эди.

Қандай бўлмасин, аммо Гўри Амир альбоми Самарқанддаги ажойиб архитектура биноларидан бирига бағишланган асар сифатида адабиётда фахрли ўрин олди. Н. И. Веселовский бошчилигидаги архитекторлар Шчусев, Покришкин, расом ва фотограф Дудин ва бошқаларнинг 1895 йилда ва шундан кейинги йилларда олиб борган ишлари Самарқанднинг тарихий-архитектура ёдгорликларини мунтазам ўрганиш учун асос бўлди, деб ҳақли равишда ҳисобланмоқда.

1895 йилда Темур (Бибихоним) масжидини тасвирлаб ёзиш ишлари бошлаб юборилди. Масжиднинг П. П. Покришкин ва Н. Н. Шчербина-Крамаренко томонидан бажарилган чизмалари Археология комиссиясига 1900 йилдан эътиборан кела бошлади ва «Самарқанд масжидлари»нинг иккинчи нашрида босиб чиқариш кўзда тутилди. Афсуски, ўша даврда бу нарса босилиб чиқмади. Шоҳизинда группа-

сидаги мақбараларни тасвирлаш ишлари ҳам олиб борилди (архитектор ва рассомлардан Басин, Жаниев, Дудин, Фридолин ва бошқалар). Материаллар—расмлар, суратлар, чизмалар 1899 йилдан эътиборан Археология комиссиясига кела бошлади, лекин бу ишлар маблағ етишмаганлиги сабабли ниҳоясига етказилмади. Маълумки, Веселовскийнинг ўзи В. А. Жуковский, А. Э. Шмидт ва бошқа мутахассислар иштирокида Самарқанднинг тарихий-архитектура ёдгорликларининг ташқариси ва ичкарасидаги ёзувларни нашр этмоқчи эди. Аммо бу иш ҳам тугалланмай қолди.

Гўри Амир мақбараси ва Бибихоним мадрасасини тасвирлаб ёзиш ишлари тугагач, тез орада Самарқандда кучли зилзила (1907 йилда) бўлди. Гўри Амир ва бошқа ёдгорликлар янада шикастланди. А. Ю. Якубовскийнинг сўзларига қараганда, «альбом (Самарқанд масжидлари. Гўри Амир) ва С. М. Дудин томонидан тайёрланган ажойиб негативлар фан учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги янада равшан бўлиб қолди. . . Бу ишлар ҳозирги вақтда ўша ёдгорлик билан бир қаторда, муҳим тарихий ҳужжат бўлиб ҳисобланади, буларсиз кейинчалик жиддий тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин эмас».

Самарқандда рўй берган зилзила оқибатлари муносабати билан Рус комитети шаҳардаги ёдгорликларни сақлаб қолиш чораларини белгилаш учун В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский ва В. А. Жуковскийлардан иборат комиссия тузди. Комитетнинг ёдгорликларни қайд этиб боришни давом эттириш тўғрисидаги қарорига асосан, Комитет томонидан архитектор К. К. Романова ва рассом С. М. Дудин Самарқандга командировка қилинди. 1908 йилда Рухобод мақбарасини ва қисман Улугбек мадрасаси қайд қилинди (Романов ўлчаган), шунингдек, Шердор, Тиллақори, Улугбек мадрасаларини, Ишратхона, Хўжа Аҳрор, Оқсарой, Рухобод мақбараларини, Намозгоҳ масжидини, Хўжа Абду Берун ва Хўжа Адду Дарун, Чўпонота ва бошқа мазорларни фотосуратга олиш ишлари амалга оширилди (Дудин; 565 та ажойиб негатив тайёрлаган).

Турли йилларда олиб борилган ишлар натижасида Самарқанддаги кўпгина тарихий-архитектура ёдгорликлари батафсил ва сифатли фотосуратга олинди. Бунинг учун унинг ижрочилари ва ташаббускорларининг катта хизматига офатинлар айтиш керак. Рус тадқиқотчиларининг бу борадаги фаолиятининг заиф томони шу эдики, улар ёдгорликларнинг mavjud ҳолатинигина қайд қилиб қўя қолдилар ва уларни археологик томондан текшириб кўрмадилар, турли шарқ қўлёмаларида улар ҳақида ёзилган маълумотларни тўплаш ва таққослаб кўриш бўйича тадқиқот ишлари олиб бормадилар, ёдгорликларнинг дастлабки кўринишнинг график жиҳат-

дан реконструкция қилишга интилмадилар ва ҳоказо. Тўғри, Н. Н. Шчербина-Крамаренко Бибихоним масжиди харобаларини текшириш вақтида масжид ҳовлисини бир оз тозалаттирди.

Умуман, Самарқанднинг маълум ва машҳур тарихий-архитектура ёдгорликларини сақлаш ва ремонт қилиш иши сустролиб борилди. Мустамлака маъмурлари ва Петербургдаги тегишли расмий («Император») муассасалар ана шу масалага доқайдлик билан қаради. Бундан ташқари, империя ҳукмрон доираларининг вакиллари узоқ Туркистон ўлкасидаги қадимий ёдгорликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишни очиқдан-очиқ қоралади. Ўзбекистон аҳолиси ўртасида тарих билимларини тарқатишнинг ҳожати йўқ, чунки бу билан омманинг миллий онги ўсишига ёрдам берилади деб айтдилар. «Ўрта Осиёдаги қадимий маданиятни ўрганиш ва ёдгорликларни сақлаш фойдасизгина эмас, балки зарарли» ҳисобланарди деб алам ва нафрат билан қайд қилади В. В. Бартольд.

Давлат кенгаши ва Давлат думаси аъзоларининг иштирокида граф А. А. Бобринскийнинг сиёсий саломида ўтказилган кечада Н. И. Веселовский сўзлаган нутқ жуда ибратлидир. Веселовский Самарқанднинг ўтмиш ёдгорликлари талон-торождо қилинаётганлигини ва ёмон аҳволда эканлигини айтганида «генерал Веретенников профессорга изоҳ бериб айтдики, Самарқандда ёдгорликларнинг нураши руслар ҳукмронлигидан анча олдин бошланган эди. Масжидлар каби улкан ёдгорликларни сақлаб туриш анча қийин, бундан ташқари, мусулмон масжидлари тўғрисида рус ҳукуматининг қайғуришининг ҳожати йўқ, чунки у ўз территориясидаги черковлар тўғрисида ўйласин».

Ҳатто, Императорлик Археология комиссияси XV асрда бунёд этилган ва хароба ҳолига келган Ишратхона мақбара-сидек, ўрта аср меъморчилигининг ажойиб ёдгорликлари ғиштларини кўчириб олиб кетишга ўйламай-нетмай розилик берган вақтлар ҳам бўлган эди, ҳар қалай бу иш бажарилмай қолди.

Шуни қайд этиш керакки, Самарқандда тарихий ёдгорликларни сақлаш иши яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли бу ёдгорликларга баъзан ваҳшийларча муносабатда бўлиш фактлари ҳам учради. Самарқандга келган туристлар ва бошқа кишилар архитектура иншоотларининг қошин безаклари парчаларини «эсдалик учун» синдиришган, қадимий топилмаларни сотиб олишган ва ҳоказо. Вақт ўтиши билан қадимий буюмларни чет элга ташиб олиб кетиш ва у жойларда бундай буюмларни пуллаш каби ҳаракат авж олиб кетди. Айни вақтда олиб кетилган буюмларнинг ҳаммаси ҳам чет эллардаги музейларга тушмаган. Бу нарсаларнинг кўпгина қисми ишқи-



бозлар орасида тарқалиб кетди ва фан учун ном-нишонсиз йўқолди.

Император Археология комиссиясининг раиси граф А. А. Бобринский 1909 йил 4 февралда Давлат думасининг 46-мажлисида сўзга чиқиб, Туркистондаги қадимий ёдгорликларни сақлаш иши жуда ёмон аҳволда эканлигини қайд қилиб ўтди. «Темурнинг бебаҳо хазинаси, кошинлар, бронзадан ишланган буюмлар, хуллас, ҳаммаси талон-торож қилинмоқда, пули ва имконияти бўлган ҳар бир кимса ана шу нарсаларни сотиб олаяпти. Чет элликлар компания-компания бўлишиб, бу ерга ҳар йили боришяпти ва хазинани яшиқларга солиб. Британия музейи ва Луврга олиб кетишяпти... Икки йил муқаддам тўппончалар билан қуролланган бир неча киши Самарқандга келиб, машҳур Темур масжидига борган ва масжидни талон-торож қила бошлаган. Улар бир туннинг ўзидаёқ Темурнинг ёзувли ажойиб китобасини суғуриб, бутун аҳолининг кўзи олдида аравага ортиб, олиб кетишган. Ҳозирги вақтда у Берлин музейини безаб турибди».

Археолог И. Ф. Пекун эса 1917 йилда («Новое время» № 14683) қайд қилиб ўтдики, «бизда, афтидан, Туркистон ўлкасининг ажойиб ёзувлари бўлган қадимий ёдгорликларни Самарқанд-Термиз почта йўлининг баъзи бир станцияларидагина сақлашяпти, холос. Ҳеч кимга халақит бермайдиган бу нарсаларни эринмаган ҳар бир кимса масжид эшикларидан тортиб, то қабр тош тахталаригача ваҳшийларча олиб кетишяпти. Чет эллардаги музейлар бунинг ёрқин далилидир. Бу музейлардаги ёдгорликларни тўплашга бизнинг кўп жиҳатдан соддалигимиз сабаб бўлаётган бўлса керак. Бу аҳвол жуда ачинарлидир.

Самарқанд тарихини революциягача тадқиқ қилган кишилар, мутахассислар ва ҳаваскорларнинг хизматиغا етарли баҳо бериб, айни вақтда уларнинг чекланганлиги, кўпинча уларнинг ташаббуслари эпизодик характерда эканлигини айтиш керак бўлади. Самарқанд ва унинг округлари территориясида олиб борилган археология тадқиқотлари кенг ва систематик равишда бўлмади, маҳаллий, тарихий-архитектура ёдгорликларини ремонт қилиш ва қайта тиклаш ишлари етарли олиб борилмади ва кўпгина муҳим объектларнинг кучаяётган нураш жараёнининг олди олинмади. Самарқанд музейи ўзининг самарали фаолиятини бир группа ташаббускор ўлкашуносларнинг куч-ғайрати билан амалга оширди. Унинг моддий базаси ҳам жуда ночор эди. Қадимий ёдгорликларни тўплаш ва сақлаш (археологик ва бошқа топилмалар, этнографик характердаги буюмлар, қўлёзмалар) кўп жиҳатдан ҳаваскор коллекционерларнинг кучи билан амалга оширилди. Уларнинг айримлари (Л. С. Барщевский, В. Л. Вяткин, Б. Н. Кастальский, М. В. Столяров, Мирза Бухорий, Казанцев, Петров-Бор-

зин ва бошқалар) илмий аҳамиятга эга бўлган коллекцияларни тўплади. Бироқ коллекциялар паспортлаштирилмаганлиги, асосан, коллекцияларнинг ҳаммаси ҳам музейнинг бисоти бўлмаганлиги сабабли уларнинг илмий қиммати паст эди. Бу коллекцияларни олиш учун давлат маблағ ажратмасди ва улар ворислар ўртасида бўлинар, турли кишиларга бўлиб-бўлиб сотилар, чет элликлар томонидан сотиб олинар ва чет элга олиб кетилар эди ва ҳоказо.

Шу нарса ҳам характерлики, Самарқанднинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётига доир революциягача бирорта ҳам мужассам асар яратилмади. Тўғри, О. А. Шкапский «Самарқанд шаҳрининг 25 йиллик тарихи»нинг (1868—1893) қисқача программаси (проспекти)ни ишлаб чиқди ва эълон қилди, аммо бу асарнинг ўзи босилиб чиқмади (М. Е. Массоннинг оғзаки маълум қилишича, нашрга тайёрланган қўлёзма кўриб чиқиш учун Рейс деган бир кимсага берилган. У ана шу қўлёзмани Ашхободга олиб кетган ва у ерда йўқотган). Шу билан бир қаторда, Самарқанд тарихи бўйича илмий билимлар савияси ҳам ана шундай асарларнинг пайдо бўлишига имкон бермас эди. Самарқанд тарихининг қадимий саҳифалари бўйича тадқиқотчиларнинг билимлари айниқса чекланган эди.

Шу нарсани ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, мустамлакачилик режими шаронтида Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганишга деярли эътибор берилмади.

\* \* \*

Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Туркистонда Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Самарқанд тарихини ўрганишда ҳам янги саҳифа очди. Бу қонуний бир ҳол эди, чунки Октябрь ғалабаси муносабати билан «Фан умумдавлат иши бўлиб қолди, партия ва халқнинг доимий ғамхўрлиги предмети бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

Еш Совет давлати ўзининг дастлабки кунларидан бошлабоқ Самарқанднинг оламшумул тарихий архитектура ёдгорликларини қўриқлашга киришди.

1918 йилдаёқ маҳаллий шаҳар Советининг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши билан Улуғбек мадрасасининг оғиб қолган шимоли-шарқий минораси симлар билан тортиб мустаҳкамланди (вақтинча чора сифатида) ва бу билан у ҳалокатдан сақлаб қолинди. Бу ишда архитектор М. Ф. Мауер,

<sup>1</sup> Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги, КПСС Марказий Комитетининг Тезислари, «Правда», 1967 йил 25 июнь.

инженер Б. Н. Қастальский, археолог В. Л. Вяткин ва бошқа ташаббускор ўлкашуносларнинг хизмати катта бўлди.

Михаил Федорович Мауер (Мауэр, 1866 йил 1 ноябрда туғилиб, 1948 йил 4 ноябрда вафот этди) Самарқанднинг актив жамоат арбобларидан бири эди. У Москвадаги кадет корпусининг тўртинчи курсини тамомлагач, Киев арсеналига ишга кирди ва революцион ҳаракатга қўшилди. Ҳукуматга қарши фитнада иштирок этишда айбланиб, қамоққа олинди, Петербургга келтирилди ва Петропавловск қалъасининг Трубецкое бастионига қамаб қўйилди. Ҳарбий суд уни каторга ишларига ҳукм қилди, кейинчалик жазо «подшонинг амри билан» Туркистонга ҳарбий солдат сифатида сургун қилиш билан алмаштирилди (Фарғонадаги 18-мунтазам батальон ва Памир отрядининг овчилар командаси). Орадан 6 йил ўтгач, Мауерга офицерлик унвони қайтариб берилди, аммо у ўша ондаёқ истеъфога чиқди. Скобелевда ва Қўқонда шаҳар архитектори вазифасини бажариб турган Мауер бу ерда ҳам сиёсий жиҳатдан ишончсиз шахслар билан алоқада бўлган деб айбланди. Шу муносабат билан у Ригага жўнаб кетди. У ерда 1907 йил сентябрь ойида Политехника институтининг қурилиш бўлимига ўқишга кирди. 1913 йил 28 майда архитектор-инженер унвонини олгач, кадрдон бўлиб қолган Туркистонга қайтиб келди ва Самарқандда область архитектори бўлиб хизмат қила бошлади. Революциядан кейин Мауер Самарқандда архитектор-реставратор бўлиб ишлади. У таклиф этган лойиҳага асосан 1947 йилда Гўри Амир мақбарасининг гумбазини мустаҳкамлаш бўйича ишлар амалга оширилди.

1919 йилда Самарқанд халқ маорифи комиссариати ҳузурда рассом О. Татевосьяннинг раислигида қадимий ёдгорликларни сақлаш комиссияси (Самкомстарис) таъсис этилди. Унинг фаолияти 1928 йилгача давом этди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли намояндалари, Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг Турккомиссияси (бу комиссия партия ва давлат қурилиши соҳасида маҳаллий органларга ёрдам кўрсатиш учун ташкил қилинган эди) раҳбар арбоблари В. В. Куйбишев ва М. В. Фрунзе ёдгорликларни сақлаш масаласига эътибор бердилар. Куйбишев ва Фрунзе қадимий ёдгорликлар ва санъат намуналарини сақлаш ишини архив бошқармаси (Суардел) ҳузурда марказлаштиришни таклиф қилдилар. Бу таклиф республика ҳукуматининг 1920 йил 30 январда чиқарган декрети билан мустаҳкамланди. 1920 йил 1 июлда архив бошқармасининг Самарқанд комиссияси тузилди. Бу комиссия составида техника, бадий археология секциялари бор эди. 1921 йил 23 майдан бошлаб эса Туркистон АССР Халқ маориф комиссарлиги қошида музейлар ва

қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиат обидаларини сақлаш республика комитети (Туркомстарис) тузилди.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлар Советининг «Самарқанд шаҳри территориясидаги қадимий мусулмон меъморчилигининг жаҳонда ягона ёдгорликларини» ремонт қилиш ва қайта тиклаш тўғрисида 1921 йил 26 июнда қабул қилган қарори ёш Совет ҳокимияти органлари Самарқанд ёдгорликларини сақлаш тўғрисида нақадар зўр ғамхўрлик қилганлигини кўрсатувчи ёрқин мисолдир. «Музей ишлари ва қадимий ёдгорликларни сақлаш комитети «Туркомстарис» мусулмон меъморчилиги ёдгорликлари соҳасида олиб борадиган барча ишлар... Самарқанд комиссиясининг барча ишлари. — дейилади қарор текстида, — *на в б а т д а н т а ш қ а р и в а ў т а з а р б д о р и ш л а р д е б ҳ и с о б л а н с и н*» (таъкид бизники — *Муҳаррир*).

Ўрта аср меъморчилигининг машҳур ёдгорликларини сақлаш тўғрисида В. И. Ленин алоҳида ғамхўрлик қилди. В. Д. Бонч-Бруевичнинг айтишига кўра, «Владимир Ильич Самарқанддаги Шарқ санъатининг ажойиб намунаси, машҳур тарихий масжидларни ремонт қилиш зарур эканлигига алоҳида эътибор берди».

1919 йилда Афросиёб территориясида қозишма ишлари яна бошлаб юборилди. У ерда М. Е. Массон томонидан қозишма ишлари 1912 йилдаёқ бошланган эди. В. Л. Вяткин қадимий биноларнинг харобалари ичида деворга солинган суратларнинг қолдиқларини топди. Катта залнинг қолдиқлари (12,5×6 м<sup>2</sup>) тозаланди. У IX асрда ўйма нақшли изора билан ишланган эди. Кейинчалик бу нарсалар рассом-тикловчи М. В. Столяровнинг иштирокида (айрим фрагментлардан тўпланган) қайта тикланди ва музейга олиб келинди. Сомонийлар тангасининг топилиши туфайли, ёзма манбаларга кўра, Самарқанд шаҳристониининг ичига — Исфизор маҳалласига жойлашган Сомонийлар саройининг бир қисми очилди деб тахмин қилинди. Сарой IX асрнинг охирида, Самарқанд Мовароуннаҳрнинг маркази бўлиб турган вақтда қурилган эди.

1920 йилнинг майида Д. И. Нечкин (Тошкент) бошчилигида экспедиция тузилди. Бу экспедиция составида рассомлардан Вербов, Казаков ва Степанов, ўқитувчи Юсуповский ва инженер Иофан ҳамда В. Л. Вяткин, Б. Н. Кастальский ва М. Ф. Мауер ҳам бор эди. Экспедиция аъзолари ҳар бир ёдгорликнинг ҳолатини махсус актлар тузиб, ёзиб борди ва уларни сақлаш чораларини кўрди.

Самкомстариснинг 1922—1925 йиллардаги фаолияти Шохизинда ва Регистон мақбараларини текшириш ва ремонт қилиш (бир оз қозишма ишларини ўтказиш билан), Оқсаройни қозишга қаратилди.

Самкомстариснинг хизматларидан бири шу эдики, у ўтказилган дастлабки археологик қазилма ишларини (стратиграфия чуқурлари кавлаш ишларини) Улугбек ҳамда Шердор мадрасалари ва бошқа ёдгорликларни ремонт қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари билан боғлаб олиб борди.

«Самарқанд комиссиясининг ремонт ишлари методикаси соҳасида эришган муваффақиятларидан бири — қазилма ишларини олиб боришда, археологик текшириш жараёнида бинокорлик иши техникаси ўрганилганлиги бўлди» (А. Ю. Якубовский). Ўрта асрлар бинокорлик санъати тажрибасини ўрганишга бўлган истак Б. Н. Засипкин, М. Е. Массон ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида очиқ сезилиб туради.

Массоннинг ўрта аср меъморлари томонидан яратилган ёдгорликларни археологик жиҳатдан текширишнинг ўша даврга хос бўлган такомиллашган методларини топиш ва уни татбиқ этишдаги хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак (ортогональ проекцияларда кавлаш ва шурф қазил, ёғочлардаги кесмаларни ўрганиш ва ҳоказо). Ёдгорликлар тўғрисида маълумот берувчи шарқ қўлёзмаларини ўрганиш ишлари ҳам олиб борилди.

Ремонт-қайта тиклаш ишларига меъморчилик ва ўймакорликнинг асрий анъаналарини яхши билган тажрибали ўзбек ustalари (Абдунодир Абду Боқиев ва бошқалар) жалб этилди. Қадимий кошинкорларнинг баъзи бир сирларини ҳам аниқлашга муваффақ бўлинди. Шу нарса аниқландики, Самарқанддаги ўрта аср биноларининг деворига ёпиштирилган сопол безаклар сирланган яхлит тахтачалардан арралаб олинган экан.

1921—1922 йилларда М. Е. Массон Самарқанд атрофидаги жойларнинг тарихий-топографик планини тузиб чиқди. 1923 йили ва кейинги йилларда Массон шаҳардаги тор изли темир йўл ётқизилган районларда археологик кузатув ишларини олиб борди.

Қадимий ўзбек ёдгорликларини тасвирлаш ишларида бир группа рассомлар: Исупов, Казаков, Розанов, Столяров, Уста Мўмин (Николаев) ва бошқалар самарали иш олиб бордилар. 1925 йилдан бошлаб Оқсарой, Бибиҳоним ва Ишратхона мақбаралари деворидаги нақшларни рассом И. К. Мрочковский ўргана бошлади.

Шарқ қўлёзмаларини тўплаш ва сақлаш бўйича ташаббускор олимлар ва ўлкашуносларнинг фаолиятини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Октябрдан кейинги дастлабки йиллардаёқ Туркистон АССРнинг ҳукумат органлари (кейинчалик Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа совет республикалари) қўлёзма фондларни бирлаштириш ва уларни сақлаш, шу жумладан, Самарқанддаги қўлёзмаларни ҳам сақлаш масаласи юзасидан шошилган чораларни кўрди. Юзларча қўл-

ёзмалар тўпланди ва Туркистон Шарқ институтининг Тошкентдаги кутубхонасига топширилди. 1925 йил 6 декабрда Ўзбекистон ССР Халқ маориф комиссарлиги ҳузуридаги Академик марказ коллекциясининг қарори билан Самарқандда қадимий қўлёзмаларни сақлаш учун махсус жой ташкил этилди.

Самарқанд халқининг ҳаёти ва турмушини ўрганиш ишига этнографлардан М. С. Андреев, К. А. Гончарова, В. Г. Мошкова, Е. М. Пешчерова, А. К. Писарчик, М. К. Раҳимов, О. А. Сухарева ва бошқалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди. Улар кулолчиликни (ишлаб чиқариш техникаси, уларнинг формалари, шаҳарда кулолчиликни ташкил этиш ва ҳоказо), халқ тўқимачилик санъатини (бадий газламалар, зрдўзлик, кашта), халқ кийимларини ўрганди.

1921 йилда Самарқандга Россия моддий маданият тарихи академияси ва Бош музейининг архитектори А. П. Удаленков бошчилигидаги (П. П. Покришкиннинг шогирди) экспедицияси келди. Экспедиция составида архитекторлар билан бир қаторда машҳур рассом К. С. Петров-Водкин ва химик-керамикачи А. Т. Федотовлар ҳам бор эди. Тадқиқотчилар олдида Шоҳизинда ансамблидаги архитектура ёдгорликларини ўрганиш вазифаси турар эди. Экспедиция ўзининг асосий диққат-эътиборини ансамблнинг ер усти иншоотларини ўлчаш ва график қайд қилишга қаратди. А. Ю. Якубовский билан М. Е. Массон экспедиция томонидан бажарилган ишга баҳо бериб, бу иш Н. И. Веселовский ва унинг шогирдлари Гўри Амир бўйича олиб борган ишлар сингари тарихий архитектура ёдгорликларининг сақланиб қолган қисмларини қайд қилишнинг ўша чекланган принципи асосида олиб борилганини таъкидлаб ўтдилар. А. П. Удаленков 1925 ва 1927 йилларда ҳам Самарқандга келиб, Шоҳизинда ансамблидаги баъзи биноларни ўлчаб чиққан эди.

Немис олими, санъатдаги услублар тарихи бўйича мутахассис Кон Винер 1924 йилдан бошлаб Самарқандга икки марта келди. «Унинг ҳисоботларидан кўриниб турибдики, у бирламчи манбалар билан ҳам, предметга оид адабиёт билан ҳам мутлақо таниш бўлмаган» (В. В. Бартольд). Кон Винернинг дастлабки асрлардаги ислом маданияти тўғрисидаги фикрлари анча қизиқиш туғдирган (Самарқанддаги топилмаларни Самарра ва Реедаги топилмалар билан таққослаб кўрди).

1920, 1925, 1927—1928 йилларда Ўрта Осиёда, шу жумладан, Самарқандда бўлган академик Бартольд ҳам Самарқанд ва унинг округлари ўтмишига доимо қизиқиш билан қаради. Бартольд шаҳарнинг тарихини ўрганиш, унинг қадимий ёдгорликларини рўйхатга олиш ва сақлаш юзасидан олиб борилган ишларни диққат-эътибор билан кузатди, маҳаллий илмий-

Ўлкашунослик муассасаларига, ташкилотларга, айрим олимлар ва ўлкашуносларга маслаҳат ва консультациялар берди. Бартольд Петербург университетини тамомлаши биланоқ академик В. Р. Розенга ёзган мактубида Ўрта Осиё тарихига оид асарлар ёзиш ниятида эканини айтган эди. Бартольд умрининг охирига қадар ана шу ишларни муваффақиятли амалга оширди (у 1930 йил 19 августда вафот этди). Бартольдининг революциядан кейин ёзган «Улуғбек ва унинг замони» (1918), «Самарқанд ёдгорликлари тўғрисида янги маълумотлар» (1921), «Туркистон тарихи» (1922), «Улуғбек тангалари» (1922), «1924 йил ёзда Самарқандда олиб борилган археологик ишлар» (1925), «1924 йилда Туркистонда олиб борилган археологик ишларга доир» (1926) ва бошқа асарлари Самарқанд тарихига бевосита тааллуқлидир.

Бартольдининг шогирди — Ўрта Осиё феодали жамияти, унинг ижтимоий-иқтисодий тарихи, моддий ва маънавий маданиятининг машҳур тадқиқотчиси А. Ю. Якубовский (1886—1953) ҳам 20—30-йилларда Самарқанднинг ўтмиши ва унинг ёдгорликларини ўрганиш масаласи билан шуғулланди. Масалан, Самарқанд тарихига оид («Қадимий Самарқанднинг образлари» (1925); «Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд» (1933) ва бошқа ажойиб асарлар, шунингдек, Самарқандни археологик жиҳатдан ўрганиш тарихи очерклари (1940) А. Ю. Якубовский қаламига мансубдир. Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, Якубовский Самарқанд тарихини марксча-ленинча нуқтаи назардан ёритиб берди.

В. Л. Вяткиннинг қайноқ фаолияти Совет ҳокимияти йилларида ҳам давом этди. У ўзининг бутун билими ва куч-ғайратини халққа хизмат қилишга қаратган рус зиёлиларидан бири эди. Вяткин 1918—1919 йилларда область комиссари ёрдамчиси вазифасида ишлади, 1920 йилда ҳарбий органларнинг топшириғига асосан Бухородаги тарихий-археологик ёдгорликларни ҳисобга олди, кейинчалик Самарқанд область ижрокоми ҳузуридаги область план комиссиясининг аъзоси бўлди, мактабда дарс берди. «Рус мактаблари учун ўзбек тили дарслиги. Тайёрлов курси» (1918) ва «Рус мактаблари учун ўзбек тили дарслиги» (латинча транскрипция асосида) (1923) деган китоблар Вяткиннинг қаламига мансуб эканлигини кўплар ҳали билмаса керак. Вяткин Самарқанднинг туб жой аҳолиси ва руслар орасида катта ҳурмат ва обрў қозongan эди. Самарқанддаги кўпгина камбағалларнинг болалари Вяткин ёрдамида билим олганлар.

1922 йилда Вяткин Афросиёбда қидириш-қазилма ишларини яна бошлаб юборди ва 1930 йилгача давом эттирди. 1925 йилнинг ёзида шаҳарнинг ғарбий қисмида у хом ғишдан қурилган улкан бинонинг хароба изларини топди. Ана шу биноларнинг биридан ганчга ўйиб ишланган ажойиб панеллар

(ҳозир булар Самарқанд музейида сақланмоқда) ва деворга солинган суратларнинг намуналари топилди.

Вяткин Афросиёбда ҳаётнинг пайдо бўлишини IV—V асрларга тўғри келади деб айтган (биноқ у 1929—1930 йилларда ёзган кўлёзма материалларида Афросиёбдаги дастлабки маданний қатламлар Кушанлар даврига тўғри келади деб айтган эди).

Вяткин 1925 йилда Шоҳизинда архитектура ансамбли территориясида ҳам қазилма ишларини олиб борди. Бу ерда жумладан, мақбараларнинг «Ғарб дарвозаси йўлаги» бўйича қолдиқларни ўрганди.

1927 йилда Вяткиннинг «Афросиёб харобаси» номли китоби босилиб чиқди. Илмий-оммабоп тарзда ёзилган бу китоб айна вақтда унинг узоқ йиллар давомида олиб борган ишлари ва кузатишлари якуни ҳам бўлди. Вяткин (Бартольднинг сўзлари билан айтганда, «Самарқанд ва Афросиёбнинг энг яхши билимдони») асари зўр эътибор билан кутиб олинди. Бартольднинг фикрича, харобадаги археологик топишмаларнинг айрим категорияларига бағишланган боблар «ишнинг кўзини билиб ёзилган ва (унда) бундан бошқа бирор кимса айтишга ожизлик қиладиган кўпгина батафсил маълумотлар бор». Шу билан бир қаторда, янги тарихий адабиётдаги маълумотлардан етарли фойдаланилмаганлиги, муаллифнинг темага нисбатан тор доирада ёндашганлиги, унинг ишидан кўп планлилиқ ва темага нисбатан тарихий жиҳатдан кенг равишда ёндашишнинг йўқлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Вяткин асарига унинг вафотидан кейин А. Ю. Якубовский томонидан ёзилган тақризда: Вяткин ўз китобида «тарихчи сифатида эмас, балки буюмшунос-археолог сифатида иш кўрди» ва бир қатор масалаларни ҳал этиш учун тарихий манбалар сифатида ўзи тасвирлаган ашъвий ёдгорликлардан деярли фойдаланмади. «Бу кўпроқ тарихнинг ўзи эмас, балки тарихий асарга тўпланган материалга ўхшайди».

Вяткин ўз асарига Самарқанд тарихи бўйича катта асар сифатида қарамади. Фанни жон-дилдан севган, ўз ҳаётининг охири кунларигача унга содиқ бўлган, Самарқанд ва унинг округлари тарихини билиб олиш учун кўпгина ишлар қилган Вяткин айна вақтда ўзича етишган олим, махсус тайёргарлиги бўлмаган ўлкашунос-археолог эди, олис вилоятнинг оғир шароитида кўпинча ёлғиз ўзи ишлар эди. Вяткин революцияни ярим аср ҳаёт кечирган чоғида кутиб олди. Совет археологияси қарор топаётган пайтда Вяткиннинг янги йўналиш вакиллари мурожаат қилишига тўғри келмади. Табиийки, Вяткиннинг Афросиёб тўғрисидаги китобида унинг иш методи ва методологияси ўз изини қолдирган эди. Вяткин (у билан суҳбатлашган В. А. Шишкиннинг айтишича) «Шаҳар харобасининг умумий очерки билан Афросиёбга оид катта ҳисобот»ни



нашр этишга тайёрлашни кўзда тутган эди. Унинг шахсий архивидан ана шу умумий очеркка тааллуқли бўлган хомаки текстлар топилди.

Вяткин фан олдидаги ўз бурчини охиригача давом эттирди. Унинг ишидаги камчиликлар билан бир қаторда шу нарсани ҳам эътироф этиш керакки, Самарқанднинг тарихини ўрганиш борасида у қилган барча ишлар танқидий ўрганилса, совет фани учун катта фойда келтиради.

Вяткин 1932 йили вафот этди. Вяткиннинг илмий хизматларини ҳурматлаш юзасидан, у Самарқанд Регистонида дафн этилди, 1934 йил 29 декабрда эса олимнинг ҳоки ўзи очган Улуғбек расадхонасининг ёнига кўчирилди.

Вяткиннинг Афросиёбга оид якунловчи асаридаги юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликлар масаласига келганда, шуни назарда тутиш керакки, агар Вяткин, ҳатто, Самарқанд ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мураккаб проблемаларини ўрганиш вазифасини ўз олдига қўйган бўлса ҳам, Вяткин замонасидаги билимларнинг савияси жиҳатидан ҳам, унга хос бўлган методология ва иш методикасининг характери жиҳатидан ҳам бу вазифа муваффақиятли бажарилмас эди.

Шу боисдан янги босқич — Самарқанднинг тарихий ўтмиши ва унинг моддий маданият ёдгорликларини чуқурроқ ва кенгроқ, ижтимоий жиҳатдан пухта ўрганиш босқичи Вяткиннинг Афросиёб тўғрисидаги китоби босилиб чиқиши билан эмас, балки совет тарих-археология мактаби намояндаларининг илмий ишлари пайдо бўлиши билан бошланганлиги табиий бир ҳолдир.

Бу ерда кейинчалик Я. Ф. Ғуломов, Г. В. Григорьев, М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, А. И. Тереножкин, В. А. Шишкин, А. Ю. Якубовский ва бошқа шу каби тадқиқотчиларнинг катта бир группаси иш олиб борди. Самарқанднинг қадимий ёдгорликларини яхши билган ва моҳирлик билан тасвирлай олган ўзбек археологи Муса Саиджоновнинг фаолияти жуда фойдали бўлди.

Совет ҳокимияти йилларида шаҳарда пайдо бўлган олий ўқув юрталари: Ўзбекистон олий педагогика институти, Ўзбекистон педагогика академияси ва 1933 йил февралда ташкил этилган Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) Давлат университети ҳамда унинг тарих-иқтисод ва адабиёт-лингвистика факультетлари, университет қошидаги аспирантура Самарқанднинг ўтмиш тарихини ўрганиш ишини активлаштиришда катта роль ўйнади.

Советлар даврида олиб борилган дастлабки ремонт-тиклаш ишларида 1932 йилда Улуғбек мадрасаси шимол-шарқий минорасининг (баландлиги 36 м) тўғриланишини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. 1918 йилга келиб миноранинг тепаси

вертикалдан 1,8 метр оғиб кетди, бу эса жуда катта хавф туғдирадди.

М. Ф. Мауер ана шу тўғрилаш иши лойиҳасининг асосий муаллифи эди. Москвалик инженер В. Г. Шухов махсус конструкция лойиҳасини тузди. 1932 йил январидан ўрнатилган мосламалар (винтли айланма конструкция, кўтариш ричаги, миноранинг мустаҳкам пойдеворига маҳкамлаб қўйилган қўшалоқ рельслар ва шу кабилар) 800 тонна келадиган минорани 20 минут ичида вертикал ҳолига келтирди.

В. Л. Вяткиннинг вафот этиши, М. Е. Массон ва бошқаларнинг Самарқанддан кетиши туфайли тарихий ёдгорликларни ўрганиш ишларининг кўлами бирмунча торайиб кетди. Бироқ, А. Ю. Якубовский ҳаққоний равишда айтганидек (1940), «ажойиб Афросиёб жойлашган Самарқанд янада чуқурроқ ўрганиш учун предмет бўлиб қоладиган кун узоқ эмас, деб айтиш учун пайгамбар бўлишнинг ҳожати йўқ».

Самарқанд доирасида жуда қадим даврларда одамлар яшаганлиги 1939 йилда аниқланди (Н. Г. Харламов, М. В. Воеводский, В. В. Шумов асарлари). Сунъий кўлни («Комсомол» кўли) қуриш вақтида юқори палеолит давридаги ибтидий одам маконлари (гулхан излари; тош қуроллари: нуклеуслар, пичоқсимон пластиналар: буғу, тоғ такаси ёки зубр, ёввойи от ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари) топилди. Д. Н. Лев ҳозирги даврда ҳам ана шу жойларда мунтазам қазишма ишлари олиб бормоқда. У бу ерда ибтидий одамларнинг вақт ўтиши билан қайта-қайта тикланган маконлари бўлганлигини аниқлади. Айни вақтда собиқ Овраг кўчасидаги Г. В. Григорьевнинг топилмалари ҳам ўша санани кўрсатади. 1962 йили ибтидий аёлнинг (тўққизта тиши бўлган пастки жағи ва энгаги) суяклари топилганлиги катта қизиқиш туғдиради. М. М. Герасимов билан В. В. Гинзбургнинг фикрича, бу Ўзбекистонда ва бутун Ўрта Осиёда ибтидий одамларнинг дастлабки типининг суяклари ҳисобланади.

XV асрнинг иккинчи ярмида қурилган ноёб мақбара — Ишратхона биноси 1939 йилда (Г. А. Пугаченкова ва бошқалар) кенг ўрганила бошлади.

1941 йили Самарқандда Навоий музейининг беш отряддан иборат составда археология экспедицияси М. Е. Массоннинг умумий раҳбарлигида иш олиб борди. Экспедиция Улуғбек расадхонаси ва унинг саройини қазиш ишларини олиб борди. Шунингдек, Бибихоним ва Чўпонота мақбараларини ўрганди (археологик қазишма ишлари ҳам олиб борилди) ва Самарқанднинг шимолий атрофи тарихий топографиясини ишлаб чиқди.

Ўша 1941 йили Ўзбекистон ССРнинг махсус ҳукумат комиссияси Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида Амир Темурнинг ва унинг яқин қариндош-уруғларининг қабрларини

очди. Бу иш Т. Н. Қориниёзий бошчилигида 1941 йил 16 июндан 24 июнгача олиб борилди. Экспедиция составида антропологлар Л. В. Ошанин билан В. Я. Зезенкова, шарқшунос А. А. Семенов, химик-реставратор В. Н. Кононов, архитектор Б. Н. Засипкин, археолог В. А. Шишкин, адабиётшунос Ҳ. Т. Зарифов, фотограф И. И. Завалин, ҳайкалтарош-антрополог М. М. Герасимовлар бор эди. М. М. Герасимов Темур суякларининг қолдиқларига асосланиб, унинг ташқи қиёфасини ярата олди. А. А. Семенов Темур ва унинг авлодларининг қабр тошлари устига ёзилган ёзувларни биринчи марта илмий жиҳатдан тўғри ўқиб берди. Л. В. Ошанин Гўри Амир мақбарасидаги қабрларнинг ичидаги суяк қолдиқларини монографик жиҳатдан тасвирлаб берди. Л. В. Ошаниннинг «Темур ва Темурийлар скелетларини антропологик жиҳатдан тадқиқ қилиш» деган асари унинг вафотидан кейин 1964 йилда В. А. Шишкиннинг Темур, унинг ўғиллари Шоҳрух билан Мироншоҳ ва набиралари Муҳаммад Султон билан Улуғбек қабрларини текшириш тарихий-археологик якунларига бағишланган «Гўри Амир» мақоласи билан бирга босилиб чиқди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети тарих факультетининг археология кафедраси (М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Альбаум ва бошқаларнинг асарлари) Урта Осиё, жумладан, Темурийлар давридаги Самарқанд моддий маданиятини ўрганишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кафедрада Самарқанднинг тарихий топографияси ва ижтимоий структурасини ўрганиш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. М. Е. Массоннинг «XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд атрофидаги жойларнинг плани», «Амир Темур ва Темурийлар давридаги Самарқанд ҳисорини қайта тиклаш плани», «Самарқанднинг ўрта аср шаҳристонини қайта тиклаш плани», «XVI асрдаги Самарқанд шаҳрини қайта тиклаш плани», «Эрамиздан аввалги I мингинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб то XIX асрнинг охиригача Самарқанд, Бухоро ва Термизнинг ривожланиш диаграммаси» ва бошқа шу каби археологик-картографик асарлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон ССР ФА Тарих ва археология институти Афросиёбда қидирув ишларини амалга оширди. Бу ишлар 1945—1948 йилларда археолог А. И. Тереножкин экспедицияси томонидан олиб борилди. У 1945 йилда ташкил этилиб, Самарқанд археология базасига бошчилик қилди ҳамда Самарқанд ва унинг округлари тарихини ўрганиш ишига муҳим ҳисса қўшди. Бу археологик база 1950 йилгача ишлаб турди; 1948 йилдан бошлаб эса унга археолог В. Д. Жуков раҳбарлик қила бошлади. Тереножкин тахминан эрамизгача бўлган мингинчи йилларнинг ўрталарида (VI—IV асрлар) кўҳна шаҳарда маданий қатламларнинг борлигини стратиграфик кузатиш ва

аниқлашга муваффақ бўлди, бу Афросиёбнинг анча қадимий шаҳар эканлиги ҳақидаги илгари ўтган бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрини тасдиқлади. Бироқ тадқиқотчиларнинг ана шу даврдаги маданий қатламлар ўзи текшириб кўрган уч участкадаги сингари бутун шаҳар харобасида ҳам зич бўлган эди, деган хулосаси, кейинчалик аниқланганидек, далилларга муҳтож эди (1959 йилда ва ундан кейинги йилларда С. Қ. Кабанов, М. И. Филанович, Г. В. Шишкина, М. К. Пачос ва бошқаларнинг асарлари).

М. Е. Массоннинг шаҳар тарихини даврларга бўлиш тўғрисида (мўғуллар истилосигача бўлган давр) 1950 йилда босилиб чиққан мақолалари Самарқанд тарихини ўранишда муҳим воқеа бўлди. В. В. Бартольд, А. И. Тереножкин ва бошқа олимларнинг Самарқанд Кушанлар даврида инқирозга юз тутган эди, деган фикрларига қарама-қарши ўлароқ, Массон шундай фикрни олға сурдики, унинг фикрига асосан, «археология маълумотларига кўра, қулдорлик жамиятида шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври кангюй-кушан даврига, тахминан милодгача бўлган ва бундан кейинги дастлабки асрларга ва, айниқса, милодий I—III асрларга тўғри келади». Кейинчалик муаллиф Самарқанд тарихига мослаб феодал муносабатларининг дастлабки шаклланиш давридаги алоҳида босқичларини кўрсатиб ўтади, шу билан бир қаторда, ана шу босқичлардан учинчиси (IX—X асрнинг биринчи чорагининг охири) — Тоҳирийлар ва Сомонийлар ҳукмронлик қилган давр — Самарқанднинг иқтисодий ва маданий ҳаётининг янги гуркираб ўсган даври бўлиб ҳисобланади. Шаҳар XI—XII асрларда ҳам ривож топган. Бу даврда Мовароуннаҳрдаги ҳокимият турклар қўлига ўтади. Шундай бўлса ҳам, М. Е. Массоннинг мақоласи фанга шартли схема бўлиб кирган схемани қайта кўриб чиқишга даъват этади. Бу схемага асосан, Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби Самарқанд ҳам уч қисмдан — истеҳком, шаҳристон ва работдан иборат эди. Муаллифнинг фикрича, шаҳарларнинг индивидуал ривожланиш йўли жуда мураккаб бўлиб, Самарқанд уч қисмга эмас, балки ундан кўпроқ қисмларга ҳам бўлинган эди.

Ушбу мақоладаги барча фикрлар ҳам Самарқанд тарихи билан шуғулланган кейинги тадқиқотчилар томонидан шакл-шубҳасиз қабул қилинди, деб бўлмади, ammo шу масала атрофида шаҳарнинг қадимги ўтмиши тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш борасида тортишувлар давом этмоқда.

1956 йили М. Е. Массоннинг «Самарқанднинг Навоий давридаги архитектура-планлаштириш қиёфаси» номли (XV асрнинг иккинчи ярми) қисқача тарихий-топографик очерки диққатга сазовордир.

1958 йили Самарқанд ва унинг округлари тарихи бўйича тўла ва аниқроқ маълумотларни олиш мақсадида Ўзбекистон

ССР ФА Тарих ва археология институтининг махсус Самарқанд археология отряди тузилди (раҳбари В. А. Шишкин, 1967 йил баҳоридан бошлаб эса Я. Ф. Фуломов). 1958—1959 йилларда отряд Афросиёбда иш олиб борди, бу ерда шаҳарчанинг ғарбий ва шимолий қисмида бир қанча қазिशма ишлари ўтказилди. X—XIII асрлардаги қатламлар остида баъзи жойларда VI—VII асрлардан кеч бўлмаган даврга оид маданий қолдиқларнинг борлиги аниқланди. Ана шунга асосан В. А. Шишкин сўзларига кўра, «Милод бошларида қулдорлик даврида шаҳар Афросиёбнинг барча территориясини ишғол қилиб турар эди деган фикр ҳозирча тасдиқланмади».

Айни вақтда археологлар шаҳарчанинг жанубий, шимолий ва ғарбий қисмларида қазिशма ишлари олиб борган вақтларида эрамингача бўлган VI—IV асрларга доир қадимий буюмларни топди. Бу А. И. Тереножкиннинг (1945—1948 йиллардаги қазिशма ишлари бўйича) ана шу даврда Афросиёбда (аниқроғи — унинг территориясининг маълум қисмида) ва у ерда (Сўғднинг собиқ пойтахти) ҳам шаҳар типидagi жойлар бўлганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқлайди.

1958 йилда бутун Афросиёб территориясида чўзилиб кетган кенг чуқурлардан бири ҳам текшириб кўрилди. Аэропорт томонга кетаверишдаги йўлнинг чеккаларида (шаҳардан Афросиёб томон кириб бораверишдаги жойга) шурфнинг ўртасида қовланган жойда XII асрларга доир идишларнинг қолдиқлари ва Сомонийларнинг мис тангаси топилди. Қазिश ишлари натижаси Вяткиннинг фикрига ҳамоҳанг эди. Бундай чуқурлар ҳовузларнинг ўзига хос қолдиқлардир. Тадқиқотчилар чуқурнинг шарқий қирғоғида кулолчилик устаханаларининг қолдиқларини топди.

1947 йили А. И. Тереножкин Афросиёбнинг шимолий қисмида бошлаган қазिशма ишлари (1959 йил) ҳам давом эттирилди. Қазिशма ишлари олиб борган вақтда тахминан милодгача бўлган мингинчи йилларнинг ўрталарига оид биноларнинг қолдиқлари қовлаб топилди. Ана шундай бинолардан бирида сопол тахтачалардан қилинган меҳроб бор эди. Катта масжид территориясида ҳам унча катта бўлмаган ишлар олиб борилди. Бу масжид қолдиқларини В. В. Бартольд ва В. Л. Вяткин 1904—1905 йиллардаёқ топган эди. Қазिशма ишлари вақтида масжид поли ва унга қираверишдаги эшик ёндорининг бир қисми ва деворлари пишиқ ғиштдан ишланганлиги аниқланди. Боғи Шамол (Афросиёбдан ташқари) деган жойда археологлар катта бино пойдеворининг қолдиқларини кўздан кечирдилар. Бу қолдиқлар ҳар эҳтимолга кўра, Темурнинг «Боғи Шамол»даги саройи бўлса керак.

1958 йили З. П. Майсурадзенинг Афросиёб керамикасига бағишланган асари босилиб чиқди (Б. Н. Кастальскийнинг

Москвадаги Шарқ маданияти музейида сақланаётган коллекцияси). Ана шу керамика намуналари акс эттирилган рангли жадвалларнинг нашр этилиши фанга қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Бироқ тақризчиларнинг яқдиллик билан билдирган фикрига қараганда, З. П. Майсуродзе китоби текстининг илмий савияси паст бўлиб, унда кўпгина ноаниқликлар бор.

1959 йили шаҳар харобасининг ғарбий қисмида қазишма ишлари олиб борилган вақтда хом ғиштдан терилган жуда қалин деворлар (3 метргача), улкан уй-жой биносининг қолдиқлари (аэропортга кетаверишдаги йўлнинг ғарб томонида) топилди. Кейинчалик полларнинг қолдиқлари ва жимжимадор ғиштар ётқизилган ёки махсус олти бурчакли сопол тахтачалар ётқизилган катта уй-жой биноси комплексининг бир қисми топилди. Шунингдек, биноларнинг декоратив безаклари қолдиқлари: ганч ва лойга ўйиб ишланган нақшларнинг бўлаклари, деворга чизилган расмларнинг бўлаклари топилди. Бу бинолар комплексининг ана шу қисми, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, 1922—1930 йилларда Вяткин томонидан тадқиқ этилган бинонинг қисми билан боғлиқдир.

1959 йилдан бошлаб Самарқанднинг турли даврларда қурилган ташқи ва ички деворларига алоҳида эътибор берила бошлади. Бу масала шаҳар ҳаётининг ривожланиш жараёнини тушуниб олиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий адабиётда бу масалада аниқлик йўқ (деворларнинг сони, уларнинг узунлиги ва бошқа масалалар ҳали етарли аниқланмаган), шунинг учун ҳам археологлар янада куч-ғайрат сарфлашлари керак. Ҳаммаси бўлиб Самарқандда турли даврларда қурилган тўрт қатор девор харобалари аниқланди. Археолог Пачоснинг деворлардан энг қадимийси милоннинг IV асридан илгари қурилмаган бўлса керак, деган тахмини исбот талаб қилади. Шаҳарнинг ривожланиш схемаси IV—V асрлардан бошланди, деган фикр бир қатор тадқиқотларнинг мунозарасига сабаб бўлмоқда.

1965 йили Афросиёбда олиб борилган қазишма ишлари вақтида катта бинонинг харобалари (эҳтимол, саройга ўхшаш бинодир) да VII асрда деворга ишланган расмларнинг топилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1965—1968 йилларда археолог И. Ахроров, Л. И. Ремпель иштирокида олиб борган қазишма ишлари вақтида X асрга оид гумбаз шаклидаги залнинг харобалари орасидан ажойиб нодир ўймакорлик намуналари топилди; зални реконструкция қилиш ишларини Л. И. Ремпель амалга оширди. У шу нарса-ни қайд қилиб ўтдики, зални безаш архитектура услуби сўғдларнинг маҳаллий анъаналарини ва халифалик давридаги барча санъат анъаналарини ўзида мужассамлантиргандир.

Самарқандда Ўзбекистон ССР ФА Тарих ва археология институтининг доимий илмий-археология базасини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу база шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш кунларида ишга туширилди. Ҳозирги кунларда Афросиёбда олиб борилаётган археология қазииш ишларида совет археологлари ёш авлодларининг кўп сонли отряди (А. А. Абдуразоқов, Т. А. Аъзамхўжаев, А. Асқаров, И. Ахроров, Л. Г. Брусенко, Д. П. Вархотова, Ғ. Дадабоев, М. Д. Жўрақулов, Я. К. Крикис, А. Муҳаммаджонов, Н. Б. Немцова, М. Пачос, Е. Б. Пругер, Ш. Тошхўжаев, М. Н. Фёдоров, М. И. Филанович, Г. В. Шишкина ва бошқалар), шунингдек, археологлардан Л. И. Альбаум, Ю. Ф. Буряков, С. К. Қабанов, О. В. Обельченко, В. И. Спришевский ва бошқалар актив қатнашмоқдалар.

Совет даврида Улуғбек расадхонаси харобаларини қидириш бўйича ишлар янада кенг қулоч ёзди. 1941—1948 йилларда бу ерда археологлардан И. А. Сухарев ва В. А. Шишкин раҳбарлиги остида қазиишма ишлари олиб борилди. Ўрта Осиёдаги тарихий-архитектура ёдгорликларининг моҳир билмдонлари П. Н. Засипкин, кейинчалик эса В. А. Нильсен расадхонанинг умумий қиёфаси тахминий кўринишини яратди. Бу ўша даврда бўлганидек, уч қаватли доира шаклидаги яхши безатилган бино тарзида тасвирланган.

1966—1967 йилларда Ўзбекистон ССР ФА Тарих ва археология институти билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги қошидаги маданий ёдгорликларни сақлаш Бош бошқарма ходимлари қўшимча равишда етгита қазиишма ишларини амалга оширди ва расадхона атрофидаги тепаликда олтига шурф қазиди. Я. Ғ. Ғуломов, Ю. Ф. Буряков ва бошқаларнинг илмий ишларида шу нарса кўрсатиб ўтилдики, ана шу ердаги айланма пойдевор расадхона биносининг пойдевори бўлиб, хизмат қилган. У Чўпонота тошидан урилган (пойдеворнинг эни 2—6 метр бўлиб, тепаликнинг марказида бўртиқ жой бўлган). Пойдеворнинг жанубий қисми қалинлиги эса 3,3 метргача етган бўлиб, пештоқ қисмининг пойдеворига ўтиш жойида эса 10,5 метр очиқ жой қолган. Бу ер расадхонага кирадиган жой бўлган бўлса керак. Умумий кириш йўли бинонинг икки томонида расадхонанинг асосий ускунаси «судси Фаҳри» ёнида бўлган. Ташқи айлана контури бинонинг тўрт бурчакли планини бекитиб турар эди, иккала шакл ҳам унинг функционал белгиси билан ҳамоҳанг эди (астрономия асбобларининг жойланиши билан). «Судси Фаҳри» секстантининг ўзи эса расадхонанинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, эътидол билан кесилгунча бўлган масофада девор йўқ эди. Эътидолнинг шимолроғида бир-бирига параллель бўлган иккита девор бўлиб, унинг ёнида йўлакка ўхшаш жой бор эди. Уларнинг

орқасида эса хоналар бўлган. 1969 йили Г. А. Пугаченкова ўзининг расадхона биносини реконструкция қилиш варианты-ни таклиф этди.

Машҳур Улуғбек расадхонасининг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганишга тадқиқотчиларнинг диққат эътибори янада кучайди. М. Е. Массоннинг расадхона тарихи, жойлашғи ва иш натижаларига бағишланган брошюраси (1941 йил) ва Н. И. Леонов (1949), В. П. Шчеглов (1958) ва бошқаларнинг илмий-оммабоп брошюралари билан бир қаторда, 1950 йилда Т. Н. Қориниёзовнинг Улуғбек астрономия мактаби тўғрисидаги катта илмий асари босилиб чиқди. Бу асар Давлат мукофотига сазовор бўлди (1967 йили бу асар Т. Н. Қориниёзовнинг асарлар тўпламида иккинчи марта нашр этилди). XV асрнинг ўрталарида Улуғбекнинг Самарқанд расадхонасидаги кузатишлари бўйича тузилган астрономия жадвалларининг янги илмий нашрини чоп этиш ҳам кўзда тутилган. Тўққиз юзта юлдузнинг географик узунлиги ва кенлигини аниқлашга бағишланган бу катта асар — Улуғбек юлдузларининг каталоги деб аталади.

1961 йилдан эътиборан Н. С. Гражданкина бошчилигидаги бир группа илмий ходимлар Шоҳизинда архитектура ансамблини ана шу комплекс ёдгорликнинг узоқ муддат қурилиш тарихини янада тўлароқ ўрганиш ва ҳужжатлаштириш мақсадида мунтазам равишда тадқиқот иши олиб боришга киришди. Текширувлар натижасида ҳозирги биноларнинг тагида IX—X асрларда қурилган турар-жой биноларининг қолдиқлари жойлашганлиги аниқланди.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Самарқанднинг тарихий архитектура ёдгорликларини батафсил ва чинакам илмий асосда тасвирлаган асарлар революцияга қадар бармоқ билан санарли бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бундай асарлар ўнлаб топилади. Кўпгина совет археологлари, архитекторлари, санъатшунослари ўз куч-ғайратларини ана шу ёдгорликларни ўрганишга сарфламоқдалар.

Баъзи бир ёдгорликларга бағишланган айрим йирик нашрлар пайдо бўлмоқда. Бир группа олимлар томонидан тайёрланган «Ишратхона мақбараси» асари (1958), Г. А. Пугаченкова билан Л. И. Ремпелнинг «Ўзбекистоннинг машҳур архитектура ёдгорликлари» китоби (1958) ва бошқа асарлар бунга мисол бўла олади.

Октябрь революциясидан кейинги йилларда Самарқанддаги кўпгина тарихий-архитектура ёдгорликларини илмий жиҳатдан тасвирлаш ва ўрганиш, уларни яхши сақлаш, ремонт қилиш ва қайта тиклаш масалаларига катта эътибор берилди. Ана шу вазифани ҳал этиш учун ҳукумат тобора кўпроқ маблағ ажратмоқда. Бу борада олиб борилди-



ётган ишларнинг кўлами ва илмий савиясини революциядан олдинги даврдаги ишлар билан асло таққослаш мумкин эмас. Бу ишларда ўнлаб мутахассислар — археологлар, санъатшунослар, архитекторлар, инженерлар, техниклар, декораторлар, рассомлар, халқ бинокор усталари қатнашдилар ва қатнашмоқдалар. В. В. Бартольд, И. Ф. Бородин, Л. Л. Бурэ, Б. В. Веймарн, А. В. Виноградов, В. Л. Вяткин, Я. Ф. Гуломов, Н. С. Гражданкина, Б. П. Денике, В. Д. Жуков, Б. Н. Засипкин, А. В. Исупов, И. С. Қазаков, Б. Н. Кастальский, В. А. Лавров, М. Е. Массон, М. Ф. Мауер, И. К. Мрочковский, Г. Н. Никитин, В. А. Нильсен, И. И. Ноткин, И. Е. Плетнев, Г. А. Пугаченкова, Ш. Е. Ратия, Л. И. Ремпель, Д. К. Степанов, О. А. Сухарева, С. Судаков, А. К. Татевосьян, А. И. Тереножкин, Г. Н. Томаев, А. П. Удаленков, И. И. Умняков, Ю. З. Шваб, В. А. Шишкин, С. И. Юренев ва кўпгина бошқа олимларнинг номлари Самарқанднинг тарихий архитектура ёдгорликларини ўрганиш ва илмий жиҳатдан қайта тиклаш юзасидан олиб борилган ишлар билан боғлангандир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, марҳум Уста Ширин Муродов, Абдуҳафизнинг номлари, ўрта авлод намояндалари (ака-ука Қудрат, Мирсаид, Мирумар, Мирусмон Саидовлар, уларнинг ёш шоғирдлари Нажим Мирсадиев, Исмоил Ҳафизов, Хорис Файтоев ва бошқалар) нинг номлари халқ бинокор усталарининг катта плеядаси орасида айниқса машҳур ва ҳурматга сазовордир. Гўри Амир мақбарасини қайта тиклашда ўймакор усталардан Турсун Аҳмедов билан Ёқуб Рауфов рассом Нина Волкова, санъатшунос Ираида Бородина, реставраторлар бригадасининг бошлиғи Страганов, билим юртининг талабаси Валентина Романова ва бошқа кўпгина кишилар актив иштирок этдилар.

Самарқанднинг ўзида ремонт қиладиган ва қайта тиклайдиган устахоналар пайдо бўлди ва улар доимо ишлайдиган йирик корхоналарга айлантирилди. Бу корхоналар Самарқанддаги тарихий-архитектура ёдгорликларини тиклашда самарали ва тобора кенг кўламда иш олиб бормоқда.

Бизнинг кунларимизда ўрта асрнинг машҳур меъморлари томонидан Регистон майдонида бунёд этилган Гўри Амир мақбараси ўзининг гўзаллиги ва салобати билан замондошларимиз диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Шоҳизинда ансамбли мақбараларининг ўтмиш қиёфасини тиклаш борасида кўп иш қилинди. Муҳташам Бибиноним масжидининг гумбази ва деворлари қолдиқлари янада ўзгаришининг олдини олиш чоралари тўғрисида қарор қабул қилинди (бу иш техника фанлари кандидати Э. М. Гендель раҳбарлигида олиб борилмоқда). Бу борада 40-йилларнинг охирида архитектор

Ш. Е. Ратия томонидан амалга оширилган ана шу улугвор иншоотнинг график реставрацияси (реконструкция) тажрибаси қизиқарлидир. Бу реставрация Г. А. Пугаченкованинг берган баҳосига қараганда, «Ўрта Осиёдаги ажойиб меъморлик ёдгорлигини тарихий-архитектура жиҳатдан ўрганиш борасида узоқ вақт давомида монографик намуна бўлиб қолади.

Шаҳарнинг тарихий-архитектура ёдгорликларини ўрганиш вақтида қадимги бинокорлик материалларининг технологияси масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда (Н. С. Гражданкина ва бошқаларнинг асарлари).

Самарқанднинг қадимий бинолари ва шаҳар ёдгорликлари билан қизиқаётган кўпгина кишиларга мўлжаллаб юксак илмий савияда ёзилган Самарқандга оид йўл кўрсаткичлар, унинг айрим ёдгорликларига бағишланган брошюралар (Ю. Н. Алескеров, М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, И. И. Умняков ва бошқаларнинг асарлари), бадий жиҳатдан чиройли қилиб ишланган кўплаб откриткалар, турли тилларда чиққан буклетлар ва шу кабилар кўп нусхада чоп этилган.

Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишланиб, 1969 йилнинг январида Самарқандда ўтказилган қўшма илмий сессия Самарқанднинг ўтмишини ва ҳозирги аҳволини ўрганиш тарихида сезиларли ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат университети уюштирган бу сессия ишини ЎзССР Фанлар академияси президенти О. С. Содиқов кириш нутқи сўзлаб очди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академикларидан И. М. Мўминов, В. А. Абдуллаев, Я. Ф. Фуломов, Т. Н. Қориниёзов, С. К. Зиёдуллаев, фан докторлари Е. А. Давидович, Ҳ. Ш. Иноятов, Б. В. Лунин, Г. А. Пугаченкова ва кўпгина бошқа олимлар Самарқанднинг тарихи, археологияси, тарихий географияси ҳақида доклад қилдилар ва ахборот бердилар.

1969 йилнинг сентябрида Самарқандда Темурийлар даври санъатига бағишланган ЮНЕСКО халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Бу симпозиумда совет олимлари (И. М. Мўминов, Г. А. Пугаченкова, Ҳ. Сулаймонов ва бошқалар) ҳамда чет эл фанининг намояндалари — Б. Грей (Англия), Е. Грубе (АҚШ), Мир Ҳусайн Шоҳ (Афғонистон) ва бошқалар доклад қилдилар.

Шу нарса ҳам табиийки, совет олимлари қадимий ва ўрта аср Самарқандининг тарихинигина эмас, балки Самарқанднинг Россия империяси составига қўшиб олингандан кейинги тарихини ва, айниқса, шаҳарнинг Октябрь революциясидан кейинги тарихи, совет Самарқанди тарихини ҳам ўрганмоқдалар. Марксча-ленинча методология билан қуролланган тарихчилар ва иқтисодчилар шаҳар тарихига оид фактларни қайд

қилиш билангина кифояланиб қолмай, балки шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини, совет Шарқида йирик социалистик шаҳарлардан бирининг реконструкция қилиниши ва ўзгартирилишини чуқур ўрганиб, акс эттиришга ҳаракат қилмоқдалар. Совет тадқиқотчилари Самарқанддаги революцион ҳаракат тарихига, бу шаҳарда Совет ҳокимиятининг тантана қилиши ва мустақамланиши учун олиб борилган кураш тарихига катта эътибор бермоқдалар. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсати Самарқанд шаҳри ва унинг округларининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланишига самарали таъсир кўрсатганлиги ана шу асарларнинг ҳаммасида акс эттирилгандир.

Самарқанднинг янги ва энг янги тарихини ўрганиш борасида С. А. Акрамов, М. У. Аминов, В. И. Ефимов, М. Михайлов, Т. Саидқулов, М. М. Абрамов, М. А. Фаттоев, М. А. Израилов ҳамда Самарқанд ва мамлакатимиз бошқа шаҳарларидаги кўпгина тарихчилар самарали иш олиб бормоқдалар. Самарқандда ўрта асрлардан бошлаб ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожланиш тарихига И. М. Мўминов кўпгина куч-ғайрат сарфлади, адабиёт тарихи бўйича эса В. А. Абдуллаев самарали иш қилди.

